

Рашод Нури Гунтекин

Муҳаббат симфонияси



84(5Турк)
Г-93



(Дудоқдан қалбга)

Роман ва ҳикоялар

Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент—2011

УДК 821
84(5Тук)
Г95
ББК 84 (5Тук)

Туркчадан
Миразиз Аъзам таржимаси

ISBN 978-9943-03-372-6

© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011 йил. (Тарж.)

ТАРЖИМОНДАН

Атоқли турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекиннинг "Чолиқуши", "Яшил кеча", "Тамға" ва "Хазонрезги" романлари ўзбек тилида нашр қилинган. Етти қисмли "Чолиқуши" сериали телевидение орқали кўп бора намойиш этилган. 2011 йилда "Муҳаббат симфонияси" романи асосида янги сериал ҳам томошабинларни мамнун этди.

Рашод Нури Гунтекин 1889 йилда Истанбулда врач оиласида туғилган. Адабиёт факультетини битириб бир неча йил ўқитувчилик қилган. Ижодий фаолиятини Биринчи Жаҳон уруши йилларида театр танқидчиси, мақоланавис ва драматург сифатида бошлаган. 1921 йилда чиққан биринчи романи "Гизли ал" ("Махфий қўл")да эркин бозор шароитида чайқовчиликнинг авж олгани кўрсатилган. "Чолиқуши" (1922)да эса Онатўлининг олис қишлоқларига бориб ишлай бошлаган ёш ўқитувчи Фариданинг ҳаёти кенг ижтимоий жараёнларда жўшқин, ҳаётий ва табиий тил билан ҳаққоний акс эттирилган. "Яшил кеча"(1928) романида турк халқининг миллий-озодлик кураши, зиёлиларнинг адолатли тузум яратиш йўлида кўрсатган фаолиятлари, мутаассибларнинг кирдикорлари катта маҳорат билан гавдалантириб берилган. "Тамға" (1924), "Ачиниш" (1928), "Хазонрезги" (1930) романларида муаллиф теран ижтимоий муаммолар – шахс ва жамият муносабатларини ўртага қўяди. Шунингдек, "Оқшом қуёши" (1926), "Хотин душман" (1927), "Кўк юзи" (1935), "Эски хасталик" (1938), "Тегирмон" (1944), "Мискинлар такяси" (1946) каби ва бошқа романлари ҳам турк насри тарихида муҳим ўрин эгаллайди.

Рашод Нури Гунтекин айни чоғда атоқли драматург ҳамдир. Унинг "Ханжар" (1918) "Тош парчаси" (1926), "Баликесир ҳисоблашмаси" (1953), "Тангритоғ зиёфати" (1955) сингари саҳна асарлари ҳам маълум ва машҳурдир.

У рус, француз ва бошқа бир қанча халқларнинг муҳим асарларини туркчага таржима қилган. "Толстой, ҳаёти ва асарлари" (1933) китоби ҳам қўлма-қўл бўлиб ўқилган. "Онатўли чизгилари" (1936–1966) номли икки жилдлик саёҳатнома китобидан ташқари, "Тангри меҳмони" (1927), "Сўнган юлдузлар" (1927), "Лайли ва Мажнун" (1928) "Ўлаган ишлар" ("Фавқулодда ишлар" – 1930) каби ҳикоялар тўпламлари ҳам нашр этилган. Унинг номи ва асарлари Оврупо ва Осиёнинг деярли барча мамлакатларида ҳам таниқли ва севимлидир.

қонуни ҳадя этиш умидида юрибман... Сен бу издивожларнинг мевалларини бир тасаввур эт... Масалан, манави ола-булагина кристалл тошларга ўхшаган "Моҳи саҳар" билан гунафша ёхуд гулдан олинган бир маҳсул... Гунафша ёхуд гулнинг ҳидини бир лаззат ҳолида сизу бизга берган бир узум. Кўряпсанки, мен ҳам шоир, ҳайкалтарош ёки фалонпистон каби ҳаёт яратган бир санъаткорман...

Вафиқ Пошо қаҳқаҳлаб кулар, бир оз олдин бир дона узум ҳам ейишга мажоли йўқлигини айтган бўлишига қарамай, ҳозир ҳар вазанинг олдида алоҳида-алоҳида тўхтар, ҳар бирини кўлига олиб лампага тутар, ҳаммасидан бир қанча ғужумини тотиб кўрарди.

Шаҳзода Вафиқ Пошо билан Мунирбей жуда эскидан бир-бирларини танирдилар. Қирқ йил аввал, оилалари бирини Измирдан, бошқасини Мисрдан, Парижда таҳсил олсин учун жўнатишганди. Бу икки ёш дарров топишиб олишди, бирга яшашди, оз ишлаб кўп маишат қилишганди. У замонга оид хотиралари бор эдики, йиллар ўтган сайин ораларидаги боғлар янада кучланганди. Сўнгроқ тасодиф уларни Истанбулда бирлаштирди. Иккиси ҳам беш йилча Шўрои Давлат аъзолигида ҳамкор бўлгандилар. Ниҳоят, Мунирбей элчихона котиблиги билан бир қанча йиллар Лондонда бўлганди. Ҳар йили бир неча ой Англияда яшашга борадиган Вафиқ Пошо эски дўсти билан тез-тез учрашиб-гурунглашиб турарди.

Шаҳзода Вафиқ кибор, жентельмен, бир оз совуришга майлли бир одам эди. Катта амалларга, катта фикрларга боғланишдан руҳими нимадир бахтли бўлолмасди. Ўзини бир вазифа асири бўлиб қолмасликка ўргатиб, кенг фикрлиликдан қочар, бир ҳаёт интизомини қабул қилмайдиган даражасида санъаткор руҳли деб ҳисобларди.

Хотинининг вафотидан кейин ҳеч бир жиддий иш билан машғул бўлмаган, кичик бир қизи билан бирга юртма-юрт кезгани кезган эди. Кибор денгиз шаҳарларининг, машҳур от пойгаларининг, айниқса кўргазма ва театрларнинг мавсумини қочирмасликка ҳаракат қиларди. Борган ерларида доимо санъаткорлар билан борди-келди қилар, улар билан алоқада бўлишни бир нави фазилат деб биларди. Жиддий ақраболар бу ҳолларини ёқтиришмас, унинг тинч бир ахлоқли "санъат сарсариси" бўлиб қолганини афтига айтишарди. Бу гап-сўзлар қулоғига чалинганда ўзини баланд олиб кулар, муҳташам бир амр билан: "Санъат асллиги ҳеч бир асллик билан қабули муқояса эмасдир... Бу "санъат сарсариси" унвони менга бутун унвонларимдан ортиқроқ ғурур беради" дерди. Асиллик ва келиб чиқиши (шажараси)дан баҳс очилганда ва ўзига "Шаҳзода" деб мурожаат қилганларида сиқилгандай кўринар, ҳорғин, калондимоғ тусга кирарди. Айни чоғда "ким бўлганини" билмасликларига ҳам чидай олмасди. Бирон йиғинда бегоналарга дуч келиб қолса, "ким бўлганини" англатгунча ўлгудай изоҳ бера-бера, жуда қийналиб кетарди. Томирида чинакам шаҳзода қони борлигини айта-айта, шундан кейингина бошқа дўстлари даражасига тушар, ким бўлганини унутмасликларини

илтимос қиларди. Ресторан ва майхона деворлари учун тарвуз, узум, балиқ, катта денгиз қисқичбақаси лавҳаларини тайёрлайдиган номи улуғ, супраси қуруқ "ўлик табиат" рассомлари маст-аластлиги туфайли оркестрлардан ҳайдалган сарсари чолғувчилар ундан фикр олишга келардилар. Вафиқ Пошо, санъатга оид бир қанча фикрлар ва мутолаалар билан бирга, уларга бир миқдор пул ҳам берарди.

Қизи Жовидонни, портатив (кўчма) дорихонаси ва қимматбаҳо тасбеҳ коллекциони билан қаергаки борса, ўзи билан бирга олиб кетарди. Узлуксиз харидорларга жавоб бериш билан ўтган бу "юксак сарсари" ҳаёти сабабли, Малика Жовидон асосли бир таҳсил ва тарбия кўрмаганди. У ҳам, отаси каби, ўзини ўта билимдон ҳисобларди, у ҳам санъатни қимматбаҳо бир безак ёки нақш каби қўлларди. Фақат чиройли чеҳраси каби бой, эътиборни тортувчи закоси бор эди. Мажмуалардан, адабиёт китобларидан, санъат аҳли уюшмаларининг сафсатабозлари тўпланганда айтадиган илдизсиз, лекин жимжимадор, рангдор фикрларидан қўлидан келганча фойдаланар, ўртани идора қилар, отаси каби, нутқ бошлар-бошламас, етакчилик қилишга уринарди.

Мунирбей бир оз дарвиш табиатли, содда, маъқул бир одам эди. Бу ота-боладаги юзаки қизиқиш ва санъат ҳаваскорлигини ўзларига сездирмай, енгил қочиримлар ила кулги қиларди. Шундай бўлгани ҳолда иккисини ҳам севарди. Гарчи мақтанчоқлик душмани эди. Лекин уларнинг бошқалар эмас, ўзларини алдатиб масъуд бўлишларини кўраркан, бу мақтанчоқликда содда, соф бир самимият борлигини ҳам инкор этмасди.

Ўн йил олдин Измирдаги боғларига чекинган Мунирбей, эски оғайнисини талай вақтдан бери кўрмаганди. Вафиқ Пошо ора-сира унга мактублар ёзар, "ҳам ёрни эски дўстчасига бир-икки кун иҳёйи хотироти шабоб этмак (ёшлик хотираларини жонлантирмоқ), ҳам Ойосулуғ харобалари боқайайи бадиийясини интоқ ила (тенги йўқ гўзалликдаги изларни, жонсиз борлиқларни гапиртириш санъати) ҳузури тарихда бир қанча соати истиғроқ (илоҳий ишқ билан жўшмак, ўзидан кечмак) кечирмак истайман" дер эди.

Ниҳоят ўша ёз бу орзуни амалга оширишга вақт топган, бу мерос иш учун Истанбулдан Мисрга ўтаркан, беш-олти кунни ўтказишга Измирга йўл олган эди.

* * *

– Дада, нега мен билан боролмадингиз?.. Шундай бир фурсатни бой бердингизки...

Вафиқ Пошо билан Мунирбей бошларини пешайвон тарафга ўгирдилар. Жовидон кечанинг гўзал андомига бир ҳайкал виқори берган чорчаваси ичида турар, чордоқнинг қўрғошин нақшлари юзида, оқ либосларида ўйнашарди. Мезбон, ёш қиз томонга қараб юрди. Баланд вужудини бир оз эгиб, енгил ҳазил аралаш расмият билан:

– Малика, – деди, – марҳамат қилиб бир дақиқага ичкари киринг... олий зот отангизнинг содиқ бир эски дўсти сифатида сизга муҳташам, ҳукмдорона ҳадям бор... "Муҳташам, ҳукмдорона" дейишимга куляпсиз-а... Ким билади, ҳозиргача сизга қандай бебаҳо ҳадялар беришган экан одамлар... Уларни тақдим этганларнинг доимо ичи куйган, сизга лойиқ бир нарса ололмаганидан маҳжуб бўлгандирлар... Мен аксинча ҳадям учун ғоят ғурурланаман, малика... Абадиян яшаяжак бир ёдгор, етти йилда вужудга келган жонли бир шоҳ асар.

"Инсон ҳаётни ҳам ярата олади" дея кўрсата оладиганим бир асар...

Ота билан қиз бир-бирларига қараб кулардилар. Мунирбей масанинг ўртасидан четлари ўймали бир биллур вазани олди. Ичида оч яшил бир бош узум бор эди... Уй соҳиби вазани чироққа тутди:

– Буни қаранг, малика... Қайси асотир афсонасининг зумрад бошларида бундан ширинроқ бир яшиллик ўзини кўз-кўз қила олади... Ичларига диққат қилинг... учтадан, тўрттадан шингиллари, шингилларида шаффоф ғужумлари борки, олмос тошларига ўхшайди... Бамисоли бу зумрадларни, ичларидан ёритадиган нурни, ғужумлар кўпайтиради....Етти йиллик заҳматимнинг маҳсули бўлган бу узум, рухсатингиз билан, сизнинг номингизни ташиса, дейман... Инсоният уни "Малика Жовидон" деб атаса...

Мунирбей кўзларида яширин бир истеҳзо нурлари билан давом этди:

– Ҳадям нима учун "муҳташам, ҳукмдорона" деганимни энди англагандирсиз. Инжу, зумрад нақадар узун бўлса, шу қадар бир муайян умри бор.. Бу бир бош узум тароватини эрта тонггача бир куч муҳофаза этади. Фақат келаси йил, ундан кейинги йил, ундан кейинги аср, хуллас, дунё дунё экан, такрор-такрор ҳаётга келаверади... Малика Жовидон ҳар йили ёз охирида шундай энг гўзал кечасида янгитдан туғилиб яшайверади...

Жовидон узум бошининг учидан бир кичик шингилни узди. Кулганча уч-тўрт игна билан ёқасига илаштирди.

Узум кўргазмасини қолдириб пешайвонга чиққандилар. Вафиқ Пошо қизидан сўради:

– Қаерларда айландинг, Жовидон?

– Боғнинг нариги чеккасигача бордим... Ойдинда боғлар ичида юриш нақадар гўзал бўлади-я, дада... Ҳеч диққат қилмагандим.... Ерлар бошдан-оёқ яланг, дарахтсиз... Шунчаки унда-мунда устунларнинг кичик кўлкалари бор... Тўсатдан қарши ёқлардан бир камон (ғижжак) овози кела бошлади... Машҳур "Шарқ ноктюрн"ини чаларди...Ҳамда қандай гўзал, қандай фавқулодда бир чалиш, дада...

Шаҳзода Вафиқ оғир-оғир бошини лиқиллатиб изоҳ берди:

– "Эксекюсён"инг "фамо" бир нарса бўлишини тахмин этолмайман... Менимча, ойдин сенинг "эмпресионабилете"нгни орттирди...

Сўнгра Мунирбейга ўгирилди:

– Бу "Шарқ ноктюрнлари" нақадар катта шуҳрат қозонди... Қаерга борсам унга дуч келаман... Тасаввур этки, майхона ва қаҳвахона граммофонлари ҳам уни чалади...Айни чоғда, ҳар неки бўлса-да, Арабдарасининг бу туркана декорацияси ичида бу "мусиқа" ғалати (бегона) кўринади...

Уй соҳиби жавоб берди:

– Сизларга бундан ҳам ғалатироқ бир нарса айтай...Бу фаранги "Шарқ ноктюрнлари" шу туркана Арабдарасидан туғилди... Бастакори Ҳусайн Канон исмли Измирдан келган бола... Тез орада бу ерда, бу Бўзёқа бўйларида улғайди... Малика, камоннинг жуда яхши чалинганини айтаркан хато қилмади... Чунки уни шахсан бастакорнинг яқинидан тинглаган. Ҳусайн Канон икки кундан бери шу ерда, тоғасининг боғида меҳмон бўлиб турипти...

Ота билан қиз ҳайрат ва ҳаяжон ичида бир-бирларига қараб қолишди.

Мунирбей сўзида давом этди:

– Ҳусайн Канон – боғ қўшним Соиб Пошонинг жиянидир... Кичик ёшидан бери танийман. Уятчан, одамови, дийдорига қараб тўйиб бўлмайдиган бир бола эди. Баъзи сабабларга кўра, Соиб Пошо синглисини ҳам, жиянини ҳам севмасди. Соиб Пошо бирда-иккида баладия раиси этиб сайланган, шу мансабнинг мазасига ўрганиб қолган телбасифат бир одамдир. Негадир қондош-жондош синглисининг одам бўлмаслигига инонар, бирор касб орттириб ишлаб кетишини хоҳларди. Мен ўртага тушиб Муҳандис мактабига ёздирдим. Мактабни қийналиб битирди. Бир неча йил кичик идораларда айланганини, бир замон эса Истанбулда мусиқадан сабоқ бериб фақирона яшаётганини эшитардим. Ҳалиям эсимда, бир кун Соиб Пошога дуч келиб қолдим. Синглиси ва жиянини қора тупроққа қориб роса ёмонлади... Нимаймиш, Канон онасининг Кемералтидаги кичик дўконини сотиб Оврупога кетганмиш...

Уч-тўрт йил ундан хабар олмагандим. Ўтган кунларнинг бирида бир Оврупо мажмуасини титкилаб ўтирардим. Кўзимга Канонга ўхшаган бир расм илашди.... Расмнинг остидаги ёзувни ўқидим: "Ёш ва қадрли турк виртуози Ҳусайн Канон" дейилганди. Мажмуада яна бир танқид мақоласи ҳам бор эдики, у берган концертдан баҳс этарди: Канон, катта истеъдодини кимларгадир бериб қўйганмиш, концертнинг ўз басталарига оид бўлган қисми эса ҳаммага ёққанмиш...

Истанбул матбуотининг сармоясиз, миш-мишларга берилмаган бир замони эди. Газеталардан бири, Канон тўғрисида ёзилган мақолалардан бир нечтасини таржима қилди... Сўнгра бошқа газеталар ҳам, ўша давр одатига кўра, устун-устун бандлар ёзишди. Оврупо бир одамнинг маҳорати ва аҳамиятидан баҳс очса, табиий у одамдан ортиқ шубҳа қилишга ҳеч кимнинг қурби етмасди... Йиллар бўйи орамизда қашшоқлик ичида яшаган бир нотаниш санъаткорни тўсатдан кўкларга кўтардилар, бемисл доҳийга айлантирдилар. Канон сояда яшайдиган

шахсият эмасди. Фақат айтганларидай доҳий эканлигига ҳам иноннмасдим. "Шарқ ноктюрнлари"нинг кўргани катта рағбат унинг шуҳратини орттирди...Канон мутлақо суриб ташланажагини сўйлаб юрган, доимо бунинг учун уч йил муҳлат кифоя, деб юрган Соиб Пошонинг энди у билан нақадар ифтихор этишларини кўрсайдингиз...Бир пайт келиб Измирдаги адабий мажмуалардан бирида ўз расмини нашр эттирди. Остида "Шаҳримизнинг Баладия Раиси муҳтарам, бастакор Ҳусайн Канонбейнинг тоғаси Соиб Пошо ҳазратлари" деган ёзувни ўқиганимда кула-кула қотиб қолгандим.

Канон, тоғасининг ёлворишларидан кейин уч ойга Измирга келди... Бу муддат давомида янги бир асарини битказиб олиши ҳам мумкинмиш... Кеча эрталаб менга учраганди... Асари ҳақида маълумот сўрадим... Парижда танишган Сурияли бир шоир қаламидан чиққан опера... Шуни басталаётган экан... Мавзу Хорун ар Рашид замонига оид гўзал бир ҳикоя... Воқеани жуда яхши англабди ва ҳис қилибди. Менимча, бу ишни муваффақият билан охирига етказолса, у замонимизнинг машҳур бир композитори бўлади ...

Вафиқ Пошо ва Жовидон, бу сўзларни теран бир муносабат билан тинглаётгандилар. Оқсоқол шаҳзода қиллари саноқли даражада сийрак соқолларини қўллари билан тараб:

– Азиз дўстим, – деди иззат-икроми учун раҳматлар айтиб... – Лекин бизни янада кўпроқ мамнун этмоқ учун нима қилишинг керак, биласанми? Бу кеча шоёни диққат йигитни ҳам даъват этасан...

Жовидон ҳарорат билан отасини тасдиқлади:

– Ўша йигит билан танишсак, жуда мамнун бўлардик...

Уй соҳиби кулимсиради:

– Бўпти, – деди, – йўқотадиган нарсамиз йўқ...Эртага кечқурун уни ҳам даъват этамиз. Ҳатто истасангиз ҳозир ҳам мумкин...Унча узоқ эмас ... Зайнални жўнатай, келишини илтимос қиламан.

Бу гўзал фикр эди. Ота-бола мамнунлик билан бир-бирларига боқдилар.

Вафиқ Пошо кўзларини қисди, бошмалдоғини қошлари орасига суқди (хаёлида гўзал бир фикр ойдинлашганда доимо шундай қиларди):

– Қилинадиган зўр бир иш бор... Энди ёш виртуозга бир ҳужум ташкил қиламиз. Зиёратимиз ёш санъаткорларда уйғотадиган ҳазинлик ва ҳаяжонни ўйла, Жовидон.

Вафиқ Пошо, бошқа биров учун тайёрланадиган бу ҳаяжондан ўзи титрар, туркчани қўйиб французча ўлароқ сўзини давом эттирарди:

– Кечаси бу пари олам декорацияси ичидан икки шахс зуҳур этади... Булар бир шаҳзода билан бир маликадир. Боланинг бутун асабият оламини титроққа соладиган бир ҳасрат... Балки бу ҳаяжон, операсига ҳам юқар.

Қоровул Зайнал қўлида катта ва оғир бир таёқ билан олдинга тушди, ҳаммалари боғнинг ўртасидан оғир-оғир илгарилай кетдилар. Ходалар-

нинг соялари бир-бирининг ортидан қаторлашиб қоронғиликда тўлқин сафлари каби узоқ-узоқларгача ёйилар, ой ёруғлиги яланг ерларнинг устида сув йиғинларига хос оғир шуълалар билан ёниб-ўчар эди.

* * *

Боғнинг охиридаги тахта эшикдан ингичка тиканли йўлга чиққандилар. Қуриган тиканлар орасида калтакесаклар шитирлар, ёз қуртлари атрофни чидаб бўлмас бир чириллашлари билан бўғарди.

Боғларнинг ҳорғин, иссиқ ҳидлари, оғир бир булут каби, нафас йўлларига тиқилар, иссиқ шароблар каби бошларига урарди.

Сўқмоқнинг этагидаги кенг арава йўлини кўрган жойларида тўхтадилар. Жовидон, отасига йўлнинг узоқ бир нуқтасини кўрсатди:

– Қаранг, дада... Анавилар одам сояси эмасми? – деди.

Таққа тўхтаб, ёш қиз кўрсатган жойга боқдилар.

Йўлнинг нариги бошида катта-кичик ғалати бир соя карвони липиллар, энг олдинда бир эшак йўрғалаб келарди.

Мунирбей меҳмонларига изоҳ берди:

– Бу мавсумда бу ерларда одатдир... Кечалари меҳмонлар тўда-тўда бўлиб шундай боғма-боғ айланиб юришади... Фақат нима учун бундай жимжит кетишяпти, билмадим... Одатда қўшиқ-мўшиқ айтиб шовқинлаб кезишарди...

Бу жимжит келаётган тўда бир оз олдинроққа илгарилагандан кейин, боғнинг бир четида, кичик бир тош уюми олдида тўхтаганди. Тўсатдан бир фарёд, бир шовқин кўтарилди. Биллурдай бола қаҳқаҳалари қаршидаги тепаларда акс садо берди, аралаш-қуралаш овозлар оғир бир камоннинг жўровозлиги ила бир алла муҳитидан ҳикоя қиларди.

Вафиқ Пошо ила Жовидон эсанкираб қолишганди. Мунирбей кулиб изоҳ берди:

– Бу минора, Шамъи Дада номли бир қари дарвишникидир... Ярим ижодкор, лекин ринт, аҳли дил бир одамдир... Бўзёқада ҳар ким уни танийди ва севади.

Ҳозиргача ёлғиз яшайди... Икки ой аввал ёш бир аёлга уйланди. Ўшандан бери ҳар ким у ота ҳақида латифа айтади. Афтидан бу кеча Канон бола-бақраларни тўплаб, дадага ҳурмат кўрсатишга келган, шекилли...

Алла борган сари ортаётган қаҳқаҳалар, жаранглаган бола ҳайқиришлари ичида бўғилар, овлоқ миноралрнинг деразаларида шуълалар аксланар, итлар улир эди.

Ниҳоят кичик тош миноранинг тахта эшикларидан бири очилди, қўлида шам ила оқ либосдаги бир инсон шарпаси кўринди. Шамъи Даданинг қўлини силкита-силкита бақиргани эшитилар, фақат шовқин ичида унинг нима деяётгани эшитилмасди.

Мунирбей меҳмонлари билан бирга сўқмоқдан кўчага тушганда нашъа, шовқинлар энг баланд пардасига чиққанди. Шамъи Дадани оқ

либоси, куёвлик қизил маржон кавуши билан эшакка миндиргандилар, одамлар тўдаси яна йўлга тушганди. Қари куёвни бақиртириб-чақиртириб, ким билади, қаерларга олиб бораркинлар, қанча айланти-раркинлар?

Мунирбей билан меҳмонлари йўл юзида кўринишлари билан қаҳқаҳалар пасайди, қўшиқлар кесилди. Тўда узоқдан, гумон қилганларидай, шунчаки оддий болалар эрмаги эмасди. Кичикларнинг орасида катта ёшли йигитлар, енгил кийинган қизлар ҳам бор эди.

Мунирбей узоқдан овоз берди:

– Дадам, надир бу ҳол?

Қари дарвиш жавоб берди:

– Нима бўларди, бейим... Бўри қариса кўппакларнинг масхараси бўлади...

Карвон тўхтаган, болалар билан катталар, Мунирбей ила меҳмонларининг атрофида бир ҳалқа бўлиб ўралишганди. Канон қисқа оқ кўйлакли бир гўзал қиз билан бирга эшакнинг тизгинини ушлаб турарди. Костюми ва бош кийими йўқ эди. Қалин сарғиш кўйлагининг кўкси очиқ, қўллари тирсакларигача шимарилган эди.

Мунирбей уни меҳмонларига таништирганда эсанкиради, ярим ялангоч вужудидан уялгандай маъюсона кулимсираб қўлларини кўкси узра қовуштирди.

Буғдойранг юзи, қоронғиликда ҳам қизаргани кўриниб турарди.

Вафиқ Пошо пак-пакана қонсиз вужудидан қандай чиққани ҳайратга соладиган йўғон, хириллаган овози билан:

– Санъаткорни бу қадар артистик ва характеристик бир декорация ичида таниганимдан ғоят мамнунман, – деди. Сўнгра атрофини ўраб олган ёшларга, болаларга, узун соқолли, яланг бошли Шамъи Дадага, ёқимли чеҳрали эшакка қараб бир хитоба ирод этди.

Канон нозик бир кулимсираш билан олдинга қараб тинглаб турарди. Жавобни яланғоч болдирларини тизза қопқоғигача ўраган қисқа, оқ кўйлагини бир Румо Императоридай ғурурланиб кийган Шамъи Дада берди:

– Пошо ҳазратлари, Канон ўғлимиз илк файзини бу тупроқлардан аввало бу фақир ва ожиз Шамъи Дададан олди. Канонга илк мусиқа нафасини мен пуфлаганман.

Яланг боши ойдинда пир-пир ёнар, кичкина яшил кўзлари қуюқ қошлари билан узун соқолининг орасида порлар эди.

Бегоналар билан бирга бўлган вақтларида чеҳрасига доимо виқор, сокин, ҳиссиз бир жиддийлик берадиган Жовидон ўзини тутолмас, кулганини кўрсатмаслик учун бошини Мунирбейнинг орқасига яширарди.

Дада давом этарди:

– Ютуқ, уруғ қобиғидан чиқади, қобиғини ёқтирмайдиган тушунчасига кўра Канонбей ўғлимиз ҳам шуҳрат қозонганларидан кейин дадани ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. "Дадани ташлаб қўйдилар" деган

иборадан бир рамзий маънони назарда тутаман... Яъни туркана мусиқани қўйиб фарангичага ўгиб олдилар....Менинг фақирона фикримга кўра, бир уруғ туғилганидан бошқа тупроқда бир нашу намони тўла идрок этолмайди... Аммо сиз айтасизки, Канон сенинг маслагингда бўлса сен каби бир... Алҳазар... Бечора бир дада бўлиб қоларди... Аммо буниси бошқа бир масала...

Вафиқ Пошо қизига ўгирилди:

– Қуляпсанми, Жовидон... Бу шарқда на "ёввойи" одамлар бор, – деди.

Бу тасодиф соясида болаларнинг қўлидан ўзини қутқарган Шамъи Дада янги меҳмонларга икром кўрсатишни истарди. Кичик боғининг бир гўшасида тоза оқ бўйралар солинганди. Умрида илк бора бўйрада ўтирган Жовидон отасининг тиззаларига суянар: "Не янги таҳассус (ўзига хослик), ота... Бу кеча тўла шарқ ҳаёти яшадик..." дер эди. Шамъи Даданинг узумларини ейишга кимсада тоқат йўқ эди. Фақат ичкаридан "най"ини келтирдилар, унга бир қанча баста чалдирдилар.

* * *

Канон бир оздан сўнг тўдадан айрилган, Мунирбейнинг меҳмонларига ҳамроҳлик қилиб келаётган эди. Боққа қайтилган вақт ой Илижа тепаларида ботаётган эди. Тонгда ҳорғин-ҳорғин шохларини қолдирган дарахтларнинг тепасида бир енгил буғ ҳолида оқара бошлаган япроқ уюмлари, шох-шабба йиғинлари орасида қушлар ўтирарди.

Онаси Малакхоним ҳали ётмаганди. Ўғлининг бу қадар кеч қолганига нима сабаб бўлдийкин деб қизиқар, пастки хонанинг очиқ деразаси олдида, нозик елкаларида юнг шарф билан уни кутар эди. Узоқда бир ит вовуллади, кўча эшигига келадиган ингичка йўл устида бир кўлка кўринди.

Малакхоним йўлни яхшироқ кўриш учун чўзилди:

– Канон! Канон! Сенмисан? – дея овоз берди.

Канон жавоб бермади, одимларини секинлатди, ўз мусиқа парчаларидан бирини ҳуштак қилиб чала бошлади.

Кўпдан бери таранг камон торлари каби энг енгил бир таъсирга қарши теран, яширин оҳангларга кўмилган хаста асаби айниқса шундай тонг соатларида тинимсиз бир титроқ ичида яшарди! Ҳаяжони чалаётган ҳуштагига бир чолғу асбобига хос ҳассослик ва назокат берар, қоришиқ руҳининг умидини, орзусини, ҳузунини, нашъасини ингичка ранглари билан сўйлар эди.

Ҳамон ҳуштагини тўхтатмаган ҳолда чордоқларнинг остидан ўтди, онаси турган деразанинг қаршисига келди:

– Нега бунча кеч келдинг, Канон?

– Мен у ердан чиққанимга кўп бўлди, ойи.. Боғ ораларида айландим...То Қирқчомларгача бордим...

– Бир ўзинг у ерларда кезишдан қўрқмадингми? Бундай қилма, Канон...

Канон паст деразага қўл узатиб онасининг ингичка билакларини тутганди. Мовий кўзларида толғин хаёлчанлик билан кулимсиради:

– Мен қўрқарканманми? Ўғлингизга кучи етадиган бир куч борлигини тасаввур қила оласизми? Ҳаёт энди меники, ойи...Мен энди толесизликни енгиб олганман...

Теран бир ҳаёт завқи билан титраган қўлларини узатди, онасининг қийшайган, заиф вужудини силаб-сийпаб кучанганча деразадан ташқарига олди.

Йилларча айриликдан сўнг уни илк бора қўлга олаётгандай ҳижронлар билан қалбига босар, ҳали ёшлигини сақлаган чарчоқ юзини ўпичларга ғарқ этарди.

Малакхоним Канонни етти-саккиз ёшига қайтган ҳисобларди, ўша пайтларда ҳам гоҳо-гоҳо бундай англашилмас бир меҳр билан титрай бошлар, мовий кўзларини яна шундай ёшлар билан тўлдирган севиш, севилиш эҳтиёжи билан бўйнига осиларди. Ўғли улғайганда эса бу одатини ташлаган, собит, тортинчоқ, ғамгин бир йигит бўлганди.

Малакхоним ўғлининг узун сочларини силади:

– Ётмайсанми, Канон... чарчамадингми... касал бўлиб қоласан, – деди.

Канон зинапоянинг тош босқичига ўтирган, онасини тиззасига олганди.

Болага ўхшаб куларди:

– Ухлашми? Уйқу бахтиқаролар, хасталарнинг насиби, ойи. Бутун руҳи билан яшаётган бахтиёр инсонлар нечун ухласин? Биласизми, бу соатларда дунёда ҳали қуёшлари ботмаган ёки ой ёруғида шуълаларга ғарқ бўлган мамлакатлар бор. У ерда Каноннинг басталарини чалади-лар, ўғлингизнинг тили ва қалби билан дардларини ёзадилар, йиғлаб куладилар. Эрта-индин яна бир катта асарим бўлади. Ортиқ ўлимлардан ҳам қўрқувим қолмайди, ойи... Канон кўмилган, дудоқлари абадиян тинган бўлса... нима бўпти? Каноннинг ўлган дудоқлари мусиқанинг руҳи билан сўйлашда давом этади. Бу ўлик сўйларкан, аксинча яшаётганлар жим бўлиб қоладилар, сарғаядилар, йиғлайдилар. Кўрасиз нақадар масъуд бўлажакмиз. Мен ёлғиз ўз кучим билан толесизликни мағлуб этдим, ойи... Шу қадар кўп изтироб чекдим... Ниҳоят толе менга ҳам кулди... Бахтим билан ич-ичимдан ёнаётирман.

II

Малакхоним кекса бир мева тижоратчисининг сўнгги боласи эди. Олдинги фарзандлари ўғил бўлгани учун отаси уни ҳаммасидан ортиқ яхши кўрарди. У пайтларда тижорат ишлари жуда яхши борарди. Бундан ташқари, Малак ҳам дарҳақиқат чиройли бир қиз эди. Ҳали ўн тўртга тўлмасдан унинг бошига бир қанча қисматлар тушганди. Салоҳиддин Афанди қизи учун унма-мунча одамни муносиб кўрмасди. Лекин, на иложки, кичик қиз соф, тажрибасиз кўнглини отасининг ко-

тибларидан Истанбулли бир ёшга чалғитиб қўйди. Умидлари йўқ эди: На Салоҳиддин Афандининг, на-да ўғилларининг бундай бир издивож[1]га рози бўлмасликларини иккиси ҳам билардилар. Икки йил сирларини сақлай олгандилар. Лекин ҳар қандай савдо каби бу савдо ҳам ниҳоят ўртага чиққан, овозаси бутун Измирга ёйилганди. Кекса тижоратчи воқеани суриштириб билганда юраги санчиб ўлишига сал қолганди. Мавқе ва бойлик ҳақида қадимдан томир отган бир қанча фикрлари бор эди. Сўнгра бу ёш котибни ёқтирмаса-да, ҳар қачон марҳамат юзасидан ёнида тутарди. Ноилнинг ўтмишида бир доғ бор эди: уч йил аввал бир молия масаласи туфайли Маниса ҳисоб-китоби идорасидан бўшатилган эди. Суд уни маҳкум этмак учун етарли далил тополмай оқлаганди. Лекин шунга қарамай Ноил бир турли бу доғдан қутулолмаган, ҳаётини маъмуриятдан бошқа ерлардан излашга мажбур қилганди.

Салоҳиддин Афандининг назарида ёш котибнинг гуноҳи шундангина иборат эмасди. Меҳнаткаш, фақат бир оз ҳаволи бир Истанбул боласи эди. Хурсандчиликни кўп севарди. Гўзал уд чалгани учун орасира зиёфатларга, ишрат оламларига даъват этардилар.

Салоҳиддин Афанди ила ўғиллари уни дарҳол ўша куннинг ўзида қувгандилар. Малакка ҳам жуда қаттиқ муомала қилдилар, уни олти ойга Сўкадаги аммасиникига меҳмонга жўнатдилар..Шу тариқа ёш қизга умидсиз савдосини, Измирга эса бу чиркин воқеани унуттира олишларини умид қилардилар.

Лекин натижа тахминларининг бутунлай тескариси бўлиб чиққанди. Ноил, Денгизлида янги бир хизмат ўрни топишга муваффақ бўлганди. Сўнгра, Сўкадаги бир мактабдош оғайнисининг хотини орқали ора-сира Малакка мактублар йўллар, ундан жавоблар оларди.

Ёш қиз Ноилни унутиш у ёқда турсин, кундан-кунга ортиқроқ севар, ундан бошқа кимсага тегмаслигини, унинг учун ҳар нарса қилишга тайёрлигини ёзарди.

Кекса тижоратчи қизини такрор Измирга олиб келишни ўйлаб юрган кезларда Сўкадан бир телеграмма олди. Малак Ноил билан бирга қочган, ҳатто бир қишлоқ имомининг уйида никоҳлари ҳам ўқилганди.

Салоҳиддин Афандининг катта ўғли Соиб, Ноилни таклиф қилиш кераклигини, энг кичик ўғли Ҳилми бу номус доғини қон билан ювиш лозимлигини таклиф қилдилар. Лекин кекса ота ила бошқа ўғиллари бу фикрда эмасдилар. Қизлари – ҳам уларга, ҳам ўзига ўчмас бир доғ сурганди. Уни ортиқ ўлган деб ҳисоблайдилар, отини ортиқ тилга олмайдилар.

Салоҳиддин Афанди онтида собит қолган, икки йил кейин ўлаётганда ҳам қизини кўришни истамаганди. Бойлигини тўрт ўғли орасида тақсимлайди, Малакка Тилкиликда кичик бир уй ила Кемералтида бир косиб дўконидан бошқа мол қолдирмайди.

[1] Издивож – никоҳ.

Бутун ғайратига, бутун фидокорликларига қарамай бу никоҳ Малакхонимни ўйлаганидай масъуд қилолмаганди. Ёшига кўра жуда оғиртабиат, ақлли хотин бўлганди. Дабдабада, салтанатда, зеб-зийнатда кўзи йўқ эди. Қолдиргани бой-маъмур ҳаёт, фидо қилгани катта умидлар учун ҳеч вақт пушмон бўлмаганди. Эрининг муҳаббати билан овуниб яшарди. Синч деворли, паст, қора шипли қишлоқ уйларининг қашшоқлигини кўрмас, энг мушкул кунларда ҳам нашъа ва жасоратини йўқотмасди.

Ноил толесиз бир йигит эди. Лекин ёмон, қалбсиз бир одам эмасди. Хотинини, ўн саккиз ой ора билан туғилган болаларини қашшоқликда кўрганда эзилиб битарди. Илк савдо ҳаяжонлари ичида бугунларни тахмин этолмагани учун ўз-ўзига лаънатлар ўқирди. Енгил табиатини, бутун ёмон феълларини ортда қолдирганди. Хотинини, болаларини сал бўлса-да, бахтлироқ бир роҳатда кўриш учун тинмай ишлаб ўзини ҳар ёққа урарди. Лекин толесизлик унинг ёқасини асло қўйиб юбормас, кичик оила кундан-кунга баттарроқ камбағаллашиб борарди. Ойдин вилоятининг бутун қасабаларини бирма-бир кеза бошлагандилар. Доимо идоралар ва жойларни ўзгартиришар, лекин биронтасида аҳволлари яхшиланмас, шунинг учун ҳеч бири жойида ўрнашиб қололмасдилар.

Бу қашшоқлик ичида Канон етти, Афифа беш ёшига келганди. Ортиқ ҳеч бир ишда муваффақият қозонолмаслигига иноннган Ноил, бадбин, маъюс қора бир одамга айланганди. Тақдирларини унутиш баҳонасила яна ичишга берилди, соғлиги каби ахлоқи ҳам кундан-кунга бузила бошлади.

Худди шу аснода бирдан оиланинг вазияти тузала бошлади. Ноил кўпроқ пул топар, ўзи янада жонлангандай, аммо асабий кўринарди.

Фақат бу маъмурлик узоқ муддат давом этмади. Бир кеча жандармлар уйни босдилар, бирон сабаб кўрсатмасдан уни олиб кетдилар.

Малакхонимга эртаси кун, эрининг яна бир жавобгарликка учрагани ҳақида хабар бергандилар. Лекин бу галгиси бўҳтон эмас, оддий, журъаткор ўғрилик эди.

Ноил буни очиқчасига тан олар, дарҳол лоқайд бир тавр билан:

– Бошқача яшаш иложсиз эди, бола-чақам очликдан ўларди, – дер эди.

Бу эътирофга кўра суд муҳокамаси ойларча давом этганди. Малакхоним қўлида икки боласи билан кўчада қолганди. Ойларча энг қоронғи бир қашшоқлик билан юзма-юз яшаганди.

Ноил қамоқда изтироб, умидсизликдан қутурар, хотини, болалари билан бирга уни кўришга борганда болалардай йиғлашдан бошқа ҳеч нима қилолмасди.

Малакхоним Ноилнинг илтимоси билан акаларига мактуб ёзди, ўзларига бўлмаса ҳам, кичикларига ачинишлари учун уларга ёлворди.

Энди улар ҳам эски ҳолда эмасдилар, ўртанча оғалари Нажиб ила Масъуд бирга бошлаганлари бир тижорат ишида чўкиб маҳв бўлгандилар. Энг кичик акаси Ҳилми бор-йўғини сотиб Истанбулга кетганди.

Оиланинг бундай пароканда бўлишига муқобил ёлғиз Соиббей ўсиб борар, жуда бой бир одам бўлганди.

Соиббей Малакка жавоб бермаган, тўғридан-тўғри Ноилга мактуб ёзганди:

"Бу ишда бир айб ва гуноҳ бор бўлса у сизга оиддир. Синглимизни ота ўчоғига қабул қилишга тайёрмиз. Фақат бизга сиз билан ҳеч бир алоқаси қолмаганига доир расмий ва шаръий талоқ хати тақдим этишингиз лозимдир".

Каноннинг энг эски ва аччиқ хотираси, отасидан ажралган кунга оиддир. Қоронғи, ёмғирли бир куз куни эди. Малак сўнгги марта эрини кўриш учун болалари билан қамоқхонага борганди. Канон қай вақт кўзларини юмса шу кичик тош хонани барча тафсилотлари билан кўрарди. Бутун ашёси, устига сариқ бир кўрпа ташланган ҳар ёғи қирилган тахта каравот, бир қумғон, бир тунука чироқ, бўш бир газ қутиси ҳамда бир уддан иборат эди.

Малакхоним каравотга ўтирган, болаларини икки ёнига олганди. Гаплари гапга қовушмай, жим ўтиришарди. Отаси, ёнида очиқ ётган устара, темир панжарали кичик дарчадан кирган хира нур ичида янада сариқ ва заиф кўринган чеҳраси билан газ қутисининг четида ўтирар, ёнидаги уднинг торларини ўйнаб ўтирарди. Бир пайт Ноил удини қучоғига олган, жуда секин қилиб оғир, маҳзун бир нарсалар чалганди.

Канон сўнгги йилларда оғир бир терлама касалига йўлиққан, анча пайтгача ўзини билмай ётганди. Бу хасталик кунларида ҳаёт билан алоқаси ёлғиз шу садолардан иборат бўлиб қолган, руҳини қамраган қора йўқсуллик ичида отасининг удини тинглаганди. Бир кун қариб ўларкан энг сўнгги эшитадиган нарсаси шу уд бўлажагига, шу узоқ, маҳзун саслар ичида ўлажагига ишонарди.

Дарчадан кирган сўнгги шуълалар рутубатли, қора деворларда сўнаркан эшик очилган, қўлида бир фонар билан ҳайбатли бир жандарма навкари кўринганди.

Канон ортиқ на онасига, на ўзларини қўлга олиб такрор-такрор ёноқларидан, кўзларидан ўпган отасига қараган, қоронғиликда йиқилиб кетмаслик учун онасининг этакларига ўралиб узун, совуқ тошликлардан ўтиб Измирга келгандан кейин ортиқ отасидан баҳс очмаганди-лар. Фақат бир йилча кейин яна жандарма навкарининг бир қути келтирганини хотирларди. Онаси унга олтин қопламали кичик бир соат, садаф сопли бир қаламтарош (пичоқ) берганди. Канон буларнинг кимдан келганини, нечун ўзига берилганини сўрамаганди.

Ёлғиз ўша кеча тонггача англашилмас бир ҳис билан уйқудан уйғонган, ёнидаги ётоқда ўзини қучоқлаб ухлаётган онаси билан Афифани билдирмай, уйғотириб юбормай ёноқларидан ўпганди.

Каноннинг отасига оид хотиралари шулардан иборат эди.

* * *

Соиб Пошонинг Қоронтинада қўноғи (катта ва ҳайбатли уйи) бўзёқада катта иморатлар каби муҳташам мисоли боғи бор эди, аммо булар на Малакхонимни, на-да Канон ила Афифани масъуд қилолма-

Мамлакатимиздаги Қарақалп... 1-сонли Мәмлекетлик университети

ганди. Бу одамда битмас иқбол ва мансаб ҳирси, ўта бир мағрур телбалиги бор эди.

Бир пошолик ва уч-беш нишонни қўлга киритиш учун ўша вақтнинг махсус одамларига бир дунё пора едирганди. Шундай бўлдики, сўнг замонларда Измирда бугун фаолият ва қудратини ҳам баладия раиси[1] бўлишга ва қўлга киритган мавқеини қанча пул кетса кетсин муҳофаза этишга сарф қилганди. Қишда қўноғи, ёзда болохонаси такя каби ишлар, ҳожилардан, хўжалардан бир қанча текинхўрлар, ялтоқлар билан тўлиб-тошарди. Буни одатий мунтазам ташкилот қилганди. Нуфузидан фойдаланмоқчи бўлган шахслардан ҳеч бирини эътиборсиз қолдирмас, йиғим-терим пайтларида Истанбулдаги ҳомийларига тенг-тенг қилиб узум, анжир жўнатар, шаҳарга ҳар янги волий[2] келганда қутлов зиёфатлари уюштирарди.

Соиб Пошо синглисини уйига қабул қилган бўлса ҳам, ҳали афв этмаганди. Ҳамон Канонни негадир севмасди. Канон унинг назарида исрофгар, манглайи шўр бир ўғрининг ўғли эди. Тарбиясига қанчалик ғайрат қилмасин натижа бериши гумон эди. Мутлақо отасига ўхшаган бўлади, ҳаётини қамоқда, ҳатто, эҳтимол, дорда тугатар... Зотан бу ёшда, бу найновлиги билан у дайдига ўхшамайдими? Бу боланинг мазлум, ҳалим, одамови таврларига иноният тўғри бўлмасди. Отаси ҳам кўринишидан шунақа эди. Лекин фурсат топди дегунча қайси ёмонликдан қўл тортди?

Канон катта тоғасининг бодом қовоқли йирик, қайнар кўзларига бир кун титрамасдан қаролмасди. Тарбияли, индамас, қўрқоқ бир бола эди. Жонсиз заиф вужуди, рангсиз нозик юзи уни аслидагидан кичикроқ қилиб кўрсатарди. Касаллик даражасида ҳассос эди. Атрофида бўлган нарсаларни изтироб чекаётган катта одамлардай барча нозикли-ги-ла англарди. Фақат руҳини бошқаларга кўрсатишдан қочарди. Онаси ҳам бу бола қалбида нималар кечаётганини англамасди.

Баъзан ҳеч сабаб бўлмаса-да онасининг бўйнига ўралар, ёноқларини, кўзларини, бўйнини, қўлларини бўсаларга ғарқ этарди. Малакхоним бу дақиқаларда унинг алланимадан эзилганини, мовий кўзларининг ёш-ла тўлганини кўрарди. Сабабини сўрагани вақт Канон бир нарса ҳам демасди. Чунки бу сабабни ўзи ҳам билмасди. Бу, ухлаш, сув ичиш каби бир ғалати эҳтиёж эдики, ич-ичидан келарди.

Бошқа бир бола бўлсайди, қўноқдаги вазияти уни хақир бир ҳолга туширган бўларди. Фақат бундай ҳақоратга дучор бўлишдан қўрққани учун доимо ҳар кимдан узоқ юрар, тоғасининг таптортмас болалари билан апоқ-чапоқ бўлишдан тийиларди. Болаликнинг барча ҳақларидан ўз ихтиёри билан воз кечганди... Ҳеч кимдан ҳеч нима истамас, ҳеч бир шикояти эшитилмасди.

Бир ҳақсизликка учрагани вақт шикоят этмас, мазлум бир сукутга чўмганча бошини эгарди. Лекин кимдандир ширин муомала, кичик

[1] Баладия раиси – халқ томонидан сайланувчи ҳоким.
[2] Волий – давлат томонидан тайинланган ҳоким.

бир яхшилик кўрган вақтларида соф, самимий бир миннатдорлик билан қабул қиларди. Бу ҳоллари билан атрофидагиларда марҳамат аралаш бир ҳурмат уйғотар, ўзини дарҳол сийлашларига муваффақ бўларди.

Болалигининг аччиқ бир хотираларидан бири эса онаси ва синглиси билан бирга тоғасининг қўноғидан кетган кунларига оид эди. Ўшанда у ўн бир ёшда эди. Бир қиш тонгида уни қўлидан тортқилаб ётоғидан турғаздилар, уйқучи тоғасининг хонасига етаклаб боргандилар.

Соиб Пошонинг чўнтагидан қимматбаҳо бир олтин соат ўғирланганди. Эрта тонгдан сўроқ қилинган хизматчилардан бири тунда Каноннинг тоғасининг ётоқхонасида кўрганлигини айтганди. Бундай далил, болага туҳмат ёғдириш учун етарли бўлганди. Уйда, қамоқхона бурчагида ўлганлиги қайд этилган бир ўғрининг ўғли бор экан, бошқалардан шубҳа қилиш гуноҳ бўлмайдими?

Канон тунлик кўйлагининг ичида ҳали заиф кўринган инжа вужуди, ҳануз уйқуга тўла махмур мовий кўзлари билан тоғасининг қаршисида титрар, бошини олдинга осилтириб турарди.

Малакхоним эшикнинг ёнида, қора кўйлаклари ичида бир ўлик каби совуқ кўринган юзи билан оёқда турар, гапга аралашмасди.

Соиб Пошо бугун қаттиқ ва баджаҳл эмасди. Аксинча, оғир, эзгин бир овоз билан, арзимас нарса ҳақида гап кетгандай гапирарди:

– Жуда бевақт бошладинг, кичкина...Эҳтимол отангни мутлақо раҳмат билан ёд эттиришга азм-қарорингдир бу. Ҳеч бўлмаса уч-беш йил озроқ кутсанг бўларди. Унгача бизда олиниши керак бўлган нарса олинмай қоладими деб қўрқдинг, шекилли? Сен ҳам одамсан ахир... Энди бу ёғига отангдан сенга мерос қолган олтин билакузук эсон-омон турсин... Дунёда олиниши керак бўлган нарсани олмайдиган анойи борми...

Канон тоғасининг заҳардай аччиқ сўзларига жавоб қайтармас, юзига қарай олмас эди. Ёлғиз ора-сира соатни олган одам ўзи эмаслигини кўрсатмоқчи бўлгандай ингички, титрак кафтларини очар эди.

– Ҳей, бунинг туришига бир қаранг-а... Айбдорлар ҳам маҳкама қаршисида шундай туради... Сен энди мендан қўрқма, ўғлим... Нима қилсам ҳам тоғанг бўлиш фалокатидан қутулолмайман... Сени кесиб осиш менинг қўлимда эмас.. Лекин бу кетишда яқинда давлат маҳкамаларининг қаршисига ҳам чиқасан. Таёқ бор, қамоқ бор, ҳали олдингда дорда чайқалиш бор. Сен билан бирга биз ҳам ёмонотлиқ бўламиз.... Майли, гапни чўзмайлик... Соатни қаерга қўйган бўлсанг чиқар бу ёққа...

Канон нимадир демоқчи бўлди. Фақат оғзи титрар, сўлғин дудоқларидан овоз чиқмасди. Шунчаки кўзларини юмиб, "яхши" демоқчи бўлгандай бир неча марта бошини чайқади. Оёқлари бир-бирига чалишганча хонадан чиқди.

Малакхоним турган ерида енгил бир изтироб фарёдини тўхтатолмаганди, кўзлари ёшга тўлар, қўллари билан юзини бекитарди.

Соиб Пошо қошларини чимирди, синглисининг юзига қарамасдан:

— Бўрининг боласи оқибат бўри бўлади, синглим... Бу табиат қонунидир... Биз таваккалига бунча қайсарлик қилдик. Кўриб турибсанку, бизга ҳам, ўзингга ҳам жабр қилдинг...

Эшик енгил ғижирлади. Канон қўлида бир эски духоба тақинчоқлар қутичаси билан кирди. Титраган бармоқлари билан қутича қопқоғини очмоқчи бўлар, бир турли бунинг уддасидан чиқолмасди. Бир неча марта қўлидан ерга туширди...

Соиб Пошо унинг юзига қарамасдан қутичани олди, очди. Унда бир бошқа соат, Канонга отасидан мерос қолган ўша олтин қопқоқли кичик соат бор эди.

Соиб Пошо уни қўлига олди, ҳайрат билан:

— Бу нима? —деди.

Канон бу сафар бошини кўтаришга журъат этди. Узун-узун киприкларининг ичида лим-лим тўлиб кўришга халал бераётган мовий кўзлари билан тоғасига тик қаради, қичқирмаслик учун кичик юрагининг бутун тоқатини сарф этиб:

— Йўқолган соат ўрнига буни олинг, Пошо тоға... Менга осилманг.. Худо ҳақи, сизнинг соатингиз менда эмас, — деди.

Бир неча дақиқадан кейин Соиб Пошонинг хотини асил соатини келтирди. Соат жилетининг сўкилиб қолган чўнтагидан латта билан астар орасига сирғалиб тушиб қолган экан.

Малакхоним йиғлай-йиғлай боласининг қўлини тутди:

— Сизни кўп қийнаб қўйяпмиз, ака... Рухсат этинг, мен болаларим билан Тилкиликдаги уйимга кета қолай, — деди.

Соиб Пошо уни қайсарликдан қайтармоққа анчагина ҳаракат қилган, сўзига кирмаса яна пушаймон бўлажагини таъкидлаганди. Малакхоним ҳаётдан аччиқ дарслар олганди. Дунё чек-чегарасиз. Бир кунмас бир кун яна акасига муҳтож бўлмаслигига кафолат бормиди? Шундай бўлгани ҳолда қарорида собитлик кўрсатди. Зотан у кўпдан буён буни ўйларди. Қўноқдаги ҳаёти қанчалик фаровон бўлмасин, бироз мусофирликка ўхшар, бир турли уй хоними, оила онаси эҳтиёжларини қондиролмасди. Яхшилик билан ажрашиш, акасини ранжитмаслик учун кўп юмшоқ гапирар: "Бизнинг отамиз ҳисобланасиз, ака... Бошимиз дорда қолса албатта яна сиз ёрдам берасиз..." дея унинг кўнглини олди.

* * *

Ўз уйларида яна фақирона, аммо масъудроқ ва хотиржамроқ яшардилар. Бу уч хонали кичик уй тор, нимқоронғи бир кўчанинг охирида эди. Кичкина боғчаси ҳам бор бўлиб, уни тозалаганлар, гуллар экиб безатгандилар.

Канон, Бейлар кўчасидаги рушдия[1]га қатнарди. Аста-аста бўйи чўзилиб, юзи гўзаллаша бошлаганди. Отасидан ортиқ қорача, лекин ёқимли

[1] Рушдия — ўрта мактаб.

ранги билан нозик чизгили зариф, асабий юзини, онасидан қуюқ мовий кўзлари билан чиройли оқ тишларини олганди.

Кичиклигида бу мерос табиатнинг бир истеҳзоси каби кўринарди. Севимли бир бола бўлиш билан бирга унга қараганларнинг ғайриихтиёрий бир жилмайишини оларди. Бу заиф чеҳранинг кўп ортиқ қорача ранги билан қуюқ мовий кўзлари, йилтиллаган оқ тишлари ҳеч бирбирига мос эмасди.

Фақат илк ёшлигининг таровати билан бирга бу сиймода гўзал нарсалар туғила бошлаганди. Қорача тусига ҳаловатли бир шаффофлик қўшилган, мовий кўзлари, қуюқ рангли инжа дудоқлари, садаф каби порлоқ оқ тишлари бу чеҳрага бир ғароийб жозиба бераради.

Айни чоғда ҳамон эски ҳуркак, бўшашган, хаёлпарастлик табиатини ташламаганди. Мактабда, қўноқда бўлгани каби, болалардан узоқда қолар, яна ўша нозик, маҳжуб виқори билан тарбиясиз, уятсиз ошна-оғайнилари ўзини ҳурмат қилишига эришарди.

Кўчани сира яхши кўрмасди. Фақат ҳаво жуда яхши бўлган баъзи оқшом чоғларида онаси билан бирга Тўпалтига ёки Қадифа қалъасига чиқарди. Ишчан эмасди, дарсларга ортиқча қизиқиши йўқ эди. Уй ишларида онасига ёрдам берар, ҳатто унинг тўқишларига, кашта тикишларига бир оз қўли келишарди. Қўшнилар уни ўзбошимча бир қиз бўлиб етишаётган Афифадан ортиқроқ қизга ўхшатишарди.

Ҳануз кичиклигидаги каби ишга тоқати йўқ эди. Ҳануз онаси унинг бир ишни чин кўнгилдан яхши кўриб қилганини кўрмаганди.

Дунёда ёлғиз бир нарса эҳтиётқор сукунини унуттирар, руҳида ҳаяжонга, эҳтиросга ўхшаш туйғулар уйғотарди: мусиқа...

Уйларининг яқинида бир эски такя бор эди Душанба кечалари у ерда ойин[1]дан кейин бир мусиқа фасли қилинарди.

Канон бу ойин кечаларида бутун руҳи, борлиғи билан яшаганини ҳис қилар, уларни сабрсизлик билан кутарди.

Қўлида бир пластик фонар, елкасида рангсиз ёпинчиқ билан узоқ бир маҳалладан келган кекса бир мингбоши бор эдики, одамлар кўп ҳурмат қилардилар, унинг машҳур бир уди бўлганлиги ҳақида гапиришарди.

Чол удни чала бошлаганда Канон бир бурчакда ўзини унутар, кўзлари ташқаридаги мозористоннинг қоронғилиғи ичига сингиб кетар, ўзи билган дунёдан бутунлай бошқа бир дунё ичида яшай бошларди.

Отасининг бир бурчакда ётган эски, қирилган бир уди бор эди. Бу таъсирлар натижасида Канон ора-сира уни кучоғига олар, билган куйларини чалишга уринарди. Лекин кекса мингбошининг қўлида дардли инсонлар каби ғариб бир алам билан тилга кирган уд унга ҳеч бир нарса сўйламасди. Бу илк тажрибадан жуда кўп маъюс бўлган, отасининг қирилган удини такрор бир бурчакка ташлаб қўйганди...

Дарс бериш у ёқда турсин, чолғусини созлаб берадиган кимсаси ҳам йўқ эди. Маҳжуб ва мағрур бўлгани учун бошқаларга, масалан,

[1] Ойин — диний байрам.

ўша қари мингбошига ҳам мурожаат этолмасди. Назарида бундай бир орзуси борлигини билиб қолишса балки кулишар, балки ҳатто ҳақорат қилишлари ҳам мумкин эди.

* * *

Малакхоним ҳар йили узум йиғим-терими бошланиши билан Бўзёқага келар, Соиб Пошонинг минорали боғига бир-икки ой меҳмон бўлиб борарди.

Шу тариқа – ҳам акасининг кўнглини олган, ҳам шаҳарда нафаси сиқилиб кетган болаларини бир оз яйратган бўларди.

Каноннинг энг севган мавсуми ҳам куз ойи эди. Кўча ҳаётидан нафратланган, кўникмоқ учун соатларча нимқоронғи, кимсасиз кўчаларни ахтарган хаёлчан, тамбал Канон бу ерда бутунлай бошқа бир бола бўлиб қоларди. Қорача юзларига бир оз ранг, ғамгин руҳига бир оз нашъа келар, сарин тонгларда, ойдин кечаларда боғ оралаб айланаркан, ерларда думалашдан завқ оларди. Айни чоғда у ерда ҳам яна бола-бақранинг орасига қўшилмасликка интиларди. Канон ҳаётида илк бора бир дўст топганди. Ўзидан қирқ ёш катта бўлган бу дўст Шамъи Дада эди. Дада Рум эли муҳожирларидан эди. Ўттиз беш йил аввал елкасида бир тўқим, қўлтиғида бир най халтаси билан Измирга келган, қўлидаги беш-ўн тилласи билан Бўзёқадан бир боғ олиб, кўпдан бери яшаб келарди.

Боғнинг бир чеккасида жуда эски замонлардан қолган бир катта сарв дарахти бор эди. Дада йиллар бўйи ишлаган, зўр бериб, сарвнинг ёнига икки хонали бир тош қубба қурдирганди. Қишин-ёзин Бўзёқада турарди. Жон йўлдоши бўлган уч-беш эчкиси бор эди. Уларга ҳар маҳал боласидай қарар, отадай меҳр берган эди.

Бўзёқалилар шуни ривоят қилардилар: Бир мунча йил аввал, шиддатли бир қиш асносида Шамъи Дада пулдан қаттиқ сиқилиб қолган, ҳам бир неча кун оч қолган... Ҳолини кимсага айтмаган, айни чоғда теваракдаги боғ қоровуллари буни сезиб қолганлар, Шамъи Дадага нон юборганлар.... Дада эчкиларининг ҳам оч қолганини айтиб нонини уларга едирган... Бўзёқалилар буни Дададаги ҳайвон меҳрига далил қилиб кўрсатардилар. Айни чоғда унинг қўл нони ейиш даражасида тубанлашмакни истамагани учун шундай қилганини ривоят қилувчилар ҳам бор эди.

Шамъи Дада Каноннинг руҳидаги оғир, маъюс жиддиятни жуда яхши тушунган, уни фарзанд каби, ҳатто доно дўст каби севган эди. Баъзи иссиқ кунларда бир саватга пейнир[1], нон , узум тўлдирар, эчкиларни олдиларига солиб Араб дарасига инардилар.

Дада бу теран, қоронғи тоғ оғзини ўз уйининг боғчаси деб ҳисобларди. У ерда умрида қуёш кўрмаган бурчакларни кашф этганди.

Тушдан кейинги соатларда яланг боғларга чидаб бўлмас иссиқлар чўкар, қоя уюмлари оқ оловлар каби кўз олувчи титрама[2]лар билан пориллар, сувлар туташган жойларнинг устида туманлар ёйиларди.

[1] Пейнир – бринза.
[2] Титрама – сароб.

Бу соатларда Шамъи Дада ила Канон сарин, сояли сўқмоқлардан пастга тушардилар, ингичка сел чуқурларидан ҳатлашар, йўсинли тошларидан сувлар томчилайдиган қоя ортларидан ўтардилар.

Аксарият "Зайбакпинари" ("Қўзиқоринбулоқ") деган бир жойда ўтирардилар. Бу жойда очиқ яраларга ўхшаган қизил парча-парча ёрилган ерлар ўртасида бир баҳайбат қоя бор эди. Замон ва нам ҳаволар бу тошнинг атрофларини аста-аста кемириб тилкалаган, тагига салқин, нимқоронғи бир ғор очганди. Ғорнинг кўринмас бир жойидан енгил сув овози келар, йўсинли тошлар доимо йирик томчилар билан ҳўл қояликнинг устида ёввойи ўтлар, қуюқ мовий гулли тиконлар етишар, атрофларидан печакка ўхшаган ингичка шохларда "қоя узумлари"нинг пушти соябонлари осилиб турарди.

Канон руҳларининг ичида бошқа бир дунёлари бўлган, нуқул ўша дунёнинг ичида яшаган, севган санъаткорлардан эди. Узоқдан қараганларга у бир қадар бемаъни, ялқов, нимжон кўринган илк ёшлигини бу иккинчи дунёсида, сўнмаган бир яширин жўшқинлик, ярим хаёл сархушлиги ичида ўтказганди. Канон бу хаёлий дунёни илк бора "Зайбакпинари"да Шамъи Даданинг найини тингларкан, кўра бошлаганди. Қари дўсти ҳам бир бошқа турли хаёл жинниси эди. Бир одати бор эди. Бир мусиқий парча чалмоқчи бўлганда аввало унга либреттосини ўқир, маъносини тушунтирарди: "Қара, ўғлим... Ой чиқмоқда... Ошиқ ойдинда оёқлари яланг, боши очиқ ёрнинг йўлига тушади... Ёр энди уйқудан уйғониши керак... Чунки тушига кирмаган маъшуқи қўйнига кирди... Сен ҳали билмайсан, Канон... Инсон ёрини қаттиқ соғинса, бошқа юзининг хаёлини ҳам кўролмайдиган бўлади. Энди буларнинг барини кўз олдингга келтириб, куйни тингла... Йўқса эчкиларимдай тинглаган бўласан, ўғлим..."

Дада либреттосиз, тилсиз куйни чаларкан, тўхтаб-тўхтаб олар, шунчаки бир ҳисни ифода этаётган вақтларида ҳам изоҳ беришни қўймас эди: "Қара, сенга энди қўйларни чақириб бераман... Юм кўзларингни... Қарши тоғлардан сурувлар тушиб келади... Сув бошларида жононалар майчади... Ошиқлар маъшуқларининг сумбул каби сочларини ҳидлайдилар... Мен чалаётганимда сен шуларни ўйла...Сумбулларни ҳидла..."

Кузда ҳаволар айниғ бошлар, кўк юзида булутлар айланар, шамолнинг олдига тушиб япроқлар учишарди... Сарғайган чордоқлар, қурий бошлаган дарахтларда мевалар солланар, ерларда қатор-қатор ишкомларнинг остида зар қоплангандай кўринган узумлар қурир, йўллардан узлуксиз узум саватлари ортилган аравалар, айғир тўдалари ўтарди. Бўзёқа, асли бу сўнгги кунларида янгитдан туғиларди. Ҳар тарафда оҳанг, қаҳқаҳа ва қўшиқдан бошқа бир нарса эшитилмасди. Тонгга қадар боғларда чолғулар чалинар, хорлар тепинар (хоровод маъносида), йўлларда олдларида машъалалар билан тўда-тўда одамлар айланарди.

Ёшлик кезларида яширин қолган бутун кичик севги сирлари очиққа чиқарди.

Оқшом чоғлари боғининг теграсидаги йўлдан ўтган қўшни йигитчага бирдан гул-гул очилган, ойдинда боғларни бир-биридан айирган ёғоч ғовлар орасидан минг ноз билан бармоғининг учини ўптирган ёш қизга маъюс бир жасорат келарди. Чунки яна бир кўришиш учун саккиз-тўққиз ой кутиш лозим эди. Ортиқ ноз қилишга вақт йўқ эди.

Тиканли йўлларда, ёш қизларнинг қизил, оқ, мовий елдирма[1]ларини ортиқ яширолмаган дарахтзорларда вафо аҳдлари, айрилиқ бўсалари, тасма учларига боғланган сочлар алмашинуви бўлиб турарди.

Канон бу сўнгги кунларда чуқур бир ҳузун ва эзгинликка тушарди. Кузнинг сўнган, сўлган, хароб бўлган нарсаларининг сурункали ҳазинлигини ёшлигидан унутиб бўлмас даражада қаттиқ ҳис этарди.

Шамъи Дада, Канонни ҳар йили янада улғайган, мусиқага бўлган эҳтироси ортган ҳолда топарди.

Чиройли бир фурсат зуҳур этганди. Қўшни уйлардан бирига, ҳаддан зиёд яхши камон чаладиган бир режиссёр ёрдамчиси кўчиб келганди. Масъудбей Канондаги катта завқни ва истеъдодни ҳис этган, ҳафтада бир неча соат унга дарс бера бошлаганди. Йигитча бу дафъа кутилмаган бир суръат-ла юксалиб борарди.

Соиб Пошо Канонниng камон чалишини эшитганда аччиғидан қутуриб кетганди. Ҳокимона бир таврда: "Охири бўриваччa бўри бўлади-да" дер, тўкилиб сочиларди... "Бу бола одам бўлмайди дегандим, қалай, ёлғон гапирган эканманми? Мактаб ўқитувчиларидан уятга қолдим...Ҳар кўрганимда шикоят қилишади...Бир амаллаб синфдан синфга ўтказаётган эмишлар. У ҳам бўлса менинг ҳурматим учун-да... – Бутун ақлини камонга бергунча дарсларга берса бир ери камайиб қоладими? Нимаям дердик, отасига муносиб меросхўр бўлиши керак-ку... Ортиқ ақлим ишламай қолди... Жияним чолғучи бўлади, тўй-ҳашамларда чингана[2]лар билан бирга тарнов мусиқаси (яъни тарновдай шариллайдиган мусиқа) чалади..."

Соиб Пошо бир кун боғ қўшниси Мунирбей билан сабоқ қаҳваси ичарди. "Олий ирфонингизга катта ҳурмат ва ишончим борлигини биласиз,– деди. – Муҳим бир масала юзасидан зоти олийингиз билан маслаҳатлашишни истайман... Сизга маълумдирки, бизнинг бекорчи бир жиянимиз бор... Тамбал, мискин бир кимса... Бир йўлга солиш учун гап тинглатиш қийин...Одам бўлмаслигига аминман.. Шунга қарамай, гуноҳга қолмай дейман...Ёши ўн етти...Минг амал-тақал билан бу йил идодий[3]ни битирди... Маълумот масаласига келсак, ичида бирон нарса йўқ... Менинг Жамил билан Саъдийим унинг олдида Афлотун каби олим... (Соиб Пошо ўғилларидан бирини француз, бошқасини инглиз мактабига берганди. "Кел", "кет", "ўтир", "тур" дея оладиган даражада тил ўрганганликлари учун уларни мукаммал таҳсил кўришган, деб ҳисобларди.) Бу болани макотиби олиядан бирига жўнатмоқ беҳуда... Зайтунбурни фабрикасигами, ҳарбий санъат муассасасими, шунга ўхшаш бирон ерга берилиши керак, дейман... Ҳам балки бир санъат ўрганар ҳамда бундай жойларда қаттиқ бир аскар интизоми бор... Зоти олийингизнинг Истанбулда кўп танишларингиз бор... Ортиқ шуларнинг бирига бир қоғоз ҳиммат кўрсатсангиз... Болани чақирайлик, бир кўринг..."

[1] Елдирма – қизларнинг юпқа кўйлаги.
[2] Чингана – лўли.
[3] Идодий – ўрта мактаб.

Мунирбей осий, қовушимсиз, ёқавайрон бир кўча боласини кўрсам керак, деб ўйлаганди. Узун, ориқ вужуди, дуруст кўринишли, ёқимли қорача юзида сал кулимсаган, уятчан мовий кўзлари билан нозиктаъб бир ёш йигитчани кўриб ҳайратланди.

Мунирбей оз сўзлашига, сўралган саволларга битта-битта, қисқа-қисқа сўзлар билан жавоб беришига қарамай, унинг назокатли, хассос бир бола эканлигини кўрди, қўшничилик бурчини ўтаб, бутун нуфузини ишга солди. Ниҳоят болани Истанбулга, муҳандис мактабига юборишга қарор қилдилар.

* * *

Канон Измирда онаси билан синглисини, Бўзёқасидаги Шамъи Дадасини ҳамда у билан бирга маъсум, умидсиз бир болалик муҳаббати Лайлони қолдириб кетаётган эди... Лайло катта бир идора хизматчисининг қизи эди, Канон унга Қоронтинадаги қўноқда тез-тез дуч келарди. Бундан ташқари, ёз ойларида Лайлолар оиласи ҳам Бўзёқа боғларига келарди. Кичиклигида ярамас, қизиққон бир қиз эди. Болалар билан ҳеч чиқишмас, ёлғиз Канон билан яхши ўйнарди. Ораларида ниҳояти икки ёш фарқ бор эди. Шу боис Канон унга одатда ака муомаласи қилар, бу ҳол кичик, аммо ер-кўкка сиғмайдиган қизнинг доим қаҳрини келтирар, доим айтганини қилдирарди.

Бир ёз Лайло тўсатдан бўйи етиб елдирмали кўйлак киядиган қизга айланиб Бўзёқага келганди, Канон ортиқ у билан ортиқча гаплашишларни бас қилди, боғ кўчаларда дуч келганда саломлашмаслик учун кўзларини пастга ё четга оларди.

Айни чоғда Лайло ҳамон илгаригидай ортиқча ҳаволи, ортиқча тантиқ бир қиз эди.

Бир кун яна Канонга тор бир боғ кўчада дуч келган, шамсияси билан унинг йўлини тўсган эди:

– Ўтиб кетолмайсиз, Канонбей... Менга нечун жаҳлингиз чиқаётганини айтмагунингизча сизга йўл йўқ...

Канон кулимсираб жавоб берганди:

– Сизга жаҳл қилишга ҳеч бир сабаб йўқ шекилли?

Лайло шамсияси билан тиконларнинг учларини синдирар, лаблари чимириб чўччайтирарди:

– Менга совуқ муомала қиляпсиз... Мени энди яхши кўрмаяпсиз...

Бу сўзлар болаларча бир самимият билан дудоқларидан тўкилганди.

Канон бошини эгиб оҳиста, лекин теран бир овоз билан:

– Шундай тахмин қиляпсизми, Лайлохоним? – деганди.

Бу сўз Лайлога бўлган мажнунона севгисининг илк ва сўнгги эътирофи эди. Канон қачонлардан бери бу кичик қизни телбаларча севарди. Севги унга илк бора Лайлонинг катта-катта қора кўзларида тажалли этганди. Дунёда ундан бошқасини севмаяжагига, юрагида унинг аччиғи, кўзларида унинг хаёли билан ўлажагига ишонч ҳосил қилган эди. Бир бола каби, бу қора умидсизликка ўзини асир этгани ҳолда катта одам каби ўз ҳолини, мавқеини яхши англар эди. Неча-неча кечалар бўйи ўйлаганди. Ҳеч бир чора, ҳеч бир умид йўқ эди. Киборларнинг бундай гўзал қизини истамак, юлдузлардан бирини истамак каби эди. Унга насбатан кўнглидан ўтган нарсаларни билсалар, ким билади, қанчалар кулардилар. Лайлога бир нарса сездирмак эҳтимоли уни ўлим каби қўрқитар эди. Жуда мағрур эди. Шунчалик севгани Лайлонинг бу бечора савдо билан хурсандчилик қилиши чидаб бўлмас бир изтироб бўлиши турган гап эди.

Бу ёш қизнинг келажагини тахмин қилинган йўлларда соатларча айланарди. Шундай бўлгани ҳолда уни кўрар-кўрмас ё йўлини буриб кетар, ёхуд бошини солинтириб оларди.

Лайло бу савдони кўпдан ҳис этган, лекин кулмаганди. Билъакс, у ҳам Канонни ёқтирар, унинг нозик қорача юзини, маҳжуб мовий кўзларини барча бошқа ёшлардан устун қўярди.

Йўл чеккасидаги тасодифдан сўнгра Лайлонинг севганига ҳеч шубҳаси қолмаганди. Бошқа қўшни қизлар каби у ҳам Канон билан севишмакни, ойдин кечаларда кичик қочқинликлар қилиб у билан қўл ушлашиб кезмакни истарди. Лекин Канон унинг очиқдан-очиқ қилган таклифларини ҳамон бир қайсарлик билан рад этар, "бу болаликлардан воз кеч" деб ёлворар, аммо у кетгач, доим бекитиқча йиғларди.

Каноннинг Истанбулга кетишига икки кун қолганда, боғда сўнгги бир мулоқотлари бўлганди. Лайло ўзини туголмас, рўмолчасини юзига парда қилиб йиғлар эди:

– Менга мактуб ёзарсан-а ёки ёзмайсанми, Канон?

– Йўқ... Имкони йўқ...

– Бир неча йилдан кейин муҳандис бўлганингда мени оласан-а , ёки олмайсанми, Канон?

– Нечун бундай деяпсиз, Лайлохоним?

– Сен ҳам мени...хоҳлайсан-а ёки хоҳламайсанми, Канон?

– ...

– Нечун жавоб бермайсан?

– Йиғламанг, Лайлохоним... Мен сизга лойиқманми?

– Онанг онамга совчиликка келсин. Унаштирилиб қўямиз.

– Менми, Лайлохоним? Мен ўзимни сизга зўрлаб хоҳлатаманми?

Энди йиғлаш гали унга келиб, кўзёшларини кўрсатмаслик учун бошини ёнга бурганди. Лайло оташ каби ёнаётган қўллари билан унинг

билакларини тутди. Ўзини бир он унинг қучоғида қолдириш эҳтиёжи билан ёнар эди. Канон қора савдосининг бутун телбаликлари ичра Лайлони қучоқлашдан ўзини тияр, йиғлай-йиғлай бу ердан қочганди. Бу иззат-нафс эгаси катта одам фидокорлигини кўрсатган вақтда, ўн етти ёшли бир боладан бошқа нарса эмасди.

Келаси йили таътил ойларида Измирга қайтган чоғида Лайлони тоғасининг катта ўғли Жамилга унаштирилгани устидан чиқди. Ортиқ изтиробга берилмади. Қалбидаги савдони зотан бир йил аввал кўмган, Лайло учун йиғлаганча йиғлаб бўлган эди. Ёлғиз бир нарсага пушаймон бўларди: "Модомики бундан кейин савмаслигимни билгач... нечун фурсат борлигида Лайлони бир марта бўлсин қучоқламадим..." дер эди.

Каноннинг бу илк савдоси маълум бир вақтдан сўнг сўнган, лекин изи, асари яширин ва узоқ, ҳазинлик ҳолида йилларча давом этганди. Йигирма ёшга кирганида бутунлай индамас, сўник бир йигитга айланганди.

Мактабда Жавод исмли бир оғайниси бор эди. Феъл-атворлари, табиатлари, ҳатто завқлар орасида ҳеч бир муносабат йўқ эди. Жавод киборлардан чиққан, аксарият хуштор, хушчақчақ бир бола эди. Шундай бўлса-да, улар бир-бирларини ёқтириб қолгандилар.

Жавод оғайнисини сал жонлантириб кўнглини очишни, бир оз ҳаётга боғлашни истарди. Лекин барча уринишлари ҳавога кетарди.

Баъзан ундан сўрарди: "Сен ҳиссиз ёшлардан эмассан, Канон... Буни англаш учун камонингни тинглаш ҳам шарт эмас... Ҳолингга, юзингга шундай бир қарашнинг ўзи кифоя... Шундай бўлатуриб нима сабабдан ҳеч бир нарсада кўзинг йўқ? Нима сабабдан бу қадар беҳаракатсан?"

Канон енгилгина елкаларини силкар, ҳар доимги толғин табассуми билан: "Қаёқдан билай? Мен шундай туғилганман!" дерди.

Канон бундай туғилмаганди. Ундаги ҳаракат, ундаги яшамоқ эҳтироси дунёларга сиғмайдиган даражада катта эди. Фақат ҳаётининг фақирликлар ва муваффақиятсизликлар ичида ўтажагига бевақт ишониб қолган, ҳаётдан шунчаки аччиқланиб қолган эди. Ярим саодатлардан нафратланарди. Ўқишни битиришга муваффақ бўлмагунча бир қадаҳни ҳам дудоқларига яқинлатишни маънавий қашшоқлик деб биларди.

Унинг фикрича, санъатдаги каби, ҳаётда ҳам ўртачалик йўқ эди. Муваффақият қозонганларгина билганларича, хоҳлаганларича яшайдилар, бошқа бахти қаролар қоронғи бир бурчакда маҳрумиятларини яширганча яшайверадилар.

Дунёда энг кўп жирканган инсонлар – бой ва масъуд кишилар атрофида яшовчи, уларнинг саодатларининг қолдиқлари билан бахтиёр бўлишга уринувчилар эди. Оддий бир кулба деразасига осилган гулдор пардага, ёшгина бир аёлнинг ўлиб-тирилиб чойшаблар сотиб олишига ёки упа-эликлар суркаб ташланган юзига, ажиндор бармоғига тақкан узугига доимо ачиниб ва кулиб қарар эди. Буларнинг нима кераги бор? Инсон ўз ҳолини билиши, эришиб бўлмайдиган нарсаларни, мумкин бўлса, истамаслиги лозим, мумкин бўлмаса, бу орзуни кўнглида яшириши керак, шундай эмасми?

Кейинроқ Канонда бир фикр, бир маслак ҳолига кирган бу ишонч, аслида энг кичик ёшидан бери унда ҳоким бўлган бир туйғу ҳолида яшаб келар эди. Митти болалигидаёқ шу туйғу билан ҳамма болалик ҳақларидан воз кечган, бой, тантиқ тоғазодаларидан, Қоронтинадаги қўноқнинг дабдабали муҳитидан шу туйғу билан узоқ турган, ниҳоят Лайлосидан шу туйғу билан севгисини муҳофаза қилганди.

Канон кўнглининг сирларини ёлғиз мусиқа ила ифода этарди. Камон унинг қўлида шундай бир покиза бола руҳини ифодалар, одамни ҳайратлантирувчи ҳаётий, теран бир изтироб билан инграр эди.

Муҳандис мактабини ҳам идодий каби минг мушкулот ила битирган, лекин камонда кўп, жуда кўп илгарилаб кетган эди. Измирга қайтишни истамасди. Чунки энди у ерда онаси ҳам йўқ эди. Малакхоним, Афифани Сайдикўйидаги бир тужжорнинг ўғлига берган, тўйдан бир йил кейин ўзи ҳам у ерга кетганди.

Истанбулда қўли узунроқ бир кимсани танимаганлиги учун бир хизмат ўрни топишга имкон йўқ эди. Баъзи дўстлари унга мусиқа муаллимлигини тавсия этгандилар; рушгия мактабларида бир-икки ашула дарси, яна маҳаллаларда икки-уч камон ўқитувчилигига жой топиб бергандилар.

Бешиктош[1]да кимсасиз бир қари кампирнинг уйида бир хона топганди. Ёмғир, лой демас, қўлида камон қутиси билан эрталабдан кечгача мактабдан мактабга, уйдан уйга шошилар эди. Уни чинакамига чарчатиб адо қилаётган вужуд ҳорғинлиги эмасди. Ҳар кун оз-оздан тубанлашиб бораётганини, ҳассос ғуруридан яна бир оз йўқотаётганини кўрарди.

Мактабларда унинг санъатини англамасдилар. Рушгиялардан бирида бир мудир унга чап бўлиб қолгандики, ҳатто хасталанган чоғларида ҳам унинг қийшиқ оёқлари, қуюқ мўйлови, ифлос кийим-бошлари билан тушларига ҳам кирарди. Бу одам негадир Канонга осилгани осилган эди. Ёш йигитнинг ҳалим виқорини, бошқа муаллимлар каби ўзини ҳақорат қилдириб қўймаслигини кўрган сари, тажовузини парда-парда орттирарди. Дарсларда одамнинг ғашини келтирадиган қора пашша каби тепасидан кета қолмас, иккида бир гапга аралашиб, огоҳлантиришлар, танбеҳлар берарди: "Афандим, нега буларнинг овози чиқмайди. Байрамларда шарманда бўламиз... Ким бўпти у Меъмор Қосим мактаби, афандим? Оғзимнинг суви оқади-я ҳавасдан... Бўлиб ўтган тантанали Фотиҳ байрамида мактабимиз Айя-София жомесининг олдида турарди. Худойи ламязал ҳаққи (ҳеч ўлмас Оллоҳ ҳаққи), Меъмор Қосим мактабининг Чамбарлитош олдида айтган маршини биз Айя-Софиядан эшитдик... Кўз тегмасин, жуда қадрли муаллимлар бор... Болаларининг овози оркестрни босиб кетади... Гарчи сиз ҳам муқтадирсиз, аммо ҳар қалай болаларни жуда секин ўқитяпсиз... Аммо бу бизнинг принципларимизга зид... Билиб қўйинг.. Ҳиммат қилинг..."

Бу мудир афанди бир намойишда билагига, белига мактабнинг қирмизи-яшил лента (тасма)сини тақмагани, кўчада талабалар оқимининг

[1] Бешиктош – Истанбулдаги бир даҳа.

олдида бақира-бақира марш айтиб қўманда беришдан қочгани учун Канонни ишдан бўшатганди.

Бошқа бир мудир ҳам ўғлига суннат тўйи қилганда Канон камон чалмагани учун унга қарши бўлиб қолган, беш-ўн кун кейин номи чиққан муаллимларнинг ватанпарварона миллий қўшиқлар билан виждони шабоби таҳйич (ёшларнинг виждонини жўштириш) ва имло текшириш ўрнига фанний тарбия принципларига қарама-қарши ўлароқ бир қатор тушунилиши қийин бўлган сўзлар билан вақт ўтказганига доир бир шикоят ёзганди. Маориф мудири шикоятни майхўрлиги билан танилган бир муфаттишга ҳавола этганди. Канон бу муҳокама кунини ҳам унутилмас хотиралари орасига қайд этиб қўйганди.

Сархушлик муфаттишнинг шишган юзини кирли қон қуюлмалари билан, гунафшаранг бурнини қизил томирчалар билан тўлдирган, тилига кулгили бир пишиллаш ва дудуқлик берганди. Бурчакдаги бир оромкурсида ўтирар, бир ёндан Канонни сўроқ қилар, бир ёндан бир қайчининг ёни билан шиминнинг ғижим-ғижим бўлган почаларини текисларди.

– Азизим, рапортда истинбот этилган[1] матнга кўра, даражаи вуқуфингиз мавзуи баҳс бўлади[2]... Зоти олийингиз ватанпарварона миллий маршларни билмайсизми?

– Баъзиларини биламан, афандим...

– Унда нега болаларга ўргатмайсиз, афандим?

– Бир-иккисини билишади, афандим...

– Виждоним амрига кўра билдириб қўйиш менинг мажбуриятим бўлгани учун, билим ва иқтидорингиз ҳақида бир фикр билдиришим лозим... Сиқилманг, жоним... Муаллим аҳли сарбаст бўлиши керак...

Канон толғин бир назар ила деразадан қарши тарафдаги вайронага қарар, жавоб бермасди...

– У ҳолда нима қиламиз?

– ...

– Мени мушкул аҳволда қолдиряпсиз...

– Йўқ, афандим... Аксинча, бу ишни жуда осон битиражаксиз... Ҳозир сизга истеъфо ёзиб бераман...

* * *

Уйлардаги камон дарслари билангина яшаш мажбуриятида қолганида қаттиқ сиқила бошлаганди. Маъюс бир нақарот каби бир фикр тилидан кетмас эди. Ҳар уйнинг эшигини чаларкан кўзлари ер сузар, ўз-ўзига: "Оҳ, нақадар пастлаб кетяпман" дея такрорларди.

Бу, ишнинг муҳимлиги, инсонлигингга, тани соғлигингга дахл қилиши, шундоғам заиф вужудингни, хаста томирларингни жуда ҳоритади.

Турли хонадонларда етишаётган хонимчаларга, бир-икки куйни ўрганиб олиб, дарҳол қўшни йигитчаларга қандай ўқимишли эканини

[1] Истинбот этилган – келтирилган яширин маъноли сўз.

[2] Даражаи вуқуфингиз мавзуи баҳс бўлади – билимингиз даражаси баҳс мавзуи бўлади.

кўрсатиб қўймоқ учун сабрсизланган маҳалла қизларига камон ўргатиш у қилиши керак бўлган иш эмасди.

Супурги ушлашни билмайдиган маҳалла хотинлари йигирма кунда бир мумтоз куй чалишни хоҳлашар, камонни, шарманка[1] билан граммофонни бир-биридан ажратолмайдиган оила оталари: "Дарс бошланганига икки ой бўляпти... Бир ҳафсала қилинг, қолган бир ойда иш якунига етсин" тарзида гапириб қолишарди.. "Бошқа уста бизга қўшиқлар, ашулалар чалиб берарди. Сиз нега чалиб бермайсиз?" дея шикоят қилувчилар ҳам кам эмасди.

Ора-сира шундай сўзлар эшитардики, ҳам кулгисини қистатар, ҳам қаттиқ таъсир этарди:

– Шу чолғу усталиги ҳам зап ажойиб нарса. Ҳам завқ оласиз, ҳам пул топасиз.

– Мадиҳа, рўмолингни ўраб ол... Ойшахоним, мен буфетга тушиб кетяпман, сен Мадиҳанинг ёнида бўлиб тур...

– Сал орқангизни ўгириб турасизми? Даҳлиздан меҳмонлар ўтишади...

– Сизга кўзим тегади. Ажабо, қаёқданам кўрдим сизни... Далолатчи Ориф Афандининг тўйига келган камончи сизмидингиз?

– Сиз бўйдоқмисиз? Нега уйланмайсиз? Албатта сизга ҳам бир қиз берадиган топилади....

– Бугун қўзи билан ҳолва пиширгандик. Сизнинг ризқингизни ҳам айирдик

– Қизнинг аввалги эрининг овози зўр эди, ҳам чалар, ҳам куйларди... Дарс қизнинг зеҳнига осонроқ ўрнашарди...

– Вой, ўлай агар, уни чинганаларга беришди.

Мактабдан кетганининг иккинчи йили эди. Кутаҳяда унга бир йўл муҳандислиги таклиф этилди. Канон, бу қашшоқ чолғу ўқитувчилигидан қутулгани учун мамнун бўлди. Истанбулни севина-севина тарк этди.

Энди ўз мутахассислиги билан яшайди, мусиқаси билан ёлғиз ўзи машғул бўлади. Лекин кўп ўтмасдан бу умиди ҳам чиппакка чиққанини кўрди. Кутаҳядаги ҳаёти унга Истанбулдагидан ҳам рангсиз, маъносизроқ кўринарди. Истанбулда бўш вақтларида эркин қола оларди; кимса бу соатларда ундаги ёлғизликда хаёл суриш завқига дахл қилмасди. Ҳолбуки бу ерда ундай эмас. Қўшнилари, дўстлари, айниқса бошлиқлари унга ҳеч тинчлик беришмасди. Уни ёлғиз қолдирмасдилар, қачон энди машқ бошласа уйига, хонасига кириб келаверишарди. Ҳамон болалигидаги каби нозик ва юмшоқ юзли эди. Кимсанинг кўнглини синдиришни истамас, юзидан ўтолмасди. Дўстларининг хотирини хуш қилмоқ учун, уларга истаган куйларини чалиб берарди. Фақат улар ҳурматсизликларини орттира борар, Канонни қасабанинг чолғучиси даражасига тушириб қўярдилар.

Илк келгани вақт шаҳарда тиниб-тинчимас ва қаландар бир мутасарриф[2] бор эдики, завқланишни, кайфу сафони жуда яхши кўрар, тез-

[1] Шарманка – бураб чалинадиган қутисимон мусиқа асбоби.

[2] Мутасарриф – бирор ишни истагандай бажара олувчи амалдор.

тез кўнгилочар оқшомлар, ишрат йиғинлари уюштириб турарди. Сархуш бўлган чоғлари жакетини отиб, қўлларига қошиқлар боғлар, Ойдинли солиқ бош котибини қаршисига олиб соатларча қорин рақсига тушарди.

Канон ҳеч ўзгармайдиган рақс куйларини бир автомат ҳиссизлиги-ла чаларкан, ўз-ўзича фикрларди: "Тоғамда ҳаққи бормиш... Мусиқани севганлар мутлақо ўйнашга, мутлақо жўр бўлишга маҳкум эмишлар... Шунча қайсарлигим, ғайратим зое кетди. Йиқилдим, ҳаётим каби руҳим ҳам қашшоқлашди".

Бир неча ойдан кейин мутасаррифни ўзгартиргандилар. Ўрнига келган одам қўпол, сарт бир оқсоқол эди. Вазифасига киришганидан бир неча кун ўтар-ўтмас Канонни чақирган: "Мусиқа гўзал нарса... фақат расмий вазифадаги кишиларга тил теккизмаслик шарти билан... Амалдорларимизда маблағни совуриш майли бир мунча ортганлиги тўғрисида хабар бердилар. Табиий, бунинг бутун ишга ҳам таъсири бўлади... Бу кўнгилочар оқшомларга барҳам берилишини, сизнинг ҳам камонингиз билан амалдор дўстларингизга ўйинчи бўлмаслигингизни талаб қиламан... Зотан сизнинг расмий ишларингизнинг ўзи ҳам анча оғир ва мушкулотлар билан тўладир..."

Айнан ана шу кунларда Канон эски дўсти Жаводдан бир мактуб олди. Таҳсил тақозоси билан Оврупога кетган Жавод у ерда яхши жойлашган, ҳатто катта-кичик тижорат ишлари билан ҳам шуғуллана бошлаганди. Ҳаётидан мамнун кўринар, Канонни ҳам у ерга чақирар эди: "Кутаҳядаги амалинг жуда ноёб ҳинд газмолидай эмас-ку ("Шуям иш бўлди-ю!" демоқчи). Бир-икки юз лира топа олсанг ҳеч ўйлаб ўтирма... Дарҳол оёғингни қўлингга олиб бу ёққа уч. Биз бу ерда арзон ва бемалол яшаш илмини ўргандик. Зотан тадбирли одамсан. Сенга яна бошқа турли қулайликлар ҳам топиб бероламан. Бу ерда, ҳам бир-икки йил кўзинг, кўнглинг очилади, ҳам консерваторияга кириб касбингни давом эттирарсан. Муҳандисликдан ҳар ҳолда бўйини-энини ўлчашни ўрганасан... Сен яна камоним нима бўлади, деб хавотир олма... Мен сенинг фавқулодда истеъдодингга ишонаман... Толе ёрдам берса, бир кун аҳамиятли бир одам бўларсан".

Канон бу мактубни олганидан бир неча ҳафта ўтгандан кейин онасини ва Афифани кўрмакка бир ой изн билан Сайдикўйига кетганди. Бир оқшом бир баҳона билан онасига бу мактубдан баҳс очди.

Малакхонимга ўғлининг ҳоли бу сафар ҳеч тинчлик бермасди. Одатдаги ёшлик касали ... Юзи кўпроқ сузилиб сўлган, ҳолига, туришларига қариганлик нуқси ургандек эди.

Канон нима учун бу қадар ўзини олдириб қўйдийкин, нега бу ёшда яшашдан чарчаган? Уни бир оз масъуд кўриш, толғин кўзларига бир парча нашъа ва ҳаёт бермак учун ҳеч бир чора йўқми?

Малакхоним кечалари ётоғида алламаҳалгача шуларни ўйлар, ўғлининг билинмас дарди учун бекитиқча йиғларди.

Жаводнинг мактуби унга чорасизлиги ичида бир катта умид каби кўринганди.

– Дўстингнинг гапида жон бор, у тўғри айтяпти, Канон... Бир неча йил Оврупога кет. Балки у айтганидай очиларсан... – деди.

Канон тўғридан-тўғри жавоб бермас, унинг бармоқларини ўйнаганча олдига қарар эди:

– Оҳ, менинг шўрликкина соф, маъсум онам-а...

– Нега бундай деяпсан, Канон?

– Мени бир қуш қилиб дунёга келтирсангиз, бу мумкин бўларди... Очиқ ҳавога қанотимни ёзар, учардим. Ҳориганда дарахт шохларига, кема устунларига қўнар, дунёни тинглар эдим. Сувсаганда дараларга, очиққанда Оллоҳдан бошқа эгаси бўлмаган ёввойи мева дарахтларига инардим... Қандай гўзал бир саёҳат бўларди, шундай эмасми, ойижон?..

Канон бу гапларни айтиб юборганига пушаймон бўлиб индамай қолган, бу яширин ситам учун афв сўрамоқчидай онасининг бармоқларини дудоқларига келтирганди.

Лекин Малакхоним унинг нима демоқчи бўлганини англаганди. Ўғлининг сочларини, бошини силади:

– Канон, – деди, – мен Кемералтидаги кичик дўконимни сен учун сақлаб юргандим... Бир кун ҳолимизга кўра яхши бир қизгинага уйлангунингда керак бўлади, деб ўйлардим. Бу умидим синди... Дўконни сотайлик... Қўлга кирган бир неча юз лирани ол-да, дўстингнинг олдига кет...

– Ёш боламисиз, ойижон... Мен ҳеч нарса сўрамаётирман... Мен ҳаётнинг бир мағлубиман...Мен ҳам дадам каби бўлдим...У қадар маъюсланманг, ойижон... Албатта бу шундай давом этмайди. Ёшим ортган сари бу мағлубият билан олишаман; балки қисматимга рози бўларман... Қаёқдан биласиз, балки сўнгги кунларимизда бир оз масъуд бўлармиз.

Канон, онасини фикридан қайтармоқ учун кунларча ўзи билан ўзи олишди. Лекин Малакхоним бу сўнгги умидидан воз кечмас, болалардай йиғлаб ўжарлик қиларди.

Ниҳоят қабул этди. Модомики унинг саодатини ўйларкан умиди: онаси учун бир масъуд тасалли бўлмоқчи эди, шўрлик хотиннинг бу сўнгги маъсум хаёлига қаршилик қилишдан бирон маъно бормиди?

* * *

Соиб Пошо Кемералтидаги дўкондан келадиган бир-икки юз лирани Канон бир-икки ойда еб битиришини айтган, тўртинчи ойда Измирга қайтиш учун фақат кетиш эмас, келиш билетини ҳам олиб қўйишни тавсия қилганди. Пошонинг бу тахмини тўғри чиқмади. Канон тўрт йил Оврупода қолди. Яшашига ёрдам бериш учун Жавод унга кичик бир иш топганди. Бу вазифадан ортган бутун соатларини санъатга берганди. Серҳаракат бир фаолият билан банд, вужудини шол-шол қақшатадиган, томирларини узиб юборадиган қора хаёлларга берилишга вақт тополмасди. Ёлғизликдаги, ҳуркак руҳи аста-аста очила бошлаганди. Ҳатто баъзан

катта-кичик можаролари ҳам бўлиб турар, Лайлодан кейин тамомила бўш қолган қалбида янги ҳаяжонлар ёниб-ўчиб турарди. Оғир, жиддий, лекин мунис, шароитга мослаша олиш табиати туфайли атрофидагилар уни яхши кўриб қолишган, нозик, севимли чеҳрасида ҳали сақланиб келган мазлумона болаларча софлигини кўрган бир қанча қалблар унга ошиқ эди.

Канон санъаткорлик қудратининг ишониш қийин бўлган бир суръат билан инкишоф этарди. Ёлғиз камон маҳоратини юксалтиришга шошилмас, мусиқа ҳақида ўта кенг ва атрофлича тадқиқларда бўлар эди. Муҳим бир мусиқа устодининг ташаббуси билан берган илк концерти уни беқиёс бир муваффақият билан таъминлади. Маъруф бир танқидчи у ҳақда умумий фикрини шу сўзлар билан якунлаган эди: "Бу турк мусиқашуноси камол мартабасига, сал кам "виртуоз"ликка етишганини ҳамма тан олди. Фақат мен унда янада кўпроқ бир нарсани кўряпман. Ҳусайн Канон фақат бошқаларнинг бастасини, бошқаларнинг руҳини юксак тарзда англаб ижро этиш билан кифояланмайди... Унинг ўзида ҳам бизга айта оладиган гўзал, тоза, теран нарсалар бор. Содда ва самимий "Шарқ лайлия[1]лари"да унда-мунда услубсизликлар, тажрибасизликлар, одамга кўрқув берадиган тараддудлар, енгилгина табассум эттира оладиган ибтидоийликлар йўқ эмас. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин бу бир оз ибтидоийлик, бир оз тараддудли мусиқа қайсидир афзалликлари билан бизни жуда маҳкам ушлаб турди, нима учун руҳимиздан шу қадар кучли ҳиссиёт жараёнлари ўтди? Бу бола ҳозирча бироз дудуқланади; лекин келажакда гўзал асарлар яратажак, гўзал нарсалар айтажак...Канон туғилган мамлакатнинг истиорали тилидан баҳс очиш лозим бўлса, айта оламанки, Канон парвозга ҳозирланиб турган қушларга ўхшайди. Тараддудларидан, ҳатто вақтинчалик сукутларидан кўрқмайлик, ундаги истеъдод уни узоқ марраларга олиб боражак".

* * *

Толе ортиқ Канонга кула бошлаганди. Бу муваффақият Истанбулнинг ҳар куни, ҳар соатда турланадиган гўзал буқаламунининг раҳм-шафқат, инсон ва санъаткор бир пайтларига тўғри келганди. Уч-беш йил олдин ярим оч ҳолда суриб чиқаргани Канонга бу дафъа бир доҳий, ярим илоҳ каби қучоғини очди. Овруподан олгани порлоқ шаҳодатномадан сўнг ортиқ бу йигитнинг маҳоратидан шубҳа қилинмас, мусиқасига лоқайд бўлинмасди.

Шишлининг санъаткор салонларидан Балиқли кўргазмасининг калакесарларигача; Сандиқбурнининг руҳонийларигача жуда кўп кимсалар "Шарқ лайлиялари"ни тинглаган, пианинодан граммофонгача ҳар чолғу ойларча шу куйларни чалганди.

Муваффақият аввало Канонга енгил бир ҳайрат берганди. Ҳамон ўзига ўзи инонолмаётган, "мумкин эмас, бу ҳол узоқ давом этмайди" дерди.

[1] Лайлия – тун қўшиқлари.

Шуҳратига олдин сохта бир нописандлик билан елка қисиб қўйган, ҳаёт тарзини ўзгартирмасликка қарор қилганди.

Истанбулда энди бир қанча ҳомийлар, хайрихоҳ дўстлар бўларди. Зангин бир тижоратчи Олий Мусиқа мактаби очиш учун, ўзга бир бой, лекин ҳушёр меросхўр "Опера ширкати" ташкил қилиш учун муҳим сармоя таклиф этганди. У пайт Қурилиш Вазирлигини ишғол этган бир мусиқашунос пошо ҳам уни қалами махсус мудири[1] қилишни истаганди. Канон икки вазифа орасидаги муносабатни бир турли англамасдан шоша-пиша пошонинг юзига боқаркан, у:

– Нима зарари бор, ўғлим? – деганди. – Мен ҳам мусиқашунос-ман, вазифамни камо-ҳийа-ҳаққуҳо (керагидай) олиб боришимга моне бўлолмаяпти-ку?!

Ёш бастакор буларни ва бунга ўхшаш бошқа-бошқа муносабатсиз таклифларни рад этмас, яна илгаригидай дарслари билан яшагиси келиб қолганди. Лекин бу гал бутун кибор ва ўзига бино қўйган Истанбул унинг талабаси бўлаётган эди. Канондан дарс олмаган кичик хонимларнинг камони, Ҳекада таҳсилини тугатмаганларнинг пианиноси каби, нуқсон деб билинарди. Кутганидан ортиқ пул топа бошлаганди.

Янги келган пайтларида ҳаётининг махсус тарафи бўлмиш эски алам ва бадбин кўринишини ҳам муҳофаза қилганди. Катта фожиалардан қутулганлар сингари юрагида бир ҳуркаклик, узоқ вақт совуқда қолганлар каби бир сесканиш бор эдики, ҳеч кетмас эди.

Баъзан ўз-ўзича ўйлар эди: "Менга яна нима керак... Бу муваффақият менга болалигимнинг, сўнг ёшлигимнинг илк чоғларида келиши керак эди. Қалбим сўнди, ҳавасларим сўнди, ҳаётим созлаб бўлмайдиган суратда синди".

Канон янглиш тушунарди. Ўзини ҳорғин ва безган бир одам деб ҳисоблаётган бу йигит, аксинча, янги ҳаёт бошлаётган эди. Табиат ўз ҳукмини юргизар, раҳмга, шафқатга, умидга, севгига муҳтож руҳи бир оз кечиккан бу баҳорда куч ва ҳарорат билан аста-аста очилмоқда эди. Чиндан сўнганлар, чиндан ўлганлар ўз вақтида шу қадар ёш бир ҳарорат ва амал билан яшаган оғайнилари, ақраболари эди. Уларнинг вужудлари ишлай-ишлай тўзган, қалблари ҳориган, умрларининг ҳаяжон ва севгидан иборат насибини бевақт тугаттандилар. Улар энди вужудлари, юзларининг чизгилари ҳам қўполлашган иш одамлари, ёхуд чарчаган, безган инсонлар эди. Улар учун ҳаётнинг ҳеч бир яширин гўшаси, ҳеч бир таъмин қилинмаган амали, ҳеч бир янги ҳисси қолмаганди. Ҳолбуки, Канон болалигининг, илк ёшлигининг оғир, зулмат уйқусидан энди уйғонаётган, бола каби маъсум қолган мовий кўзлари ҳаётга ва ёруғликка энди очилаётган эди.

Ўн беш яшарлигида қаригандай ҳорғин эди. Энди ўттиз ёшидан сўнг ўн беш ёшидаги мактаб болалари каби янги ҳиссиётлари билан титрай бошларди. Кўргани тақдирлашлар ва муҳаббатлар унга эски

[1] Қалами махсус мудири – махсус адабий котиб.

уятчан, тортинчоқ, одамовилигини аста-аста йўқотган эди. Кўзларига қувноқлик, ширин бир эркинлик, узун нозик вужудининг ҳаракатларига ўз-ўзидан жонли бир оҳанг келтирганди.

Ҳатто бир оз такаллуфсиз ҳам эди.Узоқ вақт шафқатдан маҳрум қолган болалар каби бир оз нозланиш эҳтиёжига ҳам қаршилик қилолмасди.

Ҳорғин чеҳраси кундан-кунга гўзаллашар, камонидан тўкилган бир нағма каби соғлом жозибали бир ҳаловат ичида эди.

Истанбулда бир қанча йил аввал малолли бир хилватнишинлик ичра яшаган Канон энди ҳатто ишлашга ҳам вақт тополмасди.

Оғайнилари, дўстлари бир кун тинч қўйишмас, заиф иродасидан фойдаланиб бир оз телбаликларга ҳам ўргатишарди.

Ўша ёз – ҳам асарини битириш, ҳамда онаси билан синглисини кўриш учун Сайдиқўйига боришга қарор қилганди. Соиб Пошо қиёматлар кўтарди, Истанбулга устма-уст телеграммалар ёғдирди: "Кўзининг нури, белининг мадори" Канонни жуда кўргиси келаётган экан! Кекса тоғасини чирқиллатиб кетиш, виждонсиз бир ҳаракат бўларди. Ёш санъаткор тоғасининг бу ялинишларига қаршилик қилолмади. Унинг орзусини рад этса "кибрли, нонкўр" дейишлари мумкинлигини ўйлади.

Айни чоғда Бўзёқани, йилларча маҳрум ва сўник ҳаётини ўтказган ерларини эндиги масъуд ва ҳаётсевар кўзлари билан бир марта яна кўришни жуда истарди.

III

Вапур[1] учинчи дудугини[2] чалган, йўлчиларга оқ йўл тилаб кузатишга келганлар осма зинанинг тубида ҳаракатланаётган қайиқларга ингандилар.

Мунирбей сал олдинда Жовидон билан гаплашаётган Канонга:

– Яна икки дақиқа кечиксак вапурда қоламиз... Кетдик, Канон, – дея овоз берди.

Шаҳзода Вафиқ йигитнинг қўлини сиқди, ҳароратли бир самимият ила:

– Кетдик, ёш санъаткор, – деди. – Суҳбатингизнинг давомини икки ойдан сўнг давом эттирасиз... Яратажак оперангиз билан катта муваффақият қозонишингизни умид қиламан... Бу қишни Истанбулда ўтказмоқчи эдик... Лекин асарингизнинг илк қўйилишида бу ерга келиш топшириғини олдик қизимиздан... Қадрли Канонбейнинг муваффақиятига гувоҳ бўлиш учун яна бир саёҳат заҳматини зиммамизга оламиз, тўғрими, Жовидон?..

Қиз ширин бир табассум билан:

– Албатта, дада, – деди, – биз гаплашиб ўтирмай шунга аҳд қилдик, – деди.

[1] Вапур – Буғ кучи билан ишлайдиган кема.

[2] Дудугини – гудогини.

Сўнгра қўлини Канонга узатди.

– Асарингиз ҳақида бизга ора-сира бир-икки сатр маълумот юбориб турарсиз, шундай эмасми?

Йигит Жовидоннинг қўлини ўпди, кулиб унинг жумласини такрорлади:

– Бу ҳам гаплашиб ўтирмай аҳд қилинган нарсалар-а, шундайми?

Мунирбей осма зинадан инаркан орқасидаги Канонга секин пичирлади:

– Канон... Орқамда севинчдан рақсга тушяпсанми? Бу аҳволда иккимиз ҳам денгизга йиқиламиз...

Вапур аста-секин очила бошлаганди. Канон паррак тўлқинларининг ичига бир шўнғиб чиққан қайиқдан ҳамон рўмолчасини силкитарди.

Мунирбей мамнун ва истеҳзоли бир табассум билан:

– Оллоҳ муборак этсин, Канон, – деди, – худо хоҳласа, хайрли, тиниб-тинчимас, ўзингдай санъаткор, завжангдай кетворган болаларинг бўлади...

Канон қизариб кулар, ўзини тушунмаганга олиб "нега" деб сўрар эди.

Мунирбей ён томондан урилган бир тўлқин ҳўл қилган шимини рўмолчаси билан қурита туриб:

– Мен оғиз очмаслигим лозимми, болам? – деди.

– Йўқ... Фақат... Ишонтириб айтаманки, ҳеч бундай нарсалар гаплашилмади.

– Ҳа... Бу ҳам "гаплашиб ўтирмай аҳдлашилган" нарсалар тоифасидан...

Мунирбей жиддийроқ ва оғир бир овоз билан давом этарди:

– Фавқулодда бир воқеа юз бермаса, бу ишни бўлди деб ҳисоблаш ҳам мумкин... Пошо-ку очиқча бир нарса демади. Лекин сендан мамнун... Эътибор бермадингми? Санъат улуғлик ва асиллигини ҳеч бир асиллик билан қиёслаб бўлмаслигини неча бора такрорлаган... Қиз бечорага келинса... Уни, табиий, сен мендан яхшироқ ҳис этдинг... Хуллас, икки кунда иккисининг ҳам қалбини эгалладинг... Никоҳ қилинишингизга ҳеч бир моне йўқ.. Шундай бўлса ҳам, менинг фикримни билмоқчи бўлсанг, мен сизлардай бунга тарафдор эмасман. Менинг бошқача мулоҳазаларим бор... Муҳитларингиз тамомила бўлакча... Завқларингиз ҳам шундай, табиий... Малика Жовидоннинг асосан ёмон томони йўқ...руҳи покиза... Фақат кўпроқ бойлик орттириш иштиёқи билан бу руҳ устида керагидан ортиқ заргарлик қилганлар... Сенга келсак... Мен ҳам лузумсиз нарсаларни гапиряпман... Мени тинглamaяпсан ҳам... Кўзинг, ақлинг бошқа ёқда... Ҳар ҳолда бахтиёр бўлишингни тилайман.. Тоғанг бу воқеадан хабар топса, ким билади, қандай мамнун бўларкин...

– Илтимос қиламан, унга ҳеч бир гап айтманг...

– Табиий... Энди Бўзёқага бирга қайтамиз, шундай эмасми, Канон?

– Йўқ, мен эртага келаман... Бу кеча Қаршиёқада, Родителларга таклиф қилинганман...

– Сен ҳар кеча таклифдан таклифга айланиб юрибсан, ишингни қачон қиласан-у қачон битказасан?

– Бу сўнгтиси, Мунирбей афанди... Эртадан эътиборан иш қўйлагимни кийиб ижодни бошлаб юбораман.

– Худо хоҳласа деяйинки, ўшандоқ бўлсин...

Қайиқ божхона олдидаги бандаргоҳга ёндошганди. Канон чаққон ҳаракат қилиб ташқарига ҳатлади-да, қўлини Мунирбейга узатди.

* * *

Охирги Қаршиёқа вапури кордон[1]дан узоқлашаркан, тун бошланганди. Манаман текисликларидан юзларга сарин, енгил бир шабада эсар, майда-майда мавжларда ҳали сўнмаган кунботар шуълалари кўрфазда ингичка, қизил "йўллар" очарди.

Канон сал-пал сархуш эди. Икки-уч ошнаси билан бирга Қорамарда бўза ичганди. Кема палубасидаги борт тўсиғига тирсакларини таяган, юзини Измирга ўгирганди. Кордоннинг кўз қамаштирувчи тунги ҳаёти оҳиста-оҳиста порлашини бошлаб юборганди. Ичида рангли қоғоз фонарлари билан антиқа Чин гравюраларига ўхшаган бир казинода Канонинг мусиқий парчаларидан бирини чалаётган эдилар. Канон бу бастани илк бора эшитаётгандай теран бир мириқиш билан тинглар, еллар ичида таралаётган энг кичик парчаларни забт этмоқчи бўлгандай бошини чўзар эди. Вапур узоқлашган, казинодан бир рангин зиёли хаёл, мусиқасидан ваҳм каби мубҳам бир оҳанг қолганди. Канон ҳамон ўша нуқтадан кўзларини узолмасди. Шу асно яқинроқдан бир бошқа камон саси титраб эшитилди. У ҳам айни ўша парчани чаларди.

Йигит бошини ўгирди. Камон чалганча тиланаётган кўр қария эди. Орқасини палубага чиқадиган зинанинг панжарасига тираган, катта шапкасини ёнида турган бир болага берганди; ўсиқ, кир сочларини шамол тўзғитганди. Устлари ёриқ-ёриқ бўлиб кетган, аллақачон ҳориган камон эди. Тўғри ва дуруст созланмаганди. Шундай бўлишига қарамай, Канон бу қария тиланчида бир санъаткор руҳини сезди.

Зинапоянинг устига осилган бир фонар бўртиқ, буришиқ манглайини ёритиб турар, сўник кўзлари билан бошқа бир оламга боқаётгандай бошини кўтариб чаларди. Ора-сира ҳорғин бир таврда камон ёйини туширар, теран бир нафас олгандан сўнг такроран бошларди.

Бу, шўрлик бир қари кўрнинг ёриқ-қириқ, маҳоратсиз камони эди. Лекин Канон ўз бастасининг бу қадар теран бир хаёл ва муҳаббат билан тўла эканлигини шу кечага қадар фарқига бормаганди.

Ёнида аллакимнинг чуқур-чуқур нафас олганини эшитди. Мотам либослари кийган ёши ўтиброқ қолган бир аёл эди. Оқ бир рўмолча билан кўринмаётган юзининг кўринмаётган кўзларини артар эди. Ундан нарироқда оқ мўйловли, узун бўйли бир одам ҳорғин бир шикаста-

[1] Кордон – кириш-чиқишни чеклайдиган говдевор ичидаги махсус жой.

лик билан қўлларини ёнига ташлайверди. Бир оз аввал жуда маза билан кулиб гаплашган очиқ ранг энгилли икки мактаб қизалоғига диққат этди. Улар ҳам энди эшитмаётгандилар. Бири сарғиш бошини ўртоғининг елкасига қўйган, оғир бир малол билан қоронғиликни кузатарди. Канон такрор хаста санъаткорга боқди. Фонарнинг хира шуъласидан дарҳол руҳи ёришган қария, аянчли бошини қуйироқ эгган, лабларида серхаёл ёшларнинг табассуми титрар эди.

Борган сари сархушлиги ортаётган Канон ўз-ўзича хаёлларга берилларди: "Бу бечора ҳам бир кун ёш бўлган-ку... Балки у вақт кўзлари кўр бўлмагандир... Эҳтимол, унинг ҳам Лайлоси бўлгандир... Эҳтимол, у ҳам мен каби Лайлосининг кўзлари учун йиғлагандир... Ким билади ҳаёти ҳам аччиқ аламлар билан тўладир... Лекин ҳозирги дақиқада масъуд эканлигига шубҳам йўқ... Кўзлари кўрмаса нима бўпти? Мен ҳам соатларча қоронғиликка чўмиб, соатларча ўзимни ихтиёрий бир кўрликка берганман... Ахир, мен хаёлимнинг дунёсини яхшироқ кўриш учун атрофимдаги дунёнинг нурларини махсус сўндирмасмидим? Бу дақиқада бу бечора масъуд бўлди... Унга бу саодатни мен бердим... Йўқотган дунёсини кўрди, севганларини кўрди, Лайлосини кўрди... Ҳаётининг кўзёшлари билан ювилмаган заҳрини менинг мусиқам билан ювди... Фақат шуми? Бу мотамсаро қари хотин билан анов кичкина мактаб қизларини ҳам мен масъуд этаман... Бу хотиннинг йўқотган одами ким бўлдийкин: сув гуллари каби нозик бир қизми? Бир фалокатда қурбон бўлган бир навқирон йигитми, умрининг энг гўзал паллаларини қучоғида ўтказгани бир мушфиқ эрми, ким бўлса ҳам энди уни кўраётир, унинг билан яшаётир... Бу кичик мактаб қизларини мен масъуд этаман. Дунёда балки ҳеч кўрмаяжаклари хаёлий шаҳзодаларини бу дақиқада мен уларга кўрсатаман... Умрларининг бахти балки шу дақиқада мен кўрсатганим хаёлдан иборат бўлиб қолар..

Қари камончи энди сукутга чўмганди. Соҳил яқинлашар, Қаршиёқа бандаргоҳидан денгизга тўкилаётган шуълалар вапурнинг ёнларида сузар, рул чамбари саваётган кичик тўлқинлар бир юлдуз булоғи бўлиб қайнарди.

Канон ҳали ўзини ҳаяжонли ва сархуш хаёллардан қутқаролмаётган эди: "Бу соатларда дунёнинг, ким билади, қанча мамлакатларида асарларим яшаётган экан. Не-не инсонлар мен ижод қилган садолар билан бирга кулаётган, йиғлаётган, севаётган, масъуд бўлаётгандир... Ўзим ҳам эндигина яшашни, масъуд бўлишни бошлаяпман. Энди севаман, ортга тисланмасдан севишимни айта оламан. Гарчи бахт менга бир оз кеч келди... Ичимда қанча-қанча нарсалар қулаб, ҳароб бўлган... Катта ҳиссиётларга ортиқ қобилиятим йўқ... Лайлони севган пайтларимдаги вафо эҳтироси қолмади... Савдоларим бир оз саҳобаларга ўхшайди: оқаётган бир зиё қалбимни бир карра ёритади-да, сўнг сўниб кетади... Измирга келган куним Неъматхонимни Бўзёқадаги боғда меҳмонга келган ҳолда топдим. Юзига боқар-боқмас бу ёш, зариф ва бадбахт хотинни севишни

бошладим. Бу қадар нозанин, нозик бир хотинни эри ўта гўллик билан қандай қабул қила олишига ҳайратланардим.

Эртаси оқшом Мунирбейнинг кўшкида Малика Жовидонга дуч келдим... Маликанинг муҳташам гўзаллиги қаршисида Неъматхоним бирдан ўчирилган хотирага айланди.Унашилган йигит назари билан кўрганим Маликани, эҳтиросга ўхшаш бир ишқ билан севар ҳамда ўта гўллик билан бу ёш қиздан айрилсам яшай олармиканман, деб ўзим ўзимдан сўрардим.

Энди меҳмонга борганим уйда мени кутиб олган Маликани Мадемуазел Лилянга, ўзимни очиқ шаҳло кўзли хушомадгўй Румо машшоқига ўхшатардим. Шўрлик Жовидонга ҳозирданоқ хиёнат қилаётгандим. Ҳа, ичимда теран савдоларга, катта эҳтиросларга берилиш қобилияти қолмаганди... Англардимки, Лайло мени бир вақтлар жуда чилпарчин қилиб йиқитган, қалбимни харобага айлантирган... Савдо энди қалбимдан дудоқларимга чиқди... Севги энди бирини бошқаси унуттирадиган бўсалар билан бир нағма, бир табассум каби ёлғиз дудоқларимда яшаяжак... Эҳтимол, бахтли бўлиш учун бирдан-бир чора шудир: севгини дудоқлардан ташқарида қолдирмоқ, заҳар каби қалбга чўкишига йўл бермасликдир".

IV

Соиб Пошо Бўзёқадаги боғининг бир бурчагига, асосий бинодан анчагина узоқ бир масофада, чиройли, кичик бир кўшк қурдирганди.

Ора-сира волий, дафтардор, қўмондон каби катта мансабли одамларни боғда зиёфатга, ойдинда кўнгилочар кечаларга даъват этар, уларни хусусий доирада меҳмон қиларди. Измир газеталаридан бири кунлардан бир кун бу кўшкни ҳазил аралаш "маросим доираси" деб кулги остига олганди. Соиб Пошо истеҳзони англамасди, аксинча, бу таъбирдан жуда хурсанд бўлганди, буни кўрган ёр-биродарлари, ялтоқлари ҳам ўша кундан кейин кичик кўшкни шу от атай бошлагандилар.

Маросим доираси баландгина бир жойда эди. Ҳам Қизилчуллу тарафларини, ҳам Арабдарасини ҳамда Қўқарёли тепалари устидан кўрфазнинг кичик бир парчасини кўриш мумкин эди.

Соиб Пошо "кўзининг нури, белининг мадори" Канонга шу маросим доирасини берганди. Кўшкнинг супуриб-сидирилишини шахсан ўзи назорат қилган, Канонга билдирмасдан, жиҳозланган бир хонага пианино ҳам келтириб қўйганди. Хизматчиларига, болаларига шиддатли амрлар берар, "Канонбейни нотинч қилганингларни эшитмай... Унга сокин муҳит керак...Фикрлаганда тинчликка эҳтиёжи бор... Бутун дунёнинг газеталари яна расмларини босиб чиқаради, ҳатто бу кўшкнинг фотографиясини босажаклар... Одат шунақа..." дер эди.

Унинг бу саросимасини кўрганда "Пошо тоға... Сизнинг бу ҳақларингизни қандай ўтайман?" дея ҳазиллашган Канонга: "Жуда осон, жиян... Худо хоҳласа, ишингни битирганингдан кейин бир "Баладия (ҳокимият) марши" басталаб берарсан" дея жавоб берарди.

Канон ишни бошлашга шошилмас, ҳали-ҳозирча кайфи сафодан ортмасди. Такаллуфсиз, ўйинқароқ, ҳавойи болалардан бирига айланганди. Қўллари чўнтакда, ҳуштак чалганча дара-тепаларда юрар, ер чопаётган боғчиларга ёрдамлашар, ингичка боғ сўқмоқларида улоқларни қувлаб юрарди.

Боғдаги болаларнинг бошлиғи (сардори) бўлганди. Турли шўхшанг, сершовқин ўйинлар чиқарар, тош отиш, бекинмачоқ, қувлашмачоқ, асир олиш ўйинларидан кўпроқ завқ олар ва эҳтиросларга бериларди.

Бир кун яна болалар тўдасини эргаштириб, Шамъи Дадага яна машъум ҳазил қилишга борганди. Қари дарвиш бир орада "ҳазилни бас қил, Канон, – деди, – мен сенга ҳайрон қоляпман, ўғлим... Кичикли-гингда қўзидай ювваш эдинг. Овозинг чиққанини эшитмасдик".

Канон парво ҳам қилмай елкаларини қисди:

– У вақтларда бу кичикларнинг оталари, оналари билан ўйнай олмадим, – деди, – энди ўзлари билан ўйнаяпман, отагинам... Армоним ичимда кўмилганми, нима бўлган, билмайман...Эҳтимол болалигимнинг аламларини чиқаряпгандирман...

Бу гапларни айтаркан, аста-аста юзига, овозига ҳазинлик қўшилди, кўзлари Арабтепа Бўғозининг ичкариларига қараб чўмиб борарди. Туйқусдан бир силкинди; аламли бир нафас олди-да, такроран нашъага берилиб:

– Қани, кичкиналар, кетдик, – деди.

Канонни фақат кичкиналар эмас, катталар ҳам севар, ундаги бу болаларча, ҳаяжон билан яшаш завқи юзига, сўзига англашилмас бир жозиба берарди.

Болалар билан бола бўлган Канон ёшлар билан суҳбатлашаркан ҳаёт ва муҳаббат билан тўла йигитга айланарди. Неъматхоним ила бўлган муносабатлари кутилмаган бир суръат билан ривожланиб борарди. Ёш жувон бугун виқор ва жиддийлигини унутар, Канонга зулмга учраган бир ёш қиз таслимлигини намойиш қиларди.

Бир тонг Неъматхоним маросим доирасининг эшигига келганди. Канондан бир китоб сўради.

Йигит:

– Нега ичкарига кирмаяпсиз? – деб сўради.

Неъматхоним беихтиёр кулди: "Қандай бўларкин?" демоқчи бўлди-ю, лекин уялди.

– "Мунира мени кутиб турипти-да", – деди.

Канон айёрона бир журъат-ла куларди, қўлларини белига тираб:

– Воҳ-воҳ, қандоқ кучли сабаб. Нақадар катта узр, – дея майна қила бошлади.

Шунда Неъматхоним ҳам жасоратланди:

– Асил монелик нималигини биласиз, билиб туриб нега сўраяпсиз, – деди.

Канон янада яқинроққа келганди:

– Асил монелик нималигини биламан, лекин тўғри деб билмайман, – деди, – сиз мендан қўрқяпсиз, топдимми?

Неъматхоним ярим ҳазил, ярим жиддий оҳангда сал аччиқланган-дай ва ажабланган-дай овозини баланд кўтарди:

– Сизданми?.. Нега энди?..

– Ким билади... Балки, масалан, мажбурлаб сизни ўпарман дея...

Бу кутилмаган бир сурбетлик эди. Жувон қип-қизариб кетди ва:

– Канонбей, илтимос қиламан, – деди аччиқ билан.

Йигит қўрқмас, гапга аҳамият бермасди. Айни ўша айёрлик, аммо ёқимли сурбетлик билан жувоннинг билакларидан ушлади, чаққонлик билан ёноғидан ўпиб қўйиб юборди:

– Кўрдингизми, бунда қўрққулик ҳеч нима йўқ, – деди.

Бу шу қадар тез ва шу қадар телбаларча ғалати нарса бўлгандики, Неъматхоним Канонга аччиқ-қуруқ бир нималар дейишни истагани ҳолда бундай қилолмаган, асабий қаҳқаҳлаб кулганча у ердан узоқлашганди.

У дарахтларнинг орасида қочиб бораркан, Канон ҳамон куларди. Сўнгра аста-аста бу табассум сўнди; қўллари чўнтагида ўйлай-ўйлай ичкари кирди:

– Ҳаёт қандай ажойиб нарса... Бир вақтлар шу қаршидаги дарахтзор ичида Лайлодан айрилгандим... Уни бир марта қучоқласам йилларча масъуд бўлишимни билардим... Буни қилмадим... Маҳрум, бечора бир йигитчанинг бу ҳаракати хунук бир кустоҳлик бўларди... Энди оддий бир кўча безориси каби ҳаракат этдим, ишкомдан бир бош узум узгандай ҳеч тараддудсиз бу жувонга тажовуз қилдим... Жаҳли чиққандай кўринди... Лекин аминманки, чиқмади... Демак, одамзоднинг муваффақияти ҳар нарса қилишига ҳақ бераркан-да...

Қуёшга қараган чий пардалари зич ёпиқ турган нимқоронғи хонага кирди. Пианино устида турган камонга қаради, унга бир дўсти каби хитоб этиб: "Бўзёқада зерикмаймиз, – деди, – бу гўзал жувон билан бир-икки ойлик бир можаро бор... Ҳар қандай бахт каби бу учун ҳам сендан қарздорман... Раҳмат".

V

Бўзёқанинг ҳар турли узумидан тотиб кўрдингиз, Канонбей... Истанбулнинг Чаросидан истамайсизми?

Тушдан сал ўтган бир вақт эди. Болалар ҳам, катталар ҳам иссиқдан боғнинг бир гўшасидаги читламбик[1]ларнинг остига қочгандилар. Бу Қирқчамлар йўли устида оддий бир кичик ўрмонча эди. Ёзнинг ёндирадиган вақтларида у ер саринлиги ва яшиллиги қоларди.

Қирқчамлардан доимо енгил шамол эсиб турар, кенг оғизли боғистон қудуғи бу ерни доимий бир рутубатда сақларди. Зотан боғнинг кўк

[1] Читламбик – ташқи кўриниши қайинга ўхшаш игнабаргли дарахтлардан бир тури, танасидан қуюқ шира олинади, юмалоқ қорамтир меваси писта мазасини эслатади.

полизлари билан қурғоқчиликни сира хуш кўрмайдиган "мушк уруғсизлари"[1] шу ердан сув ичарди.

Фариб ила Карам – боғнинг нафақадаги эшаги билан ҳар қандай боладай севимли хўтиги – галма-галдан қудуқнинг атрофида айланар, тош тарновлардан муздай сув оқарди. Ўша кун қудуқбоши ҳар вақтдагидан кўра тиқилинч эди. Дарахтдан дарахтга қурилган бир беланчакда қучоқлашиб икки чақалоқ ухлар; сарин бўйраларга ярим ястанган қизлар тўр тўқир; сочиқ, рўмолларга гажим ишлашар; орқароқда ҳеч гапга кирмаётган жанжалкаш бир тўда бола ўрдакка ўхшаб лойларга ботиб чиқарди. Қудуқнинг ёнида мўъжазгина бир тош ҳовуз бор эдики, сувлар ўшандан тарновларга тарқалар, узумлар шу ерда сувга қонарди.

– Истанбулнинг Чаросидан татиб кўрмайсизми, Канонбей?..

Кулатуриб бу саволни берган Неъматхоним эди. Қудуқ чиғирининг оғир ғижир-ғижирларини бир оз ғашланиб эшитган, аста-аста кўзларини юмиб олаётган Канон бошини ўгирмасдан жавоб берди:

– Илтимос, менга ортиқ узумдан гап очманг, Неъматхоним афанди...

Неъматхоним маънолироқ бир суратда кулар эди:

– Менинг Чаросимни кўрсангиз, айтган гапингизга пушмон бўласиз...

Канон енгилгина ростланди, бошини ўгирди. Неъматхонимнинг ёнида оқ қисқа этакли, очиқ ёқали ўн тўрт, ўн бешларга кирган кичкинагина, сарғишроқ бир қиз бола бор эди.

Кичик қиз кулиб юбормаслик учун дудоқларини сиқиб турар, ингичка билакларини бир амаллаб Неъматнинг қўлидан қутқаришга, қочиб қолишга ҳаракат қиларди. Каноннинг ўгирилганини кўрганда қипқизариб кетди, Неъматнинг билагини юзига сипар қилмоқчи эди.

Жувон уни қўйвормас, зўрлаб Каноннинг ёнига оборарди:

– Чаросим камонингизнинг ошиқларидан, Канонбей... Сиз билан гаплашишни жуда истайди, аммо уялади...

Неъматхоним қизнинг билакларини қўйворганди. У ортиқ қочишга ҳаракат қилмасди. Имтиҳонга кирган қўрқоқ бир ўқувчи каби боши олдинда, кўзлари ерда сузар, киприклари, дудоқлари титрарди.

Канон уни ҳуркак бир боладай билиб, кўп ҳам аҳамият бермай кулди:

– Мунча ҳам чиройли кичик хоним бу, – деди, – меҳмонми?

– Йўқ. Боғ қўшнимиз Шукрубейнинг жияни... Чирмовиқгуллар орқасига яшириниб, бизларни томоша қилаётган экан. Билдирмасдан яқинлашдим, қуш овлагандай тутиб олдим.

Канон такрор сўради:

– Кичик хоним Измирлими?

– Йўқ... Истанбулли... Уйингиз Қонличадамиди, Ламиа?[2]

Ламиа ботинкаларидан бирининг ўткир учи билан бир тупроқ уюмини текисламак учун қайсарона уринарди. Бошини Неъматхоним та-

[1] Мушк уруғсизлари – уруғсиз кишмишлар.

[2] Ламиа – араб тилида "порлаб турадиган" маъносини билдиради.

рафга ўгирди, яна кўзлари ўнгида, зўрға эшитиладиган бир овоз билан шивирлади:

– Йўқ... Пошобоғчаси...

Канон бу гал тўғридан-тўғри Ламианинг ўзидан сўради:

– Қачондан бери Измирдасиз, Ламиахоним... Ҳали кўп бўласизми бу ерда? Ота-онангиз Истанбулдами?

Неъматхоним Канонга маънодор бир ишорат қилди, бу баҳсни давом эттирмаслигини англатди. Сўнгра кичик қизнинг ўрнига жавоб бериб:

– Ламиа шу кунларда Измирли бўлади, – деди. – Онасидан, бейотасидан айрилди... Айни чоғда амакиси Шукрубей уни отасидай яхши кўради. Унаштирилган йигити уйлангунга қадар шу ерда бўлади...

Канон енгил бир қаҳқаҳа билан:

– Вой-вой, шу кичик хоним унаштирилганми? – деди. – У бахтли одам ким, Ламиахоним?

Ламиа баттар уялиб кетди. Икки қўлини Неъматнинг елкасига қўйди, юзини унинг қучоғига яшириб шикоят қилди:

– Уфф... Неъмат хола...

Жувон унинг қалин, сиқиб ўрилган сариқ сочларини, қуёшдан куйган очиқ манглайини силаб эркалади, сўнгра бошидан ушлаб аранг юзини кўтарганча:

– Чароснинг унаштирилган йигити бу йил мактабдан чиқиб ҳарбийликка ўқиётган бир йигитча, – деди, – ҳозир Трабзон тарафларда... Бир неча йилдан кейин капитан бўлади... Чаросим ҳам у вақтгача бўйи етиб қолади. Кейин тўйини шу ерда қиламиз, шундайми, Ламиа?

Бу ердаги бошқа қизлар ҳам гапга аралашиб, обдан Ламиани уялтириб ўртага олишди. Канон улардан узоқроқда турар, енгил кулимсираб Ламиага боқарди. Нозли сиймоси, очиқ яшил сузгун кўзлари, узун, гап кўтармайдиган бурни бор эди. Қуёш нозик, тиниқ терисига заррин бир ёниқлик берган, ёноқларининг кўзларига яқин жойларини билинар-билинмас сепкил босганди.

Неъматхоним энди уйқудан уйғонган, бир оз нарида оналарининг сийнасидан оқшомлик насибасини олган гўдаклар бўш беланчакка ўтқазилган; Ламиани ёнига, нақ тиззаларига олганди. Унинг боши, дудоқлари, ёноқларини чақалоқ болалардай ўйнаб сўйлар эди:

– Бу кичик Истанбул қизига қаранг, одам деган ҳам шунчалик чиройли бўладими, Канонбей... Жудаям ширин-а, тўғрими? Нега уни Чарос деганимни тушунган бўлсангиз керак? (Бармоғини кўзларини остига, кипригига теккизарди). Мана бу сепкилларга қаранг... Хотинлар бундан ўлимдан қўрққандай қўрқадилар... Ҳолбуки Ламианинг ёноқларига шунчалик ярашганки... Истанбулнинг шаффоф терили, қорага яқин қизғимтир холли чаросларига ўхшайди...

Канон кулди:

– Эҳ, бу Бўзёқа боғлари! – деди. – Ташбиҳлари ҳам узумга доир...

Карам, қудуқ чиғирининг ғижир-ғижирлари билан оғир хулёга ўрганиб қолгандай паришон бўлиб алланималарни ўйлар, тунука тарновлардан тош ҳовузга тўкилаётган кўпикли сувлар ичида совуқдан бужмайган ранг-ранг узум бошлари, сариқ каҳрабо уюмлари, қизилли, яшилли хира биллур маҳшарлари ғиж-ғиж қайнар эди.

Неъматхонимга бир бош уруғсиз кишмиш бергандилар. Жувон ортиқ узум ейишга хоҳиши қолмаганди. Узумни зўрлаб Ламиага едиришга уринар, шу бир бош узум туфайли, "ейсан", "емайман" қилиб нақ бўғишмалар бораради. Кичик қизни зич ёпиқ лабларини очишга мажбурлаш учун бурнини сиқар, қитиқлаб куларди. Ниҳоят, Ламиа исён этди. Унинг ҳам ўзига яраша кучи бор эди. Ҳатто Неъматхонимнинг ўзига зўрлаб узум едирди.

Бўғишмалари битганда жувон такрор ёнига олди, манглайига тушиб турган бир тутам сочини тузатиб:

– Менинг ғалати бир қузатишларим бор, Канонбей, – деди, – Қаршимдаги инсонларга қараб Оллоҳим улардан ҳар бирини нима қилиш учун яратгани ҳақида ўйлайман... Бу менга чиройли бир эрмак бўлади... Масалан, трамвайда кетарканман, қаршимдаги аёлларга бир-бир қарайман... Анавини Оллоҳ ҳар йили уйидаги мушуклар билан баравар туғиш учун, манависини узун қўллари билан дорга кир ёйиш учун, бу кампирни эса келинлари билан тинмай уришиш учун, буни калтак еб ўт-бетини синдириш учун, бу хонимни узлуксиз эрини қизғаниш, рашк қилиш учун, кетидан кузатиб юриш учун, ҳар оқшом ғовға чиқариш, ҳушдан кетиб йиғлаш учун яратганми, деб қизиқаман. Бизникилардан, масалан, Жамилбейни аравларига узум саватларини жойлаштириш учун, ҳаммоллар билан ғижиллашиш учун, Козим куёвни доимо мева суви билан палов еб, рўза тутиш учун, Ҳофиз Ашраф Афандини йирик қизил бурни билан доимо аксириб юриш учун, исмини айтиш лозим бўлмаган... анави ошнони бир оромкурсида ўтириб товуқдай ҳурпайиш учун дунёга келтирган деб ўйлайман...

Канон кулиб сўради:

– Эрингиз Вайсалбейни-чи?

Неъматхоним қўлларини ёнига туширди, дудоқларини чимирди:

– Тўғрисини айтсам... Ёлғиз уни, нега туғилганини, нега яралганини англамадим...

– Мен-чи, мен?

Неъматхоним енгил бир киноя билан:

– Сиз маълум... Бутун дунё билади... Дунёга янги бир оҳанг келтирмоқ учун...

– Эрмак қилманг, Неъматхоним!

– Яхши, мен-чи Неъмат хола?

Буни бир ўта соддалик билан Ламиа сўраганди. Келганидан бири эндигина гапга қўшилганди.

– Бу баҳсни зотан сенинг учун очгандим, Чарос... Сўнгра гапни чўзиб, бошқа ёққа буриб юбордим. Сени Оллоҳ нозли, кетворган бир

қўғирчоқ бўлсин деб яратган, Ламиа... Вужудингда, мўъжаз юзингда ҳеч жиддий бир нарса йўқ.... Фақат қўғирчоқ, фақат ўйинчоқ, фақат безак... Бўлгани манглайинг бир оз жиддий кўринади... Ингичка қошларинг устида енгилгина бўртган кенг бир пешона, лекин унга ҳам бу нозиккина соч гажаклари осилиб тушган. Ҳатто буларни соч дейиш ҳам тўғри эмас, парқу каби ингичка, оқиш нарсалар... Мана шу манглайингдаги жиддийликни ҳам улар бузади.

Қуёш Илижа тепаларининг орқасига инган, тепалар оҳиста-оҳиста соялана бошлаганди. Бир ёш хоним дарахтлардан бирига осиғлик елдирмасини олди:

– Ўрталиқ саринлади, энди кетмаймизми? – деди.

Оқшом қўнаётган бу соатларда орқадаги йўлдан Қирқчамларга чиқишни, ўрталиқ қоронғилашгунча у ерда вақт ўтказишни одат қилгандилар.

Қирқчамлар[1] баланд бир тепанинг устида асрлардан қолган қарағай ўрмони эди.

Бу кўҳна дарахтларнинг йирик, ёрилиб-ёрилиб кетган таналари кўз олувчи юксакларга чўзилган, учларида қуёшга қарши шамсиялар очиларди.

Бу танҳо дарахтзор, Бўзёқа хотинларининг бир боғчаси кабийди. Ёш қизлар елдирмаларини отганча тўп, гўшеқапмажа[2] кўзбойлоғич ўйнашар; болалар тинмай тўкиладиган, ерларни денгиздай қоплайдиган сариғиш қарағай игналарининг ичида думаланишарди.

Бу оқшом Ламиани ҳам бирга олгандилар. Канон билан Неъматхоним энг орқада келишар, Чарос бир оз олдинроқда кетиб борарди.. Неъматхоним унга эшиттирмаслик учун паст овоз билан тушунтириб бораради:

– Бу болага асил муҳаббатим раҳм-шафқатдан... Ламиа нозли бир Истанбул қизи... Уч йил аввал онасидан айрилган. Истанбулда яқинларидан ҳеч ким йўқ экан... Шарқдаги туманлардан бирида қаймақом бўлган отаси ёнига олиб кетган... Бу жажжи қиз, икки йил отасига она каби қараб турган... Ўтган йили у киши ҳам бир фалокатга учраган... Қиз шўрлик у ерларда ёлғиз қолган... Истеъфодаги бир зобитнинг ёрдами билан бу ерга, уни амакиси Шукрибей ёнига жўнатганлар... Бола энди маҳрумиятлар ичида ... Шикоят этмаган бўлса ҳам, биламанки, ҳеч хурсанд эмас... Амакисининг болаларини бир энагадай боқади... Шундай бўлгани ҳолда янгаси яна шикоят қилгани қилган, уни уйда ортиқча кўради...

Ламиа энди анчагина узоқлашганди. Канон лоқайд бир назар билан унга қаради:

[1] Қирқчамлар – қирққарағайлар маъносини билдиради.

[2] Гўшеқапмажа – бирор бурчакка бекиниб, ўзини излаётган бола қаршисига бирдан воҳ дея сакраб чиқиб чўчитадиган бир ўйин.

– Бечора бола... Ачинарли ҳол, – деди, – фақат энди унинг ҳикоясини тўхтатайлик.

– Сизга қаттиқ таъсир қиляптими, Канонбей?

Канон овозини янада пасайтирди:

– Бунинг учун эмас, Неъматхоним афанди... Бу маъносиз Чарос ҳикоясидан аҳамиятлироқ нарсаларимиз бор, ҳар ҳолда...

Неъмат сохта бир шикоят ила:

– Уфф, Канонбей, – деди, – ҳеч тузалмас экансиз-да... Сиздан шунча илтимос қилсам-да, ҳеч қулоқ солмаяпсиз... Эрли бир хотинга қаёқдаги гуноҳли нарсаларни таклиф қиласиз...

Канон аста-аста бу табиат ҳукмини ола бошлаган сурбетлиги билан кулди:

– Сиздай бир фавқулодда чиройли жувоннинг ёнида одоб сақласам аввало сиз мендан куласиз, аҳмоқ деб, юзимга қарамай қўясиз... Неъматхоним, илтимос, сўз беринг... Бу оқшом ойдинда боғчага чиқасиз-а, хўпми?

– Бугун ой ярим кечадан сўнг чиқади...

– Мен ҳам шунинг учун шунчалик илтимос қиляпман-да...

Ламиа йўл чеккасида сариқ қалпоқли, фас[1] рангли ғалати бир гул топганди. Уни бериш учун Неъматхонимни кутиб турарди. Канон енгил бир асабият билан оҳиста:

– Оҳ, Неъматхоним, – деди, – бу болани қаёқданам олиб келдингиз-а...

* * *

Канон Чаросга деярли душман бўлганди. Неъматхоним бу болани ҳеч ёнидан кеткизмас, ҳар борган ерларига етаклаб келарди.

Бир кун яна Қирқчамларга боришга ҳозирланаётган эдилар. Йигит очиқдан-очиқ шикоят қилди:

– Нима десангиз денг-у, лекин бу қизни ортиқ судраб келавермаманг, – деди, – орамизда доим бир қоратикон демайлиг-у, лекин сариқ тикон каби...

Неъматхоним кўзларида тантиқ бир табассум билан Канонга қаради:

– Жуда зуккосиз, Канонбей, лекин айёр эмассиз, англамаяпсизми, мен Ламиани атайлаб ёнимизга оламан.

– Нима учун?

– Чунки у бўлмаса ёлғиз кезишимизга маъно берадилар... Биз ҳам шу ҳолдан қўрққанимиз учун ёлғиз кезолмаймиз... Масалан, энди бу соатда ёлғиз ўзимиз Қирқчамларга кела олармидик? Ламианинг яна бир яхшилиги бор... Бола шўрлик, ҳаддан зиёд покиза... Ҳеч бир нарсани сезмайди. Жуда фавқулодда ҳолларда ҳис этса ҳам, гапириб юрмаслигига аминман.

[1] Фас – кигиздан тикилган турк бош кийими.

Ламиа бу жиҳатдан яхши бир дўст эди. Доимо бирга бўлгани ҳолда уларнинг орасига жуда оз суқиларди. Баъзан бир йўлда ёнма-ён кетишаркан, секинроқ юришга эҳтиёж сезардилар. Ламиа, бундай вақтларда уларни кутиб турмай, ҳатто бошини ўгирмасдан йўлида давом этарди. Баъзан атрофини тиканлар, чакалаклар ўраган бир дарахт тагида ўтирардилар. Қизалоқ бир сўз демай улардан узоқлашар, қаршидаги тўсиқлар ичида гул йиғишга кетарди.

Қирқчамлар тепаси тикланишга мойил бир тепадан бир сел чуқурига пастлаб борарди. Ёмғир ёққан чоғлар бу ерда кичик дара пайдо бўлар, қуйида шаҳидлар қабристонидан ўтиб Қизилчул сойига оқарди. Тепалик бехосдан юзага келган янги, зич қарағай ниҳолларидан ўрмонча ҳолини олган эди. Бугун Неъмат ила Канон бу йўлдан дарага тушмоқчи эдилар. Қарағайлар шу қадар зич эдики, Канон Неъматхонимга йўл очиш учун янги шохларни синдиришга, япроқ йиғинларини қучоқлаб икки ёнга айиришга мажбур бўларди.

Дара салқин гувуллаб оқар эди. Қарағай тагларидан сизилиб келаётган, сал-пал сақич ҳидли, ёғли яшил сувларда қўлларини, юзларини ювдилар.

Ора-сира орқаларидаги ўрмонча енгил шитирлар, қарағай ҳидлари билан оғирлашган иссиқлик, одамни нохуш қилувчи ҳовурлар таратарди.

Канон ила Неъмат, йиқитилган бир дарахт бутоғининг устига ёнма-ён ўтиргандилар. Ортиқ Ламиадан тортинишга ҳам куч тополмаётган эдилар. Канон бир сўз ҳам демай, Неъматхонимнинг билакларини силар, жувон бу оғир ҳаво ичида ҳорғин, бетоб кўринган бошини йигитнинг елкаларига қўйиб, ухлагиси келгандай аста-аста кўзларини юмар эди.

Чаросда бугун ғалати бир ҳурматсизлик бор эди. Қаршиларида ўтирар, кўзларини улардан узмасди.

Канон бора-бора асабийлашди. Ниҳоят бир чора ўйлаб топди. Кичик қизнинг кўзларига қарашга журъат этмасдан маҳжуб бир кулимсираш билан:

– Ламиахоним, – деди, – даранинг нариги томонида сариқ рангли ва тўқ қизил бир ғалати чечаклар кўриняпти.... Неъматхонимга ўша-лардан бир гулдаста ҳадя қилсам дегандим. Лекин ёшим катта-да, чачабман, қўзичам... Чарчадим.. Сен ёшсан... Неъмат холанг учун ўша чечаклардан бир кичик даста қилиб келмайсанми?

Шунча кун бирга юрган бўлишларига қарамай Ламиа ҳали Канон билан гаплашишга журъат этолмасди. Бу камонни шундай чиройли чалган одам унинг учун ярим илоҳ эди. Унга сўз қайтармай хизмат қилишдан катта завқ оларди. Шундай бўлгани ҳолда Чарос бугун унга итоат этмас, уларни ёлғиз қолдиришдан қўрққандай Неъматхонимнинг юзига боқар эди.

У ҳам енгил бир тараддуд билан қизарганча Канонни тасдиқ этди:

– Шундай қилсанг кўп мамнун бўлардим, Ламиа, – деди.

Кичик қиз истамайгина ўрнидан турди. Тараддудлар билан кетиб борар, бир тошнинг нарёғига ҳатлашга ҳам журъат этолмаётгандай тўхтаб

турар, тез-тез орқасига қарарди. Даранинг нариги тарафига ўтганда бир маҳал тўсатдан ақлига бир нарса келиб қолгандай ортига қайтди. Дарахтзорнинг бир нуқтасига қараб қичқирди:

– Ҳой чўпон, қара, қўйларингдан бир қанчаси шаҳидлар қабристонига кириб кетяпти...

Ламиа шундай деб садо бергандан сўнг, тўсатдан енгил тортгандай бўлди. Ортиқ уларга қарамас, чакалакларнинг ичида жайрон каби сакраб-сакраб борарди. Канон ила Неъматхоним Ламиа овоз берган тарафга ўгирилиб бир мунча безовталандилар. Дарахтларнинг орасидан бир чўпон билан оқ соқолли боғбон ўзларига қараётганини сездилар.

Канон жувоннинг қўлларини қўйиб юборди.

– Ламиа бизни билмасдан бир таҳликадан қутқарди, – деди.

Неъматхонимнинг ранги бўз бўлиб кетганди:

– Йўқ, Канонбей, – дея жавоб берди, – Ламиа буни билиб қилди. Энди англадим... Таҳликани олдиндан билган, шунинг учун бизни ёлғиз қолдиргиси келмаётган экан.

– Демак, бу кичкина қиз сизни севишимни билади, шундайми?

Жувон бир нима демасдан олд томонга боқди.

Ламиа қўлларида бир қучоқ гул билан ортга қайтганида, уларга ўзини сездириш учун енгил-енгил ерни тапиллатарди. Этаклари, қўллари чанг-тўз эди.

Неъматхоним андиша билан сўради:

– Бир нима бўлдими, Ламиа?..

Чарос кулимсиради:

– Йўқ, аҳамиятли ҳеч нима бўлмади, – деди, – этагимга тиканаклар илашиб қолди-де, йиқилиб тушдим...

Ламианинг оёғи тилинган эди. Бундан бошқа бир чакалакнинг тикони сўл билагини ҳам бошдан оёқ чизган, қонатганди.

Канон оталардай меҳрибонлик билан:

– Вой қўзичам-е, – деди. – Қара, биз нималарга сабаб бўлдик?..

Ламиа маъсум бир миннат-ла Канонга кулди:

– Нима зиёни бор, афандим. Бу қўллар сизнинг қўлларингиздай камон чалмайди-ку...

Неъматхоним кичик қизни қўлларидан тутиб юришига кўмаклашар, баъзи тик тепалардан уни қучоғида кўтариб ўтказарди.

Канонга бир вақтдан бери ғаройиб бир худбинлик келганди. Ўзига оид бўлмаган ҳар нарса каби бошқаларнинг аламига, изтиробига бепарво қararди.

Шундай бўлгани ҳолда бугун шу бола учун ичи ачишганини ҳис қилди, "Қандай ғаройиб одам бўлиб боряпман... Баъзан бир дунё алам ҳам менга таъсир қилмайди. Ҳозир эса шундай йиғлоқи, заиф томирли хотиндай ҳеч аҳамиятсиз бир нарсага ачиндим" дея ўйлади.

* * *

Ламиа бир нарсани биларди. Бир оқшом янгаси билан бирга Соиб Пошонинг боғига меҳмондорчиликка борганди. Ойдин бўлмагани учун, ишкомда, атрофида парвоналар айланган бир осма чироқнинг ёруғида ўтирарди.

Неъматхоним у кеча жуда сўлғин эди. Бир гўшада индамай ўтирар, гапга аралашмасди.

Бир ора нима бўлганини сўрадилар. Ҳорғин бир таврда:

– Томирларим нотинч... Бошим оғрияпти... Бу кеча ухлолмасликдан қўрқяпман, – деди. Сўнгра толғин кулимсираб қўшимча қилди:

– Кичиклигимдан ора-сира шундай касалланардим. Бир черкас энагамиз бор эди. Чиройли овози билан менга аллалар, қўшиқлар айтарди.. Унинг овози аламларим, оғриқларимни енгиллаштиргандай бўларди.

Ламиа ўша кеча хонасида чироқни ўчиргандан кейин деразани очганди. Бир ҳис унга "Канон бу кеча албатта чиройли бир нарсалар чалади" дерди. Кичик қиз бу туйғусида алданмаганди. Саккиз-ўн дақиқадан сўнг камон бошланди. Ёш бастакор бу кеча эски турк қўшиқларини чаларди. Узун, оғир бир тақсимдан сўнг[1] эски бир аллага ўтди. Канон бу содда, якоҳанг бастага, ўлган бир онанинг хотираси каби, таъсирчан, юракка ёқадиган бир гўзаллик берарди.

Жимжит, қоронғи бир кеча эди. Дарахтларда япроқлар ҳам қимирламасди. Сояларнинг йиғинларига ўхшаган болохоналарда садолар тинган, шуълалар сўнган эди.

Ламиа хаёлида бу шуъласиз болохоналардан бирининг очиқ деразасини кўрарди. Неъматхоним қоронғилик ичра янада сўлғин ва оқ кўринган юзини яланғоч тирсагига тираган, бу гўзал камон овозини тинглар эди. Алла бир пайғамбарнинг дуоси каби таъсир этарди. Неъмат холасининг аламлари, оғриқлари оҳиста-оҳиста тиним топарди.

Ортиқ шубҳаси қолмаганди: Канон ила Неъмат бир-бирларини севадилар. Бу савдо Ламиага бир Лайли-Мажнун достони каби гўзал кўринар, ёш қалбида севинч аралаш ҳамдардлик уйғотарди. Унга бу гўзал достон аро ўзининг ҳам бир ўрни, бир вазифаси бордай кўринарди. Улар бир-бирларини севиб қолишларини аввало у истаганди.

Канонни илк бор кўрган куни эди. Неъматхоним яширин бир гап айтиш учун юзини Канонга яқинлаштирганди. У ёноқларида енгил бир қизиллик, сўзларида жонли бир ҳарорат билан сўйлар, йигит сўзлардан кўра кўпроқ уларни сўйлаётган дудоқларга диққат этиб тингларди.

Ламиа билинтирмасдан уларни томоша қиларди.

Канонниг ёқимли қорача юзи, жозибали мовий кўзлари қаршисида холасининг оқ чеҳраси, тим қора чақноқ кўзлари нақадар гўзал кўринарди. Кичик қиз дарҳол уларни бир-бирига мос кўрган, "Неъмат холам Канонбейни севса қандай яхши бўларди!" дея хонасига қайтган эди.

[1] Бу ерда "тақсим" – турк мусиқасида бастасиз ва импровизация ҳолида чолғу асбобида чалинган яккахон куй маъносида.

У ёшдаги қизлар ўта соф, паришон ўй-хаёллари билан ҳеч бир нарсанинг фарқига бормайдигандай кўринади. Ламиа эса уларнинг энг кичик хатти-ҳаракатларини, сўзларини, қарашларини кўздан қочирмас, хаёлидаги ишқ қиссасини кундан-кунга ўзича гўзаллаштирарди.

Энди ортиқ шубҳаси қолмаётган эди. Канон бу кеча Неъматхоним учун камон чалади, хаста холаси буни билади.

Вақт ўтиб борар, камон бир турли тинмасди. Ламианинг севинчига бир ҳазинлик аралаша бошлаганди. Севмак гўзал ҳодиса эди. Лекин, афсуски, бу достон ҳам бошқалари каби ҳижрон билан, айрилиқ билан, балки ўлим билан битиши муқаррар эди. Неъматхоним эрли бир хотин эди. Канон билан оила қуришига имкон йўқ эди. Бу гўзал савдони ўлгунга қадар бир-бирларидан яширажакдилар. Ламиа ёшига нисбатан соф бир бола эди. Унинг фикрича йигит киши ўз муҳаббатини бир ёш қизга, юзидан оқ тўрини очгани кеча айта олиши мумкин эди.

Муҳаббат, ҳаётнинг ёлғиз ўша кечасига хос бир саодат эди. Инсон у кечада умридан бутун бир насибини олади, эртаси тонг қуёш чиққанда ортиқ Оллоҳдан тилайдиган бир нарсаси қолмайди.

Ўша оқшомдан сўнгра можаро Чароснн янада кўпроқ машғул эта бошлаганди. Уйда иш қиларкан уларни ўйлар, амакисининг болаларини ўйнатаркан, бутун фикри-хаёли бу савдо билан машғул бўлар, кеча кўзларида уларнинг бир-бирларига боқишган хаёллари билан уйқуга чўмарди.

Яна бир кеча деразасидан Каноннинг камон чалганини тингларди. Кўзларидан беихтиёр ёшлар оқа бошлади: "Афсуски, улар айрилишади... Икки ой ўтар-ўтмас... Неъматхоним уйига, Канонбей, ким билади, қаерларга кетаркин... Сўнгра ҳеч қачон бир-бирларини кўролмайдилар" дер, бошини деразага тираганча: "Қандай чидаркин Неъмат холам бу гўзал сасларни тингламасдан, Канонбейни кўрмасдан қандай яшаркин?" дея бехос қичқириб юборарди.

Ҳар қайси борадиган ерларига уни ҳам ола кетишларидан жуда мамнун эди. Уларни хафа қилиш, савдоларининг муҳитидан узоқда яшаш қўрқувси қалбини титратарди.

Бир оқшом Қирқчамларда одатдагидан кўпроқ кечиккандилар. Йўлга чиққанлари вақт ўрталиқ анчагина қоронғилашган, ой чиққанди.

Ламиа қўлида Неъматхонимнинг шамсияси билан олдинда кетиб борар, уларнинг орқада қолганча одимларини секинлатганларини ҳис этарди.

Чарос бошини ўгирмасди. Лекин уларнинг орқадан сакраб келаётган, ой нури билан йўлга тушаётган сояларини кўраради. Гавдалари борган сари бир-бирига яқинлашар, Каноннинг қўли Неъматхонимни белидан қучоқлар, жувоннинг боши севгилисининг елкасига қўйилганди. Йўлнинг бир гўшасида бутунлай тўхтадилар. Гавдалар сўлдаги ташландиқ бир болохонанинг йиқиқ девори устида, бир кино лавҳаси каби очиқ аксланаётган эди.

Ламиа Каноннинг Неъматхонимни билакларидан тутганча кўксига қарата тортганини, жувоннинг бетоб таслимият билан орқага ташланган бошини тутиб, дудоқларидан такрор-такрор ўпганини кўрди. Ки-

чик қиз ҳеч нарсани билмасликка тиришганча кетиб бораркан, қўлоёғи титрар, бу бўсалар ўз юзига, ўз дудоқларига тегаётгандай ҳаяжонли исёнлар, ҳаяжонли ҳурпайишлар билан қалби ларзага тушар, аммо буни тан олмасликка ҳаракат қиларди.

Боғ эшиги олдида улардан айриларкан, ҳеч юзларига қарагиси келмасди. Неъмат холаси бир оз аввалги бўсалар-ла ёнгандай, иссиқ дудоқлари-ла уни ўпгани вақт титраб кўзларини юмди.

Ламиа у кеча алламаҳалгача ухлаёлмади. Канон ила Неъматта нисбатан бир қанча покиза, нозик ҳислари заҳаланган, синганди. Уларга ҳам аччиғи келар, ҳам ачинар, ҳам жирканишга ўхшаш бир нарсаларни ҳис қиларди.

У кеча ортиқ улар билан бирга кезмасликка қарор қилганди. Лекин эртасига эрталаб деразасидан кирган янги шуълалар ичида ҳар кунгидай шод ва хотиржам уйғонди; у кун Неъматхоним-ла Канонни кўрадиган соатини ҳар вақтдагидан кўпроқ сабрсизлик билан кутди. Бирга сайрга чиққан вақтларида улардан бир оз узоқда тўхтаб қола бошлаганди. Лекин қалби, зеҳни фақат улар билан банд эди. Кичик қизнинг бу ёзини фақат шу ишқнинг ҳикояси тўлдирар; оғир бир савдо муҳити ичида толғин, масъуд яшарди. Бу ишқ унга ёлғиз саодат эмас, бир оз ифтихор ҳам бераради. Ҳеч ким билмайдиган бу гўзал сирни у биларди. Сўнгра доимо улар билан бирга бўлиши бу савдони ҳимоя этаётганига ишончи комил эди. Чўпон билан боғбоннинг ларни лабни лабга қўйиб турганларида кўришларига у моне бўлмаганмиди? Бир кун читламбиклар остидаги қудуқ бошида уларни ёлғиз қолдириш учун болаларни етаклаб тўп ўйнашга бошлаб кетмаганмиди?

Аввало эҳтиётсизликлари учун улардан жуда аччиқланарди. Ҳатто бир кун Неъматхоним-ла очиқдан-очиқ гаплашиб олиш кераклигини хаёлидан ўтказганди. Лекин кейин уларга ҳақ берди. Нима қилсинлар, бир-бирларини севардилар. Бир вақтдан сўнг айрилишадилар.

Ламиа айрилиқ кунини хаёлига келтирганда йиғлагудай бўларди. Унинг назарида бу камон чалинмайдиган кун Бўзёқа ҳам етим бўлиб қолади; кечаларга оғир, бир-биридан фарқ қилмайдиган бир малоллик тушади; Арабдараси бир чўл; кўкюзи кимсасиз, ҳувиллаган; ҳар ер, ҳар нарса бўм-бўш бўлиб қолади... Нима учун Неъматхоним Вайсалбейга тегмасдан олдин Канонни учратмаган экан? Улар бир оила қурсалар қандай гўзал иш бўларди-я!

Ламиа баъзи кунлар болача бир хаёлларга чўмиб кетарди: Пошо боғига ўхшаган бир жойда икки қўшни қирғоқни тасаввур қиларди. (Икки йилча ҳамон Измирга кўниколмаганди. Пошо боғидаги эски қирғоқлар кундан-кунга хаёлида гўзаллашарди.Унинг фикрича инсон у ердан бошқа ерда бутунлай, тўла-тўкис бахтли бўлолмасди.) Бу икки қирғоқдан бирида ўзи келин бўлади, унаштирилган йигити Нозимни кигa кетади. Бошқа қирғоғида эса Неъматхоним билан Канон жойлашадилар. Ҳар кун, ҳар соат бир-бирларини кўрадилар, деярли ақрабо бўладилар, то ўлгунча бир-бирларидан айрилмайдилар.

Канон яна ҳар кеча камон чалади. Уларнинг бир-бирларига бўлган савдоси кундан-кунга ортади. Ламиа бу гўзал савдоларнинг заволини ҳеч хаёлига сиғдиролмасди. Кичик қизнинг хулёси бу билан ҳам кифояланмасди. Канон ила Неъматнинг қорача чиройли юзли, мовий кўзли, садафдай оппоқ тишли бир ўғли, ўзининг Неъматхонимга ўхшаган бир қизи бўлади, булар катта бўлганларида бир-бирларини севадилар.

Чарос бутун кунларини уларга оид фикрлар, хаёллар ичида ўтказар, қулоғида нуқул шу гўзал камоннинг садолари, кўнглида нуқул бу савдонинг ҳаяжонлари билан ухлар-уйғонар эди.

VI

Канон бир оқшом усти Шамъи Даданинг шийпонидан қайтарди. Қўшни боғлардан бирининг эшигида ложувард чоршаф[1]ли бир хоним-ни кўрди. Деворнинг устидан йўлга осилиб тушган каттакон бир анжир дарахтининг соясида турар, кенг япроқли шохлардан бирини қуёшга сипар қилмоқчидай юзига қарата тортарди.

Канон бу ложувард чоршафли хоним Ламиа эканлигини ёнидан ўтаётгандагина фарқига борди.

Чарос мўъжазгина қизғиш юзида маҳжуб бир табассум билан унга қараб кулаётганди.

Йигит жилмайганча у томонга юрди:

– Оз қолди сизни танимаслигимга, Ламиахоним. Чоршафга киришингиз билан туйқусдан катта бир кичик хоним бўлибсиз. Муборак бўлсин, ҳа...

Ламиа унга қарашга ботинолмасди. Титраганча:

– Мен ўтган йили чоршафга кирдим, афандим, – деди, – бугун эрталаб янгам билан Измирга тушгандик-да...

– Шундай иссиқларда ҳам ўраладими бу нарса...

– Ҳа, афандим...Илло тўй бўлаётган уйларни кўрсайдингиз... Жуда иссиқ эди, афандим... Ҳатто бир хоним хушидан кетди...

– Сиз ҳам тўйга бордингизми?

– Ҳа, афандим... Сўнгра бозорга ҳам кириб чиқдик...

– Демак, бу башанглик шунинг учун, денг, Ламиа? Келин хоним-ларнинг бари сиздай чиройлимиди?

Чарос янада кўпроқ қизарди. Киприклари, дудоқлари титрар, бошини ёнига бурарди.

– Бу ерга қачон келгандингиз?

– Ҳозиргина, афандим. Мен извошдан сизни кўрдим...

– Нега бу ерда тургандингиз?

Ламиа қисман тараддудланди, сўнгра кўзларини олдига индириб уяла-уяла жавоб берди:

– Сизни кутаётгандим...

[1] Чоршаф – мусулмон аёлларнинг боши ва гавдасига ўраб юрадиган катта рўмол, ҳижобнинг бир тури.

– Ие?!.

– Сизга салом келтирдим-да, афандим...

– Кимдан?

Ламиа қаттиқ уялаётганига қарамай ўзини кулгидан тиёлмади, ҳамон қўлидан қўйиб юбормаган анжир шохини юзига сипар этиб:

– Неъматхонимдан, афандим, – деди.

Бу сўз Канонга таъсир қилажагига ишонарди. Унда кўришажагига амин бўлгани ҳаяжон ила ўзи титрар, қовоқлари тез-тез очилиб ёпиларди.

– Раҳмат, Ламиахоним... Неъматхонимни қаерда кўрдингиз?

– Пештамалчи[1]лар бозорининг бошидан ўтаётгандим, афандим... Улар "Қуёшли дўкони"дан чиқишаётганди... Шундай кўргим келаётгандики, афандим...

Ламиа бугун илк бор Канон билан кўпроқ гаплашишга журъат этаётганди.

Неъматхонимнинг бир ҳафта аввал Манисадан қайнонаси билан қайнисинглиси келганди. Хоним улар кетгунча Қаршиёқадаги уйида ўтиришга мажбур эди. Бу воқеа Ламиа учун катта бир фалокат бўлганди. Чунки у Неъмат холасини ҳеч йўқотгиси келмасди. Ортиқ Каноннинг ёнига келишга ҳам журъат этолмас, бу бетакаллуф меҳмонларнинг тезроқ Манисага қайтишлари учун кеча-кундуз дуо қиларди.

Ламианинг Измирдан келтиргани хабарлар шундангина иборат эмасди. Извошда келаркан айтажак сўзларини битта-битта ҳозирлаб олганди. Шундай хабарлари, шундай муждалари бор эдики, Канон унинг катта хизматини, аҳамиятини, унинг, бу гўзал савдонинг маҳрами эканлигини англаб, унга бошқача назар билан қарашга мажбур этарди. "Қуёшли дўкони"нинг олдида Неъмат холасини қандай кўрганини таърифларкан, атайлаб гапни чўзар, унинг саволлар беришини кутарди.

Лекин Канон ортиқ ҳеч нарса сўрамай гапни бурганди. Ламиа у эҳтимол уялаётгандир, деб ўйлади:

– Неъмат холанинг қачон келишини биласизми? – деди. – Эртага эмас, индинга.. Шанба оқшоми. Хушхабарим учун менга нима берасиз, Канонбей?

Илк бора унинг исмини тилга олган, илк марта ундан бир нарса сўрашга журъат этган эди.

Бу болаларча соддалиги билан Канонни эрмак қила бошлаган эди. Ламиа борган сари жасурланар, йиғлашни бошлаётган болалар каби дудоқлари, қовоқлари титраб давом этарди:

– Неъмат холанинг келишидан шундай мамнун бўлдимки... мен ҳаммасини биламан... қўрқманг, ҳеч кимсага айтмайман. Қачондан бери иккингизга ҳам шундай ачинаманки... Куни кеча диққат қилдим... Хонангиз қоп-қоронғи эди... Чироғингизни ёқмадингиз, камон чалмадингиз... "Канонбей, худо сақласин, касалмасмикин..." дея қўрқдим...

[1] Пештамалчи – этак тикувчи.

Ламиа чинакам бир софлик ва самимият билан буларни айтаркан, Канон кулиб юбормаслик учун лабларини чимирарди. Чунки улар кераидан ортиқ илгарилаб кетган, журъат ва жасоратларни телбалик даражасига олиб борган эдилар. Деразаларда ёруғлик йўқ, камон чалинмаган аввалги кечани улар "Бужа"да бир меҳмонсаройда бирга ўтказгандилар.

Дарвоқе, Неъматхоним ҳам Ламиага хос софлик билан кичик бир ҳазил қилиб қўйганди:

– Канонбейнинг ўзи каби камонини ҳам жуда кўргим келяпти... Бу кеча ўша аллани чалишини илтимос қил... Мен тараф бўлиб сен тингларсан, – деганди.

Ламиа бу орзуни Канонга айтаркан севинчидан титрар, Неъматхоним учун чалинажак камонни тинглаш вазифаси унга одатдагидай ғурур бераётганди.

У кеча хонасига эртароқ қамалиб олганди. Чироғини ўчирди. Деразасини очди. Неъматхоним учун чалинажак аллани кута бошлади. Лекин соатлар ўтар, камон негадир бошламасди. Канон у кеча Мунирбейнинг боғига кетган, кеча ярмидан ўтгандан сўнг ҳорғин бир аҳволда ҳашаматли хонасига қайтганда берган ваъдасини эслаганди.

Ламиа ҳам буни унутган кўринди. Канонни такрор кўрган вақтида ҳеч нарса демади. Бу, гўзал савдонинг тарихида илк бир инкисори хаёл[1], илк бор ечими қийин бир муаммо ичида қолди.

VII

Сентябрь тугаётган кунлар эди. Боғлар ҳамон июль иссиғи-ла ёнар, ёлғиз ярим кечадан кейингина ерга намли бир саринлик чўкарди.

Канон ортиқ дайдиликни ташлаганди. Асари кундан-кунга илгарилаб борар, унга кутганидан ортиқ нашъа ва умид берарди. Асосан кечалари ишларди.

Зотан кичик ёшидан бери кечаларнинг Канонга ғаройиб таъсири бор эди. Кундузлари доимо сал бўшашиб, ҳорғин, ялқовланиб юрар, қоронғиликда ёнган илк чироқлар-ла бирга жонланиб, яшай бошларди.

Ортиқ ҳар кеча бир боғда тўпланган қўшниларнинг даъватига бормас, бола-бақра билан бирга қирларда айланмасди. Кеч вақтларгача вилла олдидаги шийпонда ёхуд боғнинг кимсасиз бир гўшасида ўзўзича сигара чекиб ўтирар, сезилмас сарин тупроқ ҳиди кела бошлаган вақтда хонасига кирарди.

Шийпоннинг тўсиқлар томонга очилган деразаларига Соиб Пошо ранг-ли ойналар тақдирганди. Канон бу ойналарни доимо очиқ тутар, хонасида фақат пианинога ёруғлик берадиган абажурли бир чироқ ёнарди.

Канон баъзан тонг ёруғлиги лампасини сўндиргунча ишларди. Чироқ атрофига парвоналар, ялтироқ яшил қанотли тун ҳашаротлари тўпланар, ярим ёруғ деворларга тушиб каттайган, титрак соялари хонани сассиз бир ҳаёт-ла тўлдирарди.

[1] Инкисори хаёл – хаёлнинг пучга чиқиши.

Ёш санъаткор бу зарарсиз тун ҳашаротларини жуда яхши кўрарди. Баъзан кулимсаганча ўйларди: "Хонам кўнглимга ўхшайди. Каттайиб бораётган ёшимга қарамай, хонада ҳар доим бундай сассиз ҳаётнинг титроқлари бор. У ерда ҳам бундай кўзларнинг рангин ваҳми деса бўладиган енгил нарсалар тинимсиз чирпинади, титрайди, бир жозибали оловда нозик қанотлари ёнади. Хонам кўнглимга ўхшайди, боғнинг "Қузғун" номли қари бир кўппаги бор эди. Кундузлари "Карам" (эшак) билан бирга болаларнинг юввош, жафокаш бир дўсти бўлган "Қузғун" кечалари қўрқинчли пойлоқчига айланар, боғнинг орқасидаги ингичка йўлдан инсон зоти ўтолмасди.

Қўзғун Канонга қаттиқ ўрганганди. Кечалари унинг эшиги олдидаги шийпондан нари кетмасди. Канон баъзи кечалар қари кўппакнинг туйқусдан жойидан отилганига, вовиллай-вовиллай орқа йўлга қараб югурганига диққат қиларди. Қузғун гоҳо орқага қайтмас, фақатгина ора-сира, кундузлари болалар-ла ўйнаганда қилгани каби, узуқ-юлуқ, енгил-елпи, меҳрли овозлар чиқарарди.

Йигит бунинг сабабига қизиқа бошлаганди. Бир кеча хонасидан чиқди. Кўппак кетган тарафга қараб юрди. Ҳали ўн қадам ҳам юрмаганди-ки, ҳайратланиб тўхтади. Ходалар орасидаги бир туп зайтун дарахтининг тагида ёлғондакам енгил-елпи вовуллаб қўярди. Ҳарҳолда келган одам ёт эмасди. Акс ҳолда кўппак унинг боққа киришига йўл бермаган бўларди.

Канон бир оз илгарилаганда бу оқ кийимли одам Ламиа эканлигини кўрди. У ҳам Канонни таниганди.Эсанкирамас, ёнига келишини кутиб турарди.

– Ламиахоним, бемаҳал бу ерда нима қиляпсиз?

Чарос бу кеча ҳеч чўчимасдан жавоб берди:

– Сизни тинглашга келдим, Канонбей... Уйқум қочди-да...

– Қўрқмайсизми?

– Йўқ... Нега қўрқай?

– Сизга ҳужум қилсалар, нима бўлади?

– Бу ер бегона жойми? Ҳам бу соатда ким кўрарди? Ҳамма уйқуда...

Ҳамма ухлаган бу соатда ёлғиз боши билан боғларда айланиб юрган бу қиз болага Канонниг ичида сабабсиз бир ачиниш уйғонди. Оталардай меҳр-шафқат билан сўради:

– Яхши, сен нега ухламаяпсан, болам?

Ламиа бу ёшида ундан кутилмайдиган оғир ҳаяжонли бир жиддият билан жавоб берди:

– Мен мусиқани уйқудан кўпроқ яхши кўраман, Канонбей... Неча-неча кечалардан буён қандай бир гўзал нарса чаляпсиз...

– Бир бутун ҳеч нарса чалмаяпман... Ишлаяпман.

– Анов доим такрорлайдиган парчангиз жуда ҳам яхши... Ҳозирга-ча бундай нарса эшитмадим... Узоқдан тингласам тўёлмайман... Хаёлимга шундай бир нарса келадики, бошимни пианинога қўйсаму ўша парчани сув қилиб ичсам...

Ламиа нозик юзини маъсум бир ҳарорат-ла, яшил кўзларини заиф бир важд ила юмар эди.

Каноннинг ҳайрати ва риққати[1] борган сари катталашарди. Енгилгина титраган овоз билан:

– Ламиахоним, – деди, – ўша неча-неча кечалардан бери такрор-такрор чалганим нарса асаримнинг энг гўзал парчаси... Умримда бир марта яна ич-ичимдан шу қадар гўзал бир фарёд туғилармикин? Билмайман... Лекин энди ҳақиқий қизиққан нарсам бу эмас. Сиз буни қандай англадингиз? Бу ёши ўтган, алам кўрган, изтироб чеккан инсонларга хос мусиқани Чароснинг содда, беғубор руҳи қандай англади? нарсалармиди? Аста-аста у бир оз мўрт, ёши ўтиб бораётган одам ҳолига қайтиб:

– Қани, Ламиахоним, – деди, – бориб ётинг. Уйқусизлик рангингизни сарғайтиради, Чарос буришиқ бўлиб қолади кейин...

Ламиа "нима кераги бор" демоқчи бўлгандай сал елка қисди, сўнгра қўрқув аралаш илтимос қилди:

– Рухсат этсангиз, яна бир марта яқинроқдан тинглай, – деди.

Канон жилмайганча рози бўлди:

– Бўпти, Ламиахоним... Юринг, сизга ёққан парчани бир карра бошидан охиригача чалиб берай...

Кичик қиз севинчидан нақ учарди. Раҳматлар айтишга сўз тополмас, яшил кўзларида чексиз миннатдорлик билан Канонга термиларди. Токлар учун ерга қадалган поялар орасидан ёнма-ён виллага қараб юрдилар. Қузғун енгил-елпи вовиллаб қўяр, думини ликиллатиб орқаларидан келарди.

Канон ойнабанд эшикни очаркан бир лаҳзалик тараддуд кечирди. Ламиа ҳар неки бўлмасин, ёш қиз ҳисобланарди. Бу соатда уни ёлғиз ҳолда хонасига олиб кириш тўғри эмасди. Лекин бу тараддуд узоқ давом этмади. Ўз хаёлига келган нарсадан ўзи уялди: " Мен ҳозир бу боланинг отаси бўларлик ёшдаман" деб ўйлади.

Ламиа қалин сўник абажурнинг нурлари остидан пианинонинг тишларини (клавишларини) кўрди, ярим ёруғлик деворларда парвоналарнинг, яшил қанотли ҳашаротларнинг каттаяётган соялари титрарди.

Канон бир сўз ҳам гапирмай пианинонинг олдига ўтди, Ламиа севган парчани аста-аста чала бошлади. Кичик қиз оёқда турар, бир оз олдин айтгани амални қилгиси келгандай бошини оҳиста пианинога қўйганди.

Канон парчани битирган вақтда Ламиа бошини ўгирди. Лекин ҳамон сарғиш бошини пианинодан кўтармас, яшил кўзлари ҳорғин хаёл ичида унга қараб жовдирарди. Канонни тингларкан, йиғлаб қизарган сепкилли ёноқларидаги ёшлар ҳали қуримаганди.

[1] Риққати – меҳр-шафқати.

Канон унинг бу хира ёруғлик ичида одатда оқ кўринган очсариқ сочларини силашдан ўзини тиёлмади, нашъали бир меҳр билан кулди:

– Ламиахоним...Тўккан томчи-томчи ёшларингизни асаримга бахт келишини билдирувчи белги деб ўйладим... Умид қиламанки, бошқалар ҳам мени ёқтиришар...

– Ёқтирмаслик мумкинми, Канонбей... Инсон сизнинг мусиқангизни тингларкан ўлишни истайди...

Ламиа бу сўзларни айтаркан, титрар, бу гўзал садолар аро ўлиш завқини ҳис қилаётгандай кўзларини юмарди.

Канон кулимсираб унга таҳдид қилди:

– Жим бўл, бу сўзни яна оғзингдан эшитмай... тилингни узиб оламан, ярамас, – деди.

Ламиа ҳам энди кулар, кетишга ҳозирланарди.

Канон уни боғнинг чеккасига кузатиб бораркан, асари ҳақида яна-да кўпроқ маълумот берди:

– Буни ҳозир англаш қийин, Ламиа, – деди, – бундай пианино, биргина камон сизга бир фикр беролмайди. Буни саҳнада юзга яқин энг мукаммал чолғу асбобларидан, энг уста санъаткорларнинг ижросида тингламоқ лозим... Бу ерда тўла тасаввур этишингиз мумкин эмас. Бўпти, хайр, болам. Энди яхши ухла...

Ламиа четан устидан боғларига ҳатлаб Канон билан хайрлашаётган вақтида чуқур-чуқур хўрсиниб:

– Афсус, уни на Неъматхоним, на мен тинглай оламиз, – деди.

Канон ҳали ичкари қайтмоқчи эмасди. Орқаси билан узала тупроқлар устига ётди, юлдузларга боқа-боқа муносабатсиз нарсаларни ўйлай бошлади: "Бу болага ачинаман... Бу тунги ҳеч нарса юз бермаган воқеа менга ғалати бир ҳазинлик берди... Шўрлик Чарос хонамдаги хира ёруғлик қоронғиликлардан жалб этиб келтирган ўша тун ҳашаротларига ўхшайди... Пианинони чала бошлаганим вақт балки мудраган, балки ухлагандир. Тун қўйнидан келган бу саслар уни уйғотгандир, хоҳиши нималигини, нима қилаётганини билмасдан – худди ўша тун ҳашаротлари каби – бу садоларга қараб кела бошлагандир... Яшил заррин қанотларини чироқнинг оташида шунчалик теран бир шавқ-ла ёндирган ҳашаротлар каби, бу кичик хилқат ҳам мусиқанинг оташида ёнгиси келгандир. Бу яна, энди яшай бошлаган кичик қиз ўлимдан гап очганда, ичим оғриди... Шўрлик Ламиа... "

* * *

Ламиа ўша кечадан савдойиликни одат қилди. Боғларда овозлар узилиб шуълалар сўнгандан кейин шийпондан чиқар, Канонни тинглашга келарди.

Йигит олдинига буни хуш кўрмаганди. Инсонлар ғалати эди. Ламиа унинг учун аҳамиятсиз бир қўшни қиздан бошқа нарса эмаслигини тушунишмас, гап-сўз қилардилар. Лекин буни бу покиза қалбли

болага айтиб тушунтириш у ёқда турсин, хаёлидан бундай бир нарса ўтказганини ҳис эттиришдан ҳам уяларди.

Ундан ташқари, Ламиа у кечадан кейин хонасига келмаганди. Ишкомдаги бўйра курсига ўтирар, Қузғуннинг бошини тиззаларига ётқизиб соатларча чолғуни тингларди.

Канон ора-сира танаффус қилиб бир сигара ёқар, деразанинг токчасига ўтириб Ламиа билан гаплашарди. Кичик қиз унга яхшигина ўргатиб қолганди. Ортиқ тортинмас; ҳаётини, қалбини бир акасига суянгандай унга дастурхон қиларди. Бир кеча суҳбатлари бир ҳасратлашиш ҳолини олган, Ламиа унга яширин ва теран меҳрибонлари, севганларидан (онасидан, отасидан, Пошо боғидаги дала-ҳовлиларидан) баҳс этганди. Бунга сокин тун қўйнида бирдан ишкомларни шитирлатган, ерларга кўпдан-кўп япроқ туширган ўткинчи бир шамол сабаб бўлганди. Канон яна деразанинг ёнида сигара чекарди. Ламиа кўзларини юмиб бошини шамол келган тарафга ўгирган, соф ва маҳзун кулимсираб:

– Қандай ажойиб... Истанбулимнинг шамоли, – деганди.

Канон кулганди:

– Истанбулингнинг шамолими?

Йигит энди унга "сен"лаб хитоб қила бошлаганди. ("Сен"лаш туркларда жуда яқин бўлиб кетганликни билдиради.)

Ламиа теран бир софлик билан бошини лиқиллатди:

– Албатта, Канонбей. У ернинг денгизи, шамоли ҳам бошқача... Бу ерда кўнгиллари совумасин деб бу ҳақда гапирмайман... Лекин сиз тушунасиз... Дала-ҳовлимизда оқшомлари Бўғоздан (Босфордан) сарин, енгил бир шабада келарди... Мен уни дунёнинг қай ерида бўлмай таниган бўлардим... Биз у вақт нақадар бахтиёр эдик... Укам, онам, бейотам соғ-саломат эди... Ҳаммалари тез вафот этдилар... Мени бундай ёлғиз қолдиришлари керакмиди?

Тиззасида ухлаган Қузғуннинг бошини силар, сал бўйнини эгиб яшил кўзлари-ла Канонга кулимсирарди:

– Энг кўп укам Фаҳирга ачинаман... У мендан икки ёш кичик эди... Менга жуда ўхшарди, аммо шумтака эди....Қўғирчоқларимни узиб ташлар, жавонларимни айқаш-уйқаш қилар, менга ҳеч тинчлик бермасди... Бир-икки марта бечорани ургандим ҳам... Бир марта Бейотам бизга шиша қутичалар ичида гулдор конфетлар келтирганди... Фаҳир ўзиникиларни кетма-кет еяверди: "Битириб қўйма, кейин мен бермайман... йиғлайсан..." дедим, қулоқ солмади. Мен атайлаб ўз конфетларимни асраб қўйдим. Шом усти денгиз бўйига кетганда ея бошладим... Фаҳир менга ёлбориб йиғларди. "Баттар бўл" деб уни масхара қилардим. Сўнг яна бошқа золимлик ҳам қилдим, Канонбей... "Масхарабозлик қилиб мени кулдирсанг сенга битта конфет бераман" дедим... Укам ҳам йиғлар, ҳам чиройли юзи билан қизиқчилик қиларди... Қаранг, мен қандай ёмон қизман, Канонбей: кейин бермадим. Опа деган ҳам шундай бўладими? Фаҳирни бир кун мактабдан хаста

ҳолда келтирдилар. Укам бир ҳафта кейин терлама касалидан ўлди. Касаллигида мени ёнида қолдиришни истамасдилар. Мен фурсат топдим дегунча, у ётган хонага кирар: "Фаҳир, яхши бўл, тез тузал, кунда менга берадиган пулларидан ҳар кун сенга ўшанақа конфетлардан оламан" дердим. Ойим билан дадамга ҳам кўп ачинаман, аммо кейинчалик ичимга дард бўладиган даражада бундай аҳвол ҳеч қачон юз бермади. ...Зотан мен шунинг учун эндиликда болалар хархашасига бемалол чидайман... Амакимнинг болаларига, билсангиз, жуда яхши қарайман....чиндан ҳам, бу менинг вазифам... Шундай эмасми, Канонбей? Уйларида яшайман... Ҳар ҳолда амаким билан янгам ҳалигача менга қарашга мажбур эмаслар... Менга кўрсатган яхшиликлари эвазига нимадир қилишим керак-ку, шундай эмасми? Самиҳа билан Фикратга энагадай қарайман. Нима хоҳлашса қиламан... Ким олдин ўлиши маълум эмас, Канонбей... Кейин айрилиқ азоби тортиш эса...

* * *

Ёзнинг сўнгги тўлинойи бутун ҳашамати билан юксалиб борар, тепалар, шийпонлар, дарахт тўдалари, қоя уюмлари, осмоннинг қорамтир садафларга ўхшаш ҳудудларининг барча гўзалликлари кўргазма очган, Бўзёқа оч кулранг қабариқ расмни эслатарди.

Ой нури қатор-қатор узаниб кетган яланғоч боғларда – сувда акс этган шуълалар каби – чайқалгани, ичкари-ичкариларга таралгани кўринарди.

Канон Ламианинг нозик соясини ишкомда кўришга яхшигина ўрганиб қолганди. Назарида, у бор экан, иши осон юришар, чиройлироқ нарсалар ижод қиларди. Ламианинг баъзи ҳоллари Канонга ўз болалигини ёдга соларди. У ҳам ўз вақтида Соли такясидаги кекса мингбошининг удини тингларкан, кўзларини юмар, шундай титраб бўзариб кетарди. Ҳаётларидаги ўхшашлик фақат шундангина иборат эмасди. Кичик қиз яна бир кеча унга отасидан гап очганди:

– Мен шарққа кетган вақтимда ўн икки ёшдайдим. Шундай бўлгач, Бейотамга онамдай қарардим... У ерда хизматчиларимиз бор эди. Ов қатимизни пиширишар, киримизни ювишар эди. Мен дадамнинг кўйлакларини, рўмолчаларини ўз қўлим билан дазмоллайман деб туриб олар, қаҳвасини ўз қўлим билан пираман дея эртароқ уйғонардим.... У эса менга онамдан баҳс этарди. Соғ бўлсайди, балки, энди Истанбулга қайтган; Пошобоғидаги дала-ҳовлимизга жойлашган бўлардик. Бейотам ора-сира жандармлар билан бирга тафтишга чиқарди. Бир кун дарадан ўтаркан, отини оқим оқизиб кетипти. Сувлар уни беш дақиқалик бир ергача оқизиб боribди... Тегирмончилар етиб келишиб қутқарганлар, аммо иш қолипдан кўчгандан кейин... Сувлар бечора дадамни бир қояга урипти, бошини, кўкрак қовурғаларини ёмон аҳволга солиб-синдирипти. Ўн кунча хаста ётди. Доктор оғайнилари кўп ҳаракат қилишди. То ўлган кунларигача мен касалхонада қолдим.

Кечалари тонггача мен уни қўриқлаб ўтирардим. Ниҳоят, бир кеча оғирлашди. Мени зўрлаб ташқари чиқаришди. Мен шунчалик мутаассир бўлганим ҳолда у кун ҳам Бейотамга оналик қилдим. Йиғлаб-йиғлаб сандиқларни очдим, бир ўлик учун неки лозим бўлса, ўз қўлим билан топиб чиқардим. Уни менга сўнг бора кўрсатишни истамасдилар. Бир қойилмақом доктор бей бор эди. Оёқларини қучоқладим. Ҳолимга ачинди, мени қўлимдан тутиб Бейотамнинг каравоти ёнига олиб борди. Юзига боқолмадим. Фақат оёқларини ўпдим.

Ламианинг овози титрар, кўзлари ёш-ла тўлиб борарди. Канон унинг сариқ сочларини чуқур бир раҳм-шафқат билан силади: "Жуда ёшсан, қизим, унутасан" деди. Сўнгра маҳзун ва толғин бир табассум билан қўшимча қилди:

— Сен ҳеч бўлмаса сўнг бор оёқларини ўпа олибсан... Мен, ўз отамнинг қаерда ва қандай ўлганини ҳам билмайман.

VIII

Ташрини аввал[1] ўрталари эди. Биринчи ёмғирлар ёққан, энди қўчқўчлар бошланганди. Боғларда то тонг отгунча қайтар жафосига ўйинкулги қилинар, чира[2]лар ёқилиб, чолғулар чалинарди. Шунга қарамай Бўзёқага оғир бир сиқинтилар ва мусиқа билан ўтган тўй кечалари саҳарларининг маҳзунлиги, ҳорғинлиги чўкканди.

Дарахтлар япроқларини тўккан, ўрмонлар, сел чуқурлари ҳусну тароватини йўқотиб бир яланғочлик касб этганди. Қуриган ишкомларда сарғайган узум бошлари чайқалар, катта бир ёнғиндан чиққандай қора ва хароб кўринган япроқсиз ток занглари сўлуқ қуёшнинг остида сафсаф бўлиб тизилиб ётарди.

Боғларнинг кузи Канонда болалигининг беҳаракат ва ҳорғин вайроналарини қайта уйғотаётган эди. Асари битган, Истанбулга қайтишига саноқли кунлар қолганди. Кундузлари, шоҳкўчага чиққан эшик ёнида соатларча ўтирар, лой йўлларда ғижирлаб кетаётган юкли ҳўкиз араваларини, ғилдираклардан қолган излар ичида чириётган япроқларни томоша қиларди.

* * *

— Чарос ҳам анови узумлар каби менга бугун бир оз сарғайгандай кўринди... Нима бўлдийкин, ажабо?

Читлембиклар ичидаги қудуқ тепасида келгандилар. Карам яна оғир-оғир бошини лиқиллатиб қайтмоқда, кичик тошҳовузда сўнгги узумлар сўлимоқда эди. Ламиа кичкинтойлардан бирини Карамнинг сиртига миндирганди. Йиқилмасин дея болани белидан ушлаб, толғин-толғин хаёл суриб келарди...

[1] Ташрини аввал — октябрь.
[2] Чира — қарағай сақичи.

Кичик қиз Канонниng саволига тўғридан-тўғри жавоб бермади. Яшил сузгун кўзларини унга ўгирди:

— Эртага эрталаб биз ҳам Измирга қайтамиз, Канонбей, — деди.

— Демак энди бир-биримизни кўролмаймиз...

— Ҳа, шундай...

Ламиа бир нарса сўрамоқчи бўлиб, тараддудда эди. Ниҳоят журъат этди:

— Келаси йил яна келарсиз, шундай эмасми, Канонбей?

— Ҳозирдан бир нарса деёлмайман. Балки ишларимдан сал бўшасам...

— Яхши, Неъматхоним билан бир-бирингизни, ким билади, нақадар кўргингиз келаркин... Албатта келарсиз, дейман, Канонбей...

Канон боланинг бу соддадил хаёлини чўктиргиси келмади:

— Ҳа. Тахминимча, келсам керак, — деди.

— Унга лоақал мактуб ёзиб турарсиз?

— Албатта.

— Менга ҳам салом ёзишни унутмассиз...

— Албатта, Ламиа...

— Неъматхоним қаттиқ узилса, мен унга тасалли бериб тураман. Нима бўларкин деб хавотир бўлманг, Канонбей...

— Бир неча кундан бери сизни келадиган жойингизда кўрмай қолдим...

— Бир оз хастайдим... Сўнгра йўл тайёргарлиги бор эди. Биласизки, мендан бошқа уйда ишга яроқли кимса йўқ... Канонбей, сизга бир катта илтимосим бор...

— Жудаям каттами?

— Неъматхоним учун бир кеча... ўша аллани чалсайдингиз... Эсингизга тушдими? Унутгансиз... Бу кеча ўша аллани чаласизми?

— Яхши, Ламиа...буни унинг учун эмас, сен учун чаламан. Уни тинглай-тинглай ухлайсан, хўпми?

— Раҳмат .. Эртага эрталаб сиз билан видолашишга келаман, Канонбей...

— Жуда чиройли бўларди-да... Унча-мунча яхшигина эски бир дўстдай бўлиб қолдик, Ламиахоним ...

* * *

Канон эртаси, кун қиёмга яқинлашганда уйғонганди. Хонасининг ойналарини очганда, сариқ бир лента парчаси билан дераза қопқасининг бир четига боғланган кичкина қир гунафшаси боғини топди. Ким қолдирганини дарҳол англаганди. Ламиага берган ваъдасини шундагина хотирлади, ҳаяжон билан бошини чангаллаб: "Воҳ, шўрлик кичкина-я, — деди, — алласини чалишни унутибман. Ким билади, мендан қанчалик хафа бўлганийкин".

Бир оз нарида қари боғбон ер қазиётганди. Канон деразадан унга сасланди:

— Ҳусайн Оға, билмайсизми, қўшни Шукрибейлар Измирга кетишдими?

– Эрта саҳарлаб кетишди, бейим... Анов кичик хоним буерга келди. Сенга салом айтиб қўйишни сўради.

Канон кичкина гунафша боғини ҳидлаб:

– Воҳ, бечора Ламиача, – деди, – қирқ йилда мендан бир нарса сўрабди-ю, мен бўлсам...

Бу нозик чечакларни қўлига олганча нима қилишини билмай айлантириб, ўргилтириб ўтирарди. Сўнгра бир курси устига чиқди, уни девордаги юксак бир михга илаштириб қўйди.

IX

Канонда ўша тонг оғир бир карахтлик, одамни сиқиб юборадиган чала бош оғриғи бор эди. Кўпдан бери тонглари нашъасиз ва ҳорғин уйғонар, анча пайтгача ўрнидан туролмасди. Хонасининг денгиз тарафидаги деразаларини очди. Бўғозда яна ўша сабоқ тутун бор эди. Тушлик вақти яқинлашгани ҳолда Онатўли[1] ёқасидаги тепалар ҳалигача очиқ кўринмас, сувлар устида унда-мунда туман уюмлари сурувлардай сургалиб борарди.

Канон юзини, очиқ кўксини бўғознинг рутубатли шамолига берди, баданидаги толғинликдан вужудга келган бадбинлик-ла:

– Истанбулнинг баҳорини бирон нарсага ўхшатиб бўлмайди. Июнь кирди, ҳалигача ҳаволар очилиб кетмади... Туман биргина менинг бошимда эмас... Бўғоз ҳам ҳар сабоҳ шундай уйғонади...

Бутун қабоҳат Истанбулнинг шу кечиккан баҳорида, Истанбул ҳаволаридаги беқарорликда эди. Ўзининг гуноҳи, ҳеч қусури йўқ эди. Тонггача мусиқа, ишрат, қимор, хотин билан ўтказадиган кечалари унинг фикрича гапиришга арзимасди. Ўша йил Канон учун энг катта ютуқлар йили бўлганди. Албатта, операси у кутганидай катта муваффақият қозонмади. Аммо унга санъаткорлар орасида яққол кўриниб турадиган бир мавқе берганди. Қишнинг бир қисмини Францияда, бир қисмини Италиядв ўтказган, найсон бошида Истанбулга қайтганди.

Шаҳзода Вафиқ Пошо бўлажак куёвига Румэли кичик дала-ҳовлисини тайинлаб қўйганди.

Канонниг ташрини соний[2] бошларида Жовидон-ла тўйи бўлиши керак эди. Ота-қиз, ўша ёмон от чиқарган мерос даъвоси учун энди яна Мисрга кетгандилар. Уч йилдан бери турли шаклларга кириб чўзилиб ётган бу комедия ярим муваффақият билан битиш арафасида эди. Айни чоғда баҳорда ҳам, ёзда ундан фойдалана олмас, бу гўзал мавсумларни у ерда ўтказишга сарфлашлари жуда муҳтамал эди.

Канон операси илк бор саҳнада ижро этилган куни Малика Жовидонла унаштирилгандилар. Бу никоҳ аллақачон қарорлашганди. Буни

[1] Онатўли – Истанбул шаҳри Босфор бўғозининг икки тарафида жойлашган бўлиб, бири Оврупо, иккинчиси Осиёда, Оврупо қисми Румэли, Осиё қисми Онатўли дейилади.

[2] Ташрини соний – ноябрь.

билмаган одам йўқ эди. Лекин Канон ўша кечага қадар на Вафиқ Пошо ила, на ҳатто Жовидон ила бу масалага доир ҳеч гаплашмаганди. Ёш қиз билан бўлган энг самимий ва ҳиссиётли ҳасби ҳоллари ҳам нозик ва эҳтиромли бир дўстлик ҳудудидан нарига ўтмаганди.

Ўша кеча операси тугагандан сўнгра Вафиқ Пошо, Канон ила унинг бир неча санъаткор дўстини "супа"га даъват қилганди. Ўз кўнглида ҳеч бўлмаса Канониинг операси даражасида кучли бир таъсир қолдирадиган дастур тайёрлаганди. Дўстларининг ёш бастакор ҳақидаги мутолааларини, танқидларини бирор-бирор тинглади. Сўнгра тирсакларини масага таяди. Канониинг мусиқаси тўғрисида узун бир маъруза бердики, шундай сўзлар билан тугаганди: "Асарнинг қиймат даражаси ҳақида орамизда ихтилоф бўлиши мумкин. Лекин шу нуқтани тасдиқлашда ҳаммамиз фикрдош бўла оламизки, Канон бизнинг орамиздан, бизнинг инсонлар ўртасидан чиқди, ярим илоҳлар оламига кирди. Бизнинг исмларимизга шараф берган улуғвор унвон, ҳатто баъзиларимизнинг бошини зийнатлаган дунё тожлари, унинг санъаткор манглайини безаган тож ёнида қуруқ сўзлардан, бир неча ялтироқ тош қириндиларидан бошқа нарса эмасми?"

Рўмолчасини оғзига обориб енгил-енгил йўталар, асил таъсирли парчани айтишга ҳозирланарди: "Канонбей, муваффақиятингиз учун сизга қимматли бир совға бермоқчиман. (Бармоғини чаккасига олиб бориб қошларини кўтарар, кўзларига синовчан тус берарди.) Ўйлаб-ўйлаб, қизимнинг кичкина, қимматли қўлидан ҳам бебаҳороқ бир нарса тополмадим. Қон ва хонадон аслзодалиги ва покизалигининг санъат аслзодалигига бўлган бу чиройли сувенирини қабул қила оласизми?"

Айтган сўзлари, хатти-ҳаракатларини илоҳий деб тушунгани учун ўзи титрар, кўзлари сувланар, бир оз аввал лабларини артган рўмолча билан қизарган бурнини ҳам артар эди.

* * *

Шаҳзода Вафиқ ва қизи Мисрда қолган вақтларида Канон Ҳисордаги дала-ҳовлида турар, бир асар устида ишларди. "Қора юлдузлар" номини беришни мўлжаллаган бу опера яна шарққа оид бир эртак эди. Олтой этакларида бўлган воқеа сифатида хаёл қилинган бир турк хонлигида қўрқинчли бир қўзғалон чиқар, ҳукмдорни чормихга қоқардилар, ўн бир ўғлининг кўзларига мил тортардилар. Бу фожиадан ёлғиз энг кичик шаҳзода қутулиб қоларди. Чунки уни ҳали кесилмаган узун сочларига қараб қиз бола ҳисоблагандилар. Энагаси бир неча йил шаҳзодани яшириб юрганидан кейин, энди сир очилиб қолишидан қўрқар, қўлига бир асо бериб, уни мамлакат чегарасидан чиқарарди. Асарнинг асл мавзуи кичик шаҳзоданинг дарбадар ва овора ҳаёти эди. Тоқ бошига Ҳиндистон, Эронни айланар, йилларча яйловларда чўпонлар билан, тақяларда риндлар билан яшар, ниҳоят Эрон ичкарисида бўлган янги бир хаёлий мамлакатга келарди.

Кичик шаҳзода сирларини ҳамон яшириб яшарди. Ўлимдан қўрқмасди. Чунки яшашдан ҳам завқланмасди. Уни ҳар дақиқа таъқиб этган бир қўрқув бор эдики, у ҳам бўлса, акаларининг кунига дучор бўлиш, яъни қора юлдузларини – кўзларини йўқотиш эди.

Кичик шаҳзода бу янги мамлакатда чўпонлик қилиб яшай бошлайди, қари бир хотиннинг қўйларини яйловга олиб бориб боқарди. Бир кеча йўлда давом этаркан, қаршисидан бошдан-оёқ ёввойи чирмовуқлар билан қопланган катта бир девор чиқади. Йўлдан ўтиб кетаётган дарвишдан бу нима эканлигини сўрайди. Қари киши бу катта қалъа деворларининг орқасида бир сарой билан бир боғ борлигини айтади. Ҳукмдор қуёшдан ҳам қизғанадиган ўн икки хотинини у ерда муҳофаза этаркан.

Кичик шаҳзода ғаройиб бир жозибага тутилади. Ҳар кеча бу деворнинг қаршисига келиб соатларча хаёл суради.

Қоронғи кечада деворнинг бир тарафида оқ либосли аёлни пайқайди. Кичик шаҳзода, аввало буни тунги хаёлот деб тахмин қилади. Аммо бу хаёлот эмас, подшоҳнинг энг кичик хотини эди. Уни на муҳташам афсонавий сарой, на қуёш кўрмагани учун барча гуллари рангсиз очиладиган боғ қизиқтирди. Аёл деворнинг бурчагида селлар очган яширин ёриқ – рахнадан ҳар кеча шу тариқа дунёга чиқарди. Чақноқ "қора юлдуз"ли чўпон билан сўлғин юзли султон хоним орасида теран бир савдо бошланади. Бир неча тунлар давомида кўк юзининг юлдузлари юқоридан дунёнинг энг гўзал ишқини томоша қиладилар. Савдо уларнинг кўзларини шу қадар пардалаб қўйгандики, бир кеча қоронғуликда оҳиста-оҳиста ҳаракат қилаётган, оҳиста-оҳиста атрофларни ўраб олаётган узун қуролли кўланкаларни ҳам кўрмайдилар.

Чўпон таҳликани пайқаганда иш қолипдан кўчган эди. Лекин у энди оддий чўпон эмасди. Севгилиси катта бир таҳликани бошидан кечираётган бу дақиқада, томирларидаги жанговор қони қизиб, ўткир назарли ҳукмдор шаҳзодага айланганди. Ҳассасини қурол каби ишлатиб, севгилиси ўша яширин девор тешигидан ўтиб, қочиб кетгунча аскарларни овора қилиб туради. Эртаси куни чўпонни тутиб олиб, ҳукмдор қаршисига келтирадилар. Унга таҳдидлар, қийноқлар кор этмас, кичик шаҳзода султон хонимларнинг қайсиниси севгилиси эканлигини ўта қайсарлик билан яширади. Уни қоронғи бир ҳужрага қамайдилар. Бир неча кун давомида ўйлаб-ўйлаб чора топгандек бўладилар.

Ўн икки султон хонимни бир-бир чўпоннинг олдидан ўтказмоқчи бўладилар. Шунда севгилисини кўрган чўпон ўзини тутолмай қолади, фарёд кўтармаган, бирор ҳаракат қилмаган тақдирда ҳам, ҳеч бўлмаганда кўзларида титраган бир нур билан сирни ошкор этади, деб ўйлайдилар.

Кичик шаҳзода кечаси бу қарордан хабар топганда ўлик каби сарғайиб кетади. Лекин ҳеч нарса демайди.

Эртасига эрталаб Ой боғига катта бир оломон тўпланади. Шаҳзодани гуллар ва қизил кабутарлар тасвири билан нақшланган бир чормихнинг қаршисига келтириб, тиз чўктирадилар. Султон хонимларни бирма-бир унинг олдидан ўтказа бошлайдилар. Қай бири айбдор эканлиги билинса, дарҳол чормихга тортилиши керак эди. Султон хонимлар оқ ипак рўмолларига ўранганча, титраб-титраб галма-галдан чўпоннинг олдига келадилар. Узун бўйли бир араб бирма-бир уларнинг юзларини очади. Ҳукмдор қўр ичидаги икки чўғ каби чарсиллаган кўзларини чўпоннинг кўзларига тикканча кутиб туради. Ҳар янги рўмол очилганда кўз ёшлар билан намланган, қўрқув ила сўлган гўзал чеҳралар намоён бўлади. Лекин чўпон ҳаммасига бир хил сокин юз, бир хил толғин назар билан қарайди.

Ҳукмдор руҳ ишларида тажрибали одам эди: "Чўпонни топган еринғизга олиб бориб ташланг, сизлар ўша кеча тун хаёлотини кўргансизлар... Завжаларимдан ҳеч бири гуноҳли эмас... Ёш чўпон уларнинг бирида севгилисини таниган бўлсайди, албатта сирини фош қилиб қўйган бўларди. Бу менинг энг қонли қийноқларимдан ҳам оғирроқ синов бўлди", – дейди. Султонхоним шундай оғир таҳликани бошдан кечирган бўлса ҳам эртасига кечаси яна ўша девор тешигидан ташқарига чиқади. Чўпонни худди дарахт тагида топади... "Бу ердан қочайлик... Мени хоҳлаган ерингга олиб кет...", -- дейди. Чўпон пайғамбарларга хос илоҳий бир жилмайиш, ҳорғин назар билан шундай деди: "Ортиқ қочишимизга имкон қолмади. Сен йўлларни билмайсан... Мен эса сени етаклаб кетолмайман. Сени қаршимда кўрсам кўзларим сиримизни яширолмаслигидан қўрқдим. Кеча тунда зиндонда ўз қўлим билан кўзларимга мил тортдим... "Қора юлдузларим" сўнди, энди кўрмайди..."

* * *

Канон бир кун аввал унашилган қизидан мактуб олганди. Ёш қиз асар қаерга келганини сўрар, битган парчалари нотасини истарди. Канон шу заҳоти ёзган жавобида опера секин-аста силжиётганига ишонтираради. Лекин ноталарни юбормасликка ундан ижозат сўрар, бунинг сабабини шундай изоҳларди: "Сиз берган илҳомдан туғилган бу парчалар сизга ўтказадиган илк таъсир мен учун жуда муҳимдир. Уларни мендан бошқа бировдан тингласангиз, бунинг таъсири йўқолишидан хавотирдаман. Бир оз сабр қилишингизни ва асаримни ўзимдан тинглашингизни илтимос қиламан, у кўрсатадиган илк таъсирни гўзал юзингизда томоша қилмоқ саодатини менинг ўзимдан аямасангиз миннатдор бўлардим." Канон бу сатрларни ёзганидан кейин, ҳам кулган, ҳам уялганди. Чунки, тўғрисини айтганда, ҳали ҳатто дурустроқ бир мусиқий парча ҳам яратилмаганди. Ўз жумласидан завқланаркан, шу қадар жонли ва ҳароратли бўлган Канон иш бошига келганда ғалати бир илҳомсизлик, оғир бир ялқовлик ҳис қиларди. Ҳаёти сингари завқи ҳам, табиати ҳам ғаройиб истиҳолалар ичида эди.

Илгарилар кўпчилик йиғилган жойларни ҳеч ёқтирмасди. Энди бусиз ҳеч нарса қилолмас, тўс-тўполон, шовқин-сурон қуёшдек унинг

кўнглини ёриштирар, жонлантирарди. Ҳали жуда кичиклигидаёқ ўз ихтиёри билан болаликнинг барча ўйин-кулгиларидан воз кечганди. Энди ҳар бир яхши нарса учун бир ҳақ, ҳар бир завқ учун бир сўнмас хурсандчиликларни истарди. Истанбулга янги келган кунларида Бўғоз[1] ҳавосининг бир турли йўқ қилолмаган у бош оғриқлари, бу сабоҳ унга умидсиз, қувончсиз нарсаларни ўйлатарди: "Одам ўзини чеклашининг нима кераги бор? Бошқа одамларга ўхшаб "кейин бир гап бўлар"га ўтиб олдим... Ҳаётимда ўйин-кулгилар етарли, лекин кибор бўлолмадим, кунларим покиза эмас. Табиатимда ўрталик йўқ. "Бўлса ҳаммаси бўлсин, бўлмаса ҳеч нима бўлмасин" дейман. Бундай ҳаёт тарзини ўзгартиришим керак. Гарчи хурсандчилик, яшаш менинг ҳаққим бўлса-да... Лекин ҳар қалай буни бир тартибга солиш лозим. Ишлаганда зеҳним, қалбим сарбаст қолиши шарт. Икки ойга яқин вақт ўтди. Шунча пайтдан бери иш бошлашни истайман... бўлмаётир... ичимдан бир нарса келмаётир... Ахир мен сўнган бир одам эмасман-ку... Ҳар ҳолда Истанбулнинг таъсири бор. Ишлайдиган муҳит эмас, вассалом..."

Ўша кун ҳам ишламаслигини англаганди. Ўзига машғулот топмоқ учун кутубхонасини тартибга солмоқчи бўлди: эски яшаган уйидан келган китобларини жойлаштиришга ҳали вақти бўлмаганди. Мажмуаларни аралаштирар, китобларнинг чангларини қоқар, кераксиз қоғоз ва газеталарни йиртиб отарди. Катта нота дафтарининг орасидан сарғайган бир мактуб зарф[2]и тушди. Устида эски уйининг манзили ёзилганди. Оврўподалигида келган бу мактуб қоғозларининг орасига кириб қолган, йўқолганди. Канон мароқ билан зарфни йиртди. Измирда чиқадиган бир "очиқ хат" қоғозига суюқ сиёҳ, аёл дастхати билан сал қинғир-қийшиқ қилиб шу сатрлар ёзилганди: "Канонбей, кеча Истанбул газетасида сиз тўғрингизда бир хабар ўқидим. Оперангиз Оврўпода саҳнага қўйилибди. Жуда ёқтирганмишлар. Мен сизга айтмаганмидим? Афсуски, на у, на мен кўролдик. Ўтган куни пошо тоғангизнинг Қорантинадаги қўноғига боргандик. Кутилмаган хабар айтдилар. Сиз бир маликага уйланаётган эмишсиз. Табриклайман. Энди бу йил келишингиздан умидни уздим. Ламиа."

Бу хира мактуб парчасидан бир парча ёз қуёши, бир нафас боғ иси келаётгандек эди. Каноннинг хаста, қувончсиз кўзларида нозик зиё уйғонди. Ламианинг сепкилли нозик юзини, сузгун яшил кўзларини яна бир карра хотирлаш учун юмиб: "Оҳ, бечора Чарос, мени унутмабди-я", деди.

Ўтган кузда бери Ламиани иккинчи марта хотирга олаётганди. Бир марта ҳам операси ўйналган кеча уни эслаганди. Ламиа яхши кўрадиган парча чалина бошлаганда Канон ғайри ихтиёрий тарзда кўзларини юмган, тун ҳашаротларининг овозсиз титроқлар-ла тўла хонаси-

[1] Бўғоз – Босфор.
[2] Зарф – конверт.

ни, яшил кўзларида бетоб бир мафтунлик, сепкилли ёноқларида ёшлар билан бошини пианинога қўйган Чаросни кўрганди.

Канон қўлидаги мактубни бир маса устига отганди. Кераксиз қоғозларни йиртиб, китобларни бирма-бир кутубхона токчаларига жойлаштиришда давом этарди. Лекин мактуб уйғотган хаёллар уни борган сари кўпроқ қамрар, Бўзёқа боғларини, оч кулранг ишкомларни, ямяшил ўтлар остида бекилиб қолувчи ингичка сўқмоқларни, Арабдараси, Қирқчамларни кўрар, Шамъи Даданинг ягона ғариб найини, Карамнинг бир амаллаб тортиб айлантараётгани боғ қудуғи чиғирининг ғийқиллашини эшитарди.

Канон маса устида ётган мактубни олиб, яна бир ўқиб чиқди: "Оҳ, Чарос, Чарос, – деди, – бошимга бир бало бўлдинг... Измирни яна бир кўриш ҳавасини шундай уйғотдинг-ки менда, энди кўрмасам чидолмайман... Балки бу яхшиликкадир... Бу ерда беҳуда излаётган илҳомимни балки у ерда топарман... Бўлди, бу ерда энди бемалол ишлолмайман... Онамга телеграмма берай... Тағин билмасдан бу ерга келиб қолмасин... Мен ўзим яқин кунларда уни кўргани Бўзёқаларга борарман".

X

Ўша йили баҳор эрта келган, боғ ҳаёти мавсумидан аввал уйғонганди. Бўзёқага ҳар кун Котибўғли йўлидан юк аравалари, арғимчоқлар келар, оқ, пушти, тўқ гунафша елдирмали қизлар, бола қийқириқлари, қаҳқаҳалар, қўшиқлар боғларни шодликларга тўлдира бошлаган эди.

Тўққиз ой туманлар, ёмғирлар ичида ғамгин танҳоликка кўмилиб қолган шийпон-болохоналар бирма-бир тахта дераза ларини очар, дераза токчаларини босган яшиллик уюмларида тунларнинг кеч вақтларига қадар нақшин шуълалар живирлашарди.

Ламиа шу йил қиш Измирда жуда сиқилган, Бўзёқага кетадиган вақтлари келгунча кунларни бармоқ билан санай-санай кутган эди. Илк кунларда тиним билмай ўйнаб-кулганди. Кун чиқмасдан бурун уйқудан уйғониб боғ йўлларида айланган, бошқа ўртоқ тополмагани учун амакисининг ўғилларини олиб Қирқчамларга кетган тушлик соатларида дарахт тагларида, тупроқларнинг устида ётганди.

Бу йили Бўзёқада энг яқин дўстлари Карам ила Қузғун эди. Бу мазлум юзли эшак билан қари боғ кўппагини англашилмас бир руҳ тақозоси билан яхши кўрарди. Карам яна читлембикларнинг ичидаги боғ қудуғи атрофида – хаёлчан бир сабр-ла ўзининг заҳматли кунларини тўлдира бошлаганди.

Ламиа кичиклардан бирини унинг устига миндирар, бир қўли билан йиқилмасин дея боланинг белидан тутиб борар, нариги қўли билан бурилиб Карамнинг юзини, қулоқларини силаб қўяр ва у билан бир хил юришга ҳаракат қиларди. Бу, гоҳо-гоҳо унда тушларда бўладиган нотаниш ерларда адашгандай ваҳм уйғотарди. Карам тўхтаганда уйқудан уйғонгандай бўлар, қанча вақт юрганини эслай олмасди.

Оқшом устлари ҳам ғурубга қараб Қузғун билан бирга боғнинг четларига борар, деворнинг йиқиқ бир парчасига ўтириб кўппакнинг бошини тизларига олар, чанг-тўзли йўллар қоронғи бўлгунга қадар кутарди.

"Маросим кўшки"нинг дераза эшиклари ёпиқ, гул печаклар босиб ётарди. Ламиа ора-сира гул узиш баҳонасида кўшкнинг атрофида айланар, у ерда бўлган дақиқаларида — мақбараларни зиёрат қилганлар каби — маҳзун бир хаёлларга чўмарди.

Бу ерлар унинг кўз ўнгида ўтган олдинги ёз савдоларининг мозори эди. У савдо энди Лайли ила Мажнуннинг саргузаштидай узоқ, эски бир қисса эди.

Шукрубейнинг Иккичашмаликдаги уйида ўтган ғира-шира, ёмғирли қиш ойлари кичик қиз қалбида чуқур из қолдирган ва у ўша қиссанинг таъсиридан ҳамон қутулолмаган эди.

Ҳаволар қачон қарасанг булут, уйнинг ичи оқшом каби ним қоронғи эди. Лой кўчаларда арава ғижир-ғижирлари тинмас, эрталабдан кечгача сотувчиларнинг овозлари уйга кириб олиб чиқиб кетмайдиганга ўхшарди.

Ламиа уй ишлари билан банд бўлмаган вақтларида деразанинг этагида ўтирар, уй ичида ўтирса тўрт девор бўғиб юборар, қалин-қалин Шом[1] пардаларининг оғирлаштириб юборадигани хира ёруғликда соатларча тўр тўқирди. Амакиси билан янгаси ундаги тараддудни пайқамасдилар. Фақат кичик қизга нима бўлганини алланечук тушунолмасдилар. Маҳзун эмасди; чунки ора-сира ҳар қачонгидан кўпроқ кулаётганини эшитардилар. Баъзи бир чоғларда юрак-юрагидан мушфиқ, титроқли биллурдай барроқ қаҳқаҳалар ҳам отилиб чиқарди... Хаста эмасди. Аксинча янги очилган гулдай кундан-кунга гўзаллашар, рангланар, кўзларининг сўлғин, оч яшилида — ичларида, қуёш ярқиратган зумрадлар каби — мавжли нурлар титрарди.

Ҳатто бахтли ҳам кўринарди. Пардаларнинг оғир кўлкаларига енгил бир ёруғлик бергандай кўринувчи сарғиш бошида, тиззасидаги чамбарнинг нозик тўқималари узра йўқ бўлиб кетаётган кўзларида ҳеч сўнмаган бир табассум бор эди.

Чарос, ўша йил руҳида Бўзёқа боғларининг ёзидан бир қисим нур, бир парча ҳарорат келтиргандай эди.

Бу бахтли хаёл ҳавоси ичида соатларча ўзини унутар, чамбарнинг нозик докаларида Бўзёқани — қояларда порлаган қуёшни, ишкомларни тараган ой шуълаларини; титраётгандай сариқ сўқмоқларни, йиқиқ минора деворларига тушган сояларни кўрарди.

Неъматхонимга ҳадя қилиш учун кенг бир гиппор (бўртма гулли) ёқа тўқий бошлаганди. Бу ёқанинг ўзи ижод қилган модели ғаройиб бир минг бир кеча қиссаси эди: Ишкомларнинг ўймали бағазлари орасидан япроқлар, узум бошлари осилиб турар, қарағай тепаларини ёри-

[1] Шом — Сурия.

таётган ой нурлари атрофида парвоналар, узун қанотли тун ҳашаротлари титраганча айланар, печак гулларига тўла ҳовузларга сувлар оқарди. Бу афсонанинг бир гўшасида яна камон расми ҳам бор эди.

Ламиа бу ўрма нақшлар билан машғул экан, Каноннинг баъзи мусиқий парчаларини хотирлар, бошқалар эшитиб қолишидан қўрққандай паст, ўта ичкин бир сас ила уларни такрорлар, баъзан чамбарининг устига киприкларининг учидан бир томчи ёш думаларди.

Ёқани битиргандан кейин амакисидан икки кечага рухсат сўради; Неъматхонимнинг Қаршиёқадаги уйига меҳмонга кетди. Бу кунни ойларча сабрсизлик билан кутган эди. Неъмат холаси, ким билади, Канонбейни қанчалик соғинганийкин? Бу ҳақда гаплашишга қанчалик зор экан? Бечора хотин атрофидагилардан ҳеч кимга сирларини очолмайди-ку...

Қаршиёқа кемасида кетаркан Неъматхонимни кўрадиган дақиқаларни ўйлаб қалби ширин бир ҳаяжон билан орзиқарди. Уйнинг бир гўшасида бошни бошга қўйиб сирлашадилар, икки кеча, икки кундуз тинимсиз у ҳақда гаплашадилар.

Кичик қизнинг назарида Канондан баҳс этиш уни ораларида кўришдай бир гап эди.

Неъматхонимнинг у кун бир қанча меҳмони бор эди. Жувон Чаросни катта қувонч билан қарши олди. Барча нариги хонимларни писанд қилмай нуқул у билан машғул бўлди. Фақат кеча ярмигача бир дақиқа ҳам ёлғиз қолиб, холи гаплашолмадилар.

Неъматхоним анчагина семирганди. Аввалгидан кўра вақти чоғроқ, лоқайд ва бахтли кўринарди.Узлуксиз чақчақлашиб сўйларкан, Ламиа ич-ичидан изтироб чекиб шубҳалана бошлади. Ажабо, холаси Канонни унута бошладимикин? Лекин буни ҳеч тасаввур қилолмасди. Каноннинг буғдойранг юзи, мовий кўзларининг табассуми, оппоқ дурдай тишларининг бўсаларини қандай қилиб унутиш мумкин? Кичик қиз буни теран бир маъсумлик ва ҳайрат ила ўз-ўзидан сўрар, натижада ўз шубҳаларидан уялиб кетарди. Неъмат холаси ҳалиям уни севади. Лекин нима қилсин? Сир сақлашга, йиғлай туриб, дудоқлари-ла кулишга мажбур эди.

Ётиш вақти бўлиши билан Неъматхоним бир шамдонни ёқди: "Қани, Чарос... Сени хонангга кузатиб қўяй"— деди. Энг устки қаватда катта оқ сурплар тўшалган чиройли кичик бир хонага чиқдилар. Ниҳоят кутилган дақиқа келганди. Ламиа чуқур бир ҳаяжондан ларзага тушганди. Неъматхонимнинг юзига қарашга ботинолмасди.

Жувон шамдонни қолдириб қайта чиқиб кетаркан, шуни оқлаш учунми:

— Сен чарчагансан, кичкинтойим... Чиройли ухлайсан... Эртага эрта билан туриш лозим... Чунки сени айлантиргани олиб бораман... Бу кеча кўрган тушингни унутма... Инсон илк бора ётган уйида кўрган туши албатта ўнгидан келади... Оллоҳ оромбахш уйқулар ато қилсин...

Неъматхоним эшикка яқинлашганда, Ламиа шошилинч бир тарадцуд-ла:

– Хола... – деди.

– Нима, Ламиа... Нега бундай титраяпсан, қизим?

– Менга ҳеч айтадиган гапингиз йўқми?

– Жуда ғалатисан-да...

– Хола... Канонбей сизга ҳеч хат ёзмаяптими?

– Нимайди?!

– Канонбейни унутолмагандирсиз, Неъмат хола!

Титраётган қўллари-ла Неъматнинг билакларини тутганча, яшил кўзларида теран бир изтироб ила унинг юзига боқарди.

– Нега буларни сўраяпсан, Ламиа?

– Мен сизнинг ҳамма сирларингизни биламан-ку! Сизни юпатгим келади, хола!..

Чароснинг дудоқлари титрар, узун-узун киприклари ёш-ла тўлаётган эди.

Бу шу қадар болаларча бир нарса эдики, Неъматхоним ўзини тутолмади. Қаҳқаҳлаб кулганча унинг қизарган ёноқларини ўпди:

– Жуда ғалати боласан-да...

Ламиа бу қаҳқаҳалар-ла юрагида нозик бир нарса узилганини ҳис этар, жувонга нисбатан ичида мубҳам бир нафрат уйғона бошлаганини туяр эди.

– Демак, Канонбейни унутдингиз-а, Неъмат хола?

Неъматхоним кетаркан, уни баттар эсанкиратди:

– Йўқ, Ламиа... Унутмадим... Канонбейни ҳар доим хотирлайман...

– Уйқунгизнинг озгинасини менга фидо қилолмайсизми, Неъмат хола?

Жувон яна куларди:

– Яхши, қизалоғим, сен айтганча бўлсин...

Оқ каравотнинг четига ёнма-ён ўтирдилар. Ламиа аввало унга совғага келтирган тўқима ёқани берди. Жувон бу ўрма ёқани жуда нозик ва чиройли деб топди: "Офарин, Ламиа... Бу ҳаддан ташқари чиройли расм" дер эди. Бу ёқада англаёлмаган баъзи шакллар бор эди. Ламиа улардан бирини изоҳлаганда қаҳқаҳлаб кулишдан ўзини тиёлмади. Бу гўзал ёз қиссасида "Карам" ила "Қузғун" ҳам четда қолишига кичик қизнинг кўнгли рози бўлмаган, ғаройиб шаклли япроқлар орасига бирисининг севимли узун қулоқларини, наригисининг кесик думини жойлаштирганди.

Ламиа борган сари ортаётган бир ҳарорат билан бу эски муҳаббат қиссасини баён этаркан, Неъматхоним унинг идрокидан ҳайратланар, ора-сира кулиб:

– Қандай яхши-я хотиранг, Ламиа... Қара, мен буни унутгандим, – дерди.

Бу унутилган кичик воқеаларнинг ҳар бир қисми Чарос учун бир бўлакча изтироб, бир хаёлий ҳасрат эди.

Чарос ўша кеча негадир ухлаёлмади. Пардаларнинг очиқ деразасидан Измирнинг юлдуз тўпларига ўхшаган ёруғликларига боқар: "Бечора Канонбей... Неъматхонимнинг бу қадар қалбсиз жувон эканлигидан хабар топса, кўп эзилади" деб ўйларди. Қаршиёқадан қандайдир хаста бўлиб қайтди, бу илк хаёлий ҳасратнинг ҳузуни –умидсиз бир хасталик каби – ойларча руҳининг ичида судралиб юрди.

* * *

Июль кирганди, Ламиа бир оқшом яна Қузғун-ла бирга боғда айланиб юрарди. Шоҳкўчада бир машина гуруллаганини эшитиб, эшикка югурди. У етиб боргунча машина ўтиб кетганди. Йўлни яхшигина босган оқшом қоронғилиги ичида икки сояни кўрди. Мунирбейни келбатидан таниганди. Ёнидаги кишини Канонбейга ўхшатди, бирдан юраги ўйнади. Ажабо, умиди? Машина эса мутлақо Соиб Пошонинг эшиги олдида тўхтаганди. Ич-ичидаги умиди беҳуда эканлигини билгани ҳолда эшикда кутиб турар, кўзларини йўлдан узолмасди. Машина қўшни боғнинг олдида кўп турмай ўтиб кетди, бир оздан сўнг бир бурчак бошида Мунирбейнинг кўшкига борадиган йўлга бурилди.

Кичик қиз енгилгина хўрсинди: "У эмас, – деди, – зотан доҳий одам бу ерга келмайди-ку... "

Ламиа у оқшом хонасига эртароқ кирганди. Ҳаво жуда иссиқ бўлгани учун ойналарини очиқ қолдириб ётоғига чўзилди. Кеча ойсиз эди. Деразанинг олдигача шохларини осилтирган ишкомларга чироққуртлар булути ёпирилганди. Арабдара тарафидан ора-сира эсган иссиқ шамол бу булутнинг бир қисмини хонага отар, уйқу истакларининг ярим сархушлиги ичида кулимсаб-кулимсаб кўзларини юмган кичик қизнинг сочларига, юзига чироққуртлар тушарди. Қанча ухлаганини билолмади. Бирдан туннинг теранлигидан келган оғир бир камон садоси-ла уйғонди. Ажабо, туш кўряпманми?

Чарос уйқу ганглиги-ла бир турли буни аниқ айтолмас, бу гўзал туш садоларининг тўхтаб қолишидан қўрққандай кўзларини юмарди. Аста-аста ўзини йиғиб олди. Ётоғида ўрнини текислаб, ўйлай бошлади. Кечқурун Мунирбейнинг машинасида кўргани иккинчи кўлка мутлақо Канон эди. Зотан бу камонни ундан бошқа ким чала оларди?

Канон яна ўша эски аллани чаларди. Ламиа ўша куз кечаси бу аллани тонгларга қадар кўзларида ёшлар билан кутганча ухлаганди. Кичик қизга шундай туюлардики, айнан ўша садолар билан айнан, ўша уйқудан энди уйғонаётгандай, чироққуртлар билан тўла хона юксалаётгандай, ҳаволарга қўшилаётгандай, кўкларнинг юлдузли бир парчаси бўлаётгандай...

XI

Ўша оқшом соатларида вапурдан тушган Канон кордонда Мунирбейга дуч келган, унинг машинасида Бўзёқага келганди. Боғдагиларнинг хабари йўқ эди. Мунирбей бундан фойдаланиб Канонни сал-пал мажбурлаб ўз кўшкига кечки дастурхонга олиб келган, тун ярмигача кеткизмаган эди.

Соиб Пошо кўппак вовиллаганини эшитиб боққа бегона киргани-ни пайқаганда эндигина ётишга чоғланганди. Қўлига чироқни олиб деразадан пастга тутди-да: "Ким бу?" деб қичқирди. Канонни тани-ганда: "Вой нури айним, сармояи ифтихорим, авлодим... Сен келдинг-ми?" дея одатдагидай бақириб йиғлай бошлади.

То болаларнинг олдига боргунча бутун кўшк қайта уйғонди. Хона-лардан тунлик кийимлари устидан шол рўмол, манто, ҳатто этаклик-ларни отиб олган паришон сочли хотинлар, батис халатли, яланғоч оёқли эркаклар чиқар, Каноннинг бу кутилмаган ташрифи шарафига одатдагидай хурсандчилик дастурхони ёзиларди.

Соиб Пошо уни дамбадам қучоқлар: "Эҳ, ўғлим-е... Одам деган мундоқ бир телеграмма бермайдими... Мен сени вапурдан олиб келмоқ учун, худо шоҳид, буғли парли қайиқлар ёллардим", – дер эди.

Малакхоним ҳали келмаганди. Лекин бир-икки кун олдин Сайдик-ўйидан йўлга чиқишига доир бир мактубини олганди.

Канон бу топшуув маросимини имкон қадар қисқа қилди, йўл азобини баҳона қилиб "Маросим доираси"даги хонасига чекилди. Бу ердаги нарса-ларга ҳеч ким тирноғини ҳам теккизмаган, ашёлар бултурги ҳолида қолди-рилганди. Канон кўшкнинг рангли ойналарини, дераза эшикларини – пар-воналар ёмғири ичида кўкларга қоришиб кетгандай кўринувчи кечага қарата очаркан боладай севинар: "Қандай яхши қилдим-а, келиб... Мен бу теран, тоза ҳиссиётларни бошқа қаерда топардим?" – дер эди.

Унутилган ашёларни жой-жойида кўрганда қалбида болаларча бир меҳр уйғониб, девордаги расмларга қарар, пианинонинг устидаги май-да-чуйда безакларга қўлларини сураради.

У куни келишини билмаганлари учун ҳозирлик қилмаган эдилар. Қари бир хизматчи шоша-пиша ичкаридаги ётоқ хонасининг чангини олар, Канон-ла гаплаша-гаплаша кўшкнинг ичида айланарди. Хотин бир ора қўлида лампа билан эшикдан кириб келаркан, Канон деворнинг бир нуқтасида қуш қанотларига ўхшаган нозик бир соя қимирлаганини кўрди. Диққат қилди. Ламианинг сўнгги айрилиш тонгида сариқ бир лента пар-часи билан боғлагани қир гунафшаси дастасини таниди. Унга ҳам тегма-гандилар. Чечаклар қуриган, бир неча қорайган япроқ скелети қолганди.

Канон бирдан кичик қизга ваъда бериб, ваъдасини адо этолмага-нини хотирлади. Виждонини қийнаган катта бир қарзини ўтаётган одам қандай енгиллашса, ўшандоқ енгиллашиш билан пианинонинг устида-ги камон қутисини олди.

Ёлғиз Чароснинг алласини чалиб, сўнгра тўхташни истаган бўлса ҳам ўзини тутолмас; ошиқ бир тоғ чўпони каби куйдан куйга ўтар; содда, маъсум, ясамасиз, лекин бир кўнгил каби беадоқ тушлар, олам тўймайдиган ингроқлар билан тўла нарсаларни чаларди.

Лампанинг шуъласи атрофида яна парвоналар титрашар, ним ёруғ деворларда яшил қанотли тун ҳашаротларининг сассиз ваҳмлари так-рор уйғона бошлаганди.

Йўл чарчоғидан ва ортиқ ҳиссиётлардан ҳориган бир ҳолда камон-ни қўйиб қоронғиликка боқди. "Оҳ, Бўзёқа, – деди, – мен болали-гимнинг, илк ёшлигимнинг барча амал ва ҳиссиётларини шу ерга кўмган-дим... Бир кун уларни бунчалик бойиган ҳолда қайтариб беражагини умид қилганмидим?"

XII

Икки кун Канонга узоқ-яқиндан тўда-тўда меҳмонлар келди. Йи-гит тонгдан кеча ярмигача бир соат ҳам ёлғиз қололмади. Келганлар-нинг орасида фақатгина Ламиа йўқ эди. Канон бир неча марта уни болалардан суриштирган, лекин тўғри, дуруст жавоб ололмаганди.

Унга учинчи куни кечга яқин боғ орқасидаги ингичка йўлда дуч келди. Кулиб йўлини тўсди:

– Айб эмасми, Ламиахоним... Бу қандай вафосизлик... Эски дўстга бир "хуш келдинг" ҳам йўқ экан-да?

Ламиа унга қарашга журъат этолмас, лабларини қимтиб муҳжибона кулимсирарди. Жуда паст овоз билан:

– Янгамнинг вақти бўлмади-да, афандим... Йўқса келардим... – деди.

– Ўтган йили доим янгангиз биланми келардингиз? Сиздан гина-ларим кўп, уларни бирма-бир айтиб-солишга тайёрлангандим, аммо журъат этолмаяпман...

Сохта бир тараддуд-ла Ламиага боқар, бир оз майна қилиб куларди.

– Турган гап, Ламиахонимга Чаросчалик нозларим ўтмайди... Бу йил Бўзёқада Чаросни кўролмаганимга кўп афсусдаман.

Ламиа Каноннинг нима демоқчи бўлганини англамас, унинг-ла бирга куларди.

Йигит худди шу назокатли адоси билан давом этди:

– Чарос жуда ўзгарган... Жуда чиройли кап-катта қиз бўлган... Энди у билан қанаққилиб эскисидай ҳазиллашишга журъат этиш мумкин?

Ламиа янада кўпроқ қизарди. Бир лаҳза кўзларини унинг кўзлари-га қадаб:

– Мени майна қиляпсиз, Канонбей, – деди.

Канон шўх, безбет қаҳқаҳаларидан бирини ишга солиб кулди:

– Мана Ламиахонимнинг айтганимдай кап-катта, гўзал бир ёш қиз бўлганини кўрсатувчи яна битта белги... Истайдики, қаршисидаги одам ҳурматни бажо келтирадиган, одатларга риоя қиладиган бўлсин... Ҳаққи йўқми шуни талаб қилишга? Модомики, Ламиахоним етук бир кичик хоним бўлди... Ҳазили йўқ, Ламиахоним, ҳақиқатан ҳам сизни ақл бовар қилмас даражада каттайган, ўзгарган ҳолда кўрдим... Назмибей... Унашилган йигитингизнинг оти Назмибей эмасмиди?

– Нозим, афандим...

– Ҳа, ҳа, Нозимбейни бу йил кўрмадингизми? Ким билсин, у келганда қандай эсанкираб, суюниб кетаркин?... Менинг бундай гўзал унашилган қизим бўлса дунёни йиқитардим...

Канон қувноқ ва ўйноқи бир ҳарорат билан давом этади:

— Бунчалик гўзал бўлажагингни тахмин ҳам этолмасдим, қизим... Ўтган йили кўринишингда ғалати бир заифлик, сўлғинлик... қандай тушунтирсам экан: буришиқ, чанг босган баъзи гуллар бор... ўшаларга ўхшаш бир сўлғинлик бор эди сенда... Бу йил порлаб турган бир нарса бўлибсан... Баҳор таровати каби бир нарса... Бир оз улғайган оғзингдан бошқача бир табассум таралади, ҳамон маҳжуб, ҳуркак кўзларингда бошқача бир жовдираш... Рангинг бошқа, қошларинг бошқа. Ҳамон Чарослар... Ҳовуздаги сувдан янги чиққандай... Уларни таърифлашга киришсам, узун бўлиб кетади... Рўпарамдан чиққан шу икки буюк ҳоким мени сенга севги изҳор қилаётган жиннига айлантириб қўяди. Бизлар холис, васвасасиз аҳоблар эканлигимизни бу кўзлар қайдан билсин? Хайр, Ламиа... тинимсиз кутаман...

Канон қўлларини чўнтакларига суқди. Ҳуштак чалганча Арабдараға қараб кета бошлади.

XIII

Ёзнинг энг иссиқ куни... Боғларда япроқ ҳам қимир этмайди. Шийпон-болохоналарнинг деразаларида тахта эшиклари ёпиқ, кўз олувчи сароблари-ла узаниб кетган йўллар бўм-бўш... Иссиқлик ва ёруғлик ҳар доимгидай ҳавода жимирлаётгани кўринади... Тепаликлар, дарахтзорлар ярим сўник расмларга ўхшаган... Қаршидаги қоялар томчи-томчи эриб оқаётгандай...

Сел чуқурларининг, сувлар бириккан жойларнинг устида енгил туманлар титрайди...

Ён томонда садо ўлароқ ёлғиз читлембиклар ичидаги полиз чархпалагининг заҳмат билан ҳорғин ширилаши, тунука тарновларга тўкилган сувнинг енгил сарин саси бор.

Япроқларнинг тупроққа ёйгани ҳаракатсиз сояларга қоришган қуёш парчалари унда-мунда оқ нақш тўқималар каби порлайди.

"Карам" толғин, катта кўзларининг ҳеч тугамайдиган рўёси ичида яна оғир-оғир одимлаб қайтаётир, кичкина читлембик ўрмонида Ламиа ила икки кичик амакиваччаси ҳамда Канондан бошқа ҳеч кимса йўқ.

Самиҳа ила Фикрат устига бўйрадан бир қўлбола чодир қилинган беланчак ичида қучоқлашиб ухлаганлар...

Канон-ла Ламиа кичик ҳовузнинг тош супалигида ёнма-ён ўтирибдилар...

Гаплашмайдилар... Ўрталиқдаги оғир сукут уларнинг устига ҳам чўккан-дай... Ламиа юзини ҳовузга ўгирган, яланғоч билакларидан бирини ора-сира сувга тиқади; сўнгра уни ҳўллаган сувнинг томчи-томчи тўпланиб бармоқларидан тушишини томоша қилади... Зеҳни толғин, кўзлари фақат шу билан машғулдай...

Канон ҳам қўлини ёнидаги тунука тарновлардан бирига узатади, бир кафт сув олади, суръат-ла Ламианинг юзига, сочларига сепади...

Чарос сесканади, ҳурпаяди, бирдан уйқудан уйғотилган боладай эсанкираган бир ҳайрат-ла кўзларини Канонга ўгиради... Бу ҳазил учун бир-бирларига қараб кулимсирайдилар, лекин яна чурқ этмайдилар.... Ламиа такрор ҳовузга қараб олади. Қўлини билагигача сувга тиқиб, эски ўйинини бошлайди.

Бу сафар Канон ҳам бошини ўгиради. Ламианинг қуёшдан нақшли пушти ранг олган бўйнида енгил сепкиллар, ёноқларида узун сариқ сочлари қошларининг тукларида титраган сув томчиларини томоша қилади.

Сўл билагига таяниб ҳовузга эгилади, кўпикли сувларнинг ичидан ўз-ўзича узилиб тушган бир бош рўйи нигор[1]ни чиқаради... Ламианинг тўлқинли қизғиш танида сув томчичалари бор... Дудоқлари билан бир-икки ғужум узиб олади. Сўнгра енгилгина ёнига эгилади; узум бошини Ламианинг лабларига узатади... У такрор сесканади, бошини орқага олмоқчи бўлади.. Лекин кейин ҳуркак бир кулимсираш билан лабларини очади, ҳовучда ем едирилган бир қуш боласи тараддуди билан битта-битта узум доналарини ея бошлайди...

Канон алланечук кўзларини ундан узмас, Ламиа, шу ҳолида жуда гўзал! Нозик чўччи оғзи, узунгина таъсирчан бурни, ингичка сариқ қошлари, сал-пал сиқиқ кенг манглайи нақадар ёқимли ва келишган!

Сарғиш бошининг сиқиқ жилвали ўргисидан қутулган парқудай енгил, деярли оқ сочлар ингичка ҳалқалар-ла манглайида буралар, кўринмас кумуш симчалар билан илиштирилгандай тинмай титрар. Ҳануз сал олдинги томчилардан ҳўл турган ёноқлари лабларига тушган ҳўл узумлар каби тароватли...

Каноннинг бармоқлари узум шингилидай пастлаб келар; оҳиста-оҳиста, шошмасдан, ҳеч нарсани ўйламай, гапирмай Ламианинг кўксига киради...Ёш қиз ҳам, бир оз аввал ичига томчи томганда қандай титрамага тушган бўлса, ўшандоқ титрамада эди...

Канон уни манглайидан, кўзларидан, сўнгра нам ёноқларидан, сариқ сепкилларидан такрор-такрор ўпади... Ламиа, дудоқларида мажолсиз бир нафас, вужудида иссиқ бир ҳолсизлик билан кўзларини юмади, бошини Каноннинг елкасида қолдиради.

Карам бир неча бора атрофларида айланади, сўнгра бирдан тўхтайди. Шу пайт улар ҳам уйқудан уйғонгандай силкинадилар...

Ламиа енгил бир ҳаракат билан ўзини Каноннинг қўлларидан қутқаради... Йигит яна ҳеч нима демайди... Ортиқ бир-бирларига қарамайдилар... Чарос беланчакда ухлаган кичик болаларни олади, боши эгилган, анча вақт эшик-деразалари ёпиқ иссиқ хонада қолган гуллардай сўлғин ва ҳорғин узоқлашади...

Канон енгил-енгил ҳуштак чалади, ҳовузнинг четидан ғишт парчаларини кўчириб, сувга отади.

[1] Рўйи нигор — пушти ғужумли узум.

* * *

Бу воқеадан кейин Ламиа икки кун у ердан ғойиб бўлганди. Канон қилган ишини ўйлаганда ўзи ўзига жаҳл қиларди:"Мен ҳақиқатан ёмон одам бўляпман. Савқи табиий билан ҳаракат қилувчи онгсиз ҳайвонларга ўхшадим. Билганимни қилавераман... " дер эди.

Учинчи куни кечки вақт бир оқшом сайридан қайтаётган эди. Боғнинг эшикка яқин бир гўшасида, бошқа аёллар орасида Ламиани кўрди, йўлини улар тарафга бурди.

Чарос енгил бир ҳаракат-ла эгилган, билдирмасдан юзини ёнидаги хонимнинг елдирмасига сипар қилганди.

Канон ғоят табиий бир товуш билан:

– Нима бўлди, Ламиахоним...Хафамизми... – деди.

Ёш қиз бошини кўтаришга журъат этмай кулди:

– Нега, афандим? – дея жавоб берди.

Канон унинг-ла бундан ортиқ машғул бўлмади. Бўш топгани паст бир боғ курсисига ҳорғин-ҳорғин ўтирди, бошқа хотинлар билан гаплаша бошлади. Ора-сира унга ҳам саволлар беради, узуқ-юлуқ, қисқа жавоблар олади.

Ўша оқшом айрилганлари вақт масала ортиқ ёпилганига, аста-аста унутилиб кетишига ишонганди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Ламиа уни кўришга кўника бошлаганди. Фақатгина гаплашганларида аввалгилари каби юзига қарашга журъат этолмасди у қадар...

Қоронғи кечалар ўтган, ёзнинг энг гўзал маҳтоби яна бутун порлоқлиги билан бош кўтарганди. Кўкюзи такрор тонгларгача мовийлик қўшилган қорача садафларнинг тиниқ ёрқинлиги-ла ичин-ичин ойдинланар, миноралрнинг, ўрмонликларнинг, қояликларнинг оч кўрғошинранг (кулранг) сояларини – яна тағин барча ингичка ҳудудлари ила – кўк юзига чизарди.

Ойнинг ўн бешинчи кечаси Соиб Пошо бир қанча қўшнисини Қирқчамларга кечки зиёфатга таклиф қилганди. Зиёфат учун лозим бўлган нарсаларни боғбонлар кундуздан кичик кўл араваларида ташиб қўйишганди. Бири Соиб Пошонинг ҳожилардан, хўжалардан бўлган кекса ошналари учун ҳақиқий майдонга, бошқаси хотин-халаж учун овлоқ бир гўшага икки қир[1] дастурхони тузалганди. Роқи[2] ичадиган ёшлар қарағайзор тагидаги сел чуқури яқинига, янада овлоқроқ гўшага биқингандилар. У ерда чолғулар чалинар, зайбак[3] рақсига тушишар, қиёматлар кўтаришарди.

Канон овқат тортилаётганда тоғасининг ёнида эди. Соиб Пошо бу севгили жиянини бир соат кўрмаса туролмасди. Пастликдаги роқи дастурхонида қанча кўп шиша бўшаса, бу ерда ҳам ўшанча кўп коса, мис

[1] Қир – дала.

[2] Роқи – буғдойдан қилинган турк ароғи.

[3] Зайбак – Измир туманида яшовчи эски турк қабиласи.

қадаҳ, патнис бўшаганди. Сергаплиги билан машҳур бир қария – олой муфтиси[1], овқат ея̈вериб қимирлашга мажоли қолмаган меҳмонларга битмас-туганмас жин, жоду, каромат ҳикояларини сўйлаб ўтирарди.

Канон дастурхондан туриб, Шамъи Дада билан бирга бир чеккадаги дарахт тагига бориб олишган, кекса дўсти билан эски кунларни эслаб ўтиришарди.

Бу пайтда пастликдаги суронлар авжига чиққан; қаҳқаҳалар, бақир-чақирлар телбаёна бир шиддат олганди.

Йирик гавдали бир боғбондан нима гаплигини сўраб билиб олган Соиб Пошо Канонга қараб қичқирди:

– Канон, қара, ўғлим,... Ҳофиз Файзи эшак ўйнатаётганмиш... Дунёнинг бошқа ерида кўролмайсан. Бор, ўйиннинг бунақа турини ҳам томоша қил...

Шамъи Дада бошини силкитиб:

– Кетдик, болам, ҳақиқатан бориб кўришга арзийди, – деди.

Канон дастурхоннинг ёнидан ўтаркан олой муфтиси йўғон дўрилаган овози билан янги бир ҳикояни бошлаганди.

– Худо раҳмат қилсин, бир вақтлар Филибадан чиққан бир Дарвиш Ҳидоят бўлар эди... Астағфируллоҳ, у бекорчиликдан эшакларни эмас, илонларни ҳам ўйнатарди... Илон ҳам ўйнайдими? Оллоҳнинг иродасини қаранг, ялтироқ кўйлакли раққосалардан яхшироқ муқом ташлайди... Бир кун...

Оқсоқ Ҳофиз қизиқчилиги ва тақлидчилиги билан машҳур бир боғбон эди. Бўзёқалилар "Қамбарсиз дугун ўлмаз"[2] мақолини "Ҳофизсиз боғбон эди. Бўзёқалилар "Қамбарсиз дугун ўлмаз"[2] мақолини "Ҳофизсиз кулгини тортавер қуйруғини" шаклига келтиргандилар. "Эшак ўйнатмоқ" Оқсоқ Ҳофизнинг сўнгги йилларда ижод қилган бир эрмаги эди. Узунгина бир савағичнинг учига бир оз осма япроғи билан бир неча бош узумни боғлаб эшагига минарди.

Ҳайвон узум бошларини бурнининг учида ҳис қилган вақтда бурнини кўтариб, устки лабини ўйната бошларди. Нақ оғзини очган чоғида узум бошлари икки тарафга чайқалар, ҳайвон ҳам бошини, очиқ, титрак лаблари орасида бир ғаройиб иштаҳа кулимсирамаси билан икки ёнга чайқатиб "бўйин бурма" қиларди.

Сўнгра савағич олдинга узатиларди, узум бошлари юра бошларди. Эшак ҳам оёқларни узумларнинг "оҳанги рафторига" ўйнатиб уларни таъқиб этарди. Ниҳоят узумлар аста-аста ҳавога кўтариларди. Фақатгина бошини кўтариш билан уларни тутолмаслигини кўрган ҳайвон шўрлик икки орқа оёғига турар, қўлларини ҳавода силкита-силкита, бўталоқ каби бошини жилпанглатиб, титрамага туша бошларди. Оқсоқ Ҳофизнинг катта маҳорат билан идора қилгани бу ғаройиб рақс шу

[1] Олой муфтиси – Турк армиясида полк командири устидан турувчи муфти ҳам бўлган, у "олой муфтиси" дейилган.

[2] "Қамбарсиз дугун ўлмаз" – ҳар нарсага аралашадиган ва ҳар ишни уддалайдиган бир одам бўлмаса тўй бўлмайди.

* * *

Бу воқеадан кейин Ламиа икки кун у ердан ғойиб бўлганди. Канон қилган ишини ўйлаганда ўзи ўзига жаҳл қиларди:"Мен ҳақиқатан ёмон одам бўляпман. Савқи табиий билан ҳаракат қилувчи онгсиз ҳайвонларга ўхшадим. Билганимни қилавераман... " дер эди.

Учинчи куни кечки вақт бир оқшом сайридан қайтаётган эди. Боғнинг эшикка яқин бир гўшасида, бошқа аёллар орасида Ламиани кўрди, йўлини улар тарафга бурди.

Чарос енгил бир ҳаракат-ла эгилган, билдирмасдан юзини ёнидаги хонимнинг елдирмасига сипар қилганди.

Канон ғоят табиий бир товуш билан:

– Нима бўлди, Ламиахоним...Хафамизми... – деди.

Ёш қиз бошини кўтаришга журъат этмай кулди:

– Нега, афандим? – дея жавоб берди.

Канон унинг-ла бундан ортиқ машғул бўлмади. Бўш топгани паст бир боғ курсисига ҳорғин-ҳорғин ўтирди, бошқа хотинлар билан гаплаша бошлади. Ора-сира унга ҳам саволлар беради, узуқ-юлуқ, қисқа жавоблар олади.

Ўша оқшом айрилганлари вақт масала ортиқ ёпилганига, аста-аста унутилиб кетишига ишонганди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Ламиа уни кўришга кўника бошлаганди. Фақатгина гаплашганларида аввалгилари каби юзига қарашга журъат этолмасди у қадар...

Қоронғи кечалар ўтган, ёзнинг энг гўзал маҳтоби яна бутун порлоқлиги билан бош кўтарганди. Кўкюзи такрор тонгларгача мовийлик қўшилган қорача садафларнинг тиниқ ёрқинлиги-ла ичин-ичин ойдинланар, миноралрнинг, ўрмонликларнинг, қояликларнинг оч қўрғошинранг (кулранг) сояларини – яна тағин барча ингичка ҳудудлари ила – кўк юзига чизарди.

Ойнинг ўн бешинчи кечаси Соиб Пошо бир қанча қўшнисини Қирқчамларга кечки зиёфатга таклиф қилганди. Зиёфат учун лозим бўлган нарсаларни боғбонлар кундуздан кичик қўл араваларида ташиб қўйишганди. Бири Соиб Пошонинг ҳожилардан, хўжалардан бўлган кекса ошналари учун ҳақиқий майдонга, бошқаси хотин-халаж учун овлоқ бир гўшага икки қир[1] дастурхони тузалганди. Роқи[2] ичадиган ёшлар қарағайзор тагидаги сел чуқури яқинига, янада овлоқроқ гўшага биқингандилар. У ерда чолғулар чалинар, зайбак[3] рақсига тушишар, қиёматлар кўтаришарди.

Канон овқат тортилаётганда тоғасининг ёнида эди. Соиб Пошо бу севгили жиянини бир соат кўрмаса туролмасди. Пастликдаги роқи дастурхонида қанча кўп шиша бўшаса, бу ерда ҳам ўшанча кўп коса, мис

[1] Қир – дала.

[2] Роқи – буғдойдан қилинган турк ароғи.

[3] Зайбак – Измир туманида яшовчи эски турк қабиласи.

қадаҳ, патнис бўшаганди. Сергаплиги билан машҳур бир қария – олой муфтиси[1], овқат ея вериб қимирлашга мажоли қолмаган меҳмонларга битмас-туганмас жин, жоду, каромат ҳикояларини сўйлаб ўтирарди.

Канон дастурхондан туриб, Шамъи Дада билан бирга бир чеккадаги дарахт тагига бориб олишган, кекса дўсти билан эски кунларни эслаб ўтиришарди.

Бу пайтда пастликдаги суронлар авжига чиққан; қаҳқаҳалар, бақир-чақирлар телбаёна бир шиддат олганди.

Йирик гавдали бир боғбондан нима гаплигини сўраб билиб олган Соиб Пошо Канонга қараб қичқирди:

– Канон, қара, ўғлим,... Ҳофиз Файзи эшак ўйнатаётганмиш... Дунёнинг бошқа ерида кўролмайсан. Бор, ўйиннинг бунақа турини ҳам томоша қил...

Шамъи Дада бошини силкитиб:

– Кетдик, болам, ҳақиқатан бориб кўришга арзийди, – деди.

Канон дастурхоннинг ёнидан ўтаркан олой муфтиси йўғон дўрилаган овози билан янги бир ҳикояни бошлаганди.

– Худо раҳмат қилсин, бир вақтлар Филибадан чиққан бир Дарвиш Ҳидоят бўлар эди... Астағфируллоҳ, у бекорчиликдан эшакларни эмас, илонларни ҳам ўйнатарди... Илон ҳам ўйнайдими? Оллоҳнинг иродасини қаранг, ялтироқ кўйлакли раққосалардан яхшироқ муқом ташлайди... Бир кун...

Оқсоқ Ҳофиз қизиқчилиги ва тақлидчилиги билан машҳур бир боғбон эди. Бўзёқалилар "Қамбарсиз дугун ўлмаз"[2] мақолини "Ҳофизсиз боғбон эди. Бўзёқалилар "Эшак ўйнатмоқ" Оқсоқ Ҳофизнинг сўнгги йилларда ижод қилган бир эрмаги эди. Узунгина бир савағичнинг учига бир оз осма япроғи билан бир неча бош узумни боғлаб эшагига минарди.

Ҳайвон узум бошларини бурнининг учида ҳис қилган вақтда бурнини кўтариб, устки лабини ўйната бошларди. Нақ оғзини очган чоғида узум бошлари икки тарафга чайқалар, ҳайвон ҳам бошини, очиқ, титрак лаблари орасида бир ғаройиб иштаҳа кулимсирамаси билан икки ёнга чайқатиб "бўйин бурма" қиларди.

Сўнгра савағич олдинга узатиларди, узум бошлари юра бошларди. Эшак ҳам оёқларни узумларнинг "оҳанги рафторига" ўйнатиб уларни таъқиб этарди. Ниҳоят узумлар аста-аста ҳавога кўтариларди. Фақатгина бошини кўтариш билан уларни тутолмаслигини кўрган ҳайвон шўрлик икки орқа оёғига турар, қўлларини ҳавода силкита-силкита, бўталоқ каби бошини жилпанглатиб, титрамага туша бошларди. Оқсоқ Ҳофизнинг катта маҳорат билан идора қилгани бу ғаройиб рақс шу

[1] Олой муфтиси – Турк армиясида полк командири устидан турувчи муфти ҳам бўлган, у "олой муфтиси" дейилган.

[2] "Қамбарсиз дугун ўлмаз" – ҳар нарсага аралашадиган ва ҳар ишни уддалайдиган бир одам бўлмаса тўй бўлмайди.

тариқа давом этаркан, бир ёқда чолғу чалинар, дафлар уриларди, "Яша Ҳофиз!" нидолари оламни янгратар, ҳатто баъзан эшак ҳам ноумид фарёдлар билан бу оҳангларда иштирок этарди.

Оқсоқ Ҳофиз бу кеча "санъаткор"ини керагидан ортиқ ясантирган, бошига қизил ғижим газмол, бўйнига сариқ рўмолдан каттакон бир бант боғлаганди. Канон узоқроқ жойдан бу ўйинни томоша қиларкан, қулоғига енгил қаҳқаҳа келди. Бошини ўгирди. Бир оз нарида Ламиани кўрди. Ёш қиз яхшироқ кўриш учун баҳайбат бир тошнинг устига чиқиб олганди.

Бир-бирларига бош ирғаб жилмайдилар:

– Зўр-а, Ламиахоним?

Чарос жуда завқланганди:

– Бундан ҳам зўри бўлармиди, афандим?

Канон кулганча унга яқинлашди:

– Ташбиҳим бу гапга алоқасиз, аммо Бўзёқанинг тўлганойи...Шундай зўр чиройли кеча... Назаримда бунақаси неча йилда фақат бир марта келади...

Қарағайлар янада баланд, ўрмон янада кенг кўринар, ой нурлари қуюқ қўрғошин тусли сояларнинг теранлигида ойдин кеча хаёлотлари каби айланарди.

Канон дарахтларнинг орасидан узоқдаги текисликда заррин бир оқ майдонни кўрсатди:

– Ойдинда бундай дарахт кўлкалари остида ўралашиб ўтиришни тушунмайман, – деди, – хоҳлайсизми, бир оз сизни йўлларда кездирай, Ламиахоним?

Ёш қиз бошини эгди:

– Сиз биласиз, – деди.

Бир йилдан бери ҳаётида сирли бир аҳамият касб этган бу одам нима деса, нима истаса шундай жавоб берарди.

Йиқиқ бир девор четидан йўлга сакраб тушдилар. Канон бир оз олдин тўлганойнинг энг очиқ ва чароғон кўринган, текислик тарафини кўрсатганди. Лекин энди ҳеч нима демасдан тескари тарафга, боққа бурилган ингичка йўллардан бирига одимладилар.

Олдинига тез-тез юрдилар. Сўнгра аста-аста одимлари секинлади. Бир-бирларига жуда яқин юрардилар, лекин вужудлари ҳеч бир-бирига суйканмасди.

Канон унга Оврўподан, Истанбулдан баҳс юритар, Ламиа жавоб бермасдан тингларди.

Бир гўша бошига борганларида Чарос тўсатдан тўхтади. Яшил кўзларида маҳжуб бир табассум-ла Канонга боқар, бир нарса сўрамоқчи бўларди.

– Бир нарса сўрамоқчимисиз, Ламиахоним?

Ёш қиз ваҳм босган бир тараддуд-ла:

– Бу ер ҳалиям ёдингиздами, Канонбей, – деди.

Канон бошини ўгириб атрофига қарар, нима демоқчи бўлганини тушунишга ҳаракат қиларди:

– Ўтган йил ҳам бир оқшом шу ердан боққа қайтгандик... Сиз у билан орқамдан келардингиз...

Йигит мубҳам суратда хотирлай бошлади. Кулди:

– Ҳа, – деди, – хотирласам керак...

– Балки ўтган йили ҳам худди шундай кеча эди, Канонбей... Бу ер яна ўшандоқ ойдинки... Дарахтларнинг кўлкаси яна шу йиқиқ минор деворига қадар келарди.

Бошини елкасига қўйгиси келар, яшил кўзларида ҳам севинч, ҳам ҳазин бир хаёл билан деворга боқарди. Ортиқ юришга кучи қолмаганга ўхшарди. Қўлларини ёнида қолдирган, кичик вужуди оғир бир ҳорғинликдан қийшайиброқ борарди.

Канон ора-сира бу мазлум кўринишли кичик қизга нисбатан туйгани шафқат ва марҳамат яна қалбида уйғонганини ҳис қилди.

– Ҳорғин кўринасиз, Ламиахоним... Озгина дам олайликми? – дея сўради.

Чарос айтишга журъат этмаётгани бу орзуни билгани учун миннатдор бир назар-ла:

– Сиз биласиз, – деди.

Йиқиқ бир боғ деворининг тошлари устига қарама-қарши ўтирдилар. Ламиа елдирмасини Қирқчамларда қолдирганди. Бош рўмоли очиқ бўйнига тушиб турар, ёндан урилаётган ой нури бағрида сочлари янада сариқ, юзи янада оппоқ ва маъсум кўринарди.

Канон у билан гаплашаркан бир нарсага эътибор берди. Ламиа бошини дам-бадам ҳаракат қилдирар, кўзининг қирраси билан қарши деворга боқарди. У ҳам сездирмасдан у ерга кўз қирини ташлади. Ой нури бошларининг соясини деворда акс эттирганди. Ламиа бошини енгилгина ҳаракат қилдирганда соялар яқинлашар, юзлари бир-бирига тегарди.

Ёш қизнинг қандай ҳис билан ҳозирги сўзларни айтганини, қайси хотирани уйғотмоқ учун у ерда тўхтаганини шунда тушуниб етди. Яна қудуқ бошидаги каби ҳеч нарса демасдан билакларидан тугиб бағрига тортди. Ламиа бу сафар ҳорғин бир исён билан типирчилади. Вужуди беҳуш бир тоқатсизлик билан Каноннинг қўлларига тушаркан бошини орқага отар, сочларининг нозик гажаклари, кенг оқ манглайида жонли нарсалар ҳассосияти билан титрарди.

Канон унинг яшил кўзлари икки йирик ёш томчиси билан тўлганини кўрди, тушида йиғлаган болалар каби сўник бир овоз-ла: "Ундай қилма, Канонбей... Раҳм қил менга" деганини эшитди, аммо такрор такрор дудоқларидан ўпаверди.

Айни йўлдан Қирқчамларга қайтарканлар, Ламиа... оҳиста-оҳиста йиғларди. Канон худди аввалгидай тинчлигини ва мувозанатини топган, унга тасалли беришга уринарди:

– Бу ишда йиғлашга арзийдиган ҳеч нима йўқ... – дер эди, – ўпса нетар, ювса кетар... Сен ҳали жоҳил кичик бир қиз бўлганинг учун бунга ортиқча аҳамият беряпсан... Мендан хафа бўлмадинг, шекилли?..

У ҳамон йиғлар экан:

– Йўқ, афандим, – дер эди.

– Ундай бўлса, йиғлама, Ламиа... Қара, ҳалиям йиғлаяпсан...

– Ортиқ йиғламайман, афандим...

Буни айтаркан кучлироқ ҳўнграй бошлади.

Қирқчамларга келгандилар. Чолғу, оҳанг, қаҳқаҳа, шовқин-сурон ҳали давом этарди.

– Қани, Ламиа... Сен энди хотинларнинг ёнига бор... Эртага тушликдан кейин қудуқ бошига келасанми?

– Сиз биласиз, афандим...

Ажралишаётганда уни қўлидан тутиб яна бир марта ўпишдан ўзини тиёлмади.

Ламиа дарахтларнинг орасида ғойиб бўлганда Канон йўлнинг четига ўтирди. Бир сигара ёқди. Ўзига ўзи кулимсираб ўйлар эди: "Бечора Чарос.. Оҳ, мен бу болага намунча ачинмасам... Ҳолбуки, ҳеч сабаб йўқ... Нима десанг, нима хоҳласанг нуқул "сиз биласиз" деб жавоб беради... Лекин мен қандай аблаҳ, қандай ярамас одам бўлдим, ё рабби! Ёш бир қиз билан... Ҳали уни ёш қиз деб ҳам бўлмайди... бир қиз бола билан бундай ўйнаш ёмон, таҳликали ҳаракат... Одаммисан сен ҳам... Афтидан, дунё ўзи шундай... Ифлослик дунёнинг қурилишида, бизнинг хамиртурушимизда... Мен ҳаммадан яхши бўламан деб ўзимни тергамасмидим? Мен кимман энди?.. Ўзимни азоблашда ҳам маъно йўқ..."

XIV

У кечадан кейин ораларида ҳеч бир севгига ўхшамаган, англашилмас бир кўнгил саргузашти бошланган эди. Канон ҳар кун уни боғда ёхуд қудуқ бошида кўрарди. Лекин ҳеч ёлғиз қолмасдилар, бунинг учун баҳона ҳам қидирмасдилар.

Канон аввало ўз қилмишини айблаган, "менга қиз бўладиган ёшдаги бир бола қалби билан бунчалик ўйнаш ҳам гуноҳ, ҳам хатарли... Бундан тийилиш керак!" – дея ўйлаганди.

Бироқ бу пушаймонлик узоқ давом этмади, у янги худбин ва енгилелпи фалсафаси билан ўзини нари-бери юпатганди: "Сен ҳам одамсан... Бунда на менинг, на унинг айбимиз бор...Табиат ҳукмини қилади, бўлгани шу... Ламиа ҳам бошқалар каби бир қиз бола... Мушук болалари каби севилиш, сийпаниш эҳтиёжини ҳис этади... Ёлғиз бу ҳиссиётлар унинг учун жуда янги... Шу сабабдан балки керагидан ортиқ буҳронни бошидан кечаряпти... Бошқа жиҳатдан мен ҳам ишламак учун руҳимнинг ялқовлигини тарқатадиган енгил, ширин, илиқ бир ҳиссиётга муҳтожман... Ишни шу тушунча билан боғласам, ўртада ҳеч бир таҳлика қол-

майди... Ёз ойлари ўтиши билан бу ҳол ҳам табиий равишда ўтиб кетади, бир ширин хотирадан бошқа из қолмайди... Шу-да энди... "

Ламиани бошқалар ёнида кўрган чоғларида унга ҳали-ҳали раҳми келар, қараб туриб, ҳали болалиги ўтмаганлигини кўрар, энди эҳтиётсизлик қилмаслик учун ўз-ўзига сўз бераради.

Канон Ламиа билан ёлғиз қолишлари замоно унга қўл теккизмаслик тўғрисидаги бутун қарорларини унутар; ёш қизни қучоқлашни бир турли ўзига ман этолмасди. Бир оқшом арава йўлида айланишга чиқишганди. Ламиа билан ёлғиз қолган Канон:

– Ламиахоним, бу йил сиз менинг мусиқамни ўтган йилдагидан озроқ яхши кўряпсиз... – деди.

Ёш қиз кулди:

– Ундай бўлиши мумкинми, афандим?..

– Ўтган йили баъзи кечалар Қузғун билан бирга хонам олдидаги ишкомга келардингиз. Бу йил ҳеч келмадингиз... Бир кеча яна келсангизчи...

Буни ҳазил қилиб айтганди, Ламианинг бу бўлмайдиган нарса учун хавотирга тушишини унутиб, кулиб юборишини кутганди.

У эса, аксинча, мазлумона итоати билан бошини эгди:

– Истаганингиз, афандим, – деди.

Каноннинг юраги гупиллай бошлади. Шу ондаёқ бундай дегани учун пушаймон бўлганди. Бир оз эсанкираб ва тараддуд билан сўради:

– Қачон...қандай?

– Қачон истасангиз, афандим...

Канон бир неча сония ўйланди. Оғир бир таврда "бу тўғри бўлмайди, Ламиахоним" демоқчи бўлди. Лекин заиф иродаси бунга моне бўлди. Лабларидан дарҳол ғайриихтиёрий бир калима чиқди: "Шу кеча".

Канон ўша оқшом хонасига эрта кириб кетганди. Кўп асабий эди. Лампасини ёқмади. Қоронғиликда тинимсиз у ёқдан-бу ёққа юрганча сигарет чекар, ичида қўрқув, хавотир ва уят аралаш бир ҳаяжон бор эди. Ҳақиқий қўрқаётган нарсасини ичига ютса, бошига бир фалокат тушадигандай, тинимсиз ўзини ўзи алдашга уринарди:

"Ҳеч қандай таҳлика йўқ. Эсли-хушли одамман... Ламиа яна ўтган йилдагидай бир ишкомда бир оз ўтириб кетади... Фақат биров кўриб қолса... Аслида ана шундан, фақат шундан қўрқяпман... Ким билади, қандай хунук шубҳаларга боришлари мумкин... Оҳ Ламиа, қандай эҳтиётсиз боласан-а..."

Ой чиқадиган вақт бўлди. Барча хонадонларнинг, шийпонларнинг деразалари битта-битта сўнар, боғларга теран бир сукунат чўкарди. Соатга қарарди. Тун ярмидан ярим соат ўтганди. "Эҳтимол келмас... Қилмоқчи бўлган иши таҳликали ҳаракат эканлигини албатта ўйлаган бўлиши керак..." деди. Лекин бу умид ҳам унга бошқача турли бир азоб ва асабийлик бераётганди. Лампасини ёқди. Бу кеча бу ҳардамхаёлликда ишлашига имкон йўқ эди. Жовидонга узун бир мактуб ёзмоқчи бўлди.

Бир неча кундан бери уни эътиборсиз қолдирганди. Фикрларини уна-шилган қизига бахшида этиш билан бу ўткинчи асабийликдан қутула-ман деб умид қилаётганди. Лекин илк калималарданоқ қалами тўхта-ди. Унга айтса бўладиган ҳеч нарса тополмаётганди.

Бир мартагина боққа чиқиб, Ламианинг келмаслигига амин бўлгиси келди. Боғ бўм-бўш ва қоронғи эди. Фақатгина дарахтларнинг уч-учла-рини шитирлатаётган юксак бир шамол эсарди. Поялар оралаб юра бош-лади. Ламиа келадиган кичик эшиккача борди. Келгувчи-кетгувчи йўқ эди. Шукрубейнинг болохонасидаги чироқлар ҳам сўнганди. "Ламиа энди ухлаган бўлса керак... Тўғри бўлди. Жуда тўғри бўлди" деган хаёл-га бориб, ортига қайтаётган эди. Боғ энди унга янада қоронғироқ кўри-нар; Бўзёқадан илгариги умидсизлик кунларининг рангига, исига ўхшаш бир ҳис уйғонаётган эди. Зич бир дарахтзорнинг ёнидан ўтаркан енгил бир қадам товуши, япроқларнинг ичида қанот қоқилгандай бир овоз эшитди. Бошини ўгирганда ёнгинасида Ламиани кўрди. Ёш қиз япроқ-ларнинг ичида эти жимирлаган, совқотган инсонларга хос бир титраш билан қўлларини кўкси устида қовуштирган эди.

Канон ҳайрат ва ҳаяжон билан:

– Бу ердамидингиз, Ламиахоним? – деди. Ёш қиз жавоб бермоқ-чи бўлди. Лекин овози чиқмади. Ич-ичидан келган бир совқотишдан тишлари бир-бирига тегиб такилларди. Канон уни чўчитиб юборишдан қўрққандай оҳиста-оҳиста ёнига яқинлашганди. Муздай совиб кетган қўлини тутди:

– Нега бундай титраяпсиз?

Ламиа ғоят оҳиста жавоб берди:

– Билмайман, афандим...

Бошини қуйи эгар, бу вазиятда Канон унинг ёлғиз йилтираган сариқ сочларини кўрарди.

– Анча олдин келганмидингиз, Ламиахоним?

– Ҳа, кўп бўлди, афандим... Мен сизни... ("ичкарида" дейишга журъат этолмасди) у ерда кутгандим... Нега келмадингиз?

– .....

– Нега бу ерга бекиндингиз?

– .....

– Қўрқадиган ҳеч нарса йўқ... Ўтган йили ҳам шундай келардин-гиз... Эсингиздан чиқдими?

Канон буларни айтаркан кулимсирар, овозига лоқайд бир амният[1] беришга ҳаракат қиларди.

Ёш қиз бошини кўтармасдан:

– Рухсат берсангиз кетай, афандим, – деди.

– Хоҳишингиз, Ламиахоним...

Шундай дегани ҳолда ёш қизнинг титраётган бармоқларини қўлидан чиқармасди. Нариги қўли билан бошини тутди, юзини ўзига қаратди.

[1] Амният – ишонч.

Ламианинг суйри елкаларида, соялардан қўрқаётган чеҳрасида, янада теран ва қуюқ кўринган яшил кўзларида ҳорғин бир мағлубият бор эди. Бу чеҳра, бу кўзлар Канонга ёввойи бир бош чайқаш намунасини кўрсатди.Ўзини бу таъсирдан қутқаришни истагандай кўзларини ундан олди, атрофига қарай бошлади.

Шу пайт турган жойларига диққат этди. Бу жой бир вақтлар Лай-лодан, биринчи севгилисининг бўсасини рад этган дарахтлик ер эди. Бир оз аввалги жаҳли тез, деярли ваҳший асабийлиги осойиш топди, кўнглида ўша маҳрум ва бечора ўн етти ёшининг маҳзун, мағрур фаро-ғати янгитдан уйғона бошлаганди.

Ҳамон Ламиага қарамас, енгилгина титраган бармоқлари-ла унинг бошини, манглайини, сочларини силаганча ўйлар эди. "Ўзимдан яна беҳуда шубҳа қилдим... Деярли бола пайтимда шунчалик севганим Лайлони бу ерда ўз ихтиёрим билан қўлдан бой бергандим... Қанча-лик тубанлашишга йўл қўйсам ҳам бу соф ёш қизга мендан бир ёмон-лик етадиган даражада пастлашмадим".

– Кеча қоронғи, Ламиа... Йўлларда ҳеч кимса йўқ...Қани сени бир айлантирай... Қўрқма... Ёнингда мен бор эканман, сенга кимсадан, ҳеч нарсадан зарар келмайди.

Бу овоз Канонинг ҳар вақт шод, жонли, асабий бир оҳанг, енгил бир ҳазилкашлик, бир ачиниш билан гапирадиган овози эмасди. Унда энди ҳорғин, маҳзун бир жозиба бор эди.

Ёш қиз бу кутилмаган ўзгаришни ҳис этгандай кўзларини унинг юзларига қадади. Канонинг юзи, кўзлари ҳам овози сингари бошқа-чароқ эди. Кескин чизгили томирлари, буғдойранг чеҳраси, журъаткор жовдираган мовий кўзлари юмшоқ бир шафқат ила кулимсирарди.

Ламиа бир йилдан бери қоронғиликда бу йигитнинг англашилмас жозибасидан ўзини қутқаролмасди, энди эса унинг нақалар мазлум ва содда эканлигини ҳам кўрди. Назарида бу қўллар ҳеч қачон ёмонлик қилмасди. Шунинг учун бу қўллар савқи табиийси билан қучоғига тортганда бир мушук боласидай мунислик билан бошини Канонинг елкасига қўйди:

– Нима истайсиз, Канонбей? – деди.

Шу оқшомдан кейин улар ғаройиб кеча ҳаётини яшай бошладилар. Ҳамма ухлагандан кейин Ламиа хонасини ичкаридан қулфлар, дераза-дан ишкомга, у ердан орқа боққа ҳатлаб ўтиб, Канонни топишга келарди. Кунлардан бир кун уйдагилардан қочиб қутулиш мумкин бўлмаслигини, бу ўйин очилиб қолажагини хаёлининг бир четига ҳам келтирмасди.

Қоронғиликнинг ичида қўллари Канонинг баланд елкаларига осиғ-лиқ соатларча айланардилар, тиконлар билан тўла қуриган сел чуқур-ларидан ўтар, йўл чеккаларида, дарахт тагларида ўтирар, тик тепалик-ларга тирманардилар. Канон аввало қўрққанди. Лекин кейин унга ҳам парвосизлик келганди. Кутилмаган бир тасодиф, бир таҳлика қарши-

сида нима қилажакларини ўйламасдилар ҳам. Теран фикрласалар, бу кеча сайрларини тўхтатишдан бошқа чора тополмаган бўлардилар. Ҳолбуки, ҳозирча булардан воз кечолмас, қоронғилик ва таҳликалар уларни деярли аччиқ бир лаззат-ла бойитар, бу енгил ҳиссиётлардан ўзларини маҳрум этолмасдилар. Ҳатто кундан-кунга журъат ва жасоратлари ортиб ҳам борарди... Бир кеча Ламиани Қирқчамларнинг нариги тарафидаги қуюқ ўрмонга олиб тушган, кучоғига олиб оқар сувнинг устидан ўтказган, то Қизилчўлга яқин жойгача олиб кетганди. Яна бир кеча айни йўлдан шаҳидлар қабристонигача олиб тушганди; йиқиқ, синиқ тошлар билан тўла қабристоннинг тош чегараси яқинида Ламиа қўрқувдан йиғлай бошлаган, Канон уни тиззасига ўтқазиб олган; узлуксиз ёшли кўзларидан, дудоқларидан ўпиб, уни овутганди.

Канон қоронғилик, теранлик, тараддудлар, ҳаяжонларга кўмилиб ўз хонасига қайтганда эса пианинонинг олдига ўтар, туннинг ортиб қолган соатларини "Қора юлдузлар"га ажратарди.

XV

– Нима дединг, Чарос... Мени ҳеч унутмайсанми? Сочларингнинг сариқ толалари бирор-бирор оқаргунча мени қалбингда сақлайсанми? Булар нодон энага ё сут оналарнинг эртакларига хос янглиш, кулгили фикрлар, болагинам. Севги савдосини сизларга нақадар ёмон, нақадар янглиш англатадилар. Биз бир-биримизни севамиз деб ўйлама, Чарос... Мен сенинг учун чиройли бир камон садосидан бошқа нарса эмасман... Худди шунингдек сен ҳам менга бир ширин ёз рўёсидан иборатсан... Бу севги эмас, бу савдо эмас, Чарос... Бир оз нозик бир кўнгил эрмаги, бир ҳаяжон ўйинчоғи... Бунда ҳеч биримизнинг ёмон ниятимиз, гуноҳимиз йўқ... Илк бора сени қандай кучоғимга олганимни эсла... Бу, мажнунтолларнинг оқар сувларга эгилиши, ток рўдаларининг ишком поя ва бағазларига тирманиши, тун ҳашаротларининг лампа ёруғига ёпирилиши каби онгимиздан, иродамиздан ташқарида юз берди... Ичимиздан шундай ҳиссиёт келди, нима ҳам қилардик?.. Биз бир-биримизни севмаймиз, Ламиа... Лекин бу кўнгил ўйинлари бутун бир ёз бўйи бизни севгидан ҳам зиёда масъуд этди. Қишнинг яқинлашганини ўйлаганда узиласан, кўзларинг музтариб бир қўрқув ила тўлади... Менинг бечора, нодон Чаросим... Шуни билишинг керакки, бу ўткинчи ёз саргузаштига бутун гўзаллигингни, бутун ширинлигингни берганинг, яқинда айрилмоқ, балки энди бир-биримизни ҳеч кўрмаслик қаноатидан бошқа нарса эмас... Бу уч ойлик кичик қувончларимиз бутун бир ҳаётни бошдан оёқ қоплаган узун, теран севгилардан ҳам ширинроқдир...

Ҳисларнинг ҳам инсонлар каби рангсиз, ёқимсиз қартайишлари, аламли ўлимлари бор... Бизнинг маъсум саргузаштимиз қаримасдан ўлади, Чарос... Мозорларига кўзларида тўйинмаган бир рўёнинг мангулигини, дудоқларида ярим-ёрти қолган бўсанинг титроғини олиб

борган ёш ўликларга ўхшаяжак... Келгусида сенинг ҳам, менинг ҳам бошимиздан балки янада узун, янада жиддий савдолар ўтар... Лекин бу ёнғинлар қалбимизнинг қанча ерини қанчалик ёқса, ўшанча буюк харобалар қолдиражак ва сўнажак... Қарилигимизнинг тасаллисиз кунларида бу эски саргузаштимизни хотирлаяжакмиз... Сенинг қулоғингга ўн олти ёшингнинг ёзидан бир ҳазин камон садоси келажак... Мен қорақиш ўртасида бир ёз чечаги... бошқача айтганда, тар-у тоза Чаросни ҳидлагандай бўламан...

Канон чувалган руҳининг буҳронларини, хаёлининг ғашли назокатларини, энди яшай бошлаб охири кўринаётган ҳаётининг заиф, довдир, ҳалокатли қисилишларини бу соф бола руҳига бир заҳар каби томчи-томчи оқизароқ давом этарди:

– Севгини минг турли маъно билан қайд этадилар, муайян бир умри бўлган бир ҳисни зўраки таърифларга жойлашга уринадилар, тинимсиз севиш учун абадий вафо онтларини берадилар... Доимо бир нарсани севиш, битта хотирага берилиш қандайдир ўткинчи бир ҳолдир... Тасаввур қил: бир камон ҳадеб битта оҳангни такрорлайверса... Бир тушни тасаввур этки, ҳар гал кўзларимизни юмганимиз вақт худди ўша ранглар, ўша-ўша бир хил сувратда такрорланса...

Мен ҳам бир замонлар сен каби бола бўлганман, Чарос... Мен ҳам бир замон яқинлашган айрилиқ кунларига сенинг бу гўзал, яшил кўзларингнинг музтариб қўрқувлари ила қараганман... Мен ҳам айни бир саодатни, айни бир ҳаяжонни мозоримгача олиб кетажагимга иноганман... Буларнинг ҳаммаси бола ваҳми, Ламиа... Инсоннинг бу атрофимиздаги тупроқлардан ҳеч фарқи йўқ... Қараб турсанг, бир кун бутун орзуларинг кузги япроқлар каби тўкила бошлайди, ичида бир нарсалар ўлади, ҳар нарса қурийди... Ортиқ умидингни узасан... Бундан кейин баҳор, ҳаёт, саодат тугади дейсан... Лекин уч ой сўнгра ҳар нарса янгидан жонлана бошлайди... У қуриган тупроқ эскисидан ҳам гўзалроқ баҳорлар билан нақшланади.

Ёш қиз оловдай ёнган ёноқларини ҳовучлари ичига олар, юзини юзига яқинлаштирар, йигит унинг чуқур бир изтироб ила каттайган яшил кўз қорачиқларига оташли кўзларининг мовий заҳарини тўкишда давом этиб сўзларди:

– Савдони сизларга қалбда туғилиб ўлган бир нарса дея ўргатадилар, Чарос... Қандай ёмон, қандай янглиш фикр... Савдонинг қалбга ҳеч бир алоқаси йўқ... Савдо ёлғиз дудоқларда туғилиб яшаганда саодат бўлади... Унинг дудоқдан қалбга заҳар каби таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик керак... Мен гулларнигина "тупроқнинг савдоси" дейман, Чарос... Улар ҳам тупроқнинг дудоғида бирор бўса сифатида очилиб сўнадилар... Қани, қайси бири тупроқнинг қалбига сингишини ўйлайди?

Биз бир-биримизни севмаймиз, Ламиа, менга инон, кичкинам... Шунчаки кичик бир саргузашт билан кўнглимизни, кўзларимизни,

дудоқларимизни яйратдик.. Шугина холос. Бир хотира учун тўкадиган уч-беш томчи ёшингни изтироб деб билма... Энди ўз дудоқларинг-ла менга жавоб бер... Мени севмайсан, шундай эмасми, Ламиа? Бу шунчаки маъсум бир кўнгил хурсандчилигидан иборат...

Ламиа ҳолсиз бошини Каноннинг билагига тираганча, кўзларидан икки йирик ёш томчиси-ла хўрсинди:

— Мен бундан кейин шунчаки бу хурсандчилик учун яшашни истайман, Канонбей...

XVI

Канон бир куни эрталаб юрагида ноаниқ ғам-ғусса ила вақтидан аввал уйғонди, чий дарпарда оралиқларида ҳар кунгидай қуёшнинг заррин чизгилари порламасди. Ташқарида титроқ, сўлғин мовий ёруғлик бор эди. Деразаларнинг олдига энгашган осма ток новдаларининг япроқлари хавотирга тушгандай пириллар, кучли шамол оқими ичида учаётган қуш галалари ҳиссини берарди.

Деразасини очаркан яра оёқларининг тагига бир хаста ари йиқилди. Ҳавода намланган бир тўз ҳиди, бир қуриган япроқ таъми бор эди.

Канон маъсум, болаларча бир мотам билан "эй воҳ, куз келди..." деди.

Шу тонггача боғлар сарғая, япроқлар тўкила бошлаганига, яшилликлар ичида яширин йўлларнинг, майдонларнинг оҳиста-оҳиста очилиб қолаётганига эътибор бермаганди. Атрофидаги манзараларнинг уфқи тўсатдан кенгайгандай кўринарди. Шу қаршидаги тош миноралар, Арабдарасига тушиб борувчи ингичка йўл, узоқдаги хароб сув тегирмони кечагина танланган жойлармиди? Канон табиатдаги ўзгаришларни руҳида ҳам ҳис этарди. Кеча, бир кунгина аввал қалби ва ҳаёти тўла эди. Бошни енгилгина айлантирган, иссиқ узум ҳидлари билан тўла бу боғ ёзининг ҳиссиётлари, янги асари-ла янги можаросининг ҳеч сўнмаган ҳаяжонлари руҳини қамраган, ҳеч бир эски туйғунинг, ҳеч бир узоқ хотиранинг булар орасига киришига имкон қолдирмаганди.

Бу сабоҳ у ердан ҳам бир куз ҳавоси ўтганга ўхшарди. Канон йиқилган, сарғайган, синган нарсалар орасида болалигининг рангсиз кунларини кўрар, эскирган малолларининг аччиғини туймоқда эди.

Канон у кун қандайдир ҳеч жонланолмади, кечгача сарсари-сарсари боғларда айланди, Арабдарасига тушиб, то Зайбаклар булоғигача борди. Бир қоя чеккасига чалқанча узанди, соатларча ҳавода сузган енгил булут карвонларига, кўз билан боқиш мумкин бўлган даражада шиддатини йўқота бошлаган қуёшга боқди.

Ламиани уч кундан бери кўрмасди. Одамлар, ёш қиз томоғи қаттиқ шамоллаб ётиб қолгани тўғрисида гапирардилар. Оқшом усти кўшкка қайтаркан Шукрубейнинг боғи олдидан ўтди, эшикда ўтирган бир қиз боладан Ламиани сўради. У кун яхшироқ бўлиб қолганини, шундай бўлса ҳам ҳали-вери уйдан чиқолмаслигини билди.

Тунда қўшни боғлардан бирида яна бир ўтириш бор эди. Навқирон йигитлар тонгача чолғу чалиб ўйинга тушар, роқи ичардилар.

Канон у кеча эртароқ хонасига боришни, ётиб дам олишни истарди. Лекин Соиб Пошо унга тинчлик бермади, мажбурлаб ўтиришга судради: "Бу кеча фавқулодда бир олам, — дер эди, — у ерда бутун Бўзёқа... Сенсиз менга татимайди".

Боққа ёлғиз Бўзёқа эмас, шаҳардан ҳам бир қанча муҳим кишилар даъват қилинганди. Меҳмонлар аввало гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишкомларга, дарахт тагларига бўлинардилар, бу ўтириш кўпроқ расмий хурсандчилик эди, лекин ярим кечага яқин Оқсоқ Ҳофизнинг эшаги уд ва камон билан янги бир "чифтетелли"[1] ўйинини бошлаганда қаҳқаҳалар жўшди, машъалалар кучлироқ пириллай бошлади, таклиф-такаллуфлар бир тарафда қолиб кетди. Катта-кичик ҳамма ака-ука, жон жигар бўлди. Роқининг таъсири билан бус-бутун қизарган ол ёноқли бир жандарм бир бурчакда "сен менинг жонимга тенг биродарим эмасмисан?" дея бақириб Шамъи Даданинг ёноқларидан ўпар, қари молия мудири ила катта назоратчи бир-бирларига қараб "икки торли"га ўйин тушар, бошқа бир маст киши: "яшаб қолайлик, ҳаа... Оқсоқ Ҳофизнинг эшагига тош отувчилар чиқмасин!" — дея бор овози билан ҳайқирар эди.

Канон бу шовқин-суронларга узоқ чидай олмади, тоғасини шамғалат қилиб у ердан қочди, орқа йўлдан оҳиста-оҳиста боққа қайтди.

"Маросим кўшки"га яқинлашганда қулоғига енгил бир йўтал овози келди. Ҳайрат-ла бошини ўгирди. Ламиа катта қора пелерина[2]га ўралган ҳолда ишкомнинг бир бурчагида турарди.

— Сенмисан, Ламиа...Бу ерда нима излаяпсан, қўзичоғим?

— Сиз мени чақирмадингизми, афандим?

— Қачон? Ким айтди?

— Бу оқшом Хадичага айтган экансиз, афандим....

Канон оҳиста-оҳиста унинг ёнига борганди. Ёноғини силаб кулимсиради:

— Тўғри гапирмаяпсан, Ламиа... Мен бошқалар орқали сенга бундай хабар бера олармидим?.. Хадичадан сенинг соғлигингни сўрадим... Бор-йўғи шу...

— Мен қаёқдан билай, Канонбей... Мени кўргингиз кепти деб ўйлабман...

Канондаги кайфият бузуқлиги, асабийлик бирдан ўтиб кетгандай бўлди. Ҳамон ёноғини, бошини силашда давом этаркан:

— Табиий, сени кўргим келди... Лекин бу сенинг соғлигингдан устун эмас. Бутунлай яхши бўлиб кетишинг учун бир кеча, икки кеча яна кутишим мумкин эди...

Ламиа сокин бир журъат билан:

[1] «Чифтетелли» — рақс ва мусиқанинг номи бўлиб "жуфт торли" деган маънони билдиради.

[2] Палерина — елкага ташлаб олинадиган кийим.

– Ҳа, аммо мен истамадим, – деди.

Сўнгра бу сўзларидан уялиб кетгандай юзини Канонниng кўксига яширди.

Йигит оҳистагина эгилиб унинг сочларини ўпди:

"Бу бола менга умид қилганимдан кўпроқ ўрганяпти...Айриликдан кейин бир неча ой узилиб йиғласа керак. Жуда ёмон бўлди" деб ўйлади.

Ламиа худди бу фикрга жавоб бергандай оҳиста ҳўрсинди: "Бир-биримизни кўрадиган кунларимиз жуда оз қолди, шундай эмасми, Канонбей. Бу арзимаган хасталикка аҳамият берманг ортиқ... Ҳам, иккинчидан, мен яхши бўлдим. Ҳеч қаерим оғримаяпти".

– Ҳа, лекин кечалар рутубатли, Ламиа... Касалинг янгиланиб қолиши мумкин. Майли,.кета қол, қўзичоғим...

– Пастликдаги боғда қандай чиройли хурсандчилик қилишяпти... Йўл четидан бир оз у ерни томоша қилгим келяпти...

– У ерни томоша қилгинг келмаяпти, ярамас... Мени ҳам бирга олиб бориш учун баҳона излаяпсан... Лекин, иккинчидан, совқотдинг, Ламиа. Қара, қўлларинг оловдек ёняпти... Кейин бу кеча атрофда одам кўп. Бизни биров кўриб қолиши мумкин...

– Ундай бўлса, рухсат беринг, яна бир оз ишкомда турай... Сиз ҳам деразани очарсиз...

Канон кўп қаршилик қилолмади. Асабийлигини яширишга, овозига лоқайд бир тус беришга уриниб: "У ер бўлмайди, лекин сен истасанг беш дақиқа хонамга меҳмон бўлишинг мумкин" деди. Сўнгра шоша-пиша илова этди:

– Ўтган йил ҳам бир марта келгандинг...

Ламианинг жавобини кутмасдан эшикдан кирганди. Бир ҳамлада даҳлиздан ўтди. Қоронғиликдан қўрққандай асабий бир хавотир билан лампасини ёқди. Сўнгра ташқаридан кўриниш таҳликасига қарши деразасининг рангли ойналарини туширди. Фақат буни қилар-қилмас пушмон бўлди.

Атрофдаги дарахтлар, кеча, ёпиқ деразалар бу хонага таҳликали бир ёлғизлик, яширин сирлашадиган муҳаббат гўшаси ҳолини берарди. Оҳиста титраётган қўллари билан яна ойналарни кўтарди, дераза орасига қисилиб қолган бир парда учини бир турли эплаб чиқаролмас, хавотирга тушарди.

Ламиа ҳали хонага кирмаганди. Эшик оралиғининг ярим қоронғилигида турар, сочларида шафақ рангли бир жилваланиш кўзга ташланарди.

Канон деразанинг ёнида, кечанинг сарин ҳавосидан мириқиб тин оларкан:

– Ичкарига кирсанг-чи, Ламиа, – деди. – бегонадай турибсан... Хавфсирайдиган нарса йўқ... Анов пианино ёнидаги курсига ўтир.... Ташқаридан кўлкангни сезиб қолмайдилар...

Бу сўзларни қаттиқ бир асабийлик билан, кесиб-кесиб айтарди.

Ламиа у кўрсатган жойга ўтди, фақат ўтиролмас, пианинонинг бурчагига тиқилиб қолаётган, совқотгандай титраб, пелеринасини елкалари, кўкси узра сиқиб ўрашга ҳаракат қиларди.

Ораларидаги сукут узайган сари Канонниng асабийлиги ортар, кўксида бир тиқин туриб қолгандай, қулоқларида терандан-теран бир ғувуллашни ҳис қила бошлаганди.

Канон бу сукутни, ўзининг дераза олдидан силжишдан қўрқаётгандай вазиятини, Ламианинг қалин пелеринаси ичида борган сари баттар тиқилгандай ҳолини ғайритабиий деб топди. Унга янгитдан, деярли қўпол бир амр билан:

– Ўтиринг, Ламиахоним, – деди.

Асабий одимлар-ла хонанинг ичида айланар. "Нақадар ёмон бу сатим... Оҳ, бу Ламиа... Жуда эҳтиётсиз... Нима қилардинг келиб... " – деб ўйларди.

Пианинонинг устида у кунларда Жовидондан келган бир мактубнинг зарфи турарди. Канон қўлига олди. Ёш қизнинг у мактубда ёзган сўзларини бир-бир хотирламоқчи бўлар, унашилган қизига оид хаёлларини ўзида тинчлик ва тасалли уйғотишидан умид қиларди. Лекин бу соатда бу мактуб унинг қалбига ҳеч нарса сўйламас, Жовидоннинг хаёли қоронғи бир музей даҳлизида яхши танланмаган бир бегона расм каби уни ҳиссиз қолдираётган эди.

Бу умиди узилгандан кейин энг эски хотираларидан нажот излади. Яна Лайлони хотирлаш, ўсмирлигининг маҳзун ва мағрур фароғатини қалбида жонлантириш истагида бўлди. Бу ундаги ёмон асабиятни янада орттиришдан бошқа нарсага ярамади. Ул маҳрумият хотиралари унга бўғиқ бир аламдан бошқа нарса бермас, ичида яширин бир зулм ҳиссини уйғотарди.

Ламиа энди ўша жойга, пианинонинг бурчагидаги паст оромкурсига ўтирганди. Бошини олдинга эгиб олган, сочларининг сариқ мавжларидан, пелеринонинг кўтарилиб турган ёқасидан чиққан бўйнининг оқ чизгисидан бошқа бир ери кўринмасди.

Канон бир дақиқа оромкурсига ўтирди; жуда чуқур, юмшоқ, иссиқ эди. Хонадаги теран сукут қўйнида Ламианинг нафас олгани эшитилаётганга ўхшар, борган сари ортаётган ғаройиб бир дармонсизлик ичра иродаси ҳам аста-аста синаётганини ҳис этарди.

Овозига имкон қадар тинчлик ва ширинлик беришга ҳаракат қилиб: "Ламиахоним, қани энди кета қолинг" демоқчи бўлди, лекин бирдан юраги хаприқиб нафасини ютди.

Ёш қиз итоат қилишини, ғайриихтиёрий ўрнидан сакраб туриб эшикка отилажагини, шу ондаёқ ўзи бир ҳамлада уни қучоқлаб олажагини англади. Сўнг бир умид билан унга унашилган йигитидан, шу йил Арзирумдан келиши кутилаётган Нозимдан баҳс очишни ўйлади. Ламианинг бошқа одамга тегишли бўлишини эслатадиган бу сўзлар балки ўзини бу ёмон асабийликдан қутқарар, деган хаёл билан кесиб кесиб сўйлай бошлади:

— Саноқли ойлар ичида балки Нозимбей ҳам келиб қолар, тўғрими, Ламиахоним... Сени бу қадар ўзгарган, гўзаллашган ҳолда кўрганда, ким билади, қанчалик севинар... Худо хоҳласа, жуда бахтли бўласизлар... Нозим сени жуда қаттиқ севиб қолади... Табиийки, сен ҳам...

Давом эттиролмай жим бўлди. Нозимнинг хотирасини уйғотирмоқчи бўлиб, жуда катта тадбирсизлик қилганди. Хаста хаёли кўз ўнгида қизиққон бир муҳаббат ва эҳтирос саҳнасини жонлантирар, Ламиани илк бор бошқа бировнинг қучоғида кўрар эди. Бу хаёл тўсатдан уни ақлдан оздирди, миясида енгил бир титрама билан: "Ламиа, ёнимга келмайсанми?" деди.

Ёш қиз енгил бир тараддуд билан оёққа турди. Бу ғаройиб оташ билан ёнаётган мовий кўзларнинг жозибасига чидолмай унга қараб бир одим отди.

Худди шу дақиқада ташқаридан бир овознинг: "Канон... Канон" дея бақирганини эшитдилар. Йигит ўрнидан учиб кетди. Бир ҳамлада лампани пуфлаб ўчирди. Тоғаси келаётганди. Бўғиқ бир овоз билан:

"Ичкариги хонага ўт, Ламиа... Овозингни чиқарма" деди, сўнгра деразага бориб, Соиб Пошога жавоб берди. Баладия раиси базми жамшиддан қайтаётган эди. Жиянининг бирдан у ерда ғойиб бўлганига қизиқаётганди. Канон:

— Ҳеч гап йўқ, Пошо Тоға... Бир оз бошим оғриди-да... — деди.

Пошо ишкомнинг олдигача келганди:

— Чироғинг ёнганини кўрдим. Канон ҳали ётмаган бўлиши керак, дедим.

— Энди ётяпман, Пошо Тоға...

— Оллоҳ тинчлик-хотиржамлик берсин, болам...У ерда бемазагарчиликни ошириб юборишди.

Чолғу янгитдан телбаларча гуриллай бошлаганди. Қаҳқаҳалар, кастана фишек[1]лари, шиддат билан кеча қўйнида ёйилар, қаршидаги дарахтлар машъалаларнинг оловидан тутаётгандай кўринарди.

Канон тоғасининг кетишини кутаркан, ўзини мудҳиш бир воқеадан қутулган дея ҳисобларди. Таҳлика ўтиб кетганди. Ламиани энди бемалол уйига жўната оларди. Лампани яна ёқиш эҳтиётсизлик бўларди. Қоронғиликда ётоқхонасининг эшигини очиб:

— Қани, Ламиахоним, — деди, — тезгина кета қолинг...

Ёш қиз бир бурчакда тик турар, қоронғиликда ёлғиз сариқ сочлари йилтиллар эди. Озгина хавотир билан эшикка қараб кета бошлади. Канон унга йўл бериш учун бир оз ёнга сурилганди. Ламиа тўсатдан остонада ётган бир оёқ кийимига қоқилиб гандираклаб кетди, пелериноннинг бир учи елкасидан тушди. Канон уни ушлаб қолмоқчи бўлгандай ғайриихтиёрий қўлларини узатганди. Ёш қизнинг яланғоч қўли

[1] Кастана — каштан, каштана фишеги — сачраб, бўлим-бўлим пақиллайдиган айланма мушак.

унинг қўлига тегди, юмшоқ сочлари илиқ бир нафас каби юзига, дудоқларига сурилди.

Ёш қиз сўнгги марта бир қаршилик кўрсатди. Яланғоч қўлни ёпмоқ учун пелеринонинг тушган учига ўралди. Лекин шошилиб шундай бир ҳаракат қилгандики, пелерино бутунлай ёш қизнинг елкаларидан сирғалиб тушди. Ламианинг япроқдай титраётган тумовли хаста вужуди бирдан унинг қучоғига тушди.

Ламиа бир мудофаа савқи табиийси билан типирчилар, ўзини қутқармоққа уринар: "Қўйворинг мени, Канонбей... Қўйворинг... Кетишим керак" дер эди. Сўнгра ойдин кечадаги каби кўзларида икки йирик-йирик ёш томчиси-ла: "Менга ачининг, Канонбей" дея ёлворди.

Йигит уни қучоғида янада маҳкамроқ сиқди, деярли ваҳший овоз билан: "Энди кеч, Чарос... Энди кеч" деди.

* * *

Қоронғиликда соялардан фарқи билинмайдиган қуруқ пояларга урилиб кетмаслик учун эҳтиётлик билан боғнинг орқа эшигига қараб кетадилар... Канон қайсарона, ваҳшиёна сукут ичида бошини олдинга эгиб олган... Ламианинг юзи пелеринонинг ёқаси ичида тўсилганди, Канондан сал орқароқда келаркан, ора-сира енгилгина йўталиб аста-аста йиғлайди.

Орқадаги ингичка йўлга чиқадилар. Ламиа Канонни у ерда қолдиради, тўсиқларнинг пастроқ бир жойидан ўз боғларига ҳатлайди, бошини ўгирмасдан дарахтлар орасида узоқлаша бошлайди... Салқи елкаларида, салгина соллана-солланага юришида ҳорғин, синиқ бир умидсизлик бор...

Тўсиқнинг ёнига келган Канон паст овоз билан:

— Ламиахоним! — дея ортидан овоз беради...

Ёш қиз тўхтайди, лекин бошини ўгиришга, унга қарашга журъат этолмайди. Канон совуқ виқор, зарда аралаш бир қўполлик билан: "Лузумсиз йиғламанг... Вазифамни табиийки тўғри адо этяпман... Эртага мен билан учрашишга келинг", дейди.

Ёш қизнинг жавобини кутмасдан боққа қайтади. Товонлари билан ерларни тепиб-тепиб, қўлига теккан япроқларни узиб, шохларни синдириб кўшкка қайтади. Хонасига кирганда ўзини тутолмай, пианиносига бир мушт туширади. Жаҳл аралаш бир умидсизлик билан: "Ҳаётимни янгитдан синдирдим, келажагим вайрон бўлди" дея ингради.

XVII

Канон ўша кеча ухламади. Хонасида узлуксиз у ёқдан-бу ёққа юра-юра сигарет чекди. Жовидон билан бирга барча порлоқ истиқбол умидларини кўмиши, ҳаётини маъносиз, аҳамиятсиз бир кичик қизга боғлаши лозим кўринарди.

Бу ўлим каби қатъий бир мажбурият эди... Бошқа ҳеч бир чора, ҳеч бир йўл йўқ эди. Бу мажбурият Каноннинг худбин қалбини зарда-

ли асабиятлар ила тўлдирарди. Тонггача бу қарорсиз буҳрони ичида ўзи ўзи билан олишди: ниҳоят шафақ оқараркан, ўйлай-ўйлай ҳолдан тойди. Асаблари бениҳоя ҳорғин эди. Буғдойранг юзига мис қизиллиги чўккан, қонталаш кўзларининг ости қаримсиқ бўлиб осилиб қолганди. Умидсиз бир хотиржамлик билан масаси ёнига ўтирди, Жовидонга бир мактуб ёза бошлади:

"Севгили Жовидоним!

Сенга илк бора "сен" деб самимий очиқ хат ёзишга журъат этяпман. Мен бу самимиятни кейинроққа, сени завжам дея оладиганим у масъуд, гўзал кунларга қолдиришни истагандим. Лекин толеим бунга имкон бермади. Толесизлигим, тадбирсизлигим мени бир жар ёқасига келтириб қўйди. Жовидон, сени "унашилган қизим" дея олиш ҳаққини йўқотдим, беҳудадан беҳуда ўзимни ҳар ёққа урдим, исён қилдим... Қутулишимга имкон йўқ... Ҳаётимни ўз қўлларим билан синдирдим... Бунга дучор бўлганим учун шикоят қилмайман. Лекин бундан-да каттароқ бир қўрқувим бор. Сенга ҳам бир ёмонлик қилиб қўйиш қўрқуви... Бу можаронинг сенинг бахтли ҳаётингда аччиқ ва қора бир нуқта бўлиши андишаси... Шубҳасиз, мени унутажаксан... Юксак закоинг нозик қалбингга ҳукмини ўтказажақ; бунчалик қашшоқ, оддий бир одамнинг, севилишга арзийдиган жиҳати бўлмаганига албатта ўз-ўзингни ишонтиражаксан. Менинг масаламга келсак, Жовидон, бугундан кейин бошлайдиган қашшоқ, қора, ғамгин ҳаётимнинг ёлғиз бир тасаллиси бор: бу, энг бахтиёр фаслингда сени "унашилган қизим" деганлик саодатидир.

Сени узоқдан-узоқ, доимо севажакман, Жовидон. Қандай нисбатда бадбахт бўлмайин, бу савдо ўшанча нисбатда ортаверади.

Бу зарурий айриликка сабаб бўлган воқеа ҳақида тафсилот бермайман... Ҳатто буни бошқа жойдан, бошқа одамлардан билишга уринма... Чунки бир вақтлар "унашилган йигитим" деган одаминг қандай бир хароб махлуқ бўлганлигини англасанг, уялганингдан қўлларинг билан юзингни бекитасан....

Табиий, ортиқ дунё кўзи билан бир-биримизни кўрмаяжакмиз. Бир ерда бир-биримизга дуч келсак ҳам албат сен бошингни ўгиражаксан. Мен қашшоқ кўзларим билан юзингга қарашга журъат этолмайман... Шунинг учун ўлган, янада тўғрироғи, ўзини ўлдирган бир бечоранинг сўнг ўтинчи ўлароқ шуни истайманки..." Мактуб шу ерда тўхтаб қолган, ундан нарёғида ўқиб бўлмас бир ёзув билан қораланган икки-уч маъносиз калима ҳамда бир неча сиёҳ томчисидан бошқа бир нарса кўринмасди.

* * *

У кун бутун боғ хавотирга тушганди. Канонни тушликка чақиришга борган бир хизматчи уни пианинонинг олдида ерга думалаб ётган ҳолда топди. Устида ҳалиям оқшом либослари бор эди. Ўзини билмасди. Юзи тиришган ва қип-қизил, ярим очиқ кўзлари ойна каби

хира эди.Йиқилаётиб бошини бир ерга уриб олган, ўнг қошининг устида кўкарган бир шиш пайдо бўлганди.

Атрофдаги боғлардан бирида ёзни шу ерда ўтказишга келган бир ҳарбий доктор, бей иситма-безгак бўлганмикин деб шубҳаланди.Лекин эртаси тонгга қараб ҳарорати тушди. Хаста аста-аста ўзига кела бошлади. Ниҳоят доктор бу мия ҳорғинлиги, катта бир ҳаяжонланишдан туғилган "интиқони дам"[1] эканлигини, хаста мутлақ бир тинчлик ва истироҳат ила бир неча кунда яхши бўлиб кетишини билдирди.

Канон уч кун ётоғида қолди. Деярли тиним билмай ярим толғинлик ичида кўзларини юмар, атрофидагилар билан жуда оз гаплашарди.

Тўртинчи куни тонгда яхши уйғонди. Ортиқ ётоғида тутиб туролмадилар. Бу тўрт кун ичида жуда заифлашган, қора нур ҳалқаси ила ўралган мовий кўзларининг жилваларидан асар қолмаганди. Жуда ҳолсиз бўлишига қарамай боғда айланиб юрар, Ламиани кўришни умид қиларди. Лекин ёш қиз у кун бу ерларда кўринмасди. Ниҳоят сабри чидамай уни суриштирди. Янгаси билан бирга кечадан бери Измирда эканлигини айтдилар.

* * *

— Измирда турмуш қурдингизми, Ламиахоним?.

— Измирга бир иш билан тушгандик, афандим...Амаким Иккичашмаликдаги уйдан чиқмоқчи-да... Уй қидирдик, афандим...

— Хасталигимда ҳеч ҳол сўрашга келмадингиз?

— Сизни доимо онангиздан сўраб турдим, афандим... Энди тузалиб кетдингизми?

— Майли, аҳамият беришга арзимасди... Ножия! Қани, қизим, доктор бейнинг кўшкига бориб кел. Менга берган охирги рецептини йўқотиб қўйибман. "Канонбей амаки илтимос қилди, қайта ёзиб беринг" дейсан...

— Рухсат берсангиз, мен ўзим бориб келай, афандим. Ножия балки эпламас...

— Йўқ... Йўқ... Ножия боради...

Яна қудуқ бошида эдилар. Ламиа эндигина Измирдан қайтган, Каноннинг ўзи билан гаплашмоқчи эканлигини англаган заҳоти уст кийимини ечмасдан айтган ерига тез юра қолганди. Аммо унга яқинлашишга, юзларига назар ташлашга ботинмас, дарахтларнинг биридан осилиб турган ингичка шохнинг нимжон япроқларини бир-бир узарди.

Канон оғир ва сокин бир сас билан гапини бошлади:

— Ножияни атайлаб жўнатдим... Сиз билан ёлғиз гаплашмоқчиман. Биз фалокатга учрадик. Бунинг натижаси ўлароқ ҳаётимизда баъзи бир зарурий ўзгаришларни қилмасак бўлмайди... Энди, табиийки, унашилган йигитингиздан ажралишингиз лозим бўлади... Мен ҳам, кўп аччиқ бўлса-да, унашилган қизим билан ажралишаман.

[1] «Интиқони дам» — қон тўпланиб қолиши.

Буни айтаркан қошларини чимирар, овозидаги бўғиқ нафратни яширмоқ учун ўзини зўр билан ушлаб тургани сезиларди.

– Амакингиз билан гаплашиш осон бўлмайди... Мен бир неча кунга Истанбулга қайтаман... У ердан бир мактуб ёзиб, унашилган қизимдан ажралишаман ва мен билан никоҳланишингиз зарурлигини айтаман... Ишларимни йўлга қўйгандан кейин эса, табиийки, сизни Истанбулга чақиртириб оламан. Гапларимни тушундингиз-а? Энди бундан буёғига сиз менинг унашилган қизим ҳисобланасиз. Беҳуда узилишингизга ҳожат қолмади... Айтар гапларим шулардан иборат...

Оҳиста-оҳиста асабийлиги орта борар, агар давом этадиган бўлса, аччиқ-қуруқ сўзлар айтиб юборишдан ўзини тиёлмай қолишини ҳис этар, шу ердан тезроқ айрила қолиш учун баҳона изларди.

– Канонбей, мени нақадар кичик, нақадар ҳақир кўряпсиз... Менинг ҳам бир ёш қиз эканлигимни, менинг ҳам бошқалар каби бир қалбим, бир иззат нафсим борлигини нима учун ўйлагингиз келмаяпти?

Ламиа, бу сўзларни забт этилган бир фарёд билан сўйлаганди. Канон ҳайрат ила бошини кўтарди; қаршисида бутунлай бошқа, бутунлай янги бир Ламиани кўрди. Юзи кулранг бўлиб кетганди. Киприклари, дудоқлари титрар, қичқириб юбормаслик учун қўллари билан кўксини босарди. Канон мароқ билан унга қараб юрди, "Сенга нима бўлди, Ламиа?" дея билакларини тутмоқчи бўлди.

Ёш қиз унинг тегинишидан қўрққандай ортга тисарилди. Бу ҳаракат кичик бир исёнга ўхшарди.

Канон беписанд хотиржамлигини бартараф қилишга уриниб давом этди:

– Нима демоқчисиз, тушунмадим, Ламиахоним? Сиз билан жиддий масалани гаплашдим. Оғир бир гап айтмадим, шекилли.

Ёш қиз чуқур-чуқур хўрсиниб:

– Канонбей, бугун менга бундай муомала қилманг... Балки, ортиқ сизни кўрмасман, – деди.

Канон енгилгина елкаларини силкиди, аччиқ ва киноялы бир табассум ила:

– Бир-биримизни керагидан ортиқ кўражакмиз... – деди.

Ламиа, сокин бир қайсарлик билан давом этди:

– Йўқ, Канонбей... Мени керагидан ортиқ эмас, ҳеч кўрмаяжаксиз... Чунки мен сизнинг завжангиз бўлмайман. Ўлсам ҳам, ҳатто сиз ўлсангиз ҳам бундай имкон бўлмайди, Канонбей.

– Нима учун... Нима бўлади... Бундай дейишингиз учун нима сабаб бор?

Ламиа сокин табиатидан кутилмайдиган қизиққонлик ила:

– Нечун англагингиз келмаяпти, Канонбей? Мен сизга лойиқ эмасман... Биламан... Сизга хотин бўлишни, худо ҳаққи, мен бир лаҳза ҳам ақлимдан ўтказмадим. Канонбей, аччиқланмасликка сўз берсангиз, бир нарса айтаман.

– Аччиқланмайман... Айт...

– Сизни хонангизда хаста ҳолда топишганда фарёд қила бошладилар... Ҳамма қатори мен ҳам у ерга чопиб бордим...Ёнингизга яқинлашишга журъат этолмас, "Ажабо, мен туфайли шундай бўлдими?" дея бир гўшада ўз-ўзимни адо қилардим... Масангизнинг устида кўзимга бир битмаган мактуб илашди. Уни унашилган қизингизга ёза бошлаган экансиз. Балки ичида кимса билмаслиги лозим бўлган нарсалар бордир... Балки бошимизга келган фалокатдан баҳс этгандирсиз. Ҳар қалай қўлма-қўл бўлмасин, дея уни чўнтагимга солиб олдим. Яхши бўлганингизда сизга қайтариб бермоқчи эдим.

Канон ўзига келганда у хатни кўп қидирган, ниҳоят ўша бесаранжомлик куни йўқолгандир деб ўйлаганди. Мактуб нима бўлганини энди англаётган эди.

– Уни ўқидинг, шундайми, Ламиа?

– Олдинига менда, худо ҳаққи, уни ўқиш фикри йўқ эди... Сўнгра чидаёлмадим... Айб, аммо ўқидим, нима қилай... Сиз балки аччиқланарсиз... Мен уни ўқиганимдан мамнунман. Энди сиздан нечун бутунлай ажрашишимни англадингиз, шундай эмасми, Канонбей?

– Булар болача сўзлар... Биз никоҳланишимиз зарурий... Ким билади, балки, худо хоҳласа, бахтли ҳам бўлармиз.

– Мен билан бахтли бўлишингизга имкон йўқ, Канонбей. Бир карра бу мактуб кўнглимда шундай бир яра очдики, икки дунёда ҳам тузалмайди. Сўнгра мен сизни қандай бахтли қилайин... Мен бир нодон, фақир, бечора бир қизман... Кўрдингизми, мен ўз ҳолимни нақадар яхши биламан. Қайси фазилатим учун мени хоҳлай оласиз, бутун умрингизни менга бера оласиз? Мактубингизда жуда тўғри айтгансиз. Мен билан ҳаётингиз қашшоқ бўлади... Сизга кўнглимдан бошқа бера диган бирон нарсам йўқ-ку, Канонбей. Кўнглим сиз учун етарли бўлсайди, сизни ҳаммадан ортиқ бой, ҳаммадан ортиқ бахтли қилардим, аммо не чора... Афсус...

Намли, яшил кўзларида теран бир изтироб ила узоқларга боқар, маҳзун-маҳзун кулимсирарди:

– Ўша сиз қўрққан нарса бошингизга келмайди, Канонбей... Сиз, севгилингиз билан бахтли бўласиз... Мен сизни ўзимдан қутқараман... Зотан, мен ҳам сиз билан бахтли бўлолмайман-ку... Уч кундан бери кўп йиладим... Бир узун уйқудан уйғонгандекман... Ҳар нарсани англайман. Сизнинг асл севгилингиз бошқа... Мени севмаганингизни, буни ўйлаб узилганингизни кўрганда мен ҳар кун эриб битаман... Ё Оллоҳ асрасин, яна хаста бўлсангиз, ё ўлсангиз... нима бўлади? Боягина менга "Хасталигимда ҳол сўрамадинг" дегандингиз. Сизга қандай онт ичайин, билмайман... Дунёда бирон кимса ўз хастаси учун мен қадар узилиб йиғлаганмикин, Канонбей... Кўзимни юмсам, сизни ўлган, шу қадар севгили мовий кўзларингизни ёпилган ҳолда кўрар, телба каби бўлардим. Энди балки ортиқ англадингиз. Мен дунёда сизнинг завжангиз бўлолмайман...

Сабри-тоқати қолмаганди. Канониинг бутун ёлворишларига қарамай, бу ерда ортиқ туришни истамади. Секин-секин йиғлаганча у ердан узоқлашди. Канонни маҳзун бир ҳайрат қамраганди, ўз-ўзича ўйларди:

— Бу сал болача ўжарлик, мени ўз бурчимни ўташимга тақиқ қўёлмайди... Ламиа мутлақо зарурий завжам бўлажак. Айни чоғда жонбозлик билан мени инкор этиши иззат-нафсимга тегди. Ажабо, бу самимий ҳисми?

Ҳар ҳолда бу ёшда болалар катта инсонларга қараганда тоза бўладилар. Мен ҳам Лайлони ўз ихтиёрим билан қўлдан чиқарган вақтимда Ламианинг ёшида эдим. Шўрлик Чароснинг бугунги ҳоли менинг ўша вақтдаги ҳолимга ўхшайди. Нима қилай, бошга келган бир дард... Ўзим бахтли бўлмасам ҳам, бошқа бировни бахтли қилишга ҳаракат қиляпманки, бу ҳам бир тасалли аслида.

XVIII

Яна бир ҳафта ўтди, айрилишиб кетишларига бир кун қолди. Канон, бу бир ҳафта ичида деярли ҳар кун Ламиани кўрган, уни фикридан қайтариш учун жуда кўп нарсалар айтганди. Лекин айтган фақат тили эди. Қалби бутунлай бошқа нарсалар билан машғул эди. Ҳаётини шу кичик Чаросга бағишлаш фикри уни ич-ичида аччиғини келтирар, йўқотган нарсаларини бошқа бир жозиба ва сеҳр ила гўзаллаштирарди. Канон яратилишдан жозибали, истараси иссиқ эди. Бир нарсага алоқадор бўлиши учун уни йўқотиши, бир нарсани севиши учун ундан умид узиши лозим эди.

Ламиа Канондаги руҳий тушкунликни, тақдирга тан бермасликни жуда яхши ҳис этар, қайсарлик қилмаслиги учун кўз ёшлари-ла ёлворарди. Бир кун дедики:

— Бундай қилманг, Канонбей... Менинг ҳолим ачинарли... Сизга завжа бўлишим мумкин эмас... Мен рози бўлсам, ўша дақиқадаёқ менидан нафратланасиз... Ҳеч севилмасдан ёнингизда яшашга қандай тоқат қиламан? Мактуб гуруримга теккан деб ўйламанг, Канонбей. Сизга лойиқ бўлолмаслигимни мен жуда яхши биламан. Мени шунчалик севганингиз ҳам мен учун катта тасалли... Зотан, бу фалокат бўлмаганда ҳам мен Нозимга тегмасдим... Бир аёл бирисини севаркан, қандай қилиб бошқасининг завжаси бўлсин... Мени ҳам ҳеч ўйламанг, Канонбей. Мен Измирда бир зобитнинг тул хотинини биламан. Зобит Бейни манаман деган жойда бир ўғри таъқиб этган, у шаҳид бўлган. Зобитнинг хоними уни жуда севарди, аммо Оллоҳ тасаллисини ҳам берган.... Унинг энди келмаяжагини билса ҳам, хонаси, унинг ашёси, ёдгорлари, расмлари ила тўла... Бир кун уникига бир қўшни хотин меҳмон бўлганида уй соҳибасига ачиниб, шундай ёш покиза бир хотин ёлғиз яшаши қийин эканлигини айтган... У кетгандан сўнг бу хоним жилмайиб менга дедики: "Ламиахоним...бу хотин мени тул ҳисоблаб, ачинди... Ҳолбуки, асл тул ўзи... Чунки эрини севмайди... Ҳолбуки, мен

"шаҳид"имни севаман, уни тушуниб, уни ўйлаб яшаганим учун ўзимни ундан озроқ ёлғиз деб биламан". Мен ҳам ўша хоним каби бўлишни хоҳлайман, Канонбей...Завжангиз бўлсам, мендан нафратланасиз... Ҳолбуки, узоқдан сизни тинч-хотиржам ўйлайман. Севаман...Фараз қилингки, сиз ҳам бир замон завжам эдингиз, Канонбей... Мен қадар янги тулларнинг жони йўқми, ҳаётда ўрни йўқми?

— Ҳайратдаман, Ламиа... Сенингдай оддий бир боладан бу фикрларни кутмагандим.

— Мен унчалик бола эмасман... Биласизки, кўп азобли кунларни кўрдим. Менинг қалбим, иззатнафсим бор, Канонбей...Ялинишингиз беҳуда. Ўлсам ҳам сиз билан оила қурмайман.

* * *

Худбин, иродасиз Канон қандайдир қатъий бир қарорга келолмас, Жовидонга ёзган янги мактубини почтага жўнатишга иккиланарди. Айни чоғда Ламиани тарк этиш фикри унга аввалгидан қийин кўринмасди. Мисрдан Истанбулга келган унашиғлиқ қизидан бир оқшом узун бир мактуб олди. Сўзлари каби мактублари ҳам доимо бир оз савлатли ва расмий бўлган Жовидон бу сафар катта самимият кўрсатиб, у қачон Истанбулга келажагини сўрар эди.

Бу мактуб Каноннинг сўнгги иккиланишларини ҳам синдирди. Шунинг билан бирга ўзини алдашга уринар, "Бир мактуб-ла буни Жовидонга тушунтириш қўполлик ва тубан бир ҳаракат бўлади...У билан юзма-юз гаплашиб ҳамма нарсани тушунтириш керак, бутун узрмаъзурларимни айтиб беришим керак" дея муҳокамалар қиларди.

Бу сўнгги қарорини Ламиага ҳам айтиб берганида ёш қиз тўсатдан бўзарди. Лекин ҳеч нима демади. Айрилиқ кечаси сўнгги бир сайр қилишга қарор қилгандилар. Аксига олиб ҳаво бузуқ эди, Секин-секин майда ёмғир ёғарди.Шундай бўлса ҳам боғнинг орқасидаги ингичка йўлда бирлашдилар, орқа томонларда айлана-айлана Қирқчамларгача бордилар.

Бу қоронғи, юлдузсиз, ёмғирли кечада Қирқчамларнинг ости, кенг бир қубба харобасига ўхшар, дарахтларнинг орасида чириган япроқ ҳидлари-ла тўла намли, маккор қиш шамоли эсарди.

Ёмғир бу ерларга ёғолмаётган, шунчаки баланд шохларнинг учлари енгил бир шитир-шитир ила тинимсиз титрарди.

Ерни денгиз каби қоплаган қуруқ қарағай игналарининг ичида узоқ-узоқ айландилар. Яна йўлга чиқаётганларида Ламиа Канонга ёлворганди: "Бу кеча ҳеч айриликдан гаплашмайлик, Канонбей... Ким билади, балки келаси йил, ёхуд ундан кейинги йил яна келарсиз. У вақт завжангиз, болаларингиз бўлар... Сизни яна кўрарман... Ортиқ эндигидай бўлмас, аммо нима зарари бор.Сизни кўраман-ку ахир, шундай эмасми? Бу кеча ҳеч айриликдан гаплашмайлик. Эртага кечки пайт яна топишадигандай ажрашайлик, Канонбей".

Каноннинг зулумотли бир сукутга чўмишига муқобил Ламиа тинимсиз гапирарди. Қўллари унинг баланд елкаларида қулфланган, кичкина вужудининг бор кучи билан Каноннинг бўйнига осилганча юриб борарди. Золим ҳижрон, қўрқоқ, индамас Ламиани дардли булбулларга ўхшатиб қўйганди. Унинг камонини илк бор тинглаган, мовий кўзларини илк бор кўргани соатдан эътиборан бошланган узун хаёллари ва савдосини ҳолидан, кўзёшларидан билдириб қўймасликка тиришиб, бир ажойиб назокат билан сўйлар, қоронғи ва ёмғирли Бўзёқанинг ойдин кечаларини, унутилган ишқ соатларини бирор-бирор Каноннинг хаёлида жонлантирарди.

– Энди қайтайлик-а, Ламиа? Вақт алламаҳал...Совқотасан, касалланасан...

– Хоҳишингиз, Канонбей... Нариги йўлдан кетамиз, нима дейсиз? Ана бир кеча Неъматхоним-ла ўтилган йўл... Сўнгра бу йил... икки ой аввал яна ўшандоқ ойдин бир кечада... Канонбей, менга унчалик ачинманг... Мени ҳам у ерда Неъматхоним каби қучоғингизга олгандингиз...

Борган сари ортиб бораётган ёмғирга қарамай яна минора харобасининг олдида тўхтади, Канонни зўр билан ҳўл тошларнинг устига ўтирғизди, ҳўл сариқ сочларини унинг кўксига ёйди.

– Ламиа, яна узилиб қоларсан, деб қўрқяпман...

Яшил сузгун кўзларини Каноннинг юзида қолдирди, ёноғида ёшлар сизиларкан дудоқларида аччиқ бир кулимсираш билан:

– Йўқ, Канонбей, – деди, – биласизки биз бир-биримизни севмаймиз. Бу доимо айтганингиз каби бир кўнгил эрмаги... Нима аҳамияти бор, Канонбей... Бу савдо қалбнинг савдоси эмас, дудоқларнинг савдоси... Бир қанча томчи кўзёшини изтироб деб билмаймиз-ку. Бу кеча камон чалишни унутмайсиз, шундай эмасми, Канонбей? Сўнгги марта алламни тинглаганча ухлашни истайман.

* * *

Ламиа тўсиқнинг бир четидан боққа сакрай деб турган вақтда Канон уни сўнгги марта қучоғига олди, муздай совиган дудоқлари билан унинг кўзларига, кенг манглайига видо бўсаларини қўндирди. Сўнгра ярим кечанинг ва ёмғирнинг ичида ёлғиз қолдирди. Ортиқ бошини ўгиришга жасорати етмади. Қалбида бир ўлим. Дудоқларида унинг намли кўзларига қўндирган сўнгги бўсадан қолган аччиқ бир кўзёши лаззати-ла хонасига қайтди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

1

Нозимдан Шукрубейга.

Муҳтарам поччам!

Бир ярим ойга яқин вақт ўтди, сизга мактуб ёзолмадим. Балки мендан хафа бўлгандирсиз. Узрларимни айтганимда мени кечирарсиз. Аниса холамга ва Ламиахонимга тўсатдан айтиб қўйманг. Мен жиддий бир хатарни бошимдан ўтказдим. Менинг бўлинмам билан бир қуролланган босқинчилар орасида вужудга келган тўқнашувда ўнг елкамдан ва сўл оёғимдан оғир яраландим. Қирқ кундан бери Трабзон госпиталидаман. Энди, Оллоҳга шукрлар бўлсинки, яхшиман. Ҳеч қанақа асорат қолмади. Яқин кунлар ичида госпиталдан чиқаман.

Сизга яхши бир хабарим бор. Кеча олой[1] қўмондонимиздан бир хат олдим. Юзбоши[2]ликка кўтарилганимни ва Искандарунга тайин этилганимни муждалаган. Бу хабар менга сўнгги ойларда чекканим бутун изтиробларни унуттирди. Сиз ҳам, турган гапки, менчалик севинарсиз.

Ҳозирча бир оз заифлигимни билдириб тўрт-беш ой ҳаво алмаштириб келишга изн сўрадим. Ҳар ҳолда рад этмасликларидан умидворман. Демак, худо хоҳласа,бир ойча Измирда бўламан. Ҳаво алмаштириш муддатини шубҳасиз сизларникида ўтказаман. Бу муддат ичида энди тўйимизни ҳам қилиб олсак бўлармикин, дейман? Ламиахонимни Искандарунга жўнатиш балки сизга малол келар, икки-уч йилдан бери ўрганиб қолгансиз, албатта. Лекин мен ҳамон ёлғиз бўлганим учун унга сизга нисбатан кўпроқ муҳтожман. Ёлғизликдан қаттиқ сиқилдим, почча. Искандарун жуда яхши жой дейишяпти. Ламиа билан бирга у ерда жуда бахтли бўлишимдан умидворман. Самиҳа ила Фикрат аллақачон каттайиб қолишгандир, шўхлик, ярамаслик қилишадими?

Кўрамиз учрашганимизда... ё насиб... ё насиб...

Нозим

Шукрубейдан Нозимга.

Ўғлим Нозим!

Мактубингни олганимга ўн беш кун бўлди. Дарҳол жавоб ёзишга эринмадим. Лекин ўша оқшом шундай бир воқеа бўлдики, ёзган мактубимни йиртиб улоқтириш лозим бўлиб қолди. Ўн кундан бери жуда катта

[1] Олой – полк.

[2] Юзбоши – капитан.

бир фикр паришонлиги ичидаман.Аниса холанг сенга ҳеч нарса ёзмасликни, ҳақиқатни билишинг учун қайтишингга интизорлигимизни айт, деди. Лекин мен буни лозим кўрмадим. Нозим, жигарим, сен ҳарбий одамсан. Сургун, ўқ, тўп сингари ҳаётнинг ҳам аччиқ жилваларига бардошли бўлишинг керак бўлади. Бунинг учун ҳақиқатни сенга қандай бўлса шундайлигича айтяпман. Ламиа ортиқ сенинг унашилган қизинг эмас. Билмасдан қўйнимизда бир илон асрабмиз. Бу ташқи кўриниши мазлум, оғир, ақлли қизнинг нақадар маккор, нақадар ёмон руҳи бор экан. Толеинг борлиги шундаки, бу ерга қараб юрадиган, бузғунчи маҳлуқ асли қандайлигини ҳозирдан юзага чиқарди. Борди-ю, худо асрасин, завжанг бўлгандан кейин бу ҳоллар бошингга келса нима бўларди? Балки қўлини ноҳақлик билан қонга ботирар, сени зиндонларда чиритарди.

Бу қизнинг ўтган йилдан бери ҳолида бир ғалатилик, бир паришонлик, бир ҳафсаласизликни сезгандим. Ҳатто буни Аниса холангга ҳам бир неча марта айтдим. "Унга кўз-қулоқ бўлиб юр" дедим. Лекин уни биласан-ку, Оллоҳ ҳар балодан асрасин, жуда керагидан ортиқ соф бир хотин. Сўзимга қулоқ солмади, уни ўз ҳолига ташлаб қўйди.

Бу йил Бўзёқадан қайтгандан кейин Ламиа янада ажойиб бир ҳолга кира бошлаганди Кундан-кунга заифлашар, кўзларининг атрофи салқилашиб, ҳолига бир забунлик чўкарди. Бир нарса десам, хаёллари паришон юзимга қарар, кўпинча жавоб бермасди. Мен тентак "Бу бола нима бўляпти... Ажабо, касалмикин" дея ўйлар, асл ҳолига қизиқа бошлагандим. Ҳатто бир марта докторга олиб боришни таклиф қилсам, рад этганди. "Менга ҳеч нима бўлмаган" дея мени тинчлантирганди.

Ниҳоят ўн кун аввал мактубинг келди. Почтачидан зарфни у менга келтирди. Сенинг юзбоши бўлганингни, тўй қилиш учун бир ой ичида Измирга қайтажагингни ўқиганимда севинчимдан дали бўлаёздим. "Ламиа, суюнчи бер... Нозим унвон олди. Тайёр тур, бир ой ичида келин бўласан" дея қичқирдим. У қўллари билан юзини бекитар, тисланатислана эшикка томон чекинарди. Мен, бир гўл одам, буни ҳайратга, севинчга, ҳаяжонга йўйибман. "Кел, қочма... Қани қўлимни ўп-чи"[1], дея устига бостириб бордим. Зўр билан қўлларини юзидан айирмоқчи бўлардим. Лекин бирдан унинг ерга қулаганини кўрдим. Юзи ўликнинг рангидай бўзарган эди. Нақ беш дақиқа лимонлар, атирлар билан ўзига келтиришга ҳаракат қилдик.Аниса холанг мендан аччиқланар: "Бундай нарса бирдан айтиладими ҳеч замонда? Севинчидан ҳушдан кетиш у ёқда турсин, ўлиб қолиши ҳам мумкин" дер эди. Менинг ақлимга ҳеч нарса келмасди. Ўша кеча "Иккичашмалик қаҳвахонаси"га чиққандим. Уйга қайтганим вақт Аниса холангни шундай бир паришон хавотир ичида топдимки, таърифга сиғмайди. Довдираб-совдираб менга воқеани англатди: Ламиа тинимсиз ўйлар, сўралган саволларга ҳеч жавоб бермас экан. Аниса холанг унинг бир оралиқ менинг хонамга кирганини, сўнгра

[1] Туркларда хурсандчилик онларида катталарнинг қўлини ўпиш одати ҳозир ҳам бор.

этаги тагига бир нарсани яшириб яна ташқарига чиққанини кўрган. Нима олганига қизиқиб у ҳам менинг хонамга кирган, ҳар ёқни кўздан кечира бошлаган. Ҳар нарса жой-жойида эмиш. Фақатгина тумбочканинг пастки тортмаси сал очиқ қолганмиш...

Аниса холанг бу тортмада эски ов тўппончам билан револверимдан бошқа бирон нарса турмаганлигини эслаган, хавотирланиб тортмани кавлаштирган, револверим у ерда йўқлигини кўриб даҳшатга тушган.

Хотин бўлмиш жинни бўлаёзиб Ламианинг хонасига югурган, қуролни ёстиғининг остидан чиқарган. Қўйиб берса бу бадбахт ўзини ўлдирмоқчи бўлган. Аввало бу ниятини инкор этган, бир кеча олдин хонасида қўрққани учун шундай қилганини сўйлаган... Лекин Аниса холангнинг талабларига чидаёлмаган, йиғлаб-йиғлаб ҳақиқатни тан олишга мажбур бўлган... Бу содда, бузуқ махлуқнинг бу сана Бўзёқада бегона бир одам билан танишганини, натижада уч ойлик ҳомила орттириб олганини эшитганимда чорасизлик ва ғазабдан қутурдим. Бунақа номус масалаларида қанчалик талабчанлигимни биласан. Оёқларим остига олиб, эзиб, кейин ярим кечаси кўчанинг ўртасига отгим келди. Аниса холанг қаршилик қилди, ўзини ўлдиришни исташ даражасида маъюс бўлган боланинг устига бориш нотўғри бўлишини айтди. Ночор мен ҳам дамимни ичимга ютдим.Дарҳақиқат, Ламиа ўз болам бўлмагани учун жазолашга ҳаққим ҳам йўқ эди. Янгидан бир аҳмоқлик қилмаслиги учун бир неча кун қатъий бир назорат остида тутдик.

Бу болани йўлдан тойдирган аблаҳни қандай бўлмасин топишга азм этгандим. Лекин таҳқиқларим ҳеч бир натижа бермади. Ламиани кунларча сўроқ қилдим. Олдинига ҳеч жавоб беришни истамасди. Шиддатли талабларим натижасида ниҳоят сўйлашга мажбур бўлди.Тамаки фабрикасининг қоровулга ўхшаш ўрта бўйли, бақалоқ, чўтир юзли бир дайди экан. Тураржойини, қаерлик эканини, ҳатто исмини ҳам билмаслигини даъво қилади.

Полицияга мурожаат этсам балки бир из, калаванинг учи қўлга кирарди. Лекин бундай қилсам разолатимизни оламга эълон қилган бўламан, воқеани газеталарга туширишдан бошқа бир нарсага ярамаслигини ўйлаб, бу ёғига диққат қилмай қўяқолдим.

Бу воқеадан кейин Ламиани уйимдан чиқариб юборсам сен ҳам маъқулласанг керак. Разолатни босди-босди қилиш учун уни Кутаҳядаги акамнинг ёнига жўнатиб юборишни тўғри деб топдим. Дарҳол унга бир мактуб ёздим. Оллоҳ рози бўлсин, майли деб жавоб берди: "Мен уни жуда қаттиқ сиқув остига оламан. Бу ерда уни эри вафот этган покиза бир тул сифатида танияжаклар. Хотиним ва қизларимдан бошқа кимсага бир нарса сўйламадим. Ҳатто куёвларимдан ҳам ишни махфий тутаман. Маъюс бўлмайлик. Ҳали ёш, худо хоҳласа, бир оз вақт ўтгач ўзини тутиб олади. Балки кейинчалик уни боласи билан бирга қабул қиладиган яхши бир одам ҳам топармиз" деяпти. Ламиани эртага йўлга чиқарамиз. Таниш бир жандарм юзбошиси уни ўз қўли билан акамга топширажак...

Нозимжоним, қатъиян маъюс бўлма. Ёшлик ҳолини биламан. Балки бу қизга кичик бир майлинг бор бўлгандир.Бўлмаса ҳам бундай ҳоллар инсоннинг иззат-нафсига оғир тегади. Бу яратилишда бир маҳлуқ қиз билан бахтиёр бўлишингга имкон йўқ эди. Юзбошимизни ҳар ҳолда Искандарунга ёлғиз жўнатмаймиз. Аниса холанг совчилик фаолиятини бошлаб юборди. Ҳозирча номзодликда икки қиз ва бир тул бор. Қизлардан бири қўшнимиз. Эни-бўйи келишган бир Измир қизи. Вужудидан уч дона Ламиа чиқади. Иккинчиси яна билганларимиздан Родосли бир тижоратчининг қизи. У олдингисига нисбатан бир оз нозикроқ эмиш, аммо юзи жуда чиройли эмиш...Учинчиси баладия раиси Соиб Пошонинг хотинининг қон-қариндошларидан Неъматхоним исмли бир бева... Бир оз тентакроқ, майхўр, қиморбоз бир эри бор эди. Икки ой аввал бир кеча сархуш бўлгани ҳолда қайиқ билан Қаршиёқага кетаркан, денгизга йиқилиб чўкди. Аниса холанг бу хонимга тинимсиз мадҳу сано айтади. Йигирма тўрт ёшларда, бой, чиройли, асил ва фавқулодда номусли бир аёлмиш. Ҳар ҳолда буларнинг ёнида Ламианинг оладиган ойлик нафақаси жуда арзимаган бир нарса.

Самиҳа билан Фикратни кўрганда жуда ўзингни йўқотиб қўясан. Ва ҳоказо, ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Шукру

II

Анисахоним бир кун Самиҳа ила Фикратни Ламиага қолдириб кўчага чиққанди. Ёш қиз йўл ҳозирлиги билан машғул эди. Тикишлардан кўз очолмас, янгасининг шолрўмолини, кичикларининг кирларини тезроқ бир ёқлик қилишга уннаб ётарди.

Бир оралиқ эшик очилди. Деразадан бошини чиқарган Ламиа ғижим рўмолли бир семиз хонимни кўрди. Меҳмон дераза очилганини эшитиб бошини кўтарганди. Кўз-кўзга тушди. Бу, ора-сира Соиб Пошоларнинг уйига келиб турадиган Мафтунахоним исмли бир ёши ўтиброқ қолган хотин эди. Ламиа у ҳақда баъзи миш-мишларни эшитганди. Ҳар қалай Аниса янгаси уни ҳеч ёқтирмасди.

Мафтунахоним Шукрубейнинг уйига илк бора келиши эди. Ламиа ҳайрат билан эшикни очди.

– Анисахоним уйдами, хоним қизим?

– Йўқ, хоним афанди... Бир оз меҳмонликка кетдилар...

– Воҳ-воҳ. Жуда афсусландим.. Кўп бўлдими?

– Бир соатча бўлди, хоним афанди...

– Яқинда келадими, қизим?

Ламиа "келади, хоним афанди" демоқчи бўлди-ю, тағин Мафтунахоним кутиш учун ичкари кириши эҳтимолини ўйлади: "Билмадимов, хоним афанди... Яна борадиган ерлари бор эди", деди.

Меҳмон тош супа ёнига борганди:

– Узоқ жойдан келдим, хоним қизим... Рухсат этсангиз, бироз ўтирсам, – деди.

Ламиа енгил-елпи ҳаракатга тушди, ён томондаги меҳмонхонанинг эшигини очиб, ярим-ёрти қилиб:

– Буюринг, хоним афанди,– деди.

Мафтунахоним рўмолини очиб қўйиб, бурчак курсига жойлашди, иши қолиб кетаётганига асабийлашган Ламиа эшик ёнидаги курсилардан бирини ушлади:

– Қаҳва, чой-пой керакмас, хоним қизим.... Фақатгина шу гўзал қўлларингиз билан бир сув берсангиз мамнун бўлардим... Анисахоним янгангизни кўпдан бери жуда ёқтираман. Бир зиёратга келолмаганим учун ғоят уятлиман... Ниҳоят бугун йўлим тушди. Аксига олиб у ҳам уйда йўқ экан... уятлиман...

– Ҳа, хоним афанди... Кўпам кўчага чиқмасдилар, аммо...

– Соғ бўлинг, сизни топдим, хоним қизим... Янгангиз меникига меҳмон бўлиб келганда сиз ҳам келарсиз, хўпми, қизим?

Атрофлари ғоз оёғи каби ажиндор сурмали кўзлари билан Ламиага қарар, жавоб кутарди. Бу боқишлар ёш қизга ғалати кўринди, мутараддид бўлиб:

– Худо хоҳласа, хоним афанди... Борарман, – деди.

Мафтунахоним бу жавобдан ҳайратга тушганини яширолмади:

– Менинг қулоғимга бир гап чалинганди, қизим.... Сиз, иттифоқо, Кутаҳйагами, аллақаерга кетармишсиз...

– Ҳа, хоним афанди.

– Эвоҳ, воҳ-воҳ... Кўп қоласизми у ерда?

– Билмадим, хоним афанди....

– Кутаҳйада сиқиласиз...Измирга ўрганган одам у ерларда яшаши қийин...

– Балки, хоним афанди...

Мафтунахоним Ламиани бунчалик "ичимдагини топ"лигидан сиқилгандай эди. Кичик бир сукутдан сўнг давом этди:

– Бу йўлчиликка сабаб нима, хоним қизим?

– Шундай бўлиши лозим, хоним афанди...

– Балки ҳурматсизлик қилаётгандирман, аммо севган одамларимнинг ҳар хил ҳолларига қизиқаман...

Ламиа бир оз асабийлашди.

– Измирнинг ҳавоси менга ярамайди, хоним афанди, – деди.

Мафтунахоним сохта қаҳқаҳа ила кулди ва бир кўзини қисиб қўйди:

– Оҳ, сен қандай шайтонсан-а... Сендай ҳушёр қизларни мен жон уйимга яширган бўлардим.

Ламиа андишасизликдан қўрқаётганини, сўзларини топиб-топиб гапириш учун саросимага тушаётганини билиб турарди. Иккиланиб ўтирмай давом этди.

– Болам, тўғрими – янглишми, билмайман... Қулоғимга бир нарсалар чалинди. Жуда қизиқдим. Мен бегона эмасман-ку, дедим... Қаёқдан ёғилди бу дард бошингга? Оҳ, нодон бола, оҳ...

Ламиа ўтирган курсисида титрар, бир оқариб, бир бўзарар, ниҳоят дудуқланиб:

– Нега бундай деяпсиз, тушунмадим, хоним афанди, – деди.

Мафтунахоним, қопқоқлари ўйма нақшли бир кумуш портсигардан алламбало бир сигарет чиқарганди.

– Анов гугуртни узат, қизим... Илоё бахтли бўл, болам...

Сигаретини ёққандан кейин Ламианинг гугурт тутган қўлини билагидан маҳкам ушлади, уни ёнига ўтиришга мажбурлаб:

– Қандоқ чиройли сочларинг бор экан сенинг, хоним қизим... Мен сенинг ёшингдаги қиз болаларни жуда яхши кўраман... Менинг ҳам сенга ўхшаган бир қизим бор эди, ҳа...

Шундай қилиб бир нодонлик бўлди ўртада... Кўп ҳам сиқилма, қизим... Бунақа ишлар жуда кўп қизларнинг бошидан ўтган... Кошки Анисахонгга сир очмаган бўлсайдинг... Оҳ, олдинроқ менинг хабарим бўлсайди...

Ёш қизда қизиқиш уйғотишга ҳаракат қилиб саволлар беришини кутар, гапини давом эттирарди:

– Менинг хабарим бўлсайди, ҳеч бундай Кутаҳйаларга, билмадим, қаёқларга кетишинг лозим бўлмасди... Бир неча кун бир баҳона билан сени меҳмонликка олиб борардим... Сўнгра ҳамма қизлар қатори ясаниб-безаниб, унашилган йигитингникига борардинг... Ҳеч кимнинг хаёлига заррача ҳам шубҳа келмасди...

Ламиа енгил бир исён билан қўлларини тортиб олмоқчи бўлди:

– Нима демоқчисиз, тушунмаяпман, хоним афанди... Рухсат этсангиз, қаршингизга ўтирай, – деди.

Мафтунахоним сохта бир меҳрибонлик билан яна унинг ёноқларини, сочларини силади:

– Иккинчидан, эй, жуда ғўр, жуда ширин қиз, сени Кутаҳйада, ким билади, қандай қўпол, енгилтак одамларга бериб юборишга уринишаркин... Бу ерда қолишнинг йўлини топсайдинг, мен сенинг тақдирингни яхши йўлларга солиб юборардим...

Мафтунахоним секин-секин Ламианинг бармоқларидан бирини маҳкам ушлаб, қизил тошли бир олтин узукни тақмоқчи бўларди. Ёш қиз туйқусдан бир силкиниб, ўзини орқароққа олишга эришди:

– Нима қиляпсиз, хоним афанди? – деди.

– Қўрққувлик нарса эмас, қизим... Ёдгор бир узук... Ҳамда жуда яқиндан таниганим бир одамдан...

– Кимдан?

Мафтунахоним бир карра ютқиниб олди-да, сўнгра:

– Бегона эмас... Номиқбейдан... – деди.

– Фариҳанинг отаси Номиқбеймн?

– Шундай, нима бўпти... Воқеадан у ҳам хабар топибди, қаттиқ афсусланибди...

Номиқбей эллик ёшлардаги бой бир тахта тижоратчиси эди. Анисахоним унинг Узунйўлдаги уйига тез-тез меҳмон бўлиб келар, хотини Мақбулахонимни синглисидай севарди. Номиқбейнинг қизи Фариҳа ила Ламианинг ораси яхши эди. Бу эрка кибор қизи Ламиани ора-сира уйига даъват этар, уни кеч пайтларгача олиб қоларди.

Номиқбей кибор сиёқли, қувноқ одам эди. Қизининг дугонасига жуда яхши муносабатда бўлар, Ламиага гоҳо-гоҳо кичик ҳадялар бериб турарди. Ажабо, бу узук ҳам ўшаларга ўхшаган бир ҳадямикин? У ҳолда нима учун Мафтунахоним орқали юборишни лозим топдикин?

Ламиа енгил бир шубҳа билан қари хотиннинг юзига қаради:

– Бу ҳадядан Фариҳанинг хабари борми?

– Йўқ, қизим... Эҳтиёт бўл, сен ҳам Фариҳага айтиб юрма..

– Нега, хоним афанди?

Мафтунахоним яна бир кўзини қисиб қўйди-да, кулди:

– Бўлмайди, қизим... У ҳолда Фариҳа бошқа шубҳаларга тушади...

– Қанақа шубҳа?

– Ламиахоним, жуда аъло тушунасан, аммо мени хафа қилмоқчисан, жигарим... Номиқбей анчадан бери сени жуда ёқтиради... Кутаҳйага кетишингдан кўп афсусланди... Тингла мени, қизим. Сен эртага пешиндан кейин, ўртоқларимникига бораман, деб янгангдан рухсат оласан. Мен сени бурчакдаги дорихонанинг олдида машина билан кутиб тураман... Номиқбей ҳам бизни менинг Тегирмон тоғидаги уйимда кутади... Ярим соат, бир соат кўришасизлар... Бугун сенга бир жуфт олмос кўзли исирға олгани кетди... Уларни эса эртага беради... Келишдикми, қизим? Номиқбейга нима дей?

Ламиа эшикнинг ёнида тик турар, йиқилмаслик учун олдидаги курси суянчиғини маҳкам ушлаб олганди. Юзи шамдай сарғайди. Сўник бир овоз, аччиқ бир табассум билан жавоб берди:

– Ламиа "Номиқбей Оллоҳдан қўрқмайдими" деди, денг, хоним афанди.

Шунинг ўзи етади...

Мафтунахоним бирдан ўзини йўқотди, бир нарсалар демоқчи бўлди. Ламиа эшикни ланг очиб:

– Марҳамат, хоним афанди,– деди. – Янгам ҳозир келиб қолади. Сизни кўрмаса яхши бўларди...

Қари хотин эшикдан чиқаркан ғалати бир назар билан Ламиага боқди, лабларини чўччайтириб:

– Э қизим, модомики шунчалик нозик феълли экансан, тамаки устахонасининг қоровулига ўхшаш ўша одамга ҳам қаршилик қилсанг бўлмасмиди?.. Бу ҳоллар бошингга тушмасайди, қандай гўзал бўларди-я, – деди.

* * *

Ламиа бу воқеани холасига айтиб бераркан нафратидан даг-даг титрар, кўзлари лим-лим тўлиб борарди. Анисахоним у кутганчалик аччиқланмади. Маҳзун ва хафа бир таврда:

– Биз сени хурсандлигимиздан Кутаҳйага юборяпмизми? – деди. – Сенинг ҳолингдаги қизни уйда асраш мумкин эмас.. Оҳ, Ламиа, ўзингни ҳам, бизни ҳам оловга ташладинг...

III

Учинчи занг чалинганди. Кондукторлар бесаранжом ҳуштакларини сайратиб югургилашар, вагон эшикларини қулфлардилар. Ламиа ҳамон қучоғидан айрилмаётган Самиҳани деразадан Шукрубейга берди. Фикратнинг қўлини ушлаб олган Анисахоним, юзини очмас, ёпиқ печа[1]-синининг остида секин-секин йиғларди.

Қора рўмол ичида сариқроқ ва заиф кўринаётган Ламиа мумкин бўлмаган бир нарсани истаётгандай қўрқоқ бир ёлвориш билан:

– Қўлингизни ўпсам бўладими, амаки?– деди.

Шукрубей оҳистагина титраётган қўлини узатди, неча кундан бери илк бора унинг юзига, кўзларига қаради. Ламианинг ҳали лабларидан айрила олмаган қўлини тортишга мажоли йўқ, бошқа қўлининг бармоқлари билан ёнида йиғлаётган хотинининг елкасига енгил-енгил шапати урарди.

Паровоз чинқирди, поезд бирдан силкинди. Шунда чидай олмади. Узун бўйини чўзиб, деразага осилди, Ламианинг елкаларидан тутиб, ўзига тортди, сўнук, нам ёноқларидан ўпди.

Қорайган кўзлари, олдидан суръат билан ўтган вагонларни кўрмас, ёнида кучлироқ йиғлай бошлаган хотинига:

– Бу қизни мозорда қолдириб қайтган бўлсайдим, юрагим бундай ёнмаяжакди,– дер эди.

Поезд Қаршиёқадан ўтиб кетгунча Ламиа деразадан узоқлашмади. Қадифа қалъаси, Тегирмон тоғи устидан сўнгги марта Бўзёқани кўра олишини умид қиларди.

* * *

– Анов қора рўмолли, сарғимтир қиз телбами, аҳмоқми, нима у?

– Нечун ундай деяпсиз?

– Бошини вагоннинг ён деворига тираганча ухлаяпти, шунинг учун... Мен поезд саёҳатини атрофни томоша қилиб кетиш учун яхши кўраман. Бир соатдан бери диққат қилдим...Бир мартаям деразадан қарамади...

Бу сўзлар, ўн олти- ўн етти ёшлардаги кўримсиз, дум-думалоқ бир қизча билан ҳар ҳолда йигирма иккилардан ўтган, заиф қўнғирсоч қиз бола ўртасида ўтаётган эди.

Қўнғирсочли қиз дугонасининг биқинига туртди:

– Секин гапир, – деди. – Ухламаяпти, ичин-ичин йиғлаяпти... Киприклари ёшлар ичида... Ким билади, нима дарди бор бечоранинг?

– Бир баҳона билан уни гапга солиб кўрмаймизми?

[1] Печа – эски Туркияда юз пардаси ўрнида ишлатилган бир турли чачвон.

– Илашма, Мақбула... Мен бундайларни гапга солишга ийманаман.

– Гаплашсак яхшироқ бўлар... Балки таскин берармиз...

– Сен ҳали кичиксан, Мақбула... Кўп нарсаларни тушунмайсан... осонлик билан таскин берса бўладиган дард инсонни бу қадар йиғлатмайди...

– Нима бўлса бўлсин. Мен бунга қаттиқ қизиқдим, худо ҳаққи...

Мақбула бир-икки марта Ламианинг олдида айланишди, сўнгра ёнидаги деразага келиб тирсакларини таяди. Сўз очиш учун баҳона излар, фақат тополмасди.

Поезд бу аснода бекатлардан бирига яқинлашарди. Бирдан енгил бир силкиниш бўлди. Думалоқ қиз ўзини тутолмай Ламианинг қучоғига учиб тушди. Янгроқ қаҳқаҳа кўтарилди. Ламиа ҳам ғайриихтиёрий кула бошлади. Бу воқеа тез апоқ-чапоқ бўлишлари учун бир васила бўлди. Қўнғир сочли қизни ҳам ёнларига олиб гаплаша бошладилар.

Мақбула: – Борадиган жойингиз узоқми?

Ламиа: – Кутаҳйага кетяпман...

Мақбула: – Вой. Жуда яхши... Биз ҳам ўша ерга кетяпмиз. Сиз ёлғиз кетяпсизми?

Ламиа: – Ҳа...

Мақбула: – (Ҳайрат ила) Бир бошингизга-я? Ёлғиз турасизми у ерда?

Ламиа: – Йўқ... Бир жандарм юзбошиси бор...

Мақбула: – Шу ажойиб бей отам билан бир вагонда кетган эчки соқолли, сўйлоқ тишли...

Қўнғир сочли қиз қошларини чимирди:

– Мақбула...

Мақбула дабдурустдан қизариб кула бошлади:

– Вой-е, тинч болтани тошга урмайлик (йўқ жойдан ўт чиқармайлик). Бей отангиз бир бало бўлиб қолмасин.

Қўнғир сочли қиз:

– Йўқ, у киши амакимнинг танишларидан... У ҳам бир иш билан Кутаҳйага кетяпти-да...

Ламиа:

– Ундай бўлса зиёни йўқ..

Мақбула:

– Исмингиз нима?

– Ламиа.

– Меники Мақбула. (Ўртоғини кўрсатиб) Ножия. Холамнинг оти ҳам Ножия. Ножияхоламга Измирда амалиёт[1] қилинди.Энди онасининг ёнига олиб борамиз. Менинг онам ўтган йили Измирда вафот этди... Ўша холамнинг эри Кутаҳйада амалдор.... Бувим уникида туради.. Бей отам (отасининг "бей"лардан эканлигини билдиргиси келганда "Бей отам" дейди, бошқа пайтларда "дада" дейди) уч ой изн[2] олди... Мен Кутаҳйани ҳеч кўрмаганман... Ножия холам мақтагани мақтаган... Жуда хурсанд

[1] Амалиёт – операция.

[2] Изн – таътил.

бўлиб кетяпман. Кутаҳйада кўришиб турамиз-а, хўпми? А, ана кўринг, бей отам... Сизнинг эчки соқолли юзбошингиз билан бирга...

Поезд бу бекатда анчагина тўхтаб турганди. Эркак йўловчилар харид қилиш учун перронга тушардилар, шундоқ вагонларнинг олдида колбасачилар, нон сотувчилар, пўртахолчилар айланишарди.

Ламиа юзбошининг ёнида йирик келбатли, узун мўйловли, сочлари оқара бошлаган мингбошини кўрди. Ўрмондай совуқ ва териси буғдойранг, ҳайбатли қора кўзлари бор эдики, одамнинг этини жунжуктираради. Сочларини тагидан кестирганди. Бошининг қалин энсасига яқин бўлган қисмининг териси қават-қават бўлиб кетганди. Чарм қинли узун эгма қиличини перроннинг тошларида судраб ўтиб бораркан, вагоннинг олдида тўхтади. Мақбула ила Ножияга бир қоғоз тўла финдиқ[1] ва майиз олди. Юзбошига ҳам ғайрат келганди. У ҳам бир ширин чурак[2] олиб Ламияга икром кўрсатди.

Мингбоши қизининг олдида турган Ламиани совуқ ва тез назар билан сузгандан кейин ҳамсоясини тирсагидан тортди. Гаплаша-гаплаша узоқлашдилар.

Ламиа, юзбошининг қўлини, билакларини силкита-силкита нималарнидир уқтираётганини, мингбошининг тез-тез бошини ўгириб вагонга қараб-қараб қўяётганини кўриб турарди. Ёш қиз уларнинг нималар ҳақда гаплашганларини эшитмаган бўлса-да, гап ўзи ҳақда кетаётганини англар, юзи оловдай қизарар, Мақбулага айтажак сўзларидан хавотирда эди.

* * *

Поезд такрор ҳаракатга тушди. Мақбула ила Ламиа қирқ йиллик қадрдондай "сен" – "мен"лаб гаплашардилар. Ёш қиз аста-аста ёлғизлигини унутиб, тасодиф ато этгани дўстининг қувноқ сергаплиги билан овуна бошлади.

Мақбула, ундан нечун бундай бошини бурчакка яшириб йиғлаганини сўради. Ламиа уялиб йиғлаганини инкор этар, "кўзларимга деразадан тутун кирди" дея куларди.

Мақбула бунга инонмади. Лекин Ножиянинг кўзи билан, қоши билан қилган ишоратларини кўриб, янги ўртоғини сўроққа тутаверишдан воз кечди.

Оқшом бўлди. Бир оздан сўнг поезд Ушоқда тўхташи, йўловчилар кечани ўтказиш учун отелларга тарқалишлари керак эди. Мақбула бир таклиф айтди:

– Бей отамга айтай: бу кеча бизни бир хонага ётқизсин. Сен ҳам ёлғизсан, бир жойда бўлсак гаплашиб ётамиз. Зерикмаймиз, – деди.

Орадан ярим соат ўтганда, улар сариқ бўёқли хароб бир отелнинг сандиқлар, бўхчалар билан тўла нимқоронғи даҳлизига кириб бордилар.

[1] Финдиқ – ўрмонда, тоғда битадиган майда бир ёнғоқ тури.
[2] Чурак – нон.

Мақбула отасини бир бурчакка тортди. Унга бир нималар дер эди. Ламиа, мингбошининг бирдан ғижинганига, ўзи турган тарафга қараганига эътибор берди. Кекса зобит қошларини чимирар, бошининг кескин ҳаракатларидан қизига терс бир жавоб бергани кўриниб турарди. Қизининг исёнга ўхшаган бир таврини кўриб, бир оз узоқда турган Ножияни ёнига чақирди, баланд вужудини улар томонга эгиб, паст овоз билан бир нималар сўйлай бошлади...

Ламианинг қўли, оёғи титрар, юраги дук-дук урарди.Даҳлиз эндигина қоронғи бўлганига қарамай печасини юзига туширганди.

Мақбула зеҳнида бир узрхоҳлик, бир ёлғон тўқиб чиқаришга уринган ҳолда Ламианинг ёнига келди. Лекин ёпиқ печаси ичида оҳиста-оҳиста йиғлаётганини кўрганда ҳеч нарса демади. Шунчаки, қўлларини тутиб сиқди, "шўрлик опагинам" деди.

Ламиа, ўша кечани паст шипли, тор бир хонада ёлғиз ўтказди. Эртасига эрталаб поездда Ножия ила Мақбулани кўролмади. Мингбоши уларни бошқа бир вагонга жойлаштирганди.

IV

Ламианинг катта амакиси Ризобей бир эски суворий мингбошиси эди. Йигирма беш йил аввал бир сиёсий масала туфайли ҳарбийдан бўшатилган, Кутаҳйага сургунга жўнатилганди.

У вақт Кутаҳйада бой бир деҳқоннинг қизига уйланган Ризобей бошқа ҳеч Истанбулга қайтмаганди. Уч қизи, тўрт ўғли бор эди. Катта қизининг эри ва болалари билан бирга уй аҳолиси бир дюжина[1]дан ортганди. Аллазамондан бери ишлари ҳам ҳаддан ташқари орқага кетганди.

Кекса одам бу каттакон оилани таъминлашга қийналар, қўполлашгани, терс табиатли эканлиги етмагандай, кундан-кунга яна инжиқлашганди.

Ризобей Ламиани қовоғи уюлган, совуқ чеҳра билан қабул қилди. Хотини Ҳурияхоним эса Шукрубейдан мактуб келган кундан бери оғзига тош олгандай миқ этмай юрарди.

Ўн олти ёшида фалокатларнинг энг ёмони ва разилига мубтало бўлган бу қиз, ким билади, қандай ахлоқсиз ва тарбиясиз бир Измир ошуфтаси экан? Зиммаларига бу оғир, масъулиятли юкни олиб бошлари балога қолмасайди. Ўзларининг малак каби маъсум, инжу каби тоза қизларининг ахлоқини ҳам бузмасайди...

Ундан ташқари узун муддат ҳақиқатни яширишнинг иложи йўқку! Бу ишлар *қизил кўйлакка ўхшайди*: эртами-кечми ё енгидан, ё ёқасидан кўриниши турган гап-ку!

Ламианинг хоҳлаганидай кийинишига, ҳижобсиз юришига рухсат бермадилар. Эр-хотин уни ўртага олиб, насиҳатлар қилиб, бекитиқча таҳдидлар, имолар билан тўла чалкаш-чулкаш гаплар айта бошладилар.

[1] Бир дюжина – ўн икки кишидан иборат гуруҳ.

Ёш қиз йўл азобидан оғирлашган бошини қуйи солганча кирли отел хоналарида уйқусиз қолган махмур яшил кўзлари теран бир малол ила титрарди.

Эр-хотин бири қўйиб бири олиб, деярли ярим соат гапирдилар. Ризобей сал ошириб юборганини ҳис этди. Бу зарурий танбеҳларни ширин бир сўз билан боғламоқчи бўлди:

— Шундай, қизим. Бу танбеҳларга амал қилсанг, худо хоҳласа, салоҳи ҳол этарсан[1]. Сенга балки ақлли, тарбияли бир одам топармиз. Болаларинг бўлар. Қорнингдаги бадбахт ҳам уларнинг орасига қўшилиб кетар. Ўтган кунларингни унутарсан.

Ламианинг ечиниши учун хонасига жўнатганлари вақт Ризобей хотинининг юзига қаради, заиф бир тараддуд ила:

— Билмадим, аммо бу қиз менга жуда ёмон кўринмади. Нима дединг? — деди.

Ҳурияхоним лабларини бурди:

— Билмадим... Менга ҳам шундай кўринди, аммо ҳали билиб бўлмайди... Диққат қилдингми... Келгусида бир эр топажагимизни айтган вақтимизда хуш ёққандай бўлди... Сездирмай-билинтирмай кулимсай бошлади... Хуллас, осон иш эмас...Оллоҳ қўлласин ишқилиб...

* * *

Ламиа амакисининг энг каттаси ўн учда бўлган тўрт ўғлига жуда тез ўрганди. Бир неча кун ичида уларга яхши, меҳрибон опа бўлди. Унинг учун бу ҳолида меҳр бериш энг катта эҳтиёж, энг чуқур тасалли эди.

Кичиклар талтайиб эркаланиб севинишар, қанчалик уни қийнасалар-да, у ҳам уларни шунчалик қаттиқ севарди.

Лекин қизлар билан бир турли чиқишиб кетолмаганди. Энг каттлари Махмура йигирма уч ёшидайди. Ўрта ёшли, доим маст юрадиган солиқ хизматчисининг хотини эди. Қизларнинг энг эпчил, лекин энг енгил ва манмани у эди.. Ҳар ўн икки ойда бир туққан уч кичик боласини онаси билан укаларига тақсим қилганди. Қиладиган иши катта ойна қаршисида тинимсиз пардоз-андоз, пардозни янгилаш, юзини бўяш, қариндош-уруғларни тўплаб уд чалиш, қўшнима-қўшни айланиб юришдан иборат эди.

Ламианинг келишини хабар қилишганда ичидан севинганди. Шукрубейнинг ёзган мактубига кўра, уни ўйноқи, фаттон, чопқун[2] бир қиз деб ўйлаганди.

Кутганидай серпардоз, бўянган, ошуфта эмас, жуда содда кийинган, жуда сокин, маҳжуб, маҳзун бир ёш қизни кўрганда инкисори хаёлга учради, яъни ҳафсаласи пир бўлди.

[1] Салоҳи ҳол этарсан — яхши яшаб кетарсан.
[2] Чопқун — тўполончи.

Бундан ташқари бошқа нияти ҳам йўқ эмасди. Беш ойлик ҳомиласи бор эди. Уйда энди боласиз хотин қолмаганди. Тўрт ойдан кейин туғилажак янги йўлчи[1] ўз бошига қолажагидан қўрқарди.

Ламиа бу таҳликанинг олдини оладигандай эди. Махмура ҳозирдан эшикни ёпаётган, "Ортиқ уни ҳам сенга бераман, Ламиажон. Ўзингники билан бирга ака-ука қилиб ўстирарсан" дер эди.

Бошқа қизлардан бири, яъни энг кенжалари тулум каби биққи, балиқ каби индамас, мутаассиб, телбагина, тантиқлиги туфайли юзи қошиқдайлигини қолган, қуруқ, бужур, эси паст, жанжалнинг уяси эди.

V

Ламиа бадбахт эмасди.

Илк кунларда анча узилган, бу янги ҳаётга ўргангунча кўп хафа бўлиб юрганди. Лекин бу ҳол узоқ чўзилмади, чунки умидсиз савдосининг ёдгорликлари-ла, синиқ қалбининг парчалари-ла ўзига ҳазин тасаллилар яратиб олганди. Худди синган ўйинчоқларининг парчалари билан овунган болалар каби...

Умидсизлиги ҳам унга бошқача тасалли бўларди: "У"ни яна бир кўрмажагига ишончи бор эди. Умиди бўлса, яна бармоқлари билан кунларни санаган бўларди. Соатлар кун, кунлар йил каби узайиши, беқарорлик билан уни исташи, кутиши, паришон бўлиши муқаррар бўларди.

Лекин "У" мозорларидан қайтиши мумкин бўлмаган ўликлар каби эди.

Ўликлар қандай ҳазин, сокин, умидсиз, мутаваккил бир таваккул, бир сиғиниш билан севилса, бу ёш қиз ҳам "У"ни шундай севарди. Ўликлардан кўрилган жафо қандай унутилса, у ҳам "У"ни шундай афв этарди.

Ичидан унга жаҳл қилиш у ёқда турсин, аксинча, ҳижронлари ҳам бор эди. "У" кўшкда касал ётганида, қандай қилиб Измирга кетишга кўнгли рози бўлганди? Арзимаган бир томоқ оғриғи сабабли нима учун уни икки кеча куттирганди? Айрилишганлари кеча нима учун шунча кўп йиғлаб "У"ни маҳзун қолдирганди? Булар, бунга ўхшаш кичик воқеалар юрагида дард бўлиб қолди.

"У"нинг учун кўрсатган фидокорликлари ҳам бир бошқача тасалиси эди. Бир изтиробга, бир ҳақоратга учраган вақтларида ичидан "бу қайғуларни ҳам унинг учун тортмоқдаман" деб ўйлар, бу янги дард унга яширин ва ҳазин бир саодат бўларди.

Катта амакисининг уйи анчагина путурга юз тутган ёғоч бино эди. Энг устки қаватда унга мўъжаз бир хона бергандилар.

Ламиа бутун ғайратини катта оила ичида ўзини унуттиришга сарф қилди. Кўчага чиқишни истамас, меҳмонлардан ўзини олиб қочар, уй ишларидан, кичикларнинг хархашаларидан қутулган вақтларида шу мўъжаз хонасига қочарди.

[1] Йўлчи — чақалоқ.

Деразалардан бирида доимо туманли ва қорли пасттекислик парчаси кўринарди. Бу манзаранинг бутун безаги узоқ-узоқларда кўзга чалинадиган телеграф симёғочлари-ла ора-сира гуриллаб ўтадиган поездлардан иборат эди. Ламиа янгидан тантана қила бошлаганди. Нозик қўл ишлари, руҳи каби кундан-кунга нақшлана борар; ҳазин, умидсиз савдоси, синиқ умидларини ёрқин тил билан таърифларди. Ой шуъласи тушиб турган оқ йўлларнинг четларига антиқа эртак гуллари тўкилар, яна Оллоҳ ўймакорлар нақши билан безаган ишкомлардан узум бошлари осилиб тушарди, дарахт тепаларида пайдо бўлган ойларнинг фонуси атрофида эса яна парвоналар, узун қанотли тун ҳашаротлари титрашарди.

Кунлар ўтган сари ичида бошқа бир севинч ҳам уйгона бошлади. Туғилажак чақалоқ "У"нинг ёдгори эди. Бу сирни кимса билмаяжак, балки ўзининг ҳам хабари бўлмаяжакдир. Бу албатта мовий кўзли, буғдойранг бола бўлажак. Бутун умрини унинг бахти учун сарфлашга аҳд қилганди.

Бу бола йилдан-йилга улғая боради, бир оз вақт ўтгач "У"нга ўхшаяжак, "У"нинг мовий кўзлари, асабий юзи, рангин лабларининг ичида оппоқ тишлари аста-аста очилиб боражак. Йигирма ёшга кирганда албатта у ҳам отаси каби бир буюк санъаткор бўлажак, доимо "У"нинг мусиқий парчаларини чалажак.

Ламиа ишини тиззаларининг устига, қўллари ёнига қўяр, кўзларини юмар; бу мовий кўзли, гўзал, оппоқ тишли, қорача навқиронни кўз олдига келтирар, камонининг овозини эшита бошларди.

У вақт ўз сочлари оқарган бўлади. Билмагани учун, ижро этган бу гўзал мусиқий парчаларни ким басталаганини сўрайди.Ўғли кимлигини билмаган буюк санъаткорни топиниб, ҳурмат билан тилга олади, шу тариқа она-ўғил доимо "У" ҳақда гаплашиб ўтиришади.

* * *

Ламиа севарди.

Бу яширин оташ ичин-ичин ёнар, ёш қизнинг нафис, нозли юзи руҳининг теран-теранликларидан келган бир бошқа гўзалликдан ёришиб борарди.

Илк пайтлардаги ўйчан, ҳорғин ҳоллари ўтиб кетди. Баъзан унинг баланд сас билан кулганлари ҳам эшитиларди. Тонг-ла хонасидаги кичик ойнанинг қаршисида сариқ сочларини турмаклар, ҳатто баъзан ясанар; ўзини узоқ-узоқ томоша қиларди. Хонага поездларнинг тунлари кирганини сезганда ичида ғариб бир ҳаяжон уйғонарди. "У"нидан мактуб, хабар келмаяжагини биларди.

Ўзига яна бир эрмак ўйлаб топди. Баъзи кечалар ётмасдан унга мактублар ёзарди. Кутилган мактублар қандай келмаяжак бўлса, бу мактублар ҳам ўшандоқ юборилмаяжак, сандиқнинг бир бурчагида қолажак эди.

Аксарият бир неча сатрдан иборат қолган бу мактублар баъзан узайиб кетарди, Ламиа ўзи сезмаган ҳолда бутун қалбини, бутун ярларини айтган бўларди.

Бу мактубларда "У"нинг исмини ёзишга журъат этмасди. Айни чоғда бир кеча қаламидан ғайриихтиёрий бир "боламиз" сўзи тушди. Катта бир айб қилиб қўйгандай қизарди, қўллари билан юзини тўсди, хатни давом эттиришга журъат этолмади. Лекин бу унинг учун янги кашф этилган бир саодат эди. Ёзувларида борган сари самимийлашиб борар, ҳали исмини ёзишга журъат этмагани ҳолда "завжим", "севгилим маним" каби соф хитобаларни ҳам ишлатарди. Ламиа бадбахт эмасди.

VI

Ризобей бу оғир табиатли, овозини чиқармайдиган, нозли ва маҳзун ёш қизга аввало ачинган бўлса, кейин оҳиста-оҳиста яхши кўра бошлади.

Ора-сира хотинига у ҳақда баҳс этар, "Бола бечора... Эҳтимолки, унинг софлиги, нодонлигини суиистеъмол қилгандирлар... Ҳар ҳолда бу фалокатга ахлоқсизлиги сабабли учрамаган" дер эди.

Ҳурияхоним Ламиани ўйлаганидан ҳам кўра покиза ахлоқли, сокин ва ишчан деб топди.

Шундай бўлгани ҳолда бир турли унга кўнгли исимаган, унинг номусли қиз эканлигига ҳамон ичдан ишонмасди. Ризобейнинг Ламиадан бу қадар аминлик ва муҳаббат билан гапиришини хуш кўрмас, "бирдан ишонаверма, бей афандим... балки писмиқлардан биридир... Мен шундай уйқудаги илонларни биламанки, фурсат кўзлайдилар... тинч оққан сувдан қўрқ " дея жавоб берарди.

Ламиага ёмон муомала қилмасди. Уй ишларига қизларидан кўпроқ ёрдами тегар, тўрт боласига энагалардан кўпроқ меҳнати сингадиган бу ёш қиздан шикояти йўқ эди. Лекин ҳар баҳона билан унга аччиқ насиҳатлар қилишни ўз вазифаси деб биларди:

— Эркак меҳмон келганда этагингнинг учини кўрсатмайсан, ҳа... Сенинг отинг тул... Уларнинг ақлларига ҳар бало келиши мумкин...

— Ҳа, менга қара, ақлимга келиб қолди... Кеча Фотмахонимнинг қизи ила бир бурчакда яширинча гаплашдинг... Хотин сенга қаттиққаттиқ қараб қўйди... Ғалати хотин... Қизига ёмон нарсаларни ўргатяпсан деб ўйлади...

— Насиба Отин кеча эшигидан чиқаркан, сени тўхтатиб бир нарсалар деди... Гуноҳи ўзига, аммо у хотин тўғрисида "кўпам тоза пайпоқ эмас" дейдилар. Оёғингни уз ундан...

— Қўзим, анов хотинбоз табур[1] котиби нега тез-тез эшигимиз олдидан ўтади? Эҳтиёт бўл, деразадан сени фалон-пистон ҳолда кўрган бўлмасин...

— Ламиа қизим, меҳмондорчиликка борган пайтларимизда сен доим мен ўтирган хонада ўтир...Уларнинг ҳаммаси қизлар... ўғиллар, қизлар... куладилар, ўйнайдилар, турли бўлар-бўлмас қилиқлар қиладилар... Сўнгра гап сенга тегади... Нима бўлгандаям сенинг отинг катта...

[1] Табур — батальон.

Бир кун яна муҳим бир воқеа бўлди. Аксига олган тасодифни қарангки, Ламианинг ҳар оқшом "У"нга ёзадиган мактубларидан бири Ҳурияхонимнинг қўлига тушганди.

Қари хотин кунлар бўйи уни сўроқ қилди: унингча, бу мактуб мутлақо қўшнилардан бирига борарди. Мактуб ахир юбориш учун ёзилади. Бир инсон, агар далли-девона бўмаса, ўзидан-ўзи мактуб ёзадими?

— У одам кимлигини айтмасанг, ҳаммасини амакингга айтишга мажбур бўламан. Агар амакинг эшитса, ким билади, сенга қандай оғир муомала қиларкин...

Ламиа йиғлаб-йиғлаб, онтлар ичиб берган жавоблари бир турли Ҳурияхонимни иконтиролмади. Энг охири ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди:

"Мен кечалари уйқум қочганда ҳеч қачон юзини кўрмаяжагим ўша номаълум одамга буларни ёзаман... Нима қилай, янга? Шундай қилиб ўзимни-ўзим овутаман... Чакана фалокатга учрадимми ахир?!"

Бу ноҳақ шубҳа унинг қалбини, инсонлигини энг нозик еридан яралади. Кунларча яшириб-яшириб йиғлади. Сўнгра бу аламни ҳам "У" учун чекканини ўйлади. Таскин топди, тинчланди.

VII

Қаршиларидаги янги таъмир этилган уйга ижарачилар кўчиб келаётган эди. Ҳурияхоним билан қизларига ўша кун ажабтовур бир эрмак топилганди. Эшикнинг олдида юк аравалари тўхташи билан дарвозахонага учишар, бир-бирларини итаришиб одатдагидай шовқинлашарди:

— Вой-бў, уларнинг сандиқларига қаранг...Булар бўялган газ ўчоғими, ҳой йигит...

— Бу газмоллардан парда қилса бўлади. Одам деган шундай матони ҳам тахта ўрашга ишлатадими ҳеч замонда...

— Вой, булар қанақа танжара[1], булар... Худо ҳақи, тувакми дебман...

— Кирган уйларининг ҳалиям ифлослигини кўринг. Ичида ит ҳам ётмайди...

— Вой-вой, қара-қара, бей афандининг хирқасига супургиларни қўшиб боғлашибди. Мунчаям исқирт одамлар экан булар...

Ламиа хонанинг бир бурчагида тикиш тикар, ора-сира оёғининг учи билан болалардан бирининг бешигини тебратарди.

Махмура катта бир сигарет қутисини тўлдирган финдиқларни чақиб ўтираркан, пўчоқларидан бирини отди. (Баъзан Ламиани хаёлчан кўрганда олдига бирон нарсани отиб чўчитишни одат қилганди.)

— Ҳой, мунчаям ўликдай чиройлисан, — деди. — Роҳиблардай тарки дунё қилганинг нимаси? Сал дераза олдига кел... Янги қўшниларимизга ҳеч қизиқмайсанми?

Ашёлар ташиб бўлинди. Навбат энди янги ижарачиларга келганди.

— Анов хонимнинг гердайиб туришига қаранг... жуда арзон нарсага ўхшайди.

[1] Танжара — кастрюлка.

— Ипак рўмоли-ку чиройли, аммо унинг тагида қора қурум босган халати бўлмаса, мен ўзимга жавоб бермайман.

— Бечора кеннойигинам, қўлингга ўзингдан оғир осма соат беришипти-ку!

— Оталарини кўрдингми? Мен кўрдим: масжид олдидаги оқсоқ тиланчи бор-у, ўша ҳам ундан ўн марта тоза...

Булар ҳам:

— Вой-бў, зобитнинг кўзларига қаранг. Мунчаям олакўз-а... Одам тунги тушида кўрса, ваҳмидан ўтакаси ёрилади, — деб қўйишди..

Махмура зўрлайвергандан кейин Ламиа тикишини бир четга қўйиб, хоҳламайгина дераза олдига келди.

Зобитни кўрганда ҳайрат-ла "А" деди. Икки ой аввал поездда учраган қари мингбоши эди. Худди шу аснода устки қаватдаги пардасиз хоналардан бирида бир граммофон чалиниб қолди.

Ламиа бошини кўтарганда мингбошининг дўмбоқ қизини кўрди. Мақбула нозлана-нозлана ўйнар, бир ёндан деворга суяб қўйилган бир катта ойнадан ўзини кузатарди.

Махмура қаҳ-қаҳ отиб кулди: "Вой худо, менга жуда ёқди...Кувноқ одамларга ўхшайди. Эртага, насиб этса, "хуш келибсизлар"га чиқаман", — деди.

* * *

Янги қўшнилар ҳақиқатан қувноқ, хушчақчақ инсонлар эди. Юк ташиш ва жойлашишлардан ҳориган бўлишларига қарамай ўша оқшом кўп кулишдилар, шовқинлашдилар. Парда ўрнига деразаларга илинган ётоқ чойшаблари устида ёйилган сочли хотин соялари бир-бирини йиқитар, бир-бирини қувлашарди.

Ҳар оқшом ҳуфтон намозини ўқиб бўлиши биланоқ ухлашга ётадиган Ҳурияхоним ўша кеча деразадан нари кетмади: "Жуда маза қилдим, Қоракўз[1]га боргандай бўлдим", — дерди.

Бир ора яна граммофон қўйиб қолишди: "Кўнйали", "Яша, Адана-ли" қўшиқларини устма-уст нақ йигирма марта қўйишди.

Ризобей оиласи икки кун ичида янги қўшнилар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди.

Ламиа мингбошининг поезддаги муомаласини унутмаганди. Янги қўшниларникига чиқмас, улар киришганда чарчаганлик ё бирор ишни баҳона қилиб, хонасига қамалиб оларди. Мақбула Ламианинг нима учун ўзини тортишини билганди.

Ножия холаси билан бирга Махмурага меҳмон бўлгани бир кун унинг хонасига чиқди, ҳеч қандай муқаддимани лозим ҳам кўрмай:

— Мендан тортинишинг сабабини тушунаман, — деди. — Бей отамдан тортиняпсанми? Худо ҳақи, ундан рухсат олдим. Менга қара,

[1] Қоракўз — туркларнинг ҳажвий қўғирчоқ театри.

мен бу ерда бор-йўғи бир ой қоламан... Сўнгра Измирга кетишим керак...

Ламиа қизарди, тараддудланди, нима деб жавоб беришни билмади.

Қаршисидаги одам билан беш дақиқа ҳам баҳссиз гаплашолмайдиган дўмбоқ Мақбула, уни қучоғига олди, ғалати бир такаллуфсизлик билан кулганча ёноғидан ўпди ва уни силкитиб, таҳдид қила бошлади:

— Нозлансанг билганларимни айтаман... Қўшилмасанг, мен ҳам қўшилмайман, ҳа, — дер эди.

Ламиа бу соф, қувноқ ва гапдон қиз билан аҳбоб бўлди. Махмура ила бирга ора-сира унинг олдига кириб-чиқиб юрди. Ҳатто бир марта даҳлизда қари мингбошига дуч келди. Қочмоқчи бўлди. Мақбула зўрлик қилди, уни этагидан ушлаб олиб мажбурлаб отасининг қўлини ўптирди.

Мақбуланинг энг катта завқи граммофон чалиб қўшиқлар айтиш, кўча рақсларига ўйин тушиш эди.

Баъзан Махмура ҳам унга жўр бўлар, битта мусиқани такрор-такрор қўйиб бир-бирларига қараб ўйнардилар.

VIII

Бир кун Махмура жавонда чанг босиб ётган бир лаппак қутичасини кўрди.

— Буларни нега ҳеч чалмаймиз? — дея сўради.

Мақбула "улар ҳеч нарсага ярамайди, — деди. — Отам арзон экан деб сотиб олган... Бири синиқ, бири беўхшов нарсалар..."

Ламиа уларни қизиқиб қўлга олди. Бир бўз дока билан чангларини артди, битта-битта граммофонга қўя бошлади.

Лаппаклар чиндан ҳам лат еган эди. Биридан аралаш-қуралаш, узуқ-юлуқ бир нола келар, бошқаси тартибли бир оркестр мусиқасидан бошланиб, тўсатдан овози ўзгарар, бўғизланган ҳайвонлардай қулоқни йиртувчи машъум бир сас билан ҳайқира бошларди.

Махмура бу лаппакни уч-беш карра айлангандан кейин тўхтатар, ўрнига бир бошқасини қўярди.

Яна биттасидан тушда эшитилган овозлардай енгил, эски бир хотирадай қоришиқ, нозик бир камон саси кела бошлади.

Махмура у лаппакни ҳам тўхтатмоқчи бўлаётганди, бир қўл туйқусдан билагидан маҳкам ушлади:

— Буни қўйинг, опа...

Махмура бошини ўгирганда Ламиани кўрди. Ёш қизнинг чеҳраси бирдан ўзгарганди. Граммофоннинг ичидан кескин, совуқ тоғ шамоли эсаётгандай бутун вужуди титрар, ранги ўчган, кўзлари юмилган, сариқ ингичка сочлари манглайига тўкилганди.

Махмура граммофонни унутди. Унинг муздай совқотган билакларини тутиб: "Сенга нима бўлди, Ламиа?" деди.

Ламиа "Ҳеч нима... ҳеч нима бўлгани йўқ..." дея ўзини тутишга уринар, бошини ён тарафга ўгирарди. Юзи хавотир-ла уни қучоқлаётган Мақбуланинг елкасига тушди. Ортиқ чидаёлмади, бошини ўртоғининг елкасидан олмай ичкин-ичкин йиғлай бошлади.

Унутилган лаппак ҳамон айланар, ёш қизнинг икки ёз аввал бошини "У"нинг пианиносига тираганча тинглагани ўша мусиқий парчани такрорлар, ўша абадиян сўнган ёз ва ойдин кеча рўёсини жонлантирар, бу эски хотиралардай ўчирилган, тушда эшитилган овозлардай енгил камон сасини такрор-такрор гавдалантирарди.

Бу, лат еган, артилган граммофон лаппаги Ламиа учун кутилмаган бахт бўлди. Мақбулаларникига бориладиган кунларни сабрсизлик билан кутар, ойнанинг қаршисида астойдил ясаниб-тусанар, гўё севгилиси билан учрашувга кетаётгандай қалби теран ҳаяжонлар-ла титрарди.

Ўша йили Кутаҳйада шиддатли қиш бўлди. Ҳаво доимо булутли ва нотинч эди. Ташқарида дам узун ёмғирлар ёғар, дам изғириқлар ғизиллаб кетарди.

Лаппак айлана-айлана, мозорлар нарёғидаги бошқа дунёлардан келгандай камон узоқ ва рўёли овози билан ўз ноласини бошлаганда, ёмғир тинар, шамол сусаяр, деразадаги қорлар тўкилар, хонада илиқ ёз ҳавоси эса бошларди. Ламиа сўлғин нозик юзини кафтлари орасига олар, ярим юмуқ яшил кўзлари Бўзёқанинг оч кулранг маҳтоблари, оппоқ саҳарлари, нақшин ишкомларидан эланган заррин қуёш шуъларини билан тўларди.

Карам яна читлембиклар тагида вазмин-вазмин айланар, Қузғун яна қариган бошини этакларига сурар, вужуди яна оҳиста-оҳиста "У"нинг қучоғига тушарди. Ёш қиз ҳорғин бир хаёлга чўмганча бу қучоқни тарк этар, бошини "У"нинг кўксида қолдирар, кичик қўлларини билан елкаларига осиларди.

Шу тариқа "У"нинг қучоғида, маҳтобнинг оқ хаёлотлар билан тўлдирган қарағай ўрмонларида айланар, оқар сувлардан сакрар, Чўлпон юлдузи чиққанда атрофи чакалаклар билан ўралган ингичка йўллардан қайтарди.

Кўзларида "У"нинг мовий кўзларининг заҳри, дудоқларида "У"нинг бўсасининг оташи-ла бу уйқудан уйғонгани вақт вужуди бир севги ва эҳтирос мужодаласидан қутулгандай ҳорғин, узгун ҳолда бўларди, лекин руҳи, тушида онасини кўрган бир ўксиз[1] каби, бахтиёр бўларди.

Бу саодат баҳоргача давом этди. Ҳаволар исиб, гуллар очила бошлаган кунларнинг бирида катта бир фалокат юз берди. Тиниб-тинчилаган кунларнинг бирида катта бир фалокат юз берди. Тиниб-тинчимас бир бола бехосдан лаппакни ерга тушириб синдириб қўйди. "Ўзи унча яхши эмасди... Зарари йўқ... Келган бало-қазо ўшанга урсин, ўзини худо асрасин" дедилар.

Ламиа ҳеч нима демади, лекин ўлик каби сарғайди. Бу синган лаппак эмас, ўз қалби эди. "У"ни энди бутунлай йўқотгандай бўлди.

[1] Ўксиз — етим.

IX

Найсон ойи ўтганди. Бир куни кечқурун пастдаги даҳлизда овқатланиб ўтиришарди. Махмуранинг эри Росих Афанди тўсатдан муштини масага урди:

– Энди бунчаликка чидаб бўлмайди... Бу безорилар бошимни балога қўйишади, – дея бақирди.

Юзи қип-қизариб кетган, чакакларининг томирлари учиб турарди. Болалар қўрқиб кетишди, хотинлар хавотирда...

Ризобей қошларини чимириб сўради:

– Нима гап, нима бўлди?

Росих қайнотасидан ҳайиқар, унга доима ҳурматини жойига қўйиб гапирарди. Шунга қарамай асабийлик билан:

– Нима бўларди... Эшитмаяпсизми айтаётган қўшиқларини? – деди. – Мен мутлақо бир жанжал чиқараман...

Бир дақиқа олдин бир қанча ёш-яланг йигитлар бозорда айтиладиган қўшиқлардан бирини айтганча кўчадан ўтгандилар.

Махмура эри яна бир балони бошлаш учун баҳона қидиряпти деб ўйлади.

– Сенга нима... Ҳар ким сендан қўшиқ айтиш учун рухсат сўрасинми энди... Ҳам бунда нима ёмонлик бор? – дея эътироз билдира бошлаган эди, Росих жаҳл билан:

– Сен жим бўл, – деди. – Билмаган нарсангга аралашма...Бир сабаб бордирки, зардам қайнагандир.

Ризобей такрор сўради:

– Нима гап, Росих... Ёмон гап сўйлаяптиларми?

Росих боши билан хотинларни ва болаларни кўрсатди:

– Кўп гапирмайман, ота, – деди. – Бу ердан ўтганларнинг қўшигига диққат қилдингизми? Шу пайтгача ҳеч ким буни сезмаганига ҳайронман.

Сочиғини ғазаб билан дастурхоннинг устига отиб ташқари чиқди.

Ламиа Росих Афандининг бу сўзларни айтаркан ғалати бир назар билан ўзига қараганини сезганди. Кимсага ҳеч нима демади. Лекин қалбига бир шубҳа оралаганди. Маст эрни бунчалик аччиқлантирган қўшиқнинг мутлақо ўзи билан бир алоқаси бор эди. Ёш қиз эртаси кун қўшиқни ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги икки боланинг оғзидан эшитди:

"Қоровулбошининг сиртидадир абоси,
Кичик хонимнинг қорнидадир боласи,
Қоровулбоши бу боланинг отаси,
Эвоҳ, кичик хоним, қандай қийдинг зобитга,
Шонли зобит ўхшармиди у итга."

* * *

Ҳурияхоним айтган *"қизил кўйлак"* ниҳоят ҳаммага кўриниб қолганди. Кутаҳйа Ризобейга Измирдан меҳмон бўлиб келган покиза тулнинг қиссасини аллақачон билиб бўлганди. Яширинча миш-мишлар

шаклида тилларда достон бўлган бу воқеа ниҳоят оддий қора халқнинг қўшиғи билан ҳаммага маълум бўлиб қолганди.

Ҳеч қандай муҳим воқеа юз бермайдиган кичик шаҳарнинг эртакка эҳтиёжи воқеани кундан-кунга қўшиб-чатиб, бўрттириб, уни серҳаяжон бир саргузашт роман ҳолига келтирарди.

Ёш қизнинг ташқарига чиқмаслиги шаҳар аҳлида катта қизиқиш уйғотганди. Энг кутилмаган кимсалар кўчадан ўтаркан, деразаларга боқар, сайилгоҳларда уни муҳокама қилиб ўтирардилар.

Ламиага уйда ҳамма хафадай кўринарди. Ризобей энди унинг юзига қарамасликка тиришар, Ҳурияхоним доимо янги маъноли аччиқ сўзлар айтар, Махмура ҳам унга нисбатан совуқ муомала қила бошлаганди.

Айниқса, Росих Афандининг ғижинишлари кундан-кунга ортиб борарди. Янги келганда Ламиага энг ширин муомала қилган у эди. Энди унга тушунарсиз бир асабийлик ва нафрат билан гапирар, баъзан кўпол имолар қилишдан ҳам ўзини тиёлмасди.

Фақатгина Мақбула унга содиқ қолганди. У энди отаси билан бирга бошқа бир уйда турарди. Мингбоши Измирга қайтадиган куни Маъмурот ул-Азизга тайинланганига доир бир буйруқ олди, шундан кейин жони сиқилиб истеъфо сўраб ариза ёзди.

Ламиа бир нарсадан ҳайратланарди. Камолбей тўрт-беш ой олдин қизининг ўзи билан бирга бир вагонда бир жойда ётиб кетишига рози бўлмаганди. Ҳолбуки энди уларнинг бир-бирлари билан борди-келди қилишларини маъқул кўрар, ҳатто Ламиага дуч келганда кўнглини олар, бир ота меҳри билан ширин сўзлар айтарди.

Ёмон муомалага мубтало бўлган бу кунларда, ҳаётининг ва кўнглининг малул ёлғизлигини сал бўлса-да юмшатадиган икки заиф тасалли қолганди: Мақбуланинг дўстлиги... сўнгра кечалари хонасига қамалиб олиб "У"нга ёзадиган мактублари...

Энди ҳар доим "севгилим" деб бошлайдиган бу соф мактублари кундан-кунга нозик, ҳассос бир самимиятга тўлиб борар, Ламиа кунларининг бутун аччиқ аламлари, бутун шикоятларини унга тўкиб соларди. Сўнгра бу ҳазин нарсалар билан уни хафа қилиб қўйишдан, кўнглини вайрон қилишдан қўрққандай мактубини доимо бир тасалли сўзлари била битирарди. "Буларнинг нима зиёни бор... Модомики мени ойларча камонингнинг гўзал саслари билан ухлатгандинг, уйғотгандинг... Модомики неча-неча кечалар мени ойдинларда кездирдинг... Модомики яқингинада сенинг жонли бир ёдгорингни қўлларимда кўтариб юрарман... Бу аламларнинг нима аҳамияти бор" дер эди. Мактубларига доимо "Сенинг Чаросинг" дея имзо чекарди.

Май ойининг охирларида бир куни оқшом "У"га шу мактубни ёзди:

"Бир ҳафтадан бери сенга мактуб ёзмадим. Кўп хаста эдим. Доим ўлим таҳликаларини бошдан кечирдим. Сўнгра бу бир ҳафта ичида мени ҳеч ёлғиз қўймадилар. Хонамда ётган қари бир қўшни хоним сал олдин ухлади. Сурина-сурина лампанинг ёнигача бордим... Сенга бир

неча сатр қоралаяпман. “Мабрура” юзида мовий яман рўмоли билан ётоғида ухлаяпти. Мабрура[1] кимлигини билмайсан-а, тўғрими? Мен сенга ўхшаган бир ўғил бола кутгандим. Сенинг исмингни бериш учун баҳоналар ҳам топиб қўйгандим, аммо умидим пучга чиқди. Мабрурани унчалик кўп севмайман. Лекин жуда раҳмим келади. Заиф, кичкина, капалакдай бир чақалоқ...”

X

Бир кеча Росих Афанди одатига хилоф равишда уйга кеч келди. Ўзини билмас даражада ғирт маст эди. Кўчаларда йиқилган, фасини йўқотган, усти-боши тўз-тупроқ эди.

Тушунарсиз бир телбалиги тутганди. Ҳовлининг тошлари устига чалқанча ётиб ит каби увиллар, “Мен тамом бўлдим, мен йўқ бўлдим. Бу уй менга ҳаром! Қайнотамни чақиринг. Унга икки оғиз гапим бор” дея бақириб-чақирарди.

Ризобей алланималар деб хонасига кириб олганди. Бундай жўшқин-тошқин вақтларда куёви билан ади-бади бўлишни хоҳламас, буткул юз-кўз бўлишдан хавфсирарди.

Ҳуриёхоним ила Махмура қайта-қайта унинг тепасига кела-кела, охири уни судрай-судрай хонасига чиқардилар.

Ламиа унинг ўрта қаватдаги хонасида ярим соат бақирганини, хотинига англашилмас бир нарсалар гапирганини, ҳатто бир оралиқ йиғлаганини эшитди. Сўнгра аста-аста овозлар узилди, уйга теран сукунат чўкди.

Ламиа эндигина лампасини ўчирган, ётоғига кирганди. Қулоғига зиналардан енгил бир туфли шарпаси келди. Бир оздан сўнг эшиги очилди. Махмура қўлида бир шам билан ичкари кирди. Жувоннинг сочлари ёйилган, юзида бир томчи қон қолмаганди. Ламиа дарҳол ўрнидан отилиб турди: “Нима гап... Нима бўлди?” дея сўради.

Махмура қўлида шам билан эшикнинг ёнига чўккалади. Бутун вужуди титрар, тишлари бир-бирига урилиб такилларди.

Ламиа такрор сўради:

— Нима бўлди сенга... Сени бир нарса қилдими?

У жуда қаттиқ азоб-уқубат билан: “Тамом бўлдим... Уйим-жойим хароб бўлди” дея олди, сўнгра юзини Ламианинг ёстиғига босганча қичқира бошлади.

Ламиа қайтадан лампасини ёқди. Махмуранинг яланғоч елкаларини бир жун шарф билан ўраб уни кўрпачага ўтқазди.

Бу қўрқув, умидсизлик ва ғазаб аралаш бир асабий йиғи эди. Бир оздан сўнг ўзига келди. Кесиб-кесиб ичини ёра бошлади:

— Ламиажоним, сендан ҳеч бир нарсани яширмайман... Мен бир неча ойдан бери бир жандарм човуш[2]ини севаман. Анов ора-сира кўчадан ўтадиган узун бўйли, жингалак сочли, чағир кўзли човуш...Мендан аввал Ханифа Отиннинг келини ҳам севганди... Мени айбламайсан, шундай эмасми? Сенинг ҳам бошингга тушган...Инсон кўнглига ҳукм ўтказа оладими? Ҳар неки бўлмасин, бир нодонлик бўлди. Аввало бир-биримизга узоқдан имолашардик... Бир куни мен уйнинг олдидан...нинг уйига бир иш билан боргандим... Аксига олиб кампирнинг ҳаммомга боргиси келиб турган экан... Човуш уйда ёлғиз экан...Мени зўр билан қўлимдан ушлаб ичкарига тортди... Ўзинг ўйла, ханжарли, милтиқли ман-ман деган ўғри-қароқчиларни тутиб, қамоққа тиқадиган арслондай бир жандарм човуши... Мендай заиф бир хотин унга қаршилик қила олармиди?

Ўша кундан сўнгра тез-тез кўриша бошладик. Мен ярим кечаси яширинча боққа тушар, боғ эшигида уни кутардим... У ташқарида, мен ичкарида беш-ўн дақиқа гаплашардик... Таҳликали бир нарса, аммо човушим билан кўришиш учун бошқа чора йўқ эди... Ниҳоят, ўтган куни кечаси човушимнинг яна қайсарлиги тутиб қолди, эшикни итарди, зўр билан ичкари кирди. Девдай эркакка қарши мен нима қила олардим? Шундай эмасми? Беш-ўн дақиқадан кейин човушим ташқари чиқаркан, доя Одилахонимнинг ўғли Мамдуҳ билан бурун-бурунга тўқнашмасинми? Мен қандай ҳолга тушганимни бир тасаввур қилгин... Мен ҳам эндигина чала-ярим кўчага чиққандим. Қўлларим билан юзимни тўсиб ичкарига қочдим... Бу оқшом бизнинг эр, Мамдуҳ билан бирга майхонада экан... Инсофсиз хотинбоз эримга ҳаммасини айтиб берган... Уйим-жойим хароб бўлди, бир чақалик бўлдим...

Ҳикояни айтиб бераркан, бир оз тинчиган Махмура янгитдан йиғлашга тутинаётганди, Ламиа ҳаяжонланиб сўради:

— Мамдуҳ айтиб берганини қаёқдан билдинг?

— Бу кеча ўлгунча ичганининг сабаби шу... Сўнгра мастлик билан ўйлаган гапини оғзи билан айтиб юборди: “Қараб тур, сенга қандай ўйин ўйнашни кўрсатиб қўяман.. Ҳали тонг отсин, кўрасан” деди.

— Балки бошқа нарсадан жаҳли чиққандир...

— Йўқ, Ламиа... Эрим ҳаммасини билган... Яна бошқа гаплар ҳам айтди: “Ўша боғ эшиги олдида сенинг жонингни оламан” деб томоғимдан бўғмоқчи бўлди. Ўзимни зўрға қутқардим... Барака топкур яхшиям ғирт маст... Қимирлашга ҳоли йўқ эди... Эртага Росих мени талоқ қилади...

Човушим унчалик ёқимтой эмас, аммо унга ҳам кўнглим тушган... Илк кўрганим ҳақиқий эркак у бўлди... Деярли бир йил бир ёстиққа бош қўйдик. Ундан бошқа болаларим ҳам бор... Айниқса буниси бир жанжалли масала...

Отам билса мени албатта ўлдиради...

Ламиа буларни эшитиб жуда хафа бўлиб кетди. Унга қўшилиб йиғлаб юбормаслик учун ўзини зўрға-зўрға босиб турарди: “Оҳ, Махмура, нега бундай болаликка бординг-а...” дер эди.

[1] “Мабрура” — “Хайрли” дегани, биздаги “Хайрия”нинг синонимми.
[2] Човуш — сержант.

Жувон хафалигига, шашқатор ёшларига қарамасдан енгил бир кулимсашдан ўзини тиёлмади:

– О синглим, бундай ҳоллардан бехабардай гапирма... Сен нега унашилган йигитинг бўлатуриб ёши катта қоровулни севдинг... Кўнгил бу... у гапга кирадими? – деди.

Ламиа ҳазин-ҳазин олдига қаради, жавоб бермади.

Махмуранинг яширин бир мақсади бор эди. Ора-сира Ламиага қиё боқиб қўяр, сўзни нимадан бошлашни билмасди.

– Оллоҳ тинчингни бузмасин, Ламиа... Мен кетяпман, – деди. Сўнгра овозини ёлғондакам титратиб илова қилди: "Кел, сени бир ўпиб қўяй... Балки ортиқ бир-биримизни кўрмасмиз...Менга ҳаққинг ўтган бўлса, ҳалолла, Ламиажоним!.."

Ёш қиз ҳайрат билан кўзларини унга қадади:

– Нима учун... Нима бўлади... эринг сенга бир нарса... ёмонлик қилишидан қўрқяпсанми?

– Йўқ, Ламиажоним, бунинг учун эмас... Оллоҳга ҳавола, Ламиа..

– У ҳолда нима гап?

– Бундан ортиғини айтолмайман.. Оллоҳга ҳавола. Энди ҳаёт менга ҳаром бўлди...

Махмура эшикка қараб юрди. Кетаркан яна бир бор ортига қайтди. Овозини яна ёлғондакам титратиб:

– Ойимга, укаларимга айт... Болаларимга яхши қарашсин, – деди.

Ламиа тўсатдан уни билакларидан тутди, зўр билан қўлидан шамини олди:

– Сенинг фикринг ёмонга ўхшайди, Махмура...Нима қилишингни менга айтмаяпсан... Икки дунёдаям сени қўйвормайман... Нима қилмоқчисан?

Жувон, унинг бундай хафа бўлиб кетганини кўриб, мамнун бўлди. Талабларига қаршилик қилолмаётгандай:

– Айтишни хоҳламайман, аммо модомики бунчалик зўрлик қилаётган экансан... хўп, майли... – деди. – Мен ўзимни ўлдираман. Бу доғни ўлимдан бошқа ҳеч нарса юволмайди. Энди ўзимни қудуққа отаман...

Ламиа енгил бир фарёд кўтарди, титраётган қўллари билан уни бўйнидан қучоқлаб, ёлвора бошлади:

– Худо ҳаққи, бу фикрингдан кеч, мен ҳам худди сенга ўхшаб ўзимни ўлдирмоқчи бўлгандим. Бўлмади... Энди бундай қилмаганимга пушмон эмасман.. Оллоҳ тасалли беради... Ҳам балки эринг ҳеч нима билмас... Унга бўлмаса, тўрт болангга ачин...

– Йўқ, Ламиажоним... Бу гуноҳдан бошқача покланиш мумкин эмас. Қўйвор мени... Ўлганим яхши... Энг кичик боламни сен ол... Мабрура билан бирга ўстирарсан...

Ламиа умидсизликдан ҳаяжонланиб йиғлай бошлади:

– Ундай қилма, Махмура опажоним. Балки бир чора топармиз... Росихбейни тинчитармиз....

Махмура пок кўнгилли амакиваччасининг шу лаҳзасини, шу сўзини кутаётган эди. Маъюсона елкаларини силкитди:

– Эримни тинчитиш учун бир чора бор, аммо у ҳам имконсиз....

– Қанақа чора?

– Боғ эшигида човуш билан гаплашган аёл мен эмаслигимни айтиш, исбот қилиш...

– Аммо, бунинг иложи йўқ... Уйнинг ичида укаларим билан сендан бошқа аёл зоти йўқ... Укаларим ҳали кичкина қизлар, ўғиллар.. . Бармоқдай болалар... Сенинг эса зотан ўз дардинг бошингдан ошиб ётипти...

Ламиа олдинга қараганча жим бўлиб қолди, теран-теран ўйларга ботди.

Махмура:

– Сен бу қабоҳатни устингга олсанг, ҳеч кимса сендан гумонсирамайди. "Гап шундай, почча, човуш билан гаплашган хотин мен эдим" дейишинг билан табиий у мамнун бўлиб тинчийди... Қайнисинглиси ё бошқа биров учун жони ачишади, аммо ҳар ҳолда бировга бир нарса демайди... Гап-сўзни босди-босди қилиб юборади...

Ламиа қўлларини юзига босган, кўзларини бекитганди. Нима ўйлаётганини, нима ҳис қилаётганини билиб бўлмас эди.

Махмура андишали бир назар билан унга қаради. Сўнгра овозида яна ўша ёлғондакам титроқ билан такроран васиятларини бошлади:

– Ламиажоним, ойимга, укаларимга тасалли бериш вазифаси сенга қолади. Оҳ, болаларим. Энг кўп шуларга ачинаман. Тўрт бола... осон эмас...

Ламиа сўлғин юзини кўтарди, яшил кўзларида соф бир марҳамат, ҳорғин бир фидокорлик билан:

– Яхши, опажоним... Қоровулни ҳам, жандарм човушини ҳам мен севган бўлақолай, – деди.

XI

Эртаси тонг-ла Росих Афанди боғдаги катта ёнғоқ дарахтининг тагида ўтирарди. Кечаги ҳаддан зиёд асабий ҳорғинлиги уни эзган, касал қилиб қўйганди. Юзи сап-сариқ, кўзларининг оқи қипқизариб кетган, қовоқлари шишган, кўмкўк кўкариб кетганди.

Махмура ила Ламиа бир оз нарида ёнма-ён паст бир ошхона курсиларида ўтиришарди.

Ризобейнинг кичик қизи Зубайда фавқулодда бир нарсалар юз берганини ҳис этганди. Ҳидини олган бир този ит каби асабий-асабий айланар, бу ерлардан узоқлашгиси келмасди.

Махмура уни ёнига чақирди:

– Кел, қизим... Менга ёрдам бер... Гиламларни қоқамиз, – деди. Сўнгра Ламиага боши билан имо қилиб у ердан узоқлашди.

Росих Афанди ора-сира қаттиқ-қаттиқ йўталар, бармоқлари билан чаккаларини сиқиб, "Бошим ёрилади!" – дерди.

Ламиа узоқ бир иккиланишдан сўнг ўрнидан турди, титраб-титраб гап бошлади: "Почча... Махмура опанинг айби йўқ... Уни қийнаманг..."

Жувон хафалигига, шашқатор ёшларига қарамасдан енгил бир кулимсашдан ўзини тиёлмади:

– О синглим, бундай ҳоллардан бехабардай гапирма... Сен нега унашилган йигитинг бўлатуриб ёши катта қоровулни севдинг... Кўнгил бу... у гапга кирадими? – деди.

Ламиа ҳазин-ҳазин олдига қаради, жавоб бермади.

Махмуранинг яширин бир мақсади бор эди. Ора-сира Ламиага қиё боқиб қўяр, сўзни нимадан бошлашни билмасди.

– Оллоҳ тинчингни бузмасин, Ламиа... Мен кетяпман, – деди. Сўнгра овозини ёлғондакам титратиб илова қилди: "Кел, сени бир ўпиб қўяй... Балки ортиқ бир-биримизни кўрмасмиз...Менга ҳаққинг ўтган бўлса, ҳалолла, Ламиажоним!.."

Ёш қиз ҳайрат билан кўзларини унга қадади:

– Нима учун... Нима бўлади... эринг сенга бир нарса... ёмонлик қилишидан қўрқяпсанми?

– Йўқ, Ламиажоним, бунинг учун эмас... Оллоҳга ҳавола, Ламиа..

– У ҳолда нима гап?

– Бундан ортиғини айтолмайман.. Оллоҳга ҳавола. Энди ҳаёт менга ҳаром бўлди...

Махмура эшикка қараб юрди. Кетаркан яна бир бор ортига қайтди. Овозини яна ёлғондакам титратиб:

– Ойимга, укаларимга айт... Болаларимга яхши қарашсин, – деди.

Ламиа тўсатдан уни билакларидан тутди, зўр билан қўлидан шамини олди:

– Сенинг фикринг ёмонга ўхшайди, Махмура...Нима қилишингни менга айтмаяпсан... Икки дунёдаям сени қўйвормайман... Нима қилмоқчисан?

Жувон, унинг бундай хафа бўлиб кетганини кўриб, мамнун бўлди. Талабларига қаршилик қилолмаётгандай:

– Айтишни хоҳламайман, аммо модомики бунчалик зўрлик қилаётган экансан... хўп, майли... – деди. – Мен ўзимни ўлдираман. Бу доғни ўлимдан бошқа ҳеч нарса юволмайди. Энди ўзимни қудуққа отаман...

Ламиа енгил бир фарёд кўтарди, титраётган қўллари билан уни бўйинидан қучоқлаб, ёлвора бошлади:

– Худо ҳаққи, бу фикрингдан кеч, мен ҳам худди сенга ўхшаб ўзимни ўлдирмоқчи бўлгандим. Бўлмади... Энди бундай қилмаганимга пушмон эмасман.. Оллоҳ тасалли беради... Ҳам балки эринг ҳеч нима билмас... Унга бўлмаса, тўрт болангга ачин...

– Йўқ, Ламиажоним... Бу гуноҳдан бошқача покланиш мумкин эмас. Қўйвор мени... Ўлганим яхши... Энг кичик боламни сен ол... Мабрура билан бирга ўстирарсан...

Ламиа умидсизликдан ҳаяжонланиб йиғлай бошлади:

– Ундай қилма, Махмура опажоним. Балки бир чора топармиз... Росихбейни тинчитармиз....

Махмура пок кўнгилли амакиваччасининг шу лаҳзасини, шу сўзини кутаётган эди. Маъюсона елкаларини силкитди:

– Эримни тинчитиш учун бир чора бор, аммо у ҳам имконсиз....

– Қанақа чора?

– Боғ эшигида човуш билан гаплашган аёл мен эмаслигимни айтиш, исбот қилиш...

– Аммо, бунинг иложи йўқ... Уйнинг ичида укаларим билан сендан бошқа аёл зоти йўқ... Укаларим ҳали кичкина қизлар, ўғиллар.. . Бармоқдай болалар... Сенинг эса зотан ўз дардинг бошингдан ошиб ётипти...

Ламиа олдинга қараганча жим бўлиб қолди, теран-теран ўйларга ботди.

Махмура:

– Сен бу қабоҳатни устингга олсанг, ҳеч кимса сендан гумонсирамайди. "Гап шундай, почча, човуш билан гаплашган хотин мен эдим" дейишинг билан табиий у мамнун бўлиб тинчийди... Қайнисинглиси ё бошқа биров учун жони ачишади, аммо ҳар ҳолда бировга бир нарса демайди... Гап-сўзни босди-босди қилиб юборади...

Ламиа қўлларини юзига босган, кўзларини бекитганди. Нима ўйлаётганини, нима ҳис қилаётганини билиб бўлмас эди.

Махмура андишали бир назар билан унга қаради. Сўнгра овозида яна ўша ёлғондакам титроқ билан такроран васиятларини бошлади:

– Ламиажоним, ойимга, укаларимга тасалли бериш вазифаси сенга қолади. Оҳ, болаларим. Энг кўп шуларга ачинаман. Тўрт бола... осон эмас...

Ламиа сўлғин юзини кўтарди, яшил кўзларида соф бир марҳамат, ҳорғин бир фидокорлик билан:

– Яхши, опажоним... Қоровулни ҳам, жандарм човушини ҳам мен севган бўлақолай, – деди.

XI

Эртаси тонг-ла Росих Афанди боғдаги катта ёнғоқ дарахтининг тагида ўтирарди. Кечаги ҳаддан зиёд асабий ҳорғинлиги уни эзган, касал қилиб қўйганди. Юзи сап-сариқ, кўзларининг оқи қипқизариб кетган, қовоқлари шишган, кўмкўк кўкариб кетганди.

Махмура ила Ламиа бир оз нарида ёнма-ён паст бир ошхона курсиларида ўтиришарди.

Ризобейнинг кичик қизи Зубайда фавқулодда бир нарсалар юз берганини ҳис этганди. Ҳидини олган бир този ит каби асабий-асабий айланар, бу ерлардан узоқлашгиси келмасди.

Махмура уни ёнига чақирди:

– Кел, қизим... Менга ёрдам бер... Гиламларни қоқамиз, – деди. Сўнгра Ламиага боши билан имо қилиб у ердан узоқлашди.

Росих Афанди ора-сира қаттиқ-қаттиқ йўталар, бармоқлари билан чаккаларини сиқиб, "Бошим ёрилади!" – дерди.

Ламиа узоқ бир иккиланишдан сўнг ўрнидан турди, титраб-титраб гап бошлади: "Почча... Махмура опанинг айби йўқ... Уни қийнаманг..."

Кечадан бери ўйлаб қўйган сўзларини тополмас, кўзларининг ўнгида учқунлар учар, қулоқлари шанғилларди.

Росих Афанди сал-пал жонланди, қошларини чимириб:

– У шундай деди, аммо ишонмайман, – деди.

Ламиа кесиб-кесиб давом этди:

– Ишонинг, почча... Махмура опам тўғри айтяпти. Ўша кеча човуш билан... боғ эшигида гаплашган... мен эдим, почча... Беҳуда унинг гуноҳига кирманг...

Росих жавоб бермас, қонталаш кўзларининг ўткир, ғариб бир назари билан унга қararди.

Ламианинг энди жасорати ортган эди. Фидокорлиги оташин тусга кирган, дона-дона қилиб сўзлашда давом этарди:

– Мендай қиздан кутса бўлади-ку бундай нарсаларни, почча... Биласиз, ўтган йили... Шундай эмасми: Човушни ора-сира кўриб тураман... Етар энди, почча.. Ортиқ гап-сўзга ҳожат йўқ...

Росих ҳамон ўткир ва ғариб назар билан боққанча:.

– Қачондан бери бундай муносабатдасизлар?

– Билмадим... Бир ойча бўлди... Балки сал ошгандир...

– Яна қачонгача давом этади?

– Ҳеч.. Энди битди...

– Бундай деб ўйламайман... Сен осон-осон бундай ишлар қиладиган қизга ўхшамайсан... Нимасини севдинг ўша мўйловдор мискин ҳарифнинг? Нимасини сева олдинг, айт менга?

Росих яна ўрнидан туриб кетган, Ламианинг нақ ёнигача келганди. Бир оз аввалги сўник, хаста кўзлари ғаройиб бир оташ бўлиб порлар, ҳорғин юзи жонлана бошлаётган эди. Бир ҳайвон хир-хирига ўхшаган сиқиқ овоз-ла:

– Айт, қаерларда кўришардингиз... У малъун сени қандай қилиб қўлга олди? Демак, биз эшакка ўхшаб хўрр-хўрр ухларкан, сен унинг қучоғида...

Давом этолмади.. Тез-тез бошини ўгириб, орада бир ошхона эшигига боқар, уни билакларидан ушлаб олиб, қучоқламоқчи бўларди.

Ламиа бу ғаройиб ҳаяжондан даҳшатга тушиб бир одим орқага тисланди. Кескин бир овоз билан: "почча.." деб бақирди.

Росих бирдан ўзига келди, такрор олдинги жойига қайтди. Лекин ўзини тутолмас, човуш учун аламли, оғир гапларни айтарди:

– Қараб тур, у пасткаш ҳарифнинг ҳиқилдоғидан бўғаман... Яна бир марта бу ердан ўтганини кўрсам ўлдираман...

– Бундай қилсангиз тўғри бўлмайди, почча... Мени ўлдиринг ундан кўра...

Росих аччиқ ва қўпол бир қаҳқаҳа билан кулди:

– Мен эмас... Сен мени... Яъни бизни, оиламизни ўлдиришга қасд қилгансан... Оёғингни билиб бос, Ламиа... Яна бирontасига жилмайганингни кўрсам, ножўя қадам босганингни сезсам, сени ўлдираман... Қани, бўлди, бу ерда турма... Йўқол кўзимдан...

XII

Жандарм човуши масаласи атрофга ёйилмасдан босди-босди қилинганди. Ламиа ортиқ Росих Афандининг юзига қарай олмас, бурчакма-бурчак ундан қочиб юрарди. Лекин Росих қандайдир бу масалани унутолмас, ғазаби, асабийлиги кундан-кунга камаймас, аксинча ортиб борарди. Кўчада бирonта қадам шарпаси эшитилса шу ондаёқ деразага югурар, баъзи кечалар алламаҳалда ўрнидан туриб боғни айланарди.

Ламиага муомалада қарори йўқ эди. Уни кўрган чоғида бошини ўгириб олар, ғазаб билан қошларини чимирар, гапиришга тўғри келиб қолса ёвқараш қилиб, менсимай лабларини бурарди.

Сўзларида доимо аччиқ, ҳақоратомуз имолар бор эди. Дастурхон устида ё ўчоқ бошида фурсат топди дегунча виждонсиз, ахлоқсиз хотинлардан гап очар, ундайларни ичак-чавоғини ёриб, этларини парчалаб, тошлар тагига кўмиш лозимлигини сўйларди.

Ора-сира Ламиани танҳо бир ерда, боғда ё даҳлизда бурчакка сиқар: "Мен яна бир нарсаларни сезиб юрибман... Сен жим ўтирмаганга ўхшайсан..." дея сўроққа тутарди. Ламиа баъзан маъсумона онтлар ичиб ўзини мудофаа қилар, баъзида эса ғазабланар, йиғлар эди. Росих шунда дарҳол таврини ўзгартирар, бир оз аввалги муомаласига ҳеч ўхшамайдиган бир ширинсўзлик билан унга таскин берар, "бундай йиғлама, мени маъзур тут" деб ёлворарди. Ҳатто ортиқча сархуш бўлгани бир кеча: "Менинг ҳолимни тушунмаяпсан" дея оғир-оғир йиғлай бошлаганди. Ламиа унинг ҳолини аллақачон англаганди. Лекин дардини кимсага айтолмас, кечалари ҳеч кимга билдирмай узоқ-узоқ йиғлашдан бошқа қўлидан ҳеч нарса келмасди.

Ҳар қанча эҳтиёт бўлмасин, кунларнинг бирида қўрққан нарсасига учради. Уйда кир ювганди. Ҳурияхоним қизлари билан бирга ошхонада бир нарсалар билан машғул, Ламиа боғда ювган кирларини дорга осаётганди. Росих Афанди ўша куни хасталигини баҳона қилиб уйда қолганди. Ухлар, уйғонар, яна ётар, деразаларни бекитар, даҳлизда ҳуштак чалиб айланарди.

Махмура ошхона эшигидан Ламиага бир патнис узатди:

– Қўзича синглим... Поччангга овқатини обориб берасанми? – деди.

Ламиа қўлида патнис билан юқорига чиққан вақтда Росих ёстиқнинг ёнида карта билан фол очиб ўтирганди. Уни кўрганда бирдан сакраб турди, шошқин бир табассум билан:

– Овқат опкелдингми, – деди. – Раҳмат, раҳмат. Шу масанинг устига қўй....

Ламиа патнисни қўйгандан сўнг чиқиб кетаётганди, Росих шоша-пиша:

– Тўхта, Ламиа... Сен менга егулик келтирдинг. Мен эса сенга олма берай... – деди.

Ламиа енгил бир тараддуд билан жавоб берди:

– Раҳмат... Фақат кирларим қолиб кетмасин.

– Бўлмайди, бўлмайди, мутлақо...

Рафда турган катта олмани арча бошлади.

– Овора бўлманг... Пастда ўзим арчаман...

– Овораси борми...

Олма бирдан Росихнинг титраётган қўлидан тушди, каравотнинг тагига думалади. Ламиа енгилгина кулди:

– Майли, зиёни йўқ, менга насиб қилмаган экан, – дея эшикка қараб шошилди.

Росих кескин бир ҳаракат билан унинг йўлини тўсди. Қўли билан эшик тутқичини маҳкам ушлаб:

– Нага бундай доимо мендан қочасан? – деди.

Ламиа бирдан эсанкиради:

– Мен қочаманми? Менми? Нега қочай, почча? – дея довдиради.

Росих унинг билакларини ушлашга уриниб:

– Инсофсиз қиз, – деди, – ҳолимни англамайсанми... Мени ўлдирмакка қасд қилдингми?

Ламиа қўрқувдан, ҳаяжондан оппоқ бўлиб кетганди. Тислана-тислана дераза томонга бораркан:

– Почча, ўзингизни ушланг, – деди. – Мен сизга нима қилдим...

Росих нақ кўм-кўк бўлиб кетди. Асабий бармоқлари билан ўзини бўғмоқчи бўлгандай қўлларини бўғзига олиб борар, шу ҳолда унга одим-одим яқинлашарди. Бўғиқ, сиқиқ бир овоз билан:

– Мени ўлдиряпсан... Сени деб қутуриб кетяпман. Нима бўлар мени ҳам бир бахтли қилсанг, – деди.

Ламианинг кўзлари ола-кула, сочлари ҳурпайиб кетганди:

– Почча, устимга бостириб келсангиз, ўзимни деразадан ташлайман.. Қонимга сабабчи бўласиз, – деди.

Росих бундан ортиқ унга яқинлашишга ботинмади, ерга ётиб, оёқларидан қучоқламоқчи бўлгандай ёлвора бошлади:

– Ламиа, ҳолимга ачин... Ортиқ сабри тоқатим қолмади... Менам инсонман... Мен ўша қоровуллардан, човушлардан паст одамманми? Раҳм қил менга, Ламиа... Худо ҳаққи, бу уйда ҳеч кимса эшитмайди... Сен ҳам хотинсан... Сенинг ҳам севилишга эҳтиёжинг бор... Одамларнинг маломатига қолишдан кўра мени афзал кўр... Ўша човушинг сени қўлга олганини ўйлаганимда ақлим бошимдан учади.. Худо ҳаққи, қотиллик қиламан...

Юзи, кўзлари қўрқинч бир эҳтирос-ла ёнар, кўксидан бўғиқ хирхирлар чиқарди.

Зубайданинг қўшиқ айтганча юқорига чиқиши Ламиани бу мушкул аҳволдан қутқарди. Росих бирдан хонадан учиб чиқди, ҳолидаги паришонликни қайнисинглисига билдирмаслик учун юқори қаватга чиқиб кетди.

XIII

Ўша кундан кейин бу уйда яшаш Ламиа учун чидаб бўлмас бир азобга айланди. Росих телбаларча қайсарлик билан ва талаб билан уни таъқиб этар, масала очилиб қолишидан мутлақо ҳайиқмасди.

Ламиа имкон қадар ундан қочар, кечалари боласи билан бирга эртароқ хонасига қамалиб олиб, эшикни қулфларди.

Лекин барча бу тадбирларга қарамай Росих яна уни гоҳо-гоҳо ёлғиз кўришга муваффақ бўларди. Баъзан қон тўкилишидан, ўлимдан гап очар, минг турли таҳдидлар билан уни қўрқитишга уринар, ночорлик билан ёлворар, ҳатто йиғларди.

Ламиа ҳам бир кун унга ёлворган, уйларидаги бир сиғинди бечоранинг бунчалик қисди-босдига олиши катта гуноҳлигини айтганди.

Лекин Росихга гап кор қилмасди: "Қоровулни, човушни истадинг-ку, нега мени истамайсан... Уларга мумкин, менга йўқми?" – дея қутурарди.

Ламиа баъзан Ҳурияхонимга аҳволни айтиб бериш тўғрисида ўйлар, лекин бунга ҳеч журъат этолмасди.

Уйдагилар эшитишса ҳаммадан кўпроқ ўзини айблашлари мумкин деб ўйларди.

Ҳамон Махмурага нисбатан доимо виждон азобини ҳис қилар, у бир нарса сезиб қолади дея юраги титрарди.

Ниҳоят бир оқшом яна бир воқеа юз берди. Уни зинапоя оралиғида тўсиб олишга муваффақ бўлган Росих қутурган ҳайвондай устига ташланди, мажбурлаб қучоқламоқчи, ўпмоқчи бўлди.

Ламиа минг мушкулот билан ўзини қутқарди. Халатининг енги бошдан-оёқ йиртилган, сочларига тақилган тўғноғичи қулоғини қонатиб юборган эди.

* * *

– Янга, сизга бир нарса айтаман...

Ҳурияхоним қўлидаги супургини деразанинг қирраларига уриб-уриб чангларини қоқди, сўнгра қўлларини белига тиради:

– Айт, қизим...

Ламиа кичик бир иккиланишдан сўнг, олдига қараб:

– Мени ҳов олдинги кунларда телеграф бошлиғига сўрашганини айтгандингиз... Ҳатто, яхши одам дердингиз...

Ҳурияхоним диққат билан унга қараб турарди.

– Ҳа, қизим... Яхши, аммо ёши элликлардаги одам... Сўнгра уч нафар боласи ҳам бор... Биласан-ку, зотан мен кўпам рози эмасман.

Ламиа эшикка суялган эди. Осмондаги булут тўдаларига қараган кўйи заиф бир овоз билан:

– Катта ёшли бўлгани яхшироқ, янга... Агар ўша бей ҳалиям мени хоҳласа мен рози бўламан... – деди.

Ҳурияхоним бирданига бу гапдан эсанкираб қолди:

– Вой-ей, Ламиа, бу қандай ғалати нарса, қизим, – деди, – Олдин айтганимда истамадинг, ҳатто йиғлай бошлагандинг... Менимча, Мухлис Афанди қўли нонли-тузли одам... Бурама мўйловли навқиронлардан яхши, аммо унга узатишни истамадик...Аслида яшайдиган сенсан. Бизга фарқи йўқ... Биз... Балки камбағал бўлса ҳам ёш бўлсин дейсан, деб ўйладик...

— Мен Мухлис Афандини аслида ёшли одам бўлгани учун хоҳлаяпман, янга... Ўшандан буён кўп ўйладим... Мендай бир бечора хотин ёш эрни нима қилади... Мен унинг болаларига қўлимдан келганича қарайман... Агар у ҳам Мабрурани ўз фарзандларидай кўриб, улардан ажратмасликка ваъда берса... рози бўлинг... бўла қолсин...

Ҳурияхоним иккиланарди:

— Жуда яхши, аммо бу иш мени ҳайрон қолдиряпти, қизим... Сен ҳеч эрга тегмайман, дея қайсарлик қилардинг...

— Ҳа, аммо... Сизларга умрбод юк бўлиб қололмайман-ку...

— Биз сени, Оллоҳга аён, ўз фарзандларимиздан айирмаймиз... Махмура нима бўлса, сен ўшасан...

Ламиа маҳзун бир табассум билан:

— Бу сўзингиз учун раҳмат, янга, — деди. — Рози бўлсангиз, вақтида мен ҳам ўз уй-жойимни билай...

— Менга қолса, бир оз яна кутайлик, Ламиа... Сени бошимиздан отган бўлмайлик...

— Йўқ, янга... Бундай хаёлларга борманг... Бу ёшли-бошли Мухлис Афандидан кўнглимга яқинроғи чиқмаса ҳам керак...

Ҳурияхонимнинг самимий сўзларидан эриб кетган Ламиа талтайиб, бир парча қалбини очиш эҳтиёжига қарши туролмаганди:

— Менинг ёшим кичиклигига қараманг, янга... Кўп эзилдим... Дунёда, ҳеч бир нарсада кўзим йўқ... Агар ўша Мухлис Афанди яхшигина бир одам бўлса, уни бир... ота каби севаман. Болаларини ўз фарзандимдай катта қиламан... Сиз амакимнинг ҳам розилигини оласиз-а, шундайми, янга?

XIV

Телеграф котибининг шартлари талайгина эди. Қўшниларидан бир қари хотин ҳар кун Ризобейнинг уйига келар, Ламиани қаршисига ўтқизиб олиб оғир, кўпол бир лисон билан шу шартларни санарди:

— Менга қара, қизим... Мусулмонлик ошкор дин... Очиқ-очиқ гаплашайлик... Сен бошқа беволарга ўхшамайсан... Бир оз бўлса ҳам номинг овоза бўлган... Ҳар эркак бошидан бундай бир фалокатни ўтказган, тилларда достон бўлган хотинни олишга журъат этолмайди... Бу одамимиз бир амаллаб кун кўриб келган... Айтяптики "Хотин бахт масаласи...Нима бўлиши билинмайди... Баъзан бокира қиз оласан... Бир йил ўтар-ўтмас бузилиб ёмон бўлиб кетади... Баъзан боши очиқ бир фоҳишани оласан. Товбакор бўлади, намоз-ниёздан бўшамайди, этагининг учини кимсага кўрсатмайди... Мен савоб ишлар қилишни яхши кўраман.. Худо хоҳласа, унга уйланаман, менга ёр бўлади... Ўтмишни унутади, чиройли яшаб кетамиз..."

Ана шундай, қизим, сен ҳам яхшилаб ўйла. Агар бир яхши уйнинг хоними бўлиш, тинч-хотиржам яшаб кетишни хоҳласанг, бу одамга тег... Йўқ, агар бошқа фикринг бор бўлса... Мумкин-ку ахир, ҳаммамиз ҳам инсонмиз... "Мен бир бора тайинли бир одамнинг хотини бўлиб олай... Сўнгра билганимни қиламан, ўйнаб-куламан" каби гаплар ақлингга келса, бу ишдан воз кечайлик. Тўғри сўз аччиқ бўлади, қизим... Бундай сўзларни айтганимга хафа бўлма... Мухлис Афанди катта ёшли киши, аммо у қадар номуссиз эркаклардан эмас... Бурама мўйловлилар одамга осон нон едирмайди, қизим... Улар бир ҳафта, ўн кун одамнинг кўзига жилмайиб қарашади... Тилаганларига етдиларми, орқага ўгирадилар елкаларини... Хўш, нима қилишни сен ўзинг мендан яхшироқ биласан, ҳа... Ким билади, ўша ҳариф қоровул ҳам сенга қандай ширин тиллар билан гапирганийкин...

Ламиа бу насиҳатларни жавоб бермай тинглар, қари хотин нима деса боши билан тасдиқлаб ўтирарди. Бутун хаёли ножўя гап-сўзларга ўрин қолдирмай, бу уйдан қутулишда эди.

Росих бутун жон-жаҳди билан бу никоҳга қаршилик қилишга уринарди, ҳатто бир дафъа қайнотаси билан ғалва ҳам қилганди. Ҳар вақтдагидан кўпроқ ичар, ичкилик йўқ бўлса, ғазабланар, уйда дуч келган одамнинг жонига тегарди.

Бир куни эрталаб Ламиа Росихбейга қаҳва келтираётган эди. Росих дастурхон устида унинг қаршисига чиқди. Маъюс ва сокин бир таврда: "Сен билан муҳим бир нарсани гаплашиб олишим керак, — деди, — бирпасга боққа туш".

Ламиа устиларига биров келиб қолишидан қўрқар, зина томонга қўз қирини ташлаб: "Мени тинч қўйинг, илтимос" дея ёлворарди.

Росих индамай қайсарлик билан унинг йўлини тўсишда давом этди: "Онт ичаман, қўрққулик ҳеч нарса йўқ, Ламиа... Бор-йўғи баъзи нарсаларни айтаман. Қочма... У ерга тушишни хоҳламасанг, шу ерда гаплашайлик. Кўриб қолишса ҳам қўрқмайман."

Юқори даҳлизда кимдир юрар, эшиги қия очиқ турган қарши хонада Ризобей йўталарди. Ламиа ноилож рози бўлди: "Бўпти... Тушаман..." деди.

Росихда бу эрта ҳар доимги асабиятдан асар йўқ эди. Аксинча, юзи сўлғин, кўзларининг оқи сап-сариқ, ўзини тутишлари ҳам ҳорғин ва ҳадикли эди. Кесиб-кесиб йўталганча сўйлай бошлади:

— Сенга нисбатан мендан кўп зулмлар ўтди, Ламиа...Тарбиясизлик қилдим, ёмонлик қилдим, ахлоқсизлик қилдим, нима десанг де... Лекин қўлимда эмасди... Севмак, қизғанмак нималигини билмайсан... Кеча кечаси йўлда ўша Мунис Афандига дуч келдим... Ичимдан шундай бир нафрат келдики, нақ бўғзидан ушлаб, товуқ каби бўғиб ташлай дедим... Унинг хотини бўлишингни сира ақлимга сиғдиролмайман. Ламиа, бу кеча тонггача ухлолмадим.... Жинни бўлаёздим... Хотиним, болаларим менга илондай кўринади... Бир нарсага қарор қилдим... Махмурани қўйвораман... Менинг нокоҳли хотиним бўл... Ҳаётимни сенга фидо қилай... Сенсиз яшолмайман...

Борган сари ҳаяжонланар, кўзлари чақнаб, чакка томирлари шиша бошлади.

Ламиа сокин овоз билан жавоб берди:

— Оёқларингизга йиқилай, почча... Мени ортиқ қийнаманг... Хотинингиз, болаларингиз бор. Ҳадеб мени ёқамдан тутаверманг. Биласиз, бунинг иложи йўқ.

— Сени у Мухлис Афандига бериб қўймайман... Иккалангизни ҳам...

Росих яна таҳдидларини бошлаганди, Ламиа уни тингламай у ердан кетди.

XV

У кун бутун уй аҳли тўйга чақирилганди. Ҳурияхонимнинг бир қўй олибсотар акаси, невараларини суннат қилдираётган эди. Қари тижоратчи тўйнинг дабдабали бўлиши учун бутун топган-тутганини тўкиб сочаётган, бутун Кутаҳйани чорлаганди. Икки кундан бери уйининг олдидаги майдонликда қозонлар қайнар, жуфт-жуфт довуллар чалинарди.

Бир неча кундан бери яна томоғидан шамоллаган Ламиани уйда икки бола билан ёлғиз қолдиришганди.

Телеграф котиби билан оила қуришига бир ҳафта қолган, Ламиа бу сўнгги кунларда кўп касалланаётган эди. Уйқудан кўзини очолмас, иштаҳаси йўқ, атрофидагилар билан гаплашмасди.

Юз-кўзлари сузгун ва сўлғин, дудоқлари қонсиз ва қуруқ эди. Кундан-кунга кўзларининг яшили ҳам сўниб борар, олов ёнида қолган гуллар каби заиф рангсизлик оларди. Баъзан-баъзан юзига бир истма оташ босар, шундай вақт ёноқларида, чаккаларида қизил доғлар пайдо бўлар; кўзлари музтариб чақинлар билан ёнарди. Ўзини тамомила ташлаб юборган, эскидан кенг маъсум манглайига, зариф инжа юзига жозибали бир уйғониқлик, янги бир жонлилик берган сиқиб-сиқиб ўрилган сариқ сочлари энди аралаш-қуралаш жингалалар ҳолида елкаларига ёйилган, чеҳрасини янада сузгун ва хаста кўрсатарди.

У кун уйда ва маҳаллада катта бир сукунат ҳоким эди. Бир неча кўча нарида бўлган тўй хонадонидан ора-сира довул гумбур-гумбурлари, карнай ғат-ғатлари келарди.

Чиройли бир куз куни эди. Ламиа хонасининг пасттекисликка қараган деразасини очиб қўйиб, миндар[1]нинг бир четига чўзилганди.

Махмуранинг энг кичик боласи ила Мабрура бурчакдаги беланчакда қучоқлашиб ухлашарди, Ламиа ҳолсиз бошини қафас[2] четига қўйиб оқ, енгил, ҳорғин булут уюмларини, ора-сира қаршидан ўтган турна арғимчоқларини томоша қиларди. Кўзлари аста-аста юмилган, ярим уйқу қучоғида ўзини унутган эди.

[1] Миндар — ичи юмшоқ моддалар билан тўлдирилган бўлиб, ерга ёйилган ҳолида устида ўтириладиган ёки жисмоний тарбия билан шуғулланиладиган катта тўшак ёки кўрпача.

[2] Қафас — сим, металл ва ё узун тахта бўлакларидан қурилган панжара. Тарихда, эски мусулмон уйларига аёллар учун тўсиқ сифатида қурилган бўларди.

Бир оралиқ боғдан енгил шовқин овози келгандай бўлди; бирдан сесканиб, кўзларини очди, қулоқ солди. Овоз тинган эди. Ҳа, тахта пардадан бир мушук ёхуд ит сакраган бўлиши керак.

Яна миндарга чўзилмоқчи бўлиб турувди, шу пайт ўчоқбоши тарафдан эшик ғижирлагани эшитилди. Қафасни суриб боққа эгилди. Ошхона эшиги ғира очилганди. Бу эшик ич тарафидан илгаги илиб қўйилмаса, баъзан қаттиқ шамолда ўз-ўзидан очилиб кетарди. Ҳар холда ҳозир ҳам шундай бўлган бўлса керак. Лекин ичига алланечук шубҳалар тушди, зинанинг бошида пастга қулоқ солди, енгил овозлар, тахта ғижирларини эшитгандай бўлди.

Ўз-ўзига дадиллик бериш учун "Мен ҳам кўп ваҳимачи бўпқолдим... Куппа-кундуз куни ўғри келмайди-ку!" деб ўйлади, сўнгра зиналардан туша бошлади. Оёқлари енгил титрар, юраги дук-дук урарди. Тош даҳлизга тушадиган зинапоянинг тепасига келиб тўхтади. Паст тарафлар омбордай совуқ ва қоронғи эди. Бу ёқимли ва хароб уй ҳеч сабабсиз уни қўрқитаётган эди.

Пастга тушишга тараддудланаркан, ёндаги хоналардан бирига қараб совуқ бир титроқ ила бошини ўгирди, эшик оралиғида Росихнинг узун бўйини кўрди. Ламиа охирини ўйлаб ўтирмай, "войдод!" деб фарёд кўтаришдан ўзини тиёлмади.

Росих у томонга бир одим ташлади:

— Бехос қўрқиб кетдингиз... Бегона эмасман, — деди, — тамакимни унутибман, уни олишга келгандим...

Овозида иккиланиш аралаш бир бўғиқлик бор эди. Юзи қизарган, кўз қовоқлари тез-тез очилиб-ёпиларди. Ламианинг титраётган қўллари халатининг очиқ ёқасини бекитар, ўзи зиналардан юқори чиқишга ҳозирланарди. Жасур кўриниш учун: "Нега эшикни тақиллатмадингиз?" — деди.

Росих: "Боғ эшигининг калити ёнимдайди, нотинч қилгим келмади," — дея жавоб берди.

Ламиа эндигина зинанинг биринчи босқичига қадам босган ҳам эдики, Росих зинага қараб юрди, бўғиқ овоз билан қўшимча қилди:

— Боғ эшигидан фақатгина човуш кирадими?

Ламиа турган ерида қотиб қолди. Оёқлари ортиқ юролмаётган, яна бир босқич қадам босса, тиззалари букилиб кетишини, ерга думалашини ҳис этарди.

Росих:

— Нега мунча титрайсан, Ламиа... Нага мендан бунчалик қўрқасан? — деди.

Бу "қўрқув" сўзи унинг иззат нафсига ва иродасига сўнгги бир қамчи бўлди. Титраб-титраб бошини кўтарди:

— Нега қўрқай энди? Нимангиздан қўрқай? — деди.

Росих бошини чайқади, имкон қадар сокин бир овоз билан:

— Шундай, — деди, — қўрқадиган гап йўқ... Ламиахоним... Ламиа, сенга яна бир марта таклиф қиляпман... Ҳали вақтимиз бор... У эси

пастдан воз кеч... Бу ердан қочайлик... Ўзим сенга қурбон бўлай... Кўриб турибсан-ку, мен тамом бўляпман...

Ламиа такрор юқори чиқишга уриниб:

– Аввал ҳам айтгандим... Яна айтаман... Иложи йўқ... Мени ўлдирсангиз ҳам рози бўлмайман...

Росих чуқур нафас олди, сўнгра бўғиқ бир эҳтирос билан титраб:

– Менинг ҳам сендан кечишимнинг иложи йўқ. Тушуняпсанми? Иккингиз ҳам ўласиз... Ёки меники бўлажаксан, – деди.

Оҳиста, лекин қўрқинч бир равишда унга қараб юрди. Ламиа:

– Босқинчилик қилсангиз бор кучим билан бақираман, – деди.

– Ундай қилолмайсан... Бақирсанг тупурганим бор... Мен ўлимимни излаяпман...

Росих бирдан зинага отилди. Ламиа қочмоқчи бўлди; лекин икки босқич ҳатлашга ҳам муваффақ бўлолмади, ўзини Росихнинг қучоғида кўрди; пастга қараб остин-устун думаладилар.

Ораларида бир неча онлик қисқа, қаттиқ бир кураш бўлиб ўтди.

Ламиа белини қучоқлаган, бўйнини сиққан, нафасини бўғаётган қайишдай қаттиқ, сертомир қўллардан қутулиш учун бир карра яна типирлади. Тоқати бутунлай тугаб, вужуди оғир бир мурдадай қотиб қолди.

Спирт ҳидли бир нафас юзини ёқди, лабларини бир ҳайвон каби ваҳшиёна ўпиш билан қийнади, оғзига Росихнинг от қилидай қаттиқ мўйловлари ботди.

Ламиа шу вақт нимжон вужудидан кутиш мумкин бўлмаган катта бир куч билан сўнгги марта типирлади, қаттиқ буралди; Росих бўғиқ бир хириллаш билан уни забт этишга уринаркан, гандираклаб кетди, зинапоя панжарасига урилди. Қўлларидан бири ойнага тегди, ойна жаранглаб синди..

Ламиа суръат билан зиналардан юқорига учиб чиқди, ўзини Ризобейнинг қия очиқ турган хонаси эшигидан ичкарига отди, илгакни суриб олди. Халати билан кўйлагининг бир енги Росихнинг қўлида қолганди. Сўл ҳовучининг ичида унинг чаккасидан узилган бир қонли соч тутами бор эди. Ҳайқирмоқчи бўлар, овози чиқмас, деразанинг олдига чопиб бормоқчи бўлар, оёқлари юролмасди. Эшикнинг орқасига чўккалаб ўтирганда, зинапояларда яна гупиллаган қадам товуши ва бўғиқ овоз эшитилди. Бу унга янги бир куч берди, ёндаги жавонга отилиб, у ердаги Ризобейнинг револверини юлқиб олди.

Росих қаттиқ осма эшикнинг пастки тахталаридан бирини синдирди, иккинчи тахтани илгак-пилгаги билан узди-да, пириллатиб отди.

Ламиа револверни силкитиб: "Яқинлашма!.." – дея ҳайқирди, сўнгра қутурган ҳайвон шиддати билан устига ташланган Росихга қарата икки ўқ узди.

Росих биринчи ўқда эшиккача тисланиб учиб тушди. Икки қўлининг очиқ, керилган бармоқлари билан юзини бекитди, бир он шу вазиятда тўхтаб турди. Сўнгра ҳайбатли гавдаси бўшаган ёй шиддати-ла орқага бир сакради, чалқанча йиқилди, боши зинанинг илк босқичидан қуйи осилди. Ўқларнинг бири ўнг кўзидан кириб бўйнини парчалаганди. Вужуди ўзини қўлга олмоқчи бўлгандай бир-бир шиддат билан ғужанак бўлиб қалтирар, очиқ оғзи билан кенгайган бурун катакларидан қўрқинчли бир хириллаш, кўпикли қонга беланган мия қатиқлари келарди.

XVI

Ламиа кўзларини очганда ўзини битта деразали кичик хонада кўрди. Паст бир тахта каравотнинг қуритилган ўтлар солинган ёстиғига орқалатиб ётқизгандилар; соч ўримларини ечиб ташлашган, юзини, бўйнини дока билан ҳўллашган эди. Билакларини ишқалаётган ҳарбий либосли, оқ соқолли бир одам: "Кўрган-кечирганинг шу бўлсин... Қалайсан, қизим?" – дея сўради, сўнгра орқасида паст овоз билан гаплашаётган икки кишига ўгирилди: "Кўзини очди... Энди хатарли ҳеч нарса йўқ", – деди.

Ламиа хонани босган қоронғилик ичида амакисининг юзини таниди. Ризобей бу бир неча ой ичида бутунлай қариб кетган, чўкканга ўхшарди. Осилган оқ мўйловлари титрар, кўзлари янада чуқур ва нурсиз кўринарди. Совуқ, титроқ қўлини Ламианинг манглайи, сочлари узра кездирди, ярим очиқ кўксини рўмоли билан ўраб:

– Бахтли бўл, қизим... Ҳамд бўлсин, қутулдинг... – деди.

Фақат шу гапдан кейингина Ламиа бўлган воқеаларни хотирлай олди. У машъум воқеани таъқиб этган кунларда полиция, тергов бошлиғи хоналарида, қамоқхона, касалхона палаталарида, суд салонларида, жандарм ва полициячи алғов-далғовлари ичида ўтган ўша узоқ ва қора фожиа суръат-ла кўзларининг ўнгидан ўтди. Каравот узра сал ростланиб, амакисининг қўлларига ёпишганча:

– Нима бўлдим, амаки? – деди.

Ризобейнинг чуқур, нурсиз кўзларидан индамай ёшлар оқарди.

– Қутулдинг, қизим... Суд оқлашга қарор қилди... Оллоҳнинг раҳми келди...

– Нима учун мени бу ерга олиб келдингиз?

– Қарорни тингларкан ҳушингдан кетгандинг, қизим... Шунинг учун...

Бир оз аввал Ламианинг билакларини ишқалаган оқ соқолли аскар:

– Шу ёшда катта бир фожиани бошдан кечирдинг, қизим, яна такрорланишидан Оллоҳ асрасин... – деди.

Ризобей унинг қўлларини сиқди:

– Кам бўлма, докторжон, – дея миннатдорчилик билдирди.

Кекса доктор хонада бўлган бошқа эркак билан бирга ташқари чиқди.

Ризобей каравотнинг четига ўтириб бошини қўллари орасига олганди; толғин-толғин ўйлар, ора-сира хўрсинарди.

Ўрталиққа эрта қоронғилик тушганди. Ташқарида булутли, ифлос бир оқшом ёруғлиги ичида қор ёғарди.

Бир маҳкама мубошири хона эшигини очди, бошини чўзиб ичкарига қарагандан сўнг яна ёпди. Шу вақт Ризобей ўрнидан турди. Яширишга уринган бир изтироб ва тараддуд билан паст овозда:

– Энди озодсан, Ламиа, – деди. – Энди бу ердан чиқамиз... фақат, минг бора афсуски, сени уйимга олиб кетишнинг иложи йўқ, қизим... Қилган ишингда ҳақсизсан, демайман... Номусингни ҳимоя қилиш учун, наҳотки, қуролдан бошқа восита тополмаган бўлсанг? Буни тушунишнинг иложи йўқ... Лекин, нима бўлганда ҳам, бизнинг куёвимиз, қизимнинг эри, невараларимнинг отаси...

Ламиа ҳолсиз-ҳолсиз уни тасдиқ этди:

– Ҳа... Сиз ҳақсиз, амаки... Зотан, сиз истасангиз ҳам энди мен уйингизга боролмасдим... Янгам, Махмура мени кечирмайдилар, биламан.

Ризобей давом этди:

– Сен афв этилишинг амалга ошганди, қизим... Ҳар неки бўлмасин, мен амакингман... Сени ташлаб қўёлмайман. Баъзи ишларни йўлга қўйишга ҳаракат қилдим. Менинг Ҳаққи Афанди деган бир дўстим бор... Бир вақтлар табуримизнинг имоми эди... Чинакам мусулмон, номусли бир одам... Яхши бир хотини бор... У билан учрашиб гаплашдим, қизим... Энди сени унинг уйида қолдираман. Албатта бошқа бир қисматинг ҳам чиқиб қолар... Ҳозирча бу воқеаларнинг ораси бир оз совусин... Болангни ҳам у ерга олиб келиб, ўзингга қолдираман... Вақти-бевақт сени кўргани келиб тураман. Отангдан келадиган нафақа пулингни ҳам Ҳаққи Афандига топшираман... Қани, қизим, энди сени бир арава билан у ерга обориб қўяй...

Эшикдан ташқари чиқдилар. Ризобей атрофига олазарак бўлиб қарар, арава қидирарди. Ламиа:

– Истасангиз яёв кетаверайлик, амаки, у ерга боришлик ҳолим бор, – деди.

Кекса одам норози бир чеҳра билан жавоб берди:

– Сен ҳолинг нима бўлишини билмайсан, қизим... Бошингдан озмунча воқеа ўтдими... Бутун халқнинг кўзи сенда. Кўчада сени ҳеч ким кўрмаслиги керак...

Ризобейнинг илтимосига кўра ёш бир жандарм аскари бурчак бошигача бориб, бир арава ёллаб келди. Қор ва совуқ борган сари кучаярди. Йўлда давом этиб борарканлар Ризобей унга насиҳатлар берди, фазилатдан, диёнатдан, номусдан баҳс этди. Ёмон хотинларнинг фожиавий қисматларига доир воқеаларни гапириб берди.

XVII

Собиқ олой имоми эндиликда жомеънинг машрута[1]сида ишларди. Олдига девор ўрнига парда тортилган тор бир боғча, уйини кўчадан ажратиб турарди. Паст шипли, кичик, қоронғи хоналар чилла ўтири-

[1] Машрута – бирор шарт билан давлатга боғланган масжид.

ладиган ҳужраларга ўхшар, бу тор, шип-шийдам боғча ила бир парча кўк юзидан бошқа ҳеч бир жойни кўрмасди.

Ҳаққи Афандининг хотини олтмиш ёшларигача соф, тили анчагина тушуниксиз бўлган бир черкас эди. Келадиган меҳмон учун тоза бир ётоқ ила иссиқ шўрва тайёрлаганди.

Куннинг ҳаяжонларидан, ҳоритувчи ишларидан бетоб ётиб қолган Ламиа шўрвани ичишга мадори етмай, зўр-базўр ечиниб ўзини ўринга отди.

Эртаси тонгда ўн икки соат давом этган теран, ҳиссиз бир уйқудан Мақбуланинг овози уйғотди. Ёш қиз, ҳам кулар, ҳам йиғлар, дугонасининг бошини ёстиқдан кўтариб, ёноқларини, эсанкираб қараётган махмур кўзларини ўпарди:

– Ламиажоним... Нималар тушди сенинг бошингга... Билсайдинг, мен сени қандай севишимни... "Мени Ламианинг олдига олиб боринг" дея неча марта дадамга ёлвордим, йиғладим... Рози бўлмади.... Кеча у ҳам суддайди... Оқшом, яхши хабар билан келгунча уйда нима бўлдийкин, деб жинни бўлаёздим... Бу кеча тонггача уйғонмадинг... Дадамга дедимки: "Ламиани мутлақо кўрмасам бўлмайди... Мени эртага оборасиз, оборасиз... Бўлмаса, худо ҳаққи, қочиб кетаман... Кейин мени оссангиз осарсиз..." Бейотам мен қандай жинниликлар қилишим мумкинлигини билади... "Яхши... телбалик қилма... Эртага борамиз" деди. Мени эшик олдигача ўзи олиб келди... Икки соатдан кейин келиб олиб кетади...

Ламиа ўзини бир она меҳридан айрилиб қолаётгандай бошини унинг кўксига қўяр, силанаётган мушук болалари каби теран бир лаззат билан кўзларини юмарди.

Қамоқхонадалигида мингбоши Камолбей, кўп марта қизининг нотамидан уни кўргани келган, ҳадялар келтирганди. Даъвони хавотирлаништан кузатар, узлуксиз маҳкаманинг бир қанча идораларига кириб чиқар, адвокатлар билан учрашар, ора-сира уни кўргани келганда, умид ва матонат берувчи сўзлар айтарди. Ламиа бу оилага нисбатан ич-ичидан миннатдорлик ҳис қилар эди.

Мақбула икки соатдан ортиқ ўртоғининг ёнида ўтирди. Сўзлари бири боғдан, бири тоғдан, бир гапи иккинчисига боғланмаган, қувноқ, бир мунча нодонгина, соддадил қиз билан дардлашишга имкон йўқ эди. Лекин Ламиа унинг дўмбоққиналигини севар, у билан бирга бўлганда ҳаётни гўзал деб билар, ундан мубҳам саодатлар кута бошларди.

Отасининг бир ваъдаси Мақбулани жуда севинтирганди. Туриб-туриб ўша ваъдасини хотирлатар, Ламианинг ҳорғин вужудини қучоқлаб силкитар ва:

– Бейотам энди мени ҳар доим сенинг олдингга олиб келади, биз ҳам сени тез-тез уйимизга даъват этиб турамиз, – дер эди.

* * *

Бу уйда Ламианинг ҳаёти жуда ёмон ўтмаётганди. Имом Ҳаққи Афанди, аксинча, табиатли, диққат-эътиборли, қаттиқ талабчан албан эди. Айни чоғда бутун зулми хотинига қаратилган эди. Ҳаётини ғинг демай иш қилиш ва намоз ўқиш билан ўтказувчи бу мазлум хотинни доимо қийнагани қийнаган, баъзан хинали сочларидан тутиб муштлар ҳам эди.

Ламианинг ўзига ачинаётганини, эзилиб кетаётганини кўрган Фотмахоним уни ғализ талаффузли гаплари билан юпатишга ҳаракат қилар: "Зиёни йўқ, қизим. У эркак, валинеъматимдир... Нуқсонлари кечиримли... У мени жаннатга олиб киради... Ҳам билимли, Оллоҳ рози бўлсин, яхши одам" дер эди.

Чиндан ҳам шундай эди. Хотинини қанчалик ҳақорат қилиб, унга қанчалар жафо қиладиган Ҳаққи Афанди бошқаларга, хусусан, Ламиага шафқат ва марҳамат билан муомала қиларди. Яна бир тасаллиси боласи эди. Илк кунларда унга шунчаки ачинарди. Ҳолбуки энди сева бошлаган, уни қучоғига олиб соатларча қўғирчоқ ўйнагандай ўйнаб ўтирарди.

Сўнгги фалокати унга эски бир қўрқинчли тушдай, бошқа бир дунёда бўлиб ўтган бир фожиадай бўлиб кўринарди. Бу воқеадан хаёлида бир қанча тарқоқ лавҳа, қалбида ҳеч қачон битиб кетмайдиган бир совуқ жароҳат қолганди. Қанча ҳаракат қилмасин, хотираларини бир тизимга келтиролмасди.

Баъзан ҳеч бир сабабсиз бу лавҳалардан бири туйқусдан кўз ўнгида жонланар, аллақандай ғира-шира, шовқин-суронлар ичига йиқиларди. Гоҳ қамоқхонада атрофини бадбашара чеҳралар, ёмон юзли хотинлар ўрар, гоҳ усти ёпиқ бир аравanинг бурчагида битмас-туганмас кўчалардан ўтар, гоҳ илк суднинг қиёмати орасида илк саволга жавоб бериш учун кўз олди қоронғилашиб қовоғини уярди.

Лекин вақт ўтиши билан бу тарқоқ хотиралар илк кучини йўқотиб, руҳи эски хаёлпараст хотиржамлигини аста-аста топа бошлаганди.

Мақбуланинг зиёратлари кўпайган, ҳар келишида Мабрурага ҳадялар келтирар, гулдор кўйлаклар тикарди.

Мабрура қўлларида бир ўйинчоққа, бир жонли чақалоққа айланарди. Болани баъзан тўп каби миндардан миндарга думалатардилар. Айниқса Мақбула баъзи жўшқин чоғларида бечорани шундай қўрқинчли бўсалар билан ўпар, бесўнақай қучоғига олиб шундай сиқиб қийқирардики, Фотмахоним ишини ёки тасбеҳини ташлаб, болани зўр билан қўлларидан тортиб олиб, ўз хонасига опкириб кетарди.

Бир оқшом Ҳаққи Афанди: "Эртага тайёр туринг, болалар, Камолбей бизни тушки овқатга таклиф қилди", – деди.

Ойда йилда бир уйидан чиқмаган Фотмахоним атлас халатини кийди, катта бир саёҳатга кетаётгандай "бисмилло"лар билан сандиқларни, эшикларни қулфлади.

Неча ойлардан бери илк бора кўчага чиққан Ламиа ўша куни анчагина ёзилди. Камолбей кенг ҳовлида бир ўзи ўтирарди. Уйи чиройли бир боғчанинг ўрталарига яқин қилиб қурилганди.

Мингбоши ила Имом Афанди боғчада чилим сўриб ўтиришаркан, Ламиа ила Мақбула даҳлизга кириб, граммофон чалдилар.

Ўша кундан кейин Ҳаққи Афанди Ламианинг Мақбулаларникига ора-сира бориб-келиб туришларига рухсат берди.

Камолбей қизининг дўстига кўп ҳурмат кўрсатар, соғлиқларини суриштирар, Мабрурани қучоғига олиб боғчада айлантирарди. Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ Мақбула бир куни ўйламасдан бир гапни гапириб юборди. Ўтиришганда дабдурустдан:

– Бейотавойим! Сиз мени поездда Ламиа билан гаплаштирмагандингиз, – деди.

Ламиа қип-қизариб кетди, ёнида ўтирган дугонасини чимчилади. Мақбула баттар ноқулай аҳволга солиб:

– Ёлғонми? Нега чимчилайсан? – деди.

Камолбей ёмон хижолат бўлди. Енгил бир тараддуддан сўнг кескин овоз билан:

– Ламиахонимни биринчи кўришимиз эди,– деди, – бунчалик оғир, яхши ахлоқли бир хоним қиз эканлигини қаёқдан ҳам билардик. Ҳолбуки, кейинроқ уни яхши танидик...

Мақбула яна бемаза бир қаҳқаҳа билан: "Ҳа... гўё шунинг учун экан-да" дея гапини давом эттирмоқчи бўлганди, дадасининг аччиқлана бошлаганини кўриб овозини ўчирди.

Хонага кириб ўтиришганда анчагача гап гапга қовушмади. Мақбула бармоқларини ўйнатиб масанинг ёнидаги пианинони чалар, Ламиа ҳамон бошини кўтаролмас эди.

Камолбей ўзини тутолмай кула бошлади:

– Жуда товуқ мияли қизсан-да, Мақбула... Ўн еттига кирдинг.. Ҳамон одам бўлиш ниятинг йўққа ўхшайди, – деди.

Сўнгра муносабатсиз айтган бу гапини созламоқчи бўлгандай Ламиага узундан-узоқ мадҳлар айтди.

* * *

Илк баҳор куни Мақбула қучоғида каттакон гулдаста билан Ламиага меҳмон бўлиб келди. Боғчаларида нима етишаётган бўлса юлган, лолақизғалдоқлардан, мойчечаклардан тортиб қизил қирқоғайни гулларгача ҳеч бир турини эътибордан четда қолдирмаганди.

Кўчалардан шошиб-югуриб келгандай ҳарсиллар, печаси тердан юзига ёпишганди. Хонага кирар-кирмас гулларини Ламианинг юзига, дўндиқ, думалоқ вужудини бурчакдаги миндарга отди, нафаслари тиқилиб: "Вой-ей... тамом бўлдим... ўламан... сўрама қандай балоларга йўлиққанимни... " дея баланд овоз билан сўйлай бошлади.

Ламиа хавотирланар, рўмолини ечиб қўятуриб: “Нима бўлдинг... Ёлғиз келдингми...” деб сўрарди. Мақбула очиқ кўксини рўмолининг ёпинчиғи билан елпий бошлади:

– Бир ўзим ўзимча келавердим... Йўлда шум болалар орқамга илашди... “Кичик хоним, бизга гул керак эди” дея гап ота бошлашди. Қараб турсам гап билан қутулолмайман... Бир неча гулимни бериб: “Мана олинг, энди туёғингизни шиқиллатинг” дедим. Баттар жонга тега бошлашди. Мен қочиб қолдим, улар қувлашди...Хаёлимда гулларни бошларидан сочиб юборсамми дейман ё кўчанинг ўртасида бу-лардан бири билан муштлашсаммикин... Худо ҳаққи, биттасини урсам дабдала қилардим, аммо ҳар қалай аёл деган номим бор...

Ламиа кула бошлади:

– Даданг сени кўчага ёлғиз чиқармасди, Мақбула, – деди.

– Ҳа, аммо бугун бир рухсат шамоли эсиб қолди. Дадамнинг меҳмонлари бор... Ким келганини айтайми, сен барибир тополмайсан...

– Ким эди?

– Айтдим-ку, икки дунёда ҳам тополмайсан... Имом Афанди билан амакинг...

– Ризобеймн?

– Ким бўларди, ўша... Ё Кутаҳйада бошқа амакинг ҳам борми?

Ламиа ҳайратланиб сўради:

– Амаким сизларникига келиб турармиди?

– Йўқ... Дадам билан қадимдан танишлиги бор, аммо бугунгача бир-бирлариникига келиб кетишмасди... Бугун дадам таклиф қилибди...

Ламианинг қошлари мароқ ва андиша билан чатишиб кетди:

– Бей отанг амакимни нега чақирдийкин, ажабо?

Мақбула қўлларини очиб елка қисди, дудоқларини букди, кўзларида шайтоний бир табассум билан:

– Мен ҳам билмайман, худо ҳаққи, – деди.

Сўнгра шошиб-пишиб:

– Товба, ё раббий... Қара, мен онт ичдим... Гуноҳга ботдим, – дея қаҳқаҳ отиб кула бошлади.

Ламиа қўлларини унинг елкасига қўйди, жиддий равишда:

– Қани Мақбула... Яширма... – деди.

Ёш қиз кучлироқ кулиб, тилини чиқариб, кўзларини пирпиратиб уни эрмак қила бошлади:

– Биламан, аммо айтмайман... Худо ҳаққи, айтмайман...

Ламиа асабий бир қайсарлик билан:

– Мақбула, айтасан... Мақбула.. Худо ҳаққи, жаҳлимни чиқарма... Юзингга қарамайман, – деди.

Мақбула энди иккиланар, алланечук бир қарорга келолмасди. Бир оралиқ айтмоқчи ҳам бўлди, лекин айтса бирдан бошига тушиши мумкин бўлган нарсалардан қўрқиб, ҳаяжонланди ва ўрнидан сакраб туриб: “Айтмайман, айтмайман... Воллоҳи айтмайман, биллоҳи айтмайман” дея ясама бир қўшиқ тўқиб, ўйинга туша бошлади.

Ламианинг чинакамига жони сиқилиб кетганди. Қошларини чимирди, ортиқ ҳеч қизиқмаётгандай: “Хоҳласанг айт, хоҳласанг айтма” деди. Мақбуланинг юзига боқмас, тартиби бузилган ёстиқларни тузатар, курсиларнинг жойларини ўзгартирарди.

Мақбула уни жаҳлидан тушириш учун турли янгиликлардан гап очиб, саволлар берарди. Ламиа унинг юзига боқмаслик учун қайсарлик қилар, саволларига шунчаки “ҳа”, “йўқ” дея жавоб берарди.

Ёш қиз ниҳоят чидолмади, бир оз маҳзунлик билан:

– Ламиажоним, айтаман, аммо... Худо ҳақи, дадам эшитса қиёмат кўтаради, – деди.

Ламиа уни қўлларидан тутиб, миндарга ўтқазди:

– Даданг қаёқдан эшитади... Мен ҳеч кимга айтмайман, – деди.

Мақбула дўстининг бўйнидан қучоқлади, сочларини унинг юзига, лабларини бўйнига қўйиб, секин-секин сўйлай бошлади:

– Ламиажоним... Тинчлан, аччиқланма... Сен бир пайтлар Мухлис Афанди деган бир чолга тегмоқчи эдинг... Манов бўлган воқеалардан кейин Мухлис Афанди сени олишдан воз кечганди... Жуда мушкул аҳволда қолдинг, шундай эмасми? Умрбод то мозорга боргунча ёлғиз қолмайсан-ку.. Отам сени жуда тарбияли, номусли қиз сифатида кўради. Мен ҳам сени яхши кўришимни билади... Айтяптики: “Ламиахоним бу уйнинг хонимн бўлади, ёши кичик, аммо жиддий... Биз ҳам тинчиймиз, у ҳам тинчийди.” Англаяпсанми, Ламиажоним.. Мана амакинг билан Имом Афандига эҳтимол шу ҳақда гап очса керак...

Бошини Ламианинг бўйнидан кўксига туширди, юзига боқишдан қўрқиб унинг қучоғида кўнгли бузилиб йиғлар эди.

– Ламиажоним, дадам сенинг учун жуда катталик қилади, аммо Мабрурани ҳам ўз боласидай севади.... Мендан аччиқланмайсан-а...

Ламиа буни зотан оқсоқол мингбошининг муомаласидан, ўзини тутишидан ҳис қилганди. Ҳақиқатни Мақбуланинг оғзидан эшитганда, енгил бир ҳазинликдан бошқа бир нарса туймади. Сокин бир шафқатла унинг бошини кўтарди, юзини силади, теран, оғир бир сас-ла:

– Бунда аччиқланадиган нима бор, Мақбула? – деди. – Даданг ҳақиқатан шундай бир фикрга келган бўлса, менинг ундан миннатдор бўлишим лозим бўлади... Демакки, мен ҳар ким ўйлаганидай ёмон бир.. қиз эмас эканман...

Мақбула бу сўзларни ундан кутмаганди, сершовқин бир севинч билан:

– Демак, рози бўласан-а, – дея ҳайқирди.

Ламиа яна ўша сокин жиддият билан:

– Ҳозирча, бир нима деганим йўқ, Мақбула, – деди. – Шунчаки шуни айтмоқчиманки, даданг мен учун жуда ҳам...

Бошини елкаси томон бурган, сузгун яшил кўзларини – ҳаётининг узун малолли можаросига қараган каби – узоқ-узоқларга тикиб давом этди:

– Сен билан деярли бир ёшдамиз, фақат озми-кўпми фарқли кўринамиз... Аммо ундай эмас, Мақбула... Менинг бу ёшда кўнглим қариди... Мен учун кеча-кундуз, ёз-қиш ҳаммаси бир. Ҳеч нарса истамайман... Кичкинамдан бошқа ҳеч нимани ўйламайман... Ҳаёт мен учун битди... Мабрура бахтли бўлса, мен ҳам бахтли бўламан... Ёш бир йигитга тегишни хаёлимнинг бир четига ҳам келтирмаганман.. Менинг ҳолимдаги бир жувонни биров бошига урармиди... Ҳам ёш одам хотинидан муҳаббат кутади... Ҳолбуки менинг кўнглим ҳозирдан сўнди... Энди тушундингми... Даданг чиндан ҳам мени истаса рад этиш учун ҳеч бир сабаб йўқ... Мен ҳам, кичкинам ҳам бир уя топамиз, кимса ортиқ менга ҳужум қилолмайди, шунга яраша мен ҳам қўлимдан келганича сизларнинг бахтингиз учун курашаман.

Сўнгги сўзларни айтаркан, кўзларидан бир неча томчи ёш оқиб кетди. Мақбула бирдан қичқира-қичқира йиғлай бошлади. "Опажоним, хаёлингга ҳар хил нарсалар келмасин. Менинг ёшимда, менга тенгдош бўлганинг учун йиғлаяпман" дер эди. Ламиа уни такрор сийпалаб кулимсиради:

– Истасанг бундан кейин мени "ойи" дейишинг ҳам мумкин, – деди.

XVIII

Ламиа хотиржам, жиддий, меҳнаткаш бир уй хоними бўлганди. Эски воқеалар аста-аста унутилаётган, танишлари, қўшнилари билан ўзини катта ёшли бир хонимафанди каби тутарди. Ҳамма уни ҳурмат қила бошлаганди. Қариндошлари билан ҳам энди ярашиб кетганди.

Измирдаги амакиси тез-тез хат ёзар, уни эри билан бирга ҳаво ўзгартириб кетишга даъват этарди. Ҳатто узум йиғим-терими мавсумида бир ой Измирга бориб келишга аҳд қилгандилар, лекин кутилмаганда Мабруранинг касал бўлиб қолгани туфайли бу саёҳатдан воз кечгандилар.

Ризобей ҳафтада икки кун Ламиадан ҳол сўрашга келар, баъзан хотини билан кичик қизини ҳам бирга олиб келарди.

Ламиа онда-сондагина уйдан чиқар, қўшниларидан ҳеч бири билан таклифсиз борди-келди қилмасди. Дастлабки пайтлар маҳаллада бир оз мишмишлар бўлди. "Мингбошининг хотини бўлгани учун бирдан кибрли бўлиб қолди" деб ғийбат ҳам қилдилар. Лекин кейинчалик бу эҳтиёткорлигини маъқуллаган, ҳатто ёқтира бошлаган эдилар.

Ламиа ҳеч кимни инжитмас, катта-кичик ҳамманинг кўнглини оларди. Лекин кимса билан кўпам самимий бўлмасди. Ичида эски воқеалардан қолган бир ҳуркаклик, инсонларга нисбатан бир ишончсизлик бор эдики, бу ҳар қалай ҳеч ўтиб кетмасди.

Энг катта эрмаги Мабрура билан машғул бўлиш, эри билан ўгай қизини мамнун этиш эди. Уларга шундай теран бир миннати бор эдики, нима қилса ҳам ўтай олмаслигини гумон қиларди. Ҳатто Мабрурага ҳам уларнинг ёнида ортиқча муҳаббат ва эътибор кўрсатмасди. Шу

даражадаки, Камолбей билан Мақбула болани баъзан ундан зиёда ўзларига яқин ҳис этардилар.

Тантиқ Мақбула шундай табиатли қиз эдики, отаси кимни эркаламасин, чидай олмас, турли инжиқликлар, бўлмағур қилиқлар қилар, уйнинг ичини жаҳаннамга айлантирар эди. Фақат Ламиани англашилмас бир заифлик билан севар, отасидан кўпроқ унга итоат кўрсатарди.

Ламиа ўн саккизга тўлаётган эди. Вужуди кўпроқ катталашган, юзи янада гўзаллашган, терисининг ва кўзларининг ранги бир бошқача тус ола бошлаган эди.

Уни, чеҳрасига маъсум бир ҳаловат берган оч сариқ сочлари, кўзларининг ҳеч сўнмаган сокин табассуми-ла кўрган қўшнилари гоҳ ҳайратланар, гоҳ эрини унга лойиқ топмасликларини билдирадиган сўзлар айтиб қолишарди.

Ёш жувон бу имоларни тушунмасликка олар, ичидан уларга парво қилмасди.

Ўзини анчагина яшаб қўйган, ҳеч нарсада ҳақи қолмаган деб биларди. Баъзан ўз-ўзича ўйлар эди: "Бир замонлар мен ҳам бокира бўлган

Қатл воқеаси Кутаҳйани остин-устун қилган, бир қатор кимсалар қатори мингбошини ҳам ҳаяжон ва мароққа кўмган эди. Суд муҳокамаси илк бошланган кун у ҳам бир қатор кимсалар каби у ерда ҳозир бўлди.

Уни қора рўмолли, ўлик каби сарғайган ранги билан айбланувчи мавқеида кўрганда, қалби гурсиллаб ура бошлаган, судьянинг илк саволига "Ламиа" деб жавоб берганда умрида илк марта кўзлари ёшланганди.

Ёши қайтган мингбоши муҳокаманинг ҳаяжонли саҳифаларини катта бир дахлдорлик билан кузатган, бир неча кундан кейин бу бадбахт болага нисбатан ҳис қилган нарсаси, ҳам руҳан, ҳам жисмонан унинг бутун тинчини забт этганини англаган эди.

Аввало умидсиз бир муҳаббат билан севар, унга ёрдам беришдан бошқа ҳеч нима истамасди. Оқлов қароридан кейин Ламиани қизининг дугонаси, кўчада қолган бир бечора каби уйига олиш тўғрисида ўйлай бошлади. Лекин бунга имкон йўқ эди. Ниҳоят ўйлай-ўйлай, узоқ иккиланишлардан кейин уни ўзига завжа қилишга қарор қилганди.

Ақли-хуши жойида, жиддий, улуғвор одам эди. Бундай ўтмиши шубҳали бир ёш жувондан вафо кўражагига умид қилмасди. Ҳамма ўзидан кулади деб ўйларди. Айниқса, қалбларининг бутунлай бегона қолажагига амин эди. Фақат унга соҳиб бўлиш эмас, уни бир неча кун яқиндан кўриш ҳам қари қалбининг чидаб бўлмас бир саодати эди.

Бошқалар суҳбатлашганда, бу кўп фалокат кўрган ёш жувонни модднй қашшоқликдан, ҳатто балки янги бир тил тишлаб қолишдан қутқариш учун олганини айтарди. Ҳатто илк замонларда Ламиа ҳам буни шундай деб қабул қилганди.

Мингбоши бу ўзидан ҳаддан ташқари ёш завжага нисбатан ҳис қилаётган бемавруд муҳаббатидан уялар, заифлигини, эҳтиросини англата оладиган бир калима сўз айтишга ҳам журъат этолмасди. Бу ожизлик ва парда унга бутунлай қўпол бир қатъият, мажбурлаш савқитабиийси билан ҳаракат қиладиган бир ҳайвон қўполлигини берарди.

Жувон ҳафталарча бу ғализ эҳтирос ҳавоси ичида сарғайиб сўлган, инсонлигининг энг нозик ҳисларидан яраланган руҳ қашшоқлигининг энг аччиғини тотганди.

Никоҳларидан бир ойча ўтган эди. Ламиа бир кеча туйқусдан хасталанди. Камолбей эсанкираб қолди, ярим кечаси узоқ бир маҳалладa турадиган баладия докторини олиб келиш учун кийимларини кияётган эди.

Ламиа бунга ҳожат йўқлигини айтгандан сўнг:

— Мени деб кўп чарчаяпсиз, кўп фидокорликлар қиляпсиз... Қандай раҳмат айтишни билмайман, — деди.

Мингбоши қўлини унинг сочларига қўйди, маҳзун-маҳзун юзига боқиб:

— Аслида мен сендан қарздорман, Ламиа... Ёшлигингни менга бахш этдинг... Сенга ҳаётимни берсам ҳам, сендан миннатдорлигимнинг мингдан бирини фидо этолган бўлмайман, — деди.

Бу илк эътирофи эди. Ўн беш ёшида ошиқ мактаб болаларига ярашадиган бу сўз лабларида оддий бир самимият касб этганди.

Ламиа бу тўғри, аммо дағал таврли ёши қайтган аскарнинг ўзини нақадар севишини ўшанда англаган, унга ачина бошлаган эди.

Айни чоғда бир турли бу муҳаббатга ҳеч ўрганолмас, уни ҳаётнинг залил бир мажбурияти каби қабул қиларди.

XIX

Иссиқ, қоронғи бир сентябрь оқшоми эди. Кечки овқатдан сўнг юқори даҳлизга чиқиб, озгина шабада олиш умидида икки ёндан деразаларни очгандилар.

Ўртадаги катта масанинг тепасида абажурли бир лампа ёнарди.

Камолбей бир бурчакдаги ёйиқ тахта каравот устига ярим узанган, ҳам газета ўқир, ҳамда қучоғида ухлаган Мабрурани оҳиста-оҳиста тебратарди.

Бир ярим ёшга келган Мабрура онасидан зиёда ёши қайтган мингбошига ўрганганди. Барча эркаликлари, хархашаларини кўтарар, йиғлаган чоғларида елкасига минмагунча тинчимас, ҳеч тинч турмайдиган митти-митти бармоқлари билан узун мошкичири мўйловларини юларди.

Кечалари мушук болалардай Камолбейнинг қучоғида ухлашга ўрганиб қолганди. Сариқ жингала бошини унинг бўйнига тиқар, ёқасини қўйиб юбормасди.

Ламиа масанинг ёнида, юзида, сариқ сочларида абажурнинг қизил акслари жилоланаркан, тикиш тикиб ўтирарди.

Ошпаз Амина эна очиқ деразаларнинг биридан боғчага чироқ тутарди. Ёши ортган сари телбалиги, ярамаслиги ҳам ортган Мақбула анор узиш учун дарахтга чиққанди. Ҳар хил ноўрин гапларни гапириб қулар, қўшиқ айтар, деразадан даҳлизга анор пўчоқлари, шаббаларини отар, Амина энани хавотирдан бақиртириш учун ора-сира шохларни силкитиб: "Эҳ, бирибир тушираман... қани тушмай кўринг-чи!" — дея бақирарди.

Камолбей қаттиқ бир уришиб бергандан сўнг дарахтдан тушаркан кўча эшик тақиллади. Мақбула пастга тушаётган энага: "Сиз келманг... Мен очаман", дея овоз берди.

Камолбей кўзларини газетадан кўтариб: "Ким экан, ажабо! Қараб юборасанми, Ламиа", — деди.

Жувон тикишини масанинг четида қолдириб оҳиста-оҳиста ўрнидан қўзғалди. Бирдан боғда қўрқинчли бир дод-вой эшитилди. Деразадан эгилиб қараган Амина эна қўлидаги шамдонни чайқатиб: "Югуринг, бейафанди... Биттаси Мақбулахонимнинг бўйнига мушт туширди

ди-ёв!" дея шовқинлади. Мингбоши Мабрурани қучоғидан қўйиб, бир сакрашда ўрнидан отилиб турди, пастга учиб тушди.

Ламиани бу воқеадан кейин фавқулодда бир даҳшат босганди. Қачонки бир ердан бир фарёд, бир гулдурос эшитилса бирдан титрай бошлар, қўл-оёғи тахтадай қотиб қолар, вужуди совуқ бир тердан шалаббо бўлиб кетарди.

Мақбуланинг ҳали давом этаётган фарёди, Амина энанинг хавотирли дод-войларидан шу қадар қаттиқ қўрқиб кетган эдики, турган еридан бир одим ҳам юролмади, қўллари билан юзини ёпганча оромкурсига чўкди.

Такрор деразадан энгашган ошпаз хотин, унга ўгирилиб ҳайрат ила:

– Гўзалхоним... Қани кел-чи, бу ёққа.. Мақбулани урган одам меҳмонга ўхшайди.. Нимага бундай бўлди... Бейафанди уни қучоқлаб кўтаряпти, – деди.

Ламиа аста-секин ўзига келиб, дераза томонга юрди. Лекин ҳеч нарсани кўролмади. Улар, ҳаммалари бирга ичкари киргандилар. Гаплашиб, кулишиб зинапоялардан чиқардилар.

Ламиа ёндаги хоналардан бирига зўрға кирди, эшикни тортиб қулоқ сола бошлади.

Камолбей баланд овоз билан Мақбулани озорларди:

– Оллоҳ жазойингни берсин...Шунақаям қичқирадими одам деган. Эсимни чиқариб юбординг..

Ламиа Мақбуланинг тантиқ бир қаҳқаҳа билан кулиб:

– Эҳ, сизни қаранг-у, дада. Доим одамга озор бериш учун баҳона қидирасиз. Нима қилай... Бирдан кўрганда қўрқиб кетдим, ўзимни тутолмадим... – дер эди.

Ота билан қизнинг ғовғасига бегона бир эркак кишининг овози ҳам қўшиларди.

Ламиа эшикни қия очиб ташқарига қаради. Масанинг ёнида узунгина бўйли, қора энгилли бир эркак турарди. Юзи тескарига ўгирилганди.

Биргина лампанинг акси билан қумрол сочларини фарқ этди.

Мақбуланинг бу қадар катта қувонч билан кутиб олган, эрининг бу даража бемалол юқори даҳлизга олиб чиққан одами, ажабо, ким бўлдийкин? Қоронғиликда таниёлмаслигини билгани учун эшикка янада кўпроқ яқинлашди, мароқ билан тинглаб, кузата бошлади. Масанинг ёнида тик туриб гаплашардилар. Мингбоши қўлларини унинг елкасига қўйганча сўрарди:

– Қани айт, нима гап? Қандай шамоллар сени бу ерларга учирди? Қачон келдинг Кутаҳйага?

Бир ёндан Мақбула ҳам қўлидан тортқилаб унга савол берарди:

– Аммам қалай? Булант қалай? Халфа қалай?

Меҳмон қувнаб, оҳангдор қаҳқаҳа билан кулиб:

– Қай бирингизга жавоб берай?.. Сабр қилинг... Нафасимни ростлай, – деди. Шундай деяркан бир оз ўгирилди. Жуда навқирон чеҳрали, сарғиш, соқоли қириб олинган бир одам эди.

Тинмай латифа айтаётгандай кетма-кет, қувноқ ва ўйноқи гаплари кўп эди:

– Икки соат олдин отелга келдим... Жуда чарчагандим. Сизларни эртага изламоқчийдим. Оллоҳдан бўлиб, уйингизни билган биттасига дуч келдим... Хўш, бундай кичик шаҳарда одам топишдан осони йўқ...

– Нега тўғридан-тўғри бизникига келавермадинг?

– Дўстларим бор. Бирдан ташлаб кетиш яхшимас.

– Кутаҳйада кўп бўласанми?

– Бу ёғини фақат Оллоҳ билади. Эҳтимол бир неча йил...

Мақбула яна севинганидан бақириб, чапак чала бошлаганди, Мингбоши қаттиқ уришиб уни тинчитди. Сўнгра яна уни саволга тутди:

– Бошлиқлар билан бирга келдингми, Вадрт?

– Бошлиқлар билан эмас, тоға, ҳаво алмаштиришга келдим.

– Ҳаво алмаштиришга? Нима, мен билан ҳазиллашяпсанми?

Ёш меҳмон кулди:

– Сиз мен билан ҳазиллашяпсиз, тоға...

– Нега мен бошлиқлар билан келарканман, нима, бирон амални қабул қилиб олармидим?

– У ҳолда...

– У ҳолда мажбуран келдим. Янада тўғрироғи жўнатдилар. Мени бу ерга уч-беш дўстларим билан бирга сургунга юбордилар, тоға.

Мақбула яна шовқин солди. Камолбей ҳайрат ва шубҳа билан:

– Сургунми... Йўғ-ей, шундай ҳам бўладими... – дер эди.

Меҳмон сокин ва жонли гаплари билан бир ҳазиллашди, бир тўйдан гап очиб қувноқ ва лоқайд давом этди:

– Бу мамлакатда ҳамма нарса бўлиши мумкин, тоға. Худо ҳаққи, сурилиб келдим, тоғажоним... Инонмайсиз, шундай кулиб гапираётганим учун... Кулиб гапириш менинг табиатим... Сургун тугул, худо асрасин, дорга жўнатсалар ҳам яна шундай қиламан... Шундай бир дабдаба-асъаса билан келдикки, таърифга сиғмайди... Ёнимизга бир икки жандарм ила дилкаш бир юзбошини ҳам бердилар... Дўстлардан баъзилари хафа бўлиб турли хаёлларга боришарди. Мен ҳам, табиий, мамнун эмасдим... Лекин хаёлимга бир гап келди. Зар-зўрлар йўқ бўлганда нима қиласиз... Бўлмайдиган ишни масхаравозликка айлантирдим... Бўлди кулги, бўлди қиёмат.. Қараб турсам менинг зўраки қувончим дўстларимга ҳам юқди. Кулгининг, худо ҳаққи, соғликка фойдаси кўп, тоға... Мен жуда кўп хасталикларимни қаҳқаҳа билан даволаганман... Инсон кула бошладими, юрак, жигар ишлашга тушади, вужуд жонлана бошлайди, ҳатто меъда, буйраклар ҳам тузалади... Ҳатто томир-асаб касалликларига йўлиққанлар ҳам кулги билан шифо топиши мумкин... Хуллас, адабиётчилар энг катта бир фожиа сифатида тасвир этганлари сургун саёҳатини биз бир базм кулгисига ўхшатиб қўйдик... Истанбулдан беш ўқ отими узоқлашишимиз билан жандармларни ҳам ўзимизга қўшиб олдик... Э, ҳа, ҳаттоки ўша юзбоши қанларни ҳам

дай одамжон одам, ё раббий... Бекатда қабул қилиб олаётганда юзимга еб қўйгудек бўлиб қараганди... Бизни полициячиларга топшираётганда кучоқлаб бўйнимга осилди. Уялмасак иккимиз ҳам йиғлар эдик... Хуллас маъноли, ғоят қувноқ саёҳат қилдик... Йўлда бир қанча қасабага дуч келдик. Сургун келганини эшитган аҳоли, ишини-кучини ташлаб, бизни кўришга шошиларди. У олиймақом муборак ерларда завқ йўқ, кулги йўқ, ҳаёт йўқ... Сургунлар келганда театр ё дорбозлар гуруҳи келган ҳисоблайдилар... Сургун деганда доимо йўл чарчоқларидан бўртган, азоб-уқубатдан қошиқдек сўррайиб қолган, ғижимланган либосли, соқоли ўсиб кетган одамларни кўришга одатланганлар. Бизни кўрганда ҳайрон қоладилар... Хуллас, сургун эмас, гўё вилоятлардан бирига ҳоким ёки мутасарриф[1] бўлиб келаётгандайман.

Мақбула беш-олти йилдан бери кўрмаган аммаваччасидан тез-тез баҳс этар, унга оид ғалати ҳикояларни айтиб юрарди.

Бу аснода гангир-гунгурдан уйғонган Мабрура миндарнинг четидан ушлаб оёққа турган, митти-митти муштлари билан кўзларини бекитиб йиғлай бошлаганди. Ёш доктор туйқусдан унга ўгирилиб ҳайрат ила:

– Ия, бу ким? – деди.

Лекин саволининг жавобини олмасдан унинг ким эканини англади, болани яланғоч қўлтиғидан тутиб ҳавога кўтарганча:

– Эҳтиёт бўл, Мабрура деган фаттон фаришта шу эмасми, – деди.

Жажжи қизча ҳалиям юзини бекитар, уйқу асносида обдан ҳурпайган сочларидан бошқа ҳеч ери кўринмасди.

Мингбоши билан Мақбула Ламиани эндигина хотирладилар.

Камолбей атрофига аланглаб:

– Ламиа қаёққа ғойиб бўлди? – деди.

Мақбула:

– Буни қаранг, онамни унутибмиз-ку... – дея шовқинлади.

Ламиа Камолбейга текканда Мақбула уни "опа" дерди. Лекин бир қанча ҳазил-ҳузуллардан кейин "она" деганди. Бу сўз иккисига ҳам шунчалик хуш ёққандики, Камолбейнинг эътирозларига қарамай ёш қиз уни "она" деб чақира бошлаганди.

Мингбоши: "Ламиа.. Ламиа.." дея овоз берса, ёш жувон жавоб беришга журъат этолмай тараддудланарди.

Мақбула унинг хонада эканлигини ҳис этиб югурди, билагидан тутганча тортқилаб ташқарига олиб чиқди.

Камолбей бир сўз билан уни таништирди:

– Янганг...

Доктор Вадот қаршисида сиқиб ўрилган сариқ нурли сочларни, маъсум узун киприкларнинг ичида титраган журъатсиз кўзлари билан деярли ёшгина қизни кўрганда эсанкираб қолди. Ҳатто енгилгина кулимсирашдан ҳам ўзини тиёлмади:

[1] Мутасарриф – бирор ишни истаганча бажара олувчи киши.

– Мақбула сизни "она" дейишдан уялмайди-а... лекин мен "янгам" деб қўлингизни ўпишга ҳозирча журъат этолмайман, – деди.

Камолбей Вадотнинг қўлларидан аччиқланиб йиғлаётган Мабрурани олиб, яна қучоғига олганча миндарга ўтирганди. Ёш доктор масанинг ёнида сал олдин Ламиа ўтирган оромкурсига, Ламиа ила Мақбула эса дераза ёнидаги курсиларга жойлашгандилар. Камолбей:

– Қани гапир, йигит, – деди. – Кутаҳйага сургун қилиниш учун нима қилгандинг?.. Сен сиёсатга аралашадиган бола эмасдинг, шекилли... Бор-йўғи касалхонада ишлардинг...

Меҳмон ўзи дучор бўлган фалокатни қизиқ бир эртак айтаётгандай кула-кула ҳазил аралаш ҳикоя қила бошлади:

– Худо ҳаққи, анжир уруғини тўлдирадиган иш қилмадим. Бир қоракўз масаласи... Яъни янгам мени айблайди, аммо эртами-кечми нима бўлганини билиб оладилар... Шунинг учун тортинмай айтиб берай... Биласиз-ку, мен қадимдан бери ҳазил-ҳузулни, эрмакни сал кўпроқ ёқтираман... Баъзан кунларча касалхонага қамалиб ўтириш лозим бўлади, ҳар кишининг дарди билан, алами билан, яралари билан банд бўлавериб, ичим-бағрим заҳарга тўлиб кетади... Кейин бир карра ўзимни ташқари отдимми, жиннихонадан қочган одамга айланаман... Бир оқшом мени меҳмонга чақиришган бир жойда... Қоракўз ўйнатдим...

Жуда камдан-кам куладиган мингбоши ўзини ушлаб туролмади, гулдураган бир қаҳқаҳа билан:

– Қоракўз ўйнатдингми... Хап сенимми, шошмай тур... Кап-катта доктор... Шунақа ҳунаринг ҳам борми? – деди.

Вадот ҳазил аралаш жавоб берди:

– Нетай энди... бу мамлакатда инсоннинг куни доим бирдай эмас... Қўлдан ҳар иш келиши керак... Масалан, Кутаҳйада кўпроқ қоладиган бўлсам-у, иш тополмасам, балки, қоракўзчилик қиларман...

– Худо асрасин... Гапингга қўшилмайман...

Мақбула ҳам кулавериб ичаги узилаёзган эди. Ламианинг ёнидан турмас, Вадотнинг нақ оёқлари тагига келиб ўтирганди.

Ёш доктор унга энгашиб:

– Агар қизиқсанг, бир кеча сизларга ҳам ўйнатаман. Ҳеч бўлмаса бир оз ҳордиқ чиқариб олай, – деди. Сўнгра давом этди:

– Зиёфатда Истанбулнинг казо-казо сиймоларидан саккиз-ўн киши ила тўрт-беш хоним ҳам бор эди... Ҳар хил хаёлларга борманг, катта ёшли муҳтарам хонимафандилар... У кеча бутун завқим, даллилигим тутиб турганди. Ўз қўлим билан даволаганим бир севгили ошнам ўша куни вафот этганди. Нега ҳайратланасиз? Менинг юрагимда маҳзунлик қанчалик ортса, далилигим, завқим ҳам шунчалик ортади... Бу табиат, сажия масаласи... Ақлимда бир аёвсиз ҳазил бош кўтариб қолди... Дарҳол озгина бўёқ билан бир картон қоғоз топдим. Нари-бери уч карикатура чиздим... Бир оз рассомлигим ҳам бор-да...Салоннинг бир

бурчагига бир парда қурдирдим, шу билан ҳаммаси тайёр бўлди.... Ўша кеча у ерда бўлганларни кулдираверіб ичагини уздим.... Шундай "Хинали мажнунтол", "Ялова гашти" кабиларни ўйнатмасдим. Камон ва пианино ила овруповий бир опера... "Қора юлдузлар" деган чиройли бир нарса бор... Истанбулда жуда машҳур... ўшани кулги остига ола бошладим... Бастакори ҳам ўша ердайди... Ўзимизнинг дўстлардан... Ҳаммага қўшилиб у ҳам кулди-мулди... Аммо ичида тузуккина аччиқланган сезиларди.... Орадан саккиз-ўн кунча ўтганди. Бир кеча яна бир жойга даъват этдилар... Табиийки, бордим. Қарасам нозирлардан бири у ерда... Бир масхаравоз атрофда ялтоқликдан нарига ўтмаяпти... Кайфим бузилди...Жуфтакни ростлаш учун баҳона қидирардим... Гапдонлардан бири: "Афандимиз, буюринг, Вадотбей қулингиз Қоракўз ўйнатсин... Роса маза қиласиз" деб қолса бўладими? Жоним чиқиб кетди. Дўст-ёронлар орасида эрмак учун Қоракўз ўйнатишдан зўри йўқ. Аммо ялтоқ масхаравозларга қўшилиш, нозирни хушвақт қилиш... Ғоят аччиқ бир нарса айтишга ҳозирланардим... Лекин нозир ҳам ўша гапдон тентакнинг гапига кириб: "Қани, Вадотбей, сизнинг томошангизни ҳам кўрайлик" деди. Ўласанми, ўлдирасанми? "Афандим, худо хоҳласа касалхонага ташриф буюрсангиз томошамни кўрасиз" дея жавоб бердим... Одам бўлса шу гапим етарли эди... Лекин у сўзимнинг асл маъносини англамади, ғаройиб бир сурбетлик билан талаб қилди. Ўз кўнглида мени ҳам атрофидаги лаганбардорлардан бири деб билар, қандай чўчқачасига мағрур бир одам эканлигимни билмасди... Ўзимга "Қоракўзми истайсан?.. Сенга бир дарс берайинки, ўрган" дедим. Дарҳон ёндаги хонага ўтдим... Ғоят узун бўйли, узун қулоқли, узун бурунли, узун тикка соқолли бир карикатура чиздим... Бу, нозирнинг худди ўз шакли... Сўнгра ҳамтовоқларидан бир нечасини, ниҳоят ўйнаши бўлган семиз бир поляк хотинининг расмларини солдим... Воқеа нозирнинг яқин вақтларда бир шармандалик қаҳрамони бўлгани борасида эди... Озгина тинч турдим-да, сўнг бор-йўқ шўхлик-шумлигим билан мазахни бошлаб юбордим, ора-сира парданинг орасидан ташқарига мўралаб қўярдим... Томошабинлар орасида бир даҳшат бўрони эсар, нозир ишни юракка яқин олмай ҳаммага қўшилиб куларди. Лекин сапсариқ юзи, буралган лаблари, титраган соқоли билан қандай аччиқ, қандай кинли бир кулиш эди бу, ё рабби... Ўзим-ўзимга: "Эй Вадот... Қоракўз яхши кетди, аммо нозир каби сенга ҳам бебаҳо мол келади..." дедим ва:

"Эй ғозийлар, йўл кўринди, яна ғариб навбатга"

қўшиғи билан ҳажвга хотима бердим... Чиндан ҳам орадан йигирма кун ўтмасдан ҳеч йўқ нарсадан масала чиқардилар. Кунлардан бир кун қамоқ, қисқа бир тергов ва қайта терговлар... Кетидан Қоракўзда бўлгани каби "Эй ғозийлар" қўшиғини айтдик. Орқадошлардан бири менинг бу ҳолимга "Қоракўзнинг Кутаҳйа сафоси" дейди... Воқеанинг хулосаси шу... Охири газета романларида бўлгани каби, эртага... Чунки энди дарҳол кетаман... Кечикдим... Отел бекилиб қолади ва чет мамлакатларда бўлгани каби кўча-кўйда қоламан...

Мингбоши қаттиқ эътироз қилди:

— Бу нимаси? Тоғангнинг уйи турганда сен отелга кетасанми? Икки дунёда ҳам рози бўлмайман... Бу мени йиғлатиб кетиш дегани бўлади... Айб, Вадот, айб, — деди.

Мақбула ҳам ёлворар, онтлар, қасамлар ичиб уни тутиб қолишга уринарди. Лекин доктор қаттиқ турди:

— Бўлмайди... Дўстларим бор. Ҳам биласиз-ку, биз ҳали ҳозирча эркин эмасмиз... Полиция бизни отелга рўйхат билан топширган... Кечикиш, келиш-кетиш қоидали бўлмаса, қочган ҳисобланиб, яна терговлар кучайиб, устимдан янги иш очилади... Зотан бу кунларда имконим жуда яхши...

Бу сўзлардан кейин мингбоши ила қизи ортиқ унга осилмадилар. Вадот эртаси эрталаб яна келишга ваъда бериб, уйдан чиқди.

XX

Вадот қари бир хотиннинг уйида турарди. Камолбей уни ўз уйида олиб қолмоқчи бўлар, Мақбула ҳам шу ерда қолдириш учун ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат қиларди.

Лекин ёш доктор бунга рози бўлмади: "Истанбулда кўп овора бўлганман. Бу мажбурий ғурбатдан фойдаланиб бир оз ўқимоқчи, ўз устимда ишламоқчиман. Сизларникида бўлсам Мақбула мени ақлдан оздиради, кунларимиз сафсата, қаҳқаҳа билан ўтиб кетади" дея кетар йўлида кулгили ҳазиллар билан узр-маъзурларини айтди.

Айрим яшамоқчи бўлганининг асл сабаби янги янгаси эди. Бу хотинга нима бўлганини билмасди. Мингбошининг одам ўлдирган бу аёл билан оила қурганини эшитган пайтлари Истанбулда тузуккина гап-сўзлар бўлганди. Кейин бунчалик ёш хотини бўлган қари эркакларнинг рашкдан бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдиришларини хаёлидан ўтказарди.

Айни чоғда кўрсатган узр-маъзурлари ҳам кўп-да қуруқ гап эмасди. Вадот жуда қувноқ ва енгил кўринса ҳам аслида ишчан бир одам, чарчамас бир тадқиқотчи эди. Дунёга фақатгина кулиб завқланиш учун келгандай тасаввур уйғотса ҳам, бу ҳавойи йигитнинг баъзан ҳафталарча кутубхонасидан чиқмай ўтиришларини кўрганлар ҳайратланишарди.

Вадот тез-тез тоғасининг уйига меҳмон бўлиб келар, уялиб ўтирмайдиган, ҳазилкаш, мунис табиати билан Ламиани ҳам аста-аста ўзига кўниктирган эди.

Мақбуланинг Ламиани "она" дейишига ўхшатиб у ҳам "қайнона" деб чақирар, ҳозирдан Мабрурага ихлос билан қарай бошлаган эди.

Ламиа ҳақида олдинига яхши бир фикри йўқ эди. Истанбулда ҳар тоифадан, ҳар жинсдан бир қанча инсон билан яшаган, шундай ҳаётдан бошқа иши бўлмаган, инсонлар ҳақида кўпам хаёл қилиб ўтиришни

хоҳламасди. Тоғасининг ҳазин бир қарилик хоҳишига дош беролмай уйлангани бу жувон унинг назарида мутлақо тубан бир нарса бўлиши керак эди: пастлигини, ахлоқсизлигини, енгил бир тарбия пардози билан безашни ҳам билмайдиган, товуқ мия, довдир бир махлуқ....

Айни чоғда уни кўргандан кейин бирдан фикри ўзгариб кетди.

Ламианинг содда, хушёр таврларига, маъсум кўзларига иноно лмас, ўз-ўзига: "Сен мен ўйлаганимдай эмассан, муғамбир ва бузуқ бир аёлсан!" дерди. "Истанбулда бўлсайдинг, хийла муваффақият қозонардинг... Гўзал комедия ўйнаяпсан... Мен ҳам ишонгандай кўриниб сен аҳмоққа қараб ўтирибман... Лекин нима бўларкин деб ўйлама... Қандай бўлмасин маккорлигингни очиб ташлайман... Биз сендан бошқачароқ қанчаларини кўрдик... Ролларини қанчалик маҳорат билан ўйнамасинлар, яна бир кун дудоқларидан бир сўз чиқиб кетади ё вужудларида бир таври ҳаракат юз берадики, бутун эски тарихларини ойна каби майдонга чиқаради.... Албатта сени ҳам бир кун тутиб оламан..."

Лекин кунлар ўтар, Вадот унда қўрқиб кутгани ҳоллардан ҳеч бирини кўрмади, "ажабо, бу жувон нодир бир истисноми? Кўринганидай поқ, тоза бир бечорами?" дея шубҳаларга тушарди. Бир неча марта моҳирона саволлар билан уни ўтмишидан гапиртирмоқчи бўлди, лекин билганларидан ортиқ ҳеч нарса ўрганишга муваффақ бўлолмади.

* * *

Бир кун Камолбей жиянига Кутаҳйа Баладиясидан шикоят қилиб, бир неча ой олдин баладия муҳандислари билан юз берган бир ғавғони айтиб бераётган эди. Сўзининг энг руҳли жойига келган вақтида Вадот ўзини тингламаётганини фаҳмлаб қолди: "Вадот ўғлим, долғадан ўтаётганда мени нафилага йўйма"[1], дея оғринди.

Йигит куйига қулоқ солаётган, Ламианинг зўрға эшитиладиган паст овоз билан айтаётган бир куйини тинглаётган эди. Ҳайрат билан:

— Ғалати нарса... Янгам буни қаердан ўрганган экан? — деди. Сўнгра мингбошининг жавоб беришини кутмасдан шошиб пастга тушиб кетди. Катта бир масанинг устида паришон-паришон кир дазмоллаётган Ламиа уни кўрганда овозини ютди. Вадот кулиб:

— Янга, сиз буни қаердан ўргандингиз? — деди.

— Нимани, Вадот?

— Ҳозир куйлаган парчангизни...

Ламиа эсанкиради ва қизариб кетди:

— Билмадим. Мен куйладимми?

Важот гулдураб қаҳқаҳлади:

— Бу жуда аъло, янга... Сиз куйлаган парча кеча мен айтганим "Қора юлдузлар"нинг энг гўзал жойи... Шаҳзода ила Султоннинг тўлин ой шуълалари остидаги суҳбатлари... Сиз буни қаердан биласиз?

[1] Яъни "ҳалокатли тўлқиндан ўтаётганда мени нафила намозидай ортиқча кўрма".

— Измирдан қулоғимда қолган, афандим.

— Бу қулоқда қолган нарсага ўхшамайди... Жуда унчалик билмайман, аммо деярли айнан такрорлаяпсиз...

Ламиа мушкул бир аҳволда қолганди. Ҳаяжонини кўрсатмаслик учун кир саватининг устига эгилиб:

— Измирда эканлигимда бу парчани басталаган бей қўшниларимизникига меҳмонга келганди, — деди, — доим шуни чаларди... Ўшандан ақлимда қолди...

— Эҳ, сиз Ҳусайн Канонни танийсизми?

Ламиа қисқа бир иккиланишдан сўнг бошини чайқади, мумкин қадар лоқайд бир овоз билан:

— Шундай бир-икки марта узоқдан кўргандим, — деди.

— Уни мен ҳам танийман... Оллоҳ жазосини берсин, бу дарднинг бошимга келишига у ҳам бир оз сабабчи бўлди... Шундайки, ўша Қоракўз масаласи унинг "Қора юлдузлар"идан чиқди...

Вадот илк келгани кеча "У"ни ва "Қора юлдузлар"ни тилга олган дақиқадан бошлаб Ламианинг назарида бошқача аҳамият касб этганди. Жувон унга дўстларидан баҳс эттириш учун баҳоналар излар, саволлар тайёрларди. Лекин Вадот билан юзма-юз келганда негадир журъати етишмай қоларди. Унинг номини айтса кўнглининг ва ҳаётининг бутун сирлари очилиб қолади, деб қўрқарди.

Ҳозирги воқеа Ламиани қўрқув ва тараддуддан қутқарган бўлди. Баъзан Вадот-ла ёлғиз бўлгани вақт бир баҳона ила "У"ндан сўз очарди. Кўриниши шу қадар сокин, овози шу қадар лоқайд эдики, ёш доктор ҳеч шубҳаланмас, дўстининг сўнгги йиллари ҳақида узундан-узоқ маълумот берарди: У энди аввалгидан ҳам обрўли, аввалгидан ҳам машҳур бир одам эди. Лекин "Қора юлдузлар"дан кейин ҳеч бир янги асар бермаганди. Бир ярим йилча аввал бир вақт хотини ва қайнотаси билан бирга Оврупони айланган, яна шу баҳорнинг бошларида Истанбулга келганди. Энди хотини билан ёлғиз эди. Қайнотаси ўтган йили кулгили бир севги можароси натижасида Польшалик бир хонандага уйланганди. Бу хунук қилиғи билан битмас-туганмас мишмишларга сабабчи бўлганди. Ўша мен айтган Қоракўз кечаси бир-икки кунга хотини билан бирга Измирга кетажагини айтган...

Вадот ҳеч қандай шубҳага бормай буларни айтаркан, бошини қўлидаги тўқиётган ишига эгган, кўзларини узун киприклари орасида ярим бекитиб ўтирган Ламиа лоқайдларча тинглар, тўқимасининг саноқлари ила машғулдай кўринарди.

Вадот бир кун узундан-узоқ Жовидондан баҳс очганди:

— Бўйли-бастли, қонли-жонли, донгдор-машҳур, муҳташам бир аёл.. Мен, у типдаги хотинларни жуда ёқтирмайман, аммо, Оллоҳни ўртага қўйиб айтадиган бўлсам, чиройли... Ҳатто бу бир-икки йил ичида яна да гўзаллашган. Никоҳларининг ҳафтасини нишонлар зиёфат беришганди. Мен ҳам тасодифан у ерга бориб қолгандим. Ҳалиям ўша кеча

ни хотирлайман... Эр-хотин театрларда, операларда севишганлар ролини ўйнаётган катта артистларга ўхшардилар. Канон ўзи асли яхши бола... Фақат унда янги бойларга хос "кўрмаганнинг кўргани қурсин" таври пайдо бўлганки, бир турли ундан ҳеч қутулолмайди... Уни илгаритдан ҳам танирдим... Лекин, ёшлигида бойлигидан айрилган бир киборга ўхшарди, чинакам киборга. Муҳим ва пулдор одамга айланиши билан, кейин бой бўлган одамга ўхшаб қолди... Олдинги ўйлаб қадам босадиган таврлари ҳозирги оз-кўп сохта зарофатларига, талтайган сарбастлигига менимча кўп устунлик бериб қўйди... Ҳар қалай бундай бўлмаслиги лозим эди.

Ўша кеча ҳамманинг кўзи улардайди...Айтганимдай, Канон узун бўйли, юзига ёқимли бир хусусият берадиган мовий кўзлари, муҳташам авзойи ва атвори ила бир драмадаги "жон промье"га, яъни "бош ошиқ" ролини ўйнаётган бир актёрга ўхшарди... Бу ҳам ёқимли, ҳам бир оз кулгили бир манзара эди... Меҳмонлар малика орқали ундан камон чалишни истадилар. Табиий, дарҳол итоат этди... Бу ярамаснинг ўша кеча чалган камонни ҳеч унутмайман.... "Санъат муҳаббатдан бошқа нарса эмас" деганларга ўша кеча ишондим... Ён томондаги қоронғигина бир хонага кирганди... Деразадан тўлиной нурлари тушиб турар, юзи билан вужудининг бир тарафини ёритарди. Шундай нарсалар чалдики, деярли бу дунё ила алоқаси узилгандай эди... Хуллас, жуда кучли бир санъаткор... Хотини бир оз доносифат... Масалан, турки мусиқага ҳеч чидаш беролмайди... Бир кеча унга бир турки алла чалган экан...малика дали бўлаёзипти.. Айтишларича, хотинча бўлмиш икки ой шу алла билан ухлаган экан.

Вадот давом этар, уларнинг севгисига оид алланималарни ҳикоя қиларди.

Ламиа бу ҳикояни тингларкан ҳаяжонини, изтиробини кўрсатмаслик учун нафас олишдан ҳам қўрқар, паришон бир ҳузун ила хаёлга толганди: "Вадотбей буларни айтиб жуда ёмон қилди... Ҳозир зўрға ўзимни босиб турибман... Лекин ёлғиз қолганимда ким билади, қай аҳволга тушаркинман...Яна кечалари уйқу менга ҳаром бўлади... Демак, икки ой уни менинг аллам билан ухлатибди-да..."

Бироқ у кеча ортиқ музтариб бўлмаганини, изтироби кундузги енгил ва паришон ҳузнидан ўтмаганини кўриб ҳайратланди.

Эртаси кун қалбини бутунлай сокин топганда ўйлай бошлади: "Ажабо, нима учун у қадар эзилмадим. Ажабо, уни илгаригидай севмайманми... Бунга чора йўқ... То ўлгунга қадар бу савдога содиқ қолажагимни, уни унутмаяжагимни биламан... Эҳтимол энди бу аламларга, бу аччиқларга кўниккандирман... Унинг учун ортиқ изтироб чекмайман... Инсон ҳамма нарсага кўникади... Албатта бу яна яхши..."

XXI

Ўша йили қиш жуда шиддатли бўлганди. Кутаҳйа, ҳафталарча қуёш юзини кўрмаган, кўчалар қордан, лойдан ўтиб бўлмас ҳолга келганди. Доктор Вадот ҳалиям ҳар кун Камолбейларникига келар, уйига тун ярмидан оғгандан кейин қайтарди. Ёши қайтган мингбоши тилига зўр бера бошлаганди. У келганда "Кел, қани, қуёш афанди... Сен келсанг уйга қуёш киргандай бўлади" дерди. Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Унинг қувноқ, ҳазилкаш, шўх мизожи соясида қишнинг ўтганини ҳеч туймас эди.

Вадотнинг бир хусусияти эса болага болача, каттага каттача бўла олиши эди. Мақбула ила боғда соатларча қорбўрон ўйнар, Мабрурани елкаларига миндириб даҳлизда "от" бўлар, ҳатто баъзан ўчоқбошида Амина энага ёрдам бергани борарди.

Бир кун "Оҳ, Амина энагинам... Мен сиз учун қачонгача ёнаман?!" – дея бўйнидан қучоқлаган, ҳазилни тушунмаган қари хотинни: "Эвоҳ, номусим кетди... Бегона бир уйда жонимни ҳимоя қилувчи қолмади... Чидолмайман", – дея тўхтовсиз бақиртирганди.

Кечалари мингбоши ила даҳлизнинг ёнидаги тахтада ўтиришар, соатларча дамка, нард, қарта ўйнашарди.

Бир кун Вадот ҳеч кўринмади. Илк марта уйига одам жўнатдилар, у кун Истанбулдан келган бир амалдор дўстини кўрмакка кетгани хабарини олдилар.

У оқшом хуфтонга яқин яна уларникига келди. Жуда хурсанд ва мамнун кўринарди. Қордан оппоқ бўлиб кетган пальтосини отгандан кейин чўнтагидан ғижимланган бир мактуб чиқарди, уни музаффарона қўлида чайқатиб:

– Яшасин ҳуррият, – деди, – Истанбулга қайтадиган бўлдим...

Бу хушхабар туйқусдан совуқ ва аччиқ таъсир қилди. Мингбоши: "Ундай қилма, худо ҳаққи... Йўқ, жоним... Ёлғон айтяпсан" дея шубҳаланар, Мақбула қўлларини тиззаларига уриб йиғлаб фарёдлар кўтарди. Вадот гулдураган бир қаҳқаҳа билан кула бошлади:

– Оҳ, қандай худбин инсонлар, ё рабби, – дер эди, – ўз кайфиятлари учун менинг бу ерда йилларча сургунда қолишимга рози бўладилар-а...

Мингбоши кулиб ўз фикрини шарҳлади:

– Йўқ, унинг учун эмас... Худди бирдан юз бергандай бўлди-да... Кимдан келди бу хабар?

Вадот совуқдан қипқизариб кетган юзини иситиш учун соба[1]нинг қопқоғини очиб давом этди:

– Нуфузли бир маслакдошдан... Айни чоғда ҳали жуда ишонарли эмас... Сиз менинг у қадар қатъий гапирганимга қараманг. Маълумку, сизларни бир оз муболағали севаман... Мен учун Дохилия нозири[2]га мурожаат қилганлар... У ҳам бу иш билан шуғулланажагини жиддий равишда ваъда қилган... Ҳозирча бу қарор...

[1] Соба – печка.

[2] Дохилия нозири – ички ишлар вазири.

Мақбула чуқур бир нафас олди, севинчини яширишни лозим кўрмай:

– Ҳукумат одамлари кўп-кўп ваъда беришади, аммо ким амал қилади? – деди.

Мингбоши ила Вадот яна нардни бошлагандилар. Мақбула ҳар доимгидай бошини отасининг елкасига қўйиб, ўйинни томоша қиларди.

Ламиа қўлида тикиши билан лампанинг ёнига кетганди. Ора-сира кўзининг учи билан Вадотга қараб ўйлар эди: "Вадотбей кетса мен ҳам кўп маҳзун бўламан... Ора-сира менга "У"ндан баҳс этарди. Магар "У"ни нақадар севар эканман... Агар севмасайдим "У"нинг дўстига бу қадар аҳамият берармидим".

* * *

Эртасига эрталаб Ламиа Мақбула бир ғалати аҳволда юрганини пайқади. Ёш қиз тинмай унинг ортида айланишар, бир нарса демоқчи бўларди-ю, бунга журъат этмасди. Бир ора Мабрурага чойшаб келтириш учун юқоридаги сандиқ хонасига чиқди. Пастга тушаётганида Мақбулани яна қаршисида кўрди. Ёш қиз ҳайиққан ҳолда:

– Опа... Ламиа опа, – деди.

Камолбейга текканидан бери унга илк бора шундай мурожаат этаётган эди.

Ламиа диққат билан унинг юзига қараб:

– Сенда бир гап бор, Мақбула, – деди. – Эрталабдан бери эътибор бераман... Ҳеч хаёлимдан кетмаяпсан...

У туйқусдан сесканди:

– Ҳеч... Ҳеч гап йўқ... Гўё...

Ламиа катта ёшли аёлларга ўхшаб:

– Қани, қизим...Нима дардинг бўлса айт, – деди.

Мақбула сал иккиланган сўнг бир жасоратли куч билан:

– Опа... Мен севиб қолдим... – деди.

Буни шундай ғалати бир тарзда айтгандики, Ламиа кулгидан ўзини тиёлмади, унинг ёноғига бир чериб:

– Бўпти, ишқилиб, Ноилбейнинг отини оғзингга ола кўрма... "Энди нафратланаман" деб қасамлар ичгандинг...

Мақбула қизиқ табиатли бир қиз эди. Ҳар янги ойда бир таниган, кўргани эркаклардан бирини узоқдан-узоқ севишга киришар, Ламиага узун-узун ёрилар, севги дардида ёниб: "Отам мени унга бермаса иллоҳ-биллоҳ ўламан" дея йиғларди.

Ламиа олдинига ғаши келиб юрди. Мақбуланинг уни ўйламай бундай енгил нарсалардан баҳс этиши жиддий равишда диққат қила бошлаган, "она"лик ғурурига текканди. Сўнгра бу ишлардан Камолбей ҳам хабар топиб сиқилишини хоҳламади. Лекин Мақбуладай бебош, интизомсиз бир хилқат-ла шуғулланишга иложи йўқ эди. Ҳамда бу қадар кўп кимсани севган бу ёш қизнинг яхши бир жиҳати бор эди. Нуқул ўзи-ўзига келин-куёв бўлар, бу турли-туман бей ва афандилар-

дан ҳеч бири севилганликларини дарҳол билмасдилар. Кўчада шумтакалардан бири сўз отадиган бўлса дарҳол орқасини ўгирар, оддий бир мактаб боласидай ғавғо кўтарарди. Мақбула Ноил сўзини эшитганда юзини буриштирди:

– Мен Ноилни айтаётганим йўқ, опа, – деди, – нима қиламан у мискинни...

Ламиа яна кулимсади:

– У ҳолда анови ёш пиёда мулозими Рафиқбейми... биласанки, Рафиқбейнинг Истанбулда унашилган қизи бор.

Мақбула тумсайган бир чеҳра билан:

– Уф опа-ей... Мен Рафиқбейдан гап очмадим-ку! – деди.

– У ҳолда ким?..

Ёш қиз кўзларини ерга индирди. Ламианинг ложувард жун жакетининг тугмасини буриб узгудек ҳолда:

– Мен Вадотни севаман, – деди.

Ламиа бирдан эсанкиради. Биров бу сўзларни эшитиб қолишидан қўрққандай:

– Вадотни севасанми? Бор-е, Мақбула, нима қилаётганингни, нима деяётганингни ўйлайсанми ўзи?

Мақбула йиғлашга ҳозирланиб унинг бўйнига осилди:

– Нима қилай, опажон... Кўнгил бу... Сувдай оқаверди кетаверди... Худо ҳаққи, менга бир йўл кўрсат, Ламиа опа... Нима бўлса сендан бўлади. Воллоҳ биллоҳ, ўзимни ўлдираман...

Бу воқеа Ламиани қаттиқ ўйлата бошлади. Ўртадаги хона эшигини ёпди, сўнгра оғир, жиддий, мушфиқ бир овоз билан:

– Мақбула, биласанки, мен маълум даражада сенинг онанг ҳисобланаман. Ҳар ҳолда бу савдо деган нарсанг яна олдингилардай ўтиб кетадиган нарсадир. Тўхта, гапимни бўлма... Вадотбей бу уйда ҳаммамизнинг акамиздай ... Худо асрасин, бир нарсани сезиб қолса ҳаммамиз бўладигани бўламиз...

Мақбула инжиқ бир сабрсизлик билан ер тепинди:

– Уҳ, Ламиа опа... Тушунмаяпсан. Мен ёниб кетяпман, деяпман. Мен Вадотнинг хотини бўлгим келяпти... Бу ерда чиройли бир тўй... Кейин Истанбулга кетаётганда мени ҳам ола кетади....Оҳ, қандай аъло... Бейотам билан сен ҳам Истанбулга меҳмонга келасизлар... Вадотжоним билан сени, ким билади, қандай иззат-икром қиларкинмиз...

Ламиа беихтиёр кулиб унинг сўзини бўлди:

– Худо ҳаққи, болалик қилма, Мақбула, ҳали ўртада ҳеч нарса бўлмай туриб бундай умидларга берилма...

– Ажабо, Вадот ҳам мени севармикин, нима дейсан, Ламиа опа? Жуда у қадар хунук-пунук эмасман... Гапирсанг-чи, Ламиа опа. Қани бўл...

Ламиани қўпол қучоғига олиб қийнар, қўярда қўймай зўрлаб хона ичида айлантирганча ёлворарди:

– Вадот ҳам мени севади, шундай эмасми? Гапирсанг-чи!..

— Ундай қилма, Мақбула... Нафасим қайтиб кетяпти. Қаёқдан билай мен?

— Опажоним, менинг сендан бошқа яқиним йўқ... Буни ҳаммадан кўпроқ сен тушунасан.

— Мен тушунаман?... Мени ақлдан оздирмоқчимисан, Мақбула?

— Сен мендан кўра ақллироқсан, опажоним. Вадот мени севиб қолиши учун нима қилсам бўлади... Нималар гапирай... нималар кияй? Четдаги одамга осон... Ўзингни ноқулай қис қилсанг, узоқдан ишора қиларсан... Мактуб жўнатсанг бўлиб кетарди...

Ламиа ўзини тутолмай куларди:

— Сен ўйлаганимдан ҳам кўпроқ бола экансан, Мақбула...

Ёш қиз бу гапдан ҳам илҳомланиб яна бошқача илтимосларни бошлади:

— Қўзим, Ламиа опажоним... Сен унинг оғзини пойлайвер... Кўрайлик, мен тўғримда нима деркин... Қай томонларимни ёқтираркин... Мен шунга кўра ҳаракат қилай...Ҳам, балки, иншооллоҳ, у ҳам мени севиб қолар. Мен учун шундай яхшилик қила оласанми, Ламиа опажоним? Нима бўпти... Сен ҳам биронтасини севиб қолсанг, мен сенга... Вой, қара, нималар деяпман... Товба, товба... Зотан, ярим ақлим бор эди... у ҳам бошимдан кетди....

Ламиа бу ишда ўзидан ёрдам кутмасликни очиқдан-очиқ Мақбулага айтганди. Лекин ёш қиз унинг барини қўйиб юбормас, уни мажбурлаб ёлғиз хоналарга қулфлаб олиб, соатларча дардини тўкиб солар, йиғлаб изиллар, юзини, қўлларини ўпиб ёлворарди.

Ламиадан умиди узилгач кулгили ва хатарли чоралар ўйлай бошлаганди: Вадотнинг чўнтагига мактуб солиб қўйиш, Амина эна воситачилиги балан хабар жўнатиш, очиқдан-очиқ аммаваччаси билан гаплашиш...

Ламиа унинг бундай телбаликлар қилмай туролмаслигини билар, бир машмаша чиқади-ёв, дея юраги безиллар эди. Қизнинг ҳолидаги ғалатиликни уйдагилар ҳам тушуна бошлагандилар. Турли инжиқликлар қилар, паришон, бепарво ҳаракатлари билан олдида қўйилган пиёла-косаларни отиб синдирар, ёлғиз қолган пайтларида бор овози билан бақириб ғазаллар ўқирди. Вадотга нисбатан ора-сира қичиқ қизлар қилиғини қиларди. Ҳеч қандай муносабат йўқ бўлатуриб ясаниб олар, кўзларига сурмалар тортар. Ғалати кўринишларда у билан жиддий баҳслларга киришмоқчи бўларди. Вадот баъзан бу фавқулоддаликларни ҳеч пайқамас, баъзан ҳазиллашарди. Шундай онларда Мақбуланинг жини қўзиб кетар, ошиқона бир тарзда бошлаган бу томошаларини шовқинли болача ғовғалар билан тугатарди.

Вадот кўп вақтдан бери тоғасининг дўстларидан бирини даволаётган эди. Бир кун дастурхон устида Мақбула унинг фикрини билмоқчи бўлиб:

— Маҳмудбейнинг менинг ёшимда бир қизи бор... Худди отасига ўхшайди... Маймун суратли... — деди. Вадот кулди:

— Кечирасиз, кичик хоним, — деди, — Набилахонимни ҳар борганимда кўраман... Шакардай бир нарса... Оқ севикли кўзлар, сарв қоматлар, у андомлар...

Мингбоши ҳазил қила бошлади:

— Ёқтирсанг, сенга олайлик, Вадот...

Мақбула туйқусдан аччиқланди. Бутун аламини отасидан қаратиб:

— Офарин, бейота, — деди. — Қидириб-қидириб ўша эси пастни топдингизми. У қиз бўёқлар билан чиройли бўлиб юради. Ҳам шундай бир ахлоқсиз фитнанинг ўзи-ку... Аммо модомики, Вадотбей ёқтирса.. Оллоҳ муборак қилсин... Зотан эркаклар жуда бефаросат бўлишади...

Бир оқшом Мақбула Вадотни кўча эшигигача кузатган, ажрашаётганда:

"Эртага ўз қўлим билан... сиз учун... хурмо тотли[1]си қиламан... Мутлақо келасиз, шундай эмасми" дея уни даъват қилганди.

Эртаси оқшом кечки овқат вақти бўлганда негадир Вадот кўринмади. Мақбула тўйга кетаётгандай ясаниб кийинган, деразанинг олдида уни кутар, сабрсизланарди. Вадотнинг Маҳмудбейларникида бўлганини биларди. Эҳтимол овқатга тутиб қолишгандир. Хоин шу соатда Набила билан ҳазиллашаётгандир.

Камолбей дастурхонга ўтирди. "Болалар, Вадот келмайди. Қани ўзимиз еяйлик", деди.

Ёш қиз ғазаб билан деразани ёпди, аччиқланган бир чеҳра билан "менинг бошим оғрияпти... емайман" деди. Эшикларни шарақлатиб, тўпиқларини уриб-уриб хонадан чиқди, либосини йиртгудай устидан чиқариб отди, зарда билан йиғлаганча ётоғига кирди.

Мингбоши "Кўпдан бери бу қизнинг устида намрудлик[2] бор, аммо сабабини ҳеч тушунмайман" деди.

Ламиа елкаларини қисди: "Билмайман... шундайми" дея жавоб берди.

Овқатлар тугай деб қолганда тўсатдан эшик тақиллади, Вадот ташвишли бир ҳолда ичкари кирди:

— Қўрққаним тўғри чиқди... Оч қолишимга оз қолипти...Афанди эзмалардан бири гапга тутиб қолди... Қани, Мақбула қаерда?

Мингбоши жавоб берди:

— Боши оғриб қолганмишми-е... бир бемаънилиги бор, англамайман...

— Бош оғриқдан ҳам овқатдан воз кечиладими, жоним... Келсин, мен унинг дорисини бераман... Қаерда, хонасидами...

Юқори чиқмоқчи бўлиб турганди, Ламиа ўрнидан турди:

— Рухсат этинг... Мен чақирай... — деди.

Мақбула эшигини илиб қўйганди. Ламиага аввало жавоб бермади, сўнгра ғазабли овоз билан: "Нима?!" деб сўради.

— Қани, кел, Мақбула... Вадотбей кутяпти. Кейин хафа бўлиб қолади...

[1] Тотли — тортга ўхшаш бир ширин пишириқ.

[2] Намрудлик — дағаллик.

Мақбула кўрпани ғазаб билан бошига тортиб:

– Хафа бўлса бўлаверсин. Лузум йўқ... Яхши иштаҳа тилайман, ош бўлсин, – деди.

Ламиа емакхонага қайтганда енгилгина кулимсиради.

Шунчаки "ухлапти, шекилли" деди. Эркаклар ортиқча изоҳ сўрамадилар, бошқа нарсалардан гаплаша бошладилар.

Нақ турай деганларида эшик очилди.

Мақбула жаҳлланган юзида гинахонлик ва маҳжуб бир табассум билан ичкари кирди. Янгитдан кийинган, нари-бери сочларини тузатган эди. Вадот уни қизарган бурни билан жанжалга ҳозирланган бир хўроз ҳолида кўрганда ўзини тутолмади, қаҳқаҳлаб кула бошлади:

– Вой, кичик хоним, бу қандай чеҳра бўлди? Бу не ҳол?

Мақбула ғазабланиб:

– Қанақа чеҳра бўлса шунақа чеҳра. Сиз ўз суратингизга боқинг, – деди.

Олдига қарамай юраркан ердаги мис патниснинг бир четини босиб олди. Туйқусдан патнисдаги ҳамма идиш-товоқлар чарсиллаб синди.

Мингбоши ортиқ ўзини тутолмади:

– Ҳап сени, намрут, сенимми... – деди. – Сени бир савасам кўрасан кунингни... Қаёқдаги бўлмағур феъл-атворлар пайдо бўляпти сенда... Ё эрга теккинг келяптими, нима бало...

Эндигина ноз қилмоқчи бўлиб турганда Вадотнинг олдида эшитгани бу шиддатли озор Мақбуланинг ғурурига жуда қаттиқ тегди. Отасига жавоб беришга жасорати етишмади. Юзларини қўллари билан тўсиб ўзини хонадан ташқарига отди. Суръат билан юқори чиқарди. Лекин зинапоянинг ўртасига келганда асаблари қайнади. Зина босқичларидан бирининг устига узаласига ётиб тепиниб чирпина бошлади, ғарайиб бир овоз билан::"Дод, тамом бўлдим, бўғилдим, ўлар бўлсам ўлдим... Оҳ, оҳ, оҳ... Ёрдам беринг! Ёрдам!" дея бақира бошлади.

Қўлларида лампалари билан, сув бордоқда сувлари билан нақ бирдан югурдилар, Мақбулани елкаларидан, оёқларидан тутиб кўтарганча юқори даҳлизга чиқардилар.

Ламиа унинг бошини тиззасига олиб, юзига сув сепар, билакларини уқалар, мингбоши узоқдан лампа тутиб, "Оллоҳ жазойингни берсин!" – дея ғудранар, Вадот бу ҳолга кулишдан ўзини тиёлмасди.

Бир оздан сўнг Ламиа Вадот билан ёлғиз қолгандилар. Бир-бирларига қараб кула бошладилар. Йигит маъноли бир назар билан:

– Нима дейсиз бу ҳолга, янга, – деди.

Ламиа сохта бир ҳайрат ила қошларини кўтариб жавоб берди:

– Билмасам... Эҳтимол бир оз кайфияти йўқдир...

– Нимадан, ажабо?

– Ким билади?

– Сиз ҳеч нарса сезмадингизми?

– Йўқ...

Икковлари ҳам жим қолгандилар. Вадотбей бир қоғоз парчасидан қайиқ ясаш билан машғул кўринарди. Ламиа ора-сира кўзларини унинг

юзига қадар, бир нарса айтмоқчи бўлгандай эди-ю, аммо журъат этолмасди. Ниҳоят енгилгина титраган бир овоз билан:

– Вадотбей, – деди, – мен Мақбуланинг онаси ҳисобланаман, тўғрими?

Йигит бошини лиқиллатди, ҳазиллашаётгандай бир тусда:

– Шубҳа борми, катта хонимафанди? – деди.

– Ҳар нима бўлгандаям унинг онасиман, Вадотбей. Мақбулани ўз қизимдай ўйлаш менинг вазифам... Шунинг учун айтажакларимни ғалати деб топманг, илтимос... Энди мен ҳам сиздан бир нарса сўрай: сиз ҳам ҳеч нарсани сезмадингизми?

– Йўқ... Масалан, қандай?

– Қандай бўларди? Имкони йўқ нарсани...

Вадот бир-бирларининг мақсадини жуда яхши англаганларини кўрсатувчи бир табассум ила:

– Эҳтимол, – деди, – лекин модомики бошладингиз ... Давом этинг... Мендан ҳеч нарса сўраманг...

– Менинг ҳис этишимча қизим сизни... истаяпти...

– Афсуски, балки шундай, Ламиахоним... Аллақайси бир вақтдан бери буни мен ҳам ҳис этгандай бўламан... Сиз бу ҳолга нима дейсиз?

– Нима деяй... Сиз ҳам уни истаётган бўлсангиз жуда мамнун бўламан... Қайнонангиз бўлишни албатта истайман...

– Энди сизни "қайнона" деяверамани? Ё "Мабрура" дейманми?

– Илтимос, Вадотбей... Жиддий гаплашяпмиз, шундай эмасми, афандим?

– Мақбула ила менинг издивожимиз тўғрисида жиддий гап очиш мумкинми, Ламиахоним? Бунга сиз имкон берасизми?

– Нега бўлмасин... Бола бечора сизни чин дилдан истаяпти...

– Жуда яхши, аммо шунинг ўзи кифоя эмас... Бир тарафдан мен шундай одамманки... Лекин бу имконсизлик учун сабаб кўрсатиш ҳам кулгили....

– Шундай, аммо ҳаммамиз мушкул вазиятда қоляпмиз, Вадотбей... топиб бу ердан қоча олсам иш осонлашади, лекин... Ҳамма зиёратларимни тўхтатай...

– Бу ҳам тўғри... Ҳай, Оллоҳ жазосини берсин... Бир чорасини

– Қандай бўларкин? Тоғангиз шубҳа қилмайдими?

– Турган гап, шубҳа қилади... Воҳ воҳ ... Бу одамчанинг жонини қийноққа қўямиз... Айни чоғда бошқа чора ҳам йўқ, Ламиахоним... Ишларимни баҳона қилиб келишларимни сийракроқ қила бошлайман.

Ламиа маҳзун-маҳзун:

– Шўрлик Мақбула, – деди. – Ким билади, қанчалик узиларкин...

– Ҳар ҳолда бу келувчи-кетувчи бир ҳавасдан бошқа нарса эмас, Ламиахоним... Савдозада Мақбула қаерда?

XXII

Вадот тоғасининг уйига жуда сийрак кела бошлаганди. Тиббга оид бир китоб ёзиш билан банд эканлигини айтар, ҳафтада бир-икки марта, унда ҳам баъзи янги дўстлари билан бирга овга кетарди. Мақбула китоб ҳам, ов ҳам баҳонадан бошқа нарса эмаслигини ҳис этганди. Далиллигини, инжиқлигини кундан-кунга орттирар, "Сен мени тушунмаяпсан... Сен истасанг дардимга бир чора топардинг" маъносида шикоятлар билан доимо Ламиани безор этарди. Баҳор яқинлашган бўлишига қарамай негадир ҳаволар ҳам ўнгланмас, ҳамон қор ёғарди.

Ламиа бир кун касал қўшниларидан бирининг кўнглини сўрашга борганди. Орада тасодифан дуч келган бир қари хотин сўз орасида ёмон бир янгилик бериб қолди:

– Жоним, эшитдингизми, – деди, – бугун эрталаб бир ов фалокати юз берганмиш. Биласиз, анов Мардиён Дудунинг уйида турадиган бир сургун ҳаким бор эди-ку, ўша яраланганмиш, замбилда бир касалхонага оборишипти...

Ламиа енгил инграб юборди, туйқусдан ранги ўчиб:

– Ростданми, катта хола... Қаеридан ўқ епти?.. Яраси жуда оғирми? –дея сўради.

– Билмасам, қизим... Мен ҳам ўзимизнинг муҳтарам келинимиздан эшитдим.

Уй соҳиблари касалхонага одам юборишни таклиф қилишди.

Лекин Ламиа у вақтгача сабр қилолмаслигини айтиб кўчага чиқди. Олдинига шоша-пиша уйига қараб йўл олди. Камолбей ила Мақбулага фалокатни хабар қилмоқчи эди. Лекин йўлда бир оз мулоҳаза қилиб бундай қилиш тўғри бўлмаслигини ўйлади. Вадотнинг яраси хатарли бўлмаса эрини қўрқитган бўларди. Сўнгра Мақбула ҳам балки керагидан ортиқ ҳаяжонланар, эс-ҳушини йўқотиб уларни бугунлай эсанкиратиб қўйиши турган гап эди. Ҳар ҳолда уйга бормасдан олдин бирон ердан маълумот олиши керак эди. Мардиён Дуду мутлақо воқеани аниқ билса керак эди.

Ламиа бир бурчакка етганда йўлини бурди. Вадот турган уйга қараб жадал кета бошлади. Эшикка яқинлашганда акс хабар олиш қўрқувидан юраги ҳаприкди, кўз ўнги қоронғилашиб, босаётган ерини билмас эди.

Мардиён Дуду катта бир елпиғичга ўхшаган тўқима курсида ўтирганча тош ҳовлида манқал ёқарди. Оралиқ эшикдан Ламианинг киргани кўрганда эсанкиради, қўлларини белига тираб:

– Тинчликми, кичик хоним? Иншоолоҳ ёмон хабармас-а?.. – деди.

Жувон ҳаяжонини кетказиш учун қўли билан кўксини босиб:

– Мардиён Дуду... Фалокатни эшитмадингизми? – деди.

Қари хотин янада кўпроқ хавотирланди:

– Қандай фалокат?

– Вадотбей овда яраланганмиш. Касалхонага опкетишипти...Бу ерга хабар беришмадими? Нима қилсак экан?

Мардиён Дуду бир қаҳқаҳа кўтарди, сўнгра зиналардан юқорига қараб қичқирди:

– Вадотбей... Пастга туш... Қара, ким келди?

Вадот Ламиани қорларга, лойларга ботган, ҳаяжондан нафаси тиқилган ҳолда тошҳовлида кўриб эсанкираб қолди:

– Янга, тинчланинг, бизникилардан бирига бирон нарса бўлдими? – деди.

Жувон ҳаяжондан, севинчдан гапиролмасди. Мардиён Дуду унинг ўрнига жавоб берди:

– Сизни ўқ еган, касалхонага тушган деб эшитибдилар...

– Менми? Ким тарқатипти бу гапни? Тоғам эшитдими, янга?

Ламиа боши билан "йўқ" дея жавоб берди, сўнгра узуқ-юлуқ давом этди:

– Йўлда эшитдим... Тоғангизни бирдан қўрқитиб юборишни истамадим. Тўғри бу ёққа қараб югурдим... Оҳ, Вадотбей, шунчалик қўрқибкетдимки. Бу қўрқув ёнимга қолди, зўр бўлди... Демак, ёлғон айтишипти-да...

– Вужуди ҳамон титрар, тош ҳовлининг ярим ёруғида кўзлари пор-пор ёнарди.

Вадот кулиб жавоб берди:

– Бутунлай ёлғон эмас... Фақат сизга юзда тўқсон саккиз муболаға билан айтишипти... Яра деганлари аҳамиятсиз бир шилинишдан иборат...

Шундай деди-ю, қўлини узатди. Ламиа енгил инграб юборди. Вадотнинг ўнг кафти ингичка бинт билан ўралганди. Буни Мардиён Дуду ҳатто пайқамаган ҳам экан.

Йигит ҳар доимгидай ҳазилкашлик таврида давом этарди:

– Менинг овчилигимдан келган фойда... Милтиқни отаркан кафтимнинг териси тасодифан тепкининг орасига қисилиб қолди. Табиий, бир оз шилинди, саккиз-ўн томчи қон оқди... Қайтишда бир аптекага учраб бинт олдим... Яна озгина қўшиб-чатсалар, мени "ўлди"га ҳам чиқаришаркан.... Лекин сиз кўп хавотирланибсиз, янга...

Ламиа кетишга ҳозирланарди. Мардиён Дуду қаршилик қилди:

– Шунча ердан овора бўлиб келибсан... Озгина нафасингни ростла...

Жувон тараддудда эди.

– Кеч қоламан. Балки уйдагилар ҳам эшитгандирлар...Тоғангиз ила Мақбула хавотирланишади...

Вадот буни маъқуллади, "ҳа, ҳа, кечикманг" деди. Аммо Дуду кўнмади.

– Қандай уй соҳибисан. Вадотбей...Беш дақиқа... Сенга янги чой қўйдим... Бир бордоқ ҳам хонимга икром қилмайми? Ҳам, қара, қандай совқотган... Бир оз қўлини, юзини иситсин...

Ламиа жуда совқотганди. Ора-сира тишлари такиллаб титрар, қизариб кетган бармоқларини нафаси билан иситарди.

Мардиён Дуду уларни ўз меҳмонхонасига олди, тошҳовлидаги манқални ҳам келтириб, шу ерда қолдирди-да:

– Сизлар исина туринг... Мен энди чойни дамлай, – деб чиқиб кетди.

Қари хотин, бу мўъжазгина хонани жуда муҳтарам меҳмонларига очарди. Барча қимматбаҳо ашёси билан эридан қолган бошқа ёдгорлар шу ерда турарди. Вадот йиртиқлари яшил бир латта билан ямалган гунафшаранг ипак ғилофли бир кўрпачага ўтирганди. Ламиа паст бир дастгоҳ курсисини олиб манқал тепасига ўтди. Иссиққа яқинлашиши билан обдан санчиб кетган бармоқларини уқалаб, "Оллоҳ рози бўлсин уй соҳибингиздан... Қайтаверсам бўларди" дер эди.

Деворларга тумор шаклида хил-хил, тур-тур парда парчаларидан қилинган "гиламлар" осилганди. Мардиён Дуду оила фотосувратларидан тортиб газета, китоб расмларига қадар қўлига нима тушса бу "гиламлар"нинг устига осган, тиккан, ёпиштирганди.

Вадот овозини пастлатиб гапирарди:

– Менинг уй соҳибам жиддий антиквар... Дунёда бу хонадан кулгилироқ, эрмакбоп бир музей тасаввур қилолмайман. Мана атрофингизга бир қаранг... Шу узун сопли, қошиқдай бир нарса – бир нави қашлағич... "Раҳматлик" эри шу билан орқасини қаширкан... Манави нал, ўз вақтида онаси келин бўлганда мингани бир хачирнинг нали эмиш... Манави тахта қутига отасининг отаси ўз вақтида олтин тўлдираркан... Буларни менга бирма-бир ҳикоя қилди...

Мардиён Дудунинг қўлида чой патниси билан ичкари кирганда Вадот сўзни бошқа ёққа бурди, бу гал Мақбуладан баҳс эта бошлади. Тоғаваччасининг енгилтаклиги, бефаросатликларини майда-чуйда тафсилотларигача кулги қилар, Мақбуланинг баъзи ҳолларини, қилиқларини шундай ўхшатиб тақлид қилардики, жувон қотиб-қотиб кулишдан ўзини тўхтатолмасди. Айни чоғда яна бу фурсатдан фойдаланиб ёш қизни ҳимоя қила бошлаганди:

– Мунча инсофсизлик қилманг, Вадотбей... Мақбула ёмон қалбли қиз эмас... Бир оз ҳавойи, бир оз соддадил... Лекин сиз уни хоҳлаганингиздай тарбия қила оласиз... Сўнгра шуни яхши тушунингки, бечора сизни жуда хоҳлаяпти, унинг узилишларини кўрганда мен ҳам узиламан.

Ламиа буларни айтаркан ора-сира бармоқлари билан чаккаларини сиқиб-сиқиб қўярди. Вадотбей сўзини бўлиб:

– Мазангиз йўқми? – деди.

Жувон:

– Бошимда бир оғирлик, кўзларимда сал-сал қорайиш бор, – деди. – Аҳамияти йўқ нарса... Ўтиб кетади... Бир оз олдин қўрқиб кетганим ва ҳаяжонланганим натижаси бўлса керак.

Такрор Мақбуладан баҳс эта бошлаганди. Вадот ҳам энди оғир ва жиддий гапирар, бу ёш қизга нега уйланишига имкон йўқлигини узун-узун тушунтирарди.

Йигит бир оз олдинги нашъа ва жонлилигини йўқотганди. Бошида қаттиқ бир оғриқ, вужудида бир чарчоқ ҳис этарди. Енгилгина керишиб:

– Қандай бир маъюс бир кун, Ламиахоним, – деди – Шу соатда ўрталиқ одатий бир қоронғиликка чўмди. Менда ҳам сиздагидай бир сиҳатсизлик бор. Сиз бир оз енгиллашдингизми?

Ламиа яна жавоб бермади. Ўнг қўлини ёнидаги диванга тираган, манглайини билагининг устига қўйганди.

Бу табиий бир ўтириш эмасди. Елкалари енгил-енгил титрар, сўл қўли ёнига осилганди.

Вадот мушкулот билан жойидан қўзғалди:

– Янга, тузукмисиз? – дея сўради.

Ламиа яна жавоб бермади. Вадот унга қараб энгашди, саволини такрорлаб елкасини силкитди. Жувоннинг қўли туйқусдан диваннинг четидан осилди, вужуди жонсиз бир нарсадай ерга думалади.

Вадот унга ёрдам бермоқчи бўлар, лекин қўрқинчли тушларда бўлгани каби қўли, билаклари ҳаракатга келмасди. Эсанкираган бир назар билан атрофига аланглай бошлади, хона, бир қудуқ каби қоронғилашиб чуқурлашар, узоқ, бўғиқ акс садолар берарди. Кўзлари бу қоронғилик ичида манқалга, устма-уст қаланган кўмир оташининг устида шу онда ёниб ўчган енгил мовий оловларга тикилди. Қандай балога дучор бўлганликларини шундагина англаб етди, бақирмоқчи бўлди, овози чиқмади. Сўнг бор кучини йиғиб эшикка қараб бир неча одим отди. Тўсатдан оёқлари бир нарсага тегди. Лекин йиқиларкан эшикнинг тутқичига ёпишган, билагини қаттиқ уриш билан уни очишга муваффақ бўлганди.

XXIV

Ламиа ўша кеча ҳеч ўзига келмади. Вужуди олов бўлиб ёнар, тушунарсиз сўзлар айтиб алаҳсирарди.

Эртаси тонг оғир бир уйқудан уйғонганда, ҳаво очиқлигини кўрди. Кўк юзи нам гунафшалар рангида эди. Кўз етганча узайиб кетган қорли манзаралар устига порлоқ баҳор қуёши тўкилганди.

Жувон ҳолсиз ва ҳорғин эди. Лекин кечқурунги буҳронларидан асар ҳам қолмаганди. Аксинча, ичида бир чиройли тонг каби покиза ва ва енгил бир нарсани ҳис қиларди.

Деразанинг ёнида сассиз-садосиз тикиш тикаётган Аминахоладан Мақбулани чақиришни сўради. Болани кўрпанинг тагига олиб, сочларини таради. Бир ораликдан сўнг Мақбула ҳам хонага кирди. Ламиа унинг бўйнига осилишини, ётоғининг ёнига келиб ўтириб кечаги воқеани ошириб-тошириб ҳикоя қилишини кутарди. Лекин ёш қиз бу тонг нашъасиз ва эзилган кўринарди. Бошини бир оқ дока рўмол билан сиқиб боғлаганди. Ламиа сўраган саволларига дағал жавоб қайтарди, сўнгра бир ишни баҳона қилиб ташқари чиқди.

Камолбей ҳам ўша тонг кўзга ташланмасди. Ламиа эри билан ўгай қизининг бугун нақадар ўзини менсимаётганларига ҳайратланарди. Амина Энадан мингбошининг қаердалигини сўради, тонгда эрта билан кўчага чиқиб кетганини билиб олди.

Жувон бир оздан сўнг ётоғидан туриб оҳиста-оҳиста хонасининг ичида айланиб кийина бошлади. Бир оралиқ пастда эрининг овозига ўхшаш бир овоз эшитгандай бўлди. Хона эшигини очиб қулоқ солди. Ҳа, унинг овози эди. Камолбей пастки хонада дағал бир овоз билан қизини озорлаётган эди. Мақбула жавоб қайтарар, лекин жуда секин сўйлаётгани учун нима деяётгани англашилмасди.

Ламиа бу тонг уйда кўрган-эшитганларидан қўрқа бошлаганди. Оҳиста-оҳиста пастга тушди. Улар гаплашаётган хонага кирди. Ота-бола уни кўришлари билан жим бўлдилар. Мақбула бошини терс ўгириб хонадан чиқди. Ранги бир оз аввалгидан кўпроқ бўзарган, кўзлари қип-қизил эди.

Мингбоши кўчадан ҳозиргина келган, ҳали пальтосини ҳам ечмаганди. Совуқ бир тавр билан "қалай, дардинг аригандир иншооллоҳ" дея сўради.

Хотинига қарашга мажбур бўлмаслик учун бошини дераза томонга ўгирган, қошлари чимирилган эди.

Ламиа хавотирини билдириб ҳол сўради:

– Мақбулага нима бўлди?

– ...

– Бир нарсадан сиқилдингизми?

– ...

– Мени қўрқитяпсиз, Камолбей... Худо ҳаққи, нима гап, айтинг?

Мингбоши айни ўша қовоғи солинган чеҳра, қаттиқ ва совуқ таврда эшик томонга ўгирилиб кетди:

– Йўқ... Кейинроқ гаплашамиз...

Ламиа унинг йўлини тўсди:

– Йўқ, Камолбей... Кўриб турибсизки, қаттиқ хавотирдаман. Қийнаманг мени...

Эрининг қайсарона сукути қаршисида нима деб ўйлашни ҳам билмас, хаёлидан турли ёмон эҳтимоллар ўтарди. Туйқусдан Вадот ёдига тушди. Амина Эна тонгла унга ҳам, Ламиага ҳам бир хилда ис теккани нини, кечадан бери унинг ҳам хаста эканини айтганди. Худо асрасин, у ҳалиям оғир касал ётган бўлса-я? Бошқа нима бўлиши мумкин? Бу фикр уни шундай ҳаяжонга солдики ўзини тутолмади, кўзларида қаттиқ изтироб, қўрқув ила сўради:

– Вадотбей, – деди, – Худо сақласин, Вадотбейга бир нарса бўлмаганми?

Эшикдан чиқиб кетаётган мингбоши шиддат билан орқага қайтди. Юзи титроққа тушиб қизарар, кўзларининг ичи ёнарди. Қўпол бир гап айтиб юбориши мумкин эди. Лекин ўзини қўлга олди. Юракни жабрловчи бир сокинлик билан:

– Энли хаста эмасмисан? Мени тинглай оласанми? – дея сўради.

Ламиа кулдай кўкариб кетганди. Титраб жавоб берди:

– Ҳеч нарса бўлмайди... гапиринг...

– Саволимга очиқ жавоб бер: кеча у ерда, унинг уйида нима ишинг бор эди?

Жувон эрининг қандай бир шубҳага тушганини эндигина англади. Бир кун аввалги воқеалар жуда тез кўз ўнгидан ўтди. Мингбоши бу шубҳасида ҳақли эди. Энди нима қилади: ўзининг ҳам, Вадотнинг ҳеч қандай айби йўқлигини қандай исботлайди? Илгари шунча туҳмат-балоларни кўрган аёл, энди нима учун бу қадар охирини ўйламай ҳаракат қилди?

Воқеани бор ҳолича айтиб берса Камолбейга бир оз ишонч келиши мумкинлигини ўйлади. Кўзёшларини, исёнларини босиб олди. Шошқалоқлик ва қайғуларга берилиб бирон нуқтани унутмаслик учун бутун тоқатини сарфлаб сўзлай бошлади. Ўқтин-ўқтин нам ва хумор кўзларини кўтариб эрининг юзига қараб қўярди. Мингбоши ҳиссиз бир хотиржамлик билан тинглар, лекин ишонмаётган эди. Сарғайган лабларида аччиқ бир табассум, деразадан ташқарига қарашида, қайсар кўзларида маъюс ишонч бор эди. Ламиа нима қилса ҳам, унинг қалбидан бу шубҳани чиқаролмаслигини англади, ҳикоясини ярим қолдириб ожизлик ва аламдан йиғлай бошлади.

Мингбоши хотинининг кўзёшлари тинишини ўшандоқ ҳиссиз хотиржамлик билан кутди, сўнгра оғир-оғир гапира бошлади:

– Ламиа... Булар беҳуда... Сен билан ғоят жиддий гаплашиш керак... Бизнинг оила қуришимиз ўзи беўхшов бир нарса эди.. Буни инкор этиб бўлмайди... Бу ишга рози бўлиб, сен бир бола каби, мен бир телба каби ҳаракат қилдик... Сен кичик ёшда катта фалокатларга учрагандинг... Мен қари қалбимга сўзимни ўтказолмадим... Хуллас, шу беўхшов иш юз берди... Мен инсофли, номусли одамман, Ламиа... Айтмадим, маълум қилмадим, лекин ўзимдан балки қирқ ёш кичик бир қизга уйланарканман, қанчалик уялганимни Оллоҳ билади... Кутаҳйада дўст-аҳбобларимнинг юзига қаролмайдиган бўлдим. Бир қаҳвахонада икки киши гаплашса мендан баҳс этаётирлар деб ўйлардим. Сўнгра сени қизғанардим... Ҳеч пайқамадингми? Чунки буни сендан яшириш учун қанчалик нафсимга жабр қилганимни ўзим биламан... Менинг шаънимга бир кунмас бир кун бир ёмонлик қилишинг мумкинлигидан шубҳаланардим. Кечир... Лекин бундай қилишинг мумкинлигини ақлимга сиғдиролмасдим. Лекин, айтдим-ку, мен инсофли, мулоҳазали бир одамман. Сен ёшсан, гўзалсан.

Бир кун қандай бўлмасин, бир одамга кўнглингни очасан... Мен ўлганимдан кейин яна албатта кимнидир севасан, дердим.. Ҳолбуки, олдинроқ севдинг... Биласан-ку, ўртада ҳеч қандай севги йўқ бўлса ҳам, яна мен сени қизғанардим... Ҳар нарса дейишим мумкин... Мен Вадотнинг келиб туришини ҳам хуш кўрмагандим.. Лекин бу шубҳани сездириш бениҳоя хунук, бениҳоя айб бир нарса бўларди... Унинг ёшлиги, унинг ўктамлиги, унинг қувноқлиги мени эзиб тугатаётган эди. Бу икки ҳафта аввал Мақбула оғзидан бир сўз чиқиб кетган эди... "Вадотбейнинг ёқтирадиган аёли Ламиа Опамга ўхшаган бўлиши керак" деди. Қизим бу сўзи билан отасининг қалбида қандай теран бир яра очганини билмасди. Ниҳоят кечаги воқеа бўлди. Бир ефрейтор жан-

дарм билан бир қари хотин хавотир билан бу ерга шошиб келишди-да, воқеани айтиб беришди. Вадот билан сенга кўмирдан ис тегипти... Ҳаётингиз хавф остида экан. Мақбула додлаб юборди: "Вадотни Ламиа ўлдирган... Бир-бирларини севишларини билардим..." дея ҳайқира бошлади... Ўша дақиқада қандай жоним чиқиб кетмаганига ҳайрон қоламан... Хуллас, кечадан бери Кутаҳйада ҳамма бир-бириникига кириб чиқяпти... "Сургундаги доктор билан мингбошининг хотини бир уйга кириб олиб, ўзларини заҳарлашипти... қучоқлашиб ўлишни исташипти" дейишяпти. Ҳақиқатан қабоҳатингиз борми, йўқми, буни билмайман... Эҳтимолки воқеа сен айтгандай бўлгандир... Табиий, ундай бўлмаган бўлса, мен учун бу сўнгги тасаллидир. Айни чоғда ҳар қалай бундан кейин бирга яшашимизга имкон қолмади. Сени ортиқ уйимда олиб қололмайман...

Сен каби ҳатто Вадот ҳам менинг назаримда ўлди... Бутун ҳаётимда ўзимни тўғри, дуруст инсон сифатида танитганимдан кейин бу ёшда бундай оқибатга дучор бўлишни истамасдим... Афсус, тақдирда бу ҳам бор экан... Зотан эртами-кечми бу шундай бўлиши муқаррар эди. Бахтли бўлишимга асосан ишонмасдим... "Бу давом этиши мумкин эмас, мана, татиб кўр, бобой, бундай ёш, гўзал бир хилқат билониҳоя сеники бўлолмайди" дер эдим. Нетайки, қўрққаним бошимга келди.

Қари мингбоши эшикнинг ёнидаги диванлардан бирига чўккан, бошини қўллари орасига олганди.

Ламиа ёлвориб, оёқларини қучоқламоқчи бўлди. Лекин у қўлининг кескин бир ҳаракати билан хона эшигини кўрсатди, бўғиқ бир овоз билан:

— Оллоҳ ризоси учун мени ёлғиз қолдир, — деди.

XXV

— Ламиахоним, бир неча дақиқага гаплашсак бўладими?

Жувон қўлида боласи билан қабристон орқасидаги танҳо йўлдан кетаётган эди. Жуда паришон эди. Бирдан сесканиб бошини ўгирганда Доктор Вадотни кўрди.

— Сизмисиз, Вадотбей.. Бирданига овозингизни таниёлмадим...

Талай вақтдан бери кўришолмаганимиз учун овозимни унутибсиз...

Вадот одатдагидай ҳазил оҳангида гаплашишга уринарди. Лекин чеҳраси ғамгин ва изтиробли эди. Сўзлари оғзидан тўкилиб кетаётганга ўхшарди. Мабруранинг жингалак сариқ сочларини силагандан сўнг тортинган бир таврда:

— Кўпдан бери сизни кўрмоқчи эдим, — деди, — қандайдир ҳеч иложини тополмадим. Ҳозиргина бозорнинг олдидан ўтганингизни кўрдим... Хуфиёна кетингиздан келавердим. Оддий бир кўчадаги бекорчилардан бирига ўхшаб изингизга тушдим... Оллоҳ сабабчи бўлиб бу ёққа бурилдингиз... Бу ҳазин вазият нимани билдиради, Ламиа хоним? Биз ахир эндигина ака-сингилдай бўлгандик...

Воқеа кунидан сўнгра илк бор бир-бирларини кўраётгандилар... Ламиа, ҳам севинар, ҳам ҳадиксирар эди. Вадот унинг завқли бир тарзда тез-тез атрофига аланглаётганини кўриб:

— Сиз билан бу ерда гаплашиш ҳар ҳолда таҳликадан холи эмас, — деди, — фақат на иложки, мен бунга мажбурман... Ҳамда ортиқ бўлари бўлди... Нима қилсак ҳам бўҳтондан қутулолмаймиз... Бу йўлдан қайтайлик, Ламиахоним, майлими?

Ламиа иккиланар:

— Айтадиган гапингиз узунми, Вадотбей? — дея сўради.

Йигит илтимос қилди: "ҳар ҳолда уч-беш дақиқа эркин гаплашиб олишимиз керак..."

Вадот кўрсатган ингичка йўл бўш бир далага чиқарди.

Мойчечаклар, лолақизғалдоқлар билан тўла ўтларнинг орасида бир фақир чўпон бола билан уч-беш кишидан бошқа ҳеч зот кўринмасди. Вадот бир оз олдин айтган гапини такрорлаб:

— Ҳа, Ламиахоним, — деди, — биз эндигина ака-сингил бўлгандик... Сизни бу гал кўча безорилари каби таъқиб этдим, бундай яширинча ўтлоқларда гаплашишимиз нақадар ҳазин, шундай эмасми? Сўнгги вақтларда сизга жуда сийрак кўринишимнинг асил сабаби Мақбула эмас-ди... Тоғамнинг мен билан сизнинг дўстона муносабатларимизни хуш кўрмаётганини билардим. Ўша кун ўз ўзингизча уйимга келиб эҳтиёт-сизлик қилганингиздан жоним хавотирга тушганди. Эҳтимол эсингиздадир... Тоғам балки хавотир олар деган баҳона билан дарҳол уйга қайтишингизни истагандим... Фақат аксига Дуду сабаб бўлди... Буларни ўзимни гуноҳсиз кўрсатиш учун айтмаяпман, Ламиахоним... ҳар неки бўлмасин, бундан буёғига мен жавобгарман... Тоғам билан учрашиб ҳақиқатни бўлганидай англатмоқчи бўлдим, мен билан кўришишни истамади.... Узун бир мактуб ёзиб жўнатдим. Мактубни очилмаган ҳолда қайтариб юборди... Хуллас, сизни ҳимоя қилиш учун ҳеч бир чора тополмадим... Бу ўн кун ичида қанчалик изтироб чекканимни тасаввур ҳам қилолмайсиз...

Ламиа маҳзун-маҳзун кулимсади:

— Нимаям қилардик, Вадотбей... Бу менинг толеим, афандим, — деди.

Йигит қўрқа-қўрқа сўради:

— Энди нима қилиш, қаерга бориш ниятидасиз?

— Бир неча кунга Истанбулга бораман, Вадотбей... Табиий, ортиқ Кутаҳйада қололмайман... Камолбей ҳам зотан шундай бўлишини истайди.. Истанбул ўз ҳолича яшамоқчи бўлганлар учун шароити яхши-роқ бўлган шаҳар эмасми, афандим... Онамнинг бир сутонаси бор. Тахминимча Бейларбейи тарафларда бир жойда туради, агар тирик бўлса унга яқин бир жойда тураман. Раҳматли отамдан қолган бир қанча қуруш[1] маошим билан ўзим ва боламнинг тирикчилигини ўтказишга

[1] Қуруш — танга.

ҳаракат қиламан... Ҳатто, мумкин бўлса, ишга кираман, Вадотбей... Мен кўп сиқилиб яшашдан қўрқмайман... Амин бўлингки, тахмин этганингиздан кўпроқ хотиржамман. Ҳатто Истанбулни такрор кўражагимни ўйлаганимда ичимда бир турли ҳаяжон уйғонмоқда...

Қўли билан Мабруранинг бошини силар, кўзларида маҳзун ва ҳаёлчан бир табассум билан узоқларга қарарди.

– Ҳаётимни шу кичкинамнинг саодатига бахш этмоқчиман, Вадотбей... У бахтли бўлса мен хазон бўлган ёшлигимга ачинмайман...

Вадот унинг бу қадар хотиржамлиги ва таваккал қилаётганини кўриб ҳайратланар, ҳатто бир оз асабийлашарди:

– Кўп балоларни кўрдингиз, – деди, – лекин, амин бўлингки, сиз ҳали ҳақиқий ҳаётни билмайсиз... Ҳали ёшсиз... Бахтли бўла оласиз. Ҳатто, ким билади, балки такрор сева оларсиз...

Бу сўнгги сўз уни чўчитди, қизарганини ҳис этиб:

– Севишми... Мен зотан севмадимки... – дея довдиради.

Вадот ҳам кулиб бошини чайқади:

– Буни бошқаларга айтишингиз мумкин, Ламиахоним. Аммо мен инонмайман...

Мабрурани қўлтиғидан олиб ҳавога иргитди, унинг кичик юзига, порлаган кўзларига гапиргандай:

– Буни кўринг, Ламиахоним, – деди. – Бу қадар ноёб бир нақш бир тасодифдан эмас, фақат теран бир муҳаббатдан туғилиши мумкин. Сизнинг ҳикоянгизга мен бир дақиқа ҳам кўнглим инонмади. Айни чоғда бу сўзларимни афв этинг... Бир жувон билан бундай кўнгил масалаларидан баҳс этиш ҳурматсизлик, айбли бир ҳаракат бўлади... Асл баҳсимизни давом эттирайлик... Вазиятингиз мушкул, ўйлаганингиздан ортиқроқ мушкул... Ўйлаб кўрингки, сиз эл назарида гуноҳли иши туфайли эридан ажралган бир хотинсиз...

Ламиа кулишдан ўзини тиёлмади:

– Ташаккур, Вадотбей, сиз менга тасалли бериш ўрнига жасоратимни синдирмоқчи бўляпсиз...

Енгилгина қизарди. Сўзнинг бу можарога тегинишидан мамнун кўринмас, асабиятини яширишга муваффақ бўлолмаётган эди.

– Ундай демоқчимасдим... Сиз йўлиққан фалокатда менинг ҳам ҳиссам, жавобгарлигим бор...

– Сизнинг жавобгарлигингиз? Нега энди?

– Кўринишда эмас, ҳақиқатда шундай... Нима бўлгандаям эрингиздан айрилишингизга мен сабабчи бўлдим, шунинг учун, ҳар номусли эркак каби, оила иморатини таъмир этиш лозим... Сўзни нега чўзиб кавлаштириш керак экан? Истамасдан сабаб бўлганим фалокатни ўнглаш учун менга тегишингизни таклиф этаман...

Ламиа енгил инграб юборди, қўллари билан қип-қизариб кетган юзини тўсганча:

– Нималар деяпсиз, Вадотбей... Бўладиган ишми шу, – деди.

Вадот ҳамон жиддият билан:

– Номусли инсонлар учун бу ишни шундай ҳал қилиш ҳам қарз, ҳам фарз, – деди.

– Имкони йўқ, Вадотбей, – деди, – номусли эркак шундай қилади деяпсиз. Ҳеч қабоҳати бўлмаган номусли бир эркакнинг бу қадар катта фидокорлигини тоза бир аёл қандай қабул қилиши мумкин? Илтимос қиламан... Тезроқ хайрлашайлик, Вадотбей... Инсонийлигингиз учун сизга ташаккур айтишни унутмайман, албатта...

Ламиа бу сўзлардан сўнг ортиқча гаплашиш тўғри бўлмаслигини ҳис этиб, кетишга ҳозирланарди.

Вадот бунга монелик қилди:

– Ламиахоним, – деди, – эҳтимол сизни яна бир марта бундай танҳо қабристон ораларида кўролмасман... Бир неча кундан сўнг Истанбулга кетаверасиз. Бу ишни мутлақо ҳал этишимиз лозим. Илтимос қиламан, айтинг: таклифимни қабул этишингизга қандай монелик бор?

– Айтдим-ку, Вадотбей... Мен фидокорликни истамайман...

Йигит ҳар доимгидай лоқайд, ҳазилкашлик мизожидан кутилмайдиган бир назокат ва асабийлик билан:

– Ахир бу фидокорлик мен учун бир саодат бўлса-чи, Ламиахоним? – деди. – Бахтли бир оила уяси қуришни умид қилаётган бўлсам-чи?..

– Албатта мендан яхшироқ, тозароқ бир ёш қиз топасиз, Вадотбей...

– Мен сизни ўша топа билажагим қизларнинг ҳаммасидан устун кўрсам-чи? Ё бу фидокорлик сўзи мен учун бир баҳона бўлса-чи? Мен сизни севсам-чи?

Ламиа нима қилишни, нима дейишни билмай титрар, олдига қараб турарди.

Вадот янада сокинроқ ва жиддий давом этди:

– Модомики очиғини айтдим, энди сизни меҳмон қилай... Сиз менга жуда каттиқ таъсир қилдингиз, Ламиахоним... Тоғамнинг хотирини бўлган чоғингизда сизнинг бу таъсирчанлик хислатингизни ўз-ўзимга нисбатан оддийгина бир таъсир дея изоҳлардим... Лекин модомики бу воқеа бошимизга келди... Ортиқ буни хуфия тутиш учун ҳеч бир сабаб кўрмайман. Ҳозирдан менга сўз беринг. Яқинда мен Истанбулга борган пайтимда бир оила бўламиз... Мен енгилтакроқ бўлиб кўрингани учун менга эътибор берманг. Сизни қўлимдан келганча бахтли қилиш учун курашаман...

Ламиа чуқур-чуқур ўйлай бошлаганди. Ҳадикли бир табассум билан:

– Менга нисбатан бундай туйғуйингиз борлиги янада каттароқ бир моне эмасми, Вадотбей? – деди. – Мен кўп маълумотли ҳам эмасман... Фақат йўлиққаним фалокатлар туфайли кўп ўйлаганман, баъзи нарсаларни яхши англаб етганман... Сизга шундай бир завжа лозимки, сизни севсин, Вадотбей... Сиз шунга лойиқсиз, сизнинг даражангизда севсин...

– Жуда яхши... Бир кун келиб шундай бўлишига умид қилолмайманми...

Ламиа шубҳа ила бошини чайқаб жавоб берди:

– Ҳозиргина Мабрурага қараб мен тўғримда бир нарса дегандингиз. Мен ахир аввал бошқасини севганман-ку... Менинг қалбимда завжам бўладиган инсонга берадиган ҳеч нарса қолмаган бўлса-чи...

– Бу ўта жиддий бир нарсами ўзи, Ламиахоним?

Вадотнинг чуқур бир ҳазинлик билан берган бу саволига Ламиа жавоб бермади, бор-йўғи бошини эгди. Йигит эса айни таври билан давом этди:

– Мен-чи? Ўша завжангиздан ортиқ бир нарса истамасман... Ё ҳозирча сизга эга бўлишни хоҳлаш даражасида севсам, севилсам-чи?

– Йўқ, имкони йўқ. Вадотбей... Шикоят қилмайман... Лекин унинг учун озмунча пушмон бўлдимми... Ҳам сиз ёшсиз... Севилишга арзийсиз... Сиз шундай инсонлардансизки, бир аёл ё ёш бир қиз сизни севмасдан эр қилса гуноҳ ва афсусли иш бўлади... Кўряпсиз-ку сизга қанчалик очиқ гапиряпман. Энди ортиқ сизга "Хайр, Оллоҳга топширдим" дейман, Вадотбей..

– Жуда яхши, Ламиахоним... Лекин Истанбулга борганимда сизни кўришимга рухсат берасизми? Нега очиғини айтмай. Мен ҳамон умидимни узмай тураман..

– Сиз билан бир дўст каби кўришишим мумкин...

– У ҳолда бир-икки ҳафта ичида кўришамиз...

– Сиз қандай қилиб яқинда Истанбулга бора оласиз? Шундай эҳтимол борми?

– Бу ишнинг кетига тушганимда ҳозиргача кетган бўлардим... Бунчалик бепарво бўлганимнинг сабаби, яна очиғини айтсам, сиз эдингиз, Ламиахоним. Буни сиз учун қасам ичиб айтаман.

Икки дўст каби бир-бирларининг қўлларини сиқдилар. Вадот Мабрурани қучоғига олиб такрор-такрор ёноғидан ўпди. Сўнг айрилишдилар.

УЧИНЧИ ҚИСМ

I

Онатўли қалъаси, 1 июнь

Панжур[1]ларим ёпиқ, хонам тун каби қоп-қоронғи эди. Бир соатдан бери пианинонинг ёнидаги оромкурси ичра увишиб қолгандим. Ҳеч нарса ўйламас, ҳеч нимани ҳис қилмасдим. Хонам сингари миямга ва қалбимга ҳам мазлум бир сукунат чўкканди.

Бирданига эшигим очилди, Жовидон шамолдай шиддат билан ичкари кирди. Мени бу ҳолда кўрганда енгил бир инграб, ўпкаланди.

– Нима қиляпсан, Канон... Мен сени кийинган деб ўйловдим. Одатда мен билан вақтинг чоғ бўлишига инонгим келади...

Жовидон тайёр бўлган, ҳатто сумкаси билан шамсиясини ҳам олганди. Эшикдан кирган порлоқ нур устуни ичида турар, хонадаги сукунат, қоронғи уйқу муҳити ичида ҳаракатлари янада жонли кўринар, овози янада кучли бир тебраниш оларди. Кўп вақтдан бери менда ғалати бир ҳол юз бераётган эди. Баъзи бундай жимжитлик эҳтиёжини теран ҳис қилганим, борлиғимни мутлақ инсоний хотиржамлик аро маҳв бўлишдан завқ олганим соатларда овозга ҳеч тоқат қилолмайман... Миямнинг ичида яширин бир яра бордай... Энг гўзал овоз ҳам бу ярани нотинч қилиб изиллатади...

Ўзимни йиғиб олай деб оёққа турдим.

– Биласанки, ҳеч қачон билатуриб, атайлаб сени хафа қилмайман, Жовидон. Неча бора ишонтириб айтдим, ғайриихтиёрий бўлади булар, дедим.

Жовидон тўғридан-тўғри жавоб бермади:

– Уф, намунча қоронғи бу хона... – дея шикоят қилиб деразага юрди, кучли қўлларининг қаттиқ ҳаракатлари билан ойналарни, панжурларни оча бошлади.

Бошини ўгирмасдан мен билан гаплашарди:

– Алҳамдулиллоҳ, касал эмассан... Ёлғиз тамбаллигинг бор... Бор йўғи шу... Ҳалигиндай, одамлардан қочиб ғорларда чилла ўтирадиган дарвишларнинг тамбаллиги... Лекин... Уууф, бу панжурлар намунча оғир... Ёпиқ тураверіб ис босиб кетган... Улар ҳам сенга ўхшайди: қўлимни ачитди.

– Рухсат бер, мен очай.

– Йўқ, йўқ, нотинч бўлма... Нима деётгандим... Бу сурункали тамбаллик... Буни эътироф этиш оғир... Шунинг учун бунга янада шоирона, санъаткорона бир шакл берасан...Одатий бир даҳо хасталиги...

[1] Панжур – дераза қопқаси.

Даҳо гений дегани эмасми? Ҳа, бир даҳо хасталиги шакли берасан... Лекин даҳо хасталигидан баҳс этиш учун аввало доҳий эканлигингни исбот қилишинг керак эмасми?.. Санъатингдан шубҳа қилганим учун шундай деяпти, деб ўйлама... Биласанки бунга ҳаммадан кўра кўпроқ эътимодим бор... Бу эътимодни ҳали йўқотганимча йўқ. Кошки бу эътимод менда бўлганидай танқидчиларда ҳам бўлса... Масалан, "Қора юлдузлар" тўғрисида шундай аччиқ бир танқидий мақола ёзган мунаққид ҳам...Ҳар кас сени мадҳ этиб турганда бу одам шундай деганди. Айнан ёдимда: "Қора юлдузлар" шубҳасиз юксак асар. Лекин ажабо, уни бу юксакликка даҳонинг қанотлари олиб чиқдими? Ёки муваққат бир ҳаяжон ва эҳтиросдан олгани тезлик билан – бир ҳавойи мушак каби – бир мартагина ҳаволарга юксалиб порладими? Буни Ҳусайн Каноннинг истиқболдаги асарлари кўрсатажак...Қанчадан-қанча ярим санъаткорлар бордирки, умрларининг баъзи соатларида фавқулодда одамлар ҳиссиётини берадилар, аммо бир вақт ўтгач ном-нишон қолдирмай сўниб кетадилар... "Қора юлдузлар" шубҳасиз гўзал ва юксак асар... Бироқ шундай тараддудга тушган ва тарқоқ ерлари, шундай нисбатсиз парчалари ҳам борки, бир даҳодан кўра кўпроқ бир юқумли касаллик асари эмасмикин деган фикр мени шубҳалантиради..." Бу мақола сабабли ўша вақтларда кўп сиқилгандим, Канон. Фақат вақт ўтган сари мунаққид ҳақли экан, дегим келади. "Қора юлдузлар" қўйилгандан бери уч йилча вақт ўтди... Ҳеч бир янги асар беролмадинг... Беришга ниятинг ва ҳавасинг ҳам йўққа ўхшайди...

Хотинимнинг бу сўзлари мени очиқ деразадан кирган Бўғоз шамолидан, денгизда чўмилгандан сўнг сарин ва мавжли йилтирашлар билан хонамда акслланган қиём қуёши ёруғлигидан ҳам кўпроқ жонлантирди. Кула бошладим:

– Тан ол, оила қурганимиздан бери ишлаш учун на вақт, на-да дахлсиз бир ер тополмадим, – дедим.

Жовидон лабларини буриб:

– Чиройли баҳона, – дея жавоб берди ва бу шундай дипломатча жумла эдики, мени озми-кўпми жавобгар қиларди.. – Ҳа,.. шундай, икки йилга яқин вақт давомида саёҳат қилдик... Сени тинч қўймадим, доимо банд этдим. Ҳатто балки сенга илҳом ҳам бермадим...

Хотиним ҳаяжонларини, қизишганларини, заифликларини яширишга жуда уста, энг катта воқеаларни доимо мағрур бир хотиржамлик, лоқайд бир калондимоғлик билан қарши олади.Шундай бўлгани ҳолда бугун дарҳол мен билан ғижиллашишга ҳозирланганини ҳис этардим.

– Бундай дема, Жовидон, – дедим. – Биласанки, катта фалокатлар каби ортиқча бахт ҳам санъаткорларни кўп ҳолларда ҳосилдорликдан маҳрум этган...

У янада катта бир асабийлик билан сўзимни бўлди:

– Ортиқча бахт деганда нима учун аччиқ-аччиқ кулимсирайсан? Инсон одатда киноя қилаётганига ишонади...

– Мен кулимсирадимми, Жовидон? Менми кулимсираган?

Ҳайрат билан хотинимнинг юзига қарардим. Бу "аччиқ-аччиқ кулимсираш" бугун негадир кўп асабий бўлган Жовидоннинг ваҳмидан иборатмиди, ёки мен чиндан ҳам ҳеч пайқамай, истамаган ҳолда аччиқ-аччиқ кулимсираганмидим, қатъиян айтолмайман.

Гапни чўзиш, хотиним билан узун бир муноқашага киришиш учун ҳеч хоҳишим йўқ эди. Гоят содда бир сокин овоз билан:

– Мақсадимни янглиш тушунма, илтимос қиламан, – дедим. – Биласан-ку, санъат ҳамма соҳадан кўпроқ хотиржамлик ва ёлғизликни талаб қилади... энг яхши асарлар узлатда яралади...Бошқаларни билмайман, аммо менда шундай... Ҳаётимиз масъуд, фақат бир оз ортиқча суронли ва ҳаракатлар ичида ўтди. Энди ортиқ Истанбулга жойлашдик... Кўрасан, нақадар жиддий ишлаяжакман... Ҳар ҳолда ҳали тамом бўлмаганимга, ўлмаганимга амин бўласан, Жовидон... Мен "Қора юлдузлар"дан ҳам чиройлироқ асарлар вужудга келтираман..

Бу сўзларни қаттиқ бир ишонч билан айтгандим. Дунёда ҳар нарсага чидайман. Фақат санъаткорлигимга шубҳа қилинишига асло...

Жовидон дарҳол авзойини ўзгартирмади. Фақат: "Билмадим. Кўрайлик... Мен ҳам шундан умидворман" деркан, юмшаганини, янгидан менга иноганини ҳис этардим...

– Қани, Канон... Тез ҳозирлан... Вақт ўтяпти...

– Бугун албатта Ада[1]га бориш шартми?

– Албатта... Шундай эмасми... Сўз бердик...

– Ҳа, аммо... Вужудимда бир синиқлик бор... Телефон қилсак, бир маъзурликлар кўрсатсак бўлмайдими?

– Иложи йўқ...

– Ҳам, янада тўғрироғи, мен бугун ишни бошламоқчи бўлиб тургандим...

– Бу гапинг шубҳали... Бир оз аввал бошлагандинг ҳам... Мен хонага кирган заҳотим сени нақадар буюк бир фаолият устида топдим... Шундай эмасми?

– Майна қиляпсан... Лекин ноҳақсан... Зеҳним тамомила асарим билан машғул эди... Ҳар санъат асарининг шундай бир ҳозирлик даври йўқми?

Ортиқ тамомила жонлангандим. Мен баъзи турғун ва ҳорғин замонларда дунёнинг энг иродасиз, энг бечора бир одамиман. Кичкина бир бола ҳам мени истаган ерига тортиб кетади. Лекин енгил бир ҳаяжон-ла жонланган вақтимда иш, шароит ўзгаради. Авзойим, ҳаракатларим, сўзларим бошқа бир оҳанг олади ва шиддатга киради.Шундай пайтларда чидаб бўлмас кучга кирганимни ҳис этаман.

Жовидонни қондириш-тинчлантиришга кўп ҳам уринмадим, менсиз оролга бораверишга рози бўлди. Оила қурганимиздан бери илк марта бир-биримиздан айри-айри тунаймиз.

Бу қисқа айрилиқ менга эски ёлғизлик, бекорлик кунларимни хотирлатади. У ҳаётнинг бир қанча аччиқ аламлари, маҳрумиятлари бор эди. Лекин гўзал жиҳатлари ҳам йўқмиди?

[1] Ада – орол.

Оқшом соатларида ўз-ўзимча соҳил бўйлаб юрардим. Гоҳ бўёқлари сўлган, деразалари узилган эски дала-ҳовлилар орасидаги тор кўчалардан ўтар, гоҳ денгиз четларидаги паст деворларга чиқардим. Бу соатларда бу ерларда айланиб юриш инсонда ғалати сезгилар уйғотади... Баланд-баланд хароб деворларнинг йиқиқ тошларида йўсинлар, тиконлар ўсган эски қалъа деворларидай, вайрон дала-ҳовлилар кўланка ва жимликка чўмиб ухлаётгандай... Узун, бир-бирига туташ даҳлизларга ўхшаган бу тор кўчаларни кун ботмай туриб дарҳол қоронғилик босади... Инсон бир тун вақти ташлаб кетилган бир эски замон мамлакатидан ўтгандай бўлади... Руҳингиз эскиган, ўтган, сўнган нарсаларнинг ҳузунларига тўлиб тошади... Сўнгра, ҳеч кутмаган ерингизда бир кечик, бир ғорга дуч келасиз... Қоронғиликка кўниккан кўзларингизга нурдан қамашгандай кўринадиган порлоқ, оқ бир ялангликка чиқасиз. Қарши томондаги тепаликларни рангли бир ёруғликларга кўмган, узоқдаги Истанбулнинг ойналарини олмос қириндилари каби пориллатган сўнгги қуёш нурларидан енгил оқимли сувларга, денгизга суринаётгандай қанот қоқувчи чағалайларга қадар ҳар ер жонли ва бахтиёр...

Бўғознинг Онатўли соҳилида ўз ҳаётим ва руҳим орасида муқояслар қилиш билан вақтимни чоғлайман. Нақадар бир-биримизга ўхшардик. Ўтган кунларимни ҳам худди шундай кўрардим. Турғун, маъюс, умидсиз ўлим қоронғилиги ва ҳаракатсизлиги ёхуд ҳаддан зиёд ҳаяжонланиш, ақлсиз, сархуш бахтиёрлик... Буларнинг иккисини излаб тополмаган, бошқа инсонлар каби руҳимга сокин бир тўхтам, мўътадил бир саодат таъмин этолмагандим...

Қуёш ботган, денгиз бутунлай сўнганди. Қаерларга келганимни билмасдим. Кўҳна бир бандаргоҳдан ўтардим, тошларнинг баъзилари кўчган, ҳатлаб ўтиб бўлмайдиган ёриқлар вужудга келганди.

Тўсатдан сувларнинг жонланганини, ёқимли овозлар чиқарганча тошларда ҳаракатланиш юз берганини кўрдим. Бошимни ўгирдим. Орқамдаги бандаргоҳга бир ширкатнинг вапури ёндашаётган эди. Оқшомнинг хотиржамлиги аро баланд бир бола овозининг "Пошобоғча"дея ҳайқирганини эшитдим.

Турган еримда қотиб қолгандим. "Пошобоғча..." Умримда жуда оз сўз, жуда оз товуш мени бу қадар мутаассир этди. Пошобоғча... Менинг бечора фидокор Чаросим туғилган, улғайган жой, узоқ мамлакатларда сузук, яшил кўзларининг бир ҳазин сабр билан кўрган болалик туши...

Бу маҳзун оқшом соатида кўнглимнинг бир яра каби изиллаётганини ҳис этардим. Чароснинг уйи, ажабо, қайси бирийкин? Ажабо, қайси тошларнинг устида ўйнаганди?

Буни ўрганмак менда бир кучли орзу шаклини олди. Назаримда агар Чароснинг яшаган дала-ҳовлисини кашф этолсам, фавқулодда бир воқеа бўларди, уни калта этаклари билан, сариқ сочлари билан, гўзал сепкилли юзи билан менга қараб чопиб келаётганини кўрардим. Оҳ, Чарос. Бир-биримизни ортиқ ҳеч кўрмасмиз. Лекин сени, бу дунёда

учратганим энг гўзал, энг покиза бир хилқат дея хотирлаяжакман... Санъатим менга кўп саодат берди, Чарос... Лекин ҳеч бириси сенинг қолдирганинг хотирага ўхшамади...

Қояларнинг орасида болдирлари яланғоч бир қари балиқчи айланиб юрарди. Шубҳасиз, қадимий туб аҳоли намояндаларидан бири бўлиши керак. Ажабо, Ламианинг отасини сўрасам танирмикин? Хаёлимга келган бу ноўрин саволга ўзим ҳам кулдим. Ҳақиқатан мен бора боргунча бола хаёлларида эдим.

Тун кирганди. Хийла чарчагандим. Бандаргоҳда бир қайиққа ҳатладим. Ора-сира бошимни ўгириб қарардим. Пошобоғча оҳиста-оҳиста узоқлашар, қоронғиликка чўмиб борарди. Фақат мен Чаросни хаёлимдан чиқаролмасдим.

Бу уч йилга яқин вақт ичида Ламиани кўп марталаб хотирлагандим. Лекин ҳеч вақт уни бу қадар том руҳимнинг ичида топмагандим. Кўзларимнинг ўнгида энг кичик маъноларига, энг яширин чизгиларига боргунга қадар бутун тафсилоти билан чеҳраси гавдаланар, қулоғимда титроқ овози янграрди. Дудоқларимда айни ўша нафасини, сочларининг ҳидларини топардим. Уни бу қадар ҳофизамда том ўлароқ қандай қилиб сақлай олган эканман?

Ҳа, мен Чаросни бу уч йил ичида бир неча марта эслагандим.. Эътироф қилайинки, унга ўтказганим аламли ҳижрон азоблари энг масъуд, энг ширин соатларимда мени ҳам заҳарлади....Ўзимни оқламоқ учун кучли сабабларим бор эди: "Чарос содда бир бола, дердим, бу тарздаги фалокатлар, унингдай содда руҳларда ўйлаганимиздай катта таъсирлар қолдиролмайди. Бир оз қаттиқ таъсир қилган бўлса-да, ҳар ҳолда унуттандир. Эҳтимол ҳозир бахтлидир.." Бу мантиқ мени бутунлай қаноатлантирмаса ҳам ҳар ҳолда тинимсиз эзилишимга йўл қўймасди. Сўнгра инсон ҳислари вақт билан бирга эртами-кечми қарий бошлайди, кучини йўқотади... Сўнгра ҳаётнинг яна бошқа машғулотлари бор... Хусусан мен каби сершовқин ҳаёт кечирувчи санъаткорнинг... Айни чоғда, шуниси ҳам борки, Ламианинг бахтли яшаб кетишига ўзимни иноитирганим ҳолда ҳеч қачон уни суриштирмадим, буни аниқлашга журъат этолмадим...

Қайиқнинг бир чеккасида кўзларимни юмган, ўзимни денгиз каби ҳар ёндан ўраган хотираларга топширгандим.

Тушдай ўтган у ёз воқеалари руҳимда, асабларим ўйлаганимдан кўпроқ излар қолдирганини энди англаётган эдим. Жовидон билан бирга ўтказганим бу икки ярим йилнинг саодатини инкор этсам нонкўрлик бўлади... Шод ва бахтиёр яшардик. Саёҳатчи қушлар каби ҳар мавсумни бир мамлакатда ўтказардик. Дўстларимиз бахтиёрлигимизга ҳасад қилишарди. Лекин қайси мамлакатда бўлмайлик, ҳар ёз худди шу мавсумда, ичимда сурункали бир ҳазинлик, сабабсиз бир яшамоқ ҳорғинлиги уйғонарди. Ишлашдан нафратланардим, яшашдан безор бўлардим, севишни севмасдим. Қалбимда билинмас бир нарсанинг ҳасра-

ти, билинмас бир жойнинг ватан соғинчи бор эди. Нима истардим, нимасини ўйлардим буни англашдан, бу ҳисларни ортиқ таҳлил қилишдан ўзим ҳам қўрқардим. Бу яширин буҳрон давом этган муддатларда хотинимни ўзимга бегона ҳис этардим... Яшашдан шунча завқ олаётганим шик[1], кибор, зариф дўстларимизни ҳолати ичларидан манекенлар каби руҳсиз кўринар, ҳар хил равишларидан, ҳар сўзларидан хуфиёна асабийлашардим...

Менга кекса Шамъи Дадани, мазлум "Карам"ни, маъносиз Чаросни ўйлаш ширинроқ туюларди. Кибор, шик, эрмакли ҳаётга етишганимдан сўнг, эски, маҳрум кунларни ўйлаш — англашилмас бир руҳ нотавонлиги... фақат не қилайки, бу худди шундай...

Бу кеча Ламиага оид хотираларимда яна бир хусусиятни пайқаётган эдим. Бечора боланинг ўзи каби хотираси ва хаёли ҳам инсонга энг аччиқ бадбахт соатларида яқинроқдай кўринаркан. Бир дафъа Италияда бир автофалокатга учраган, бир қанча вақт бир касалхонада анчагина азобланиб ётгандим. Ўшанда босинқирашларим аро фақат у билан гаплашибман, фақат у билан машғул бўлибман... Сўнгра онам ўлганда ҳам шундай... Мен бир кеча "Гранд опера"да "Фауст"ни тинглаб ўтирганимда, онамнинг ўлгани ҳақида хабар олгандим. Тўсатдан атрофимдаги чироқларнинг қандай ўчганини, дунёнинг қандай бошимга йиқилганини унутолмаяжагим. Ярали эсанкираган бир ҳайвонга айлангандим. Думалаб йиқилмаслик учун бир деворга суянган, телеграммани кафтимнинг ичида ғижимлардим.

Жовидон бир оз узоқда дўстларимиз билан суҳбатлашарди, дудоқларида ўша-ўша доимий, муҳташам ва бир оз лоқайд табассуми бор эди. Бу дақиқада қилинажак энг тўғри нарса уни бир баҳона билан у ердан айириш, машинамизга отилиб отелга қайтиш эди. Лекин мен ундай қилмадим. Ичимда туйқусдан бир бошқа қўрқув бош кўтарганди. Менга шундай туюлардики, Жовидон қалб фарёдим даражасини англамаяжак, маъносиз тасалли сўзлари айтажак, сабр тилаб, қаршилик кўрсатажак... Ҳатто, эҳтимол йиғлар ҳам.. Лекин булар мен истаганим, кутганим кўзёшлари бўлмаяжак... Бу балки сабабсиз, ноҳақ бир қўрқувдир. Лекин бир турли қалбимдаги бу қўрқувни енголмадим.

Ўз ҳолимча у ердан қочдим... Бир хонага қамалиб олиб, инграб ўтказганим у кечада — ғалати эмасми — менга ёлғиз Ламиа тасалли этди. Хаёлимда шундай эдики, бу кеча уни ярим соат кўрмак мумкин бўлса, бошимни бир неча дақиқа унинг кўксига қўйсам, изтиробларим кесилажак, бу ўлимга яна матонат билан чидаяжакдим. Буни кейинчалик ўзим-ўзимга бошқа турли изоҳ бердим: "Балки Жовидонни кўпроқ мутаассир этишдан қўрққандирман ё бўлмасам уни бахтли кўришга ўрганганим учун шундай ҳис этгандирман" дердим.

Жовидон бир оз хафа бўлганди. Эртаси кун нечун ўзига хабар бермай операдан қочиб кетганимни сўради. Катта бир хотиржамлик билан унга қора хабарни айтдим.

[1] Шик — дабдаба.

Бу паришон мотам туни юзимда қолдирган изларни шундагина пайқади.

Жовидон бу ўлимнинг мени нақадар қаттиқ ларзага солганини балки англамади. Лекин тарбияли, вазифасини билиб адо этадиган хотин каби ҳаракат қилди, мотамимга нозик бир ҳурмат кўрсатди.

Қайиқ қирғоғимизнинг бандаргоҳига ёндашгунига қадар бу хаёллардан ўзимни қутқаролмадим. Ҳориган бўлишимга қарамай овқат егим келмасди. Эрта билан хонамга қамалиб олдим. Соҳилда бу кеча маҳзун бир ёлғизлик бор эди.

Жовидоннинг энагаси Дилнавоз халфа[1] менга қаҳва келтирганди. Хонадан чиқаётганда кулимсираб:

— Эҳтимол мени ёлғиз кетказиб юборганингизга пушаймон бўлгандирсиз, — деди, — жуда ёлғиз қолдингиз...

Мен ҳам кулдим:

— Ҳа, шундай бўлди... Жуда ёлғиз қолдим, — дедим.

Кампир: "Оллоҳ бундан узун айриликлардан асрасин", дея дуо қилиб хонадан чиқди.

Завжам билан доимо бирга яшагандик. Оила бўлган кунимиздан бери бир кеча ҳам бир-биримиздан айрилмагандик. Ҳар уйда, ҳар оилада бўлиб турадиган майда-чуйда келишмовчиликларни истисно қилганда жиддий равишда ҳеч бир-биримизни инжитмагандик...

Айни чоғда шуни ҳам яширмайинки, мен бу ёлғизлик ҳиссини доимо озми-кўпми туйгандим. Жовидонни севардим. Севмаслик учун ҳеч қандай сабаб йўқ эди. Атрофимиздагилар бизни оилавий бахтнинг ўрнаги деб аташарди.

Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Лекин руҳимнинг хуфиёна бир гўшаси бор эдики, завжам ҳеч бир вақт у ерга кира олмасди.

Бу, балки, мен туғилишдан хилватнишин, ёввойи одам бўлганим учундир? Йўқса айри-айри муҳитларда, бошқа турли яшаб улғайганимиз учундир? Буни таҳлил қилишдан доимо қўрқдим. Ҳатто бу руҳ ёлғизлигини ҳам ўзим-ўзимга эътироф этмадим. Бу кеча ёлғизман. Икки ярим йилдан бери илк бора бир-биримиздан айриляпмиз. Орамизда икки соатлик ҳам масофа йўқ. Айрилганимизга олти соат ҳам бўлмади. Шунга қарамай ўзимни Жовидондан жуда-жуда узоқда деб биладимки... Ҳатто ёлғиз ундан ҳам эмас... Икки ярим йиллик ўз ҳаётим ҳам менга бир бошқасининг, бир бегонасининг узоқдан кўрилган, хаёлий бир романда ўқилган саргузашти каби кўриняпти...

Бир оралиқ бу фикрларни теранлаштиришдан, бу қоронғи ҳисларга ўзимни ортиқ чўмдиришдан қўрқдим. Асарим билан машғул бўлмоқчи бўлдим. Лекин бу шўрлик асар икки ярим йилдан бери зеҳнимда бир ўлик каби жонсиз, бир тош каби совуқлигин ётипти... Ҳа, кошки бу кеча Жовидондан айрилмасайдим. Вақт ўтқазиш учун хаёлимга бир чора келди. Кўпдан бери менсимай қўйганим баъзи дўстларга мактуб ёзмоқ...

[1] Халфа — иш юритувчи.

Икки ярим сана бемаъниликлар ичида қўғирчоқлик қилганларим етмагандай бу кечани, ўз-ўзимча ёлғиз қолганим шу биргина кечани ҳам бундай зиёнга йўқотиш, йўқ, бу тўғри эмас... Менинг дардлашишга, қалбимни бутун яланғочлиги билан очишга, кўрсатишга эҳтиёжим бор. Бу икки ярим сана ичида қанчадан-қанча инсонларни танидим... Юзларча дўстим бор. Буларнинг ичида, масалан, бир бечора Шамъи Дадачалик мени англай оладиган одамим йўқ... "Аҳвол шундай бўлгач, мактубни ўзим-ўзимга ёзайин" дедим. Ёзувхонамнинг бир тортмасидан бир даста қоғоз олиб чиқдим. Шу сатрларни қораладим...

* * *

Вақт хийла кечикди. Ётиш керак. Фақат ётишдан олдин қилинажак бир иш бор... Бу маъносиз мактубнинг қоғозларини битта-битталаб ёқиш... Бир яна бундай болаликлар қилмаслик учун ўз-ўзимга сўз бердим...

II

2 июнь

Бугун кеч уйғондим. Жовидон фақат оқшомга қараб келажагини тахмин қилардим. Ҳаво чиройли эди. Тушликдан сўнгра соҳилга чиқдим. Ниятим бир соатча Кучуксу[1] тарафларда айланиш, сўнгра уйга қайтиб қатьиян ишлашни бошламоқ эди.

Ҳайҳотки, яна дайдилигим тутди. Чамлижага бориб ўзим билмаган йўлларга бурилдим, битмас-туганмас ёнбағирларга чиқдим. Далалар, боғлар оралаб соатларча юрдим. Шу даражадаки, ҳорғинликдан бетоб бир ҳолда соҳилга қайтган вақтимда ўрталиқ қоронғилашган эди. Жовидон ситам қиладиган бўлса бегона йўлларда адашиб, тентираб юрганимни айтарман, деб ўйладим...

Боғчада Дилнавоз Халфани кўрдим. Кампир андишали бир авзода:

— Кичик хоним келмади, — деди. — Сизга бир телеграмма бор. Эҳтимол ундан бўлса керак... Сиз кетгандан сўнг келди.

Телеграммани очдим. Жовидондан келганди: "Ойша Хонимафанди бу кеча ҳам мени қўйвормади, сенинг ҳам истасанг-истамасанг келишингни истайди, кутамиз".

Дилнавоз Халфа мароқ билан юзимга қараб: "Иншооллоҳ, тинчлик бўлса керак" деди.

— Йўқ... Бу кеча ҳам кетказмапти, — дедим.

Бу соатдан бу ёгига менинг оролга боришимга имкон йўқ эди. Мен ҳам дарҳол жавоб бердим. Кундуз уйда бўлмаганим учун телеграммани эндигина олганимни айтдим, мени маъзур кўришларини илтимос қилдим.

* * *

Кеча кечаси ўз-ўзимга ёзган мактубнинг сўнгги сатрларида бу қоғозларни йиртиб ташлаб ётиб ухламоқчи бўлганимни сўйлагандим. Ўшанда

[1] Кучуксу — Кичиксув.

қоғозларни йиртиб улгурмагандим, уларни ёзувхонамнинг бир тортмасига солиб қулфлагандим. Уйқум эса ҳеч келмасди. Қоронғиликда далаҳовлининг боғчасига, ундан соҳилга тушдим. Соатларча денгизни, қарши қирғоқларнинг сўник шуълаларини томоша қилдим.

Ичимда мубҳам, қоронғи бир ҳижрон бор эди. Янги ҳаётимдан илк бора ўзим-ўзимга шикоят қилардим.

Менга нимадир етишмасди. Шараф, шуҳрат, пул, ҳатто муҳаббат... "Шунақа, муҳаббат... Модомики завжамни севар эканман... Модомики завжам ҳар турли фазилатларга соҳиб бир аёл эканлигини ҳар кас тасдиқ этаркан..." демак нуқсонли эмасди.

Бу мубҳам қоронғи ҳижронни таҳлил этишдан қўрқардим. Ўзларида бедаво хасталикни кўришдан қўрққан докторлар каби...

Қалбимни қаноатлантириш учун муҳокамалар юритиб-юритиб мантиқлар топишга уринардим. Ўз-ўзимга деярдимки: "Эски қашшоқ ҳаётимнинг бир қисми Истанбулда ўтганди... Бу ерда мен кўп азоблар чекдим... Энди Истанбулга янгитдан қайтдим...Эҳтимол, бу эски изтироб хотиралари руҳимнинг ичида яширин-яширин жонланаётгандир... Эски аламларимнинг сўнгги қолдиқларини тортаётгандирман..."

Мубҳам фикрлар ичида ўтган соатлар инсонни вужуд машаққатларидан зиёда толиқтириб синдираётгандир. Кеча кечаси хонамга қайтгандан сўнг юк остида қийналган бир ҳаммол даражасида чарчаб ухладим.

Кўзларимни очганимда хонада енгил бир қанот саси эшитилди. Панжурлар ёпиқ бўлганлиги учун зиё тушмас, хонанинг нимқоронғи ҳавоси ичида ингичка бир соя типирчиларди. Дарҳол англадим. Очиқ печка мўриси тешигидан бир қуш боласи кириб қолганди. Бечорани ноилож лиқдан қутқариш учун деразалардан бирини очиш кифоя қиларди. Лекин бу қушни тутиш, бир неча дақиқа эркалаш учун шўх бир бола ҳаваси ҳам уйғонди. Типирлашдан ҳолсиз ётиб қолганди. Менга ортиқ дуч келишни истамасди. Ойналардан бирини сурдим. Панжурларни ендгилгина қия очдим. Бечора қушча ўзини бу оралиқлардан кўринган зиёга қараб отди. Бу умиддан бир турли воз кечгиси келмас, сўнгги тоқатини ишга солиб баттар типирларди. Дарҳол қўлимни узатиб қанотларидан ушладим. Лекин бўйни панжурнинг оралиқларида қисилиб қолган эди. Яна озгина тегинсам ўлиб қолишини ўйладим. Дарҳол панжурни очдим. Қўлимда бечоранинг бир қанча сариқ паркуси қолди.

Ҳеч қандай муносабати бўлмаса ҳам, яна Чаросни ўйлай бошлагандим. Нима учун бу болани бугунларда тез-тез хотирлаяпман?

Шунинг билан бирга менда ёлғиз уни эмас, бутун эски воқеаларни хотирлаш истеъдоди ҳам кучайганди. Чунончи бугунги кезишларимда ҳам шундай бўлди. Кичиксувдан қайтаркан узоқда кўринган ўрмонли бир йўл оғзини Бўзёқа йўлларидан бирига ўхшатдим. Бирданига ичимда, шу йўлдан кетсам айнан у ерга ўхшайдиган бир жойга дуч келаман, деган хаёл бош кўтарди. Оқшомгача танҳо йўлларда, тинка-мадорни қуритадиган ёнбағирларда айланишимга, Чамлижанинг то орқа тарафларига қадар ўзим билмаган бир ерга боришимга шу хаёл сабаб бўлди.

Жовидоннинг бу кеча қайтмаслиги ҳам юрагимни сиқди.Ёки ҳеч бўлмаса телеграмма вақтида қўлига текканда эди, мен оролга кетган бўлардим.

Кеча кечаси ўз-ўзимга ёзганим мактубни йиртишни истаишм ҳам шу сабабли бўлган эди: ўз-ўзим-ла гаплашишни истамаган эдим. Бу ҳасбиҳолни давом эттиролмасликдан, янада очиқроқ айтсам, завжам уйга қайтгандан кейин ҳам уни давом эттиришдан қўрқардим.

Бу кечани камон чалиш билан ўтказмоқчи бўлдим. Хаёлимга нуқул бемаъни нарсалар келди: бир вақтлар Шамъи Даданинг найидан қулоғимда қолган куйлар, болалигимда такяда тинглаганим илоҳий мусиқа парчалари, сўнгра Ламианинг алласи...

Ниҳоят англаганим шу бўлдики, бу кучли орзуга қаршилик қилиш ҳеч мумкин бўлмайди... Ёзувхонамнинг олдига ўтдим, кечаги тунги мактуб қоғозларини чиқардим... Улар, бир тақвимнинг илк саҳифалари бўлажак... Бунда кўп таҳлика бор, биламан... бир марта ҳам Жовидонга айтмаганим бир қанча воқеаларни унга айтаман.... Охир-оқибатда ҳаётимизга, янада ёмонроғи руҳимизнинг ҳаётига бир айрилиқ киражак...

Сўнгра ўқиганим мубҳам, қоронғилик ҳижронлари, у билиб бўлмас нарсалар, ватан соғинчини таҳлил қилишни бошлашдан ўзимни тиёлмайман. Ниҳоят ўз-ўзимга айтажагим бу очиқ ҳасбиҳоллар, ажабо, бугунги бахтимни шубҳалар остида қолдирмасмикин?

* * *

Ҳарфи ҳарфигача эсимда. Оила қурган кунимиз завжамнинг акраболаридан бир қари хоним афанди шундай деганди: "Олтмиш ёшдаман. Ҳозиргача кўп нарсаларни кўрдим... Лекин бу қадар бир-бирига муносиб бир жуфтликка дуч келмадим... Бу болалар бир-бирларини кўп севажаклар..."

Ундан кейин айни шу таронани юзларча оғиздан эшитдим. Ҳар бир киши биз бир-биримизни қаттиқ севишимизга теран суратда инонар эди. Охир-оқибатда бу савдога мен ҳам ишона бошладим. Ойларча ўзимни телба бир ошиқ деб ўйладим.

Жовидоннинг кўринишда ҳеч бир қусури, ҳеч бир камчилиги йўқ эди. Жуда гўзал эди. Ҳамда муҳташам бир суратда гўзал... Халқ таъбири билан айтганда, уни бир кўрган одам, яна бир кўриш учун бошини ўгирар, унга ҳайрат билан, менга ҳасад билан қарарди. Сўнгра зукко, зариф, тарбияли бир аёл эди. Танишларимиз уни нодир бир камод намунаси сифатида тилга олардилар.

Йилларча мен ҳам шу фазилатларнинг ҳайрони бўлдим. Ҳатто янада бир даража юқори деб ўйладим. Лекин бу соатда ортиқ ўз-ўзимдан яширишга қурбим етмайди: на бу муҳташам гўзаллик, на бу ҳайратлантирувчи фазилатлар мени бугунлай қониқтирмади, руҳимни тўйдирмади.

Завжам гўзал эди. Кўзларим унга боққанча ҳайрон бўларди. Лекин, на чораки, кўнглим бу гўзалликка парво қилмас эди. Нима қилсам ҳам, уни бир чиройли ҳайкал, санъаткорона расмдан ортиқ

кўрмасдим. Масалан, Лайлонинг йигирма йиллик хотираси, ҳатто, бечора Чароснинг сийрак сепкиллари... Бола каби маъносиз нарсалар сўйлаяпман...

Завжамнинг руҳига келинса, ундан юксак ва шоёни истифода бир дўст топиш қийин. Санъатдан тортиб то сиёсатгача ҳар нарсадан осон ва жозибали бир тарзда баҳс этади. Ҳар қанақа муноқашада ғалаба доим унга қолади. Виқорли бир жиддияти, кибор бир назокати бор. Хуллас, бир қанча кимсалар унга ҳайрон бўлиб қарашади. Мен ҳам шундай... Лекин бундан ортиқ эмас... Бу олиймақом хотинга бир кун ўзимни ўз ҳолимда кўрсатишга журъат этолмайман.

Бир кун ҳам у билан самимий, юракдан ҳасбиҳолим бўлмади. Замон-замон назокатларим, болаларча севинчларим, ёхуд кичкина аҳамиятсиз воқеалардан туғилган ҳузунларим бўларди. Кучли ва унингдек олиймақом бўлиб кўриниш учун буларнинг барчасини унга билдирмаслик лозим бўлди. Икки ярим сана бир-биримизга ҳолдан тойдирувчи комедия ўйнадик.

Сўнгра янги ҳаётим. Йилларча узоқдан туриб орзу қилганим кибор, юксак, дабдабали ҳаёт... Бу ҳаётни энди нақадар ҳолдан тойдирувчи, нақадар оддий, нақадар чидаб бўлмас бир нарса эканлигини биламан. Илк пайтларда кулгили бир ҳарорат билан ўзимни бу оиланинг ичига отгандим. Ёдлаб олинган зарофатлар, совуқ маросим, ҳис ва фикр сохта-корликлари, риёкорлик-мақтанчоқликлар, хуллас, бутун бу жирканч нарсаллар орасида манекен каби, қўғирчоқ каби яшамоқдан завқ олардим. Лекин ортиқ бу ҳаётдан ва ўзим-ўзимдан жирканаман. Жовидонга буларни англатиш имконсиз... "Мен ортиқ сокин, овлоқ бир ерда бир чўпон умрини яшагим келади" дейишга ҳаққим борми?

Бу сафар Истанбулга келаркан кўп севиндим. Бу ерда янада сокин ва дағдағасиз бир ҳаётга етишишдан умид қилардим. Завжам Шишлида туришимизни хоҳларди. Ёз иссиқларини баҳона қилдим, сўнгра янги асарим устида ишлашим учун хотиржамлик танҳоликка муҳтожлигимни сўйладим, бу дала-ҳовлига жойлашдик.

Аҳбобларимиз, дўстларимиз тинч қўйишмаяпти. Гоҳ кунларча уларни бу ерда қабул қилишга мажбур бўламиз; "масалан, уч кун аввалгига қадар дала-ҳовлида бир қанча меҳмонларимиз бор эди"; гоҳ бизни чақирадилар. Бир оз кўникма ҳосил бўлгани, бир оз шундай лозим бўлгани учун зоҳир бўлиб туришга мажбурман. Ҳамон комедия ўйнайман. Лекин, тўғриси, жуда биқиб кетдим, ҳолдан тойдим. Фақир уйларда сурмали маҳалла хотинларига камон дарси берганим кунларни излаб топгим келади.

Оҳ, Канон! Сен буни топиш йўлида телба бўлаётган бир нонкўрсан. Дунёга фақат шикоят қилиш учун келдинг... Шу ҳолда ўлиб кетасан... Шикоят-ла ўтган ҳаётдан дунёга балки бир неча санoқли жаксан... Шикоят-ла ўтган ҳаётдан дунёга балки бир неча санoқли куйгина ёдгор қолажак...Шугина.

III

10 июнь

Бу оқшом соатларида бир қанча меҳмонларимиз билан бирга боғда, очиқ ҳавода ўтирардик. Бир маҳал сўз мусиқага бориб тақалди. Яқин дўстларимиздан бири, нафақадаги мутасарриф:

– Янги асарингизни қачон эшитамиз, Канонбей? – деб қолди.

– Тахминимча, шу қиш, – дея жавоб бердим.

– Нақадар аъло... Яна умид қиламанки, лунёда шов-шув бўлади. Асарингиздан мамнунмисиз?

– Жуда ёмон бўлмаса керак, назаримда...

– Бу оқшом меҳмонингизмиз... Бизни шунчалик иззат-икром қилаётганингиз учун раҳмат. Энди, бизга лутфан ўзингиз ёқтирган парчалардан бирини чалиб беролмайсизми?

Бу қари мутасарриф идора ишларидан ҳам кўпроқ санъатни тушунадиган бир киши эди. Қўлидан қутулолмаслигимни сезиб турардим...

– Амрингизни адо этмак учун бир неча ҳафталик муҳлат сўрайман... Асарим ҳали анча тарқоқ... Қўрқаманки, шу ҳолда сизга кўрсатадиган илк таъсири... мен учун илк таъсир муҳим аҳамиятга эга...

Мутасарриф кулиб сўзимни бўлди:

– Бу қиш тақдим этилиш эҳтимолига қаттиқ ишонаётганингиз асар, бир фикр берадиган даражада яралган, албатта.... Мен бор-йўғи кичик парча истаяпман...

Мен жавоб тополмай сукут сақлар эдим. Мутасарриф бу сафар Жовидонга ўгирилди:

– Ҳаққим йўқми, афандим... Ҳар ҳолда сиз ҳам шафоат қилиб юборсангиз... Канонбейнинг бу янги асарини қандай деб топяпсиз? Икки йилдан бери ишланаётган бир асар эканлигига қараганда мукаммал бўлса керак, шундай эмасми, афандим?

Жовидон лабларининг учи билан жавоб берди:

– Гўзал, афандим...

– Нега бунчалик секин сўзлаяпсиз?

Завжам иккимиз бир-биримизга қарашиб олдик. Жовидон ярим гинали, ярим маҳзун, ҳатто бир оз истеҳзоли бир табассум билан дедики:

– Кўриб турибсанки, асарни кўп яширолмаймиз, шўрлик Канончигим...

Сўнгра меҳмонга ўгирилди:

– Канон асарнинг ҳали кўп тарқоқлигини сўйлади... Аммо мен ҳақиқатни эътироф қилишга мажбурман... Яъни шўринг қурғур шоҳасар шундай тарқоқки, ҳали бир парча куйи ҳам нотага ўтмаган...

Меҳмонлар кулиша-кулиша турли таажжуб нидолари чиқара бошлашди.

Қизарганимни ҳис этиб, етарлича журъат ва ҳарорат ила:

– Ҳеч қандай зиёни йўқ, – дедим, – асил катта иш бўлди, битди... Яъни асар миямда тайёр... Уни бутун тафсилотлари билан кўряпман, эшитяпман... Дафтарга тушириш, нота олишдан иборат бир майда саъй қолди холос, ҳар ҳолда у ҳам бир-икки ойлик бир нарса... Фикримча, бутун санъат асарлари шундай яралади.

Меҳмонлардан бемазалиги билан танилган бир вайсақи:

– Худо хоҳласа, саломатлик бўлса, бир ҳамла билан яратарсиз... Навзод қазосиз балосиз олами шуҳудга келади[1], – деб қўйди.

Жовидоннинг юзига боқишга журъат этолмас, фақат завжам рангини ўзгартирмасликка уринса ҳам, аслида аламини ич-ичига ютаётганини ҳис этардим. Жовидон менда бир инсондан кўра бир санъаткор кўрди. Ўзимдан кўра кўпроқ асарим билан алоқадор бўлди. Орамиздаги бу хуфиёна бегоналик, бир-биримизни тушунмасликнинг бир сабаби ҳам эҳтимол шудир... Бир оздан сўнг завжам билан ёлғиз қолгандик. Жовидон бир мунча сукут сақлади, сўнгра одамга малол келадиган оғир бир авзо билан:

– Кўряпсанки, энди ҳали туғилмаган асарларингни майна қилишяпти... одам хафа бўлиб кетаркан, – деди.

Менсимаслик билан лабларимни букдим:

– Каллаварамлар, – дедим.

– Бундай дейишга ҳақлари йўқлигига ишонасанми?

– Албатта... Илгари ҳам мендан шубҳа қилишганди.

– Илгаригидай бўлаётганига аминмисан?

– Табиий.

– Лекин, шўрлик Канончигим... Мен сени ўзгариб қолдинг деб ўйлаяпман... Сени тўрт йил аввал Измирда кўрганим кечани хотирлайсанми? Менимча, у чоғлар бутунлай бошқа бир йигит эдинг...

– Ёхуд сен мени ўшандоқ кўрардинг.. У асно, табиий, сен мени кўпроқ севардинг...

– Бу ситаминг жуда муваффақиятсиз ва ҳақсиз эмасми, Канон?

– Сўнгра бошқа бир сабаб ҳам бор... У чоғ ўз еримда, тупроғимда эдим... Инсонга ўзи туғилган ер, ўзи улғайган тупроқ бошқача бир жонлилик беради...

– Менга қара, сенда бир ностальгия уйғонган бўлмасин, Канон?

– Юрт соғинчими? Билмадим... Эҳтимол...

– Истасанг, бу ёз бир-икки ой Измирга борайлик...Бўзёқада балки яхшироқ ишларсан... Табиий, у ер жуда сокин жой...

Ҳайрат билан юзларига боқар, сўзларига иноңмасдим. Измир дунёнинг нариги четидамиди? Бўзёқа бориб бўлмайдиган бир туш диёримиди? Хусусан, тоғам ҳар йили бизни чақиргани-чақирган эди. У ерда бир-икки ой қолишдай оддий ва табиий бир нарса йўқ эди. Шундай бўлгани ҳолда мен бу умидни, бу орзуни негадир ичимдан сидириб ташлагандим. Қулоқларим ғувиллар, юрагим дук-дук урарди.

[1] Яъни, "янги асар бало-қазосиз ёруғ дунёга келади".

Жовидон диққат билан юзимга боқиб кулимсиради:

— Бу саёҳат ҳар ҳолда яхши тадбир бўлади... "Измир" деган сўзнинг ўзи ҳам рангингни ўзгартирди.

Ҳеч нарса демасдан завжамни қучоқладим, севиниб кетган болаларнинг ярамас ҳовлиқишларида бўлганидай уни сочларидан, ёноқларидан ўпа бошладим. Жовидон мени энг ҳароратли севишган соатларимизда ҳам доимо оғир ва жиддий кўришга ўрганганди. Бу болача ҳаяжонимга кулар:

— Бунчалик мамнун бўлишингни билсам, олдинроқ буни таклиф қилардим, — дер эди.

Мен масъуд бўлганим дақиқаларда жуда кўп гапираман:

— Кўрасан, у ерда қандай яхши ишлашимни... — дер эдим, — Зотан, энг гўзал асаримни Бўзёқада яратмадимми? Мен бир оз булбулларга ўхшайман... Улар ҳам, айтишларича, ўз тупроқларидан айрилган чоғларида сайрамай, барча нағмаларини йўқотиб қўйишармиш... Яна мен шундай деб ўйлайман-ки, сени у ерда яна бошқача яхши кўраман... Бир оз олдин мени ўзгарган деб топаётгандинг... У ерга борганимизда мени аввалгидан ҳам ёш, кучлироқ, жонланган ҳолда кўражаксан...

Бу кеча меҳмонларимизга соатларча давом этган бир мусиқий зиёфат бердим. Икки йилга яқин вақтдан бери бунчалик гўзал камон чалганимни эсламайман. Ҳаво иссиқ, денгиз сокин эди. Тўлиной яхшигина тиккага келганди. Теварак атрофдан қайиқларда қирғоқнинг олдига камон тинглагани келганлар ҳам кўп эди.

Ҳозир бутун уй уйқуда... Ёлғиз менинг кўзларимга уйқу келмас, Жовидонни безовта қилмаслик учун секингина хонамиздан чиқдим, бу ерга келиб дафтаримга бу сатрларни ёза бошладим.

Бола каби севинардим. Демак, бир қанча кунга қадар Бўзёқада бўламан. Яна боғларда, иссиқ узум ҳидлари келган ерларда айланаман. Ёбон гуллари, қир гунафшалари билан тўла ингичка йўллардан Арабдарасига инаман, яна ойдинда Қирқчамларга бораман. Яна Шамъи Дадани, мазлум "Карам"ни, қари "Қузғун"ни кўраман. Яна читлембикларнинг ичидаги қудуқбошида оқ деса ҳам бўладиган даражадаги оч сариқ сочлари билан... сийрак сепкилли чиройли юзи билан... сузгун яшил кўзлари билан Чаросимни... Лекин, ажабо, Чарос у ердами, анови унашилганига тегиб бошқа уйларга кетган бўлса-я... Бунга кўнглим ҳеч эҳтимол бергиси келмасди... Бўзёқа Чароссиз нима бўлади? Демакки, Ламиани такрор кўраман, такрор унга гапираман. Оҳ, нақадар гўзал.... Мени кўргандa, ажабо, нима қиларкин... Унутилганимга аминман... Айни чоғда қучоғимда ўтказган соатларини яна хотирлар. Бу эски ҳикоядан ортиқ баҳс этмаймиз... Шундайку-я, аммо менинг хотиним бор, бир даража севганим бор... Уники ҳам табиий, шундай бўлса керак. У бир мавсумлик, ёзлик бир туш эди: келди, кетди... Чарос билан кўз-кўзга боқаркан буни хотирлаймиз. Ой, бу сузгун яшил кўзларининг боқишидаги ҳаловат... Уларнинг лаззатини ҳозирдан ҳис этяпман.

Ҳар ёз қаерда бўлмайин том бу мавсумда, бу ойда бир оғир булут каби менинг устимга чўккан у мубҳам яшамоқ ҳорғинлиги, ичимдаги сўник, синиқ, футур ажабо у ерларга оид бир яширин юрт соғинчимиди?

IV

15 июнь

Эртага йўлга чиқамиз. Бугун тоғамдан мактуб олдим. Бизга Мароссим Кўшкини тайёрлаб қўйганини айтган. "Олдинроқ хабар берганимда, кўшкни янада яшашга қулай бир ҳолга келтириш учун, ёнивегизда, ҳеч бўлмаганда, ўзимга янги қурилишлар билан бир-икки хона илова қилардим", депти бечора тоғагинам.

Демак, ниҳоят келаётган икки кун ичида Бўзёқани, Арабдарасини, Қирқчамларни, Шамъи Дадани, "Карам"ни, хуллас, барча севган нарсаларимни кўраман... Фақат бир донаси мустасно: онам, шўрлик онажоним... Онамнинг ҳаётимда ва қалбимда бу қадар катта жой эгаллаганини ҳозирга қадар англамагандим. Унинг ўлганини, Сайдикўйнинг эҳтимол кўримсиз, тошсиз бир мозорида чуриб тупроқ бўлганини билардим. Лекин ақлим етган бу ҳақиқатга кўнглим бир турли ҳеч инонгиси келмасди. Ичимда онам худди заиф елкаларида жун откиси[1], ҳорғин, хаста чеҳрасига ёш қизларнинг ҳаловатини берган маъсум мовий кўзлари, ҳали бир толаси ҳам оқармаган қуюқ қумрол сочлари билан ишкомларнинг тагида оҳиста-оҳиста кезинади, оқшом тушаётган соатларда боғ эшигининг олдида ҳар доимги ерида мени кутади, деган тасаввур бор эди...

Бечора хотин мен туфайли бир кун ҳам кулмади. Уни инжиқлик билан севардим. Буни инкор этолмайман. Ёмон қалбли бир бола ҳам эмасдим. Шундай бўлгани ҳолда уни, дилини оғритиб, доимо аҳмоқона бир завқ олардим. Сержаҳл ва хилватнишин болалигимнинг барча изтиробларига онамни жавобгар топдим. Кўп мағрур эдим. Қалбимнинг яраларини бошқалардан яширардим. Фақат онамга ўзимни ўз аслимдан ҳам ортиқроқ бадбахт қилиб кўрсатиш хуш ёқарди. Унинг мен учун яширинча йиғлашларидан қизарган, уйқусиз қолишдан эзилган, махмурлашган кўзларини кўрсам бир ваҳший лаззат топардим.

Ҳа, мағрур эдим. Лекин аччиғини, изтиробини бир табассум ортига яширадиган, шикоят ва зорланишларга қадар паст тушмайдиган кучли одамлардан эмасдим. Мағрур эдим, аммо менлигим: ожизликдан, бечораликдан, чидамсизликдан иборат эди. Бошқаларнинг менга ачиниши иззатнафсимга оғир тегарди. Лекин бир кичик бола каби севилишга, ачинмакка, нозланмоққа бериладиган заиф бир яратилишим бор эди.

Шунинг учун фақатгина онамга нозларимни ўтказдим. Масалан, бошим сал-пал оғриса ўзимни оғир касал қилиб кўрсатардим. Бечора онам менга ишонар, уй ичида хавотир билан титраб-қақшаб елиб югура бошлар, тонг отгунча ухлолмай чиқарди. Бундай ширин бир меҳр-шафқат ва

[1] Откиси — шарфи.

марҳамат ҳавоси ичида аста-аста уйқуга чўмишда нақадар катта бир лаззат бор эди. Бу золимона бир худбинлик эканини билардим. Лекин табиатан, севилишга, англанишга, ачинишга бўлган маразона эҳтиёжларим билан бунга қаршилик қилиш мумкин эмасди. Шўрлик онажоним.

Дарвоқе, ҳамма мени севганларга нисбатан шундай худбин бўлдим.

Бўзёқада хотираларингни тиклайман. .. Билмадим, бошқаларда ҳам шундайми? Мен эски хотираларни том бир тарзда фақат туғишганлар орасида ва уларга тегишли бўлган жойлардагина топа олардим. Манзараларнинг унутилмас парчалари, ошиённинг жонга яқин ҳидлари, йўқолган чеҳраларга, ўтган воқеаларга янада бошқа бир куч беради, қалбни яна терандан-теранга мутаассир этади.

Онамни кўролмайман, фақат у айланган ерларда айланаман. Қўли теккан жойларга манглайимни қўяман, дудоқларимни сураман, ўтирган жойларида ўтираман. Ундан ҳам кўпроқ Чаросим ҳақда баҳслашаман.Нега бундай билмайман, лекин кўнглим шундай буюради...

Онам билан Ламиа бир-бирларини на севганлар-у, на бир-бирларини яхши таниганлар. Шундай бўлгани ҳолда уларни она билан қиздай бир-бирига яқин ҳисоблардим.

Ахир, онамнинг вафоти ҳақидаги хабар келган кеча ҳам узлуксиз Чаросни ўйламаган, у ёнимда бўлса яхшироқ тасалли беришини ҳис қилмаган эдимми?

Чаросни, ажабо, биринчи марта қаерда кўраркинман? Келажагимни эшитмаган бўлишини қанчалар истардим. Лекин бунга имкон йўқ... Масалан, шоҳкўча ё боғнинг орқасидаги ингичка йўлда тўсатдан учрашамиз... Айни чоғда бундан яхшироғи ҳам бор... Читлембиклар остидаги қудуқ бошида "Карам"яна вазмин-вазмин одимлаб айланади... Самиҳа ила Фикрат дарахтдан дарахтга боғланган бир қўлбола белан-чакда шундай уйқуларга чўмган... Чарос узумлар совутиб қўйилган мармар ҳовузнинг ёнида...Яланг оёқларини сувга тиққан... Яшил кўзлари паришон... Дудоқларида ўша ҳар доимги хаёлчан табассум... сариқ соч-лари манглайига тўкилган бўлади... Япроқларнинг ичида бир енгил шовқин эшитиб бошини кўтаради... Бирдан мени кўради... Чароснинг сузгун яшил кўзлари бир марта яна кўзларимга кўриниб кетади... Оҳ, нақадар гўзал, нақадар қутли ихтисос[1]!

* * *

Канон тойчоғим, яна болалик қиляпсан, яна туш кўра бошладинг. Чаросни яна кўрасан...Бошқача бўлиши мумкин эмас. Лекин энди ало-қаларингиз аввалгидай бўлмайди... Ламиа эрга теккандир... Бундай бўлмаган тақдирда ҳам сен энди уйли-жойли одамсан... Хотининг бор, севганинг бор. У ёз фаслининг тушлари абадиян сўниб битди. Боринг, ана, шундай бўлсин... Чарос ила эски дўстлардай гаплашишда қанақа-ям завқ бўлсин... Ортиқ у можаро ҳақида орамизда сўз очилмайди...

[1] Ихтисос – ҳаммасини ўзиники қилиб олиш.

Фақат бир-биримизга боқаркан шуларни хотирлаймиз, холос... Чаросниng кўзларида кўражагим у савдо хотираси менга катта бир ишқдан ҳам тотлироқ бўлади... Бир неча йилдан кейин шубҳасиз яна бир-биримизга дуч келамиз... Ҳаёт, баъзан шундай бир гўзал нарсаки...

* * *

Эртага йўлга чиқамиз, ниҳоят икки кундан кейин уни кўраман... икки кун қолди... Лекин бу эртанги тонг менга йилдай узун туюлди... Бу икки кун ҳеч қачон келмайдигандай.

V

22 июнь

Уч кундан бери Измирдамиз. Лекин фақат шу оқшом қоронғи тушгандан кейингина боққа кела олдик... Дунёда маросим ва ташрифлар каби жирканч бир нарса йўқ... Аксига олиб қаерга борсак бу меҳмондорчилик мажбуриятидан қутулолмайман... Ҳа, Измирга келганимизга уч кун бўлди. Лекин фақат бир неча соат олдингина эркинликка эришдим.

Тоғам бечора хаста. .. Ўтган йили мубтало бўлганмиш... Оёқларининг бири яхши юролмас, тили зўрға-зўрға сўйларди. Қари одам бир йил ичида пуфак каби пучайипти... Айни чоғда фақат вужуди кучдан қолган холос... Руҳи ҳали аввалгидан ҳам ҳирсли ва оловли... Бу ҳолида ортиқ баладия раислигидан умиди қолмаган... Лекин ҳозир яна бошқа орзулар билан яшайди... Болалари шикоят этиб тинмайдилар... Қоронтинадаги қўноқликнинг эшикларини такядай очиб қўйган... Кирган, чиққан, ўғри, қароқчи – кимлиги номаълум одамлар... Атрофида бир суруви борки, улар туфайли, болаларининг айтишича, бойлигининг сўнгги қисмларини камоли офият[1] ила еб ётишипти. Буларнинг аксарияти эски баладия амалдорлари ва ҳоказо... Вазифалари янги баладия раиси фойдасига овоз бериш, миш-миш тарқатишдан иборат... Кеча-кундуз тинимсиз янги идорани лойқатишар, турли бўҳтонлар билан янги баладия раисини чўктириш учун ҳаракат қиладилар.... Табиий, бир фурсатда: "Оҳ, у эски кунлар қаёқда қолди?" муқаддимаси билан тоғамга мадҳу сано ўқишга киришадилар. Бечора тоғамнинг барча тасаллиси энди шундан иборат...

Бизнинг зиёратимиз уни қаттиқ севинтирганди. Измирга чиққан куним шундай бир нарсани англадимки, уялганимдан ерга кириб кетдим. Газеталарда менинг келишимни эълон қилдирган, сўнгра бу етмагандай газеталардан бирига ўз расми билан менинг расмимни қўйдирипти... Оҳ, бу қандай масхарабозлик, ё рабби!

Тўғридан-тўғри Бўзёқага тушмоқчи бўлгандик. Тоғам бунга рози бўлмади. Қоронтинадаги қўноқда дабдабали маросим ҳозирланган, бир қанча кимсалар даъват этилганди...Шундайки, баҳона билан яна бир

[1] Камоли офият – катта иштаҳа.

марта ўзидан баҳс очтириш лозим эди. Сўнгра "малика хоним афанди каримасига" тоғам қўноғини ва дабдабасини кўрсатмаса бўладими?

Шундай қилиб десангиз, икки кун олди-орқаси узилмаган сурув-сурув зиёратчиларга салом бердик, хайрлашдик. Тоғамнинг нияти ҳам бор экан:

– Илло-билло, Измирда қол... Қанча ижод қилса пул сарфлайин... Газета чиқарайин... "Реклама" қилайин... Эшимиз, дўстимиз кам эмас... Сени баладия раиси этиб сайлатайин, – дея қисталанг қилар, ҳожилардан, хўжалардан бир қанча кимсалар ҳам ёлворарди.

Қаҳ-қаҳлаб кула бошладим:

– Чолғучидан баладия раиси чиқарканми ҳеч замонда, э Пошо тоға, –дедим.

Бечора тоғам эсанкираб қолди, бошқа жавоб тоаолмай:

– Товуқ ўғриси ўғли баладия раиси бўлармиди? –деди. – Ҳозирги раиснинг отаси мен болалигимда, воллоҳи азим, товуқ ўғирлаб кун ўтказарди... Ҳам, худога шукр, сен оддий чоғучи эмассан... Сен операторсан...

– Операторми? Менми?

– Ҳа, сен ахир опера чиқарган операторсан...Чолғучи деб отарчига айтилади.

Шўрлик тоғамни бу сўнгги умидидан қайтармоқ учун кўп уриндим... Сўнгги умиди деяпман... Чунки мен баладия раиси бўлсам, у ҳар куни идорага келиб тураркан, восийлик тажрибасидан фойдаланаркан, менга фақат муҳр босиш иши қоларкан. Хуллас, том маъноси ила баладия раиси қилмоқчи эди.

Бу тонг эрталабдан бу ерга келишимиз тўғрисида аҳдлашгандик. Бу дафъа қаршимизга Мунирбей чиқди. Мен билан Жовидонни мутлақо дала-ҳовлисида икки-уч кеча меҳмон қилмоқчи эди. Бир неча кундан кейин орзусини амалга оширишни ваъда қилиб унинг чангалидан ҳам қутулдик... Лекин бизни мутлақо оқшом дастурхонига олиб қолиш учун қайсарлик қилди ва бир неча соат аввал ўз қўли билан боққа келтириб қолдирди...

Мунирбейнинг кўшкидан жуда кеч қайтдик... Кўкда ярим ой бор эди. Кичик бир тепанинг устидан юрганимиз йўлнинг атрофи гулларга тўла эди, чакалакзор буталарининг орасидан боғни кўрганимда кўзларим ёш билан тўлганини ҳис этдим. Бу дақиқанинг ҳиссиётларини унутмаяжакман.

Жовидон ила Мунирбей гаплаша-гаплаша олдинда кетишарди. Орқада қолиш учун баҳоналар излар, ўзимни унуттиришга ҳаракат қилар, орқага қайтиб менга гапириб қолишмасайди дея ҳадиксирардим.

Бу соатда энг масъуд бир воқеа ҳам, энг севгили бир овоз ҳам мени хаёлимдан уйғотиб юборишига рози эмасдим.

Мана. Арабдарасига инган йўллар, ана, ягона бир сарвнинг остида Шамъи Даданинг бир эски мақбарага ўхшаш оқ шийпони... Ана, қарши

тепада Қирқчамларнинг ҳафиф ёруғлиги, мовий кўкюзида ҳар доимги кўлкаси...

Шоҳкўчага тушганимизда хотиним менга ўгирилди:

– Илк бор бир-биримизни кўрган жойимиз шу ер эмасми, Канон? – деди.

Ҳеч нима демадим, паришон бир табассум-ла бошимни ирғадим. Жовидон бу дафъа Шамъи Дада кулбасини кўрсатди:

– Бу ерда жазавали бир тиланчи бор эди, шундай эмасми?

Шамъи Дада жазавали бир тиланчи... Бир очарчилик йили қўл нонини емаслик учун ўлишга ҳам рози бўлган бой руҳли Шамъи Дада... Севгиси ва ҳулёсининг бир заррасини дунёнинг бутун бойликларига алишмаган қари санъаткор... Жазавали бир тиланчи... Жовидон, сенинг бу сўзингни жавобсиз қолдирдим, чунки нима десамда ғашим келганини сенга англата олмасдим.

Боғнинг девори устида йирик бир ит вовиллай бошлади. Боғ қўриқчиси уни қуваларкан ўз-ўзимга: "Эй, воҳ, Қузғун ўлипти-да!"дедим, бирданига юрагим орзиқиб кетди.

Боғ эшиги билан кўшк орасидаги дарахтзор йўлдан ўтаркан беш-олти марта тўхтадим. Бу ерларда ёзнинг илиқ ва тоза ҳаёти бор кучи билан ўзини кўз-кўз қиларди. Йўлнинг икки тарафи яна қалин япроқли шохлар билан ўралганди. Дарахтларнинг орасидан қушларнинг жив-живлари, қанот саслари келар, қоронғиликда кўринмаган ёввойи гуллар, чечаклар, шалви[1]ларнинг оғир ҳидлари бошимни айлантирарди... Мана, катта кўшкнинг олдидаги ишком... Бир саҳар вақти онамнинг мени кутиб ўтирган деразаси...Заиф вужудингни қучоғимда сиққаним, тонг ёруғликлари ичида янада сўлғин кўринган мовий кўзларингни ўпганим, илк муваффақиятлар билан сархуш бўлган бошимни кўксингга қўйиб умидларимни, қилаётган ишларимни айтиб ўтирганим нарвон...

Яна бир оз юрдим... Қоронғилик ичида кўзимга бир дарахт уюми ҳам илашди... У ердан ўтаркан Жовидондан айриламан... Бир мақбарани зиёрат қилаётгандай, бир дафъа яна ўша ерда тўхтайман... Йигирма йил аввал Лайлодан айрилганим, илк муҳаббатимнинг илк бўсасини рад этган жойим. Йиллар ўтиб бу ерда бир кеча бир бошқа ёш қизни, ожиз бир қуш боласи каби қучоғимга тушган бир қиз болани қучоқлагандим... Шўрлик Чарос шундай титрардики... Уни муздай совуқ билакларидан тутиб кўксимга тортганим, дудоқларимни кенг манглайида титраган нозик сочларига...

– Канон, нимага у ерда турибсан?

Енгил сескандим. Жовидон сал нарида турар, нима бўлганини англамасди.

– Ҳеч... Бир фикр... – дедим.

Хотиним бу маъносиз сўзга кулади. Шунда журъатим ортади. Ундан катта нарса истаётгандай:

[1] Шалви – бута ўсимлиги.

– Бирпас ёнимга келмайсанми, Жовидон? – дейман.

Ҳайрат-ла менга қарайди, айни чоғда айтганимни қилиб ёнимга келади. Уни билакларидан тутиб оҳиста-оҳиста кўксимга тортаман. Манглайига лабларимни қўяман. Вужудимдан совуқ бир титроқ ўтиб, бу бўса дудоқларимда музга айланиб ярмида қолади...

Такрор юришни бошлаймиз .. Ойнинг бир туман карвони орқасидан сизаётгандай кўринган ярим ёруғи остида узум бошлари яна кўз илғаганча узайиб-узайиб кетади... Буларнинг орасида бир кўлканинг аста-аста қимирлаганини кўраман. Бармоғим билан бу кўлкани боғ қоровулига кўрсатиб:

– Карам эмасми у? – дея сўрайман. Қари чол, бошини ирғаб жавоб беради:

– Ҳа, бейим... Карам...

Жовидон мен тўғримда нима деб ўйласа ўйлайверсин... Бу кўнглимдагиларга қарши боролмайман.Пояларнинг орасидан шоша-пиша ўтиб "Карам"нинг ёнига бораман. Бечора ҳайвон олдин ҳуркди, лекин кейин тўхтади, паришон сариқ кўзлари билан менга қаради...

– Сен ҳам мени танимадингми, Карам? Агар сени кўрмасам, инсон дўстларимдан кўпчилигини йўқотгандай узилардим...

Карам сўзларимни тушунгандай ёқимли бир назар билан юзимга боқишда давом этади... Кўзларим билан атрофга олазарак бўлиб нималарнидир қидирардим, ҳеч ким мени кўрмаганига амин бўлганимдан сўнг эгилиб уни юзларини силадим.

Жовидон ҳам мендай ҳорғин эди. Дарҳол ётишни истади. Мендан аввал келган камонимни қутисидан чиқара бошладим.

– Сен ечингунингча сенга бир нарса чаламан...

– Ҳа, аммо сен ҳорғинсан... Ҳам бундай келар-келмас... ғалати бўлмасмикин?

– Йўқ...Йўқ... Бир фикр...

– Лекин бу кеча сенга негадир ғалати фикрлар келяпти...

– Нима зиёни бор? Ҳа, илк қовушган кунимизга атаб сенга туркча бир алла чаламан.... Истамайсанми?...

Деразани очгандим. Жовидон ичкари хонада либосларини алмаштираркан аллани чала бошладим. Камоним энг эски дўстим. Севинчимни, кадаримни фақат унинг тили билан айтаман. Кўнглимнинг энг маҳрам сирларини ёлғиз у билади... Камонимнинг устига бу кеча мендан илк марта кўз ёш томчилари тўкиларди. Назаримда ҳорғинлигимдан бўлса керак... Йўқса ҳозирга қадар бунга ўхшамайдиган не-не аччиқларни кўрдим... Ёхуд онамнинг мотами... Қаёқдан билай?..

Мен бу кеча бу камонни Чарос учун чалдим. Бошлаган вақтимда, ажабо, уйқудамиди? Ундай бўлса, ким билади, қандай ҳислар билан уйқусидан уйғонаркин? Чаросимни ҳозир деразасида кўргандай бўламан... Чироғини ўчирган, ой ёруғида сариқ сочлари ипак уюмидай порлайди... Чарос ҳозир мутлақо ҳазин бир хаёллар қўйнидадир... Аллясини эшитаркан мутлақо мен билан баравар йиғлагандир... Ламиа билан баравар йиғлаганимизга ҳеч шубҳам йўқ...

Келган куним бир ёқимли тасодиф юз берди...Бозорда Шукрубей билан учрашиб қолдим...Ёнида Фикрат бор эди. Бола ҳозир беш-олти ёшга кирган. Шукрубей тоғаваччаларимдан бири билан гаплашиб турган экан, мен ҳам Фикратни гапга солдим. Қўлидаги пакетни кўрсатиб:

– Даданг сенга ўйинчоқ олдими, кичик бей? – дедим.

Бола менинг бир қанча саволларимдан сўнг билгим келган нарсани ўзи бирдан айтиб юборса бўладими?

– Ўйинчоқ эмас... Ламиа холага пайпоқ олдик...

Фикратни қучоғимга олиб ёноқларидан ўпмаслик учун нафсимнинг сўзига кириб гапни чўздим:

– Ламиа холангнинг пайпоқларини бей отанг олдими? Унинг ўз бейи олмайдими?

Бола эркин бир авзо билан:

– Ламиа холамнинг бейи йўқ-да, – деди.

Кўнглим мени алдамаганди. Ламиа шу ерда эди. Ҳамда эрга тегмаганди.

Ҳа, Ламианинг мени бу ерда бирданига кўриб қолишини истардим. Унинг бирдан эсанкираб қолишини кўриш ёқимли бир воқеа бўларди. Афсуски, бунга имкон йўқ.

Измирга келганимни эшитмаган бўлиши мумкин эмас... Шукрубей мени кўрганда илк сўзи: "Афандим, кўзларимиз йўлда қолди. Бир ҳафтадирки, сизни кутамиз", – деди.

Анчагина вақт ўтди. Мен ҳамон кўзларимда ёшлар билан аллани чалишда давом этардим. Жовидон ечингандан сўнг оҳиста-оҳиста ёнимга келди:

– Канон, бу кеч тамом шоирона кайфиятдасан... Бу оддий санъатсиз аллага санъат асари руҳини беряпсан...

Ҳам кўзимдаги ёш томчиларини яшириш ҳамда хотинимнинг юзига қарамаслик учун бошимни енгил ҳаракат билан бошқа тарафга ўгирдим, юзимни камонимнинг устига эгиб давом этмоқчи бўлдим.

Лекин, билмадим нима сабабдан, бир оз аввалги фусун тарқаганди. Шу қалар гўзал саслар чиқараётган камоним бирдан қўлимда қўпол бир тахта овозини эслатувчи парчани чала бошлаганди. Уни асабий бир ҳаракат билан пианино устига улоқтирдим, ҳамон Жовидоннинг юзига қарашдан тийилиб:

– Кетдик, ётайлик энди... – дедим.

Завжамнинг чарчоқдан кўзлари юмилиб кетаётганди. Мен ечингунимча ўрнининг бир чеккасида ухлаб қолганди.

Мен оёқ учида ётоқхонадан чиқдим, уч йил аввал "Қора юлдузлар"ни басталаганим хонада мазкур сатрларни ёза бошладим...

Ора-сира қаламни олдимда қолдирардим. Бўзёқа ёзларининг энг гўзал мусиқаси бўлган август ҳашаротларини тингладим. Эски ошналардай қоронғилик ичида чироққа кела бошлаган парвоналарни, узун, яшил қанотли тун ҳашаротларини кузатдим... Бу ердаги ҳаётда қандай бир ажойиб тўйиб бўлмас лаззат бор!..

Эртага Чаросни кўражакман...

VI

22 июнь

Чаросни кўролмадим. Ғалати... Ламиа, нима бўлдики, мени кўргани келмади?

Айни чоғда мен ҳам бир он ёлғиз қололмадим-ку... Оҳ, бу сур меҳмонлар. Мени бу ерда ҳам тинч қўйишмаяпти. Эрталабдан кечгача, балки, ҳуфтонгача ўн гуруҳ меҳмон келди...

Яна "Канонбейга "Хуш келдинг"га келолмадик... Айбга қўшмайсиз... Эртага кўришамиз, худо хоҳласа!" дея хабар, хат ва ҳоказо жўнатадилар. Ярим соат вақт топиб, Шамъи Дадага боролмадим. Бечора Шамъи Дада бир фалокатга учраганмиш... Ўтган йили хотини ёш бир туякаш билан қочганмиш... Қари дўстим шикоят қилмасмиш... Лекин ҳар ҳолда жуда маъюслигини тахмин қилардим.Эртага эрталаб уни кўргани бораман.

Оқшом кечки соатларда Шукрубей бизга учради. Ёнида Фикрат ила Самиҳа бор эди... Бир неча бор тилимнинг учига келди. Ламиа ҳақида маълумот олгим келарди... Бу ғоят табиий бир нарса бўларди. Шукрубейнинг ҳеч бир нарсани сезмаганлигига амин эдим. Можарога доир заррача ҳид олган бўлса, менга бошқача муомала қилган бўларди. Ҳа, Ламианинг нима қилганини, ҳануз нега эрга тегмаганини сўрасам табиий бир нарса бўларди. Лекин қандайдир бунга ҳеч журъат этолмадим.

Фикрат ила Самиҳанинг суҳбатларига диққат қилдим. Болалар тез-тез Ламиадан баҳс этардилар: "Устингни кир қилдинг, Ламиахолам сендан хафа бўлади... Ламиахолам менга арғимчоқ қилиб беради..." Бир неча карра меҳмонларимни қолдириб боққа чиқдим. Боғнинг орқа эшиги тарафларида айландим. Ламиа узоқдан бўлса-да кўриниб қолса керак...

23 июнь

Бу тонг кеч уйғонгандим. Ётоғимнинг ичида эриниб-эриниб тамбалларча сигарет чекарканман, Жовидон хонага кирди. Қўлида бир қоғоз бор эди:

— Мунирбейдан ҳозир бир хат олдим. Бугун Бужада от пойгаси бўларкан. Бизни даъват қилипти.. икки соатдан кейин бизни олиб кетиш учун араваси билан боққа келишини айтипти...

Бирдан жоним чиқди:

— Жуда бемаҳал қилинган таклиф, — дедим. — Биз бу ерга тинчиш учун келмаганмидик... Оврупода бундай мусобақалардан жонимиз ҳалқумга келмаганмиди?

— Ҳа, аммо... Бу бошқа... Измир пойгаларини кўриш жуда қизиқарли бўлади.

— Жуда қизиқ одамсан-да, Оврупо пойгаларининг оддий бир карикатураси.

— Қойил гап айтдинг... Табиий... Аммо бу фурсатни қочирмайлик...

— Қўй, Жовидон...Шоёни диққат бир нарса бўлса, мен сени оборишни истамасмидим...Кўр, яна меҳмонлардан кўз очолмадик. Сен билан уйимизда тинчгина ўтирамиз... Сўнгра оқшомга қараб айланишга чиқамиз. Сен ҳали атрофларни кўролганинг йўқ... Қирқчамларга борамиз... Ҳатто, истасанг, сени Арабдарасига оборай...

Жовидон енгилгана елкаларини силкиб қўйди:

— Арабдараси... нақадар шоирона исм...Одам шундай хаёлга борадики, гўё сен менга жаннат зиёрати таклиф қиляпсан...

Завжамнинг ора-сира бундай ҳақоратга ўхшаш ўтакетган қуруқ истеҳзолари бор... Уларга тез кўникиб кетган бўлсам-да, ҳозир бу сўз юрагимни сиқди. Барибир акс жавоб қайтармадим. Шунчаки оғир бир авзо билан:

— Табиат ҳар кимга айри-айри тилларда хитоб этади... Мен бу ерларда улғайганим учун бу ерларни бошқача кўз билан кўраман... — дедим.

Сўнгра бу баҳсга якун ясаш учун шоша-пиша илова этдим:

— Ҳар ҳолда Мунирбейга бир узримизни айтамиз, шундай эмасми, Жовидон?

— Иложи йўқ... Чунки мен жавоб жўнатдим... Сенинг бу арзимни рад этишингни тахмин қилмагандим...

— Табиий, хаёлингдан бундай нарсани ўтказмайсан, албатта... Модомики хоҳлаётган экансан, борамиз...

— Зўр, аммо сен бундай мактабга боргиси келмаган боладай қовоғингни уйиб борсанг, бунинг ҳеч завқи қолмайди... Баҳсимиз таҳликали бир жараён олаётганди. Бир оз айёрлик қилиш, хотинимнинг заифтомирини босиш лозим эди.

Кула бошладим, эркаловчи бир тавр билан:

— Нега бундай деяпсан, Жовидон? — дедим. —Биз бу ерга нимага келдик?.. Менинг ижод қила олишим учунми ё меҳмонгами? Мен бир хилватнишин бўлиб яшамасам, қалбим дунёга оид орзулардан, андишалардан айрилолмаса санъат истаган руҳ сокинлигини қандай топаман... Истайсанми, яна от пойгаси ё бошқа нарса деб янгидан ҳаволаниб юраверайлик, кайфу сафоли жойларда айланаман.... Икки ойдан кейин яна қўлимиз бўм-бўш Истанбулга қайтайлик... Мен, қатъий равишда иш бошлашни истайман...

Жовидон учун бу шундай бир сабаб эдики, оққан сувларни тўхтатиб қўярди. Дарҳол юмшади:

— Жуда аъло... Шундай бўлсин... Мунирбейга янги хабар жўната қолайлик. Воҳ-воҳ, у ҳам бизни деб тинчини йўқотади... — деди.

— Йўқ, бу тўғри бўлмайди... Сен Мунирбей билан бораверасан... Мен қоламан... Бу от пойгаларини сен ҳеч кўрмагансан. Сени анча қизиқтиради, деб умид қиламан.

Икки соатдан кейин Жовидонни Мунирбейнинг аравасига чиқариб қўйган вақтимда шундай енгил нафас олдимки... Мактабдан қочган баъзи болалар каби севинардим.

Иссиқ бир туш пайти эди. Боғнинг ичида айлана бошладим. Бир неча бор орадаги йўлга чиқдим. Шукрубейнинг боғида ҳеч кимса йўқ эди. Зич дарахтзорлар орасидан зўрға бир жой ажратиб қурилган болохона дераза ларининг тахта эшиклари берк эди. "Ламиа бугун мутлақо келади.. Лекин вақт жуда эрта... Болаларни чиқариш учун ҳавонинг саринлашувини кутади" дея ўзимни овутардим.

Шамъи Дадани оёқ устида юрганини бир дафъа узоқдан кўргандим. Аммо шу пайтгача узоқ гаплашишга, дардлашишга вақт топмагандик... Бир-икки соат вақт ўтказиш учун уни зиёрат қилишни ўйладим, шоҳкўчага чиқиб, қари дўстимнинг боғига қараб йўл олдим...

Лекин тоқ сарв дарахтининг остидаги кичик тош шийпонни узоқдан кўрганим чоғ, ичимда бир тараддуд уйғонди. Бугун масъуд ва нашъали эдим. Кулишга, гапиришга, гурунг қилишга эҳтиёжим бор эди. Лекин орқадошим дардли эди. Унинг мотамини ҳурмат қилишим, кўнглим кулиб яйраб гурунглашишни истаб турганда унга ҳазин нарсалардан баҳс этишим лозим эди.

Ўз-ўзимга: "Ээ, бўладигани бўлди... Ҳайй, бу куннинг завқини бузмай... Кекса дўстимга тасалли бериш учун ҳали бир дунё вақтим бор... Қуёш бу қадар чиройли порлаган кун ҳаётимда жуда нодир кун" дедим. Тўсиқ четанлар устидан бўш бир боққа ҳатладим, у ердан Араб-дарасига тушувчи эски йўлга ўтдим...

Ниятим жуда узоқларга кетиш эмасди. Лекин яна аста-аста эски хотираларга берилдим, улар мени кучли бир сув оқими каби то Зайбаклар булоғигача етаклади.

Бир неча дақиқа у ерда ўтириш, йўсинли қояларнинг кўринмас жойларидан томчи-томчи оқиб чиққан, ғорнинг зимистон теранликларидан яширин қичқириқларга ўхшаган акслар уйғотувчи сувларни тинглаш, синиқ тошларнинг четларидан осилиб турган "қоя узумлари"нинг қизил соябонларини томоша қилиш ниятида эдим. Лекин вақт туйғусини унутдим, узун бир муддат у ерда ўтириб оёқ-қўлларим увишиб қолди. Шу даражадаки, ортга қайтаётганимда қуёш Илижа тепалари сари бота бошлаганди. Кеч қолиш қўрқуви билан доимий йўлларда югура кетдим. Боққа етиб борганда ҳарсиллаб нафасим сиқиларди, вужудимни тер босганди.

Шоша-шоша қудуқ тепасига йўналдим. Бир дарахтзор ёнидан ўтаркан қулоғимга бир бола қаҳқаҳаси, Фикратнинг овози келди:

— Ламиа Опа, тўпни менга отинг...

Ҳорғин тиззаларим титрай бошлади, қалбим янада тез-тез урарди. Читлембикларнинг орасида кўзимга бир пушти елдирма илашди.

Оҳ, Чарос... Сенга шунчалик интилганимни билармидинг?

Ламиа худди аввалги кеча хаёлимда кўрганим каби тош ҳовузнинг четида ўтирарди. Юзи нариги томонга ўгирилган эди. Фикрат мени кўриши билан:

— Ламиа опа... Қаранг, ким келди, — деди.

Бу ҳаяжонни тахмин этолмагандим. Жоним оғзимга келганга ўхшарди. Ёш қиз лоқайд бир авзо билан бошини ўгирди. Юзини кўрганимда ярим фарёд кўтардим: Ламиа менинг Чаросим эмасди...

Бир оздан сўнг ҳаммаси менга аён бўлди. Чарос Измирдан кетганига чамаси икки ярим йил бўлипти...

Шукрубей Фикрат ила Самиҳага қараб туриш учун Румэлидан бир муҳожир қизни ўзларига фарзанд қилиб олган экан... У қизчанинг исми Леман экан... Қандайдир Чаросни унутолмаган, кунда бир неча марта уни ушлаб йиғлайдиган Фикрат Леманни "Ламиа опа" дер эмиш... Сўнгра уйнинг ичида ҳамма уни шундай чақира бошлапти...

VII

5 июль, Бўзёқа

Икки ҳафта аввал бу ерга келган вақтимизда Бўзёқа жуда ҳувилланган эди. Боғ эгаларининг бир қанчаси ҳали келишмаганди. Энди ортиқ атрофда бўш болохона, бўш шийпон қолмапти.

Бу йил Бўзёқада ҳар вақтдагидан янада жўшқин ва нашъали ҳаёт бор. Боғлар, боғчалар ранг-ранг аёл елдирмалари билан тўла, оқшом соатларида йўллар тиқилинч бўлар, бирор сайилгоҳ ҳолини оларди. Кечалари Қирқчамларда ойдин кечалар дунёси деган йиғинлар қилишар, ҳар оқшом бир жойда тўпланган ёшлар, тонггача чолғу чалиб ўйин-кулги қилардилар.

Хулласи калом, Бўзёқа бу йил бир байрамдай, ҳар ким хурсанд эди, ҳатто доим бу туркона декорацияни бир оз оддий, бу инсонларни ўта ибтидоий, бу содда ўйин-кулгиларни аянчли деб кулиб юрувчи Жовидон ҳам...

Завжам кеча менга дердики:

— Бу қадар яхши, хушчақчақ дам олишдан умид қилмагандим... Тўғриси, сенга бир оз яхши кўриниш учун бу ерга келишга рози бўлгандим... Лекин чиндан ҳам маза қила бошладим.

Жовидонни тез-тез теваракдаги боғларга даъват этардилар. Орасирада Измирга тушар, ҳатто ўтган ҳафта икки марта Қаршиёқада отасининг эски дўстларидан бирининг уйида меҳмонга қолди.

Ҳа. Бўзёқада ҳар кас хурсандчилик қиларди... Фақат бир мен қилар эдим.. Нақ ўлгудай... Истанбулдан бу ёққа келганимга кунига минг карра пушмон бўлардим... Бошқаларнинг хурсандчилиги азобимни орттиришдан бошқа ҳеч нимага ярамасди. Бўзёқа мен учун бутун рангини, бутун атирларини, бутун жозибасини йўқотди. Кунлар ҳеч тугамайдигандай. Бу ҳеч бир янгилик келтирмайдиган рангсиз кун-

ларнинг юракни сиқишини, чарчатишини илк саҳар тонг отиши билан бирга ҳис қила бошлайман. Кунларнинг қуёши каби, кечаларнинг тўлинойлари ҳам сўник, жонсиз, юрак сиқувчи...

На кечани, на кундузни, на Арабдарасини, на Қирқчамларини, хуллас, ҳеч бир нарсани севмайман, истамайман...

Ўзимни алдашга, овутишга кўп уриндим. Лекин беҳуда... Мен Чаросни севаман.. Қандай? Нега? Билмайман. Фақат шунга аминманки, бу савдо қалбимга ўрнашган... Мен ўлмагунча ичимдан кетмайди... Бу савдони аввало теран бир марҳамат деб ўйладим... Ламианинг бу ерда эмаслигини аниқлаган куним навбатдаги кунлардан бири эди. Ичимда ҳеч кимга англатиб бўлмайдиган бир алам билан боғда айланардим. Чидолмадим, Шукрубейнинг боғига бордим.

У одам мени шийпоннинг қаршисидаги ишкомга олди. У ёқдан бу ёқдан гаплаша бошладик. Қайғу ва ҳаяжонимни рангимдан билдириб қўймаслик учун бор кучимни сарфлаб Ламиани сўрадим. Унутилган бир чеҳрани хаёлида тикламоқчи бўлган кимсалар каби кўзларимни қисиб:

— Кичиклар билан бирга сарғиш бир кичик хоним кўрардим, афандим... Ҳозир бу ерда эмас шекилли, — дедим.

Шукрубейдан Ламиага доир баъзи майда-чуйда маълумотларни олардим дея умид қилгандим. Бу одам умидимдан ортиқ самимият кўрсатди, шўрлик Чаросга ўтказганларимнинг ҳикоясини маҳзун бир аниқлик билан менга ҳикоя қилиб берди.

Бу саргузаштнинг шундай жойлари бор эдики, бола каби йиғлаб юбормаслик учун ўзимни зўрға-зўрға тутардим. Шукрубейдан айрилган вақтимда дунё кўзимга қоп-қоронғи бўлиб кетган, ичимда бир нарса абадиян узилганди.

У вазиятга тушган ёш қиз учун буларнинг ҳаммаси ғоят табиий нарсалар эди. Менга нима бўлдики, буларни ақлимга сиғдиролмас, уч йилга яқин бир муҳлат ичида Бўзёқада нимаики қолдирган бўлсам, ҳаммасини ўша ҳолда деб тасаввур қилгандим!

Олдинига Ламианинг бошига келган фалокатлар учун ачиняпман, уни шунинг учун ҳар ердан қидиряпман, деб ўйлагандим... Чаросга нисбатан қалбимда ҳис қилган чидаб бўлмас ҳасрат, марҳаматдан туғилгандим, Аммо кейинчалик ўйлаб-ўйлаб ҳар нарсани ўзимяпти ўзимга изоҳлаб бердим, ҳақиқатни нечун яшириш керак? Шундай худбин бир руҳим бор эдики, севмаган нарса билан алоқадор бўлишимга, ачинишимга имкон бермасди. Чаросни бу қадар теран севмасайдим, унинг бошидан ўтганлари менга бундай таъсир этмас эди, ўзимни оққа чиқармоқ учун зеҳнимда минг турли баҳоналар тўқиб, минг мантиқ ахтариб ўтирмасдим. Ламиани шу қадар қалбсиз бир суратда қолдириб кетган вақтимда бундай бўлмабмиди?

Ламиани севаман. Илк кунларда бир ҳазин сабр-қаноатнинг аламларига мағлуб бўлмаслик учун бор кучимни тўплашга, кўп ишлашга

ҳаракат қилдим. Мусиқий ҳаётимнинг бир қанча мушкул ва маъюс соатларида бу менга тасалли берганди. Яна ундан шифо қутдим. Бутун қалбим билан ўзимни янги асаримга бермоқчи бўлдим. Алаҳсираган бир фаолият билан ишлай бошладим.

Хонамдаги лампанинг ёруғини сўндирадиган даражада ёруғ бир тўлинойли кечаси эди. Тирсакларимни пианинога тираган, бошимни кафтларим орасига олгандим. Деразалардан кирган иссиқ боғ ҳидлари билан тўла шабада нафаслари кўксимни эзгандан эзар, вужудимга ғариб бир ялқовлик берарди. Деразанинг ёнида турган Жовидон менга ўгирилди:

— Нега мунча жимсан, Канон, нимани кутяпсан? — деди.

Маҳзун бир кулимсираш билан завжамга қарадим:

— Илҳомни кутяпман, Жовидон, — дедим. — Пианинонинг ёнига келсанг-чи?

Завжам ҳайратона табассумлар қилиб ёнимга келди. Давом этдим:

— Пианинонинг мана бу бурчагига ўт, Жовидон...билакларингни устма-уст мана бу нуқтага қўй... Сўнгра бошингни, ёноғингнинг бир қисмини қўлингнинг устида қолдир...

Жовидон кулишда давом этиб айтганларимни қиларди:

— Менга доимий зеҳнингдаги бир расмни тақлид қилдирмоқчидай аломат нарсалар буюряпсан, Канон...

Тўғридан-тўғри жавоб бермасдан, қўлим билан завжамнинг ёноғини силаб бошини бир оз ёнга майл қилдирдим. Бу вазиятда ойнинг нури юзига янада яхши тушар, қумрол сочларини бир оз оч сариқ кўрсатарди.

— Шу вазиятда мени тинглайсан, хўпми?

— Бу кулгили ва зерикарли бир вазият, аммо модомики шуни истаётган бўлсанг... Шунда ижод қилоласанми?

— Ҳа, тахминимча шундай.

Жовидон билан бир-биримизга боқиб кулимсирардик. Ниятим бир неча кундан бери хаёлимда юрган янги парчани давом эттириш эди. — Лекин ичимдан ҳеч бир нарса келмади. Кичик бир тараддуддан сўнг эски басталаримдан бирини, Ламианинг хонамга илк келгани кеча бошини пианинога қўйиб тинглагани парчани чала бошладим. Уни иккинчи марта ўлароқ такрор этажагим вақт деразадан ташқарида бир ит вовиллади. Бир туш ичида бўлгандай паришон-паришон:

— Қузғун келди, Чарос, — дедим.

Жовидон енгил бир ҳайрат билан нимадир деди. Бошимни кўтариб эсанкираганча юзига қарадим. У ҳеч бир маъно бермайдиган бу сўзлардан куларди. Ҳолбуки тўрт ёз олдин Ламиа бу ерда йиғлаганди. Асабий бир умидсизлик билан пианинони ёпдим:

— Қани кетдик, Жовидон. Сен билан бирга боғларда айланаман. Бу янада яхши, — дедим.

Мен Ламиани севаман.

Баъзи яширин касалликлар бор. Инсон уларнинг қаерда, қандай бошланганини аниқ билолмайди. Яралар шундай инжа ва нозикдирки,

ноаниқ, лазиз ҳаяжонларга ўхшаш заҳарланишлари, янги бошланган сархушликлардай ширин ва нашъалидир; оғриқлар жойи билинмайдиган даражада кар ва ноаёндир. Замон-замон вужуднинг ич-ичларидан бўғиқ ва нотайин шикоятлар келади. Ич-ичингни еб-кемириб битираётган хасталикнинг бундан бошқа аломати йўқдир.

Менинг Ламиага бўлган муҳаббатим ана шу навидан бир касаллик... ортиқ ҳақиқатни ўзимдан яширишни лозим кўрмайман.

Иссиқ қиём чоғларида читлембиклардан бирининг қуёш шуълалари билан аралаш сояси остида чалқанча чўзиламан, бошимнинг ичига яна қоронғи бир кеча келтириш учун қўлларим билан кўзларимни бекитаман, теран-теран ўйлай бошлайман.

Ортиқ шубҳам йўқ. Мен Ламиани доимо севдим. У кичик, содда, бечора бир қиз бола эди. Мен узун маҳрумият ва умидсизлик йилларидан кейин келган муваффақият, шуҳрат ва саодат-ла сархуш, худбин, тажрибасиз бир шўрлик эдим...

Севги ва саодат ҳақида янги фикрларим бор эди. Дарҳол ораларига кирганим сохта кибор муҳитининг таскин берувчи ва бузуқликка бошловчи назариялари...Муҳаббат шундай бир нарса эдики, мутлақо зарофат, эришувчанлик, шуҳрат, бойлик, хиёнат ила бирга борарди. Шуҳратга эришган юксак бир инсоннинг шўрлик, содда бир Чаросга кўнгил боғлаши, ҳаётини бағишлаши мумкинмиди: ҳаёт тарзим, фикрларим, сўзларим бошқа бир муҳитнинг одами эканлигимни кўрсатарканман, менлигимда, руҳимда Тулкиликдаги қоронғи такяларнинг илоҳий мусиқалари билан, Шамъи Даданинг найи билан улғайган, маҳрум ва ҳадикли бола қолганди. Ҳали ўн олти ёшдалигида бир катта одам қаноати ва фароғати билан Лайлосининг илк бўсасини рад этган, руҳининг мағрур ва хилватнишин малолини йилларча бу ерларда ташиб юрган боғ боласи...

Қўлларимни кўзларимдан кўтариб, "Карам"нинг вазмин-вазмин одимлар билан айланишига қарайман. Сўнгра такрор кўзларимни бетиниқ овозини тинглаганча ўйлашда давом этаман: эҳтимол, бу севгининг яна бошқа сабаблари бордир. Мен доимо узоқда бўлганим юртнинг соғинчини, қўлга киритишга имкон бўлмаган саодатларнинг ҳасратини тортган бир хаёл хастасиман. Ажабо, энди Чаросни умидсиз бир суратда йўқотганим учунмикин бу қадар севишим?

Уни балки энди ҳеч кўрмасман... Яна бир марта сузгун яшил кўзларининг менга кулимсираганини кўрмасдан, бармоқларимнинг учи билан кенг манглайига тушган инжа соч гажакларини чаккасига суриб қўймасдан ўлиб кетаман... Оҳ, нақадар аламли...

Ётган еримдан оғир-оғир қўзғалдим, ҳовузга қараб кета бошладим. Бир нуқтада Карам билан қаршилашдик. Ҳайвон бирдан тўхтади, катта-катта сариқ кўзлари ҳаммасини англаётгандай ва ачинаётгандай теран бир назар билан менга қаради...

Карам бу гўзал савдонинг ягона бир ёдгоридай бўлиб қолди. Келаси йили бу ерда балки уни ҳам топмасман. Тирсакларимни ҳовузнинг мармарига тирайман, сўнгра енгил шовуллашлар билан кўпираётган сувларга қўлларимни тиқаман.

Чаросни илк дафъа шу ерда қучоқлагандим. Ҳаволар бузила бошлаган ўша куз кунини хотирлайман. Ламиа айрилиқ кунларининг яқинлашганини ўйлаб маъюсланар, гўзал кўзлари умидсиз бир малолга тўлиб борарди. У йиғлай-йиғлай деб турганда мен кулар, сепкилли ёноқларига енгил-енгил черткилар билан тегиниб ҳазиллашардим. "Бу севги эмас, Чарос, дердим, бу бир оз нозик бир кўнгил ўйини, дудоқларимизнинг бир эрмагидан иборат..."

У вақт мен учун балки шундай эди. Лекин бир ҳазил, бир ёлғон, бир эрмак каби бошланган бу савдо, бир яширин заҳар каби, дудоқларимдан қалбимга тушди.

VIII

8 июль, Бўзёқа

Шамъи Дада менга бугунгача ўз фалокатларидан баҳс этмаганди. Мен ҳам, табиий, бир нарса сўрамасдим. Қари дўстимнинг дардини янгилаш унчалик тўғри бўлмас эди.

Бу оқшом Арабдарага қиялаган ёнбағирлардан бирининг бир чеккасида ўтирардик. Иккимиз ҳам айни фикларга чўмгандик. Шамъи Дада бирданига:

— Менинг бошимга тушган воқеаларни сенга айтишгандир, ўғлим? — деди.

— Ҳа... Кўп афсусландим.

Бу жавобни бературиб унинг юзига қарашдан тийилардим.

— Сен ҳам афсусландингми... Бинобарин, бу ишга афсусланмаган бир мен қопман-да...

Қари дўстим куларди. Ҳамда қалби ва фикри-хаёли сокин одамларнинг очиқ, мамнун кулиши эди бу.

Ҳайрат-ла кўзларимни юзига қададим. Бу Шамъи Дада мунчаям мағрур, мунчаям ҳиссиётларини эгиб олган одам бўлмаса... Қарашимдан нима ўйлаганимни тушунгандай давом этди:

— Мен бу ишни қилганимга асосан афсуслангандим, ўғлим... Бошқаларга айтсам, мени мияси айниган, деб ўйлайдилар... Сен балки англарсан... Менинг бир хаёлий ёри вафодорим бор эдики, бутун умримда бир кун мени ёлғиз қолдирмаганди... Кечалари кимсасиз шийпонимда сассиз садосиз айланар, танҳо қирларда айланган вақтларимда ҳам ёнимда юрар, най чалганимда, Ҳофиз ёки Фузулийни ўқиётганимда қаршимда бошини эгар, рангини билмаганим кўзлари ёшларга тўлиб йиғларди. Уйимга бегона бир хотиннинг келиши бу хаёлий ёри вафодорни хафа қилганди. "Уни сўнгги нафасимда ҳам кўрмасдан ўламан", дея хайфланардим...

Бегона хотин бир кун мени ташлаб кетди. Илк кунларда ўзимни ғариб ҳис қилмадим десам ёлғон бўлади... Лекин асил ёримнинг яна мен билан хуш яшашга келишига доир аломатлар бор... Қоронғилик ва танҳо кечаларда шийпоним атрофида айланганини, най чалган, Фузулий ўқиган вақтимда секин-секин йиғлаганини эшитардим...

Ичимда нималигини билиб бўлмайдиган бир қўрқув билан қари дўстимнинг юзига қарадим. У яна мамнун, сокин бола табассуми билан кулимсирар, ортиқ бошқа нарсалардан баҳс қила бошларди:

— Мен ўйлай-ўйлай қазову қадар масаласида шу хулосага келяпман, ўғлим... Дунёдаги фалокатлардан қудратли зотни масъул деб биладиган, бутун қабоҳатни низоми коинотда қидирадиган мажнунлар бор. Қудратли зот ҳар бир руҳни айрича истеъдодлар билан қуроллантирган, ҳар бирига айри бир йўл чизади... Ҳар кас ўзига кўрсатилган йўллан кетса, ҳар кас бахтли бўлади, ўғлим... Шундай дунёни кўз олдингга келтир... Нуқул айри-айри йўлларда юрган, бир-бирларига ҳеч тўқинмаган, бир-бирларини инжитмаган, ҳатто, кўрмаган йўлчилардан ташкил топган бир узун карвон... Ҳамма қабоҳат ўзимизда... Қўлда чизилган йўллардан тоямиз. Жамики фалокатлар шундан туғилади... Далил истайсанми? Кўк юзига қара... Юлдузларга боқ... Бу гўзал низомни қайси бошқа бир сабабга боғлайсан... Улар ҳам, инсонлар каби, қудратли зотнинг чизгани йўллардан чиқишга уринсалар, коинотдаги қиёматни бир тасаввур эт... Осмонлар йиқилади... Каҳкашонлар бошимиздан оқиб кетади... Мавсумлар бузилади...

Шамъи Дада оҳиста-оҳиста қорайган оқшом самосидаги сийрак юлдузларни титраётган бармоғи билан кўрсатганча давом этар; қоришиқ, қоронғи, сирли нарсалардан сўзларди. Хайрлашаётган вақтимизда ўрта.ниқ тамомила қорайганди. Оғир-оғир одимлаб боққа қайтаркан ўйлай бошладим:

— Бу қари дарвишнинг тарқоқ ва топишмоқли сўзларида ҳар қалай бир ҳақиқат парчаси бор... Руҳимнинг бутун хотиржамлиги ва қарорини олган, бу севдигим ерларни менга ҳазин бир суратда рангсиз кўрсатган муҳаббат балки янада теран, янада оммавий бир дарднинг бир шаклидир...

Мен дарвишона ва маҳзун руҳли бир боғ боласи эдим, ҳаётим кўланкалар ва маҳрумликлар ичида ўтиши муқаррар эди. Ҳеч бир нарсадан мамнун бўлмасликка маҳкум эдим. Лекин бу ерда ҳеч бўлмаса руҳимга бир хотиржамлик ва барқарорлик бера олишим мумкин эдики, бу ҳам бирор даражадаги саодат саналарди.

Бошқача ҳаётнинг, бошқача муҳитнинг ташқи жозибасига берилдим. Бир неча йил ўзимни бошқа бир одам деб ҳисобладим, севган қизим бахтли бўлиб кетган деб хаёл қилдим, лекин табиат ўз ҳукмини ўтказади.

Бу сархушлик кечасининг тонги бошланди. У оламнинг бутун қандиллари назаримда сўнди. Эҳтимол, оғзи ёпиқ оловлар каби яширинча ёна-ёна, охир бугун гуруллаган ишқнинг, бу янада теран ва бутун инсонларга хос дарднинг бир шакл-шамойилидир...

Боғ деворининг устидан йўлнинг чанглари устига катта-катта япроқли шохларини сочиб қарий бошлаган анжир дарахтининг остига келгандим. Чарос бир кун мени шу ерда кутганди. Измирдан келган, менга Неъматхонимнинг саломини олиб келганди. Илк бора шу ерда узоқ суҳбатлашган эдик. Ора-сира мендан уялиб кетаётганини, ана шу шохлардан бирини тортиб, кенг япроқлари билан юзини яширишларини кузатгандим. Мен бу қиз бола билан бахтли бўлишим мумкин эди. Афсус.

IX

12 июль, Бўзёқа

Кечадан бери ҳаётимизга бир оз ўзгариш келди. Истанбулдан бир меҳмонимиз бор.

Ўтган куни оқшом овқатдан кейин газета ўқиб ўтирардим. Жовидон қўлида бир мактуб билан хонага кирди:

— Ҳозир Измирдан бир мактуб олдим. Кимданлигини тахмин ҳам қилолмагандим. Номиқ Беҳжетбейдан экан... Икки кун аввал бир иш юзасидан Измирга келган экан. Эртага эрталаб бизни зиёрат қилмоқчилигини айтипти.

Газетани ташлаб:

— Нақадар аъло, — дедим, — турган гапки, бир-икки кеча бу ерда олиб қоламиз... Номиқбейга Бўзёқани кўрсатиш лозим...

Жовидон бир оз тараддудланганини ҳис этдим:

— Қандай бўларкин... Бизни бесаранжом қилмайдими?

— Қанақа бесаранжомлик... Номиқ бизга бегонами?

— Ҳа, аммо бу ерда бир оз бошқа тарзда яшаймиз...

— Ҳеч аҳамияти йўқ... Айниқса сен яхши дам оласан... Бу кунларда менинг бир оз мазам йўқ. Айтмасам ҳам бўлади, ўзинг хабардорсан... сени кўп ёлғиз қолдиряпман... Ҳар ҳолда бу зиёрат сенга хуш келди...

Яна газетани қўлимга олгандим. Жовидоннинг сўзларимга каттиқ ишонганини, ора-сира менга қўз қирини ташлаб қўяётганини ҳис этардим.

Бу Номиқ Беҳжетбей хотинимнинг эски дўстларидандир. Машҳур бир фотография ишқибози. Шу баҳона ила Оврупода мукаммал кимё таҳсили олган, маълумотли ва қадрли одамларимиз сирасига киргандир.

Оврупода ора-сира кўришдик. Бир дафъа Истанбулда бизникига тез-тез келиб тура бошлаганди.

У йигитлигида мендан аввал Жовидонга уйланмоқчи бўлган, лекин бунга эришолмаган. Қайнотам рози бўлмаганми ё Жовидон рад этганми? Буларни жуда яхши билмайман. Ҳар ҳолда шуниси аниқки, бу Номиқ Беҳжетбейда Жовидонга нисбатан бир қадар эски майллари бор...

Сўнгги пайтларда бу одамнинг дардлари янгилана бошлади. Бир оз телбасифат бир йигит бўлгани учун, ўзимни уни тушунганга сола қолдим. Буни билмайдиган одам йўқ-ку...

Номиқ Беҳжетбейдан шубҳаланиш ўз иззатнафсимга нисбатан таназзулга кетиш дегани эди, хотинимга нисбатан бир ҳақорат бўларди. Шунинг учун ҳеч парво қилмас, ҳатто ора-сира Жовидон билан "сенинг содиқ севгилинг" дея ҳазиллашардим. Бир кун яна орамизда у ҳақда гап очилганди. Кулиб дедимки:

– Сенга кўп марта уйлансам зўр бўларди... Ким билади, тўйда сени неча хил вазиятда суратингни оларди.

Жовидон бирдан асабийлашди:

– Илтимос, Канон... Бу латифани яна бир такрорлама, – деди.

Мен кулиб сўрадим:

– Нега? Нима зарари бор?

Зукко Жовидон бу саволимдаги маънони англамагандай изоҳ берди:

– Мени фото модели сифатида тасаввур қилиш хаёлан бўлса-да, озми-кўпми кулгили мавқега қўйиш бўлмайдими?

Ўша кундан кейин бу ҳазилни такрорламадим.

Номиқ Беҳжет мактубидан бир кун кейин Бўзёқага келди. Бу нотаҳоний Измир саёҳатининг сабаблари ҳақида менга узундан-узоқ изоҳ берди, сўнгра лоқайд бир авзо билан:

– Ҳозир келдим-у, олдин сизни зиёрат қилай, дедим, – деди.

Бу сўзлардан ҳеч шубҳам қолмади: Номиқ Жавидон учун келарди... Кулиб дедимки:

– Жовидон номидан сизга протест қиламан, Номиқбей... Уни зиёрат вазифасини бутун бошқа ишларингиздан муҳим деб билишингиз керак эди...

Номиқ эсанкиради, қизариб бўзара бошлади. Бўлиб-бўлиб кулиб қўярди.

– Шубҳасиз... Шубҳасиз... Албатта... Шуни айтмоқчийдимки, – дея довдирарди.

Мен ҳоким ва бир оз истеҳзоли бир тавр билан:

– Тузатишга уринманг... Бир ҳафта бизникида меҳмон бўласиз...

Номиқ бу бахтга қандайдир ишонолмай кўзларини катта-катта очди:

– Бунинг иложи йўқ... Шу қадар бандманки...

Мен сичқонни ўйин қилаётган мушукдай бирдан муомаламни бурдим:

– Кўп афсус, лекин нимаям қилардик... Модомики жуда банд бўлсангиз.

Бу сўзлар Номиқбейни даҳшатга солди, туклари тик бўлиб кетди, чоғи. Эсанкираганини яширишга уриниб:

– Йўқ... Гарчи у қадар муҳим эмас... Сўнгра, бу ерлар нақадар чиройли. Бир неча кун табиат қўйнида яшамоқ...

– Ундай бўлса бир ҳафта... Савдолашиш йўқ...

Меҳмонимиз такрор умидини узадиган бир гап айтиб қолишимдан қўрқиб, шошилинч бир мамнуният билан қабул этди.

Жовидон меҳмонимизни теварак атрофларни кездиришга оборади. Номиқбей кўпдан-кўп фотосуратлар олади.

Мен уларга онда-сондагина яхши муомала қилиб қўяман. Бу эсипаст балки Жовидонни қизғаняпти деб ҳисоблайди... Ҳеч бундай майда-чуйда нарсага паст кетиб ўтирмайман.

Тўғрисини айтиш керак бўлса, мен бу Номиқ Беҳжетбейдан мунатдорман. Жовидон ила кўп ёлғиз қолгандим. Эскирган маҳзунликларимни, оғир-оғир хаёлга чўмишларимни хотинимдан яширишда қийинчиликка учраётгандим. Бир ишкомнинг заифлашган кўлкалари остида чалқанча ётмоқ, соатларча ўша ерда увишиб қолмоқ бу кунлар мен учун катта, қайтариб бўлмайдиган эҳтиёж... Ҳолбуки хотинимга нисбатан аламли бир муҳаббат комедияси ўйнашга мажбур эдим. Номиқ Беҳжетбейдан Оллоҳ рози бўлсин... Яхшилик билан бу ўлик Бўзёқадан бир ўзимни қутқарсам зора... Яна бир отини ёдга олмасдим.

22 июль

Меҳмонимиз кетди. Жовидон иккимиз яна ёлғиз қолдик...Бу ёз битадиган, тугайдиган нарсага ўхшамайди... Кузгача ҳали дунё қадар вақт бор... Ортиқ чидолмайман...

X

24 июль

Шукрлар бўлсин, қутуляпман... Икки кун ичида кетамиз. Бу оқшом соатларида Жовидон ила Мунирбейнинг кўшкидан қайтаётган эдик. Қуёш ботишини кузатиш учун тепаликнинг энг баланд бир нуқтасига чиқиб турдик. Жовидон паришон бир назар билан узоқларга боқарди. Сукутимиз чўзилиб кетганини пайқаб:

– Нақадар гўзал, тўғрими? – деб қўйдим.

Хотиним ҳеч авзойини бузмади, лабларини чўччайтириб:

– Ҳа, лекин ҳамма вақт ҳам шундай, – деди.

– Сен сиқила бошладинг шекилли, Жовидон?

– Нега энди?

– Ҳеч хурсанд эмассан...

– Шуни пайқаганинг учун раҳмат...

Бу очиқ ва ҳақли бир шикоят эди. Бечорани ҳақиқатан кўп диққат-эътиборсиз қолдираётгандим. Маҳжуб ва маҳзун бир тавр билан:

– Менинг кўпдан бери асабларим хаста, Жовидон, – дедим. – Шубҳасиз, муваққат бир нарса... Бир вақтдан сўнг ўтиб кетади... Яна аввалгидай қувноқ, жонли одам бўламан. Сенинг олдингда айбларим кўп... Нима қилай... Хасталик ҳоли бу... Модомики сен сиқила бошлаган экансан бир-икки кун ичида Истанбулга қайтишдан осони йўқ...

Жовидон ҳайрат билан юзимга қараб қолди. Мен давом этдим:

– Тўғрисини билишни истасанг, мен ҳам ортиқ бу ерларда биқиб кетдим.

Кечаси, кундузи ҳам, ойи, қуёши ҳам ҳаммаси бир-бирига ўхшайди... Ҳа, истасанг, бир-икки кун ичида Истанбулга қайтамиз...

Жовидон мамнун эди, аммо буни билдирмасликка ҳаракат қиларди:

— Гўзал, аммо асаринг нима бўлади?

— Бир неча кундан бери яхшигина ишлаяпман.. Асар бир мунча илгарилай бошлади.. Лекин сен ҳам тан оларсан, анча руҳсиз.. Ҳар ҳолда мендан кутилган даражада қийматли нарса эмас... Одам касал пайтида яралган нарса юксак санъат бўлолмайди... Яна озроқ кутайлик-чи...

Хотиним бу изоҳимни етарли деб топди, ортиқча бирон нарса демади. Боққа қайтарканмиз иккимиз ҳам анча енгил тортган ва бахтли эдик... Бир-икки кун ичида бу жаҳаннамдан қутуламан...

26 июль

Эрта ўтиб индинга йўлга чиқамиз деб аҳдлашгандик. Бу ерда бизни қаттиқ севадиганлар бор экан... Ҳар кас таассуф қиларди. Биргина тоғамни рози қилгунча тоза бўларим бўлди.

Бу оқшом қўшниларимиздан бири мени боғига таклиф қилганди. Охиргиси бўлгани учун рад этмадим. Жуда яхши қилган эканман... Танишларимнинг кўпчилиги у ерга келганди. Шу сабаб бўлди-ю, уларга ҳам ваъда бериб юбордим.

Ламианинг амакиси Шукрубей ҳам ўша ерлайди. Шу одам бир вақт ёнимга келди:

— Истанбулга қайтай деб турганингизни сал аввал уйда эшитдим. Жуда афсусландим ва хафа бўлиб кетдим.

Мен енгил ва лоқайд бир кулимсираш билан раҳмат айтдим.

Шукрубей давом этди:

Яқинда бизга ҳам меҳмон келади... Бугун Ламиадан мактуб олдим... Яқинда завжаси билан бирга Измирга келишини, уч-беш кун бизникида қолишини айтипти. Янгаси севинчидан эси оғаёзди.... Шўрлик қизни ўз боламдай севардим...

Шукрубей менга бу сўзларни ишкомнинг шундоқ қоронғироқ бир бурчагида айтган бўлсайди, ўликдай сарғайиб кетганимни кўрар, мутлақо бир нарсани тушуниб қоларди. Кўксим ёрилгудай бўлиб, қулоқларим гувуллар эди. Боладай ўзимни ерга ташлагим, йиғлагим келарди. Оҳ, мен Чаросимни нақадар севарканман.

Шукрубей чўнтакларини кавлаштира бошлаганди:

— Мактубни қаерга қўйдим, ажабо, — дер эди, — ўгай қизи билан тушган бир расмини ҳам юборган... Сизга кўрсатай... Ламиа, нақадар ўзгарган.. Одатдагидай савлатли бир хоним бўлган...

Юрагим парчаланадигандай чирпинарди. Бу дақиқада унинг расмини кўриш ўзини кўришдай бир гап эди. Шукрубей чўнтакларини қандай одамни ўлдирувчи бир оғирлик билан титкиларди-я! Ўтирган жойимда асабийликдан, қизишганимдан ақлдан озиб, ўзимни-ўзим ер эдим.

Ҳар неки бўлмасин мактуб топилмади. Шукрубей:

— Бу чўнтакларимда йўқ... Эҳтимол плашимнинг чўнтагида қолдирган бўлсам керак, — деди. Сўнгра бошқа нарсалардан гапира бошлади.

Ламиани бир неча кундан кейин кўриш умиди бўлмасайди, бу хаёл синиқлигига чидаёлмаган бўлардим.

... Бу жуда чуқур бир жой эди: бир ёнида юракни сиқадиган бир девор, иккинчи ёнида боғ эгасининг ғамгин манзарали тахта шийпони бор эди. Ишком инсонни бўғар даражада паст, рўдаларнинг бирига осилган фонар ўликларнинг кўзидай сўник, бордонлар устида ўтирган бу одамлар исён ва жирканч уйғотувчи оддий ва руҳсиз кишилар эди. Бир оз аввал совуқ ва жўн гаплар гапиришар, бўлмағур нарсаларга ҳам қўпол-қўпол кулишарди.

Ҳолбуки ҳозир...

Бу қутилмаган севги муждасини олганим хароб боғни икки дунёда ҳам унутмайман. Бу ерда кўрганим сиймоларни умримнинг охиригача севаман.

Кечани суронларга тўлдирган август ҳашаротларидан эса жонли бир махлуққа айлангандим. Ҳеч тинмай сўйладим, ҳам шундай гўзал, семвимли, умидбахш нарсаларни айтдимки, меҳмонлар ҳайратга тушдилар. Бир оз аввал ишкомнинг қоронғи бурчагида ғамгин ва индамас одамга бирдан нима бўлганини англаёлмадилар. Ярим кечаси мажлис тарқалган вақтда Шукрубейни боғининг эшигигача олиб бордим, у ичкари киргандан кейин пастгина деворнинг устидан қоронғи боғни синчиклаб узоқ кузатдим. Шундай қилиб бу дарахтларнинг орасида Чаросни яна кўраман.

Боғимизнинг орқасидаги ингичка йўлда айланар, бир турли ичкари киришни истамасдим. Бу ақлсиз севинчни қаерларга сиғдирайин? Маҳтоб йўқ эди. Лекин кўкюзи бир парилар олами каби гўзал эди. Бир оралиқ Жовидон мени қаердалигимга қизиқиб қидириши эҳтимоли ҳақида ўйладим. Бу кеча завжамни ҳам севардим. Ҳамда шундай титраган, оғриқли бир савдо ила... Айни чоғда бир турли ичкари кириришга ўзимни рози қилолмадим. Қўлларимни чўнтагимга тиқдим, ҳуштак билан эски куйлардан бирини чалиб, тепаликдан пастга ина бошладим. Қалбим, тошқин бир муҳаббат ва шафқатдан ҳарсиллар, меҳрдан кўзларим ёш билан тўларди. Қирқчамларнинг этагидаги сел чуқурларида айландим. Чароснинг тўрт йил аввал Неъмат ила мени қутқариш учун қўлини бир ерга уриб олган сув артофига бордим, у ердан Шаҳидлар Қабристонига қадар йўлимни чўздим. Бир кеча уни бу ергача олиб келганимни хотирладим. Ламиа бу қоронғилик ва хароб қабристоннинг бир четида сирли бир кўркув-ла йиғлай бошлаганди. Уни кўринмас бир таҳликадан ҳимоя қилгандай кучоғимда сиқар, кўзларидан, дудоқларидан ўпардим. Ҳозир ўша қичқириқларнинг сасини қулоғимда, у кўзёшлар ила намланган бўсаларнинг аччиқ лаззатини дудоқларимда топаётган эдим.

Қўрққан бир ожиз хилқатни қучоқлаб тасалли бериш нақадар тотли эди.

Бу бечора ҳимоясиз хилқатни минг қўрқув, минг таҳлика ичига отиб кетгандим. Ламиа, ким билади, неча бора ўша тундаги каби йиғлади экан? Нечун қалбим бунчалик узоқ вақт жим эди? Нечун мен севгимни, саодатимни бундай оёқости қилиб ташлаб кетгандим?

Бу ердан ортга қайтгандан сўнг йўлимни ўзгартирдим, қоронғиликда минг мушкулот билан ёнбағирга тирмаша-тирмаша Қирқчамларга чиқдим.

Болалигимдан бери мен Қирқчамларни минг турли зиё ва ҳаво ичида кўрганман. Лекин уни доимо у ёмғирли айрилиқ кечасининг манзараси-ла кўз ўнгимга келтираман. Ёмғир қарағайларнинг баланд тепаларида ҳазин саслар чиқарар, сарғайган япроқлар ерларни денгиз каби тўлдирарди.

Тун вақти, ҳамон маҳтобли кечаларда бу ерларга келмакка кўнглим бардош беролмасди.

Демак, бир неча кундан кейин яна Ламиани бу ерларда кўриш, тўлиной шуълалари ичида янада рангсиз кўринган сариқ сочларини... Яна кўпдан-кўп хаёлларга толаман. Бу умид абадиян ўлди, деб ўйлардим... Майли шундай бўлсин... Мен бунга ҳам розиман.. Бир марта кўрсам, шунинг ўзи кифоя...

XI

29 июль, Бўзёқа

Байрамни кутаётган болаларга айландим, ичим ичимга сиғмаётир. Эрталабдан кечгача атрофимни қувончлар, тантаналар қуршаб олгандай.

Хушхабар олганим кечанинг эртасига эрталаб Жовидонга бир ёлғонни тўқиб, Истанбулга қайтишни бир оз яна орқага суришимизни илтимос қилгандим. Ҳозир шу қайтиш масаласини бутунлай ёпдик. Завжам-ла одатдагидай бир асал ойи ҳаётини яшаяпмиз.

Бугун Жовидонга соатларча камон чалган, барча севгани, эъзозлагани парчаларни такрорлагандим. Камонни йиғиштиргандан сўнг унинг қўлларини қўлларимнинг ичига олдим. Кафтларини енгил-енгил ёноқларимга, манглайимга сурар, кичик бўсалар ила бармоқларини ўпардим. Бу ҳаракатлар кап-катта бир одамнинг севгисидан ҳам кўпроқ, эркаланган бир бола меҳр ва муҳаббатига, бир мушук боласининг ялтоқланишига ўхшарди.

Жовидоннинг кўзларида масъуд, мамнун бир табассум бор эди.

— Янгитдан асал ойимизни яшай бошладик, Жовидон, — дея лутф қилдим.

Завжам диққат-ла юзимга қараб:

— Йўқ, — деди, — сен мени у пайтда бу қадар ҳарорат-ла севмадинг. Ғалати бир гап айтаймми, Канон... Мен сенинг кўзларингнинг ҳеч қачон бундай порлаганини кўрмадим... Ҳайратдаман...

Мен музаффар бир қаҳқаҳа билан кулдим:

— Бу муваққат бир хасталик... Албатта ўтиб кетади... Яна аввалгидай қувноқ, жонли бир одам бўламан демасмидим? Кўряпсан-ку, энди бутунлай яхши бўлдим... Сени олдингидан кўпроқ севаман... Бунга бошқа бир далил ҳам кўрсата оламан...Камонимнинг садолари, унинг мавжлари... Ҳеч бир нарса менинг руҳим каби мизож ва соғлигимни камонимчалик яхши ифода этмаган... Оврупода талабалик чоғимда бир ёш доктор билан танишгандим. Ҳеч бир жойда муқим ишламас, лекин жуда яхши маслаҳат берадиган одам эди. У пайтларда тез-тез асабий безовталикка учрардим... Ора-сира унга мурожаат қилмасам бўлмай қоларди. Доктор томиримни, ҳароратимни текширмасдан қўлимга камонимни берар: "Бир нарса чал, Канон" дерди. Диққат билан юзимга қараб мени тинглар, сўнгра ҳукмини бераради: "Чарчагансан, Канон... Томирларинг яна заиф... Ухламабсан, ҳавосиз, ҳаракатсиз ўтириб ўйлагансан..." ёки: "Бу галги хасталигинг хаёлий бир нарса... Ҳеч қандай касалинг йўқ... Ваҳмдан, шубҳадан иборат.." Шубҳасиз дўстим бир оз нозик гаплар ҳам қиларди... Лекин камонимнинг мавжлари билан қалбимнинг, асабимнинг ҳаракатлари орасида бўлган муносабат бутунлай асоссиз эмасди. Аҳвол шундай давом этса, янги асарим кутганимдан ҳам гўзал бўлажак...

* * *

Кеча Шукрубейларникига меҳмонга бордим... Соатларча суҳбатлашдик... Ҳеч бир суҳбат асносида бу қадар диққат сарфлаганимни, бу даража узилиб ҳориганимни билмайман.

Шукрубейнинг сўзларини тинглаётгандай кўриниш, лозим келган жавобларни бериш билан бирга бутун кучим ва назокатимни унга, Ламиани, Ламианинг расмини хотирлатишга сарф этардим. Ора-сира оёққа турганда, атрофидан бир нарса қидирганда юрагим оғзимга келарди. Лекин бутун маҳоратим, бутун кутишларим бекор кетди. Икки соат беҳуда кута-кута чарчаганимдан сўнг маъюсона уйга қайтдим.

Бир вақтлар Чароснинг бир кичик расмини, севиб қолган мактаб болалари қилгани каби бир тутам сочини нечун олиб сақламадим...

Вақт алламаҳал... Жовидон ичкарида аллақачон ухлаган... Иссиқ тун қоронғисида август ҳашаротлари тинимсиз чириллайди...Боққа енгил бир парвоналар ёмғири ёғаётгандай...Ламиа бир неча кун яна кечикса, том тўлиной пайтларига тўғри келади... Ажабо, уни олдинлари бўлганидай тез-тез кўролармикинман? Бундай бўлишига гумоним бор... Аммо нима бўпти.. Ҳеч бўлмаса бир марта бир-биримизни кўрамиз, кўзимиз кўзимизга тушади-ку бир марта...

4 август, Бўзёқа

Бир тоғ ёнбағрининг этагида бир чўпон сивизға чаларди. Қирқчамлардан йўлнинг чеккасида икки аёл сояси кўринди. Яқинлашганларидан танидим. Тоғамнинг кичик келини Масуда ила Жовда овозларидан

видон эди. Бир оздан сўнг қаршимдаги деворнинг ёнига келиб тўхтадилар. Чўпон сивизғасига танаффус берганди.

Нима гаплашаётганлигини аниқ-аниқ эшитардим.

Жовидон узоқларга қарар:

– Қизиқа бошладим... Нега келмади, ажабо, – дер эди.

Масуда жавоб берди:

– Эҳтиёт бўл, Измирда қолмасин...

– Ҳозирча Измирда қолишига имкон йўқ.. Ҳамда ҳозиргина уни орқа боғда турадиган қўшни билан гаплашганини кўришган экан...

– Қирқчамларда ўзини кутаётганингизни билади, тўғрими?

– Ҳа, албатта... Сутэна уни кутиш учун боғда қолди... Келар-келмас бу ерга келишини айтганди... Хаёлимга бошқа нарсалар келяпти. Эҳтиёи бўл, мазаси қочган бўлмасин...

– Худо сақласин...

– Ундай бўлса ҳам хабар жўнатиши лозим эди... Мен боққача кетдимикин деб ўйлаяпман... Завжамнинг ой нуридан қарши деворга акс этган нақшли сояси, ортиқча асабий кўринаётган эди.

Масуда унга ялина бошлади:

– Сиз заҳмат чекманг... Бироитасини юбораман. Ёхуд ўзим бораман...

Жовидон бир қарорга келолмас, ҳамон йўлга қарарди. Ниҳоят қайтиб кетишга рози бўлди:

– Каноннинг баъзи шундай ғаройиб ҳоллари бўлиб туради... Ҳеч қиси йўқ, тоғаси сиқилади-да... Дастурхон устида кутяптилар...

Боғдаги қуруқ япроқларда енгил шитирлаш юз берди. Бу менга бир илон суринишига ўхшаб кўринди. Беихтиёр ётган жойимдан қимирладим.

Қайтмоқчи бўлиб турган Жовидон ила Масуда бу шитир-шитирни эшитгандилар. Тўппа-тўғри мен турган жойга қарардилар. Бирданига ичимга қўрқув тушди. Ё мени тиконларнинг ичидаги бу кичик ва қуруқ сел чуқурининг ичига уп-узун бўлиб ётганимни кўрсалар нима бўлади? Берса бўладиган жавоб йўқ эди. Таҳлика узоқлашишига умид қилгандай кўзларимни юмдим, бир ўлик каби ҳаракатсиз ётдим. Чўпон такрор сивизға чала бошлаганди. Бир мунча дақиқадан сўнг тирсагимга таяниб ўрнимдан турдим. Йўл бўм-бўш эди. Ой нурининг остида оқ ва ялтироқ кийимлилар узоқлашиб борар, олдинда боғларнинг қуюқ кўлкалари ичида йўқ бўлиб кетишди.

Бир соатга яқин вақтдан бери бу қуруқ сел чуқурининг ичида ётардим. Суякларим оғрир, оёқларим чумоли босгандай жимирлашарди. Кийимларимга тўлган тўзларни, тиконларни силкитдим. Сўнгра нима қилишимни ўйлай бошладим. Жовидон менинг ҳолимга қизиқяпти, тоғам ҳамон дастурхон устида, меҳмонлар билан бирга мени кутарди. Ҳар ҳолда у ерга бориш лозим эди.

Оғир-оғир одимлар билан Қирқчамларга қараб кета бошладим. Тўлинойнинг энг гўзал кечаси эди. Тоғам одатдагидай бу ёз ҳам Қирқчамларда қўшниларига бир зиёфат бериши керак эди. Боғда бир ҳаф-

тадан бери тайёргарлик кўриларди. Бу тўлиной кезинтилари мени китабдан чик болалардан зиёда севинтирарди. Мен Чаросни шундай бир зиёфат кечасида сева бошлагандим. Қалбимда бир ҳис бор эдики, Ламиа бу тўлиной хурсандчилигига етиб келади, дер эди у. Бу кеча ой чиқмаслиги қандай мумкин бўлмаса унинг келмаслиги ҳам менимча шундай мумкин эмасди.

Бугун эрталабдан Измирга тушгандим. Бир қатор муҳим ишларим бор эди. Ламианинг келмаганини билардим. Лекин ишларим билан машғул бўларканман, танишларим билан гаплашарканман, ичимда яширин бир севинч ҳис этар, "бориб келгунимча у мутлақо келган бўлади" деб ўйлардим. Бу хаёл қайгусидан қўрққандай атайин кечикиб келдим. Мен, аравада Бўзёқага қайтаётганимда қуёш ботарди. Котибўғли шоҳкўчасида бир неча марта аравачига сўз қотдим, "сал секинроқ борайлик, шошилманг" дедим. Бўзёқа йўлининг денгиз кўринадиган бир жойида аравани бутунлай тўхтатдим. Қуёш ботган, кўрфазнинг охирларида бир заиф шафақ қолганди. Шамол тўхтаган, атрофимдаги дарахтзорларга оқшомнинг сокин ҳасрати чўкарди. Ҳеч сабабсиз менинг ичимдаги умид ҳам сўнди. Ортиқ атрофимга қарамас, ҳорғин вужудимни араванинг бир бурчагига ташлаб олгандим.

Боғнинг ташқи эшиги олдида сутэнани кўрдим. Қирқчамларда мени шомлик зиёфатга чақириб кетишганини, мени кутишаётганини, вақт ўтказмай дарҳол у ерга боришимни тайинлаб кетганларини айтди. Кампирнинг қалбимдан ўтган нарсаларни англаб қолишидан қўрққандай ювош бир сас билан:

– Қўшниларникига меҳмон келмадими, сутона? – дедим.

– Йўқ... Кимса келмади.

Боққа кирмасдан йўлга тушдим.

Шукрубейнинг эшиги олдидан ўтаркан беихтиёр ичкарига қарадим. Ламианинг амакиси билан янгаси қўлларида сават, узум йиғишарди. Анисахоним мени кўрганда рўмолини тузатди, Шукрубей:

– Қирқчамларгами, Канонбей... Оқ йўл... Биз ҳам бир оздан кейин борамиз, – дея бақириб қўйди. Бошим билан мубҳам бир ишорат қилганча ўтиб кетдим. Лекин борган сари одимларимни секинлатар, бу фурсатдан фойдаланиб Ламиани суриштирмаганимга пушаймон бўлардим. Анчагина илгарилаб кетгандим. Бирданига ақлимга бир баҳона келди. Ҳаяжон ва жадаллик билан ортга қайтдим. Шукрубей ҳамон пояларнинг орасида айланишиб юради. Бу дафъа мен бақириб сўрадим:

– Бейафанди, бир дақиқага мумкинми?

У қўлтиғида сават билан эшикка келди:

– Бир-икки кун Измирга тушмадингиз... Истанбул газеталари келди... Қизиқ янгиликлар бор... Тақдим этай дедим...

Куртканинг чўнтагини тўлдирган бир йиғин газетани Шукрубейга узатдим. Қўшнимнинг сиёсат миш-мишларига қизиқиши каттали-гини билардим. Мамнуният билан газеталарни олди:

– Ташаккур, Канонбей... Яхши янгиликларми... Лекин газеталарнинг боғини очмасдан қизиқ янгиликлар борлигини қандай ўқиганингизга ҳайронман.

Анчагина довдираб жавоб бердим:

– Бошқа газеталардан ўқидим.

– Мен ҳам сизга бир бош узум берай, Канонбей... Еб кетарсиз... Шаҳарда бунақаси бўлмайди, аммо боғ ораларида сийрак учраб туради...

Қўшним узатган бир бош узумни оларкан, бирданига эсимга тушгандай сўрадим:

– Меҳмонларингиздан нима хабарлар... Қачон келишаркан?

Шукрубей жавоб берди:

– Ламиами... Келмайдиган бўлишипти... Кеча кечқурун мактуб олдим... Эйй, эссизгина, узумингизни тушириб юбордингиз...

Эсанкираган бир авзо билан ерга эгилиб, тўзлар ичида сочилган узум бошини тўплашга киришдим.

Шукрубей кулиб:

– Нима қиляпсиз, Канонбей... Бошқасини берай, – деди. Бошқа бир бош узум узатди, боғлар орасидаги соя тушиб турган тор йўллардан югургудай шошиб ўтиб борардим. Қирқчамларга борадиган шоҳкўчага чиққанимда қарши тоғларда ой чиқаётган эди. Умримда бу қадар ҳазин ва умидсиз бир тўлинойни кўрмагандим. Ўзим-ўзимга: "Менга дунёни зиндон қилдинг, Ламиа" сўзларини такрорлардим. Бу эндигина сева бошлаган қиз болаларга ярашадиган соддадил, маъсум жумла менга ёниқ бир шикоят марсиясидай таъсир қиларди.

Босганим ерларга қарамай маст-аласт каби кетиб борардим. Қирқчамларга яқинлашганимда одимларим оғирлашди. Устимга оғир бир булут чўкканга ўхшарди. Қўлларим осилган, тиззаларим вужудимнинг юкига дош беролмасди.

Бир боғнинг олдидаги қадимдан таниганим бир чол жандарм мулозимига дуч келдим. Бир-икки дақиқа мени гапга тутди. Бу лузумсиз, оддий сўзларни англаш, уларга жавоб бериш шундай зерикарли нарса эдики...

Бу тасодиф яна олдинга юриш жасоратини синдирди. У ерда бир қанча лоқайд, қувноқ инсонларга дуч келаман. Мени ўз ҳолимга қўймайдилар. Тингламак, ўйламак, кулмак лозим бўлади. Ҳолбуки мен умримда илк марта ўлишни ўйлаётгандим. Уч йил аввал гўзал тўлганой кечасида Чаросни қучоқлаган еримга келгандим. У ердаги хароб шийпон бутунлай йиқилган, ой нурининг сояларимизни акс эттирган девор бир тош уюмидан иборат бўлиб қолганди.

Йўлнинг нариги тарафидаги қуруқ сел чуқурининг бир четига ўтирдим. Зеҳнимда ўша кечадан кейин ўтган тўлинойларнинг ҳисобини қилдим.

Ичим англашилмас бир алам билан ёнар: "Орадан том ўттиз етти тўлиной кечаси ўтганди... Нақадар узун... Нақадар узун" дея шикоят қилардим. Кўзларим юмилар, теран, узоқ уфқнинг ичида бу ўттиз етти

тўлиной кечаси карвон каби, борган сари янада сўлғин ва сўник чўзилиб борарди.

Бири оппоқ қорлар устига, бири япроқларини тўккан дарахтларга. Бири янги манзараларга нурини тўккан тўлинойлар...

Ўша кечадан буён ўттиз етти тўлганой кечаси ўтганди. Ҳолбуки, мен уни ой нури қўйнида намлангандай кўринган сариқ сочларни, сийрак сепкилли гўзал юзи билан кўзёшлари-ла пардали сузгун яшил кўзларининг бутун ишқи билан ҳамон боғда кўраман. Яна бошини кўксимга қўяди, "Менга ачинмайсизми, Канонбей" дея ичкин-ичкин йиғлайди. Ортиқ хотиржам бўлишинг мумкин, Чарос... Аслида мен ўзимни ўзим ачинарли ҳолга солдим.

Бу сел чуқурига шох-шаббалар ағдарилган, япроқлар тўлганди. Бу чуқурнинг ичига чўзилиб ётдим.

Тоғ ёнбағрининг этагида бир чўпон сивизға чаларди.

Билмадим, қайси бадбин шоирнинг китобида ўқигандим: "Ўлим аччиқ бир доридир, унутмоқ ва ортиқ изтироб чекмаслик учун юзимизни бу-риштириб, жирканиб, кўзларимизни юмиб бир ҳамлада ичадиган дориміз..." Баъзи маъюс соатларимда бу шоирга ҳақ бергандим. Инсоннинг ўлими кўнгил ризоси билан қабул этишини ақлимга сиғдиролмасдим... Бу қуруқ япроқларга тўла чуқурда ётаркан фикримни ўзгартирдим. Ўлим шунчаки бир восита эмасди. Қора тупроқнинг ичида сўниб, йўқ бўлиб кетишда бўлакча бир завқ, бир лаззат ҳам бор эди.

Ора-сира бўлиб турадиганим бу ердан қалқиб туриш, устимдаги қуруқ япроқлар билан бирга бу коронги, маъюм тушунчаларимдан силкиб ташлаш, умидсизликка қаршилик қилишни истардим. Лекин бу ўлим васвасасидаги аччиқ жозибадан ўзимни қутқаролмасдим.

Жовидоннинг Масуда билан нақ олдимгача келиши менга бир оз куч берди. Қирқчамларга қараб одимлай бошладим. Аммо дарахтларнинг остидаги фонар, чироқ шуълаларини, бу шуълалар орасида айланиб юрган ранг-баранг инсон кўлкаларини кўрганим, ҳайқиришларини эшитганим заҳоти ичимга янгидан чорасизлик келди.

Нима бўлса бўлсин, бормайман. Мени чақиртириш учун боққа одам жўнатишлари эҳтимолини ўйлаб ёндаги йўллардан бирига кириб кетдим.

Орқа йўлдаги эшикдан ичкари кирган вақтимда бир кўппак вовуллади.

Кичик бир хизматчи қиз: "Бейафанди келди!" дея бақирганча кўшкка югурди. Деразаларда ортиқча ёруғлик, боғда ортиқча бир ҳаяжон ва шовқин-сурон бор эди. Дарҳол англадим. Сирли равишда у ердан ғойиб бўлганимга ҳайрон қолгандилар, эҳтимол мени қидиришга одам юборган ҳам эдилар. Боғдагиларга дардимни тушунтириш мажбуриятидан қутулмоқ учун тўғри кўшкка кирдим, эшикни бекитдим.

Жовидон менга жуда ҳайрон бўлганди. Ичкари киришим билан бу ҳайронлик ғазабга айланди. Айни ҳолда асабиятини кўрсатишгача бормай, сохта ва бир оз ҳурматсиз лоқайдлик қилишга уринарди.

– Ташаккур, Канонбей... Яхши янгиликларми... Лекин газеталарнинг боғини очмасдан қизиқ янгиликлар борлигини қандай ўқигайнингизга ҳайронман.

Анчагина довдираб жавоб бердим:

– Бошқа газеталардан ўқидим.

– Мен ҳам сизга бир бош узум берай, Канонбей... Еб кетарсиз... Шаҳарда бунақаси бўлмайди, аммо боғ ораларида сийрак учраб туради...

Қўшним узатган бир бош узумни оларкан, бирданига эсимга тушгандай сўрадим:

– Меҳмонларингиздан нима хабарлар... Қачон келишаркан?

Шукрубей жавоб берди:

– Ламиами... Келмайдиган бўлишипти... Кеча кечқурун мактуб олдим... Эйй, эссизгина, узумингизни тушириб юбордингиз...

Эсанкираган бир авзо билан ерга эгилиб, тўзлар ичида сочилган узум бошини тўплашга киришдим.

Шукрубей кулиб:

– Нима қиляпсиз, Канонбей... Бошқасини берай, – деди. Бошқа бир бош узум узатди, боғлар орасидаги соя тушиб турган тор йўллардан югургудай шошиб ўтиб борардим. Қирқчамларга борадиган шоҳкўчага чиққанимда қарши тоғларда ой чиқаётган эди. Умримда бу қадар ҳазин ва умидсиз бир тўлинойни кўрмагандим. Ўзим-ўзимга: "Менга дунёни зиндон қилдинг, Ламиа" сўзларини такрорлардим. Бу эндигина сева бошлаган қиз болаларга ярашадиган соддадил, маъсум жумла менга ёниқ бир шикоят марсиясидай таъсир қиларди.

Босганим ерларга қарамай маст-аласт каби кетиб борардим. Қирқчамларга яқинлашганимда одимларим оғирлашди. Устимга оғир бир булут чўкканга ўхшарди. Қўлларим осилган, тиззаларим вужудимнинг юкига дош беролмасди.

Бир боғнинг олдидаги қадимдан таниганим бир чол жандарм мулозимига дуч келдим. Бир-икки дақиқа мени гапга тутди. Бу лузумсиз, оддий сўзларни англаш, уларга жавоб бериш шундай зерикарли нарса эдики...

Бу тасодиф яна олдинга юриш жасоратини синдирди. У ерда бир қанча лоқайд, қувноқ инсонларга дуч келаман. Мени ўз ҳолимга қўймайдилар. Тингламак, ўйламак, кулмак лозим бўлади. Ҳолбуки мен умримда илк марта ўлишни ўйлаётгандим. Уч йил аввал гўзал тўлганой кечасида Чаросни қучоқлаган еримга келгандим. У ердаги хароб шипон бутунлай йиқилган, ой нурининг сояларимизни акс эттирган девор бир тош уюмидан иборат бўлиб қолганди.

Йўлнинг нариги тарафидаги қуруқ сел чуқурининг бир четига ўтирдим. Зеҳнимда ўша кечадан кейин ўтган тўлинойларнинг ҳисобини қилдим.

Ичим англашилмас бир алам билан ёнар: "Орадан том ўттиз етти тўлиной кечаси ўтганди... Нақадар узун... Нақадар узун" дея шикоят қилардим. Кўзларим юмилар, теран, узоқ уфқнинг ичида бу ўттиз етти

тўлиной кечаси карвон каби, борган сари янада сўлғин ва сўник чўзилиб борарди.

Бири оппоқ қорлар устига, бири япроқларини тўккан дарахтларга. Бири янги манзараларга нурини тўккан тўлинойлар...

Ўша кечадан буён ўттиз етти тўлганой кечаси ўтганди. Ҳолбуки, мен уни ой нури қўйнида намлангандай кўринган сариқ сочларни, сийрак сепкилли гўзал юзи билан кўзёшлари-ла пардали сузгун яшил кўзларининг бутун ишқи билан ҳамон боғда кўраман. Яна бошини кўксимга қўяди, "Менга ачинмайсизми, Канонбей" дея ичкин-ичкин йиғлайди. Ортиқ хотиржам бўлишинг мумкин, Чарос... Аслида мен ўзимни ўзим ачинарли ҳолга солдим.

Бу сел чуқурига шох-шаббалар ағдарилган, япроқлар тўлганди. Бу чуқурнинг ичига чўзилиб ётдим.

Тоғ ёнбағрининг этагида бир чўпон сивизға чаларди.

Билмадим, қайси бадбин шоирнинг китобида ўқигандим: "Ўлим аччиқ бир доридир, унутмоқ ва ортиқ изтироб чекмаслик учун юзимизни буриштириб, жирканиб, кўзларимизни юмиб бир ҳамлада ичадиган доримиз..." Баъзи маъюс соатларимда бу шоирга ҳақ бергандим. Инсоннинг ўлими кўнгил ризоси билан қабул этишини ақлимга сиғдиролмасдим... Бу қуруқ япроқларга тўла чуқурда ётаркан фикримни ўзгартирдим. Ўлим шунчаки бир восита эмасди. Қора тупроқнинг ичида сўниб, йўқ бўлиб кетишда бўлакча бир завқ, бир лаззат ҳам бор эди.

Ора-сира бўлиб турадиганим бу ердан қалқиб туриш, устимдаги қуруқ япроқлар билан бирга бу қоронғи, машъум тушунчаларни ҳам силкиб ташлаш, умидсизликка қаршилик қилишни истардим. Лекин бу ўлим васвасасидаги аччиқ жозибадан ўзимни қутқаролмасдим.

Жовидоннинг Масуда билан нақ олдимгача келиши менга бир оз куч берди. Қирқчамларга қараб одимлай бошладим. Аммо дарахтларнинг остидаги фонар, чироқ шуълаларини, бу шуълалар орасида айланиб юрган ранг-баранг инсон кўлкаларини кўрганим, ҳайқиришларини эшитганим заҳоти ичимга янгидан чорасизлик келди.

Нима бўлса бўлсин, бормайман. Мени чақиртириш учун боққа одам жўнатишлари эҳтимолини ўйлаб ёндаги йўллардан бирига кириб кетдим.

Орқа йўлдаги эшикдан ичкари кирган вақтимда бир кўппак вовуллади.

Кичик бир хизматчи қиз: "Бейафанди келди!" дея бақирганча кўшкка югурди. Деразаларда ортиқча ёруғлик, боғда ортиқча бир ҳаяжон ва шовқин-сурон бор эди. Дарҳол англадим. Сирли равишда у ердан ғойиб бўлганимга ҳайрон қолгандилар, эҳтимол мени қидиришга одам юборган ҳам эдилар. Боғдагиларга дардимни тушунтириш мажбуриятидан қутулмоқ учун тўғри кўшкка кирдим, эшикни бекитдим.

Жовидон менга жуда ҳайрон бўлганди. Ичкари киришим билан бу ҳайронлик ғазабга айланди. Айни ҳолда асабиятини кўрсатишгача бормай, сохта ва бир оз ҳурматсиз лоқайдлик қилишга уринарди.

Шубҳасиз бир нарса дейишимни, узрхоҳдик қилишимни кутарди. Кошки бундай қилмаган бўлсайдим. Фақат англашилмас бир ўжарлик билан сукут қилдим. Завжам ўзини босиб ололмади. Юзимга қарашдан тийилиб:

– Шубҳасиз Измирдан эндигина келяпсиз, – деди.

Шунчаки "йўқ" дея жавоб бердим.

– Ўзимдан баҳс этмайман... Чунки ғалати-ғулати қилиқларингизга ортиқ кўника бошладим...

Индамадим.

– Ҳеч нарса демасликни лозим кўряпсизми?

– Йўқ... Бу "йўқ" сўзи оғзимдан мумкин қадар қуруқ, совуқ, тажовузкор оҳангда чиққанди. Бир ёмонлик қилганимни ҳис этар, фақат ўзимни тутолмасдим. Ичимда нафратга ўхшаган... сабабсиз, бўғиқ бир ғазаб қайнар эди.

Жовидоннинг ранги оппоқ бўлиб кетганди. Айни чоғда ҳамон ҳурматсиз ва лоқайд ҳолини сақлашга ҳаракат қилиб, лабларини тишларди.

– Бу муомалангизни изоҳлаш учун, ё аҳволи сиҳатингизда бир фавқулоддалик бўлганига, ёки катта бир фалокатга учраганингизга ишонч ҳосил қилмоқ лозим.

Базўр ўзимни босдим.

– Жавоб бермайсиз...

Пианинонинг устидаги кичик гулдонлардан бирини қўлимда ўйнардим. Бирданига уни ерга отдим, синдирдим. Бу, бир тақдир тақозосимиди? Билмайман... Фақат қазо билан ерга тушган гулдон шундай аччиқ бир садо бериб парчаланмасди.

Тахминимча, қасдан ё тақдир ундови билан одам ўлдирган бир инсон бундан ортиқроқ даҳшат ҳис қилолмайди.

Жовидон ғариб бир талваса билан қалтиради. Фақат яна ўзини босиб олди. У виқорли, йиртқич бир талвасаси билан мени бошдан оёқ кўздан кечиргач, ичкаридаги хонага кирди, эшикни бекитди.

Турган еримда тошдай қотиб қолгандим. Чорасизлигимни, жўнлигимни, тубанлигимни бу дақиқадаги қадар қаттиқ ҳис этмагандим. Ўзим билан бирга бошқа хилқатнинг ҳаётини ҳам синдираётган эдим.

Қандай англаб бўлмайдиган, қандай аянч бир муаммо эдим. Мени севганларга ёмонликдан бошқа нарса қилмайман.

Бир дақиқа аввал ичимда қуруқ, ваҳший бир шиддат бор эди. Ҳозир меҳрдан, пушаймонликдан эзилардим. Завжамга ҳаётимни, руҳимни бутун чорасизликлари, бутун аянчликлари билан айтиб беришни ўйладим. Бир неча марта эшигигача бордим. Лампанинг ёруғлиги кўзларимни инжитарди. Уни ўчирдим. Лекин бу гал деразадан ойнинг нури кира бошлади. Оҳ, бу ой нуридан мен шу қадар нафратланаманки.

Пардаларни зичлаб бекитдим. Пианинонинг четига қўлларимни қўйдим. Соатларча шу ҳолда қолдим...

Ортиқ Бўзёқага тоқат қилолмайман. Эртага эрталаб Жовидонга узримни билдираман. Хасталигимдан баҳс этаман. Дарҳол Истанбулга қайтайлик, деб ёлвораман. Бу тупроқларнинг ҳиди мени ўлдиради...

XII

2 октябрь, Нишонтоши

Бугун завжамнинг қариндошларидан бир ёш қизнинг унаштириш маросимида бўлдик. Куёв бўлмиш маъруф бир дипломат экан. Лекин онгсиз, руҳсиз бир одам... Сўнгра, вужуди каби, қалби ҳам кўп ўйналган, бўлари бўлган эди. Бу, юзидаги ажинларининг чуқурлигидан, рангидаги ҳорғинликдан, қарашларидаги ғамгин сўниклиқдан оп-ошкор англашиларди. Ёш қиз аксинча тару тоза, гуллаб-яшнаб турган бир хилқат...

Маросим асносида иккиси ҳам масъуд кўринишар, табрикларга, тилакларга ҳарорат билан жавоб беришарди.

Оқшом соатларида уйга қайтмоқчи бўлганимизда ёш қизнинг онаси эътироз қилди:

– Бу кеча бизникида қолсангиз бир нима бўладими... Инсон хурсандчилик кунларида севган одамларини ёнида кўргиси келади, ахир... – деди.

Жовидон бир қанча маъзурликлар айтар, дарҳол уйга қайтиш учун оёқ тираб турарди.

Яна завжамнинг қариндошларидан бир қари хоним афанди бизни ҳимоя қилди:

– Зўрламанг... Сиз севган кишиларингизни ёнингизда кўришни истайсиз. Фақат улар ўзлари бир-бирларини кўришни истасалар-чи... Биласизки, бир-бирларини қаттиқ севган инсонларга уйларининг ёлғизлигидан гўзал нарса бўлмайди...

Нариги ширин ва соф тил билан кулиб эътироф этди:

– Асл мақсадимни айтайми? Янги унашилган бир қизга бир-бирини қаттиқ севган инсонларни кўрсатишдпан яхшироқ сабоқ бўлмайди. Истардимки, Сузаннинг ўз саодати ҳақида шубҳаси қолмасин, буларга тақлид қилсин.

Хотин бўлмишнинг овозида, кўзларида заиф бир андиша бор эди. Мендаги яширин изтироб ва хафалик аломатларини кўрмак билан ҳазин бир қатъият ва маҳоратни эгаллаган кўзларим каби унинг она қалби ҳам Сузаннинг масъуд бўлмаганини ҳис этганди.

Бу ёш қиз унашилишдан мамнун эмасди. Маросим асносида ҳаркас ўзига қараркан Сузан севинчдан, хурсандликдан учаётгандай кўринарди. Лекин бир оз кейин ёт кўзлар бошқа жойларга, бошқа чеҳраларга ўгирилганини кўрганда, бахт деган нарсага ортиқ ишонмаган бадбахт одамнинг узоқ-узоқдан ўзига қараганидан шубҳа қилмаган чоғида, сохта хурсандликни бир ниқоб каби юзидан улоқтирган эди.

Орадан кўп ўтмай мен унинг уй ичида паришон ва сарсари айланганини кўрардим.

Онаси хайрлашув баҳонасида уни ёнимизга чақирди, кичик бир нутқ билан бизнинг саодатимизни яна бир карра унга тасвирлай кетди:

– Кўряпсанми, Сузан... Бир кечаларини ҳам бизга фидо қилишга рози бўлмаяптилар, кекса холаларининг хотирини инобатга олмаяптилар, – дея сўзини битирди.

... Бу оддий воқеа, билмадим нима учун, менга тегиб кетди. Бу кеча дафтаримга бу сатрларни ёзишга мажбур қилди. Шўрлик соф хоним афанди қизи билан куёвининг бизга ўхшашини бутун қалби билан истарди. Кечаларимизнинг доғсиз бир саодат ичида ёнма-ён ўтганини хаёл қиларди. Менинг икки ойдан бери Жовидон билан таранг бир ҳолда яшаётганимни билмасди. Хаёлан бизни кузатишини истардим. Кулишиб, гаплашаб ўтирган машинамизнинг эшиги ёпилар-ёпилмас табассумларимизни ва жумлаларимизни қай тариқа ярим қолдиришимизни, у бир бурчакка, мен бир бурчакка қандай тиқилиб олишимизни, сўнгра уйда бир калима ҳам гапирмай хона-хоналаримизга кириб кетишларимизни кўриши керак эди. Бир ҳафта, ўн кун, балки, янада кўпроқ бир вақтдан сўнг бу хотин бизни кўрганда бир-биримизга айтган сўзларимизни яна жуда тотли деб топар, машина эшигида ярим қолган жумладан сўнгра орамизда айтилган сўзлар қандай қилиб бошқача тусдаги сўзлар билан алмашинганини эса англамаган бўларди.

Жовидон билан нақадар ҳазин бир комедия ўйнаймиз... Завжам жуда изтиробда, хавотирда. Фақат мағрур бўлгани учун буни кўрсатмайди... Атрофдигиларга кўринишимизни ўзгартириш билан қаноатланамиз.... Паришонлигимизнинг муайян бир сабаби бўлса келишиш жуда осон... Унга узр айтаман, у истамаган нарсаларни бошқа қилмайман... Аста-аста муносабатимиз тузалади... Лекин жуда инжиқ, жуда ёмон бир одам бўлдим. Хотинимнинг ҳаққи бор... Ўзимдан-ўзим мамнун эмасманки, қандай қилиб у мамнун бўлсин... Ҳа, бугун ярашиш осон... Лекин биламанки, эртага яна диққинафас бўламан... У ҳолда нима учун била-кўра туриб унга янги бир изтироб беришим керак.

XIII

25 февраль, Нишонтоши

Тақсим боғининг олдига келганим вақт узоқдаги бир соат кеча ярмини чалди. Ҳаво жуда ёқимсиз эди. Шамол борган сари шиддатланар, ёмғир билан бирга ҳўл қор ёға бошлаганди. Шоҳкўча бўм-бўш эди, кўча фонарлари ердаги сув кўлмакларига кирли, лойқа бир зиё тўкарди. Ора-сира ёнимдан бирон ёпиқ автомобиль ўтар, кийимларимни, юзимни лой сачратқилари ичида қолдирарди.

Ёқамдан бўйнимга сизиб тушаётган, вужудимга таъсир ўтказа бошлаган ҳўл қорга ҳам, устимга сачраган лойга ҳам аҳамият бермас, ёмғир

ва лой ичида бу узун йўлда яёв юришдан бир ғаройиб лаззат топардим... Ботқоқликларга чўмиб чиққан бир ўрдак лаззати...

Уйим жойлашган кўчага буриларкан бир кучук болани босиб олдим, бечора аччиқ-аччиқ вангиллай бошлади...

Ичимда бир шафқат уйғонди: "Кел, сенга ичкарида аъло бир зиёфат берай-да, қарзимни узай... Ҳаққинг қолмасин" дея итни кучоғимга олдим.

Дилнавоз Халфа, мени бу аҳволда кўрганда эсанкираб қолганди. "Меҳмон келди, Халфа. Қани, чироқ тут-чи... Ошхонага кирамиз... Бу меҳмон таклифсиз келди... Нима қолган бўлса беравер, камига-кўпига қарамайди" дея шовқинлар, баланд овоз билан кулардим.

Қари хотин тараддудланиб, маъюс бир авзо билан шамдонни қўлига олди. Кўрқа-кўрқа: "Бейафанди... Секинроқ кулсангиз... салонда меҳмонлар бор" деди. Елкаларимни силкитиб, ўшандоқ баланд овоз билан:

– Ҳозирча бу ғариб меҳмон ҳаммасидан ҳам муҳим, – дедим.

Худди шу аснода зинапоянинг уст томонидан енгил бир овоз эшитдим, бошимни ўгирдим. Завжам билан кўз-кўзга келдик.

Жовидон оғир, ҳокимона усуллар билан оҳиста-оҳиста зинадан тушди.

Киноя аралаш бир ҳайрат билан ҳолимга қararди.

– Илтимос, айтинг, нима бўляпти, Канонбей?

Шамол ва ёмғир ичида узун сайрдан сархушлигимни сал енгиллатганди.

Завжамнинг ҳар нарсага қарамай устимдан таъсирли нуфузини йўқотмасликка уриниб ҳокимона боқишлари мени хушимга келтирди:

– Ҳеч нима... кўчада бечора бир кучук бола топдим... ачиндим...

Жовидон мени бошдан-оёқ сузарди, аччиқ бир истеҳзо билан:

– Қалбингиздаги меҳр ва инсоний ҳисларингиз билан сизни табриклайман, – деди. "Жовидон кўпдан бери мени "сиз"лаб деярли расмий суратда гапирадиган бўлиб қолган". – Лекин орзу қилардимки, бу сиҳатпарварлик ва карамдан энг аввал ўз шахсингиз фойдалансин... Ҳолингизга қаранг, Канонбей... Назаримда, сизнинг кўринишингиз бу бечорадан ҳам ачинарли бир ҳолда... Кучукни лутфан халфага қолдиринг... Ўзингиз тўғри хонангизга чиқарсиз. Ҳозир айтаман, сизга тоза энгил-бош келтириб беришади...

Хотинимни таҳқирловчи назарлари олдида маҳжуб ва мағлуб бир тавр ила юқори чиқдим. Бир ойнада ўз ҳолим кўзимга илашди. Бу қандай аянч қиёфа, қандай жирканч ҳол эди. Ўзимдан уялишим, бошимни янада қуйироқ эгишим лозим эди. Аммо бу мағлуб ва аянч ҳолим менга, аксинча, ғалати бир ғазаб ва журъат берди. Сал олдин сўнган сархушлигим янгитдан бошимни айлантириб, кўзларимни қорайтирди.

Том шу дақиқада салондан бир овоз, Номиқбейнинг овози келди:

– Жовидонхоним афанди... Сизни кутяпмиз...

Бу овоз мени бутунлай азобдан қутқарди:

– Вой, меҳмонларимиз орасида Номиқ Беҳжетбей биродаримиз ҳам бор экан-да, нақадар ажойиб... – дея гапирганча салонга қараб юрдим.

Жовидон бирданига устимга тикилди, қисиқ бир овоз билан:

– Нима қиляпсиз, Канонбей... Ўзингизга келинг, – деди.

Нима қилаётганимни жуда аъло билардим. Лекин золимона бир софлик ва ҳайрат билан кўзларимни очиб жавоб бердим:

– Ҳеч... Ғоят табиий... Меҳмонимга хуш келдинг, деб қўяман.

– Худо ҳаққи, ўзингизга келинг... Сизни бу ҳолда кўрсалар шармanda бўламиз!...

– Айни чоғда мен меҳмонларимни мутлақо кўрмоқчиман. Айниқса Номиқ Беҳжетбейни кўрмасам бўлмайди...

– Канонбей... Сиздан илтимос қиляпман...

Кўзларимни Жовидоннинг юзига қадаган вақтимда ҳайратланарли бир нарсани кўрдим. Завжамнинг кўзларида иккита йирик ёш томчиси бор эди. Уни таниганимдан бери илк марта йиғлаганини кўраётган эдим. Бу икки томчи ёш менга бир мўъжиза каби таъсир этди. Кўпол қайсарлигини бирданига синдирди, залилона бошимни эгдим:

– Кечир мени, Жовидон... Мен жуда жирканч одамман, – дедим. Яна бир марта юзига қарашга журъат этолмай хонамга чиқдим.

Бир оз аввал даҳлизда айланган енгил бир оёқ овози эшигимнинг олдида тўхтади. Дилнавоз Халфа бир неча марта: "Бейафанди... Бейафанди"... – дея овоз берди.

Жавоб бермадим. Халфа яланғоч бўлса керак, деб аста-аста узоқлашди.

Жовидон ҳам эҳтимол шундай тахминга борган, балки хонасида йиғлаётгандир.

Жовидоннинг қатъиятли бир ғурури бор. Қайғуларини, ўкинчларини яшира олишни бир фазилат деб биларди. Лекин охир-оқибатда у ҳам бир хотин эмасмиди? Албат унинг ҳам изтироблари бўлади, ёлғиз қолган вақтларида у ҳам бошқалар каби кўз ёшларидан енгиллашишни кутади. Лекин бир оз аввал кўзларидаги у икки катта ёш томчисини кўрмагунимча у ҳам йиғлаши мумкин деб ўйламасдим. Эҳтимол мени кўпдан бери завжамни хафа қилишга ундаган яширин, англашилмас қайсарлигим ичида уни бундай беғам ва жуда кучли деб тахмин қилганимнинг ҳам таъсири бор эди.

Бу икки томчи кўзёши лекин мени бу тунги спирт сархушлигидан уйғотирмади... Назаримда, янада узоқ, янада оғир бир уйқудан уйғондим.

Неча ойлардан бери ўзимни савқи табиийларимга топширган, қалбимнинг англашилмас ҳаракатларини, руҳимнинг қоронғи, сирли таъсирларида қолдиргандим. Бир майхўр каби ҳеч нарсани ўйламай яшар, ичимдан нима қилгим келса ўшани қилаверардим... Мана, бир оз аввалги воқеа мени бу янада узун ва янада оғир уйқудан уйғотди. Хунук ва ҳазин ҳақиқатимни яланғоч ва очиқ ҳолда кўрганим нодир уйғониқлик соатларимдан биридаман...

Ким бўламан, нима қиламан, хусусан, қаёққа қараб кетяпман?

Ҳақиқатни сақлашга не ҳожат? Уйим, ўчоғим қулаётир... Воқеа ҳали юз бермади, уй пештоқлари жой-жойида... Кўринишда ҳозирча сокин ва гўзал.. Лекин асослари чириган, бутун ички синчлари синган. Бу бино йиқилиши учун воқеаларнинг бир кучли шамолини кутмоқда...

Мунаққидларимдан бирининг ташбиҳи мени жуда чиройли шарҳлади, мен хилватнишин, маҳрум, қоронғилик дунёсида юлдузлар билан мусобақалашиш учун чўзилиб ётган бир ҳавойи бўш патрондан бошқа нарса эмас эканман.Зулмат ичидан бирданига юксалибман. Рангли машъалаларим бир вақтлар юлдузлар каби юксак ва гўзал кўринганди. Лекин қашшоқларга хос бир ожизлик билан эски қоронғи еримга йиқилишдан кечикмабман.

Ҳа, янги ҳаётим бир пайтлар менга бир афсун бўлиб кўринди. Жовидон билан бир-биримизни севамиз деб хаёл қилгандик. У мендаги санъаткорни қўллаб-қўлтиқлар эди, мен ундаги юксак, зариф, муҳташам хотинга мафтун эдим. Лекин руҳларимиз бир-бирига ётлигинча қолишга маҳкум эди. Менинг завқим, меҳрим, ҳазинлигим, нашъам уникидан бошқача эди.

Шу қадар кўп севишганимизни, шу қадар кўп яхши муносабатда бўлганимизни тилга олганда, аслида бир-бирининг истаганини гапириш, истаганидай кўриниш мажбуриятида қолган икки таклифли меҳмонга ўхшашимизни унутмаслик керак.

Бу тинкани қуритадиган бир ҳол эди. Ва қанча давом этади, билиб бўлмасди. Ҳеч бўлмаганда бу ҳаётга бўш қалб билан кирган бўлсайдим...

У ҳам бўлмади... Менда эски ҳаётимга оид бир яширин муҳаббатнинг кундан-кунга ортган, сурункали касалликка айланган бир томони бор эди.

Бу дафъа Измирдан қайтган вақтимизда комедия ўйнашдан чарчагандик. Мен ортиқ хасталигимни билардим. Орамиздаги руҳ ва ҳаёт айриликларини яширишга кучимиз қолмаётган эди. Ҳеч шубҳасиз, маъносиз ғижиллашишлар, ғавғолар чиқди. Ойларча бир-биримиз-ла гаплашмадик. Фақат бегоналарнинг олдида бир-биримизнинг юзимизга қарардик. Беҳуда бир-биримизни инжитмасак яхшироқ бўлмасмиди? Ҳам бугунги хафагарчилик мен учун сўнгги бир тажриба бўлиши керак эди.

"Айрилиқ кучли ишқларни каттайтиради, хаста бўлганларни эса ўлдиради... Бу хафагарчилик бир ихтиёрий, ўз хоҳишига кўра ажрашишга ўхшайди... Ҳар нарса чорасиз равишда ўлган, сўнган бўлмаса бизни янгидан бир-бирининг қучоғига отади" деб ўйлардим. Бундай бўлмади: Мен ҳаётимнинг ёлғизликлари ичида бошқасини қўпроқ қатъият билан ўйлай бошладим. Ламиа менда баъзи телбаларнинг "қатъий фикрлари"га ўхшаш бир нарса бўлди. Ақлимдан кетмас, кўзимдан узоқлашмас эди.

Ортиқ борига-йўғига аччиқланадиган талабчан, қўпол, бақироқ бир одам бўла бошлагандим. Жовидонга нисбатан ҳеч сабабсиз яширин, бўғиқ нафратларим бор эди.

Бу вақтга келиб руҳим билан нега келишмоқчи бўлганимни янада яхши англадим... Унга хуфиёна азоб бериш завқига қаршилик қилолмасдим. Бир муддатдан кейин бу кескинлигим, исёнларим ҳам ўтиб кета бошлади. Унинг ўрнини қуруқ, золимона, совуқ истеҳзолар олди. Бошқаларни ранжитишда, хижолат қилишда — кўча телбаларини эрмак қиладиган — бир кўпол ҳаммол завқини ҳис қила бошлардим.

Ташқи кўринишни сақлашга, ўзимни дуруст интизомли одам кўрсатиш — ҳам ортиқ ҳаракат қилмасдим. Яна оҳиста-оҳиста совуришларга, ўйинқароқликка берила бошлагандим. Бир кун бўлмағур инсонлар билан телбаларча қимор ўйнар, бошқа куни энг бузуқ хотинларнинг орқасидан кетар, замон-замон барларга, чолғучилари бўлган майхоналарда кунда-шунда бўлардим. Қандай тубанлик... Қандай тубанлик!

Ёлғиз шу тунги қилмишларимнинг ўзи нақадар қулаб чилпарчин бўлганимни кўрсатиш учун етарли... Бундай номуносиб ерларда орттирган уч-беш галварс танишларим билан барлардан бирида эдик... Тинмай ичар, кулишар, аскиябозлик қилардик... Бир оралиқ чолғу тинганди. Бирданига ақлимдан телбаларча бир ўй ўтди. Соллана-соллана ўрнимдан туриб, чолғучиларнинг биридан камонини тортиб олиб, чала бошладим. Сархушлар бир-бирини қучоқлаган, "браво", "яшшавор" овозлари, қарсак чалишларга бордоқ, коса чарсиллашлари ҳам қўшилиб, ярим яланғоч хотинлар ҳайқиришиб атрофимни ўрашарди.

Чалган мусиқа парчаларимдан бирининг энг гўзал жойида камонни қўлимдан қўйдим. "Тўхтатма,,, яна.. яна..." дея бақиришарди.. Эшикдан чиқиб кетаётганимда ҳамон уларнинг овозларини эшитардим. Қулоғимда тоғамнинг илк болалигимдан, илк ёшлигимдан келган оғир овози янгради.

"Отарчи... Ниҳоят отарчи бўлдинг-а!"

Демак, бир қатор хаёллардан, умидлардан беҳуда талвасалардан сўнг бу ҳолга тушгандим, шундайми? Мен кўнглим истамаган вақтда энг севган кишиларимнинг хотири учун камон чалишни ҳам пасткашлик ҳисоблар, доимо рад этиб келардим... Эҳтимол тоғамнинг айтгани тўғри чиқар... Ниҳоят жуда тубан бир отарчи бўларман... Ёки отам каби мен ҳам...

... Бир оз олдин ечинаркан пушмонлик билан бир қарорга келган, бунга риоя қилажагимга қасам ичгандим. Жовидон билан такрор ярашишга уриниш беҳуда бир хафагарчилик бўлар... Бу, воқеалардан, бир-бирини тушунмасликдан туғилган бир ихтилоф эмас-ку...

Мен билан Жовидонни бир-бирига боғлаган туйғулар, ришталар ўлик вужудларнинг аъзоси каби чирийди, парчаланади, эрийди...

XIV

25 апрель, Нишонтоши

Бугун тушликдан кейин боғда айланардим. Эшигимнинг олдида бир арава тўхтади. Ўзим-ўзимга: "Эй, воҳ... — дедим, — бугун завжамнинг меҳмон қабул қиладиган куни. Ҳозир меҳмонлар бостириб келади... Бир тўда вайсақига бош ирғаб салом бериш, узундан-узоқ сўрашиш лозим бўлади..."

Эшикни очишга келган хизматчидан: "мени сўраганларга ҳозир кўчага чиққанди, дейсан" дедим, боғнинг орқа тарафини айландим....

Бу ерда бир боғбоннинг ташлаб кетган хонаси ёнида бир суҳбатгоҳ бор. Атрофини печакгуллар, шилви шохлари ўраган, устига қари бир тут дарахти зич япроқли шохларини узатган.

Ўзим-ўзимга: "Бу ернинг ёпиқ хонадан фарқи йўқ, — дедим, — меҳмонлар кетгунча бекиниб ўтираман".

Суҳбатгоҳнинг синиқ тахта дивани устига чалқанча чўзилиб ётдим. Устимдаги шохларнинг ичида чумчуқлар учар, ёмғир томчилари билан тўла япроқлардан ора-сира юзимга, қўлларимга сув томчилари томарди.

Икки соатдан буён шу ҳолда ётардим. Қулоғимга бирданига шовқинли бир эркак қаҳқаҳаси келди.

Дарҳол ўрнимдан сапчиб турдим. "Э, воҳ, — дедим, — меҳмонлар боққа чиқишди-ку... Бу тарафга келишса иш пачава..."

Печакгуллар орасидан ташқари мўраладим. Номиқ Беҳжетбей эди. Мен танимаган бир хотин билан етти-саккиз ёшдаги қизининг суврати-ни олиш учун боққа чиққанди. Жовидон ҳам улар билан бирга эди.

Номиқ: "У ёқда қуёш бор... Бўлмайди... Шу ерда ола қолай" дер, мен турган жойни кўрсатарди.

Ғазаб билан: "Оҳ, масхара, — дедим, — ҳар қачон акслик бунга инъом бўлади..."

Янада берироқ келса мени мутлақо кўражакдилар. Овоз чиқармасликка тиришиб, печакгуллар орасидан аста чиқдим-да, ёндаги бўш қолдирилган боғбон хонасига кирдим.

Бир оздан сўнг овозлари узоқлашди. Энди чиқишга ҳозирланиб тургандим, лекин шу асно Номиқ Беҳжетнинг овозини янада яқиндан эшитдим.

"Нақадар чиройли экан бу суҳбатгоҳ, Жовидонхоним, — дер эди, — Бир неча дақиқа бу ерда ўтиришимга рухсат берсангиз менга энг катта эҳтиромингиз бўларди..."

Завжам:

— Хоҳишингиз, Номиқбей, — деди. Япроқлар шитирлай бошлади. Жовидон ила меҳмоннинг суҳбатгоҳга кирганларини кўрдим.

Номиқ синиқ диванни кўрсатиб:

— Бу ерда бирпас ўтирсак-чи, — деди.

Завжам жавоб берди:

— Ёмғирдан ўтирадиган жой қолмапти-ку... Ҳам бу ер жуда рутубатли...

— Рутубатли-ку-я, лекин фавқулодда шоирона... Боғнинг бу қисми қаровсиз қолган... Сизни танқид қилиш-чун айтмаяпман, кўнглингиз-

га келмасин...Билакс, бу янада чиройли... Табиий, кичкинагина ўрмонча каби...

Номиқ қанчалик узун бўлса, шунчалик аҳмоқона ва шоирона тасвирлар тўқишга киришганди. Мен ётган жойимда эснар, "бўлмағур эзмалиги билан мени ухлатиб қўяди-ку" деб қўярдим. Ортиқ уларни тинглагим келмасди. Ўчоқбошининг йиқиқ мўрисига уя қуришга киришган қалдирғочларни кузатардим. Бир ора Жовидоннинг саси диққат-эътиборимни тортди. Бу овозда маҳзун бир шикоят оҳанги бор эди. Беихтиёр тинглай бошладим.

— Ҳаётим бундай бўлади деб ўйламагандим...Гарчи сизга ички ҳаётимиздан баҳс этиш тўғри эмас.. Лекин ортиқ бизнинг аҳволимизни бегоналар ҳам ҳис эта бошлашди. Сиз ҳаммадан кўпроқ яқин акрабомизсиз. Каноннинг санъати мени алдаб қўйганди... "Бу қадар юксак бир санъаткорнинг албатта жуда юксак қалби, жуда бошқача инсонлиги бўлади" дердим... Мен шу умид билан ҳаётимни...

Жовидон борган сари ортган ҳарорат билан гапида давом этар, турмушимизнинг барча яширин қашшоқликларини бу аҳмоқ Номиқбейга айтиб ўтирарди.

Олдинига бу мени бир оз аччиқлантирди. Ўз-ўзимча ўйлай бошладим: "Мен билган Жовидон жуда мағрур бир аёл эди. Нима жин урдики, буларни сўйлаб ўтирипти. Тағин, келиб-келиб Номиқбейдай бир аҳмоққа. Демак, уни аҳмоқ деб билмайди... Ҳаётининг бу қадар маҳрамий сирларини бу қадар очиқ айта олар экан, демак уни қадрлайди. Шошмай тур, Жовидон, бу Номиқ Беҳжетни... "

Хаёлимнинг шу ерила таққа тўхтадим. Завжамни бу маҳрамликка жалб этган сабабни очиқ билгим келар, ҳеч бир қилиғини, овозини, ҳеч бир ҳаракатини диққатдан қочирмасликка ҳаракат қилардим.

Улар кетишгандан сўнг такрор суҳбатгоҳга қайтдим, бошимни кафтларимнинг орасига олиб узун-узун ўйладим ва бир қарорга келдим.

...Завжамнинг ётоҳхонасида енгил зиёли бир тун қандили ёнарди. Жовидон ётишга тайёрланар, ойнанинг қаршисида сочларини тақислярди. Мени хона эшигида кўрганда енгил бир ҳайрат билан мингирлади.

Қўлларимни эшикка тирадим, оғир-оғир бошимни чайқаб:

— Бу нақадар ҳазин бир нарса, Жовидон, — дедим, — мени ётоқхонада, тўғрироғи, хона остонасида кўрганда бир бегона, бир тун ўғрисини кўргандай бўлдинг... Ғайриихтиёрий бир ҳаракат билан бўйнингни, сочларингни яширмоқчи бўлдинг... Ҳолбуки, менинг бу хонага киришимдан ҳам табиийроқ нарса борми! Сен ҳам мен каби бу фикрда эмасмисан? Бу ҳазин, бениҳоя ҳазин ҳол эмасми, Жовидон?

Завжам ўзини тутиб олди. Чеҳраси оҳиста-оҳиста эски виқорли хотиржамлигини ифодалай бошлади, диққат билан юзимга, ҳолимга қараб нима демоқчилигимни билишга уринди.

Бу муҳим қарор менга малакларга хос сокинлик ва таваккул берганди. Ичимда хавотирдан, иккиланишдан асар йўқ эди. Фақатгина

сўзларимга бир вазминлик, овозимга билинар-билинмас тўлқин берувчи теран бир ҳазинлик ҳис қилардим.

— Салгина ичкари киришимга рухсат берасанми, Жовидон? — деб сўрадим.

Тўғридан-тўғри жавоб бермади, сезилар-сезилмас қошларини чимириб:

— Нима демоқчилигингизни билсам бўладими, Канонбей? — деди.

Эшикнинг ёнидаги курсига ўтиргандим: "Сенинг хушбахтлигингни, Жовидон, дедим, онт ичаманки, энди бундан бошқа нарсани ўйламайман... Мен синдирганим ҳаётингни янгитдан таъмирлаб олиш... Сенга қилган ёмонликларимга энди барҳам бериш... "

Овозим бир қалб ҳазинлигидан шундай титрардики, Жовидон ҳам самимиятимдан шубҳа қилмади. Лекин бу ишонч унда зардали бир исён уйғотар, бир оз аввалги сохта хотиржамлигини бартараф этаётган эди:

— Бу қадар мени тушунганингиз учун раҳмат, майли... Лекин рухсатингиз билан мен ҳам сизга бир нарса айтай... Баъзи нарсалар шундай ёмон синадики, ҳеч қанақасига уни таъмир этиб бўлмайди.

Сал қўлимни кўтариб Жовидоннинг сўзини бўлдим, аччиқ кулимсираб:

— Рухсат эт... Биламан, Жовидон, — дедим, — сўз билан, онт билан, таъминот билан, ёлвориш билан бу фалокатга барҳам бериб бўлмаслигини мен ҳам биламан... Унчалик бола эмасман... Бу кеча сенга кучли бир дори келтираман, Жовидон...

Завжам кўзларини пирпиратиб юзимга қарар, нима деяжагимни англамаган ҳолда титрай бошлади.

— Бугун сен суҳбатгоҳда Номиқ Беҳжетбей билан гаплашаётганингизда мен жуда яқинингизда эдим. ...У ердаги ўчоқбошининг бир четида... Сўзларингизнинг бир қисмини эшитдим...

Бу сўзларим Жовидонга бир қамчи каби таъсир этди. Шиддат билан бошини кўтарди. Мағрур, беҳурмат бир назар билан:

— Нақадар гўзал, нақадар бир кибор хатти-ҳаракат, Канонбей, — деди, — бу нажибона жосуслигингиз сизга, ажабо, қайси буюк ҳақиқатни кашф қилдирди?

Мен яна ўша маҳзун сокинлик билан давом этдим:

— Сенга қилган ёмонлигимни таъмир қилиш чорасини кашф этдим, Жовидон... Бир нарсадан қаттиқ қўрқар эдим... Нима бўлишига қарамасдан мени озгина севишинг. Бу тақдирда абадиян бадбахт бўлишинг мумкин эди. Ҳолбуки, ҳозир ортиқ аминман, Жовидон,,, Бир бошқаси билан масъуд бўла оласан... Янгитдан бир оила қура биласан... ёшсан, гўзалсан, кўпдан-кўп фазилатларинг бор. Нечун мен каби хаста, сўник, ёмон, бечора бир одам билан ҳаётингни хазон қилишинг керак... Мен, юракни қон қиладиган зерикарли одамман... Санъатим, камоним мен учун балки сенга бир хаёл, умид бергандир. Борлиғим бир чиройли овоздан иборат... Ҳозир ортиқ у ҳам ўчди. Ўтиб кетмайдиган бир руҳ

касаллигидан адойи тамом бўлганман, Жовидон... Бу хасталик ойдан-ойга, кундан-кунга кучайиб бостириб келяпти. Балки бу айрилиқ мен учун ҳам яхши бўлар. Нима демоқчилигимни тушунгандирсан? Лоақал сени қутқариш умиди мен учун сўнгги тасалли бўлади.

Жовидон бир паст курсига ўтирган, бошини кафтларининг орасига олганди. Юзи ҳеч кўринмас, тун қандилининг ярим ёруғлиги тарқоқ қумрол сочларида титрар эди. Оҳиста-оҳиста ёнига бордим. Бир болани овутаётгандай ширин эркаловчи овоз билан:

— Рози бўласан-а, Жовидон? — дедим.

Сочларини силаб, қўлларини ўпиб ёлворишни истардим. Завжамнинг елкалари енгил-енгил ҳиқиллаш билан титради:

— Яхши, Канон... Бу қандай бўлишини хоҳлайсан? — деди

Ортиқ бир нарса дейишга журъат этолмадим. Қоронғи даҳлизга чиққаним вақт бир дақиқа деворга суяниб турдим. Энди сўнгги нафасини олаётган хастанинг хонасидан чиққандай эдим.

XV

20 июль

Бугун туннелда доктор Вадот билан учрашиб қолдим, дўстим мени кўрганда таажжубланди:

— Қандай ғаройиб тасодиф, Канон, — деди, — мен сени Измирга кетди деб эшитгандим... Демак, ҳали шу ерда экансан-да...

— Яқинда кетаман... Лекин ҳар ҳолда Измирдан бошқа ёққа, — деб жавоб бердим.

— Қаерга?

— Ҳали бир қарорга келганим йўқ.

Вадот юзимга қаради, бир нарса демоқчига ўхшади. Бироқ негадир индамади. Ҳар доимгидай лоқайд, ҳазилкаш таври-ла:

— Ҳар ҳолда сарин бир жойни танлашингни тавсия этаман, — деди, — бу йил ёз жаҳаннамдан бир намуна... Менинг бир йил шу ойларда Руминияга йўлим тушганди... Оҳ, , нақадар гўзал, азизим.. Тасаввур этолмайсан. Туннел унинг ёнида саринликда ҳеч нимага арзимай қолади...

Мен кулдим:

— Бу қанақа гўзал ўхшатиш бўлди, Вадот? — дедим.

У туннелнинг сарин, намхуш ҳавосини ҳидлаб жавоб берди:

— Мендан сўрасанг бу иссиқ ёз кунларида Истанбулнинг туннелдан нафисроқ дала-ҳовлиси йўқ... Қўлимда бўлса сафарларни бекор қилиб, Истанбул туннелида таътил қилардим. Икки бошдан эшиклар очардим... Ғарибу ғурабо, фақиру фуқаро салқинласин... Худо ҳаққи, на паркка ўхшайди, на Кўксувга, на Чамлижага... Бу сарин, қоронғи ҳавонинг ичида бири пастда, бири юқорида бозор қилиш қандай ёқимли бўларди... Бугун қаттиқ чарчадим, Канон... Жазирамада ишлаш жуда

оғир... Ҳалиям иш вақтим тугамади... Ярим соат аввал касалхонадан чиқдим. Ҳозир қабулхонамга шошиб турибман... Сен қаёққа?

Кўлим билан мубҳам бир ишора қилдим:

— Ҳеч қаёққа... Шундоқ айланиб юришга... Бир оз ҳаво олай деб...

Туннелдан чиққан, оломонга қоришиб кетгандик... Вадот мени қўлимдан тутди. Қоронғиликдан янги қутулган кўзларимизга шоҳкўчанинг мавжлангандай кўринган қуруқ ёруғлиги томонга қўлини узатиб:

— Айланадиган ҳавони жуда зўр танлабсан-да, Канон, — деди, — сенга бир нарсани таклиф қилай... Қани, кетдик мен билан, бир нима ўйлаб топаман...

Ўтган куни Бомонти тарафларда янги очилган бир боғни кашф қилгандим...

Ҳали одамлар ўрганмагани учун кўпчилик келмайди... Лекин жаннатнинг бир гўшаси, азизим... Шундай гўзал, шундай сенбопки.... Сен билан бир-икки шиша бўза[1] ичиб вақт ўтказамиз... Нима дейсан...

— Яхши-ю, аммо ҳозиргина сен хасталарга шошаётганингни айтгандинг.

— Э, одам-е, сен ҳам... Алҳамдулиллоҳ, хасталаримиз ичида бир кун кутиш билан ўлиб қоладигани йўқ... Рози бўласанми, йўқми, Канон? Қара, зотан, биз яқинда айрилишар эканмиз, сен кетаркансан... Бир нави хайрлашув бўлади.

Завжам билан ажрашганимдан кейин анча юмшоқ феълли, уй одами бўлиб қолгандим. Худди болага ўхшаб қаерга судрашса кетаверардим.

— Яхши, борамиз, — дедим.

— Бироқ икки дақиқалик бир ишимиз бор... Қабулхонамга бирров бош тиқиб чиқамиз... Бир жойдан бир хабар келиши керак эди-да... Сен мени эшикда кутасан. Чиқаман-у тушаман... бирров...

— Жуда яхши... Сенга бўйсунаман, Вадот...

Уч-беш дақиқа йўл юриб Вадотнинг ишхонасига келдик. Дўстим:

— Сен чарчама, ҳозир келаман, — дея зиналардан учиб чиқиб кетди.

Эшик орқасидаги тор, нимқоронғи коридорда айланиб, деворларда осилган фотосувратларни томоша қилганча Вадотни кутардим. Бир неча дақиқадан кейин дўстим зинапоянинг устки бошидан менга овоз берди:

— Канон, бир озгина юқори чиқиб туришингни сўрайман. Фавқулодда бир иш чиқди. Ярим соатча кутасан...

Мен:

— Сен безовта бўлма... Зиёни йўқ... Бир бошқа куни борармиз. Менга рухсат бер, — дея жавоб бердим.

Вадот зинапоянинг ярмисигача учиб тушди. Қатъий қилиб:

— Иложи йўқ... Ярим соатча у ерда эмас, менинг хонамда ўтирасан... Ишим балки унчалик чўзилмас...

Ноилож юқори чиқдим. Вадот мени кутиш хонасига олди, денгиз тарафдан яхшигина шамол оладиган деразаларини очди, мени

[1] Бўза — пиво.

қаҳва билан сийлади, олдимга расмли журнал ва китобларни тахлаб ташлади.

– Кўпдан бери томоғини даволаётганим бир бола ... Икки кунда бир уйларига борардим... Бугун онаси бу ерга олиб келипти... Бир оздан сўнг кетишади.

Вадот мени ёлғиз қолдириб ёндаги эшик орқали ташхисхонасига кириб кетганди. Журналларни масанинг устида қолдирдим, тирсакларимни деразага тираб, паришон, толғин Бўғозни томоша қила бошладим.

Қанча вақт ўтганини билмайман, лекин Вадотнинг иши чўзилгандан чўзиларди. Бу турғун ва ҳорғин ёз манзарасининг қаршисида ухлаб қолибман.

Бирданига хонада алланима шалпиллади, қарасам, маса устидаги расмли журнал-китоблардан бир қисми ерга сирғалиб тушганди. Бошимни ўгирдим. Уч-тўрт ёшлардаги кичкинагина бир болани кўрдим. Ташхисхонанинг оралиқ эшигидан бу ерга кирган, маса дастурхонининг бир учидан тортиб қоғозларни ерга туширганди. Қилган ишидан ўзи қўрқиб кетган, атрофига олазарак бўлиб қочишга тайёрланарди.

Чўчитиб юбормасликка ҳаракат қилиб оҳиста ёнига бордим, кичкина яланғоч билакчасидан тутиб:

– Зиёни йўқ, қизим, сенга расмларни берайми? – дедим.

Сариқ жингала бошини олдинга эгиб юзини бекитар, ҳеч овоз чиқармасди. Қўлларидан тутиб қучоғимга олгим келди. Мақсадимни ҳис этиб ерга чўккалади, бир қўли билан масанинг оёғини қучоқлади. Шу вақт мен ерга, ёнига ўтирдим, ювошлик билан бошини ушлаб юзини юзимга қўйдим... Бу инжа, нозик чеҳрали, қуюқ мовий кўзли, нимжон ҳуркак бир бола эди. .. Ҳамон овози чиқмас, титраган кўзлари билан юзимга қарарди. Такрор қучоғимга олганимда типирчиламади. Деразанинг ёнидаги диванга ўтирдик. Унга журналлардаги расмларни кўрсата бошладим. Зумда менга кўникканди. Лекин ҳеч оғзини очмасди.

Ўз-ўзимга:

– Вадот айтган кичик хаста бола шу бўлса керак, – дер, юзига қараганча ҳеч сабабсиз маҳзунлашганимни ҳис этардим.

Бу чеҳра, бу кўзлар қалбимда ўчирилиб кетган бир эски хотира таъсирини жонлантирарди.

Бу паришон хаёллардан мени Вадотнинг кучли овози уйғотди. Дўстимнинг бирданига эшикни очиб: "Мабрура!" дегани эшитилди.

Бизни апоқ-чапоқ ҳолда кўриб:

– У ердамидинг, ҳа фитначи! Мунча тез севишиб қолдинглар, – деди.

Вадот мамнун бир табассум билан тўғри бизга қараб келарди. Лекин бирданига хонанинг ўртасида тўхтади. Фавқулодда муҳим бир нарсани эслаб қолгандай кафти билан пешонасига уриб:

– Мен мунчаям каллаварам бўлдим... Ҳозир сени кўрганда эсимга тушди... Эй, жоним, сиз бир-бирингизни танийсиз, – деди.

Шошқин-шошқин оёққа турдим:

– Ким... Кимни... Нима деяпсиз, Вадот! – дея довдирардим. Дўстим жавоб бермади, суръат билан қабулхонасига қайтиб эшикни очди:

– Меҳмоним сиз эскидан биладиган Ламиахоним... Бастакор Ҳусайн Канон... Кўришмайсизларми?

Эшикнинг ҳозир менга янада кенг ва қоронғи кўринган тўртбурчак майдонида қора рўмолли нозик бир хотин кўлкаси гавдаланди. Бу қора энгиллар ичида аввало унинг манглайидаги сариқ сочлар билан, яшил кўзларининг ранги кўзимга урилди. Болани бу бир сония ичида бирданига ўз болам бўлган кичик қизни қўлларимдан қўймас, бир одим отишга, бир оғиз сўз айтишга мажол тополмасдим.

Назаримда бу эсанкирашим узоқ давом этмади. Вадотнинг овози менда кучли бир ҳимоя савқи табиийсини уйғотди. Ўзимни қандай тутиб олдим, паришонлигимни билдирмасдан унга қарашга, илк сўзларни бир қадар сокинлик билан айтишга қандай маваффақ бўлдим, ҳали-ҳануз билмайман.

– Кутаҳйада баъзан-баъзан сендан баҳс этардик, Канон... Ламиахоним Измир боғларида бир замон қўшнилик қилганингизни, у ерда неча-неча бора камонингни тинглаганини, ҳатто бир-икки гаплашганларингизни ҳам гапириб берарди... Қачондан бери сен бу ерда ўтириб-сан, биз ичкарида гаплашяпмиз-у бир-бирингизни таниганингиз эсимга келмаганини қара...

Вадот баҳсдан-баҳсга ўтар, шохдан шохга сакраб тинимсиз гапирарди. Мен гўшада бир оз қоронғиликка келган, бир диванда тиззаларимда Мабрура билан, Ламиа эшикнинг ёнида бир курсининг четига омонатгина илиниб, ўтирардик. Аста-аста ёруғликка кўниккан кўзлар каби қўрқа-қўрқа унга қарай бошлагандим. Чарос сийрак сепкилли юзининг кулимсираши билан, титрай-титрай боққан сузгун, яшил кўзлари билан, кенг манглайига тушган инча соч гажаклари билан қаршимда турарди. Ҳолбуки, уни кўрганимга ҳалиям ичимда иноннмас, ўзимни бир туш ичидаман деб ўйлардим.

Кўз кўзга қарашга журъат этмай бир-биримизга маъносиз, рангсиз расмий сўзларни сўзладик.

Девордаги осма соат бешга чалди. Ламиа шу ишорани кутиб тургандай бирданига ўрнидан турди.

– Вапур вақтим келди, афандим... Рухсатингиз билан кетай энди, – деди.

Вадот билан узундан-узоқ дорилардан, рецептлардан гаплашдилар. Дўстим боланинг икки ҳафтагача кўрмагандай бўлиб тузалиб кетишига ишонтирарди.

Мен ҳамон кучоғимда Мабрура ила бурчакда ўтирар, эҳтиётсиз бир ҳаракат, бир сўз, бир назар билан дардимни ошкор қилиб қўйишдан қўрқардим...

Ламиа кичик қизни олиш учун тўғри мен томонга одим отди.

Вадот ҳазилкашлигини қўймай:

– Ижобатга нақадар тез кўникди, – дели. – Қара, Канон, сенга айтиб қўяйин... Мабрура менга унашилган. Эҳтиёт бўл, уни ажратиб оламан, фалон-пистон деб юрма... Тожларни алмашамиз...

Кичкинанинг сочларига бир эҳтиёткорлик билан бўса қўндириш учун эгилардим. Аммо журъат этолмадим. Фақатгина қўлим билан бошини силадим.

Ламиа юзимга қарамасдан:

– Оллоҳга топширдик, хайр, бейафанди. Такрор кўришиб қолганимизга мамнун бўлдим, – деди.

Мен жавоб бериш у ёқда турсин, қисқа бир ташаккур сўзини айтишга ҳам мажолсиз эдим. Оллоҳдан бўлиб, Вадот гапга аралашди. Ламиани кузатаркан, бир-икки кун ичида Бейларбейига бораман, аммамга учрашаман, дер эди, боришимдан олдин хабар жўнатаман... Маббурани ортиқ у ерда кўриб турсам бўлмайдими? Ҳамда аммам ҳам сиздан хафа бўляпти... Қўшни бўлганимиз ҳолда бир марта ҳам уни зиёрат қилмабсиз...

Вадот анчагача ташқарида қолди. Хонага қайтганда мамнун ва мушфиқ табассум билан Ламиадан баҳс бошлади:

– Қандай бир фаришта каби сокин, нозли, мазлум бир аёл бечора... Сўнгра содда кўриниши остида руҳининг шундай назокатлари борки, ҳайратда қоламан... Нима дейишса деяверишсин... Дунёда изтироб билан аламдай зўр тарбиячи бўлмайди... Бу шўрлик қизнинг бошига нималар тушганини биласанми?

Лоқайдона деразадан қараб:

– Йўқ, – дедим, – зотан жуда оз танигандим. У вақт бир бола эди.

– Шўрликнинг бошидан бир зўрлаш фожиаси ўтган. Бу кичик қизи билан бирга Кутаҳйага жўнатиб юборганлар... У ерда қариндошларимдан бирига текканди... Сўнгра ҳеч йўқдан бир масала учун ажрашдилар... Ҳозир бу ерда Бейларбейида ёлғиз ўзи яшайди...

Айни ўша лоқайдлик билан:

– Оилангиз билан кўришишда давом этяптими? – дедим.

– Онам, табиий, учрашмайди. Лекин аммам... Зотан онам билан аммам орасида қадимдан бери зиддият бор. Ҳа, аммам Ламиахоним ила кўришиб туришни уятли деб билмади... Айни чоғда жуда муҳтарам бир аёл. Кўришиб туришдан ор қилмайди. Бу ерда яхшигина вақтимизни йўқотдик, Канон... Қани, кетдик энди...

...Ламиани кўришдан ҳеч умидим йўқ эди... Уни бошқа бир дунёда яшайди, деб ўйлардим... Унга бир кун, кутилмаган бир ерда дуч келишим эҳтимолини хаёлимга келтирсам "мумкин эмас, – дердим, – мен бундай таъсирга чидолмайман... "

Бугун Чарос билан кўз кўзга тушган, бирданига боламни қучоғимга олган вақтимда азобли бир эсанкирашдан бошқа нарсани ҳис қилмагандим. Сўнгра у билан юзма-юз бўлганимиз дақиқаларда сирларимни билдириб қўйиш қўрқуви қалбимни одатий бир сиқувга олганди. Лекин бир оз кейин ўзимни Вадот-ла бирга у сарин ва танҳо казино боғида бўлганим вақт кўнглимда теран бир нашъа уйғона бошлади. Бу нашъа, худди мастликда бўлгани каби, дақиқадан дақиқага

ортиб борарди, неча-неча ойлардан бери йўқолган у ҳаёт завқини янгитдан бутун қудрати билан топаётган эдим.

Сўз орасида Вадотдан Ламиага доир бир қанча маълумот олдим. Ажралишаётган вақтимизда дўстим қачон йўлга чиқишимни сўради.

Кулиб жавоб бердим:

– Айтдим-ку, борадиган ерим тайин эмас... Шундай фикр ва орзудаман холос. Лекин қачон? Буни воқеалар оқимига ташлаб қўйганман...

... Вақт кеч. Ухлашни хоҳламайман. Бунчалик масъуд бир кечани ухлаб ўтказиш гуноҳ эмасми? Ламиани такрор топдим... У эски ёз савдосининг Чаросда ҳалиям тириклигига аминман. Уни яна кўраман... Эҳтимол... Бир неча ойдан кейин, ҳатто ундан ҳам қисқа вақт ичида... Оҳ, қандай ажойиб... Ҳаётдан бекорга умидимни узибман...

XVI

17 август

Иссиқ бир ёз куни... Боғлар қиём қуёшининг кўз қамаштирувчи зиёлари остида охири йўққа ўхшаб кўринади. Қаршидаги қоялар эриган маъданларга ўхшаб пориллайди. Бир-бирига қўшилиб оқаётган сувларнинг устида туманлар йиғилган... Шийпонлар деразаларини бекитган...

Ортиқ абадиян меники бўлган Чаросим билан бирга қудуқ бошидаман.

Севгимизнинг энг эски маҳрами бўлиб қолган Карам яна вазминвазмин айланади. Мабрура тўрт йил аввал Фикрат-ла Самиҳа ётган беланчакда ухлайди, ҳали муштуни тугиб олган жажжигина қўлида эзилган бир узум шингили бор... Бир боғ меваси бўлгани учунми, ажабо, қизим узумни жуда яхши кўради... Қуш полопонлари каби узумдан бошқа нарсани емайди...

Билаклари, бўйни, юзи, қўнғироқ сочлари ҳаммаси узумга белангган... Қизимни ўпган вақтимда дудоқларим ёноғига ёпишади, ўпичларимдан узум ҳиди, узум лаззати келади...

Мабрура бир оз аввал Карамнинг вафокор елкасида қудуқнинг атрофида айланарди. Энди бўлса чарчаб бўшашди. Сувлар сарин шарқирашлари билан мармар ҳовузга тўкилади, Ламиа ёнимда, боши елкамга суялган, қўллари бўйнимда қулфлоғлиқ...

Дудоқларида, ярим юмуқ яшил кўзларида кулимсираган бир рўё бор... Читлембикларнинг кўлкаси сепкилли ёноқларида ўйнайди...

Оҳиста ҳовузга чўзиламан, сувларнинг ичидан совутилган бир бош узумни оламан... Ҳўл бармоқларимдан юзига бир неча марта томчитомчи сувларни сачратаман. Чарос сесканган бир боладай титраб уйғонади, кулимсираб кўзларимнинг теран-теранларига қарайди.

Узумни лабларига тутаман:

– Уйланар-уйланмас нечун мутлақо Измирга, Бўзёқага келганимизни энди тушундингми, Чарос, – дейман, – бошқа жойда бу гўзал ёз савдосини бу қадар теран ҳис қилишимизга имкон йўқ эди.

тиробли бир табассум бор эди. Эҳтимол ичида менга аччиқланган... Эҳтимол бошидан ўтган аламларнинг аччиқ бир хотираси, вақти-соати билан у қадар совуқлик билан синдирганим аёллик ғурури унга буларни айттиргандир... Ундай бўлса, демак, ҳаммаси ўлмаган... Эҳтимол бир кун ... Ким билади... Ҳа, умид ўлмайди...

XVII

12 сентябрь

Оқшом қоронғилиги қўйнида бир дарахтга суяниб турардим. Бандаргоҳдан чиқиб келаётган сўнгги вапур йўлчилари орасида Вадотни кўрганимда жадаллаб юра бошладим. Суръат-ла ёнидан ўтаётгандим, қўлимдан тортди. "Йўл бўлсин, Канон? Қаёққа шошяпсан?" – деди.

Уни энди кўргандай сохта бир ҳайрат-ла:

– Сенмисан, доктор, – дедим, – Вапурга. Илтимос, мени тутма...

Дўстим кула бошлади:

– Бекорга чарчайсан, – деди. – Сўнгги Вапур кетди..

Бу сафар ҳам сохта бир афсус билан чапак чалдим:

– Қўйсанг-чи, Худо ҳаққи... Воҳ, воҳ... Истанбулга қайиқ билан кетиш лозим бўлади, чоғи... Мен кўпдан бери денгиздан қўрқа бошладим. Лекин на чора...

– Бу ерда нима ишинг бор эди?

– Отаси ўлган бир дўстимдан ҳол сўрагани келгандим...

– Дўстинг қаерда туради?

– Шу ерларда бир жойда. Маҳаллаларининг номини билмайман... Ҳар қалай узоқда... Қайиқ топа билсам керак, нима дейсан?

– Мутлақо кетишга мажбурмисан? Ишинг борми?

– Йўқ, зарур ишим йўқ... Лекин боришим лозим... Кечани кўчада ўтказмайман-ку... Бу ерларда отел-потел деган нарсалар ҳам йўқдир? У жаноза ерига қайтиш ҳам ноқулай... Хуллас, қайиқдан бошқа чора йўқ...

– Аксинча, азизим... Меникида қоласан... Сен билан чиройли бир кеча ўтказамиз.. Ҳозир тўлиной ҳам чиқади...

– Қандай, сен шу ерда турасанми?

– Ўз уйим эмас, аммо менинг уйим ҳисобланади. Бир неча кундан бери Бейларбейидаман...

– Шундайми?

– Ҳа... Дарвоқе, сенга айтувдим-ку..

– Қачон?

– Ҳов анов куни қабулхонамда... Ҳатто аммамнинг кўшкидаги тўлинойни ҳам сенга шоирона бир тасвирлаб ҳам бергандим.

Айни сохта ҳайрат билан:

– Эсимда йўқ, – дедим.

Эскитдан Вадот билан ойда, йилда бир кўришардик. Деярли расмий икки ошна эдик. Сўнгги ойларда муносабатимизни самимийлаштириш учун бор кучим билан тиришаётган, бир-биримизни кун ора, ҳар кун кўриш учун баҳоналар ижод қилаётгандим.

Дўстим давом этарди:

– Бу зўр тасодиф бўлди, Канон. Истасанг сен билан бир оз ойдинда айланамиз.

Севинчимни яшириш, бир ошириб-тошириб юбормаслик учун дудоқларимини бурардим:

– Билмадим, аммо. Сизларни нотинч қилмасам деб қўрқаман...

– Бу комедияни тайёрлаш учун қанчалар эзилиб, қанчалар чарчагандим. Кеча кечқурун ҳам Вадотни худди ўша ерда кутгандим. Дўстим чиқмагунча кечаси қайиқ билан Истанбулга қайтишга мажбур бўлгандим. Вадотнинг аммаси сал пастлаб кетган бир ёнбағирнинг бошида катта боғли бир дала-ҳовлида турарди. Темир панжарали бир дарвозадан кираётган вақтимизда дўстим оқланган бир кичик уйни кўрсатди:

– Ламиахоним шу ерда туради, – деди.

Лоқайдларча:

– Шунақами... Жуда яхши, – дедим. Ичкари кирдик.

Вадотнинг аммаси кексагина бир хоним афанди эди. Мени жуда яхши қабул қилди.

Кечки овқатдан сўнг дўстим мени ойдинда айлантирмоқчи эди. Чарчаганлигимни баҳона қилиб рад этдим, боғда хоним афанди билан суҳбатлашиб ўтиришни устун кўришимни айтдим.

Сўзни шундай бир оқимга буриб юборгандимки, хоним афанди мусиқадан баҳс эта бошлади:

– Оҳ, Қанон Бейафанди... Сизнинг камонингиз фавқулодда бир нарса эмиш, – деди.

Вадот маъюсона бошини чайқади:

– Янада тўғрироғи, шундай эди, амма, – деди, – лекин минг бор таассуфлар бўлсинки, ташлаб кетди... Энди чалмайди...

– Нима учун?

– Канон англашилмас одам... Сўнгра бошқа сабаблар ҳам бор..

Қари хоним афанди бу сабаблар нималигини сўрамади. Шунчаки таъсирланган бир тавр билан бошини чайқади. Вадот бир муддат аввал мажҳул ихтилофлар натижасида завжам билан ажрашганимни унга айта бошлаган эди. Мен, аксинча, қувноқ бир чеҳра билан:

– Бир кеча орзуйингизни амалга оширишни жуда истардим, хоним афанди, – дедим, – айниқса бундай тўлинойли вақтларда камон чалиш мен учун ҳам завқли бўлади. Уйда бир камон бўлсайди...

Вадот ўрнидан отилиб турди:

– Яша, Канон, – деди, – сен истаганингдан кейин мен камонни ер тагидан бўлса ҳам топаман... Қўшнимиз Нусрат Пошоларда бир камон бор эди, назаримда, тўғрими, амма?

... Орадан ярим соат ўтганда юқорида, деразалари тўлганойга қарата очилган бир салонда камон чалишни бошлаётгандим. Аввалига қалбимда ва бармоқларимда тараддудга, қўрқувга ўхшаган бир оғирлик

бор эди. Кўзларимни аста юмдим, қаршидаги оқ кичик уйни тасаввур қилдим. Мабрура сариқ жингала бошини онасининг тиззасига қўйганча ухлаган... Ламиа катта бир лампанинг сариқ сочларига бир зиё юмшоқлиги берган шуъласи остида битмас-туганмас тикишларидан бирига чўмган эди... Ташқаридаги ойдин кечадан келган бу камон сасини бирданига таниди.. Қизининг бошини оҳиста ёстиқнинг устига қўйди. Тўғри очиқ деразага қараб келди. Ортиқ гапиролмаган, анави куни тили билан англатишга муваффақ бўлолмагани катта савдони камоннинг тили билан сўйлаши лозим... Мусиқа аста-секин умидсиз бир фарёдга айлана бошлади... Юзимни қоронғиликка ўгиргандим, кўзларимдан камонимнинг устига ёшлар оқарди. Ҳозир ижро этганим парча Ламианинг бир кеча бошини пианинога қўйиб, йиғлай-йиғлай тинглагани парча ... Аминманки, бу дақиқада у яна мен билан баравар йиғлайди... Ортиқ бир-биримизни топмадикми, Чарос? Сени такрор кўрган вақтимда ортиқ менга бегона каби боқмаяжаксан, бу буюк савдога ортиқ "дудоқларимизнинг ва кўнглимизнинг бирон нозик бир эрмаги" дейишга журъат этмаяжаксан, шундай эмасми?

XVIII

21 сентябрь

Сўнгги умидим ҳам сўнди. Ҳаммаси тамом бўлди.

Ўша кечанинг эртасига эрталаб унга узун бир мактуб ёзгандим. Хаёлимда Ламиа менга мутлақо бир яхши жавоб беражак эди. Кунлар ўтар, жавоб келмасди. Айни чоғда бу сўнгги умидни бир турли қалбимдан кеткизолмасдим.

Бугун бир баҳона билан Вадотга учрадим. Дўстим қабулхонасида бир хаста билан машғул эди. Саккиз-ўн дақиқадан кейин ёнимга келди. Ҳам маъюс, ҳам мамнун бир ҳолда эди.

– Биласанми, Канон, – деди, – баъзи соатларда инсон ўз касбига душман бўлади... Ишлаш бир исканжа ҳолини олади.

– Ҳа, – дедим, – айниқса инсоннинг бир изтироби бўлса...

Вадот шиддат билан бошини чайқаб рад этди:

– Йўқ... Маъюс инсон учун ишлаш доридай бўлади... Фақат ҳаётда баъзи нодир ва севинч соатлари бор... Масъудсан... Бу бахтни ҳали яхши тотиш учун атрофингдаги инсонларни ҳам масъуд кўришни истайсан... Ҳолбуки, чорасиз бир дард билан юзма-юз келасан... Масалан, бир оз аввал қабул хонамдан чиққан ёппа-ёш бир одам каби мутлақо ўлишга маҳкум бир хаста сендан шифо истаб келади... Ҳақиқатан, докторлик ёмон касб...

Диққат билан юзига қарадим:

– Сенда бир фидокорлик бор, Вадот, – дедим, – ё ошиқ бўлиб қолдингми?

Буни шунчаки гапни гапга улаш учун айтгандим. Дўстим бир оз қизарди. Керагидан ортиқ асабий ва ҳаяжонли бир қаҳқаҳа билан кулиб:

– Ғалати одамсан-да... Айтган нарсангни қара, – деди.

Ортиқ ўзимни ҳимоя қилмадим: "Ёшлик бу... Нега бўлмасин?" дегандан кейин гапни ўзгартирдим, бошқа нарсалардан баҳс эта бошладим.

Вадот мени тингламас, асабий одимлар билан хона ичра айланарди. Ниҳоят қаршимда тўхтади:

– Сенга бир нарсани айтай, Канон, – деди, – мен бир телбалик қиляпман: уйланмоқчиман...

Ҳушёр, хурсанд, ҳазилкаш, жасур Вадот бир айб қилиб қўйган мактаб болага айланганди. Уятчан бир поклик билан изоҳ бера бошлади, шу бир калимасини ҳам ортиқ унутишимга имкон қолдирмайдиган сўзларни айтди:

– Энди айтаверсам зиёни йўқ... Чунки иш қатъийлашди. Биласанми, кимни оляпман... Таниганларингдан бири... Ҳали Измирдалигингдаёқ таниганинг хоним... Ламиахоним... Бу никоҳ оилаларимиз орасида кўп миш-мишларга сабабчи бўлади... Чунки олдинги эри яқин қариндошларимдан... Лекин бу бир оз зарурий ҳам... Деярли бир виждон масаласи... Ламиахонимнинг ажрашишига мен сабаб бўлгандим... Ноўрин бир ғийбатларга учрагандик... Қасам ичиб айтаманки, орамизда ҳеч гап йўқ эди... Ташқарида бўладиган ғийбатларни биласан. Айни чоғда қалбимда бир нарса йўқ эди десам ёлғон бўлади, Канон... Ҳар турли ёмон эҳтиросдан покиза бир шафқат... Истасанг буни савдо дея қолайлик. Лекин яширин, таҳлил қилинмайдиган бир савдо... Эридан эндигина ажрашган чоғида Кутаҳйада уни никоҳга таклиф қилгандим. Яъни вазифамни ўтагандим. Лекин рози бўлмаганди. Истанбулга келганда ҳам шундай қаттиқ турди... Буни негадир ўзимча изоҳлай олмасдим. Мени ёқтирмасди деёлмайман.. Ҳатто, аксинча... Энди яна сақланишига лузум қолмади... Аксинча, унда баъзи яшира олмаган севги аломатларини ҳам кўрардим... Лекин шуларга қарамай рад этар, хотиним бўлишни истамасди. Бунга сабаб қилиб ҳеч ўзгармаган шу сўзларни айтарди: "Биласизки, менинг эски бир саргузаштим бор... Бу деярли узун бир хасталик бўлди. Бугун ортиқ ҳеч қандай аччиғини чекмайман. Тамомила тузалдим деб ҳисоблайман... Лекин ўтиб кетмаган бўлса-чи, Вадотбей... Агар бу хасталик ўтиб кетмаган бўлса, бир кун бирданига асорати юзага чиқиб қолса, нима бўлади? Жуда кўп фазилатларингиз бор... Шунга қарамай ҳаётингизни бечора бир хотинга бериш мурувватидан воз кечмаяпсиз. Буларнинг эвазига бу хотин сизга покиза бир қалб бермаса, сизни лойиқ бўлганингиз даражасида севмаса, афсусли бўлмайдими? Бу хасталикнинг бутунлай ўтиб кетганига, сизни севиб қолганимга амин бўлмаганимдан кейин таклифингизни қабул қилолмайман..." Кўряпсанми, Канон... Бу хотин нақадар тоза бир хилқат... Аммамникида қолган кечангизнинг эртасига эрталаб... Уйдан чиқиб кетганингизда, бир хастани кўриб келиш баҳонаси билан сен билан хайрлашдим. Сен бандаргоҳга индинг, мен ёндаги тор кўчадан танҳо бир майдонликка чиқиб қолдим... Ламиахонимнинг бу соатларда, менинг

тавсиямга кўра, қуёш ваннаси қабул қилишини билардим. Яна ўша ерда эди. Гаплаша бошладик. Сендан сўз очдим:

– Камонни ким чалганини, табиийки, англадингиз, – дедим.

– Ҳа... Танимаслик мумкинми?

Мен давом этдим:

– То тонг отгунча бу камон садолари қулоғимдан кетмади. Мусиқага нисбатан унчалик ҳассос эмасман. Лекин қандай руҳий ҳолатда бўлганимни биласиз... Шу сабабли менга жуда қаттиқ таъсир этди... Сиз ҳамон таклифимга мувофиқ бир жавоб бермайсизми, Ламиахоним?

Яна ҳар доимгидай тараддуд билан юзимга қарашини, маъюс бир тарзда: "Хасталигимнинг такрорланмаслигига амин эмасман" дейишини кутардим.

Лекин бу сафар Ламиа ундай қилмади, бошини эгиб олганча сукут сақлади.

Бу ҳол менга ғаройиб бир жасорат берди. Илк марта ўлароқ қўлини ушладим. Бу деярли беихтиёр бўлганди. Сесканади, хафа бўлади деб ўйлагандим. Лекин Ламиа қўлини тортиб олмади, мазлум бир таслимият билан кафтимнинг ичига қолдирди. Ёшга тўла бу кўзлар, бу нигоҳ ҳар вақтдагидан бошқача эди: "Вадотбей, – дерди, – мени ҳамон хоҳлаётган бўлсангиз, ортиқ сизга жавоб бера оламан... Хасталигим ўтди... Бунга аминман. Агар ўтмаган бўлсайди, бугун мутлақо янгиланган бўларди... Эски саргузаштдан ичимда ҳеч бир из қолмапти..."

Бир тўлинойли ёз кечасида узоқ бир камон садосидан туғилган бу ёш қизнинг савдоси беш йилдан кейин яна ўша садолар ичида сўнган эди.

XIX

2 декабрь

Бу тонг, ҳавони баҳор кунидай тоза ва илиқ кўрганда севиндим. Истанбулдаги сўнгги кунимни бўш ўтказмайдиган, қизимни яна бир бор кўрадиган бўлдим. Улар ҳозир Ҳисор ила Бабак орасида бир далаҳовлида туришади. Очиқ ва иссиқ кунларда ўрта ёшли бир хотин Мабрурани Бабак боғчасига олиб келади.

Бу мавсумда боғча одамлардан холи. Оқ халатли тарбиячилар айлантиришга олиб келган болалари билан қуруқ япроқларнинг орасига тушган ейишли ташландиқларни тўплашга инган қушлардан бошқа ҳеч зот йўқ.

Мабрурани бу болаларнинг орасида тасодифан кўрганим кундан бери тез-тез болалар боғчасига келиб турардим... Танҳо гўшалардан бирида бир диванга ўтириб йўлини пойлардим. Тушга яқин қизим тарбиячисининг олдида қизилга бўялган бир кичик аравача ичида қўғирчоқларни кездириб боғчада ўйнарди...

Мабрура ҳуркак табиатли бир бола ... Бир-бирини қуваётган, дарахтларга тирманаётган, ёқалашиб шовқинлаётган болаларга қўшилишга журъат этмайди... Уларни узоқдан томоша қилиш билан кифояланади.

Энагаси баъзан бошқа хизматчилар билан гап сотиб ўтиради. Мабрура мен ўтирган диванга яқинлашади. Ҳеч гаплашмаган бўлсак ҳам ўртамизда яширин бир яқинлик бор. Бўйи етмаган бир шох новдасини узиб аравасига таққан, митти тунка пақирчасига қум тўлдирган чоғимда қўрқа-қўрқа менга қараб кулади, оҳиста-оҳиста сочларини силайман.

Қизим мени бир куни боладай йиғлатди. Энагаси яна хизматчиларнинг орасига кирганди. Мабрура узоқ бир бурчакда қумлар устида ўтирган, у кун аравача ўрнига олиб келган бир кичик бешикча ичида "болалари"ни тебратарди. Секингина ёнига бордим. Шу қадар ўзи билан ўзи овора эдики, мени кўрмасди.

Мабрура бир жажжи она ғамхўрлиги билан "болалари"ни ухлатар, ингичка овоз билан менинг Бўзёқада чалганим ўша эски аллани, онасининг алласини айтарди.

Демак, қизимни, етим бўлиб туғилган пайтидан бери, ҳар кеча шу алла билан ухлатганлар.

... Бугун боғчада фавқулодда бир ҳолни кўрдим. Болалар билан тарбиячилар боғчанинг ўртасига тўпланишган, қизғин бир нарса муҳокама қилинарди. Ўн икки ёшлардаги бир қизнинг мени кўрсатганини пайқадим. Ҳамманинг боши ўгирилди. Мени у ерда кўришга ўрганиб қолган сурбет авзоли семиз бир армани хизматчи илжайганча ёнимга яқинлашди:

"Кечирасиз, бейафанди... Бир илтимосим бор" деди-ю гапира бошлади. Тарбиячилар билан саккиз-ўн ёшлардаги болалар эрмак учун бир гўзаллик мусобақаси уюштирганлар... Мусобақага кирадиган болаларни боғчада қолган сўнгги гуллар билан безатганлар... Лекин бир турли ютуқ ўринларини адолат билан тайин этмаганлар... Ораларида жанжал бўлиб кетишига сал қолган...

Хуллас, мени ҳакам этиб тайинламоқчи бўлишипти. Шу иш учун деярли ёлворардилар. Жилмайиб рози бўлдим... Болаларни бирма-бир олдимдан ўтказа бошладилар. Булар тўрт-беш ёшлардаги чиройли-чиройли болалар эди. Ҳар бирини қўлтиғидан тутиб ҳавога отар, сўнгра ерга қўярдим.

Мабруранинг гали яқинлашганини ҳис қилганимда теран, заифона бир ҳаяжонга тушдим. Назаримда қизимнинг юзини юзимга яқинлаштирганимда, ўзимни, мувозанатимни тутолмаслигим аниқ эди. Сиримни фош қиладиган бир ҳаракат қилиб қўйишим турган гап. Қуюқ мовий кўзларимизнинг бир-бирига айнан ўхшашлиги ҳаммасини айтарди... Бу менга бирданига "Қора юлдузлар"ни, бошқалар ичида бир севгилисини танимаслик учун кўзларига мил тортган бадбахт шаҳзодани эслатди...

Киприкларимга тўпланган ёшларни қайтариш учун кўзларимни юмдим, қизимга сўнгги марта қарай олмадим...

XX

Эртага Измирга йўл оламан. У ерда ҳеч тўхтамай Сайдиқўйга кетаман. Ёлғизликка бардошим қолмади.. . Сўнгги умидим синглим Афифада. Ҳаётимиз неча йиллардан бери айри ўтмоқда... Лекин нима зиёни бор... Ўтмишимдан бир у ёдгор қолди... Қор пўртанаси ичида машаққатли бир кеча

йўлчилигидан сўнг ўчоғининг оловига етишган бир инсонга ўхшаяжакман... Синглим менга ўтмишдан, Тулкиликдаги фақир уйимиздан, онамдан гапирганда кўзларимни юмиб оламан... Ўзимни такрор у кунларнинг муҳити ичида кўраман... Болалигимнинг маҳзун ва виқорли фароғати янгидан ичимга сузилади. Ундан кейин ўтган йилларнинг беҳуда умидлари, заиф ҳаяжонлари, қизиққон эҳтиросларини ичимдан сидирилади... Бошимнинг ичида замон ҳисси тўхтайди... Ҳеч нарсани ҳис қилмайман, хусусан, ҳеч нарсани истамайман... Руҳимни бир ихтиёрий ҳимояга бахш этаман... Бир ўлик каби амалсиз, эҳтироссиз, виқорли ва бахтли бўламан... Бу руҳ хотиржамлигини ҳозир фақат синглимдан кутяпман...

Кеча оқшомдан бери Сайдиқўйдаман... Бу ерга етиб келганимда ўрталиқ қорайганди, нафис, совуқ бир қиш ёмғири ёғарди.

Мени ғамгин манзарали бир далага олиб келдилар, янги ёқилган лампа ҳали қоронғилигини тарқатолмаган бир хонага олдилар. Қуюқ мўйловли, йирик бир одам ҳол-аҳволимни сўради. Ҳуркак авзоли болалар, лабларини чўччайтириб қўлимни ўпдилар. Бир нима дейишга журъат ва куч тополмай бошларини силадим.

Бу хонада бу йирик гавдали одам, ёнимга яқинлашишдан тортинган болалар ичида ўзимни ёппа-ёлғиз ҳис этардим. Бир оз аввал тинимсиз ёққан ёмғир остида ўтганим қирларда ўзимни янада ёлғизроқ ҳис қилгандим.

Бир-биримизга айтишга сўз тополмасдик. Куёвим беш ёшли энг катта қизидан:

– Ойинг қаерда қолди? –деб сўради.

Бола уятчан бир софлик билан жавоб берди:

– Янги кўйлагини кийяпти...

Аччиқ-аччиқ кулимсирадим. Синглим мен билан кўришиш учун янги кўйлагини кийяпти... Эҳтимол бу бевақт келган меҳмонга ичида жони чиқаётгандир...

Эшик очилди. Ичкарига болалари каби ҳуркак авзоли, семиз бир уй хотини кирди. Уялаётган бир ҳолда ёнимга келди. Оҳиста:

– Хуш келибсиз, ака... Қўлингизни ўпай... – деди. Муздай совуқлиги сезилиб турган дудоқларим билан мен ҳам манглайига бир бўса қўндирдим. Ҳаммамиз битта-битта бурчакни эгаллаб ўтирдик. Хонада музтариб бир сукут ҳукм сурарди. Неча кунлардан бери сабрсизлик билан ўйлаб қўйганим нарсаларни айтиш жуда ўринсиз кўринарди. Бу семиз, лоқайд, бегона, тошдан ташқаридаги хотиннинг синглим билан алоқаси қолганми? Унда ҳатто онамнинг мовий кўзларини ҳам ортиқ тополмаётган эдим.

Гап бошлаганимда Афифа мени тинглаётгандай кўринарди. Фақат хаёли бутунлай бошқа нарсалар билан банд эди. Болаларининг бежо хатти-ҳаракатларидан жони сиқилар, уларга қоши билан, кўзи билан таҳдид қиларди.

Сўнгра эрининг пайпоғидаги йиртиқни кўрсатиб айблашимдан кўркди. Унга, уй шиппагингни кийиб ол, деган мазмунда ишорат қилди.

Ниҳоят мен ўтирган жойда унутилган лампа сочиғига кўзи тушди. Менга сигарета беришга тураётгандай сочиқни олди, билдирмасдан миндарнинг тагига бекитди.

Дастурхонга ўтирганимизда:

– Айбга қўшма, ака... Нима қилай, биз қишлоқи одамларимиз, – деди.

Овқатдан сўнг мени дарҳол ётқизиш учун тоза бир хонага чиқардилар.

Синглим чиқиб кетаркан:

– Кўп қоласанми, ака, – деб сўради. Лекин бирданига ноўрин савол бериб қўйгандай уялди:

– Худо ҳаққи, хаёлингга бир нарса келмасин... Воллоҳ, унинг учун эмас... Бошимизнинг устида жойингиз бор, – дея узрини билдирди.

– Йўқ, – дедим, – йўл устида бир шўнғигандим. Бир-икки кун қоламан... Онамизнинг мозорини ҳам зиёрат қилмоқчиман...

Онамиз... Бу калимани айтаркан юрагим қушдай типирларди. Назаримда бу калима мўъжиза таъсирига эга эди ҳамда Афифа ила бир ўринда ётган кунларнинг жондош-қондошлигини уйғотираради. Йўқ... Афифа қошларини чимирди:

– Ҳали тош ҳам қилдирмадик, – деди, – эл назарида айб бу, аммо...

Нима деб жавоб беришни билмасдим. Синглим "Оллоҳ тинчлик-хотиржамлик берсин" дея хонадан чиқди.

Бу тонг онамнинг мозорини қидириб топдим... Менга хароб, нам қоронғи қабристоннинг бир бурчагида йиқиқ, тошсиз бир мозорни кўрсатдилар.

Соатларча ўтирдим. Бир турма хонасида отамнинг бизга уд чалгани кундан онамдан айрилганим кунгача ўтган замонларни такрор-такрор хотирладим.

У ердан кетаётган вақтимда маҳзун бир табассум билан:

– Ҳаққим йўқ бўлса ҳам, сенга ҳеч қарамаган бўлсам-да она дедим, ҳали болалик чоғимдаёқ: "Мен ҳаётнинг, ҳаёти мағлуб бўлган боласиман, она..." дея зорилладим. Инонмасдинг, кулардинг... "Сен ҳали кўп чиройли кунларни кўрасан, Канон" дердинг... Чиройли кунларимни сен ҳам кўрасан, она, дердим... Мен энди бу қабристон бурчагида сенинг сокин ва виқорли саодатингга имранамин, онажоним...

* * *

Бу зиёратдан олти ой ўтгандан кейин Измир газеталаридан бирида шундай бир хабар босилиб чиқди:

"Баладия собиқ раиси Соиб Пошонинг жияни Ҳусайн Канонбейнинг кеча ўз жонига қасд қилиб вафот этгани ҳақида дард-алам билан хабар топдик. Асабий нотинчликдан музтариб бўлган Канонбей бир неча ойдан бери тоғасининг Бўзёқадаги боғида узлатни ихтиёр қилган-ди. Мунаввар ва ватанпарвар бир йигит эди. Мусиқага истеъдоди бор эди. Бевақт ўлими биз учун катта йўқотишдир".

ҲИКОЯЛАР

СЕВГИ МАКТУБЛАРИ

Бир куни кечқурун Расим мактабдан қайтганда бир мактубни кўриб қолди. Қимматбаҳо чиройли бир қоғозга янги алифбода[1] шундай деб ёзилганди:

«Расимбей, мен Сизни севаман. Дадил айта оламанки, мен ёшман ва жуда чиройлиман. Сизнинг муҳаббатингизни қозониш ва Сизга хотин бўлиш – бу ҳаётдаги энг катта истагимдир. Биз иккаламиз ҳам жуда ёшмиз, шунинг учун мен бир неча йил кутишим керак бўлади. Менга «суриштириб оладиган» мактублар ёзинг. Отам жуда мутаассиб киши. Мени кўчага аҳён-аҳёнда чиқаради. Шундай бўлса ҳам Сиз билан қаердадир учрашиш насиб қилиб қолар, деган умиддаман. Мен ўзимни Сизнинг маҳбубангиз ва қаллиғингиз деб биламан. Шунинг учун, назаримда, учрашсак беадаблик бўлмаса керак. Уйда Сизни кўргим келиб, жуда сиқилиб кетаман, шунинг учун Сизнинг мактубларингиз мен учун катта тасалли бўлади. Бадиа».

Расим, ўн олтига кирган ҳамма мактаб болалари сингари, бу ҳаётда севгидан ҳам муҳимроқ бирон нарса бўлиши мумкинлигини тасаввур қила олмас эди. Мактубни ўқиб чиқиб улгурмасидан юрагини ғупиллаб бир алангаи оташ қоплади: унда бу нотаниш қизни кўриш иштиёқи уйғонди. Шу оқшом кинога бормоқчи эди, бормади.

Ўз дарсхонасига кирди-да, эшикни бекитиб олиб, қизга узундан-узоқ жавоб мактуби ёзди. Уни почта қутисига ташлади, ўз назарида юксалгандай ва гўё ўн ёш каттайиб қолгандай эди. Ўзини Бадиа деб таништирган қиз Расимнинг мактубларига жуда эҳтиётлик ва тартиб билан жавоб қайтарарди. Агар Расимнинг жавоби бир-икки кун тутилиб қолса,у қаттиқ зардали хатлар ёза бошларди.

«Шуям адолатданми, бир бечора қиз ўзининг энг илоҳий ва мунис севгисини изҳор қилган бўлса-ю, Сиз уни асабийлашишга мажбур қилсангиз. Ахир Сизга, мен бутун дунёдан узилиб, тўрт девор ичида қамалиб ўтираман, сизнинг мактубларингиз менинг бирдан-бир қувончим, деб очиқ-ойдин айтмаганмидим? Бунинг устига хатларингиз жуда қисқа. Ёки менга ёрилишдан уяласизми?.. Яна бир илтимос: мактубларингизни сал тушунарли қилиб хуснихат билан ёзолмайсизми?»

Йигитча бутун оқшом бўйи ўз хонасида ўтирар, севгилисига ёқиш учун соатларча қоралама жумлалар тузар, кейин узун-узун хатлар ёзарди.

[1] Янги лотин алфавити Туркияда 1928 йилда қабул қилинган.

Бу Бадиаси қурмагур ҳар нарсага қизиқадиган қиз экан. Бир сафар у Расимга шундай савол билан мурожаат қилибди:

«Тўйдан кейин асал ойимизни ўтказиш учун қаёққа борамиз – Италиягами ё Швейцариягами? Қизиқ, қанақайкин бу юртлар? У ерда одамлар қандай яшашаркин, нималар билан машғул бўлишаркин?

У ерга бориб олиш учун қандай денгизлардан сузиб ўтиларкин, қандай юртлардан ўтиб бориларкин?»

«Сиз Абдулҳақ Ҳомиднинг «Эшпер» асарини ўқиганмисиз? Агар мумкин бўлса, Сизга қайси жойлари кўпроқ ёққанини ёзиб юборинг», – деб сўраганди у.

Шундан кейин бизнинг мактаб боламиз севгилиси олдида ўзини обрўсизлантирмаслик учун кун уззукун меҳнат қилди, географиядан, адабиётдан керакли китобларни топиб, бирма-бир варақлади, уни қизиқтирган саволларга жавоб ахтарди.

Хатларининг бирида Бадиа хафа бўлиб Расимга танбеҳ берган эди:

«Мен энди Сиз билан кўришаман деб аҳд қилган эдим. Кеча Сиз мактабдан қайтаётганингизда, Сизни тўхтатаман-у, гаплашаман, десам, Сиз шу қадар палапартиш кийимда, ботинкаларингиз исқирт эканки, буни кўриб уялиб кетдим. Сиз ёшгина, чиройли қизнинг севгилиси эканингизни унутманг-да, ахир. Нима бало, ёш болаларга ўхшаб, ўртоқларингиз билан ёқалашдингизми? Бу аҳволда мен Сизни хижолат қилиб қўйишга ботинолмадим».

Расим қаттиқ уялиб, хафа бўлиб кетди. Шу кундан эътиборан эгнибошига диққат билан қарай бошлади, энди ҳар доим ўзини тоза тутишга уринарди.

Бошқа сафар Бадиа Расимнинг дарслардан кейин дарҳол уйга кетмай, то қоронғи шомгача кўчаларда тентираб юргани учун ғина қилди. Бу ёқда бир қиз уйида уни деб қон йиғлаб ўтирса-ю, у эса, бошқа қизларнинг кетидан югуриб юрса – шуям иш бўлдими?

Наҳотки, шундай қилиш кўнглига сиғса?

Расим жавоб хати ёзиб, ҳаётда ундан бошқа ҳеч кимни севмасликка онт ичди. У эндиликда кўчаларда тентираб юришга ботинмас ва ҳатто бошқа қизларга кўз қирини ташлашдан ҳам ўзини тияр эди.

Бир куни кечқурун Расимнинг онаси Надимахоним ғамгин бир аҳволда, кўзлари ёшга тўлиб, эрига ҳасрат қилди:

– Эҳ, бегим, бизникида нималар бўлаётганидан хабарингиз ҳам йўқ. Бадиа деган аллақандай бир енгилтак қиз ўғлимизнинг бошини айлантириб, унга тегиб олмоқчи... Мен Расимнинг хонасини йиғиштираётганда унинг хатларини топиб олдим... Ўғлимиздан айрилиб қолдиганга ўхшаймиз... Нимадир қилишимиз керак...

Фақат, Худо ҳақи, ўзингизни йўқотманг... Ўғлимиз шундай қизиққонки!..

Аҳмадбей эса парво ҳам қилмади.

— Хавотир олма, азизам, — мийиғида кулди у ва овозини пастлатиб, секин-секин пичирлади. — Ўғлимизга севги мактубларини йўллаётган енгилтак қиз — бу менман. Ўғлимизнинг ялқовлиги кун сайин эмас, соат сайин оша бошлади. На ўқитувчилари, на мен — ҳеч қайсимиз қанча уринмайлик, уни лоақал тўғри ва бехато ёзишга ҳам мажбур қилолмадик. Ўйлаб-ўйлаб, мен шундай йўлини топдим. Расим, қизга мактуб ёза-ёза, янги алифбони ўзлаштиришга мажбур бўлади, ана шундан кейингина у синфдан синфга ўтади. У ёғини сўрасанг, мен ўзим ҳам ўз вақтида эски ёзувимизни фақат сенга мактуб ёзиш орқали ўрганганман, билдингми?

ҒАМСИЗНИНГ ЎЛИМИ

Ўша тонг болалар боғчасида фавқулодда ҳаяжон ва жонланиш бор эди. Ўқувчилар байрами куни эди. Бошланғич ва ўрта мактаблар сафсаф марш қўшиқлари айтиб кўчалардан ўтар, шаҳарнинг узоқ сайилгоҳларига ёйилишарди.

Энг катта ўқувчиси олти ёшда бўлган бу марказ мактабининг унчалик узоқларга оборилиши қийин масала эди. Улар, байрамларини — кичик-кичик, энтак-тентак одимлари билан йигирма дақиқалик нариги даранинг бир четида ўтказмоқчи эдилар.

Тайёргарлик даҳшат эди. Мактаб боғи, ранг-баранг либос кийган жонли бир гул даласига айланганди. Ўғил болалар яп-янги ботинкаларини силаб-сийпашар, қизлар бир-бирларининг сочларини тузатар, ечилиб кетган камарларини қайта боғлаб, тугмаларини қадашар эди. Олти ёшли бир қиз тош зинанинг бир поғонасига ўтирган, тўрт ёшли етим бир ўртоғининг сўкилиб кетган кўйлагини тикиш билан банд эди.

Ниҳоят ҳозиргарлик битди, сафлар йўлга ростланди. Бир қўллари билан қатордаги ўртоқларининг қўлини тутиб, иккинчи қўлида — рангли пакетлар, митти-митти саватлар ичида йўл таомларини ва ўйинчоқларини ташиб кетаётган эдилар.

Кўчаларда шовқин-сурон, интизомсизлик бўлмасин дея ўқитувчилар болаларга марш қўшиқлари айттира бошлагандилар. Каттароқ болалар, кўкракларини кериб бор кучи билан, қалблари севинчга тўла бақиришар, кичиклари эса юришда ҳам, қўшиқ айтишда орқада қолиб, одамнинг кулгисини қистатадиган аралаш-қуралаш овозлар чиқаришарди.

Отряд кўчалардан ўтаркан, деразалар очилар, хотинларнинг бошлари пастга энгашиб қарар, дўконлардан сотувчилар чопиб чиқишарди. Барча сайрларда бўлгани каби, бу марказ мактабининг кезишларида ҳам сайёҳларни Ғамсиз бошлаб борарди.

Ғамсиз маҳалланинг сариқ жунли қари бир ити эди. Инсондай ақлли, аммо инсондан кўра вафодорроқ бир махлуқ эди.

Балки қўнимсизлиги ва дарвиштабиат бўлгани учундир, маҳаллада унга Ғамсиз деб от қўйишганди. Лекин аслида у итларнинг энг ғамгини эди, бундан бир неча йил олдин катта бир мусибатга дучор бўлган, бирйўла тўрт боласининг заҳарланганини, шундоқ кўз олдида типирчилай-типирчилай жон берганини кўрган эди. Уларни йиғиштириб олиб кетган ахлат арава кетидан узоқ маҳаллаларгача эргашиб борган, бир ҳафтагача қайтиб келмаган эди.

У қайдадир бирор фалокатга учраб ўлиб кетгандир, деб тахмин қилганлар ҳам бўлганди. Лекин дарвишона ҳамда тавакkалчи кўринишига қарамай, у ҳамма нарсани кўриб-билиб турадиган жуда сезгир ит эди. Ўз тоифасининг душманларини яхши танир, ҳатто баъзан ўзини ишонгандай, заҳарли нонларини егандай, уларнинг тузоқларига тушгандай кўрсатиб, уларни масхара ҳам қиларди. Шунинг учун уни бир ерда фалокатга учраб ўлиб кетади деб бўлмасди. Чиндан ҳам у бир ҳафтадан кейин яна маҳаллада пайдо бўлди.

Фақат бир оз қарироқ ва ўзига қаролмайдиган даражада нотавон, узун қалин жунлари бир оз лойроқ, оёқлари бир оз яра-чақалироқ...

Ростми-ёлғонми, билмадим-у, маҳалла хотинлари у ҳақда бир воқеани гапиришарди. Ғамсиз, гўё болаларининг ўлимидан сўнг, яшагиси келмаганмиш. Ҳокимият ҳужралари қаршисида тўхтаб, бўйнини букканча, кимгадир зорлангандай узуқ-узуқ увлаб, болаларини ўлдирган заҳардан ўзига ҳам истаган эмиш... Ҳатто бир гал заҳарланибди ҳам, лекин ўлмай қолганмиш...

Кўп азобланиб, кўп тўлғангандан кейин яна оёққа турган эмиш.

Ғамсиз, болаларининг ўлимидан сўнг маҳалладан безиб, марказ мактабининг орқасидаги вайронага чекилибди. Ҳеч кўчаларга айлангани чиқмас, бор-йўғи баъзан-баъзан мактабнинг боғ деворидан ичкарига ҳатлар, болалар билан ўйнар, туш вақти уларнинг қолган-қутган ташландиқларини ер эди.

Катталарга қараганда болаларга кўпроқ ишонгани, улардан ёмон зарар келмаслигини билгани учунми ёки улар ҳам ўзининг ўлган кучукчалари каби беозор ва ҳимоясиз махлуқлар эканини ҳис қилгани учунми шундай қилса керак-да?

Ўқитувчилар, бу олтин сариғидай сарғиш кўзлари билан маҳзун вафо ила боқувчи, болаларнинг ҳар бир эркалигига, баъзи қийнашларига чидовчи қари дайди итни қувиб юборишмас, аксинча пинҳона ҳимоя қилишарди.

Хуллас, Ғамсиз мактабнинг хизматчиси, эшикбони каби бир ишли, кичикларнинг энг севикли бир дўсти бўлиб қолганди.

Марказ мактаблари инсон жамиятларининг кичрайтирилган намуналари кабидир. У ерда ҳам камбағаллик, супта кийиниш, оилавий аҳволдан уялиш... каби сабаблар билан жамиятдан четда қолдирилган ёхуд бемаврудан бемавруд кимсасиз яшаш майли билан уйидан қочган "ёлғиз"лар бор. Ғамсиз, хусусан шу кичик "ёлғиз"лар билан ошначилик қилар, боғнинг бир гўшасида бошлашиб юрарди. Кичик қалбларида таърифга сиғмас дардлар ва гина-кудурат ташиганлар, унинг лойли оёқларини қўлларига олиб, у билан дардлашар эдилар.

Ғамсиз баъзан юз берган аҳволга кўра касал боқувчилик ҳам қилар, бир кун боғда чопиб юраркан ерга йиқилиб тушган бир митти болакайнинг шилинган тиззасини тили билан ялаганди.

Саф, энди маҳалладан чиққан, яшил далалар орасидан ўтган бир ингичка сўқмоққа тушган эди. Ғамсиз, энг олдинда, мағрур ва тавакқал қилиб одимлаб борарди. Фақат нимагадир бугун унда машқи пастлик, тушуниксиз бир ланжлик бор эди.

* * *

Ниҳоят, байрам ўтказиладиган жойга етиб борилди. Бу ер бир соясалқин ирмоқ бўйи эди. Сувларнинг ичига мажнунтол новдалари осилиб тушган эди.

Кичкинтойларнинг шовқин-суронидан ўтлоқдаги қушлар ҳуркиб қочди. Энди кун уларнинг куни эди. Атроф чоп-чоп, қий-чув билан тўлди. Биров дарахтларга тирмашар, биров гуркираб ўсган ўтларга думаларди. Оқшомгача бир дунё вақт ўтгани билан ишлари бўлмай бор кучлари, қувончларини сарфладилар, ҳатто егуликлари, таомларини еб битказганларини ҳам сезмай қолдилар.

Ғамсиз ҳам бир ора жонланиб, болалар билан бирга ўйнагиси келди. Лекин бирданига тўхтади, бошини кўтариб аччиқ-аччиқ улиди. Кейин секин-секин бир чеккага ўтди, икки катта тошнинг орасида тўлғаниб ётди.

Ғамсиз касал эди. Болалар буни дарҳол пайқашди. Ул-бул егулик келтиришди. Лекин у таомларга қиё боқмас, ора-сира сергакланар, ёлғиз қолдиринглар, деб ёлворгандай тишларини очиб енгил-енгил ирилларди.

Ғамсизнинг изтиробини ва боқишларидаги паришонликни ўқитувчилар ҳам кўришди.

– Яқинлашманг, болалар... Ҳайвон бу. Балки, қутургандир, – дейишди.

Болалар бу гапга парво қилмаётганларини кўриб хизматчилардан бирини навбатчи қилдилар-да, ўзлари нари кетдилар.

* * *

Каттароқ ўқувчилардан бири – олти-етти ёшлардаги бир қиз – тўсатдан бир нарса ёдига тушиб бақира бошлади:

– Э, воҳ, Ғамсизни заҳарладилар... Бугун эрталаб бир нарса олиш учун боққолга боргандим. Кўча бошида, ахлатлар устида Ғамсизни кўрдим. Ўша ердаги бошқа итлар билан бирга бир нарса еяётган эди. Менимча, аниқ-таниқ заҳарли нон еган...

Ўқитувчилар, қари итдан бундай бир эҳтиётсизликни кутишмас эди. Лекин қизнинг айтгани тўғри эди. Ғамсиз барча заҳарланган итларда учрайдиган жон талвасаси билан типирчилаб, қалтирай бошлаган эди.

Болаларнинг қувончу бахтиёрликлари бир онда сўнган, ўтлоқларга бир эски қабристон сукути чўккан эди. Баъзилари пиқиллаб йиғлашарди. Аммо қўлларидан нима ҳам келарди?..

Мактабнинг жуда севимли ити бўлса-да, бир ит туфайли бир байрамнинг кичкинтойлар учун заққумдай бўлишига йўл қўйиб бўлмасди. Ўқитувчилардан бири:

– Болалар, қўрқманг... Сизлар билмайсиз... Ғамсиз, олдин ҳам бир заҳарланиб, қутулиб қолган эди... Унга ҳеч нима бўлмайди... Қани, кетдик ўйинингизга! – дея бақирди.

Кичиклари ярим ишониб, ярим ишонмай тарқала бошладилар. Аммо баъзилари йиғлашда давом этар, баъзилари муаллимнинг сўзлари билан ўзларига ўзлари тасалли бериб: "Ғамсиз ғайратли... Ҳеч нима бўлмайди" дер эди. Ҳатто митти қўлларини очиб уни дуо қилганлар ҳам бўлди.

Ўқитувчилар, ниҳоят бошқа бир чора ўйлаб топдилар: байрам жойини икки-уч дақиқалик бир бошқа дарахтзорга кўчириш... Кўрпачалар, пакетлар тўпланди ва саф, Ғамсизни ёлғиз қолдириб, йўлга отланди.

* * *

Болалар орасида дарҳол яширин бир ташкилот қурилганди. Уч-беш дақиқада бир марта ўқувчилардан иккиси ғойиб бўлар, яширинча Ғамсизни кўргани бориб, ундан хабар олиб келарди. Хабар, дарҳол кичкинтойлар орасида тарқалар, энг миттилари ҳам буни ўқитувчилардан пинҳон тутишарди.

Бир соатдан кейин яна бир аччиқ хабар келди. Ғамсиз ўлаётган эмиш. Яширинган тош оралиғидан чиққан ва тинмай тўлғанаётган экан. Оғзи, кўзи, оёқлари қон эмиш. Бу гапдан кейин болалар на буйруққа на таҳдидга бўйсунишмади. Ҳамма бирдан йиғлаб бақирганча югура бошлади. Ўқитувчилар, иккисини, учини аранг тутиб олар, саккизи уларга тутқич бермай қочарди.

Айни чоғда улар итга яқинлашмадилар. Ғамсизнинг жон талвасаси қўрқинчли тус олган эди. Гоҳ ерда шиддат билан думаланар, оёқлари билан ер титкалар, гоҳ қонли оғзини осмонга кўтариб, таҳдид қилаётгандай, бехосият бир овоз билан улир эди. Ниҳоят бор кучи билан бир ғужанак бўлди ва ичидаги оловни босиш учун тўғри ирмоққа қараб чопа бошлади.

* * *

Ирмоқ четидаги ингичка тахта кўприк ёнида, беш ёшлардаги икки нафар жажжи-жажжи қизалоқ бор эди. Булар итнинг чанг-тўзон кўтариб келаётганини кўрганда, ўтакалари ёрилиб, тахта кўприкдан қарши томонга ўтмоқчи бўлдилар. Лекин бири эсанкираб сувга тушиб кетди. Чирпина бошлади.

Ғамсиз бу фалокатни кўрди-ю, бирдан тўхтади. Йўлини бурди. Тахта кўприкка қараб чопди. Боланинг орқасидан ўзини сувга отди. Уни оғзи билан этагидан тутди. Ўқитувчилар етиб келганда уни сувнинг устига чиқариб турди.

Сўнгра ортиқ тоқати қолмагандай ўзини қўйиб юборди. Бир-икки марта чўмди, атрофидаги сувларни кўпиртирди ва ўлди. Оғирлиги қолмаган вужуди сувнинг сокин-сокин оқишига мослашиб аста-секин узоқлашди.

ЭСКИ БИР ЯРА

Мен онамдан уч ёшимда етим қолдим. Отам қасабамиздаги ғариблар касалхонасининг қоровули эди.

Илгарилар жандармлар ўнбошиси экан. Отдан йиқилиб, оёғи синибди.

Уч ой касалхонада ётган. Лекин бутунлай тузалиб кетмаган. Қўлтиқтаёқсиз юролмади. Оқсоқлар жандармерияда ишлолмаслиги сабабли, ишидан четлатганлар. Лекин бола-чақали, катта хонадон бошлиғи эканлигини ўйлаб, ўзи даволанган касалхонанинг қоровуллиги билан сийлабдилар.

У вақт уйимизда жуда кўпчилик эканмиз... Ойим, бувим, бева аммам ҳамда икки акам... Бу олти насибахўр отамнинг қарамоғида эканмиз. Лекин қисқа бир муддат ичида буларнинг ҳаммаси ўлган. Энг охирида ойим ҳам кетгандан кейин биз уйда икки киши қолганмиз.

Отам, эрта билан касалхонага кетаркан, мени узоқ қариндошакраболаридан бири, бир қари хотиннинг уйида қолдирар, ишдан қайтишда ола келаркан. Бир қўлида саватхалтаси, бир қўлида мен, ота ва ўғил уйимизга бирга келарканмиз... У замонлардан менинг ёдимда қолган нарса кичкина-кичкина гўнг уюмларига тўла бир боғда товуқлар билан ўйнаганларим ва ора-сира эр-хотиндан калтак еганларимдир.

У пайтлар отамни кўп озорлар эканман... Оқсоқ бир одамнинг кун бўйи чарчаб келгандан кейин яна кечалари ҳам болага қараши мушкул иш... Лекин мени жуда яхши кўргани учун шикоят қилмас экан... Баъзи кечалар узун-узун йиғлар эканман... Аёнки эр-хотинниинг меҳрига тўймаганман, шунинг учун кечалари унга эркалик қиларканман.

Қўшнилар хархашаларимга қандай чидашини сўраганларида, отам: "уй аҳли худди келишиб олгандай бир-бир кетиб юборишди. Эски қувончлардан биргина унинг қўнғироқдай овози қолди. Кўп кўрманглар!" дер экан.

Тўрт-беш ёшга кирганимда мен унга яхши бир дўст, ҳатто ўринбосар бўла бошладим.

Бу пайтларни жуда яхши эслайман. Бир қари қариндошимиз ўлганди. Энди касалхонага бирга бориб-келардик. Шамоллаб қолишимдан хавотирлангани учун, мени қават-қават кийинтирар, бошимни, бўйнимни яшил бир жун шарф билан ўраб, касалхона қопқаси олдидаги кичик қоровулхонага ўтқазиб кетарди.

Ҳолимга яраша вазифаларим ҳам бор эди. Масалан, касалхона боғига кирган итларни калтак билан қувиб юбориш менга оид бир иш эди. Ҳатто докторларга сигарета ё бошқа майда-чуйда опкелиш учун баққолга ҳам бориб-келардим.

Муҳим вазифаларимдан яна бири жанозаси касалхонада ўқилган ўликлар қандай чиқарилганини синчиклаб кузатиш эди. Бу кимсасиз маййитларнинг орқасида аксарият касалхона имомидан ҳамда мендан бошқа жамоат бўлмасди.

Отам гаплашишни яхши кўрадиган, тили ширин бир одам эди. Уйда мендан бошқа инсон бўлмагани учун ноилож мен билан гурунглашарди. Катта ёшли киши билан суҳбатлашгандай.

Менга ўзи билган даражасида ахлоқдан, диндан, тарихдан, ҳатто сиёсатдан ҳам гапириб берарди. Рўзғордаги ҳамма ишларни ўзимиз қилардик. Маскоп урушидан қолган қўшиқларни айтганча кир ювар, тахта жавонларни артар, сўкилган кўйлакларимизни тикардик.

У қилиб, бу қилиб, ойлар-йиллар ўта-ўта ўн икки ёшга ҳам кирдим. Лекин жуда заиф ва яхши ўсмай қолганим учун, ҳеч ким мени саккиздан ошган деёлмас эди. Шу боисдан катта-катта одамларнинг йиғинларида, масалан, ҳаёт қийинчиликларидан, оилаларда тирикчилик ўтиши оғирлашиб бораётганидан ёки ҳокимиятдаги билимсизлик ва порахўрликдан ҳар балони кўраверіб пишиб кетган, энг жабрдийда бир одамдай баҳс юритишимни эшитганда бирон киши бир нима деёлмай қоларди. Лекин ҳар қалай бола эдим. Ана шу болалик менга шундай бир иш қилдирдики, бугун қирқ беш ёшимда, куёви, келини бўлган бир киши бўлганим ҳолда ҳанузгача унинг аччиғини унутолмайман.

Биз яшаган жой битмас-туганмас зайтун ўрмонлари қоплаган шикорин, сокин бир қасаба эди. Қишин-ёзин устидан қуёш, бағридан яшилик кетмас эди. Шиддатли ёмғири, бўронлари ҳам бўлмаган бу юртда, бир кун ҳеч кутилмаган бир қиёмат-қойим бўлди: "Уруш!.."

Чегара биздан тўрт соатлик нарида эди. Қасаба бир неча соат ичида остин-устун бўлди. Аҳолининг бир қисми бола-бақраси билан орқа тарафларга қочар эди. Лекин кимсасизлар, фақирлар, чоллар бунинг иложини қилишолмасди. Биз, табиийки, қолганлар орасида эдик. Отамнинг вазифаси бор эди. Ундан ташқари бугундан эртагача етарли егулик нонимиз йўқ эди. Қасаба бир казарма ҳолига келди. Бозорлар бекилди. Бўш уйлар аскарлар томонидан ишғол қилинди. Ўнқир-чўнқир тош кўчалардан кеча-кундуз суворий сафлари, тўп аравалари ўтар эди.

Икки кундан кейин узоқ-яқинларда тинимсиз тўп овозлари гумбурлай бошлади. Қўрқиб кетганимда отам, бир нарсани биларди шекилли ё менга тасалли бермоқчи бўлдими:

— Қўрқма, Халил... Душман бу ергача келолмайди. Худо хоҳласа, аскарларимиз уларни тор-мор қилади, узоқ-узоқларга суриб ташлайди, — дер эди.

Отамнинг айтганлари тўғри чиқди. Бир-икки кун ичида тўп садолари аста-аста узоқлашди, сўнгра бутунлай тинди.

Бу уруш узоқларда бўлиб ўтган пўртанага ўхшарди. Келган хабарлар жуда яхши эди. Аскарларимиз душманни олдига солиб ҳайдаб кетаётган эди.

Қочганларнинг бир қисми қайтиб келди. Бозорда бир-икки дўконлар очилди. Лекин қасаба бир нави ўша казарма ҳолини сақлаб қолаётган эди.

Урушга кетаётган ҳарбий қисмлар доим шу ердан ўтарди.

Қасабада эркак зоти қолмаганга ўхшарди. Қўли қурол тута оладиган ҳар бир эркак аскар бўлган ёки кўнгилли жангчи гуруҳлари ташкил этиб, ўрду кетидан қолмай жанг қилар эди.

Отам ҳам шундайларнинг орасида эди. Фақат тўғрисини айтиш шарт бўлса, у ўз истаги билан кетганлардан эмасди. У менга:

– Ўғлим, бизнинг докторлар жанг майдонига яқинроқ жойда касалхона қуришга кетишяпти... Ярадорларни бу ергача олиб келиш қийин бўлади. Қўлларида ишга яроқли одамлари оз... Касалхонанинг нафақадаги эски хизматчиси деб мени ҳам олиб кетишяпти..Вазифадан бўйин товлаш тўғри келмайди... Зотан, борадиган жойимиз узоқ эмас... Бу ердан икки-уч соатда борса бўладиган бир қишлоқ... Ҳафтада бир-икки марта сени кўришга келиб тураман... Энди катта йигит бўлиб қолдинг. Қўшниларга ҳам тайинладим. Сендан хабар олиб туришади, – деганди.

Отамдан биринчи марта айрилганим ва уйда ёлғиз қолганим учун илк кунларда бир оз маҳзун бўлгандим. Аммо тез кўникдим. Бора-бора бу эркинлигимдан хушлана бошладим. Илгарилар отам мени бурнининг тагидан қочирмас эди... Энди кечгача маҳалла болалари билан кўчада, қирда ўйнардим.

Отам ҳафтада бир-икки карра мени кўришга келажагига берган сўзига содиқ қолганди. Тез-тез рухсат олар, жабҳага бориб келадиган алоқа машиналаридан бирига миниб қасабага келарди.

Келадиган пайтларини суриштириб билиб олар, қасабадан ярим соатлик йўлга чиқиб олисдаги бир кўприк бошида уни кутиб олишга борардим.

Шўрлик отам ҳар гал мени йиллар бўйи соғиниб кетгандай йиғлар:

– Вой менинг Халилим, – дея юз-кўзларимдан ўпар эди.

Отамнинг қизил бир чўнтак рўмоли бор эдики, унга тугиб менга егуликлар олиб келарди: қизартирилган қотирма нон, қаҳва шакари, зайтун, ун, ёғ, ҳатто гўшт... Сўнгра газ, кўмир, совун каби нарсалар олиб туриш учун бир баққолда менга қарз дафтари очганди. Бундан ташқари эҳтиёт сифатида пул ҳам қолдирарди.

У йўғида мен уйнинг нақ катта хўжайини эдим. Ўз қўлим билан овқат пиширар, ўрнимни ўзим тўшаб, ўзим йиғар, уйни супуриб-

сидириб, киримни ўзим ювардим. Ҳатто баъзан катта одамлардай уйга меҳмон чақирган пайтларим ҳам бўларди.

Бу менга катта одам ғурурини берарди. Отам уйда қолган кечаларда алла маҳалларгача ўчоқ бошида ўтирар, суҳбатлашардик. У менга уруш ҳақида ярадорлардан эшитган воқеаларини бирига ўн қўшиб айтиб берар, масалан, достонга ўхшаган битмас-туганмас ҳодисалардан сўйларди.

Бир кун отамнинг рўмолидан нақшли бир ҳамён, унинг ичида қаламтарош билан бир олтин ҳалқа ҳамда чарм муқовали дафтар чиқди.

Отам чуқур бир уф тортгандан кейин дедики:

– Халил! Куни кеча касалхонада тоғдай бир бобойигит ўлди. Ҳолим Худога аён: отам ўлганда бунчалик куймаган эдим... Бу азамат йигит кўнгилли жангчилар билан жабҳага борган...Бир қанча босқинчи кофирларни ер тишлатган... Энг сўнгида душман бу партизан жангчиларни бир дара теграсига чекинтирган... Кўнгиллилар бирин-кетин шаҳид бўлганлар... Биргина шу азамат қутулиб қолган... Тоқ боши билан қолгач йиқиқ бир сув тегирмонида сақланган...Улар қанча қидиришса ҳам, тополмаганлар... Шом қоронғиси тушгач у ердан чиққан. Бизникилар тарафга қараб бораверган... Йўлда уч душман аскарига дуч келган: икки пиёда ва бир човуш. Тез қўлга қурол олишларига имкон бермай, устларига отилган. Уччовини ҳам дабдала қилган. Бу қаламтарош, узук ва дафтарни душман човушининг чўнтагидан олган... Начораки, бўғишув асносида у ҳам бир неча еридан яраланган... Қони оқа оқа бизнинг касалхонага келтиришди... Уч кун яшагандан кейин куни кеча эрталабга яқин ўлди... Ўлажагини англаб етгандан кейин бу ёдгорларни менга қолдирди... Қимматли бир хотира... Жавонга солиб қулфлаб қўяйлик, турсин...

Икковимизда ҳам уйқу йўқ эди. Ўша тун, тонггача ул азаматга ачиниб йиғладик. Отам, зотан, кўнгилчан қария эди. Мен эса ўн икки ёшдаги заиф ва таъсирчан бола...

Орадан, билмадим, қанча вақт ўтди. Уруш бошлаганда бизларни бир неча кун ичида тор-мор бўлади деб таҳмин қилган душман аскари ҳамон қаршилик қиларди.

Шаҳарда қаҳатчилик уч кўрсата бошлаганди. Ҳамма хомуш эди. Лекин болалар учун бу уруш ҳеч тугамайдиган байрам эди. Наактаб бор эди, на сўраб-суриштирувчи... Аскар каби болалар ҳам ҳар куни саф-саф отряд ҳолида кўчаларда айланишар, уруш-уруш ўйнашарди. Бу болалардан аксариятининг жабҳада оталари, акалари, қариндошлари бор эди. Уларнинг қаҳрамонликларига оид воқеалар сўйлар, ўзларига бир ифтихор улуши олмоқчи бўлардилар. Айниқса насроний болалар билан баҳслашганда...

Отаси, акаси ҳақида айтишга арзигулик воқеаси бўлмаганлар жуда оз эди.

Мен эса шундайлардан бири эдим. Оқсоқ бир касалхона хизматчисининг қайси қаҳрамонлиги билан ифтихор эта олардим?

Бу эса, ёлғончиликка бошлади. Отамнинг энг аҳамиятсиз бир воқеани пардозлаб шиширириб жуда катта бир ҳикоя ҳолига келтириб гапиришлари менга ҳам ўтганди.

Жавондаги сақлаб қўйилган қаламтарошни, узукни ҳамёнга солиб чўнтагимга тиқдим. Бегона маҳаллаларнинг бегона болаларига қўшилиб айлана бошладим.

Касалхонада ўлган ёш кўнгилли йигит воқеасини отамга тегишли қилдим. Лекин воқеани ишонарли қилиб тақдим этиш учун кўп жойларини ўзгартирдим. Отам бир кун яradорларни ташиб келиш учун жабҳада айланиб юрганда бир душман човушига дуч келади, уни ўлдиради. Ким бунга ишонмаса чўнтагимдан човушнинг нақшли ҳамёнини, узугини, қаламтарошини чиқариб кўрсатардим.

Болаларда эмас, катталарда ҳам мўъжизавий нарсаларга инониш эҳтиёжи шу қадар кўпайгандики, менинг бу ҳикоямга ҳам ишонардилар. Отамнинг оқсоқ оёғини минг машаққат билан сурадиган, товуқ сўйишдан ҳам ҳуркадиган аёлманд бир одам эканлигини қаёқдан ҳам билишарди!

Бир кун қасабада яна бир қиёмат-қойим бўлди. Ўрду бузилиб, чекина бошлаган эди. Аҳолининг каттагина қисми чекинаётган ўрдунинг орқасидан эргашиб қасабадан чиқди, биз яна қолдик. Икки кун кейин душман аскари мусиқа чалиб қасабага кира бошлади.

Кўчма касалхона тарқаган, отам қасабага қайтган эди.

Отам касалхонанинг шўрлик оқсоқ хизматчиси, мен эса кичик бир бола бўлганим учун қўрқадиган жойимиз йўқ эди. Аммо уйимизга икки-уч душман аскари келди. Биттаси мен тушунмайдиган кофирча тилда бир нарсалар дея қўлимдан тутди, мени икки кўча наридаги полисхонага олиб борди. У ерда бир неча зобит билан олти бола бор эди. Булардан беш нафари насроний эди. Туркча биладиган бир зобит:

— Шуми? — дея сўраб болаларга мени кўрсатди.

Улар "Ҳа" деб тасдиқлашди.

Зобит энди менга ўгирилди!

— Бола... Сенинг отанг бир нарсалар қилганмиш... Буларга айтганмишсан... Бизга ҳам айтиб бер, эшитайлик... Қўрқма, тўғрисини айтсанг, ҳеч гап бўлмайди, — деди.

Жуда қаттиқ қўрқиб кетгандим. Фақат:

— Ёлғон... Мен ҳеч нарса демаганман, — дея инкор қилардим.

— Булар нима? — дея қўли билан орқамдаги эшикни кўрсатди.

Мени уйдан олишга борган аскарлардан бирининг қўлида қаламтарошни, ҳамённи, дафтарни кўрдим.

Зобитлар, ўзаро кофирчасига бир нималар дея бу ашёни қўлдан-қўлга олардилар. Менга ортиқ ҳеч нарса дейишмади. Бири қўлимдан тутиб кўчага улоқтирди.

Ўша оқшом, отамни душманга қурол ишлатган бир қанча оддий мусулмонлар билан бирга отиб ташладилар.

Кейинча баёнот беришларича, отамни, қўллари кишанли ҳолда, найзали аскарлар олдига солиб қасабадан чиқариб юборганмишлар... қўлтиқтаёғи қўлида бўлмагани учун оқсоқ оёғи билан сафдошлари, дўстларига етишиб юролмабди... Орқада қолганда душман аскари орқасидан найза билан туртиб борганмиш... Кетаркан кўзлари доим йўл ёқасидаги болаларда экан... Турган гапки, уларнинг орасида мени ҳам кўриб қолишдан умид қилган...

МУНДАРИЖА

Таржимондан 3
Муҳаббат симфонияси (Дудоқдан қалбга) *Роман* 4
Ҳикоялар 238

Адабий-бадиий нашр

Рашод Нури Гунтекин

МУҲАББАТ СИМФОНИЯСИ

(Дудоқдан қалбга)

Роман ва ҳикоялар

Муҳаррир *Шойим Бўтаев*
Бадиий муҳаррир *Шуҳрат Мирфаёзов*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Мусаҳҳиҳ *Фотима Ортиқова*
Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннопова*

Нашр. лиц. № 154.14.08.09. Босишга 01.07.2011 й. да рухсат этилди.
Бичими 60x90$^{1}/_{16}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма.
15,75 шартли босма тобоқ. 16,3 нашр тобоғи. Адади 3000 нусха.
72–2011 рақамли шартнома. 294 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзил: www.iptdgulom.uz
E-mail: iptdgulom@sarkor.uz


Гунтекин, Рашод Нури.
Муҳаббат симфонияси (Дудоқдан қалбга): (роман ва ҳикоялар) / Рашод Нури Гунтекин; туркчадан М.Аъзам тарж. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 252 б.

Улуғ турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекин 1925 йилда ёзилган “Муҳаббат симфонияси” (“Дудоқдан қалбга”) романида турли социал қатламлардан чиққан қаҳрамонларнинг яшаш тарзларини кўрсатаркан, даврнинг ижтимоий-сиёсий шароитини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Миллий анъаналар ва янгиликлар билан таништиришдан ташқари, умуминсоний муаммоларни ҳам бениҳоя гўзал тасвирлар билан жонлантиради, самимийлиги ва ростгўйлиги билан кенг омма қалбига киради. Илк романи “Чолиқуши”да бўлгани каби, бу асарда ҳам қаҳрамонларнинг ҳиссий тўлқинлари, умидсиз яшаш манзараларини усталик билан таҳлил этади, ўқувчини роман қаҳрамонлари Лампа билан Ҳусайн Канон ортидан Истанбул ва Измирга, Кутаҳйа ва Бўзёқанинг бетакрор манзарали бурчларига етаклайди. Қаҳрамонларнинг теран ва мураккаб муҳаббатлари қиссаси Сизни ҳам ҳаяжонга солади.

ББК 84 (5Тук)

Машҳур турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекиннинг асарлари турли тилларга таржима қилиниб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбини забт этган. “Чоликуши” романи орқали ўзбек китобхонларининг ҳам меҳрини қозонган ёзувчининг “Муҳаббат симфонияси” асари она тилимизда илк бор нашр этилмоқда.

“Муҳаббат симфонияси” асосида яратилган телесериал томошабинлар орасида катта шуҳрат қозонган.



ISBN 978-9943-03-372-6